


New York Times va
Wall Street Journal бестселлери

МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛИ САБАБЛАРИ

қудрат, фаровонлик
ва камбағаллик манбалари



**Дарон Ажемўгли
Жеймс А. Робинсон**

**МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛИ
САБАБЛАРИ:**

**қудрат, фаровонлик ва камбағаллик
манбалари**

Тошкент
2021

УЎК 323:33(4)

КБК 66.3(4)

Р 99

Ажемўгли, Дарон. Робинсон, Жеймс А.

Мамлакатлар таназзули сабаблари: қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари / Дарон Ажемўгли, Жеймс А. Робинсон, инглиз тилидан Сиротуллохон Муҳаммадсолиев таржимаси. Тошкент: “Ofset-print” МЧЖ, “Nihol” nashriyoti, 2021. 672 бет.

ISBN 978-9943-23-189-4

Таржимон

Сиротуллохон Муҳаммадсолиев

Масъул муҳаррир

Бехзод Ҳошимов

“Asaxiy books” лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди

Нега айрим мамлакатлар фаровонроқ яшайди? “Мамлакатлар таназзули сабаблари” муаллифлари ушбу саволга ишончли ва изчил асосланган янги назария билан жавоб беришга бел боғлаган: фаровонлик сабаби иқлим, география ёки маданият эмас, балки мамлакатдаги институтлардир. Қадимги Рим ва тюрдорлар давридан то замонавий Хитойгача бўлган тарихий ва замонавий мисолларга таянган етакчи олимлар – Дарон Ажемўгли ва Жеймс А. Робинсоннинг таъкидлашича, кучи ва маблағини тикиши учун одамлар қаттиқ меҳнат қилса, бойиши мумкинлигига ишониши зарур, бу эса инновацияга рағбат, барқарорлик ва тинчликни таъминловчи ишончли институтлар демакдир.

Китоб муаллифлари ўзларининг ўн беш йиллик тадқиқотларига асосланиб, Макс Вебердан то Жеффри Сакс ҳамда Жаред Даймондгача бўлган қатор олимларнинг назарияларига жавоб берди.

УЎК 323:33(4)

КБК 66.3(4)

ISBN 978-9943-23-189-4

© “Asaxiy books” МЧЖ, 2021

© Daron Acemoglu, James A. Robinson

МУНДАРИЖА

Ислоҳотлар учун боп қўлланма (<i>Жамшид Қўчқоров</i>)	7
Тараққий этишга умид бор (<i>Беҳзод Ҳошимов</i>)	9
Сўзбоши	12
Накадар яқин ва шу қадар турфа	18
Рио-Гранде иқтисоди	19
Буэнос-Айреснинг ташкил топиши	22
Кахамаркадан...	24
Жеймстаунга...	35
Икки конституция ҳақида қисса	47
Бизнес ғоя, иш бошлаш ва кредит олиш	53
Эски йўлдан оғишмаган ўзгариш	59
Миллиард ишлаб топиш	62
Глобал тенгсизлик назарияси сари	66
Асоссиз назариялар	73
Мавжуд вазият	75
Географик омил назарияси	79
Маданий омил назарияси	90
Билимсизлик назарияси	100
Фаровонлик ва қашшоқликнинг келиб чиқиши	107
38-Параллел иқтисоди	109
Экстрактив ва инклюзив иқтисодий институтлар	114
Тараққиёт омиллари	118
Экстрактив ва инклюзив сиёсий институтлар	121
Нега доим ҳам фаровонлик йўли танланмайди?	127
Конгонинг кўп йиллик изтироби	133
Экстрактив сиёсий институтлар шароитидаги ривожланиш	138

Кичик фарқлар ва бурилиш нуктаси: тарих юки	145
Ўлат яратган дунё	147
Инклюзив институтлар қуриш	153
Аҳамият касб этадиган кичик фарқлар	157
Тарихнинг шартли йўли	164
Мавжуд вазиятни англаш	168
“Келажакни кўрдим, у рўёбга чиқяпти”:	
экстрактив институтлар шароитидаги ўсиш	183
Келажакни кўрдим	185
Касаи дарёси қирғоқларида	197
Узоқ чўзилган ёз	202
Бекарорлик	211
Хато нимада?	220
Ажралиш	223
Венеция қандай қилиб музейга айланди?	225
Римнинг устунликлари	234
Римнинг камчиликлари	243
Виндоландада ёзадиган ҳеч ким йўқ	253
Айро йўллар	256
Дастлабки ўсишнинг оқибатлари	262
Бурилиш нуктаси	265
Пайпоқ муаммоси	267
Охири йўқ сиёсий низо	270
Шонли инкилоб	279
Саноат инкилоби	288
Нега Англия?	304
Бизнинг еримизда эмас: таракқиёт йўлидаги	
ғовлар	311
Чоп этиш тақиқланади	313
Аҳамиятли кичик фарқ	319
Саноатдан кўрқиш	325
Сузиш тақиқланади	337
Пресвитер Жоннинг мустабид бошқаруви	341

Самаале болалари	346
Давомий колоклик	353
Таракқиётнинг ортга кетиши	355
Зираворлар ва геноцид	357
Жуда оддий институт	364
Кўш иқтисодиёт	375
Таракқиётнинг орқага кетиши	392
Фаровонликнинг кенгайиши	397
Ўғрилар орасидаги шараф	399
Тўсиқларни парчалаш: Буюк француз инқилоби	411
Инкилобнинг ёйилиши	419
Замонавийликка интилиб	426
Дунёдаги тенгсизлик илдизлари	432
Ижобий алоқадорлик занжири	437
“Қоралар тўғрисидаги қонун”	439
Демократиянинг аста юриши	449
Трестларни парчалаш	461
Судни қўлга олиш	470
Ижобий алоқа ва ижобий занжир	480
Зарарли алоқадорлик занжири	483
Энди поездда Бога боролмайсиз	485
Эврилиш: энкомиенда ўрнига ерларни тортиб олиш	499
Қуллик ўрнига Жим Кроу қарамлиги	508
Олигархиянинг темир қонуни	517
Салбий алоқадорлик ва зарарли алоқадорлик занжири	526
Нега замонамизда мамлакатлар инкирозга учрайди?	531
Зимбабведа лотереяни қандай ютиш мумкин?	533
Болаларнинг салиб юриши	540
Давлат ким?	546
El Corralito	554

Янгича абсолютизм	561
Пахта қироли	564
Қил устида турган ўйин майдони	571
Нега мамлакатлар таназулга учрайди?	576
Қобикни ёриб чиқиш	583
Африкалик уч сардор	585
Жанубда экстрактивликка барҳам берилиши	599
Хитойдаги қайта тугилиш	608
Фаровонлик ва қашшоқликни англаш	619
Тарихий илдизлар	621
Авторитар тараққиёт жозибаси	633
Тараққиётни ясаб бўлмайди	646
Ташқи ёрдам муваффақиятсизлиги	652
Ҳақнинг олиниши	659

ИСЛОҲОТЛАР УЧУН БОП ҚЎЛЛАНМА

Инсоният тараққиётини ва мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларидаги тарихий тафовутларни тушунтириш борасида турли хил ёндашув ҳамда қарашларни ақс эттирувчи қатор илмий-тарихий ва эмпирик тадқиқотлар қилинган.

Масалан, кўп мурожаат этиладиган ёндашувлардан бири, Африканинг географик жойлашуви, иссиқ иқлими ва оғир колониал мероси минтақа мамлакатлари қоқлигига сабаб сифатида келтирилади. Ёки Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг XX асрдаги шитоб ривожланиши учун уларнинг иқлими, табиий бойликлари, уммонга яқинлиги ва ўша мамлакатлар аҳолисининг ўзига хос “менталитети” ва меҳнатсеварлигини сабаб қилиб кўрсатувчи назария ҳам мавжуд.

Албатта, бу ёндашувларнинг ҳар бирида мантик бор, лекин мазкур китобда таниқли иқтисодчи олимлар – Дарон Ажемўғли ва Жеймс Робинсон ўзларининг кўп йиллик илмий тадқиқотларига асосланиб, мамлакатлар нима учун ривожланиши ёки таназулга юз тутиши сабабларини тушуниш учун юқорида келтирилган қарашлар етарли эмаслигини ва аксар ҳолларда иқлим, жойлашув ва “менталитет” каби омиллар у қадар муҳим бўлмаслигини бир нечта давлатлар мисолида далиллар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Умуман, китобнинг тарихий компоненти жуда мустаҳкам. Фактлар бир-бирига боғланган ҳолда жуда қизиқарли ва изчил келтирилгани, турли назариялар мантиқан асослангани эътиборга лойиқдир.

Муаллифлар китобда кўпгина илмий тадқиқот хулосаларини мужассам қилган ҳолда, оддий, лекин ўта муҳим хулосага келадилар – мамлакатдаги сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги тартиблар, анъаналар, урф-одат ёки қонунчилик тизимлари орқали

яратилган узок муддатли ҳамда барқарор хуқ-атвор намуналари, бошқача қилиб айтганда, давлат ва жамият институтларининг ривожлангани ва ишлаш принциплари иқтисодий тараққиёт учун асосий омил ҳисобланади. Шу билан бир пайтда, институтларнинг ривожланмагани тараққиёт учун тўсик бўла олиши ҳам очиб берилган.

Китобнинг афзаллиги шундаки, уни ўқиб тушуниш учун чуқур иқтисодий билимга эга бўлиш талаб этилмайди. Китобнинг тили ва услуби анча содда ва тушунарли ҳамда кенг омма учун мўлжалланган бўлса-да, иқтисодчилар учун ҳам бирдек қизик.

Умуман олганда, мазкур китобдаги ёндашув ҳамма саволга жавоб беради, деган фикрдан йироқмиз. Лекин фикр ва қарашларнинг хилма-хиллиги муваффақиятга эришиш учун объектив зарурият эканлигини кўпчилик савол остига олмаса керак, деб ўйлаймиз. Шунингдек, мазкур асар кўшимча билим манбаи сифатида ҳамда бошқа мамлакатлар тажрибасидан сабоқ олиш нуктаи назаридан мақсад ва вазифаларни аниқлаштириб олиш имконини беради.

Ўйлаймизки, китоб кенг жамоатчилик ўқиб муталаа қилиши учун муносиб. Айниқса, ҳозирги кунда ватанимизда олиб борилаётган кенг камровли таркибий ва институционал ислохотлар ҳамда қутилаётган натижаларни таҳлил қилиш учун айтилган муддао бўлади.

Хулоса ўрнида, ушбу китобни ўзбек тилига ўгиришга бел боғлаб, бунинг удласидан чиққан дўстларимизга китобхонлар номидан миннатдорлик билдираимиз.

Жамшид ҚҶЧҚОРОВ

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва
камбағалликни қисқартириш вазирлиги,
иқтисод фанлари номзоди*

ТАРАҚҚИЙ ЭТИШГА УМИД БОР

“Нега айрим мамлакатлар бой, баъзилари эса камбағал?” деган саволга жавоб, аминманки, барча ўзбекистонликлар учун кизик. Жумладан, менга ҳам. Ватанимиз қандай қилиб фаровонликка эришиши мумкин, дейишга сабаблар етарли. Чиндан ҳам, нима учун дунёдаги баъзи мамлакатларда ҳатто ўртамиёна яшайдиган кишиларнинг турмуши, ҳаёти камбағал ўлкалардаги аксар инсонларникидан яхшироқ? Бу китоб шу ҳақда, яъни “Нега бир канча мамлакат аҳолиси фаровон, тўқ яшаса, бошқа мамлакатдагиси қашшоқликда умр кечиришга маҳкум?” каби-лидаги саволларга жавоб излайди.

Бунга жавоб тариқасида майдонга муаллифлар фойдаланган асосий тадқиқот манбаси – инсоният тарихи чиқади. Ўтмишда ҳам барча давлатлар бирдек фаровон кун кечирмаган, қадимги жамиятлар даромади бугунгига монанд бўлган. Қашшоқлик ва танглик ҳамманинг бўйнига тушган оғир тош эди. Инсоният XVII асргача ҳеч қандай иктисодий тараққиётни кўрмади ҳисоб. Охириги 250–300 йилда эса ўсиш ва ривожланиш суръати кескин ошди, даромадлар кўпайди.

Шу ерда савол туғилади: иктисодий ўсиш нима ўзи? Бу нима учун муҳим? Айни замондаги турмуш тарзимизни XVII аср шароити билан солиштириш мушкул, шундай бўлса-да, келинг, бир уриниб кўрайлик. Агар турар жой, хонадондаги қулайликлар, овқатланиш сифати, соғлиқни сақлаш ва маиший енгилликларга эътибор берилса, фарқ беҳад катталиги дарров билинади. Ривожланган давлатларда очлик ва совуқдан ўлим ҳолати умуман учрамайди. Бирок ҳозирги гуллаб-яшнаган ўлкаларда ҳам икки аср олдин очлигу кийинчиликдан вафот этадиганлар сони кўп эди. XVII асрда чакалоқларнинг 30 фоизи бир ёшга етгунча касаллик, носоғлом, сифатсиз турмуш тарзи сабаб нобуд бўлар, вазият бугунги энг қашшоқ мамлакатлардаги ракамлардан-да кўркинчли эди. Тараққий этган ўлкаларда бугун мингта чакалоқдан 4 таси бевақт нобуд бўлади, ўн еттинчи асрда эса бу кўрсаткич ўта юқори бўлган: мингта боладан 300

таси ўлим билан олишиб, вафот этарди. Ҳозирги натижа ўлим олдидаги ғалабадир. 200 йил олдин ҳам инсонларнинг қарийб ярми 20 ёшга тўлиб-тўлмай, эрта оламдан кўз юмарди.

Бу ютуқ ва прогресснинг сабаби, албатта, иқтисодий тараққиёт. Лекин савол ҳамон ўшандай очиқ турибди: бир неча юз йил олдин Ғарбий Европада бошланган ривожланиш ва иқтисодий ўсишнинг сабаблари нимада? Нега инсоният XVIII асргача деярли бир хил шароитда яшади-ю, кейин тўсатдан олдинга сакраб, бутунлай бўлак манзара шаклланди? Нега биз аллақандай мўъжиза сабаб мисли кўрилмаган ривожланиш ва тараққиёт шоҳиди бўляпмиз?

Китоб муаллифлари бунини институтлар, биринчи ўринда, сиёсий ва иқтисодий институтларнинг ўзгаришига боғлайдилар. Юқорида икки хил фарқ хусусида айтдик. Биринчиси, дунё мамлакатлари орасидаги фарқ. Масалан, ривожланган мамлакатда туғилган чақалоқнинг бир ёшгача тирик қолиш эҳтимоли қашшоқ мамлакатда туғилган боланинг тирик қолиш эҳтимолидан баландроқ. Бойроқ мамлакатлардаги инсонлар, шубҳасиз, анча фаровон ва яхшироқ яшайди. Бу – мамлакатлараро фарқ. Лекин иккинчи фарқнинг олдида бу унча сезилмайди. Ўтмишдаги вазият билан бугунги ҳолат орасидаги тафовут мамлакатлараро фарқдан анча катталиги беш қўлдек аён.

Муаллифлар Дарон Ажемўғли ва Жеймс Робинсон ўз академик изланишларига таяниб, кескин фарқларга оид ўта муҳим хулосага келадилар: институтлар мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун ҳам восита, ҳам тўсиқдир. Яъни ҳозирги мамлакатлараро тенгсизлик сабаби институтлар ўртасидаги сифат фарқига бевосита боғлиқ. Муаллифлар бутун тарих давомида зўрға кун кечирган инсониятнинг охириги бир неча юз йилда кескин ривожланишига институтлар ҳам алоқадор, деган гипотезани таклиф этишмоқда. Улар институтлар деганда ҳар бир жамиятдаги давлат ва фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланадиган иқтисодий, сиёсий қоидаларни назарда тутишмоқда. Тараққиёт сабаби инклюзив институтлар бўлса, ривожланмаслик ва таназзул “айбдор”и

экстрактив институтлардир, деб таъкидлайди муаллифлар.

Китобда ҳамма учун муҳим савол жавоби жуда кизик ёритилган бўлиб, бир нафасда ўқиганингизни билмай қоласиз. Муаллифлар ғоялари китобхон учун тушунарли, лўнда, ортиқча саволга ўрин қолмайдиган бўлиши учун анча тер тўккани кўриниб турибди.

Китоб билан илк танишган пайтим Калифорниянинг Беркли университетида талабалар алмашув дастури орқали таҳсил олаётгандим. Ўшанда ҳамма қатори мен ҳам: “Нега университетим жойлашган Сингапур, дастур бўйича келган мамлакатим АҚШ ватаним Ўзбекистондан анча илгарилаб кетган?” деган саволга ўз-ўзидан жавоб излардим. Ўзбекистонликлар ҳам бошқа юртлар одамларидек меҳнатқаш, тадбиркор, ростгўй, уддабуррон-ю, лекин нега тараққиётда орқада, мақтангулик натижага эришмаяпти, дердим тез-тез. Бу китоб ана ўша ҳисобсиз саволларга жавоб излашни ўргатди ва иқтисодиётга қизиқишимни уйғотди, кадрдонимга айланди.

Мутолаа чоғи кўнгилда умид уйғонади. Менда айнан шундай бўлган. Қолоқлигимиз сабаби ресурсларимиз етарли эмаслиги, океанлардан узоклигимиз, иқлимимизнинг кескинлиги ёки халқимизнинг “менталитет”ида эмас. Асло! Китобни синчиклаб ўқисангиз, тадқиқотлар бунинг сабабини бошқача – институтлар сифатида изоҳлайди. Қардан ҳам умид пайдо бўларди, деманг. Иқлим, географик жойлашув, ресурслар ва инсон хулқ-атвори деярли турғун, аммо тарих исботлаган, институтлар ўзгаради ва уларни ўзгартириш унчалик кийин эмас. Келгусида биз ҳам мутараққий мамлакатлар қаторига қўшилишимизга мени айнан шу китоб ишонтирди. Умидим, мутолаадан сўнг сизда ҳам умид уйғонсин, шу чоккача кўтариб юрган шубҳа-гумонларингиз арисин.

Бехзод ҲОШИМОВ

иқтисодчи

СЎЗБОШИ

Бу китоб дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия каби бой давлатлари ҳамда Тропик Африка, Марказий Америка ва Жанубий Осиёдаги камбағал мамлакатларни ажратиб турган даромадлар ҳамда турмуш даражалари ўртасидаги улкан тафовутлар тўғрисида.

Биз ушбу сўзбошини ёзаётган чоғда, 2010 йилнинг 17 декабрида, кўчада савдо қилувчи Муҳаммад Буазизийнинг ўзига ўт қўйиши туфайли юзага келган оммавий норозилиқдан аланга олган Ясмин инқилоби ва унинг кетидан бошланган “Араб баҳори” Шимолий Африка ва Яқин Шарқни ларзага келтирди. 1987 йилдан бери Тунисни бошқариб келган президент Зайнул Обидин ибн Али 2011 йилнинг 14 январидан истеъфога чиқди. Бироқ Тунисда имтиёзли элита бошқарувига қарши инқилобий ҳаракат сусайиш ўрнига борган сари забтига олар ва аллақачон Яқин Шарқнинг бошқа худудларига тарқалиб улгурган эди. Қарийб 30 йил Мисрни қаттиққўллик билан бошқарган Хусни Муборак 2011 йилнинг 11 февралда кулатилди. Ушбу сўзбоши ёзиб бўлинганда Баҳрайн, Ливия, Сурия ва Ямандаги режимлар тақдири номаълумлигича қолаётганди.

Мазкур мамлакатлардаги норозилик илдизлари уларнинг камбағаллигига бориб такалади. Ўртаҳол мисрликнинг даромади АҚШдаги ўртаҳол фуқаро даромадининг тахминан 12 фоизига тенг ва мисрликлар америкаликлардан ўртача ўн йил камроқ умр кўради. Аҳолининг 20 фоизи тушқун кашшоқликда яшайди. Гарчи мазкур тафовутлар йирик бўлса ҳам, аслини олганда, улар АҚШ ва дунёнинг Шимолий Корея, Сьерра-Леоне, Зимбабве каби аҳолисининг ярмидан кўпи кашшоқликда яшайдиган энг камбағал мамлакатлари орасидаги фарқ билан солиштирганда анча кичик ҳисобланади.

Нима сабабдан Миср АҚШга қиёслаганда анча камбағал? Мисрликларнинг фаровонроқ яшашларига нималар тўсқинлик қилмоқда? Мисрдаги кашшоқликни енгиш имконсизми ёки ундан халос бўлиш мумкинми? Бу ҳақда фикр юритишнинг энг тўғри йўли – мисрликлар ўзлари дуч келаётган муаммолар ҳақида нима дейиши ва нима сабабдан Ҳусни Муборак бошқарувига карши чиққанига эътибор қаратишдир. Қохирадаги реклама агентлиги ходими, 24 ёшли Ноҳа Ҳамид Таҳрир майдонида намоишга чиқар экан, бу ҳақда фикрини айтди:

Биз коррупция, зулм ва сифатсиз таълим тизимидан азоб чекаёмиз. Биз ўзгариши шарт бўлган коррупциялашган тизим ичра ҳаёт кечиряёмиз.

Майдондаги намоишчилардан яна бири, фармацевтика факультетининг 20 яшар талабаси ҳам шундай фикрда:

Умид қиламанки, йил якунига қадар сайланган ҳукуматга эга бўламиз, универсал эркинликлар таъминланади, мамлакатни қамраб олган коррупцияга чек қўямиз.

Таҳрир майдонидаги намоишчилар ҳукуматдаги коррупция, ҳукуматнинг ижтимоий эҳтиёжларни таъминлай олмагани ҳамда мамлакатдаги имкониятлар тенгсизлиги ҳақида бир овоздан гапиришди. Улар айникса, репрессия ва сиёсий ҳуқуқлардан маҳрумликлари борасида шикоят қилишди.

Халқаро атом энергетикаси агентлиги собик раҳбари Мухаммад ал-Барадей 2011 йилнинг 13 январида “Twitter” саҳифасида шундай ёзган эди: “Тунис: репрессия + ижтимоий адолат йўқлиги + тинч ислоҳотлар йўлининг берклиги = портлашга яқин қолган бомба”. Мисрликлар ҳам, тунисликлар ҳам сиёсий ҳуқуқлардан маҳрумликни иқтисодий кийинчиликларнинг асосий сабаби деб билдилар. Намоишчилар ўз талабларини анчагина тизимли тарзда ишлаб чиқишни бошлар экан,

Миср қаршилик ҳаракати раҳбарларидан бирига айланган компьютер дастурчиси ва блогер Воил Халил эълон қилган, дарҳол бажариш талаб қилинган 12 та шартнинг ҳаммаси сиёсий ўзгаришларга тааллуқли эди. Энг кам иш ҳақини ошириш каби масалалар кейинчалик бажариш талаб қилинган шартлардан бири бўлди, ҳолос.

Мисрликлар учун уларнинг ривожланишларига ғов бўлиб турган тўсиқлар сирасига самарасиз ва коррупциялашган давлат ҳамда ўзларининг иқтидор, интилиш, ақлий салоҳиятлари, олган билимларини қўллаш имконияти мавжуд бўлмаган жамият кирарди. Аммо улар мазкур муаммоларнинг илдизи сиёсий эканлигини ҳам англардилар. Улар дуч келган барча иқтисодий тўсиқлар Мисрдаги кичик элита фойдаланадиган ва монополияга айлантирилган сиёсий ҳокимиятга бориб тақаларди. Бу эса, уларнинг назарида, биринчи галда ўзгартирилиши лозим эди.

Шунга қарамадан, Таҳрир майдонида шундай ишончда бўлган намоёнчиларнинг бу масаладаги фикрлари анъанавий дунёқарашлардан кескин фарқлана бошлади. Миср нима сабабдан камбағал мамлакатлигини асослашда олимлар ва шарҳловчилар мутлақо бошқа омилларга урғу берди. Айримларнинг таъкидлашича, Мисрдаги камбағаллик, аввало, унинг географик жойлашуви билан боғлиқ. Мисрнинг аксар ҳудуди саҳродан иборат бўлиб, ёғингарчилик етарли бўлмагани сабабли мамлакатнинг тупроқ ва иқлим шароити ҳосилдор дехқончиликка имкон бермайди.

Бошқалар эса мисрликларнинг маданий хусусиятлари иқтисодий тараққиёт ва фаровонлик учун гўёки қўл келмайди, деган қарашни илгари сурди. Уларнинг фикрича, мисрликлар бошқаларга тараққиёт учун имкон берган муайян ахлокий ва маданий хусусиятларга эга бўлиш ўрнига, иқтисодий юксалишга зид бўлган исломий эътиқодга эргашган. Учинчи, иқтисодчилар ва

сиёсатшунослар орасида ҳукмрон бўлган ёндашув эса Миср ҳукмдорлари шунчаки мамлакатни юксалтириш учун нима кераклигини билмайди ҳамда улар ўтмишда ногўғри сиёсат ва стратегия тутган, деган қарашга асосланган. Агар ўша раҳбарлар керакли маслаҳатгўйлардан тўғри маслаҳатларни қабул қилганида эди, уларнинг ўйлашича, тараққиётга эришилган бўларди. Мазкур олимлар ва шарҳловчилар фикрича, Мисрни жамият ҳисобидан пул ўмарувчи бир ҳовуч элита бошқариши мамлакатнинг иқтисодий муаммоларини англашда аҳамиятли эмас.

Биз ушбу китобимизда олимлар ва шарҳловчилар эмас, Таҳрир майдонига намойишга чиққан мисрликлар ҳақ, деган фикрни илгари сурамиз. Аслида, Миср камбағаллигининг сабаби мамлакатни бир ҳовуч элита бошқаргани, жамият эса элитанинг аҳоли ҳисобидан фойда кўришини кўзлаб қурилганидир. Сиёсий ҳокимият кичик гуруҳ кўлида тўпланган ва бу ҳокимиятдан унга эга бўлганлар учун катта бойлик орттириш мақсадида фойдаланилган – масалан, собиқ президент Хусни Муборак 70 миллиард долларлик бойлик жамгаргани айтилади. Мисрликлар бундан оддий аҳоли ютказганини жуда яхши англайди.

Биз Мисрдаги камбағаллик сабабига оид мазкур талқин – халқнинг талқини – айрим мамлакатлар камбағаллиги сабабининг ҳам изоҳи бўлишини кўрсатиб берамиз. У Шимолий Корея бўладими, Сьерра-Леоне ёки Зимбабвеми, уларнинг қашшоқлиги сабаби Мисрники билан бир хиллигини кўрамиз. Буюк Британия ва АҚШ каби мамлакатларда аҳоли ҳукмфармо элитадан халос бўлгани, сиёсий ҳуқуқларга анчагина кенг имкон берилгани, ҳукумат фуқаролар олдида ҳисобдорлиги ва жавобгар бўлгани, мутлақ кўпчилик одамлар иқтисодий имкониятлардан наф кўрадиган жамият барпо этилгани учун бу мамлакатлар бадавлат бўлган. Бугунги кунда дунёдаги бу қадар тенгсизлик сабабини англаш учун ўтмишга мурожаат қилиш ҳамда жамиятларнинг тари-

хий динамикасини ўрганиш лозимлигини кўрсатамиз. Британиянинг Мисрдан бойроқлиги боиси сифатида 1688 йили Британияда (тўғрироғи, Англияда) сиёсатни ва шу туфайли мамлакат иқтисодиётини ўзгартирган инкилобни кўраамиз. Инсонлар кўпроқ сиёсий ҳуқуқлар учун курашди ва уларга эга бўлиб, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш учун фойдаланди ҳам. Натижада бу мутлақо ўзгача сиёсий ва иқтисодий йўналиш касб етиб, саноат инкилоби билан якунланди.

Саноат инкилоби ва у юзага келтирган технологиялар ўша пайтда Усмонлилар империяси бошқарувида бўлган Мисрга тарқалмади; Усмонлилар даврида Миср худди Хусни Муборак давридаги каби бошқариларди. Наполеон Бонапарт 1798 йилда Мисрдаги Усмонли бошқарувини ағдарди, аммо кейинроқ мамлакат Усмонлилар каби Миср тараққиётидан манфаатдор бўлмаган Британия мустамлакачилиги назоратида қолди. Гарчи мисрликлар Усмонли ва Британия империясидан халос бўлган, кейинчалик 1952 йилда монархиядан ҳам қутулган бўлсада, булар 1688 йилги Англия инкилоби каби эмасди. Улар Мисрдаги сиёсатни тубдан ўзгартириш ўрнига, Усмонли давлати ва Британия истилоси даврида бўлгани каби оддий мисрликларнинг фаровонликка эришишидан манфаатдор бўлмаган бошқа бир кучни ҳокимиятга олиб келдилар. Натижада жамиятнинг тамал асоси ўзгармади ва Миср қашшоқлигича қолди.

Ушбу китобда юқорида келтирилган мисоллардаги тараққиёт намуналари вақт ўтиши билан ўз йўналишини қандай сақлаб қолгани ва нима сабабдан гоҳида – 1688 йилда Англияда ва 1789 йилги инкилоб туфайли Францияда бўлгани каби – ўзгаришга юз тутганини ўрганамиз. Бу бизга Мисрдаги вазият бугун ўзгарган-ўзгармаганини ҳамда Хусни Муборакни ҳокимиятдан ағдариб ташлаган инкилоб оддий мисрликлар учун фаровонлик келтиришга кодир янги бошқарув тизими

ярата олиши ёки олмаслигини тушунишга ёрдам беради. Ўтмишда Мисрда амалда ҳеч нарсани ўзгартирмаган инқилоблар бўлган. Негаки инқилоб соҳиблари шунчаки ҳокимиятни ўзлари агарган кучлар қўлидан тортиб олган ва худди ўшандай тизимни қайта тиклаган. Дарҳақиқат, оддий аҳоли учун ҳақиқий сиёсий қудратга эришиш ва жамиятнинг ишлаш тарзини ўзгартириш мушкул. Аммо бунинг имкони бор ва биз бунинг Англия, Франция, АҚШ, шунингдек, Япония, Ботсвана ва Бразилияда қандай содир бўлганини кўриб чиқамиз.

Жамият учун камбағалликдан бадавлатликка эришиш йўлидаги энг зарурий чора сиёсий режимни ўзгартиришдир. Мисрда бунинг иложи борлиги нишонлари кўриняпти. Таҳрир майдонидаги намоёнчилардан бири Реда Метвали шундай дейди: *“Кўриб турганингиздек, мусулмонунгиз насроний, каттаю кичик – ҳамма бир нарсани истайди”*.

Биз жамиятдаги мана шундай кенг камровли ҳаракатлар бошқа мамлакатлардаги сиёсий трансформацияда муҳим роль ўйнаганини кўриб чиқамиз. Ана шундай сиёсий ўзгариш қачон ва нима сабабдан содир бўлганини тушуна олсак, бундай ҳаракатлар қачон муваффақиятсизликка учрашини – ўтмишда бунақаси кўп бўлган – ва улар қачон муваффақият қозониб, миллионлаб одамлар ҳаётини яхшилашига умид қила олишимиз мумкинлигини баҳолай оламиз.



НАҚАДАР ЯҚИН ВА ШУ
ҚАДАР ТУРФА

РИО-ГРАНДЕ ИҚТИСОДИ

Ногалес шаҳри девор билан иккига бўлинган. Девордан шимолда АҚШнинг Аризона штати, Санта-Круз округига қарашли Ногалес шаҳри жойлашган. Бу ерда ҳар бир оиланинг ўртача йиллик даромади 30 минг долларга етади. Ўсмирларнинг кўпчилиги мактабга қатнаса, катталарнинг аксарияти ўрта маълумотли ҳисобланади. АҚШда соғлиқни сақлаш тизими самарасизлигига оид барча аргументларга қарамай, аҳолиси анчагина соғлом ҳамда ўртача умр кўриш даражаси жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан юқори. Худуднинг аксарият аҳолиси ёши олтмиш бешдан юқори ва “Medicare” тизими билан суғурталанган.¹ Бу ҳукумат кўрсатадиган кўплаб хизматлардан фақат биттаси, холос. Электр энергияси, телефон тармоғи, канализация, соғлиқни сақлаш, худудни АҚШнинг бошқа шаҳарлари билан боғловчи йўллар тизими ҳамда сўнги, аммо энг муҳими – қонун ва тартиб қабилар кўпчилик учун одатий ҳол ҳисобланади. Аризонанинг Ногалес шаҳри аҳолиси ҳаётлари ва хавфсизликлари ҳақида қайғурмай, ўғрилиқ, зўрлик билан мулки тортиб олинishi ёхуд бизнеси ёки уйига тикилган сармоясига хавф соладиган бошқа нарсалардан чўчимай, кундалик юмушлари билан шуғулланиши мумкин. Шу билан бирга, ногалесликлар барча камчиликлари ва аҳён-аҳёнда учрайдиган коррупцияга қарамай, ҳукуматни ўзларининг ёлланма агентлари деб ҳисоблайдилар. Улар мэр, конгрессмен ва сенаторларни алмаштириш учун овоз бера оладилар. Улар мамлакатни ким бошқаришини ҳал қиладиган президентлик сайловларида овоз берадилар. Демократия улар учун табиий инстинктга айланиб қолган.

Девордан жанубда – атиги бир неча фут² наридаги

¹ АҚШда 65 ёшдан катта аҳоли учун мўлжалланган давлат тиббий суғурта тизими.

² Фут (инглизча “foot” – оёқ, қадам) – 30.48 сантиметрга тенг узунлик ўлчов бирлиги.

ҳаёт эса анча ўзгача. Соноранинг Ногалес шахри аҳолиси Мексиканинг бирмунча таракқий этган қисмида яшаса да, бир оиланинг ўртача даромади шимолий Ногалесдаги кўрсаткичнинг учдан бир қисмини ташкил қилади. Жанубий Ногалесдаги катталарнинг аксарияти ўрта маълумотга ҳам эга эмас, кўплаб ўсмирлар мактабга бормади. Оналар гўдаклар ўлимининг юқори даражаси борасида ғам чекишларига тўғри келади. Абгор соғлиқни сақлаш тизими боис жанубий ногалесликлар шимоллик кўшнилари каби узоқ умр кўрмасликларидан ҳайратланмаса ҳам бўлади. Уларда бошқа кўплаб қулайликлардан фойдаланиш имконияти йўқ. Деворнинг жанубидаги йўллар яроқсиз. Қонунлар ва тартиб-интизом ундан ҳам ғариброқ аҳволда. Жиноятчилик даражаси юқори бўлиб, бизнес юритиш таҳликали иш. Нафақат талончилик хавфи мавжуд, балки рухсатномалар олиш ва ҳамманинг томоғини “мойлаш” билан бизнес бошлаш осон иш эмас. Мексикадаги Ногалес шахри аҳолиси сиёсатчиларнинг коррупция ва нўноқлигига чидаб яшайди.

Шимоллик кўшниларида фарқли ўларок, улар учун демократия анчагина янги тушунча. 2000 йилги сиёсий ислохотларга қадар Мексиканинг барча шаҳарлари каби Ногалес ҳам “Институцион инқилобий партия”нинг коррупциялашган назоратида эди.

Қандай қилиб битта шаҳарнинг икки қисми бир-бирдан шунчалик фарқли бўлиши мумкин? Жойлашуви, иқлими ёки ҳудудда кенг тарқалган касаллик турлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ (зеро, касаллик тарқатувчи микробларга АҚШ ва Мексика чегарасини кесиб ўтишда чекловлар қўйиш имконсиз). Шаксиз, аҳолининг соғлиғи бўйича кўрсаткичлар фарқи сезиларли, аммо бунинг касалликлар тарқалиш муҳити билан боғлиқлиги йўқ. Гап шундаки, жанубий ногалесликлар санитар жиҳатдан ёмон шароитда турмуш кечиради ҳамда уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатилмайди.

Эхтимол, иккала худуд аҳолиси ўртасидаги фарк қатгадир? Шимолий ногалесликлар Европадан кўчиб келганларнинг авлоди бўлгани ҳолда, жанубий ногалесликлар ацтекларнинг зурриётлари бўлиши мумкин-ку? Йўқ, ундай эмас. Иккала тараф аҳолисининг тарихий илдизлари қарийб бир хил. 1821 йилда Мексика Испаниядан мустақил бўлгандан сўнг “Лос Ногалес” атрофидаги ерлар Мексиканинг Виежа – Калифорния штати таркибига кирган ва ҳатто 1846–1848 йиллардаги Мексика – Америка урушидан кейин ҳам Мексика таркибида қолган. Дарҳақиқат, 1853 йилги “Гадсден савдо битими” натижасида АҚШ сарҳадлари ҳозирги чегарага қадар кенгайтирилган. Чегара худудларини тадқиқ қилган лейтенант Н. Мичлер “чоғроққина Лос Ногалес водийси” мавжудлиги ҳақида ёзиб қолдирган. Ана шу жойда чегаранинг икки тарафида икки шаҳар қад кўтарди. Шимолий (АҚШнинг Аризона штати) ва жанубий Ногалес (Мексиканинг Сонора штати) аҳолисининг аجدодлари бир, таомлари, мусиқаси, лўнда айтганда, маданияти бир.

Албатта, иккала Ногалес ўртасидаги тафовутларни жуда осон ва аниқ тушунтириш мумкин: эхтимол, бунга аллақачон топган бўлсангиз керакки, бу – шаҳарни иккига ажратиш турувчи чегара. Шимолий Ногалес АҚШ худудида жойлашган. Унинг аҳолисига АҚШнинг иқтисодий институтлари эркин касб танлаш, сифатли таълим олиш ва малака эгаллаш, иш берувчиларни ойлик маошларни оширишга олиб келувчи энг яхши технологияларга сармоя киритишга рағбатлантириш имконини беради. Сиёсий институтлар ҳам аҳолига демократик жараёнда иштирок этиб, вакилларини сайлаш ва улар ўзларини ёмон тарафдан кўрсатган тақдирда уларни алмаштиришга имконият беради. Натижада, сиёсатчилар фуқароларни ўзлари талаб қилган бирламчи шароитлар (соғлиқни сақлаш, йўллар қуриш, қонун ва тартибни сақлаш) билан таъминлайди.

Мексикадаги Ногалес аҳолисига эса бундай омад кулиб бокмаган. Улар айрича институтлар шакллантирган бошқа дунёда яшайди. Бу ўзгача институтлар иккала шаҳар аҳолиси, сармоя киритиш истагидаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун мутлақо фарқли стимуллар яратади. Иккала ўзгача шаҳар ва улар жойлашган икки турли мамлакатнинг фарқли институтлари яратган бу стимуллар чегаранинг икки томонидаги иқтисодий тараққиёт фарқини изоҳлайдиган асосий омил ҳисобланади.

Нима учун АҚШдаги институтлар иқтисодий юксалиш учун Мексикадаги ёки Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидаги институтларга қараганда анчагина қулай? Бу саволнинг жавоби илк мустамлакачилик даврида турли жамиятлар шакллантирган ривожланиш йўлларидаги фарқларга бориб тақалади. Институционал фарқланиш ўша пайтда юзага келган, асоратлари эса ҳозирга қадар давом этмокда. Бу фарқланишни тушуниш учун мавзуни Шимолий ва Лотин Америкасида мустамлакалар ташкил этилган даврдан бошлашимиз керак.

БУЭНОС-АЙРЕСНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

1516 йил бошларида испан денгизчиси Хуан Диас де Солис Жанубий Американинг шарқий соҳилидаги дарё дельтасига сузиб келади. Сохил бўйлаб юрар экан, де Солис ҳудудни Испания мулки деб эълон қилади ва дарёга Рио-де-ла-Плата – “Кумуш дарё” деб ном беради (маҳаллий аҳолида кўп миқдорда кумуш бор эди). Дарё дельтасининг нариги тарафидаги маҳаллий халқлар – ҳозирги Уругвай ҳудудидаги *чарруа* қабиласи ҳамда ҳозирги Аргентина ҳудудидаги Пампа пасттекисликлари номини олган ҳудудда яшаган *кверанди* қабиласи аъзолари меҳмонларни душман деб кутиб олди. Бу халқлар кучли марказлашган сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган кичик гуруҳ – уруғларда бирлашиб, овчилик билан кун кечирарди. Чарруа қабиласидан бўлган шундай кичик гуруҳлардан

бири де Солисни Испания учун янги мустамлака ерларини топиш илинжида худудларни ўрганаётган вақтда уриб ўлдиради.

1534 йилда мустамлака ерларидан умидвор испанлар Педро де Мендоса бошчилигидаги дастлабки истилочилар гуруҳини Испаниядан Жанубий Америка сари йўллади. Ўша йили истилочилар Буэнос-Айрес ўрнида шаҳарча барпо этадилар. Бу худуд европаликлар учун идеал жой бўлган, ҳойнаҳой. Буэнос-Айрес (испанчада “ёқимли ҳаво” маъносини англатади) иқлими меҳмонларбоп, мўътадил эди. Аммо испанларнинг бу ердаги илк манзилгоҳлари узоқ турмади. Улар ёқимли ҳаво учун эмас, балки бойликларни қўлга киритиш ва маҳаллий аҳолидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш учун келганди. Шу билан бирга, чарруа ва кверандилар ҳам ҳожатбарор эмасдилар. Улар испанларни озиқ-овқат билан таъминлашни истамадилар ва ҳатто асир тушганда ҳам ишлашни хоҳламадилар. Улар испанларнинг янги манзилгоҳига камон ва найзалар билан хужум қилишарди. Испанлар оч қолди, зеро улар ўзларини ўзлари бокишга тўғри келишини кутмаганди-да! Буэнос-Айрес улар орзу қилгандай бўлиб чиқмади. Маҳаллий аҳолини истилочилар учун ишлашга мажбурлаб бўлмасди. Бу худудда казиб олиш учун олтин ва кумуш ҳам йўқ эди. Де Солис топган кумушлар эса аслида ғарбдан, бу ердан анча узоқдаги Анд тоғларидан – Инклар давлатидан келганди.

Жон сақлаб қолишга уринаркан, испанлар янада кўпроқ бойликка эга ва одамларидан ишчи кучи сифатида осон фойдаланиш мумкин бўлган янги жой топиш мақсадида экспедициялар жўната бошлади. Хуан де Аёла бошчилигидаги ана шундай экспедициялардан бирида 1537 йилда Инклар давлатига олиб борадиган йўлни излаб, Парана дарёсигача кириб боради. Экспедиция йўлда маккажўхори ва маниок етиштириш билан шуғулланадиган ўтроқ халқ – гуарани қабиласи билан алоқа ўрната-

ди. Де Аёла чарруа ва кверанди қабиласидан фарқли равишда Гуарани халқи билан иш анча осон кўчишини дарров англайди. Қисқа тўқнашувдан сўнг испанлар гуаранилар қаршилигини енгди ва бутунги кунда Парагвай пойтахти саналган Нуэстра Сеньора Санта-Мария-де-ла-Асунсьон шаҳрига асос солди. Конкистадорлар³ гуарани маликаларига уйландилар ва тез орада ўзларидан янги асилзодалар синфини пайдо қилдилар. Улар бошқарувни қўлга олиб, гуаранилардаги мажбурий меҳнат ҳамда ўлпон йиғишнинг мавжуд тизимини ўзларига мослаштирдилар. Бу улар ўрнатишни хоҳлаган мустамлакачилик усули бўлиб, тўрт йил ичида барча испанлар Буэнос-Айресни ташлаб, янги шаҳарчага кўчиб ўтди.

Жанубий Америкадаги Париж номини олган, европача кенг хиёбонлар шаҳри бўлган ва иктисоди пампалар миришкорлигига таянган Буэнос-Айрес 1580 йилгача хувуллаб қолди. Буэнос-Айреснинг ташлаб кетилиши ва гуаранилар ерларининг босиб олиниши Американинг европаликлар томонидан истило қилинишининг моҳиятини очиб беради. Даставвал испан ва инглиз мустамлакачиларини (инглиз истилоси ибтидосини китобимизда кейинроқ кўриб чиқамиз) ердан деҳқончилик мақсадида фойдаланиш қизиқтирмаган. Улар кишлок хўжалигида бошқалар меҳнатидан фойдаланишни ҳамда хазиналар, олтин ва кумушларни талашни истардилар.

КАХАМАРКАДАН...

Де Солис, де Мендоса ва де Аёла экспедициялари улардан аввалроқ – Христофор Колумбнинг 1492 йил 12 октябрида Багам оролларида бирини кашф этиши ортидан амалга оширила бошланган бирмунча номдор экспедициялар ишининг давоми эди. Испанларнинг Америкага босқини ва қитъани мустамлакага айлантириш иши 1519

³ Конкистадор (испанча “conquistador” – босқинчи, истилочи) – XV-XVI асрларда Испания ва Португалиядан, асосан, Америка қитъасига янги ерларни очиш, истило қилиш учун борган харбий экспедиция гуруҳи аъзоси.

йилда Хернан Кортеснинг Мексикани истило қилиши, ундан ўн беш йил ўтиб, Франциско Писарронинг Перуга экспедицияси ва Педро де Мендозанинг икки йил кейин Рио-де-ла-Платага экспедициялари орқали шахдамлик билан бошланди. Кейинги бир аср давомида испанлар Жанубий Американинг марказий, ғарбий ва жанубий ҳудудларининг аксар қисмини эгаллади ва мустамлака қилди. Қитъа шарқидаги Бразилияга эса Португалия эга чиқди.

Мустамлакачиликнинг испанча стратегияси керагича самарали бўлди. Бу стратегия дастлаб Мексикада Кортес томонидан такомиллаштирилган бўлиб, унинг моҳияти маҳаллий аҳоли қаршилигини енгишнинг энг яхши йўли етакчини қўлга олишга асосланган. Бу испанларга сардорнинг тўплаган бойлигини қўлга киритиш ва ерли аҳолини ўлпон ҳамда озик-овқат беришга мажбурлаш имконини берган. Кейинги қадам эса ўзларини маҳаллий жамоанинг янги асилзода табақасига айлантириш ҳамда мавжуд солиққа тортиш, ўлпон йигиш ва, энг муҳими, мажбурий меҳнат тизими устидан назоратни қўлга олишдан иборат эди.

1519 йилнинг 8 ноябрида Кортес ва унинг одамлари Ацтеклар давлатининг мухташам пойтахти Теночтитланга етиб боради. Мулозимларининг маслаҳатига кулоқ солган Ацтеклар императори Моктесума испанларни меҳмондўстлик билан қарши олади. Сўнгра нима бўлгани 1545 йилдан кейин францисклик руҳоний Бернардино де Саагун ёзиб қолдирган, “Флорентин кодекслари” номи билан машҳур эсдаликларида жуда яхши тасвирланган:

Шунда улар (испанлар) Моктезумани қўлга олишди... кейин барча қурооллардан ўқ узилди... Қўрқув устун келди. Даҳшатдан гўё ҳамманинг юраги ёрилгандай эди. Қош қорайгунга қадар террор, ваҳима, одамларни асир олиш ва қарахтлик ҳукм сурди. Тонг отиши билан (испанлар) талаб қилган барча нарсалар – оқ

тошбақалар, курка гўшти кабиблар, тухум, тоза сув, ёгочлар, ўтин ва кўмир... келтириш буюрилди. Бунга Моктесуманинг ўзи буйруқ берди.

Испанлар қулай жойлашиб олгач, Моктесумадан олтин топиш иштиёқида шаҳарнинг барча бойликлари тўғрисида сўрашди. Моктесума испанларни ўзига эргаштириб йўл бошлади. Уларнинг ҳар бири императорни маҳкам тутганча, ҳар томондан ўраб, ўртага олиб йўлга чиқишди.

Улар Теокалко деб номланган жойга – хазинага етганларида барча ҳайратомуз нарсалар: квезаль патларидан ясалган елпигичсимон тож, ускуналар, қалқонлар, тилла дисклар, тилла зираклар, тилла билакузуқлар, тиллақошлар, олтин богичлар кўз олдиларида намоён бўлди.

Олтин тезда бошқа бойликлардан ажратиб олинди... ва барча қимматбаҳо буюмларга дарҳол ўт кўйишди... Уларнинг барчаси ёндирилди. Испанлар ҳамма олтинни кўймаларга ажратишди... Ва улар ҳаммаёқни айланиб чиқишди. Кўзларига яхшироқ кўринган ҳамма нарсани, ҳамма-ҳаммасини олишди.

Кейин улар Моктесуманинг шахсий хазинасига бордилар... Тотокалко деган жойда эди... улар Моктесуманинг барча қимматбаҳо шахсий бойликларини – шокилали маржон шодалари, боғламлари квезаль патлардан тайёрланган билакузуқлар, тилла богичлар ва ҳукмдорлик белгиси бўлган феруза тошли тож-ни қўлга қиритишди. Ҳаммасини олиб кетишди.

Ацтеклар давлатини ҳарбий истило қилиш 1521 йилда ниҳоясига етди. Янги Испания вилоятининг губернаторига айланган Кортес худуднинг энг қимматли бойлиги – маҳаллий аҳолини “энкомиенда”⁴ тизими ёрдамида бўлиб олишни бошлади. Энкомиенда тартиби илк марта XV асрда, VIII асрдан бери мусулмон мавр-

⁴ Испанча “encomienda” – топшириш, тақдим қилиш.

араблар қўлида бўлган жанубий Испаниянинг испанлар томонидан қайта эгалланиши билан пайдо бўлган. “Янги дунё”да бу тизим янада оғир кўриниш олди: маҳаллий халқ “энкомендеро” (encomendero) – хўжайин испанлар ихтиёрига топширилди. Ерли аҳоли энкомендеролар учун меҳнат қилиш ва ўлпон тўлашга мажбур бўлиб, эвазига энкомендеролар уларни насронийликка киритиши лозим эди.

Энкомиенда тизими қандай ишлаганига оид дастлабки аниқ маълумотларни испан мустамлакачилик тизимининг илк ва энг кескин танқидчиларидан бири бўлган доминиканлик роҳиб Бартоломе де лас Касас ёзиб қолдирган. Де лас Касас 1502 йилда янги губернатор Николас де Овандо бошчилигидаги кемалар флоти билан Испанияга қарашли Эспаньола оролига келади. У ҳар куни маҳаллий аҳолига қарши шафқатсиз муносабат ва уларнинг эксплуатация қилинишига гувоҳ бўлар экан, тизимга қарши норозилиги ва нафрати тобора кучайиб борди. 1513 йилда у Кубанинг Испания томонидан босиб олинishiда иштирок этиб, хизматлари учун ҳатто энкомиенда билан тақдирланади. Аммо роҳиб бу имтиёздан воз кечади ва испан истилочилик тизимини ислоҳ қилиш ҳаракатини бошлайди. Унинг ҳаракати 1542 йилда ёзилган, испанларнинг зулмкор бошқарувига қарши фикрлари баён этилган “Индийнинг вайрон қилиниши қисқача баёни” асарида, айниқса, чўкқига чиқади. Энкомиенда ҳақида фикр билдирар экан, у Никарагуа миносида шуларни ёзади:

Кўчиб келганларнинг ҳар бири шаҳарда ўзларига ажратилган (қонунчилик тилида айтганда, энкомиенда сифатида тортиқ қилинган) ерга жойлашди, аҳолини улар учун ишлашга мажбур қилишди, шундоқ ҳам оз қолган егулик захираларига чанг солишди, маҳаллий аҳоли эгаллик қилган, меҳнат қилган ва ўзларининг анъанавий маҳсулотларини етиштирган ерларини

тортиб олишди. Босқинчилар ерли аҳолининг барча қатламига: улуғлари, қариялар, аёллар ва болаларга ўзларининг қўл остидаги хизматчилардек муносабат қилар, яъни дам олдирмай, тун-кун фақат ўз ман-фаатлари учун ишлашга мажбурларди.

Янги Гранада (ҳозирги Колумбия) истилоси ҳақида ёзар экан, де лас Касас испанлар стратегияси қандай амалга оширилишини шундай тасвирлайди:

Барча олтинларни қўлга киритишдек узоқ ўйланган режаларини амалга ошириш мақсадида испанлар ўзларининг одатий стратегиялари: шаҳар-қишлоқлар ва уларнинг аҳолисини ўзаро бўлиб олиш (энкомиенда ҳуқуқига мувофиқ истилочилар ўртасида тақсимлаш) усулини қўлладилар... ва оқибатда уларга ҳар доим-гидай оддий қўллар каби муносабатда бўлдилар. Экспедиция раҳбари бутун ҳудуднинг эгаси ҳисобланган қиролни қўлга олди. Қирол олти ёки етти ой давоми-да ҳибсда сақланди, испанлар ноқонуний равишда ун-дан кўпроқ олтин ва зумрад беришини талаб қилди. Қирол Богота шундай даҳшатга тушидики, азобли кишанлардан озод бўлиш дардида бутун уйни олтин билан тўлдириш ва уларни испанларга топширишга рози бўлди. Ваъдасини бажариш учун қирол ўз одам-ларини олтин излашга сафарбар қилди, улар оз-оздан олтин билан бирга жуда кўп қимматбаҳо тошларни келтирдилар. Аммо бутун уйни сира тўлдириб бўл-мади ва ниҳоят, испанлар ваъдасини бажармагани учун қиролни ўлдиришларини айтиб, таҳдид қилдилар. Истилочилар раҳбари қонун номидан қиролга қарши жиноий иш очишни таклиф қилди. Қиролни суд қи-либ, унга қарши расмий айблов эълон қилдилар. Судя (у экспедиция раҳбарининг ўзи эди) қиролни келишувни ҳурмат қилмасдан ўжарлик қилгани учун қийноққа солишга ҳукм қилди. Уни дигаба⁵ осиб

⁵ Айбдорнинг танасини чўзадиган кадимги қийноқ қурилмаси.

қийнашди: қорнига қайнаб турган ёғ қуйишди, бўйни ва оёқларини темир ҳалқали устунга боғлашди, икки киши қўлларидан тутиб турди, оёқларининг остидан ўт қўйилди. Аҳён-аҳёнда испанлар қўмондонни ҳозир бўлар ва токи қирол уларни кўпроқ олтин билан таъминламагунича секин-аста азоблаб ўлдиришларини айтиб такрор айтарди. Шундай бўлди ҳам, ниҳоят, қирол улар берган азобларга дош бера олмади.

Босқинчиликнинг Мексикада такомиллаштирилган испанча стратегияси ва тартиблари Испания империясининг барча ҳудудларида зўр иштиёк билан жорий қилинди. Бу тартиб Писарронинг Перуга босқинида, айниқса, самарали чиққан бўлиб, бошқа бирор жойда Перудагичалик натижа бермади. Де лас Касас бу ҳақидаги хикоясини шундай бошлайди:

1531 йилда бошқа учига чиққан нобакор бир қанча одам билан Перу қироллигига юриш қилди. У “янги дунё”нинг бошқа ҳудудларида ишлатилган усул ва тактикаларни қўллаш борасида ўзининг ўтмишида ўтган салафлари ишини давом эттиришини қасд қилган ҳолда йўлга чиқди.

Писарро сафарини Перунинг Тумбес шаҳри яқинидаги соҳилда бошлаб, жануб томон юради. 1532 йилнинг 15 ноябрида испанлар инклар императори Атауальпа қўшинлари кўним топган Кахамарка номли шаҳарга етиб борди. Эртасига марҳум отаси император Хуайна Капак тахти учун курашда акаси Хуаскарни эндигина мағлуб этган инклар императори Атауальпа мулозимлари билан испанлар жойлашган манзилга ташриф буюради. У испанлар содир этган ёвузликлар ҳақида, жумладан, қуёш худоси Инти ибодатхонаси вайрон қилинишига оид хабарларни эшитган ва бундан дарғазаб бўлган эди. Кейин нима бўлгани барчага маълум. Испанлар унга тузоқ қўйди ва қопқонга туширди. Улар Атауальпанинг қўриқчилари

ва мулозимларини – ҳаммаси бўлиб икки мингдан ортиқ одамни ўлдирди ва қиролни асир олди. Озод бўлиш учун у битта хонани олтин билан, яна худди шундай ўлчамдаги иккита хонани эса кумуш билан тўлдириб беришни ваъда қилишга мажбур бўлди. Қирол сўзининг урдасидан чиқди, аммо испанлар келишувга хиёнат қилдилар: Атауальпа 1533 йил июлда дорга осилди.

Ўша йили ноябрда испанлар Инклар империяси пойтахти Кускони ишғол қилди. Кўлга тушган инк асилзодалари ҳам император билан бир хил келишувга кўнишга мажбурланди: талаб қилинган олтин ва кумуш келтирилгунча ҳибсда сақланди. Босқинчилар шартига қарши чиққанлар эса тириклайин ўтда ёқилди. Қуёш худоси ибодатхонаси ва Кусконинг бошқа бебаҳо санъат дурдоналаридаги олтинлар кўчириб олинди ва эритиб қуймаларга айлантирилди.

Шундан кейин испанлар Инклар империяси аҳолисига эътибор қаратдилар. Мексикада бўлганидек, одамлар энкомиендаларга тақсимланди. Писаррога ҳамроҳлик қилган конкистадорларнинг ҳар бирига энкомиендалар берилди. Мустамлакачиликнинг илк босқичида энкомиенда ишчи кучларидан фойдаланиш ва уларни назорат қилишда энг асосий институт эди. Аммо кўп ўтмай, бу тизим кучли рақибга рўбарў бўлди. 1545 йилда маҳаллий ҳиндулардан бўлган Диего Гуалпа бугунги Боливия худудидаги Анд тоғлари чўккисида жойлашган ҳинду ибодатхонасини излаб йўлга чиқади. Кутилмаганда эсан кучли шамол уни ерга йикитади ва унинг қаршисидан кумуш рудаси тўла хазина чиқиб қолади. Бу улкан кумуш тоғининг бир қисми бўлиб, испанлар уни Эл-Серро-Рико (Бадавлат тепалик) дея қайта номлади. Ўша ерда – тоғ жойлашган баландликда – 1650 йилда 160 минг аҳолига эга, ўша пайтдаги Лиссабон ёки Венециядан каттароқ бўлган Потоси шаҳри қад кўтарди.

Кумушдан фойдаланиш учун испанларга жуда кўп

кончилар керак эди. Испаниядан янги вице-кирол (ноиб) – испан мустамлакачилик маъмурияти раҳбари бўлган Франциско де Толедони юборишди. Унинг асосий вазифаси ишчи кучи муаммосини ҳал қилиш эди. 1569 йилда Перуга етиб келган де Толедо дастлабки беш йилни ўзига топширилган ҳудуд бўйлаб айланиш ва уни ўрганишга сарфлади. Шунингдек, у ҳудуднинг катта ёшли аҳолисини ҳисобга олиш бўйича кенг микёсли текширув ўтказди. Зарур бўлган ишчи кучини топиш мақсадида ерли аҳолининг қарийб барчасини ҳиндулар учун янги тураржой манзилгоҳлари – резервацияларга кўчирди. Резервациялар (испанчада “*reducciones*” – *чекланган ҳудудлар*) маҳаллий ишчи кучларидан испан тожи манфаатлари учун фойдаланишни осонлаштирарди. Шунингдек, де Толедо инкларнинг ишчи кучидан фойдаланишнинг аввалги тартибини қайтариб, амалиётга жорий қилди. Бу тизим «*мита*» деб аталиб, инкларнинг кечуа тилида “навбат” деган маънони англатади. Мита тартиби ёрдамида инклар ибодатхоналар, аристократия ва кўшинни озик-овқат билан таъминлаш учун ажратилган ерларда маҳсулот етиштириш учун мажбурий меҳнатдан фойдаланарди. Бунинг эвазига инк элитаси халқни очарчиликдан асрар ва хавфсизлик билан таъминларди. Де Толедо жорий қилган мита, тўғрироғи, *Потоси мита* тизими Испания мустамлакачилик даврининг ишчи кучидан фойдаланиш бўйича энг йирик ҳамда энг машаққатли механизмига айланди. Де Толедо ҳозирги Перунинг марказидан бошлаб Боливиyanинг аксарият ҳудудини ўз ичига олган улкан майдоннинг чегараларини белгилаб берди. Унинг майдони икки юз минг квадрат милни⁶ қамраб оларди. Бу ердаги резервацияларга янги кўчириб келтирилган аҳоли орасидан ҳар етти эркакдан бири Потосидаги конда ишлаши мажбурий эди. Потоси

⁶ Квадрат мил (инглизча “*square mile*”) – 2.56 квадрат километрга тенг майдон ўлчов бирлиги.

мита тартиби бутун мустамлакачилик даври мобайнида амалда бўлди ва фақат 1825 йилга келиб бекор қилинди. Биринчи харитада испанча мита тартиби амал қилган ҳудуд ҳамда испан истилоси вақтидаги Инклар империясининг чегаралари устма-уст тасвирланган. Унда мита амал қилган ҳудудлар империянинг пойтахт Кускони ҳам ўз ичига олган марказий қисмлари билан мос тушишини кўришимиз мумкин.



1-харита. Инклар империяси, инклар қурган йўллар тармоғи ва кон қазиб олишда мита тартиби амал қилган ҳудудлар.

Ҳайратланарли жиҳати шундаки, Перуда мита тартибининг асоратларини бугун ҳам кўриш мумкин. Калка ва унга яқин Акомайо вилоятларини олайлик. Бу вилоятлар ўртасида айрим тафовутлар кўзга ташланади. Ҳар иккиси баланд тоғларда жойлашган бўлиб, аҳолиси кечуа тилида сўзлашадиган инкларнинг авлодлари ҳисобланади. Аммо Акомайо аҳолиси анчагина камбағал, у ерда яшайдиган кишилар истеъмол қиладиган озик-овқат Калка аҳолисиникидан тақрибан уч барабар камроқ. Буни одамларнинг ўзлари ҳам билади. Акомайоликлар “довюрак” ажнабийлардан *“Бу ерликлар калкаликлардан кўра камбағалроқлигини билмасмидингиз? Шундай бўлса-да, нега бу ерга келишни истаб қолдингиз?”* деб сўраб қолишади. Вилоятнинг маъмурий маркази Куско – Инклар империясининг кўҳна пойтахтидан Акомайога етиб олиш Калкага боришдан кўра анча машаққатли, бунинг ўзи довюраклик эди. Калкага олиб борувчи йўлга қаттиқ қоплама тўшалган, Акомайо йўли эса хароб аҳволда. Акомаюгача етиб олиш учун от ёки хачирдан фойдаланишга тўғри келади. Калкада ҳам, Акомаюда ҳам деҳқонлар бир хил ҳосил етиштиради. Гап шундаки, калкаликлар маҳсулотни бозорда пулга сотади, Акомайо аҳолиси эса озик-овқатни ўз эҳтиёжлари учун етиштиради. Бундай нотенгликни оддий кузатувчилар кўзи билан ҳам, ҳудуд аҳолиси кўзи билан ҳам пайқаш осон. Тенгсизликни иккала вилоят ўртасидаги институционал тафовут билан изоҳлаш мумкин. Бу тафовутнинг тарихий илдиэлари де Толедо ва унинг маҳаллий ишчи кучидан самарали фойдаланиш дастурига бориб тақалади. Акомайо ва Калка ўртасидаги асосий тарихий фарқ шундаки, Акомайо вилояти Потоси мита тартиби ҳукм сурган ҳудуднинг бир қисми бўлган, Калка эса ундай эмас.

Ишчи кучини марказлаштириш ва мита тартибига қўшимча равишда де Толедо энкомиенда тартибини жон солиғи билан бирлаштирди, натижада муайян миқдордаги

белгиланган солиқ ерли халққа мансуб ҳар бир эркакдан ҳар йили қумуш ҳисобида олинадиган бўлди. Бу ишчи кучларини меҳнат бозориға кириб боришга ундаш ва испаниялик ер эгаларига эса маошларни камайтириш имконини бериш учун атай ўйлаб топилган лойиҳа эди. Де Толедо даврида “*репартиментио де мерсансиас*” номини олган яна бир тартиб ҳам кенг тарқалади. Испан тилидан таржима қилинганда “маҳсулотни тақсимлаш” маъносини англатувчи бу тартибга биноан, деҳқонлар маҳсулотни маҳаллий аҳолига испанлар белгилаган нархларда сотишга мажбур бўларди. Ниҳоят, “*де Толедо трахин*” (испан тилида “*огир юк*”) тартиби жорий қилинди. Унга кўра, испанларга қарашли корхоналар учун вино, кока барглари ёхуд тўқимачилик маҳсулотлари каби оғир юкларни ташишда ҳайвонлар ўрнига ерли аҳолидан фойдаланиларди.

Америкадаги испан мустамлакалари бўйлаб ана шундай институт ва ижтимоий тартиблар пайдо бўлиб борди. Талончилик, олтин ва қумуш излаш васвасасидан иборат дастлабки босқичдан кейин испанлар ерли аҳолини эксплуатация қилиш учун мўлжалланган институтлар тармогини яратди. Энкомиенда, мита, репартиментио ва трахиндан иборат тартиблар тизими маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини қут-лоямут⁷ учун яшаш даражасигача тушириш ҳамда ундан ортган даромадни испанлар учун тортиб олиш мақсадида ўйлаб топилганди. Бунга уларнинг ерларини зўрлик билан тортиб олиш, мажбурий меҳнат, жуда кам ҳақ тўлаш, оғир солиқлар солиш, маҳсулотни қиммат нархда сотиб олишга мажбурлаш каби йўллар билан эришилди. Гарчи бу институтлар Испания қироллиги учун мислсиз бойлик келтирган, конякистадорлар ва уларнинг авлодларини бадавлат қилган бўлса ҳам, улар Лотин Америкасини дунёдаги энг тенгсизлик юқори бўлган қитъага айлантирди ва ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини камайтириб юборди.

⁷ Кундалик тирикчиликка етарли овқат.

ЖЕЙМСТАУНГА...

Испания Американи истило қилишни бошлаган 1490-йилларда Англия “Атиргуллар уруши”⁸ номини олган фуқаролар урушидан тинкаси қуриган, унинг вайронгарчилигидан энди ўзига келаётган, Европадаги унча қудратли бўлмаган давлат эди. Мамлакат талончилик ва олтин учун курашга қўшилиб, ташаббусни қўлга оладиган ёки Американинг маҳаллий аҳолисини эксплуатация қилиш имкониятидан фойдалана оладиган аҳволда эмасди. Қарийб бир асрдан кейин, 1588 йилда Испания қироли Филипп II Англияни ишғол қилишга уриниш вақтида испанларнинг “Енгилмас Армада” флотининг тор-мор келтирилиши Европа сиёсий доираларини ларзага солди. Англиянинг ғалабаси қанчалик муваффақиятли бўлмасин, у инглизларнинг денгизлардаги ўзига бўлган ишончи орғиши нишонаси эди ва бу ишонч алаалоқибатда Англияга мустамлакачилик империяси борасидаги курашда қатнаша олиш имконини берарди.

Шу боис инглизларнинг Шимолий Американи истило қилиши айни вақтда бошлангани тасодиф эмас. Бироқ улар аллақачон кечикканди. Инглизлар Шимолий Америка уларни ўзига мафтун қилгани учун эмас, балки уларда бошқа танлов қолмагани учун шундай қилди. Американинг эксплуатация қилиш учун кўплаб маҳаллий аҳолига эга ҳамда олтин ва кумуш конлари жойлашган “мақбул” ҳудудлари аллақачон эгаллаб олинганди. Инглизларга сарқитларгина қолганди. XVIII асрда яшаган инглиз ёзувчиси ва агроном Артур Янг “асосий маҳсулотлар” – экспорт қилиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қаерда ишлаб чиқариш фойдалироқлиги ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади:

Умуман олганда, мустамлакаларимизда ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар миқдори уларнинг

⁸ Ок ва қизил гуллар уруши – 1455–1487-йилларда Англия тахти учун Ланкастер ва Йорк сулоалари ўртасида кечган фуқаролар уруши.

қуёшгача бўлган масофасига қараб камайиб боради. Энг иссиқ ҳудуд саналган Вест-Индияда ишлаб чиқариладиган маҳсулот киши бошига 8 фунт 12 шиллинг 1 пенни ташиқ қилса, жанубий минтақаларда бу кўрсаткич 5 фунт 10 шиллингга тенг. Марказий туманларда бу 9 шиллинг 6.5 пенсга тўғри келса, шимолий манзилгоҳларда 2 шиллинг 6 пенсга етади. Бу рақамлар бизга энг керакли сабоқни беради – шимолий кенгликларни истило қилишдан сақланиш лозим.

Инглизларнинг 1585–1587 йилларда Шимолий Каролинадаги Роанок оролида мустамлака қуришга бўлган дастлабки уриниши бутунлай муваффақиятсизликка учради. 1607 йилда улар яна уриниб кўрди. 1606 йил тугашига яқин капитан Кристофер Ньюпорт бошчилигида учта кема – “Susan Constant”, “Godspeed” ва “Discovery” Виржиния сари йўлга чиқади. “Виржиния” компанияси (“Virginia Company”) кўмагида мустамлакачилар Чесапик кўрфазига кириб, Англия қироли Жеймс номи берилган дарё орқали сузиб боради. 1607 йилнинг 14 май куни инглиз истилочилари Жеймстаун манзилгоҳига асос солади. “Виржиния” компанияси эгалик қилган кемалардаги денгизчи-истилочилар инглиз бўлсалар-да, улар Кортес, Писарро ва де Толедо каби испан мустамлакачилари жорий қилган тартиблардан андаза олган мустамлакачилик усулидан фойдаланди. Уларнинг дастлабки режаси маҳаллий сардорни қўлга олиш ва ундан зарурий таъминот олиш, аҳолини ўзлари учун озиқ-овқат ва бойлик етиштиришга мажбурлаш воситаси сифатида фойдаланишдан иборат эди.

Биринчи бор Жеймстаунда қўним топган инглиз мустамлакачилари Вахунсунакок исмли қирол бошқарадиган, қиролга тобе бўлган ўттиз қабиланинг Поухатан конфедерациясига қарашли ерга жойлашганларидан беҳабар эди. Қабилалар иттифоқининг пойтахти

Веровокомоко шаҳри Жеймстаундан атиги 20 мил⁹ масофада жойлашганди. Мустамлакачилар дастлаб худудни ўрганишни режа қилишди. Ерли аҳоли егулик ва ишчи кучи билан таъминлашга кўнмаса, мустамлакачилар улар билан камида савдо-сотик қилиши мумкин эди. Ўзлари учун ишлаш ва озик-овқат етиштириш фикри мустамлакачиларнинг хаёлига келмаган, ҳойнаҳой. “Янги дунё” истилочилари бу каби ишларни қилмаган.

Вахунсунакок тезда мустамлакачиларнинг келгани хақида хабар топади ва “меҳмонлар”нинг ниятига катта шубҳа билан қарайди. У Шимолий Америка учун анчагина йирик империя ҳисобланган мамлакат етакчиси эди. Аммо унинг душманлари ҳам кўп бўлиб, Инклар давлатида бўлгани каби кучли марказлашган сиёсий бошқарув мавжуд эмасди. Вахунсунакок дастлаб инглизларнинг мақсадлари нима эканини билишга қарор қилади ва дўстона алоқалар истагини билдириб элчилар жўнатади. 1607 йилнинг киши яқинлашаркан, истилочилар ўрнашган Жеймстаунда озик-овқат танқислиги бошланган, мустамлака бошқарув кенгаши раҳбари Эдуард Мари Уингфилд қарор қабул қилишда тараддудланиб қолган эди.

Мушкул вазиятдан капитан Жон Смит олиб чиқди. Ёзиб қолдирган қайдлари мустамлакачиликнинг илк тараққиёти хақида маълумот берувчи асосий манбалардан бири ҳисобланган Смит ғаройиб шахс бўлган. Англияда, Линкольнширдаги кишлоқда туғилган Смитнинг отаси унинг бизнес билан шуғулланишини истайди, аммо у отасининг истагига зид ўлароқ, аскарликка ёлланади. У дастлаб Нидерландияда инглиз қўшинлари билан жанг қилди, кейин Австрия армиясига қўшилиб, Венгрияда Усмонли қўшинларига қарши курашди. Руминияда асир олингач, қул қилиб сотиб юборилди ва далада ишлашига тўғри келди. Бир кун хўжайинидан устун келишга эришган Смит унинг кийимлари ва отини ўғирлаб, Авс-

⁹Мил (инглизча “*mile*”) – 1.61 километрга тенг масофа ўлчов бирлиги.

трия худудига қочиб келади. Смит Виржинияга сафар вақтида ҳам ўзини муаммога қўяди. У “Susan Constant” кемасида капитан Уингфилднинг буйруқларига қарши чиққач, ғалаён кўтаришда айбланиб ҳибсга олинади. Кемалар “Янги дунё”га етиб борганда уни суд қилишмоқчи эди. Аммо бахтга қарши, Смит “Виржиния” компанияси томонидан Жеймстаунни бошқариши белгиланган бошқарув кенгаши аъзоси этиб тайинланганди. Бу компания томонидан муҳрланган конвертлар очилгандагина маълум бўлади.

Ньюпорт кўпроқ таъминот ва истилочилар келтириш учун Англияга қайтиши билан Уингфилд нима қилишни билмай иккиланиб қолади. Шунда Смит мустамлакачиларни қутқариб қолади. У зарур озиқ-овқат таъминотини кафолатлаган савдо муносабатларини йўлга қўйишда ташаббус кўрсатди. Ана шундай саёҳатлардан бирида уни Вахунсунакокнинг укаси Опечанканог тутиб олади ва Веровокомокога – кирол ҳузурига олиб боради. У Вахунсунакок билан учрашган биринчи инглиз бўлиб, айрим манбаларда қайд этилишича, ана ўша дастлабки учрашувда Вахунакокнинг қизи Покахонтаснинг аралашуви Смитнинг ҳаётини саклаб қолган экан. 1608 йилнинг 2 январида озод қилинган Смит очарчилик ёқасида турган Жеймстаунга қайтиб келади, худди ўша куни кечроқ Ньюпорт ҳам Англиядан етиб келади.

Бироқ мустамлакачилар илк синовдан етарлича сабоқ олмадилар. 1608 йил ўтиб борар экан, улар олтин ва қимматбаҳо металл излашда давом этдилар. Улар омон қолиш учун маҳаллий аҳолини кўрқитиш ёки улар билан савдо қилиш орқали мустамлакачиларни боқишга кўндирма олмасликларини англамадилар. Кортес ва Писарро самарали амалга оширган мустамлакачилик усуллари Шимолий Америкада иш бермаслигини биринчи бўлиб Смит тушунди. Шарт-шароитлар фарқли эди. Смитнинг қайд этилишича, ацтеклар ва инклардан фарқли ўлароқ,

виржинияликларда олтин йўқ эди. Ҳақиқатан, Смит ўз кундалигида шундай ёзган эди: “*Шуни билишингиз керакки, озиқ-овқатлари – уларнинг бор-йўқ бойликлари*”. Илк мустамлакачилардан бири бўлган, ўзидан каттагина кундалик қолдирган Анас Тодкилл, Смит ва бошқаларнинг умидсиз, маҳзун қиёфаларини яхши тасвирлайди:

Олтин қазим, олтинни қайта ишлаш, олтинни ортишдан бошқа ҳеч қандай суҳбат, ҳеч бир умид, ҳеч қандай меҳнат йўқ.

1608 йилда Ньюпорт пирит¹⁰ – “алдамчи олтин” ортилган кемада яна Англия сари йўлга чиқади. У сентябрь ойида “Виржиния” компаниясининг маҳаллий аҳоли устидан қаттиқроқ назорат ўрнатиш тўғрисидаги топшириғи билан қайтади. Улар Вахунсунакокка тож кийдиришни кўзлаганди, бу билан унинг инглиз қироли Жеймс II га итоат қилишига эришмоқчи бўлишди. Инглизлар Вахунакокни Жеймстаунга таклиф қилади. Аммо ҳамон мустамлакачиларга ишончи бўлмаган қабила сардори ҳаётини хавфга қўйишни истамайди. Жон Смитнинг қайд этишича, Вахунакокнинг жавоби қуйидагича бўлган:

Агар сизнинг қиролингиз менга ҳадялар юборган бўлса, у ҳолда мен ҳам қиролман ва бу менинг ерим. Сизнинг сардорингиз ҳузуримга келиши керак, мен унинг ҳузурига бормаيمان, сизнинг қароргоҳингизга бормаيمان ҳам, бундай қармоққа илинмайман ҳам.

Модомики, Вахунакок бу қармоққа илинмаган экан, у ҳолда Ньюпорт ва Смит тож кийдириш маросимини ўтказиш учун Веровокомокога боришига тўғри келган. Ҳойнаҳой, мазкур тадбир бутунлай муваффақиятсизликка учраган, унинг ягона натижаси шу бўлдики, Вахунакок инглизлар истилосидан қутулишга қарор қилди. У истилочилар билан савдо қилишни тақиқлаб қўяди. Натижада Жеймстаун аҳолиси маҳаллий халқ билан таъминот учун савдо қилолмай қолди. Вахунсунакок

¹⁰ Пирит (юнонча “*pyritēs lithos*” – учкун берувчи тош) – оч, сарғишқўнғир рангли, металсимон ялтироқ минерал.

мустамлакачиларни очарчиликка маҳкум этди.

1608 йил декабрида Ньюпорт яна Англияга отланади. У ўзи билан Смитнинг “Виржиния” компанияси директорларига ёзган мактубини ҳам олиб боради. Хатда Смит директорлардан мустамлака бўйича ёндашувни ўзгартиришни сўраган эди. Виржиниядан Мексика ва Перудагидек тезда бойлик орттириш имконияти йўқ эди. У ерда на олтин, на қимматбаҳо металл бор бўлиб, маҳаллий аҳолини истилочилар учун ишлашга ёки уларни егулик билан таъминлашга мажбурлаб бўлмасди. Смит мустамлака яшашга қобил бўлиши учун истилочиларнинг ўзлари меҳнат қилиши лозимлигини тушуниб етганди. Шунинг учун у директорлардан муносиб кишиларни жўнатишни сўрайди:

Келаси сафар бизга одамлар жўнатишингизда ҳозир бизда мавжуд кишиларга ўхшаган минг кишидан кўра ўттиз нафарча малакали дурадгор, деҳқон, боғбон, балиқчи, темирчи, сангтарош, ер қовловчи, дарахт ва илдиз қўпоровчиларни юборишингизни ўтиниб сўрайман.

Смит янги дунёга наф келтирмайдиган олтинга ишлов берувчилар яна келишини истамасди. Жеймстаун аҳолиси яна бир бор унинг топқирлиги туфайли омон қолди. Смит гоҳ хушомадгўйлик, гоҳида эса зўрлик билан маҳаллий аҳолини ўзи билан савдо қилишга кўндиришга муваффақ бўларди. Мабодо, улар рад этса, кўлидан келганча нарсаларини тортиб оларди. Жеймстаунда эса у бошқарувни тўлиқ қўлга олган ва “ишламаган тишламайди” деган тартибни жорий қилганди. Мустамлакачилар иккинчи қишдан ҳам эсон-омон чиқди.

“Виржиния” ширкати катта фойда келтириши қутилган тижорат ташкилоти бўлишига қарамай, “янги дунё”да серталафот ўтган икки йилдан сўнг, фойдадан ҳали дарак йўқ эди. Компания директорлари мустамлака ҳудудни бошқаришнинг янги шаклига эҳтиёж сездилар, шунинг учун бошқарув кенгашини яқка губернатор бош-

қарувига алмаштиришга қарор қилинди. Бу лавозимга биринчи бўлиб сэр Томас Гейтс тайинланади. Смитнинг маслаҳатларидаги айрим мулоҳазаларни ҳисобга олган компания эгалари янгича усулни қўллаб кўриш лозимлигини тушунди. 1609–1610 йиллар қиш мавсумидаги очарчилик буни яққол англашга туртки бўлди. Смит бошқарувнинг янгича шакли ўзига ҳеч қандай имконият қолдирмаганидан норози бўлиб, 1609 йил кузида Англияга қайтади. Унинг зукколигидан маҳрум бўлган ва Вахунакокнинг егулик таъминотига қўйган чеклови асоратида қолган жеймстаунлик мустамлакачилар очликдан қирилиб кетди. Март ойига келиб, қиш бошланишидан олдин Жеймстаунда яшаган беш юз кишидан фақат олтамиш нафари омон қолди. Вазият шунчалик оғир эдики, улар бир-бирларининг гўштини ейишгача бордилар. Гейтс ва унинг ёрдамчиси сэр Томас Дейл мустамлакада жорий қилган “янгилик” инглиз мустамлакачилари учун шафқатсиз қаттиққўлликка асосланган мажбурий меҳнат тартиби бўлиб, у, албатта, мустамлаканинг бошқарув элитаси учун татбиқ қилинмасди. Айнан Дейл “Илохий, ахлоқий ва ҳарбий қонунлар” номли низомни ишлаб чиқади. Унда, жумладан, куйидаги тартиблар бор эди:

Ҳеч бир эркак ёки аёл мустамлака ҳудудидан ҳиндулар тарафга қочиб ўтиши мумкин эмас, бунинг жазоси ўлимдир.

Ҳусусий ёки жамоа мулки бўлишидан қатъи назар, боққа ёхуд узумзорга талончиликка тушган, шунингдек, маккажўхори донини ўмарган ҳар ким ўлим жазосини олади.

Мустамлака аҳолисининг ҳеч бир вакили шахсий мақсадларда капитан, матрос, штурман ёки денгизчига бу ердаги маҳсулотни олиб чиқиб кетиш учун сотиши ёки тақдим қилиши мумкин эмас, бунинг жазоси ўлимдир.



“Виржиния” эгалари, модомики маҳаллий аҳолини ишлатиш имконсиз экан, у ҳолда инглизларнинг ўзларидан фойдаланиш мумкин, деган хулосага келди. Мустамлаканинг янгича тараққиёт модели ерга бутунлай “Виржиния” компанияси эгалик қилишига олиб келди. Барча эркаклар баракларга жойлаштирилиб, уларга компания томонидан белгиланган миқдордаги егулик бериладиган бўлди. Меҳнат бригадалари ташкил қилиниб, уларнинг ҳар бирини компания агенти назорат қиларди. Худудда ҳарбий ҳолатга ўхшаш тартиб ўрнатилган, ҳар қандай қаршилик учун фақат ўлим жазоси қўлланиларди. Мустамлакада жорий қилинган янгича институтлар ичи-

да хозиргина айтиб ўтилган биринчиси муҳим аҳамиятга эга: компания қочишга уринганларни ўлим билан кўрkitарди. Янги иш тартиби жорий қилиниши туфайли ишлашга мажбур қилинган мустамлакачи инглизларда маҳаллий аҳоли томонга қочиш кетиш истаги кучая борди. Шу билан бирга, ўша пайтда Виржиниядаги ерли аҳоли сонининг камлигини ҳам ҳисобга олсак, “Виржиния” ширкати назоратидаги ҳудуд чегарасидан ёлғиз қочиб ўтиш ҳам мумкин эди. Ана шундай вариантлар қаршисида компаниянинг ҳукмронлик доираси торайиб қолганди. Инглиз мустамлакачиларини кут-лоямут учун оғир ишларни қилишга мажбурлаш имконсиз эди.

Иккинчи харитада испан истилоси давридаги Американинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги кўрсаткичи тасвирланган. АҚШдаги аҳоли зичлигига эътибор берсак, айрим марказий қисмларни ҳисобга олмаганда, ҳар квадрат милга 0.75 киши тўғри келарди. Марказий Мексика ёки Анд тоғларидаги Перуда эса аҳоли зичлиги беш юз баробардан ҳам кўпроқ бўлиб, бир квадрат мил майдонга тўрт юз кишидан тўғри келарди. Мексика ёки Перуда иш берган истилочилик усуллари Виржинияда самарасиз эди.

“Виржиния” компанияси Шимолий Америкада мустамлакачиликнинг илк методидан натижа чиқмаслигини тушуниб етиши учун вақт керак бўлди, шу билан бирга, “Илоҳий, ахлоқий ва ҳарбий қонунлар” иш бермаслигини англаб етиш учун ҳам бирмунча вақт сарфланди. 1618 йилдан бошлаб мутлақо янгича стратегия ўйлаб топилди. Маҳаллий аҳолини ва қучиб келган инглизларни ишлашга мажбурлаш имконсиз экан, ягона чора инглизларда меҳнат учун рағбат уйғотиш эди. 1618 йилда компания “Жон бошига тизими”ни (*headright system*) жорий қилади. Унга кўра, Виржинияга қучиб келган ҳар бир эркакка 50 акр¹¹ ҳамда у билан бирга келган оила аъзолари ва

¹¹ Акр (инглизча “acre”) – 4047 квадрат метр ёки 40.47 сотихга тенг майдон ўлчов бирлиги.



хизматкорларнинг ҳар бирига яна шунчадан ер берилиши белгиланди. Кўчиб келганларга уйлар тақдим қилиниб, улар мажбурий ишлаб бериш шартидан озод қилинди. 1619 йилда эса Умумий Мажлис (ассамблея) ташкил қилиниши натижасида вояга етган барча эркакларга мустамлакада ўрнатилажак қонунлар ва тартибларни ишлаб чиқиш бўйича муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Бу демократиянинг АҚШдаги ибтидоси эди.

“Виржиния” компанияси Мексикада, Марказий ва Жанубий Америкада испанларга қўл келган усуллар Шимолий Америкада иш бермаслигини тушуниб етиши учун 12 йил керак бўлди. Бу компания учун дастлабки сабоқ эди. XVII асрнинг қолган даври мобайнида кечган давомли курашлар эса компанияга иккинчи сабоқ – иқтисодий жихатдан самарадор мустамлака қуришнинг ягона йўли мустамлакачиларни сармоя тикиш ва жонжаҳдлари билан ишлашга ундайдиган институтлар яратиш лозимлигини уқтирди.

Шимолий Америка ривожланиб борар экан, инглиз бошқарув элитаси худди испанлар каби вақти-вақти билан мустамлаканинг имтиёзларга эга муайян тоифасидан бошқа барча аҳоли учун иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларни чеклашга уринарди. Аммо барча уринишлар худди Виржинияда бўлганидек муваффақиятсиз чиқди.

Ана шундай хаёлий уринишлардан бири “Виржиния” компанияси стратегияни ўзгартириши биланоқ бошланади. 1632 йилда Чесапик кўрфази юқорисидаги 10 миллион акрга тенг ер майдони Англия қироли Чарльз II томонидан Иккинчи Лорд Балтимор Сесили Калвертга инъом қилинади. Қирол имзолаган ҳужжат “Мэриленд хартияси” номи билан машҳур бўлиб, Лорд Балтиморга ўзи хоҳлаган ҳудуд узра ҳокимлик қилиш учун тўла эркинлик берар, ҳужжатнинг еттинчи бандида белгилаб қўйилганидек, Балтимор *“мазкур ҳужжатга мувофиқ, белгиланган ҳудудни самарали ва кўнгилдагидек бошқариш мақсадидан ўзи истаганча фармойиш бериш, қонунлар*

чиқариш ва ижро этиш бўйича чекланмаган, мутлақ ҳокимият”га эга бўлади.

Балтимор XVII асрда қишлоқ хўжалигига асосланган Англиядаги идеаллаштирилган хўжалик тузуми – манорнинг¹² шимолий америкача шаклини яратиш бўйича батафсил режа ишлаб чиқди. Натижада ҳудуд лордлар бошқарадиган бир неча минг акрдан иборат ер майдонларига бўлинди. Ерга эгалик қилувчи имтиёзли элита вакиллари – лордлар эса ерда меҳнат қиладиган ҳамда бунинг учун уларга ҳақ тўлайдиган ижарачи дехконларни ёлларди. Яна бир шунга ўхшаш уриниш кейинроқ – 1663 йилда Сэр Антони Эшли-Купер ва бошқа ер эгаларидан иборат саккиз нафар лорд томонидан Каролина мустамлака ҳудудини ташкил қилиш орқали амалга оширилди. Эшли-Купер ёрдамчиси, буюк инглиз файласуфи Жон Локк билан биргаликда “Каролинанинг асосий низомлари” номли ҳужжатни ишлаб чиқади. Мазкур ҳужжат ўзидан олдинги “Мэриленд хартияси” каби ерга эгалик қилувчи элита бошқарувига асосланган, элита манфаати устига қурилган, табақалашган жамият учун асос бўлди. Ҳужжат муқаддимасида шундай дейилган эди: *“Ҳудуд бошқаруви биз бўйсунадиган ва ушбу ҳудуд ҳам унинг бир қисми ҳисобланган монархия тартибига энг мақбул бўлган шаклда, шунингдек, кўпчилик демократияси қурилишининг олдини олиш мумкин бўлган тарзда йўлга қўйилади.”*

“Каролинанинг асосий низомлари” жамиятдаги ижтимоий табақаланишнинг катъий тартибини белгилаб берди. Энг қуйи табақа литменлар¹³ (инглизча *leet-men*) деб аталган. Қонуннинг 23-моддасида шундай дейилган эди:

¹² Манор тизими – ўрта асрларда Англияда ҳукм сурган ерга эгалик қилишнинг феодал тартиби. Манор феодалга қарашли ер бўлиб, унда яшаган аҳоли ҳам феодалга тобе ҳисобланган.

¹³ Литмен – Каролина мустамлака ҳудудида жорий қилинган феодал тартибга кўра, феодалга қарашли ерда яшаб, меҳнат қилувчи ва ер эгасига тобе бўлган шахс. Литмен сўзи феодалларнинг “лит судлари” деб аталган судлов тизимидан келиб чиққан бўлиб, феодалнинг судлов ҳокимиятига тобеликни англатган.

“Литменларнинг ҳамма болалари литмен бўлади ва шу тариқа авлоддан-авлодга ўтади”. Сиёсий жиҳатдан ҳеч қандай кучга эга бўлмаган литменлардан юқори табақалар ландграфлар (*landgraves*) ва касиклар (*caziques*) бўлиб, улар аристократияни шакллантирган. Ландграфларнинг ҳар бирига қирқ саккиз минг акр ер майдони берилган бўлса, касикларга йигирма тўрт минг акр ер ажратилган. Каролинада парламент ҳам ташкил этилган бўлиб, унда ландграфлар ва касиклар вакилларигина қатнашган. Аммо парламентда бошқарувчи саккизлик олдиндан қабул қилган қарорларгина муҳокама қилинишига изн берилган.

Виржинияда шафқатсиз қонунлар муваффақиятсизликка учрагани каби, Мэриленд ва Каролинада ҳам бундай тартиблар ўрнатиш режалари чиппакка чиқади. Муваффақиятсизлик сабаблари ҳам бир хил эди. Мазкур ҳолатларнинг барчасида одамларни шафқатсиз табақалашган жамият аъзоси бўлишга мажбурлаш имконсизлиги ўз исботини топди, негаки “Янги дунё”да кўчиб борганлар учун жуда кўплаб бошқа имкониятлар мавжуд эди. Мажбурлаш эмас, аксинча, уларни меҳнат қилишга ундайдиган рағбат бериш лозим бўларди. Ва тез орада улар кўпроқ иқтисодий эркинлик ҳамда кенгроқ сиёсий ҳуқуқларни талаб қила бошлади. Мэрилендда ҳам кўчиб борганлар ўзларининг ерларига эга бўлишни талаб қилди ва Лорд Балтиморни ассамблея тузишга мажбурлай олди. 1691 йилда ассамблея қиролни Мэриленд мустамлака вилоятини қироллик мулки деб эълон қилиш ва шунинг натижасида Балтимор ҳамда унинг лордларини уларга тегишли сиёсий имтиёزلардан маҳрум қилишга кўндиради. Каролинада ҳам узоқ давом этган шу каби кураш натижасида лордлар саккизлиги маглуб бўлди. Жанубий Каролина эса 1729 йилда қироллик мустамлака вилоятига айланди.

1720-йилларга қадар кейинчалик АҚШга бирлашган

13 та мустамлаканинг ҳаммаси бир хил бошқарув тизимига эга эди. Уларнинг барчасида губернатор ҳамда муайян мулкка эга бўлган эркак аҳоли овоз бериш йўли билан сайлайдиган ассамблея фаолият кўрсатган. Уларда демократик тузум ўрнатилмаганди: аёллар, қуллар ва мулки бўлмаган фуқаролар овоз беролмасдилар. Бирок сиёсий ҳуқуқлар дунёнинг бошқа ҳудудлари билан солиштирганда анчагина кенгроқ эди. Ана ўша ассамблеялар ва уларнинг етакчилари АҚШ мустақилликка эришиши олдидан, 1774 йилда “Биринчи континентал конгресс”ни ташкил қилиш учун бирлашди. Ассамблеялар иттифокка бирлашиш шартларини белгилаш ва солиқлар жорий қилиш бўйича ҳуқуқларга эгамиз, деб ҳисоблардилар. Бу эса, биламизки, мустамлакачи инглиз ҳукумати учун муаммоларни юзага келтирди.

ИККИ КОНСТИТУЦИЯ ҲАҚИДА ҚИССА

Ана энди демократик тамойилларга асосланган, сиёсий ҳокимият ваколатларини чеклаган ҳамда ҳокимиятни жамиятдаги кучлар ўртасида тақсимлаб ташлаган конституция Мексикада эмас, айнан АҚШда қабул қилиниб, жорий этилгани тасодиф эмаслиги аён бўлса керак. Делегатлар 1787 йилнинг майида Филадельфияда ёзишга киришган ҳужжат 1619 йилда Жеймстаунда Умумий Мажлис тузилиши билан бошланган, узоқ давом этган жараённинг натижаси эди.

АҚШдаги озодлик кураши вақтида рўй берган ва ундан биров кейинроқ Мексикада содир бўлган конституциявий жараёнлар ўртасида сезиларли фарқ бор. 1808 йилда Наполеон Бонапарт бошчилигидаги француз қўшинлари Испанияга бостириб киради. Май ойига келиб, французлар Испания пойтахти Мадридни ишғол қилдилар. Сентябрга бориб эса Испания кироли Фердинанд банди қилинади ва у тахтдан воз кечади. Марказий Хунта номини олган миллий ҳарбий ҳукумат унинг ўрнини эгаллаб, французларга қарши курашга

бошчилик қилади. Хунта вакиллари биринчи марта Аранхуезда тўпланади, аммо француз кўшинларининг зарбасидан жанубга чекинади. Ниҳоят, улар Кадиз портига етиб борадилар. Портни Наполеон кўшинлари қамал қилган бўлишига қарамасдан, таслим бўлмаганди. Шу ерда хунта Кортес номини олган парламент тузади. 1812 йилда Кортес Кадиз конституцияси номи билан машхур ҳужжатни ишлаб чиқади. Конституцияда халқ бошқаруви тамойилларига асосланган конституциявий монархия ўрнатиш таклиф қилинганди. Шу билан бирга, бу ҳужжат муайян табақаларга берилган махсус имтиёзларни тугатиш ва қонун олдида барчанинг тенглиги тамойилини илгари суради. Бундай талаблар муҳит хўжайинлари бўлган Жанубий Америка элитаси учун мисли кўрилмаган ҳодиса эди, бу ерда ҳалигача энкомиенда тартиби, мажбурий меҳнат ҳамда аҳоли ва мустамлака ҳудуд устидан чекланмаган ҳокимият орқали шакллантирилган тартибот ҳукм суларди.

Наполеон истилоси натижасида испан монархиясининг қулаши бутун Лотин Америкасидаги мустамлака ҳудудларда конституциявий инқирозни келтириб чиқарди. Марказий Хунта ҳокимиятини тан олиш керакми-йўқми, деган масала устида мунозаралар авж олиб, Лотин Америкасининг Испаниядан руҳланган кўплаб мустамлакалари ҳам ўзларининг хунталарини туза бошладилар. Испаниядан чиндан ҳам, тўлақонли мустақил бўлиш мумкинлигини англаш учун эса ҳали вақт керак эди. 1809 йилда Боливия пойтахти Ла-Пасда илк бор Испаниядан мустақиллик эълон қилинган бўлсада, бу уринишга Перудан юборилган испан кўшинлари тезда барҳам берди. Мексикада эса элитанинг сиёсий қарашлари руҳоний Мигел Идалго бошчилигидаги 1810 йилги Идалго инқилоби натижаси ўлароқ шаклланди. Шу йилнинг 23 сентябрь куни Идалго кўшинлари Гуанахуато шаҳрини эгаллаб, уни талон-тарож қилар экан,

аввал мустамлака маъмурий бошқарув органи раҳбари бўлган интендантни¹⁴ ўлдиришади, кейин эса шаҳардаги оқ танли аҳолини оммавий қирғин қила бошлайдилар. Бу мустақиллик ҳаракатидан кўра кўпроқ табақаларо урушга ёки миллатларо низога ўхшарди. Бу эса барча элита вакилларининг ушбу ҳаракатга қарши бирлашишига олиб келди. Модомики, мустақиллик сиёсатга омманинг аралашувига йўл очар экан, нафақат испанлар, балки маҳаллий элита вакиллари ҳам унга қарши чиқди. Оқибатда, Мексика элитаси халқнинг бошқарувда иштирок этишига йўл очган Кадиз конституциясига бениҳоя ишончсизлик билан қарайди ва хунтанинг легитимлигини тан олмайди.

1815 йилда Наполеон империяси кулаб, қирол Фердинанд VII ҳокимиятга қайтади ва Кадиз конституциясини бекор қилади. Испания қироллик ҳукумати Америкадаги мустамлакалари учун даъво қилишни бошлаганида, испан тожига содиқ Мексика билан муаммога дуч келмади. Бироқ 1820 йилда мустамлакаларда Испания ҳокимиятини тиклашга кўмаклашиш мақсадида Америкага отланиш учун Кадизда йиғилган испан кўшинлари Фердинанд VII га қарши исён кўтарди. Бутун мамлакат бўйлаб ҳарбий бўлинмаларнинг уларга қўшилиши натижасида қирол Кадиз конституциясини тиклашга ва Кортесни чақиришга мажбур бўлди. Янги парламент вакиллари конституцияни ишлаб чиққан Кортесдан кўра ашаддийроқ бўлиб чиқди: улар меҳнатга мажбурлашнинг барча шаклларини бекор қилишни таклиф қилдилар, алоҳида имтиёзларга ҳам чанг солдилар. Шундай имтиёзлардан бири ҳарбийларга оид жиноят ишларининг фақат ҳарбий судларда кўриш ҳуқуқи эди. Охир-оқибат мазкур ҳужжатнинг Мексикада

¹⁴ Интендант (французча – бошқарувчи) – XV-XVIII асрларда Францияда, XVIII асрдан бошлаб эса Испания империясида маъмурий-ҳудудий бирлик (интенденция) раҳбари. Ҳозирда Аргентинада шаҳарлар, Чилида вилоятлар, Парагвай ва Уругвайда эса округлар ижро ҳокимияти раҳбари интендант деб аталади.

кучга кириши билан элита вакиллари бундан кейин ўз йўлларидан кетишга ва мустақиллик эълон қилишга қарор қилди.

Мустақиллик ҳаракатини муқаддам Испания армиясида зобит бўлиб хизмат қилган Агустин де Итурбиде бошқарди. 1821 йилнинг 24 февраль куни Итурбиде ўзининг мустақил Мексика борасидаги тасавури баён қилинган “Игуала дастури”ни (*Plan de Iguala*) эълон қилади. Дастурда Мексика императори бошқарадиган конституциявий монархия ғояси илгари сурилган бўлиб, унда Кадиз конституциясидан Мексика элитаси эгаллаб турган мавқе ва имтиёзлар учун хавф сифатида кўрилган бандларни олиб ташлаш кўзда тутилганди. Итурбиденинг режаси дарҳол тарафдорларини топди. Айки чоғда Испания ҳукумати ҳам муқаррар инқилобни тўхтатиш имконсизлигини англаб етди. Бироқ Итурбиде фақат Мексика мустақиллиги учун ҳаракат билан кифояланмади. Ҳокимиятда юзага келган бўшлиқдан фойдаланиб, у ўзини император деб эълон қилиш учун кўшиннинг қўллаб-қувватлашига эришди, Жанубий Америкадаги мустақиллик ҳаракатининг йирик намояндаси Симон Боливар таъбири билан айтганда, Итурбиде бу мавқега “Худонинг марҳамати ва милтиқ найзаси шарофати билан” эришганди. Аммо Итурбиде Мексикасида АҚШдаги президентларни тийиб турадиган сиёсий институтларга ўхшаш механизм йўқ эди. Шу сабабли у тез орада диктаторга айланди ва конституция билан тасдиқланган конгрессни бекор қилиб, унинг ўрнига ўзи тайинлайдиган хунтани жорий қилди. Гарчи унинг ҳукмронлиги узоқ давом этмаган бўлса-да, шунга ўхшаш ҳодисалар ўн тўққизинчи аср Мексикасида вақт-вақти билан рўй бериб турди.

АҚШ конституцияси ҳам замонавий стандартлардаги демократия яратгани йўқ. Сайловларда иштирок этиш ҳуқуқи кимга берилишини белгилаш штатларнинг

ўзларига ҳавола қилинди. Шимолий штатларда овоз бериш ҳукуки, топадиган даромади ёки эгалик қиладиган мулк микдоридан қатъи назар, барча оқ танли эркакларга дарҳол берилгани ҳолда, жанубдагилар аста-секинлик билан шундай қилишди. Бирор штатда аёллар ва қулларга овоз бериш ҳукуки берилмаганди. Мулк ва даромад цензи¹⁵ оқ танли эркаклар учун бекор қилингани ҳолда, қора танлиларни сайлаш ҳукукидан маҳрум қилувчи очик-ойдин иркий чекловлар жорий қилинди. Маълумки, Филадельфияда АҚШ конституцияси ишлаб чиқилган вақтдаёқ қулчилик конституцияга мувофиқ деб қабул қилинган ва энг жирканч мунозара Вакиллар палатасидаги ўринларни штатлар ўртасида қандай тақсимлаш масаласида юз берганди. Жойлар ҳар бир штатнинг аҳолиси сонидан келиб чиқиб ажратилиши лозим эди, бироқ Конгрессдаги жанубий штатлар вакиллари қулларни ҳам ҳисобга олишни талаб қилди. Шимолликлар эса бунга қарши чиқди. Алалокибат келишув шундай бўлдики, Вакиллар палатасидаги ўринларни тақсимлашда қуллар озод кишининг бешдан уч қисмига тенглаштириб ҳисобланадиган бўлди.

АҚШнинг шимолий ва жанубий штатлари ўртасидаги низолар конституцияни ишлаб чиқиш жараёнида “бешдан уч” тартиби ва бошқа келишувлар иш бергани туфайли пасайтирилди. Вақт ўтиши билан бошқа ечимлар ҳам кўшимча қилиб борилди. Бунга Сенатда қулчилик тарафдорлари ва унга қарши бўлганлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш учун иттифок таркибига ҳар сафар битта қулчилик тарафдори ва битта унга қарши бўлган штатни биргаликда қабул қилиш белгиланган Миссури келишувини мисол қилиш мумкин. Мазкур келишувлар токи охир-окибатда фуқаролар уруши ўртадаги ихтилофларни шимолий штатлар фойдасига ҳал қилгунига

¹⁵ Мулк цензи – муайян мулк ва даромадга эга бўлмаган шахсларнинг сайловда иштирок этиш ҳукукини чеклаш.

қадар АҚШдаги сиёсий институтларнинг биргаликда осойишта ишлашини таъминлади.

Фуқаролар уруши қонли ва ҳалокатли бўлди. Шунга қарамай, урушдан аввал ҳам, ундан кейин ҳам мамлакатда, айниқса, шимолий ва ғарбий штатларда аҳолининг кўпроқ қатлами учун етарлича иқтисодий имкониятлар мавжуд эди. Мексикадаги вазият эса тубдан фарқ қиларди. Агар АҚШ 1860–1865 йиллар оралиғидаги беш йилликда сиёсий беқарорликни бошдан кечирган бўлса, Мексикада мустақилликнинг дастлабки эллик йили давомида деярли тўхтовсиз бошбошдоқлик ҳукм сурди. Бунга Антонио Лопес де Санта-Анна фаолияти энг ёрқин мисол бўлади.

Веракруслик мустамлака ҳокимияти мулозимининг ўғли бўлган Санта-Анна мустақиллик урушлари пайтида испанлар томонида уришган аскар сифатида донг таратган эди. 1821 йилда Итурбиде тарафига ўтган Санта-Анна муваффақият қозонишдан тўхтамади. 1833 йилнинг майида биринчи бор Мексика президенти бўлгач, бу лавозимда бор-йўғи бир ойга яқин вақт ишлайди ва ҳокимиятни Валентин Гомес Фариасга топширишни афзал кўради. Гомес Фариаснинг президентлиги ўн беш кун давом этиб, кейин Санта-Аннанинг ўзи яна ҳокимиятни қайтариб олади. Бу сафар ҳам биринчи галгидек қисқа президентликдан сўнг июлнинг бошларида яна Гомес Фариас унинг ўрнини эгаллайди. Санта-Анна ва Гомес Фариаснинг ҳокимият алмашиш ўйини 1835 йил ўрталаарида Санта-Аннанинг ўрнини Мигел Барраган эгаллагунча давом этади. Аммо Санта-Анна ортга чекинувчилардан эмасди. У 1839, 1841, 1844, 1847-йилларда ва нихоят, 1853–1855 йиллар оралиғида президентлик курсисига яна ва яна қайтади. Умумий ҳисобда Санта-Анна ўн бир марта президент бўлган. Унинг даврида Мексика Аламо ва Техасни қўлдан чиқарди, Нью-Мексико ва Аризона штатларига айлантирилган ерларни Америкага бой беришга сабаб бўлган ҳалокатли Мексика – Америка уру-

шида мағлуб бўлди. 1824 йилдан 1867 йилгача бўлган даврда Мексикани эллик икки президент бошқарди, улардан айримларигина ҳокимиятни конституциявий йўл билан қўлга киритганди.

Иқтисодий институтлар ва рағбатлар учун бу каби кўз кўриб кулоқ эшитмаган сиёсий беқарорлик келтириб чиқарган натижа тушунарли бўлса керак. Бундай бошбошдоклик мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бутунлай ҳимоясиз қолишига олиб келди. Бу Мексика давлатининг ҳам жиддий заифлашувига сабаб бўлди. Ҳукумат солиқлар йиғиш ёки ижтимоий хизматларни ташкил қилиш учун жуда кам ваколат ва имкониятга эга бўлди. Дарҳақиқат, гарчи Санта-Анна президент бўлса-да, мамлакат ҳудудининг катта қисми унинг назоратида эмасди, бу эса АҚШга Техасни эгаллаб олиш имкониятини яратиб берди. Шу билан бирга, биз гувоҳи бўлганимиздек, Мексика мустақиллигини эълон қилишдан кўзланган асосий мақсад, мустамлакачилик даврида Лотин Америкасини ўрганган немис тадқиқотчиси ва географи Александр фон Хумбольдт таъбири билан айтганда, “тенгсизлик мамлакати” барпо қилинган даврда ўрнатилган иқтисодий институтларни ҳимоя қилиш эди. Маҳаллий ҳиндуларни эксплуатация қилиш ва монополиялар ўрнатишга асосланган ушбу институтлар кенг аҳоли оммасининг иқтисодий рағбат ва ташаббусларига тўсиқ бўлди. АҚШ саноат инқилобини бошдан кечира бошлаган XIX асрнинг биринчи ярмида Мексика қашшоқлаша борди.

БИЗНЕС ҒОЯ, ИШ БОШЛАШ ВА КРЕДИТ ОЛИШ

Англияда саноат инқилоби бошланди. Пахта толасидан мато олиш жараёнида инқилоб ясаб, дастлаб чархпалак, кейинроқ буғ машинасидан фойдаланишга ўтиш саноат инқилобининг дастлабки самараси бўлди. Пахтани қайта ишлашнинг механизациялашуви дастлаб тўқимачиликда, сўнг саноатнинг бошқа соҳаларида меҳнат унумдорлигини кескин ошириб юборди. Янгича гоёларни жорий

килишга чанқоқ янги тадбиркорлар ва ишбилармонлар иктисодиёт тармоқларидаги технологик кашфиётларнинг асоси бўлган инновациялар тепасида турди. Бундай юксалиш тез орада Атлантика океани орқали АҚШга ҳам тарқала бошлади. Одамлар Англияда ўйлаб топилган янги технологияларни ўзлаштириш улкан иктисодий имкониятлар эшигини очишига гувоҳ бўлди. Уларда ҳам ўзларининг ихтироларини яратиш иштиёқи туғилди.

Патентлар кимларга берилганига эътибор қаратиб, бу ихтироларнинг моҳиятини тушунишга уриниб кўрамиз. Гояларга эгалик қилиш ҳуқуқини (интеллектуал мулк ҳуқуқи) ҳимоялашга қаратилган патент тизими инглиз парламенти томонидан 1623 йилда қабул қилинган “Монополиялар тўғрисидаги низом” билан тартибга солинган. Ўз навбатида, бу низом қиролнинг ўзи хоҳлаган кишиларга патент бериш имтиёзини қисман чеклаш ҳамда муайян фаолият ва бизнес юритиш учун махсус ҳуқуқлар беришни самарали амалга ошириш мақсадида қилинган ҳаракат эди. АҚШдаги патентлаштиришга оид хайратланарли факт шундаки, патент берилган кишилар нафақат жамиятнинг бой ва асилзода табақаларидан, балки келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеига кўра турли тоифа вакилларидан бўлган. Уларнинг кўпчилиги патентлари асосида муваффақият қозонди. Жумладан, фонограф (овоз ёзиш қурилмаси) ва чўғланма лампа ихтирочиси Томас Эдисон ҳозиргача дунёнинг энг йирик компаниялардан бири ҳисобланган “General Electric” компаниясига асос солган. Эдисон оилада етти фарзанднинг кенжаси эди. Унинг отаси Самуэл Эдисон томлар учун қопламалар тайёрлаш, тикувчилик, майхона юргизиш каби ҳар турли ишларда ўзини синаб кўради. Томас мактабга жуда кам қатнаган, унга уйда онаси таълим берган.

1820–1845 йилларда АҚШда патент берилганларнинг бор-йўғи 19 фоизи яхши таълим олган ёки йирик ер эгалари бўлган ота-оналарнинг фарзандлари эди. Шу

даврда патент олганлардан фақат 40 фоизи худди Эдисон каби бошланғич таълимнигина битирган ёки умуман мактаб кўрмаган кишилар бўлган. Шу билан бирга, улар Эдисонга ўхшаб кўпинча янги фирма очиб орқали ўз патентларидан фойдаланишган. XIX асрда АҚШ сиёсий жихатдан дунёдаги ўша давр учун энг демократик давлат бўлгани ҳолда, инновациялар борасида ҳам бошқалардан кўра эркинроқ мамлакат эди. Бу эса АҚШнинг иқтисодий жихатдан дунёдаги энг инновацион мамлакатга айланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Борди-ю, сизда яхши ғоя бўлса, камбағал бўлсангиз ҳам, барибир унча қиммат бўлмаган патентни кўлга киритишингиз мумкин. Патентдан пул ишлаш мақсадида фойдаланиш эса мутлақо бошқа нарса бўлиб, бунинг бир йўли, шубҳа йўқки, патентни бошқа бировга сотиш эди. Дастлаб Эдисон ҳам пул жамгариш учун шундай қилган, у тўрт томонлама телеграф аппарати патентини “Western Union” компаниясига 10 минг доллар эвазига сотиб юборди. Аммо патентларни пуллаш фақат Эдисонга ўхшаганларга, тўғрироғи, гоёларни амалда қўллашдан кўра ғоялар ўйлаб топишга уста одамлар учун маъқул иш (Эдисон патентларга эгалик қилиш бўйича жаҳон рекордини ўрнатган бўлиб, унинг ҳисобида АҚШнинг ўзида 1093 та патент мавжуд, дунё бўйича эса бир ярим минг патент олишга муваффақ бўлган). Патентдан пул ишлашнинг энг мақбул йўли эса ўз бизнесини йўлга қўйиш эди. Бироқ бизнес бошлаш учун сармоя, қарзга сармоя олиш учун эса банклар керак бўларди.

Америкалик ихтирочиларнинг яна бир бор омади чопди. XIX асрда молиявий воситачилик ва банк хизматларининг шитоб кенгайиб бориши кузатилди. Бу эса иқтисодиёт бошдан кечираётган жадал тараққиёт ва саноатлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. 1818 йилда АҚШда умумий активлари 160 миллион долларни ташкил қилган 338 та банк ишлаган бўлса, 1914

йилга келиб, банклар сони 27 864 тага, уларнинг умумий активлари ҳажми эса 27.3 миллиард долларга етади. Америкалик бўлажак ихтирочиларга ўз бизнесларини бошлаш учун зарур сармояни олишга қулай шароитлар муҳайё қилинганди. Бундан ташқари, АҚШдаги банклар ва молиявий институтлар ўртасидаги кучли рақобат ҳам сармояни анчагина паст фоизларда олиш имконини берарди.

Мексикада эса вазият ўзгача бўлди. Мексика инкилоби бошланган 1910 йилда мамлакатда бор-йўғи қирқ иккита банк мавжуд бўлиб, улардан иккитаси барча банк активларининг 60 фоизини назорат қиларди. Рақобат шиддатли кечган АҚШдан фарқли ўлароқ, Мексика банклари ўртасида амалда ўзаро рақобат йўқ эди. Рақобатнинг йўқлиги туфайли банклар ўз мижозларига жуда юқори фоизларда кредит берар, бу эса кўпинча сармоянинг шундоқ ҳам бадавлат бўлган имтиёзли табақа қўлга киритишига олиб келарди. Улар эса кредит олиш имкониятидан иқтисодийнинг турли жабҳалари устидан ўз назоратларини ошириш учун фойдаланишлари мумкин эди.

XIX–XX асрларда Мексика банк тизимида шаклланган манзара бевосита мамлакатдаги мустақилликдан кейинги сиёсий институтларнинг маҳсули эди. Санта-Анна бошқарувидаги алғов-далғов даврдан кейин 1864–1867 йилларда Франция императори Наполеон II томонидан Мексикада император Максимилиан раҳбарлигида мустамлака тузумини қуришга бўлган муваффақиятсиз уриниш амалга оширилди. Охир-оқибат французлар мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди ва янги конституция ишлаб чиқилди. Аммо дастлаб Бенито Хуарес, унинг ўлимидан кейин эса Себастьян Лердо де Техада тузган ҳукумат тез орада Порфирио Диас исмли ёш ҳарбий зобитнинг қаршилигига дуч келади. У французларга қарши урушда иштирок этган музаффар генерал бўлиб, кўнглида

ҳокимиятга чиқиш истаги уйгонган эди. Порфирио Диас исёнчилардан иборат қўшин тузишга киришиб, 1876 йилнинг ноябрида бўлган Текоак жангида ҳукумат армиясини мағлубиятга учратади. 1877 йилнинг май ойида Порфирио Диас президент этиб сайланади. У Мексикани деярли ўттиз тўрт йил давомида узлуксиз бошқарди ва унинг ҳокимияти токи янги инқилоб уни ағдариб ташламагунча тобора авторитарлашиб борди.

Ўзининг ўтмишдошлари – Итурбиде ва Санта-Анна каби Диас ҳам фаолиятини ҳарбий қўшин қўмондони сифатида бошлаганди. Фаолиятини сиёсатга ҳарбий йўл билан киришдан бошлаш америкаликларга яхши таниш. АҚШнинг биринчи президенти Жорж Вашингтон ҳам мустақиллик урушининг музаффар қўмондони бўлган. Фуқаролар урушида галаба қозongan бирлашган қўшин генералларидан бири Улисс С. Грант 1869 йилда президент бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон урушида Европадаги иттифоқчи қўшин бош қўмондони бўлган Дуайт Д. Эйзенхауэр 1953–1961 йилларда АҚШни бошқарган. Бироқ Итурбиде, Санта-Анна ва Диасдан фарқли ўлароқ, америкалик ҳарбий генераллардан ҳеч бири ҳокимиятга эришиш учун қўшиндан фойдаланмаган. Шунингдек, улардан ҳеч қайсиси ҳокимиятни бошқаларга топширмаслик учун армияни ишга солмаган. Улар конституцияга риоя қилардилар. Гарчи XIX асрда Мексикада ҳам конституциялар амал қилган бўлса-да, бу ҳужжатлар Итурбиде, Санта-Анна ва Диас кабиларнинг ваколатларини жуда оз чекларди. Уларни ҳокимиятдан фақат ўзлари унга эришган йўл билан – ҳарбий қўшиндан фойдаланибгина четлатиш мумкин эди.

Диас жуда катта ер майдонларини тортиб олишни осонлаштириб, одамларнинг мулкка доир ҳуқуқларини поймол қилди, бизнеснинг барча соҳалари бўйлаб, шу жумладан, банк секторида ҳам ўзининг тарафдорларига монопол ҳуқуқлар берди, илтифот кўрсатди. Аслини ол-

ганда, унинг бундай сиёсати янгилик эмасди. Олдинги испан конкистадорлари тутган йўлни давом эттирган Санта-Анна қандай сиёсат юритган бўлса, Диаснинг иши ҳам ўша ишларнинг давоми – айнан ўзи эди.

АҚШ иқтисодий юксалиш учун анча фойдалироқ банк тизимига эга бўлиши банк соҳиблари иштиёқидаги тафовутларга дахлдор эмас. Чиндан ҳам, Мексикадаги банк тизимининг монополлашувига олиб келган фойда ортидан қувишга қизиқиш АҚШда ҳам бор эди. Лекин уларнинг фойда орттириш истаги АҚШнинг Мексикадагидан буткул ўзгача институтлари туфайли бошқа ўзанга буриб юборилди. Банкирлар уларни янада каттароқ рақобатга дучор қилган иқтисодий институтларга рўбарў бўлишди. Боиси банкирлар учун тартибларни ишлаб чиққан сиёсатчилар Америкадаги сиёсий институтлар шакллантирган мутлақо ўзгача рақобатларга тўқнаш келганди. Дарҳақиқат, ўн саккизинчи аср охирида – АҚШ конституцияси кучга киришидан кўп ўтмай, кейинчалик Мексикада ўрнатилган банк тизимига ўхшаш тузилмалар бўй кўрсата бошлади. Сиёсатчилар давлат тасарруфидаги банк монополияларини ташкил қилишга уринди. Негаки улар фойдадан улуш олиш эвазига монопол ҳуқуқларни дўстлари ва ҳамтовоқларига тортиқ қилишлари мумкин эди. Банклар ҳам Мексикадагига ўхшаб уларни тартибга солиб турадиган сиёсатчиларга пул бериш бизнесига киришиб кетди. Бироқ АҚШда бундай вазият узоқ давом этиши имконсиз эди, боиси банк монополиясини ўрнатишга уринган америкалик сиёсатчилар, Мексикадаги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ, мансабга сайлов орқали келарди. Банк тизимини монополлаштириш ва кредитларни сиёсатчиларга бериш сиёсатчиларнинг ўзлари учун яхши бизнес бўлган, фақат улар бундан худай олишса кифоя эди. Аммо аксарият фуқароларга бунинг нафи тегмасди. Мексикадан фарқли ўлароқ, АҚШ фуқаролари сиёсатчиларни назоратда уш-

лаб туриши, улар мансабидан бойлик орттириш ёки ўз дўстларига монополия ўрнатиб бериш учун фойдаланган тақдирда улардан кутулишлари мумкин эди. Оқибатда банк тизимидаги монополиялар заволга юз тутди. АҚШда сиёсий ваколатлар тақсимоти, айниқса, Мексика билан таққослаганда, барча учун молиявий манбалардан фойдаланиш ва кредитлар олишда тенг имкониятлар тақдим қилди. Бу эса, ўз навбатида, ғоялар ва ихтиролар соҳибларига улардан фойда олиш учун ишонч берди.

ЭСКИ ЙЎЛДАН ОҒИШМАГАН ЎЗГАРИШ

1870–1880 йилларда дунё эврилишга юз тутди. Лотин Америкаси ҳам бу ўзгаришлардан четда қолмади. Порфирио Диас Мексикада жорий қилган институтлар Санта-Анна ёки испан мустамлакачилик давридаги институтлар билан айнан бир хил эмасди. Глобал иқтисодиёт XIX асрнинг иккинчи ярмида юксалди. Транспорт соҳасидаги янгиликлар, жумладан, пороходлар ва темир йўллар халқаро савдонинг бениҳоя кенгайишига олиб келди. Глобаллашувнинг бундай тўлқини табиий ресурсларга бой бўлган Мексика каби мамлакатлар, тўғрироғи, бу мамлакатлардаги бошқарув элитаси хомашё ва табиий ресурсларни саноатлашган Шимолий Америка ҳамда Ғарбий Европага экспорт қилиш орқали бойиши мумкинлигини англатарди. Шу босидан Профирио Диас ва унинг шериклари ўзларини бошқача, жадал ривожланаётган дунёда кўрдилар. Улар Мексика ҳам ўзгариши кераклигини тушунишди. Аммо бу мустамлака даврида ўрнатилган институтларни қўприб ташлаб, уларни АҚШдагига ўхшаш институтлар билан алмаштириш дегани эмасди. Аксинча, улар тутган йўл Лотин Америкасининг аксарият қисмини аллақачон камбағал ва тенгсизлик жамиятига айлантирган институтларнинг кейинги босқичига етаклайдиган ўзгариш – эски йўлдан оғишмаган ўзгариш (*path-dependent*) эди.

Глобаллашув Америка қитъасидаги фойдаланилмаётган бепоён майдонларнинг – бўш ётган сарҳадларнинг кийматини ошириб юборди. Аслини олганда, бу ҳудудлар бўш ётгани ҳали ҳаёлот эди, негаки кейинчалик шафқатсизлик билан тортиб олинган бу ерларда Американинг маҳаллий аҳолиси – ҳиндулар макон тутганди. Шунга қарамай, ана шу янгича қимматли ресурслар учун кураш XIX асрнинг иккинчи ярмидаги Америка тарихида ҳал қилувчи жараёнлардан бири бўлди. Ана ўша қимматли сарҳадларнинг тўсатдан кашф этилиши АҚШ ҳамда Лотин Америкасида бир хил ўзгаришларга олиб келмади, аксинча, институтлар ўртасидаги мавжуд тафовутларнинг янада кенгайишига сабаб бўлди. Айниқса, ерга эгалик қилиш ҳуқуқи масаласида бўлиниш кузатилди. АҚШда 1785 йилги “Ер тўғрисида”ги қарордан (*Land Ordinance*) бошлаб 1862 йилги “Фермерлик тўғрисида”ги актгача (*Homestead Act*) бўлган ерга оид кўплаб қонунлар жамланмаси кўриқ ерларни ўзлаштириш учун кенг имкониятлар эшигини очади. Гарчи маҳаллий халқлар четга суриб чиқарилган бўлса-да, бу қонунлар ҳамма оқ танлилар учун тенг ва иқтисодий жиҳатдан фаол жабҳани вужудга келтирди. Лотин Американинг кўплаб мамлакатларида эса сиёсий институтлар бутунлай ўзгача натижани келтириб чиқарди. Кўриқ ерлар сиёсий жиҳатдан қудратли, бадавлат ва ҳокимият билан яхши алоқаларга эга шахсларга бўлиб берилди. Бу эса ўша шахсларнинг янада қудратлироқ бўлишига сабаб бўлди.

Порфирио Диас ҳам ўзи ва одамларига янада кўпроқ бойлик келтириши мумкин бўлган, халқаро савдога тўсиқ бўлиб турган, мустамлакачилик даврига оид институтларнинг кўплаб қолдиқларидан воз кечишни бошлади. Аммо Диас Рио Гранде шимолидаги иқтисодий тараққиёт моделини эмас, балки Кортес, Писарро ва де Толедонинг элита вакиллари учун улкан бойлик тўплаш манбаи бўлган, қолганларни эса четда қолдирадиган йўл-

ни давом эттирди. Фақат элита вакиллари инвестиция қилганда ҳам иқтисодий бормунча ривожланиши мумкин, бироқ бундай иқтисодий юксалиш доим кутилганидек бўлмаган. Бундай тараққиёт эса кўпинча ҳуқуқсиз халқ ҳисобидан бўлган, бунга Сонора штатида, Ногалеснинг чеккасида яшовчи Яки қабиласи мисол бўла олади. 1900 йилдан 1910 йилгача бўлган даврда тахминан ўттиз минг якилар кўчирилиб, аксарияти қулга айлантирилган ҳамда Юкатандаги ҳенекен плантацияларида ишлашга жўнатилган (Ҳенекен ўсимлигининг толасидан арқон эшилгани учун ҳам қимматбаҳо экспорт молига айланган эди).

Мексика ва Лотин Америкасида тараққиёт учун ноқулай бўлган муайян институтлар XIX аср келтирган иқтисодий турғунлик, ҳокимият имтиёзларини қўлга киритиш учун турли гуруҳларнинг кураши натижасида юз берган сиёсий бошбошдоқликлар, ўзаро урушлар ва тўнтаришлар бу воқеаларнинг XX асрда ҳам давом этиши мумкинлигини яққол намоён қилганди. Охирикват 1910 йилда Порфирио Диас ҳокимиятни инқилобий кучларга бой берди. Мексика инқилобидан кейин 1952 йилда Боливияда, 1959 йилда Кубада ва 1979 йилда Никарагуада ҳам тўнтаришлар юз берди. Айни пайтда Колумбия, Салвадор, Гватемала ва Перуда фуқаролар урушлари шиддат билан давом этди. Оммавий ер ислохотлари (ёки ислохотга бўлган уринишлар) орқали Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Гватемала, Перу ва Венесуэлада мулкларни тартиб олиш ёки уларни мусодара қилиш хавфи ҳам сақланиб қолди. Инқилоблар, мулкларни куч билан тартиб олиш ва сиёсий беқарорлик билан бирга ҳарбий ҳукуматлар ва ҳар хил турдаги диктатура-лар ҳам келди. Гарчи кўпроқ сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритиш учун ҳаракатлар секин-аста юз берган бўлса-да, Лотин Америкасининг аксарият мамлакатлари фақат 1990 йилларга келиб демократияга эришди ва ҳатто

шундан кейин ҳам улар беқарорлик исканжасида қолди.

Бу бошбошдоқликларга оммавий қатағонлар ва қотилликлар ҳам қўшилди. “Ҳақиқат ва мувофиқлаштириш бўйича миллий комиссия”нинг 1991 йилги ҳисоботида кўра, Чилида 1973–1990 йиллардаги Пиночет диктатура-си даврида 2 279 киши сиёсий сабаблар билан ўлдирилган. Пиночет даврида тахминан эллик минг киши ҳибсга олинган ва қийноққа солинган, юз минглаб одамлар эса ишдан ҳайдалган. Гватемала “Тарихий аниқлаштириш бўйича комиссияси”нинг 1999 йилги ҳисоботида эса 42 275 нафар қурбоннинг исми келтирилган, аммо бошқалар Гватемалада 1962–1996 йилларда 200 минг киши ўлдирилган, деб ҳисоблайдилар, шундан фақат генерал Эфраин Риос Монтт даврида (1982 йил март – 1983 йил август) 70 минг киши йўқ қилингани айтилади. Генерал жавобгарликка тортилмай, яна шундай жиноятларни бажариши ҳам мумкин эди, зеро 2003 йилда у президентлик сайловида иштирок этган, аммо гватемалаликларнинг бахтига у сайловда мағлуб бўлганди. Аргентинанинг “Бедарак кетганлар бўйича миллий комиссияси” эса 1976–1983 йилларда ҳарбийлар томонидан тўққиз минг киши ўлдирилганини қайд этган бўлса-да, қурбонларнинг аниқ сони кўпроқ бўлиши мумкинлигини кўшимча қилган (инсон ҳуқуқлари ташкилотлари ҳисоб-китоблари эса кўпинча ўттиз минг кишини ташкил қилади).

МИЛЛИАРД ИШЛАБ ТОПИШ

Мустамлака жамияти ва ўша жамиятларда ўрнатилган институтларнинг узок вақт сақланиб қолган қолдиқлари замонавий АҚШ ва Мексика, яна ҳам тўғрироғи, Ногалеснинг иккала қисми ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради. Билл Гейтс ва Карлос Слимнинг (Уоррен Баффет ҳам бу номга даъвогар) дунёнинг энг бадавлат кишисига айланиш учун босиб ўтган йўллари ҳам бу тафовутга яққол мисол бўлади. Билл Гейтс ва “Microsoft”нинг юксалиш тарихи маълум ва машҳур. Лекин

Билл Гейтснинг дунёдаги энг бадавлат инсон сифатидаги мавқеи ва технологиялар соҳасида энг инновацион компания асосчиси бўлгани АҚШ Адлия вазирлигини 1998 йилнинг 8 майида “Microsoft” корпорациясига қарши монопол ҳуқуқни сунистеъмом қилиш бўйича маъмурий иш очишдан тўхтата олмади. Аслида масала “Microsoft” компанияси ўзининг “Internet Explorer” веб-браузери “Windows” операцион тизимига улаб қўйгани билан боғлиқ эди. Ҳукумат маълум вақт давомида Гейтсни кузатиб боради ва 1991 йилдаёқ Федерал савдо комиссияси “Microsoft” компанияси компьютерларининг операцион тизимлари бўйича монопол ҳуқуқларини сунистеъмом қилиши билан боғлиқ терговни бошлайди. 2001 йилнинг ноябрига келиб, “Microsoft” АҚШ Адлия вазирлиги билан келишувга эришади. “Microsoft” кўплар талаб қилгандан кўра камроқ жарима тўлаган бўлса ҳам, компаниянинг монополистик қанотлари киркилади.

Мексикада эса Карлос Слим пулни янгилик ўйлаб топиш билан жамғармади. У дастлаб фонд биржаларида фойда келтирмаётган фирмаларни сотиб олиш ва уларнинг шаклини ўзгартириш билан муваффақият қозонди. Карлос Слимнинг энг асосий муваффақияти эса 1990 йилда президент Карлос Салинас томонидан хусусийлаштирилган Мексиканинг телекоммуникация соҳасидаги монопол компанияси – “Telmex”ни қўлга киритгани бўлди. 1989 йил сентябрида ҳукумат компаниянинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 51 фоиз акцияси (умумий акцияларнинг 20.4 фоизи) сотилишини эълон қилди. Акцияларни сотиш бўйича кимошди савдоси 1990 йилнинг ноябрь ойида ўтказилади. Карлос Слимнинг таклифи харидорлар орасида энг қиммат нарх бўлмаса ҳам, унинг “Grupo Corso” компанияси бошқарувидаги консорциум аукционда галаба қозонади. Сотиб олинган акциялар учун пулни ўша захоти тўлаш ўрнига Карлос Слим тўловни кечиктиришга муваффақ бўлади. У сотиб

олинган акциялар учун тўловни “Telmex”дан олинган дивидендлар билан тўлайди. Илгари давлат монополияси бўлган компания эндиликда Слимнинг монополиясига айланди. Компания жуда катта даромад келтирарди.

Карлос Слимни дунёнинг энг бадавлат кишисига айлантирган иқтисодий институтлар АКШдаги иқтисодий институтлардан тамоман фарқ қилади. Агар сиз Мексикада тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, бозорга кириш учун қўйилган тўсиқлар фаолиятингизнинг барча босқичларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу тўсиқлар олиш мажбурий бўлган қиммат лицензиялардан тортиб, энгиб ўтишга тўғри келадиган бюрократиягача, йўлингизда дуч келадиган сиёсатчи ва мансабдорлардан тортиб, кўпинча бозорда сизга рақобатчи бўлган мансабдорлар билан тил бириктирган молиявий сектордан маблаг олишдаги машаққатларгача бўлиши мумкин. Бу тўсиқлар сердаромад соҳаларга киришга йўл қўймайдиган, энгиб ўтиш имконсиз бўлиши ҳам, ёхуд сизни рақобатчилардан ҳимоя қиладиган энг яхши дўстингиз бўлиши ҳам мумкин. Иккала сценарийдан қайси бири содир бўлиши эса, албатта, ким билан таниш бўлиш, кимга таъсир ўткази олиш ёки кимга пора бера олишга боғлиқ. Келиб чиқиши бирмунча ўртаҳол ливанлик иммигрантлардан бўлган, истеъдодли ва интилувчан Карлос Слим эксклюзив шартномаларни кўлга киритишда устаси фаранг эди. У Мексикадаги сердаромад телекоммуникация бозорида монополия ўрнатишга муваффақ бўлди, сўнг қўли етадиган сарҳадларни Лотин Америкасининг қолган мамлакатлари бўйлаб кенгайтди.

Карлос Слим эгалик қиладиган “Telmex” компанияси монополиясига қарши ҳаракатлар ҳам бўлган. Аммо улар муваффақиятсизликка учраган. 1996 йилда узок масофага телефон алоқаси хизматини кўрсатувчи “Avantel” компанияси Мексика рақобат комиссиясидан “Telmex”-нинг телекоммуникациялар бозорида хукмрон мавқега

эгалити юзасидан текширув ўтказишни талаб қилади. 1997 йилда комиссия “Telmex” компаниясининг маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсдаги қисқа ва узоқ масофага телефон алоқаси хизматини кўрсатиш ҳамда бошқа соҳаларда улкан монопол ҳуқуққа эгалик қилаётганини эълон қилади. Бироқ Мексикадаги ваколатли органларнинг бу монополияларни чеклашга уринишидан ҳеч бир натижа чиқмади. Боиси Карлос Слим ва унинг компанияси *recurso de amparo* (сўзма-сўз таржимаси “*ҳимояланиш талабномаси*”) деб номлаган ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин эди. Ампаро аслида муайян қонуннинг ўзига татбиқ қилинмаслиги даъво қилинган шикоят аризасини англатади. Ампарони қонунийлаштириш ғояси 1857 йилги Мексика конституциясига бориб тақалади ва у аслида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланганди. Бироқ “Telmex” ва Мексиканинг бошқа монополиялари қўлида у монопол ҳуқуқларни мустаҳкамлаш учун ишлатиладиган кўркинчли қуролга айланди. Ампаро тартиби инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига қонун олдидаги тенглик тамойилини четлаб ўтишга йўл очиб берди.

Карлос Слим бойликларини ўзининг сиёсий алоқалари шарофати билан асосан Мексика бозорида орттирди. Аммо АҚШда бизнес бошлашга уринган дамда муваффақият қозонолмади. 1999 йилда Слимнинг “Grupo Carso” компанияси компьютерларнинг чакана савдоси билан шуғулланувчи “CompUSA” компаниясини сотиб олади. Бу пайтда “CompUSA” ўз маҳсулотларини Мексикада сотиш ҳуқуқини “COC Services” деб номланган фирмага берганди. Карлос Слим “COC Services” фирмаси рақобатидан холи бўлган ўзининг дўконлар тармоғини ташкил қилиш мақсадида дарҳол бу шартномани бекор қилади. Бироқ “COC” фирмаси “CompUSA” устидан Даллас судига шикоят қилади. Слим судда ютқазади ва 454 миллион доллар жаримага тортилади, зеро Далласда

ампаро ҳукуки йўқ эди. Ана ўша суд ишидан сўнг “СОС”нинг адвокати Марк Вернер шундай деганди: *“Мазкур суд ажрими глобал иқтисодиёт даврида АҚШ-да фаолият кўрсатишни истаган фирмалар унинг қонунларини ҳурмат қилиши шартлиги борасидаги огоҳлантириш бўлди”*. Шундай қилиб, Карлос Слим АҚШдаги институтларга дуч келган пайтда унинг пул ишлаш тактикалари иш бермади.

ГЛОБАЛ ТЕНГСИЗЛИК НАЗАРИЯСИ САРИ

Биз нотенг дунёда яшаймиз. Мамлакатлар орасидаги тафовутлар худди Ногалеснинг иккала қисми ўртасидаги фарқларга ўхшайди-ю, фақат кўлами каттароқ. Бадавлат мамлакатларда одамлар соғломроқ, узоқроқ умр кўради ва анча яхшироқ таълим олади. Улар учун камбағал мамлакатлар аҳолиси фақат орзу қила оладиган кўшлаб қулайлик ва имкониятлар, жумладан, дам олиш таътилларидан тортиб, каръера зиналари бўйлаб кўтарилиш каби имкониятлар эшиги очиқ. Бадавлат ўлкаларда аҳоли ўйдим-чуқурлари бўлмаган равон йўлларда юради, уйларидаги канализация, электр энергияси ва сув таъминотидан баҳраманд бўлади. Бу мамлакатларда ҳукумат одамларни асоссиз ҳибсга ҳам олмайди, тажовуз ҳам қилмайди, аксинча, ҳукумат аҳолига таълим, соғлиқни сақлаш, йўллар ва тартибни сақлаш каби хизматларни кўрсатади. Эътиборга молик яна бир жиҳат – фуқаролар сайловларда овоз беради ва мамлакатда олиб борилажак сиёсат йўналишини белгилашда катнашиш ҳукукига эга бўлади.

Дунё мамлакатлари ўртасидаги тенгсизликни намоён қилувчи улкан тафовутлар барчага, ҳатто кашшоқ мамлакатларнинг телевидение ва интернетдан маҳрум аҳолисига ҳам яхши маълум. Ана ўша тафовутлардан бохабарлик инсонларни яхши турмуш шароитлари ва имкониятларга эга бўлиш илинжида Рио-Гранде ёки Ўртаер денгизини ноқонуний кесиб ўтишга мажбур қила-

ди. Бу тенгсизлик нафақат камбагал мамлакатлардаги аҳолининг турмушига таъсир қилади, балки у АҚШ ва бошқа мамлакатларда улкан сиёсий оқибатларга олиб келадиган норозилик ва қаршиликларга ҳам сабаб бўлади. Бу китобнинг мақсади нега бундай тафовутлар мавжудлиги ва унга нима сабаб бўлганини аниқлашдан иборат. Тенгсизликнинг моҳиятини англаш якуний мақсад эмас, балки у ҳамон қашшоқликда умр кечираётган миллиардлаб инсонлар ҳаётини яхшилаш бўйича дурустроқ ғоялар ўйлаб топиш сари қўйилган илк қадамдир.

Ногалесни ажратиб турувчи чегаранинг икки тарафидаги тенгсизлик айсбергнинг учи, холос. АҚШ билан савдо-сотиқ қилиш имконига эга бўлган Шимолий Мексика аҳолиси сингари (бу савдо доим ҳам қонуний шаклда бўлмайти) ногалесликлар ҳам бир оиланинг йиллик даромади беш минг доллар атрофида бўлган Мексиканинг бошқа худудлари аҳолисидан кўра фаровонроқ турмуш кечириди. Ногалесдаги бундай нисбатан яхшироқ тараққиётнинг манбаи саноат паркларида жойлашган макиладора¹⁶ фабрикалари ҳисобланади. Ана шундай парклардан биринчисига калифорниялик сават ишлаб чиқарувчи Ричард Кэмпбелл асос солганди. Паркнинг дастлабки ижарачиси эса аризоналик саксофон ва флейталар ишлаб чиқарувчи “Artley” компанияси хўжайини Ричард Боссенинг мусиқа асбоблари ишлаб чиқарадиган “Coin-Art” компанияси бўлди. “Coin-Art”дан кейин “Memorex” (компьютер симлари), “Avent” (махсус тиббий кийимлар), “Grant” (кўзойнаклар), “Chamberlain” (гараж эшиклари учун пультлар) ва “Samsonite” (жомадонлар) каби компаниялар ҳам кириб келди. Эътиборга молик жиҳати – уларнинг барчаси АҚШ сармоясига ва америкача билимлардан фойдаланган Аме-

¹⁶ Макиладора (испанча “maquiladora” – йиғувчи, теримчи) – Мексиканинг АҚШ чегарасига яқин худудларида Америка компаниялари томонидан ташкил қилинган, тайёр бутловчи қисмларни йиғиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни экспорт қилишга мўлжалланган корхона.

рика компаниялари ҳамда америкалик тадбиркорлар эди. Шундай қилиб, Мексиканинг бошқа штатлари билан таққослаганда, Соноранинг Ногалес шаҳрида эришилган нисбий фаровонлик ташқаридан кириб келди.

АҚШ ва Мексика ўртасидаги фарқ, ўз навбатида, бутун сайёрамиздаги вазият билан солиштирганда унча катта эмас. Ўртача америкалик ўртача мексикаликка нисбатан етти баравар, Перу ёки Марказий Америка аҳолисига нисбатан эса ўн баравар фаровонроқ ҳаёт кечиради. Америка фуқаросининг турмуши тропик африкаликлардан кўра қарийб йигирма марта, Африканинг энг қашшоқ мамлакатлари – Мали, Эфиопия ва Сьерра-Леоне аҳолисидан кўра салкам қирқ карра фаровонроқ. Бу болада АҚШнинг ўзи ёлғиз эмас. Бадавлат мамлакатлар санокли, аммо уларнинг сони ортиб бормоқда. Аҳолиси дунёнинг бошқа жойларидаги одамларга қараганда бутунлай ўзгача ҳаётда яшайдиган мамлакатларнинг аксарияти Европа ва Шимолий Америкада, улар қаторига Австралия, Япония, Янги Зеландия, Сингапур, Жанубий Корея ва Тайванни ҳам қўшиш мумкин.

Шимолий (Аризонадаги) Ногалес жанубий (Сонорадаги) Ногалесдан кўра анча бадавлатроқлигининг сабаби оддий: чегаранинг икки тарафидаги институтлар бутунлай ўзгача, бу эса иккала шаҳар аҳолиси учун биридан тамомила фарқ қилувчи рағбатлар ҳосил қилган. Бугунги АҚШ ҳам Мексика ёки Перуга нисбатан бир неча баробар бойроқ, бунинг боиси эса Америкада мавжуд иқтисодий ва сиёсий институтларнинг фуқаролар, сиёсатчилар ва бизнесга рағбатларни шакллантириш йўсини билан боғлиқ. Ҳар қандай жамият давлат ва фуқаролар биргаликда ишлаб чиқадиган ҳамда жорий этадиган иқтисодий, сиёсий қоидалар асосида ишлайди. Иқтисодий институтлар иқтисодий рағбатларни, хусусан, таълим олишга, инвестиция қилишга, янгиликлар яратишга ва янги технологияларни жорий қилишга ин-

тилиш каби рағбатларни шаклантиради. Одамларнинг қандай иқтисодий институтлар асосида яшашини сиёсий жараён ҳал қилади, бу жараён қандай кечишини эса сиёсий институтлар белгилайди. Масалан, фуқароларнинг сиёсатчиларни назорат қилиш ва уларнинг фаолиятига таъсир кўрсата олиш имкониятларини мамлакатнинг сиёсий институтлари белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, сиёсатчиларнинг фуқаролар вакили экани ёки йўқлиги, шахсий бойликларини кўпайтириш ҳамда аҳолига зарар келтириб, ўз манфаатлари ҳимоясида ишониб топширилган (балки эгаллаб олинган) ваколатни суистеъмом қилиши масаласини аниқлаб беради. Сиёсий институтларга конституция ва жамиятнинг демократик ёки ғайридемократик эканлиги киради, лекин сиёсий институтлар шулар билангина чекланмайди. Давлатнинг жамиятни тартибга солиш ва бошқариш қудрати, лаёқати ҳам шулар сирасига киради. Бундан ташқари, сиёсий ҳокимиятнинг жамиятда қандай тақсимланишини, айниқса, турли гуруҳларнинг ўз мақсадларига эришиш йўлида ёки бошқа гуруҳлар мақсадларига эришишининг олдини олиш учун биргаликда ҳаракат қила олиш имкониятини белгилаб берувчи омилларни янада кенгрок мулоҳаза қилиш ҳам муҳим.

Модомики, институтлар кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ва интилишларига таъсир кўрсатар экан, улар мамлакатларни тараққиёт ёки таназзул сари етаклайди. Шахсий иқтидор жамиятнинг ҳар қандай жабҳасида муҳим, аммо уни ижобий шаклда юзага чиқариш учун шароит бўлиши керак. Билл Гейтс ахборот технологиялари саноатидаги бошқа афсонавий кишилар: Пол Аллен, Стив Балмер, Стив Жобс, Сергей Брин, Ларри Пейж ва Жефф Безос каби бекиёс иқтидор ва иштиёқ соҳиби эди. Лекин у охир-оқибат стимулларга (рағбатларга) лаббай деб жавоб берди. Америка таълим тизими Билл Гейтс ва унга ўхшаганларга ўз иқтидорларини

такомиллаштириш учун мислсиз кўникмаларни эгаллаш имконини тақдим этди. АҚШдаги иқтисодий институтлар уларга ўз бизнесларини осонлик билан, енгиб ўтиш мушкул бўлган тўсиқларсиз бошлашга замин яратди. Айнан ўша институтлар уларнинг лойиҳаларини амалга ошириш учун сармоя билан ҳам таъминлади. Америка меҳнат бозори уларга тажрибали ходимларни ёллаш имконини берган бўлса, рақобат муҳити уларга компанияларини кенгайтириш ва маҳсулотларини сотишга йўл очди. Аввалбошданок бу ишбилармонларнинг орзуларидаги лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигига ишончлари комил эди: улар мавжуд институтларга, улар яратган қонун устуворлигига ишонди ва мулкка эгалик ҳуқуқлари хавфсизлиги борасида қайғурмади. Ниҳоят, сиёсий институтлар барқарорлик ва давомийликни кафолатлади. Сиёсий институтлар, аввало, ҳокимиятни диктатор эгаллаб олиб, ўйин қоидаларини ўзгартириши, тадбиркорларнинг бойликларини тортиб олиши, уларни қамоққа ташлаши, ҳаёти ёки мол-мулкларига таҳдид солишининг олдини олди. Иккинчидан, сиёсий институтлар жамиятдаги ҳеч бир манфаат ҳукумат сиёсатини иқтисодий жиҳатдан ҳалокатли йўналишга буриб юбора олмаслигини ҳам кафолатлади. Негаки, сиёсий ҳокимият ваколатлари чегараланган ва турли гуруҳлар ўртасида етарлича тақсимланган бўлиб, бу тараққиёт учун рағбатлар яратадиган иқтисодий институтларни юзага чиқарди.

Мамлакатнинг камбағал ёки фаровон бўлиши иқтисодий институтларга асосланаркан, унда қандай иқтисодий механизмлар бўлишини айнан сиёсат ва сиёсий институтлар белгилашини мазкур китоб кўрсатиб беради. Алалоқибат, АҚШнинг тўғри йўлга қўйилган иқтисодий институтлари 1619 йилдан кейин тадрижий пайдо бўлган сиёсий институтларнинг меваси ҳисобланади. Бизнинг глобал тенгсизлик назариямиз сиёсий ва иқтисодий институтларнинг қашшоқлик ёки фаровонликка сабаб

бўлишдаги ўзаро боғлиқлигини ҳамда дунёнинг турли ўлкалари ана шундай турфа институтларга қай тариха тушиб қолганини кўрсатиб беради. Шимолий ва Жанубий Америка тарихи бўйича қисқача таҳлилимиз сиёсий ва иқтисодий институтларни шакллантирган кучлар ҳақида тасаввур бера бошлади. Бугунги институтларнинг турли тузилишларда бўлиши илдишлари ўтмишга бориб тақалади, чунки жамият ўтмишда муайян тарзда ташкил этилгач, одатда ўша тарзда давом этаверади. Биз бу давомийлик сиёсий ва иқтисодий институтларнинг бири-бирига қандай таъсир кўрсатишидан келиб чиқишини намоён этишимиз.

Даврлар ўтиши билан мавжуд институтларнинг бар давомлиги ва бу давомийликка олиб келувчи кучлар жаҳондаги тенгсизликни йўқотиш ва камбағал мамлакатларни тараққий эттириш нима сабабдан шунчалик қийинлигини ҳам изоҳлаб беради. Гарчи айнан мавжуд институтлар иккала Ногалес ҳамда АҚШ ва Мексика орасидаги фарқларнинг асоси бўлса-да, бу Мексикада уларни ўзгартиришга ҳамма ҳам рози бўлишини аниқламайди. Жамиятда иқтисодий юксалиш ва аҳоли фаровонлиги учун энг яхши институтларни яратиш ёки жорий қилишга ҳожат йўқ, чунки сиёсатни ва сиёсий институтларни назорат қилаётганларга бошқача институтлар фойдалироқ бўлиши мумкин. Ҳокимиятга эга бўлган қудратли тоифа ва жамиятнинг қолган аъзолари кўпинча қайси институтларни сақлаб қолиш ва қайсиларини ўзгартириш борасида яқдил фикрга эга бўлмайди. Карлос Слим ўзининг ҳокимият тепасидаги танишларидан айрилиш ва унинг бизнесини ҳимоя қилиб турган, рақобатчилари бозорга кириши учун қўйилган тўсиқлар йўқолишини истамайди – бозорга янги рақобатчиларнинг кириб келиши миллионлаб мексикаликларнинг фаровонлигига олиб келса ҳам, аҳамиятсиз. Ўзаро ҳамфикрлик йўқ экан, жамият қандай

қоидалар асосида бошқарилишини ва ҳокимият қандай идора қилинишини сиёсат, яъни ҳокимият кимнинг қўлидалиги ва унинг қай тарзда қўлланилиши ҳал қилади. Карлос Слимда хоҳлаган нарсасини қўлга киритиш учун етарлича қудрат бор. Билл Гейтснинг имкониятлари эса чекланган. Шу боисдан назариямиз нафақат иқтисод, балки сиёсатга ҳам алоқадор. Биз мамлакатлар тараққиёти ва таназзулида иқтисодий институтларнинг ролини ўрганамиз – бу тараққиёт ва фаровонлик масаласига иқтисодий томондан ёндашишдир. Шунингдек, бизнинг назариямиз институтлар қай тариха ўрнатилиши, вақт ўтиши билан қандай ўзгариши, миллионлаб одамларга қашшоқлик ва бахтсизлик келтирса-да, ўзгармай қолиши сабабларини ҳам ўрганади – бу тараққиёт ҳамда фаровонлик масаласига сиёсий жиҳатдан ёндашиш демакдир.

2

АСОССИЗ НАЗАРИЯЛАР

МАВЖУД ВАЗИЯТ

Бу китобда глобал тенгсизликни, шунингдек, унинг кенг тарқалган, яққол кўриниб турган шаклларини тушунтириш кўзда тутилган. Барқарор иқтисодий ўсишни биринчи бўлиб Англия (1707 йилдан сўнг Англия, Уэльс ва Шотландиядан иборат иттифоқ – Буюк Британия ёки Британия деб аталган) бошдан кечирган. Иқтисодий ўсиш XVIII асрнинг иккинчи ярмида муҳим технологик кашфиётлар ҳамда уларнинг амалиётга жорий этилиши натижаси ўлароқ, саноат инқилоби сифатида аста-секинлик билан бошланди ва ўз самарасини берди. Англиядаги саноатлашиш ортидан, кўп ўтмай, Ғарбий Европа ва АҚШда ҳам саноатлашув бошланди. Англиядаги юксалиш жадаллик билан инглиз мустамлакалари – Канада, Австралия ва Янги Зеландияга ҳам тарқалди. Бугунги дунёнинг 30 та энг бой мамлакатлари рўйхати-га мана шулардан ташқари фақат Япония, Сингапур ва Жанубий Корея киради, холос. Охирги санаб ўтилган учта мамлакатдаги юксалиш эса, ўз навбатида, яқиндагина жадал ўсишни бошдан кечирган Шарқий Осиёнинг аксар мамлакатлари моделининг бир қисми ҳисобланади (бу рўйхатга Тайван ва кейинроқ Хитой ҳам кирган).

Жаҳондаги даромадлар тақсимооти бўйича рўйхатнинг қуйи қисми ҳам юқориси каби кўп қиррали ва ўзига хос тасвир ҳосил қилади. Бугунги кундаги энг қашшоқ мамлакатлар ўттизлиги тузиладиган бўлса, уларнинг қарийб барчасини тропик Африкадан топасиз. Ушбу рўйхатга Афғонистон, Ҳаити ва Непал каби, гарчи Африкада жойлашмаган бўлса-да, Африка мамлакатлари билан биз тушунтирмоқчи бўлган умумийликларга эга бўлган мамлакатлар ҳам киради. Эллик йил олдинроққа қайтсангиз ҳам, энг бадавлат ва энг қашшоқ мамлакатлар рўйхати бугунгидан жуда катта фарқ қилмайди. Син-

гапур ва Жанубий Корея бадавлат мамлакатлар қаторида бўлмаган ва қуйи ўтгизталиқда ҳам бир нечта бошқа мамлакатлар бўлса-да, ҳосил бўладиган умумий манзара бугун биз гувоҳ бўлиб турган ҳолат билан ҳайрон қоларли даражада ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Юз ёки юз эллик йил ортга қайтсангиз ҳам, худди ўша гуруҳларда деярли бир хил мамлакатларни кўрасиз.

3-харитада 2008 йилги ҳолат тасвирланган. Аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад (иктисодчилар тилида ЯИМ – Ялпи ички маҳсулот) икки минг АҚШ долларидан кам бўлган, дунёдаги энг қашшоқ мамлакатлар қора рангда белгиланган. Африка мамлакатларининг аксарияти, шунингдек, Афғонистон, Ҳаити ва Жануби-шарқий Осиёнинг айрим давлатлари (Камбоджа ва Лаос) шу рангда ифодаланган. Шимолий Корея ҳам улар сафида. Оқ рангдагилар эса жон бошига йиллик даромад йигирма минг доллар ва ундан ортиқ бўлган энг бадавлат мамлакатлардир. Бу рўйхатдан ҳар доимгидек Шимолий Америка, Ғарбий Европа, Австралия ва Япония ўрин олган.

Америкада бошқа бир қизиқ ҳолатни кузатиш мумкин. Қитъа мамлакатларининг бадавлатлигига кўра рўйхат тузилса, унинг бошида АҚШ ва Канадани, сўнг-ра Чили, Аргентина, Бразилия, Мексика ва Уругвайни, шунингдек, нефт нархини ҳисобга олган ҳолда Венесуэлани ҳам кўриш мумкин. Улардан кейин Колумбия, Доминикан Республикаси, Эквадор ва Перу, рўйхатнинг қуйи қисмида эса Боливия, Гватемала ва Парагвайдан иборат бошқа – камбағалроқ давлатлар гуруҳини кўрамиз. Эллик йил ортга қайтиб кўринг: бир хил рейтингга гувоҳ бўласиз. Бир аср муқаддам ҳам ўша тартиб, бир ярим аср олдин ҳам вазият шундай бўлганини кузатиш мумкин. Гап фақат АҚШ ҳамда Канада Лотин Америкасидан бойроқлигида эмас, Лотин Америкасидаги бадавлат ва қашшоқ мамлакатлар ўртасида ҳам яққол ва узлуксиз бўлиниш мавжуд.

Сўнгги қизиқарли мисол эса Яқин Шарқда кузатилади. Бу минтақада даромад даражаси бадавлат ўттизликка яқин бўлган Саудия Арабистони ва Кувайт каби нефтга бой мамлакатларни кўрамиз. Мабодо нефт нархи тушиб кетгудек бўлса, улар рейтингда жуда тез пастга кулаши мумкин. Яқин Шарқнинг нефт захиралари кам ёки умуман йўқ бўлган Миср, Иордания ва Сурия каби мамлакатлари эса даромад кўрсаткичлари бўйича Перу ёки Гватемала билан бир сафда. Нефтсиз Яқин Шарқ мамлакатлари, гарчи тропик Африка мамлакатларидек қашшоқ бўлмаса-да, Марказий ва Жанубий Африка мамлакатлари каби барибир камбағал.

Бугун биз кўриб турган фаровонлик намуналарида анчагина барқарорлик мавжуд бўлса ҳам, улар ўзгармас ва доимий эмас. Аввало, таъкидлаб ўтганимиздек, жаҳондаги ҳозирги тенгсизлик саноат инқилоби самараси ўлароқ, XVIII аср охиридан бошлаб пайдо бўлган. XVIII аср ўрталарида нафақат давлатларнинг фаровонлик даражалари орасидаги фарқ анчагина кичик бўлган, балки ундан аввалги даврда мамлакатларнинг фаровонлик рейтингидagi ўринлари ҳам ҳозиргидан фарқли эди (даромадлар бўйича рейтинг фақат XVIII аср ўрталаридан бери барқарор қолмоқда). Мисол учун, Америка қитъасида охириги бир ярим асрда кузатилган кўрсаткич бундан беш аср аввалги ҳолатдан бутунлай фарқ қилади. Иккинчидан, кўп мамлакатлар бир неча ўн йиллар давомида жадал иқтисодий ўсишга эришди. Масалан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин дастлаб Шарқий Осиёнинг аксар мамлакатлари, кейинроқ Хитойда шундай ҳолат юз берди. Уларнинг аксариятида кейинчалик тараққиёт ортга кетиши кузатилди. Масалан, Аргентина 1920 йилгача эллик йил давомида жадал ривожланиб, дунёнинг энг бой давлатлари орасига кирди. Кейин эса узоқ давом этган пасайиш бошланди. Собик Совет Иттифоқининг 1930–1970 йилларда жадал ривожланишга эришиб, сўнг-ра тез инкирозга юз тутиши мисоли ҳам диққатга сазовор.



Аҳоли жон бошига ЯИМ, 2008, АҚШ

Э-харита. 2008 йилда дунёдаги фаровонлик.

Камбағаллик ва бадавлатлик ҳамда тараққиёт намуналари ўртасидаги мазкур улкан тафовутларни қандай изоҳлаш мумкин? Нима сабабдан XIX асрда Ғарбий Европа давлатлари ва уларнинг европаликлар кўчиб бориб ўрнашган мустамлакалари тўхтовсиз ривожланди? Америка қитъасидаги тенгсизлик рейтингда давлатларнинг ўринлари ўзгармаслигини қандай тушуниш мумкин? Нима учун тропик Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари Ғарбий Европада кузатилган иқтисодий тараққиётга эриша олмади, ваҳоланки, Шарқий Осиё давлатлари жадал иқтисодий юксалишни бошдан ўтказди.

Дунёдаги тенгсизлик жуда улкан ва муқаррарлиги, давлатлараро фарқлар кескинлигини ҳисобга олиб, унинг умумқабул қилинган изоҳи бор, деган ҳаёлга боришингиз мумкин. Ундай эмас. Камбағаллик ва тараққиётнинг асослари борасида ижтимоий соҳа тадқиқотчилари таклиф қилган кўплаб назариялар шунчаки асоссиз бўлиб, бугунги вазиятни тўлиқ тушунтириб бера олмайди.

ГЕОГРАФИК ОМИЛ НАЗАРИЯСИ

Глобал тенгсизлик сабабларига оид қарашлар орасида кўпчилик томонидан қабул қилинган гипотезалардан бири “Географик омил назарияси” бўлиб, унга кўра, бой ва камбағал давлатлар ўртасидаги улкан бўлиниш географик жойлашувдаги тафовутлар туфайли юзага келган. Африка, Марказий Америка ва Жанубий Осиёдаги қашшоқ мамлакатлар тропик минтақада жойлашган. Аксинча, бадавлат ўлкалар эса кўпинча мўътадил ҳудудларда жойлашган бўлади. Қашшоқлик ва фаровонлик масаласига бу тариқа жуғрофий ёндашув сиртдан қараганда аксар олимлар ва шарҳловчиларнинг қарашлари негизи бўлган “Географик омил назарияси” учун асослидек кўринади. Аммо бу назариянинг тўғрилигини аниқламайди.

XVIII аср охиридаёқ буюк француз файласуфи Монтескьё камбағаллик ва тараққиёт масаласига географик ёндашувни илгари сурган ва ўз хулосасини тақдим



этган. Унинг фикрича, тропик минтақаларда яшайдиган аҳоли кўпинча дангаса бўлган ва уларда қизиқувчанлик етишмаган. Оқибатда улар ишчанлик ва янгиликка интилиш йўқлиги сабабли камбағал бўлиб қолган. Монтескьёнинг яна тахмин қилишича, ишқмас халқларни одатда зolim ҳукмдорлар бошқаради. Монтескьёга кўра, нафақат қашшоқликни, балки иқтисодий таназзул билан боғлиқ бўлган бошқа сиёсий ҳодисалар, масалан, диктатурани ҳам тропик ҳудудда жойлашганлик билан изоҳлаш мумкин.

Сингапур, Малайзия ва Ботсвана каби мамлакатларда яқинда кузатилган жадал иқтисодий тараққиёт билан ўзаро қарама-қарши бўлишига қарамай, иссиқ мамлакатлар шакл-шубҳасиз камбағал бўлишини илгари сурувчи назарияни айримлар, жумладан, иқтисодчи Жеффри Сакс ҳамон жон-жаҳди билан ҳимоя қилмоқда. Бу назариянинг замонавий шакли иш самарадорлиги ва тафаккур жараёнларига иқлимнинг тўғридан-тўғри таъсирини эмас, балки иккита кўшимча аргументга урғу беради. Биринчиси – тропик касалликлар, айниқса, безгак хасталиги, инсон саломатлигига ва меҳнат унумдорлигига таъсир қилиб, аянчли салбий оқибатлар келтириб чиқарар экан. Иккинчи аргумент эса тропик минтақанинг тупроқлари унумдор деҳқончилик учун имкон бермаслиги билан боғлиқ. Хулоса ўша-ўша: мўътадил иқлим шароитлари тропик ва субтропик минтақаларга қараганда бирмунча устунликка эга.

Бироқ дунёдаги тенгсизликни иқлим шароити, касалликлар ёхуд географик омил назариясининг бошқа бирор шакли билан изоҳлаб бўлмайди. Ногалесни эсга олишнинг ўзи кифоя. Шаҳарни иккига ажратиб турган нарса иқлим, жойлашув ёки касалликлар тарқалиш муҳити эмас, балки АҚШ-Мексика чегарасидир.

Модомики географик омил назарияси Шимолий ва Жанубий Ногалес, Шимолий ва Жанубий Корея ҳамда

Берлин девори қулашидан олдинги Шарқий ва Ғарбий Германия ўртасидаги фарқни тушунтириб бера олмас экан, бу назария энди Шимолий ва Жанубий Америка орасидаги тафовутни англашга ёрдам берадими? Европа ва Африка орасидаги тенгсизликни-чи? Асло йўқ.

Тарих шунини кўрсатадики, иқлим ёки жойлашган ҳудуд билан иқтисодий тараққиёт ўртасида бирор содда ёки давомли боғланиш мавжуд эмас. Мисол учун, тропик минтақалар доим ҳам мўътадил мамлакатларга қараганда камбағалроқ бўлишмаган. Аввалги бобда гувоҳи бўлганимиздек, Колумб томонидан Американи мустамлака қилиш бошланган вақтда бугунги Мексика, Марказий Америка, Перу ва Боливия ҳудудларини ўз ичига олган тропик минтақада ацтеклар ва инкларнинг буюк тамаддунлари ҳукм сурган. Бу империялар марказий ва мукамал сиёсий ҳокимиятга эга бўлган, йўллар қурилган ва очарчиликка қарши озиқ-овқат захираси билан таъминланган. Ацтеклар ўзларининг пули ва ёзувига эга бўлганлар. Инклар эса тараққиёт учун энг муҳим бу иккала унсурдан беҳабар бўлишса-да, кипу деб номланган тугунли арконлар ёрдамида кенг ҳажмдаги ахборотни ёзиб қолдиришга муваффақ бўлишган. Аксинча, ацтеклар ва инклар даврида бу империялардан шимолда (бугунги АҚШ ва Канада ҳудудида) ҳамда жанубда (бугунги Аргентина ва Чилини ўз ичига олган ҳудудда) яшаган аҳоли эса мазкур технологиялардан беҳабар бўлиб, тош асрига хос тамаддунни бошдан кечирарди. Шимолий ва Жанубий Американинг тропик минтақалари мўътадил ҳудудлардан кўра анча бойроқ бўлган. Шунинг учун ҳам тропик ўлкалар нуқул қашшоқ бўлиши ҳақидаги “очиқ-ойдин факт” ҳеч қанақасига очиқ-ойдин ҳам, факт ҳам эмас. Аксинча, АҚШ ва Канададаги улкан тараққиёт китъага европаликлар келишидан олдинги вазият билан таққослаганда кескин бурилиш юз берганини кўрсатади.

Тараққиётдаги бундай кескин ўзгариш географик

жойлашувга боғлиқ бўлмасдан, гувоҳ бўлганимиздек, мазкур ҳудудларнинг бошқарилиш усуллари билан алоқадор. Бу ҳодиса фақат Америка қитъаси билан чекланиб қолгани йўқ. Жанубий Осиёда, хусусан, Ҳиндистон яриморотида ва Хитойдаги халқлар Осиёнинг аксарият мамлакатлари аҳолисидан кўра фаровонроқ яшаган ва шубҳа йўқки, улар австралиялик ва янги зеландияликлардан кўра анчагина бадавлатроқ бўлишган. Тараққиётдаги эврилишлар мисоли ўлароқ, бугун Жанубий Корея, Сингапур ва Япония Осиёнинг энг бой мамлакатларига айлангани ҳолда, Австралия ва Янги Зеландия тараққиёт борасида Осиёнинг қарийб барча мамлакатларини ортда қолдирди. Ҳатто тропик Африкада ҳам кескин ўзгаришлар юз берган. Яқин ўтмишда – европаликларнинг Африка билан жадал муносабатлари бошланишидан аввал Жанубий Африка аҳолиси кам ва бошқарув борасида тараққиётдан анча ортда қолган минтақа эди. Шунга қарамаздан, ҳозирги кунда Жанубий Африка Республикаси тропик Африка минтақасидаги энг тараққий этган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Узок ўтмишга саёҳат қиладиган бўлсак, тропик минтақаларда ўз даврининг юксак тамаддунлари мавжуд бўлганини кўришимиз мумкин. Хусусан, бугунги Камбоджа ҳудудида Ангкор, Жанубий Ҳиндистонда Вижаянагара, Эфиопияда Аксум тамаддунлари, ҳозирги Покистон ҳудудида Моҳенжо-Даро ва Ҳараппадан иборат буюк ҳинд цивилизациялари тропик минтақаларда юксалган. Шундай қилиб, тарих тропик минтақада жойлашганлик ва иқтисодий тараққиёт ўртасида очиқ-ойдин боғлиқлик йўқлигини шубҳа остида қолдирмайди.

Тропик касалликлар Африкада кўпгина кийинчиликлар ва болалар ўлимнинг юқори даражасига сабаб бўлишига шубҳа йўқ, аммо булар Африкадаги қоқоқликка баҳона бўлолмайди. Касаллик кўпинча қашшоқлик ҳамда ҳукуматнинг касалликни йўқотиш учун зарур тиббий

чора кўришга укувсизлиги ёхуд шундай қилишни истамаслиги натижаси ҳисобланади. Англияда ҳам XIX асрда соғлиқни сақлаш борасида вазият оғир эди, аммо ҳукумат тоза ичимлик суви, канализация тизими ва оқова сувларни тозалаш иштини яхшилаш, пировардида самарали соғлиқни сақлаш тизими қуриш учун секин-аста маблағ сарфлади. Яхшиланган соғлиқни сақлаш шароитлари ва ўртача умр давомийлиги ошиши Англиядаги иқтисодий тараққиёт сабаби эмас, аввалги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг меваси эди. Аризонадаги Ногалес билан ҳам шундай бўлган.

Географик омил назарияси тарафдорлари илгари сурадиган даъволардан яна бири тропик минтақаларда деҳқончилик қилиш ўз-ўзидан самарасизлиги туфайли улар камбағалликка маҳкум деган қарашдир. Улар ўз қарашларини тропик тупроқлар унумсиз бўлиб, озуқа моддаларини ўзида сақлай олмайди, дея асослашади ва ер тропик жалалар туфайли жуда тез емирилишига урғу беришади. Бу фикрда бироз бўлса-да, жон бор, бироқ ривожланмаган мамлакатларда, шу жумладан, тропик Африкада унумдорлик (бир акр ер майдонига тўғри келадиган ҳосил миқдори) пастлиги ва тупроқнинг сифати ўртасида боғлиқлик камлигини кўришимиз мумкин. Аксинча, паст унумдорлик ерга эгалик қилиш шаклининг, ҳукумат ва мавжуд бошқарув институтлари деҳқонларга яратиб берган шарт-шароитларнинг натижаси саналади. Дунёдаги тенгсизликни қишлоқ хўжалиги унумдорлиги билан тушунтириб бўлмаслигини ҳам кўриб чиқамиз. Замонавий дунёда XIX асрда юзага келган улкан тенгсизликнинг илдизи саноатда технологиялар ва ишлаб чиқариш унумдорлигининг нотекис тарқалишига бориб тақалади. Аммо тенгсизлик қишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик турлича бўлиши туфайли юзага келган эмас.

Географик назариянинг кенг тарқалган кўринишларидан яна бирини экология ва эволюцион биология бў-

йича мутахассис Жаред Даймонд илгари сурган. Унинг фикрича, беш юз йил муқаддам – инсоният янги даврга қадам қўйган пайтда қитъалар ўртасида юзага келган тенгсизлик ўсимлик ва ҳайвон турларининг тарихий хилма-хиллиги билан боғлиқ бўлиб, бу охир-оқибат қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигига таъсир кўрсатган. Айрим жойларда, жумладан, ҳозирги Яқин Шарқ минтақасида инсонлар хонакилаштириши мумкин бўлган кўп сонли ўсимлик ва ҳайвон турлари мавжуд эди. Бошқа жойларда, хусусан, Америка қитъасида эса уларнинг сони камроқ бўлган. Хонакилаштириладиган ҳайвон ва ўсимликлар турлари кўп бўлиши ҳудуд аҳолисини овчилик ва термачилиқдан зироатчиликка ўтишга чорлади. Натижада Яқин Шарқда деҳқончилик Америкадан кўра эртароқ тараққий этди. Аҳоли зичлигининг ортиши меҳнат тақсимооти, савдо-сотик, урбанизация (шаҳарлашиш) ва сиёсий тараққиёт сари йўл очди. Энг асосийси, технологик янгиликлар деҳқончилик билан шуғулланиш кенг тарқалган ҳудудларда дунёнинг бошқа жойларига қараганда тезроқ содир бўлди. Даймонднинг фикрича, ҳайвон ва ўсимлик турлари тарқалиши билан боғлиқ хилма-хил шароитлар туфайли деҳқончилик ривожини бир хил кечмаган ва натижада, турли қитъаларда технологик ўзгариш ва тараққиётнинг ҳар хил йўналишлари юзага келган.

Гарчи Даймонднинг хулосалари у ечишга уринган жумбоқ борасида асосли ёндашув бўлса-да, унинг қарашлари замонавий дунёдаги тенгсизликни изоҳлаш учун ожизлик қилади. Масалан, Даймонд испанларнинг Америкадаги тамаддунлар устидан галабасини уларнинг деҳқончилик бўйича узоқ тарихга эга тажрибаси ва яхшироқ технологиялари билан боғлайди. Бироқ мана шу жойда бир нарсани тушунтиришга эҳтиёж сезилади: бир замонлар ацтеклар ва инклар империясига қарашли бўлган ерларга бутун эгалик қилаётган мексикаликлар ва

перуликлар камбағаллигининг сири нимада? Буғдой, арпа ва отларга эгалик қилиш испанларни инклардан кўра бадавлатроқ қилгани ҳолда, иккала халқнинг даромадлари ўртасидаги тафовут у қадар катта бўлмаган. Испанияликлар ва инкларнинг ўртача даромади ўртасидаги ўзaro фарқ икки барабардан камроқ эди. Даймонд илгари сурган назарияга кўра, инклар уларга номаълум бўлган хайвон ва ўсимлик турлари ҳамда ўзлари ўйлаб топа олмаган технологиялар билан таништирилганда, тез орада испанларнинг турмуш даражасига етиб олишлари керак эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Аксинча, XIX – XX асрларда Испания ва Перу аҳолисининг даромадлари ўртасида жуда катта тафовут юзага келди. Бугунги кунда ўртаҳол испаниялик ўртача перуликдан олти барабар бадавлатроқ. Даромадлар ўртасидаги бундай фарқ Испания ва Перунинг хонакилаштирилган хайвонот ва ўсимлик дунёси ёки ерларининг унумдорлиги билан эмас, балки замонавий саноат технологияларининг нотекис тарқалиши билан боглик.

Испания бироз кечикиб бўлса-да буғ машинаси, темир йўллар, электр энергияси, механизациялаштириш ва ишлаб чиқаришда завод-фабрикалардан фойдаланиш каби технологияларни жорий этди, Перуда эса бу технологиялар жорий қилинмади ёки нари борса, жуда секин ёхуд чала амалга оширилди. Бундай технологик фарқ бугун ҳам сақланиб қолмоқда, нафақат сақланиб қолмоқда, балки янгича технологиялар, жумладан, ахборот технологиялари кўплаб ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларнинг келажакдаги тараққиётига асос бўлаётган экан, тафовут миқёси катталашиб борапти. Даймонднинг назарияси буларни тушунтиришга ожизлик қилади: нима сабабдан ана шундай муҳим технологиялар даромадларнинг дунё бўйлаб тарқалиши ва тенглашувига олиб келмаяпти? Нега беш юз йил муқаддам битта тамаддун таркибида бўлган Шимолий Ногалес

чегарадан жанубда жойлашган “эгизаги”дан кўра анча бадавлатроқ?

Ногалес мавзуси Даймонд назарияси билан боғлиқ яна бир муҳим муаммога эътиборимизни қаратади: аввалроқ кўриб ўтганимиздек, инклар ва ацтеклар империяларининг ҳар қандай нуқсонларига қарамасдан, Мексика ва Перу 1532 йилда Американинг кейинчалик АҚШ ва Канада ҳудудларига айланган қисмларидан шакшубҳасиз фаровонроқ бўлган. Бироқ кейинчалик айнан Шимолий Америка яхшироқ тараққиётга эришди, негаки улар технологиялар ва саноат инқилоби ихтироларини иштиёқ билан жорий қилди. Жанубий Америкадан тамоман фарқли равишда, Шимолий Америкада аҳоли саводлироқ бўла бошлади, қитъанинг марказий ва гарбий кенгликлари бўйлаб темир йўллар ишга тушди. Буларнинг ҳеч бирини Шимолий ва Жанубий Американинг географик шароитлари билан изоҳлаб бўлмайди, ҳолбуки, Жанубий Америкада шароит яхшироқ эди.

Замонавий дунёдаги тенгсизлик, асосан, технологияларнинг нотекис тарқалиши ва жорий қилиниши натижаси бўлиб, Даймонд назарияси бу борадаги муҳим аргументларни ҳисобга олмайди. Масалан, Даймонд тарихчи Уильям Макнилга эргашиб хулоса қиладики, Евросиёнинг шарқдан гарбга йўналишда жойлашуви кишлок хўжалиги маҳсулотлари, ҳайвонлар ва янгиликларни Яқин Шарқдан Гарбий Европага тарқалишига имкон бергани ҳолда, Америка қитъасининг шимолдан жанубга йўналишда жойлашуви Мексикада яратилган ёзувнинг жанубга ёки шимолга тарқалмаганининг асосий сабаби ҳисобланади. Бироқ қитъаларнинг қайси йўналишда жойлашувининг ўзи бугунги дунёдаги тенгсизликнинг сабабини изоҳлай олмайди. Африкани олинг. Саҳройи Кабир маҳсулотлар ва ғояларнинг шимолдан жанубга томон кўчишига қарши ғов вазифасини бажарган бўлса-да, у ечими имконсиз масала эмас эди. Дастлаб португалияликлар, кейинроқ бошқа

европаликлар бу тўсикни денгиз бўйлаб сузиш орқали енгиб ўтди ва билимлар борасидаги тропик Африка билан фаркни йўққа чиқарди. Ўша пайтда даромадлар ўртасидаги фарқ ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан анча кичик эди. Ўшандан бери Африка тараққиёт бўйича Европага ета олмади, аксинча, Европа ва Африка мамлакатлари аҳолисининг даромадлари ўртасидаги фарқ анчагина катталашди.


Яна шуниси ҳам аниқки, Даймонднинг китъалараро тенгсизлик назарияси бугунги глобал тенгсизликнинг муҳим кўринишини – бир китъада жойлашган мамлакатлар ўртасидаги тенгсизликнинг сабабини тушунтириб беришга ожиз. Масалан, Евросиё материгининг шарқдан ғарбга томон чўзилгани Англиянинг Яқин Шарқдаги кашфиётлардан баҳраманд бўлгани, натижада инглизларда уларни қайта кашф этиш учун эҳтиёж бўлмаганига сабаб сифатида кўрсатилиши мумкин. Аммо sanoat инқилобининг нега бошқа бирор ўлкада, дейлик, Молдовада эмас, Англияда содир бўлганини тушунтириб бера олмади. Бундан ташқари, Даймонднинг ўзи ҳам қайд этганидек, Хитой, Ҳиндистон Евросиёнинг географик жойлашувидан ҳамда бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан баҳраманд бўлган. Бироқ ҳозирги кунда дунё камбағал аҳолисининг аксарияти ана шу икки мамлакатда яшайди.

Аслини олганда, Даймонд назариясининг қўлланиш доирасини тушунишда энг яхши ечим унинг ўзи изохлаш учун келтирган мисолларга мурожаат қилишдир. 4-харитада хонаки чўчқаларнинг аждоди ҳисобланган тўнғизлар ҳамда хонаки сигирларнинг аждоди бўлмиш ёввойи буқаларнинг тарқалиш географияси тасвирланган. Ҳар иккала ҳайвон тури Евросиё ва Шимолий Африка бўйлаб тарқалган. 5-харитада эса ҳозирги деҳқончилик экинларининг аждодлари, жумладан, Осиёда етиштириладиган шоли, шунингдек, буғдой ва арпага


аждод бўлган ёввойи турларнинг тарқалиши тасвирланган. Харитадан кўринадики, шолининг ёввойи аждодлари жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда кенг тарқалган бўлса, арпа ва буғдой турлари тарқалган ҳудуд Шомдан бошланиб, Эрон орқали Афғонистон ва Марказий Осиё (Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон)га қадар чўзилган. Ушбу ўсимлик турлари Евросиёнинг аксарият ҳудудида мавжуд. Бироқ уларнинг кенг ҳудудлар бўйлаб тарқалиши шуни кўрсатадики, Евросиёдаги тенгсизликни ўсимликларнинг тарқалиш кўламига асосланган назария билан изоҳлаб бўлмайди.

Географик назария нафақат тараққиётнинг тарихий илдиэларини аниқлашда фойдасиз ва нотўғри қараш устига қурилган, балки биз ушбу боб аввалида гувоҳ бўлган ҳозирги вазиятни баҳолашга ҳам қодир эмас. Айрим кўрсаткичларни, жумладан, Америка қитъасидаги даромадлар бўйича хилма-хиллик ёки Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари ўртасидаги кескин ва узок муддатли тафовутларни географик ёндашув билан тушунтириш мумкинлигини даъво қилувчилар ҳам топилиши мумкин. Бироқ аслида ундай эмас. Америка қитъаси бўйича биз кўриб чиққан мисоллардан хулоса қилиш мумкинки, уларни географик омиллар яратмаган. 1492 йилга қадар марказий Мексика водийсида, Марказий Америкада ва Анд тизмаларида мавжуд бўлган тамаддунлар технология ва турмуш даражаси бўйича Шимолий Америка, Аргентина ёки Чилидан олдинда бўлган. Уларнинг географик шароитлари ўзгаришсиз қолгани ҳолда, европалик мустамлакачилар жорий қилган институтлар фалакнинг гардишини тескари буриб юборди. Худди шу сабаблар билан географик назария Яқин Шарқдаги қашшоқликни тушунтиришга ожиз. Аслида, Неолит давридаги технологик инқилоб пайтида айнан Яқин Шарқ минтақаси дунёдаги энг тараққий этган ҳудуд бўлган. Илк шаҳарлар ҳозирги Ироқ ҳудудида қад ростлаган. Темир биринчи

бўлиб Туркияда эритилган. Ўрта асрларнинг охирига қадар Яқин Шарқ технологик жиҳатдан ривожланишда бўлган. Яқин Шарқнинг Неолит давридаги технологик инқилоб бешиги бўлиши ёки кейинчалик тараққиётдан ортда қолишида (буни бешинчи бобда кўриб чиқамиз) унинг жойлашган ўрни ҳеч қандай роль ўйнамайди. Аксинча, бугунги Яқин Шарқни камбағал қилганлар Усмонли давлатининг кенгайиб бориши ва мустақамланиб олиши ҳамда бу империя ҳукм сурган институтлардан қолган мерос ҳисобланади.



4-харита. Ёввойи қорамоллар ва чўчқаларнинг тарихий тарқалиши.



5-харита. Ёввойи шולי, бугдой ва арпанинг тарихий тарқалиши.

Ниҳоят, географик омил назарияси нафақат бугунги дунёнинг турли қисмлари аро кузатилаётган хилма-хил ривожланиш даражасини, балки Япония, Хитой каби мамлакатларда узок йиллар давомида турғунлик ҳукм сургани ва бирдан жадал ўсиш бошланганининг сабабини ҳам тушунтириб беришга ожиз. Бизга бошқа, асослироқ назария керак.

МАДАНИЙ ОМИЛ НАЗАРИЯСИ

Иккинчи кенг тарқалган назария таракқиётни маданий омиллар билан боғлайди. Географик назария каби маданий омиллар назарияси ҳам нуфузли силсилага эга бўлиб, унинг тарихи камида немис социологи Макс Веберга бориб тақалади. Унинг фикрича, Протестант реформация-

си ва унинг натижасида пайдо бўлган протестантча ахлоқ Ғарбий Европада замонавий индустриал жамият тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Маданий омилларга боғлиқлик назарияси фақат диний қарашларга суяниб қолмасдан, этикоднинг бошқа шакллари, қадриятлар ва ахлоқий меъёрларга ҳам урғу беради.

Ғарчи буни очиқ айтиш сиёсий жиҳатдан мақбул бўлмаса-да, кўплаб кишилар африкаликлар ҳақида меҳнат қилиш маданияти йўқлиги, сеҳр-жодуга ишонишлари ёки ғарбча технологияларга қарши бўлганлари туфайли қашшоқликда яшайди, деган фикрга ҳамон ишонади. Кўплар Лотин Америкасининг ҳеч қачон бой бўла олмаслигининг сабабини уларнинг табиатан исрофгар ва йўқсил бўлганлари ёхуд пиренейча ҳаёт тарзи – “манана” (испанча “*mañana*” – эртага) билан боғлайди. Ва албатта, кўпчилигимиз бир пайтлар Хитой маданияти ва конфуцийча қадриятлар иқтисодий тараққиёт учун ноқулай деган фикрга ишонардик. Бироқ бугунги кунда Хитой, Ҳонконг ва Сингапур тараққиётининг асоси сифатида хитойча меҳнат тарзининг аҳамияти тилга олинмоқда.

Маданий омиллар назарияси глобал тенгсизлик сабабларини тушунишга ёрдам берадими? Бу саволга бир пайтнинг ўзида ҳам “ха”, ҳам “йўқ” дейиш мумкин. Ҳақиқатан, маданият билан боғлиқ ижтимоий нормалар аҳамиятга эга бўлиб, уларни ўзгартириш мушкул бўлиши мумкин. Баъзан айнан ижтимоий нормалар ушбу китобда дунёдаги тенгсизлик сабаби сифатида кўрсатилган институтлардаги тафовутларни сақлаб турган бўлиши мумкин. Бироқ бу назария аксарият ҳолларда фойдасиз, чунки маданиятнинг кўпинча тилга олинмаган кўринишлари, жумладан, дин, миллий ахлоқ, Африка ёки Лотин Америкаси халқларига хос қадриятлар дунёдаги тенгсизлик қай тариқа пайдо бўлгани ва нима сабабдан

давом этаётганини тушунишда аҳамиятга эга эмас. Одамларнинг бир-бирларига ўзаро ишончи ёки бирга ишлай олиш кўлами каби маданий жиҳатлар ҳам муҳим, лекин улар алоҳида ҳисобга олинадиган сабаблар эмас, балки ҳукмрон институтларнинг натижаси саналади.

Ногалес мисолига қайтайлик. Аввал ҳам қайд этилганидек, чегара деворидан шимолда ва жанубда жойлашган худудларнинг маданияти кўп жиҳатдан бир хил. Уларнинг ўртасида ижрочилик, мавжуд меъёрлар ва кадриятлар бўйича фарқлар кузатилиши мумкин бўлсада, булар тенгсизликнинг сабаблари эмас, иккала шаҳарнинг бир-бирига ўхшамаган тараққиёт йўли натижаси, холос. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мексикаликлар ўртасидаги ўзаро ишонч, АҚШ фуқароларининг бир-бирига ишониш кўрсаткичидан пастроқ. Аммо ҳукумат наркокартелларни йўқ қила олмайдиган ва адолатли суд тизимини йўлга қўёлмайдиган шароитда мексикаликларнинг атрофдагиларга ишончи йўқлигига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Шимолий ва Жанубий Корея ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин (буни ҳали кейинги бобда муҳокама қиламиз). Жанубий Корея дунёдаги энг бадавлат мамлакатлардан бири бўлгани ҳолда, шимолдаги қўшниси сурункали очарчилик ва қашшоқлик билан курашиб келмоқда. Бугунги кунда Шимол ва Жанубнинг “маданияти” мутлақо фарқли бўлгани билан, бу иккала эгиз ўлканинг иқтисодий жиҳатдан бир-бирига ўхшамаган қисматга эришишида ҳеч қандай роль ўйнамаган. Корея яримороли кўп асрлик умумий тарихга эга. Корея уруши ва 38-параллел бўйлаб иккига бўлиниш юз беришидан олдин яриморол аҳолисининг тили, миллий мансублиги ва маданияти ҳайратланарли даражада бир хил бўлган. Худди Ногалесдаги каби бу ерда ҳам асосий нарса – чегара. Шимолдаги сиёсий тузум жанубдаги қўшнисидан мутлақо фарқли тартибларни жорий қилган, улар эса, ўз


навбатида, бошқача имкониятларни юзага келтирган. Ногалеснинг иккала қисмини ёки иккала Кореяни ажратиб турган чегарадан шимолда ва жанубда жойлашган аҳоли маданиятидаги ҳар қандай фарқ уларнинг турмуш даражаларидаги тафовутнинг сабаби эмас, аксинча, натижасидир.

Африка ва Африка маданияти ҳақида нима дейиш мумкин? Тарихан, тропик Африка аҳолиси дунёнинг бошқа мамлакатлари аҳолисидан кўра камбағалроқ бўлган. Минтақанинг кўҳна тамаддунлари ғилдирак, ёзув (Эфиопия ва Сомалини ҳисобга олмаганда) ва омовчи кашф қила олмаган. Гарчи бу кашфиётлар XIX аср охири ва XX аср бошларида Европа мамлакатлари мустамлакачилиги бошланишига қадар кенг қўлланилмаган бўлса-да, Африка халқлари улар ҳақида анча эртароқ хабардор бўлган. Европаликлар ғарбий соҳиллар бўйлаб XV асрнинг охирларида суза бошлашган бўлса, осеёлик денгизчилар ундан анча аввалроқ Шарқий Африкага мунтазам денгиз қатновини амалга оширган.

Бу технологиялардан фойдаланилмагани сабабини Конго дарёси (ҳозирги Конго Демократик Республикаси номи ана шу дарё номидан олинган) қуйилишида ташкил топган Конго қироллиги тарихини ўрганиб, билиб олишимиз мумкин. 6-харидада Конго давлати ва у билан бирга Африканинг муҳим марказларидан бири бўлган Куба қироллигининг жойлашган ўрни тасвирланган. Буларга китобимиз давомида ҳали тўхталамиз.

Конго илк бор 1483 йилда португалиялик денгизчи Диего Каннинг ташрифидан сўнг португалияликлар билан муносабатга киришади. Ўша вақтда Конго сиёсий ҳокимияти Африка стандартлари бўйича марказлашган, пойтахти Мбанза эса олтимиш минг аҳолига эга бўлиб, катталиги бўйича Португалия пойтахти Лиссабонга қарийб тенг, Лондондан эса каттароқ эди (Лондонда

XVI аср бошида тахминан эллик минг аҳоли истиқомат қилган). Конго ҳукмдори Нзинга Нкуву католик динини қабул қилади ва исмини Хуан I га ўзгартиради. Кейинроқ пойтахт Мбанза ҳам номи Сан-Сальвадорга ўзгартирилади. Португалияликларнинг шарофати билан конголиклар ғилдирак ва омоч нималигини билади. Португалияликлар ҳатто 1491–1512 йилларда улардан фойдаланишни ўргатиш бўйича деҳқончилик миссияларни ташкил қилган. Бироқ бу ташаббусларнинг бари чиппақка чиқди. Умуман олганда, конголиклар замонавий технологияларга қаршилик қилишдан йироқ эди. Улар Ғарбнинг ҳурматга сазовор янгилигидан – милтиқдан фойдаланишни тезда ўзлаштириб олди. Улар бу янги ва кудратли усқунани иқтисодий стимулларга қарши – одамларни асир олиш ва қул сифатида сотиш учун ишлатди. Африкага хос кадриятлар ёки маҳаллий маданият янги технология ва ихтироларни қўллашга тўсқинлик қилганига ҳеч қандай аломат йўқ. Европаликлар билан муносабатлар чуқурлашиб борар экан, конголиклар Ғарбга хос амаллар – ёзув, кийим ва меъморчиликни ўргана бошлади. XIX асрда кўплаб Африка давлатлари ишлаб чиқариш йўналишларини ўзгартириш орқали Саноат инқилоби келтирган иқтисодий имкониятлардан фойда олди. Хусусан, Ғарбий Африкада пальма ёғи ва ерёнғоқ экспортига асосланган иқтисодий юксалиш кузатилган бўлса, Африканинг жанубида экспорт Жанубий Африкадаги жадал ўсиб бораётган Ранд саноат ва қончилик минтақаси томон тараққий этди. Аммо мазкур истиқболли иқтисодий экспериментлар Африка маданияти ёхуд оддий африкаликларнинг ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қила олмаганликлари туфайли эмас, аввало, Европа мустамлакачилиги, сўнгра улар мустақилликка эришгандан кейин бошқарувга келган ҳукуматлар томонидан йўқ қилинди.



6-ҳарита. Конго қироллиги, Куба қироллиги, бушонглар ва лелелар

Конголиклар илғорроқ технологияларни жорий қилмаганларининг асл сабаби шундаки, уларда бунга рағбат йўқ эди. Уларнинг қаршисида ўзлари ишлаб чиқарган жамики маҳсулотнинг ҳар нарсага қодир ҳукмдор томонидан – у католик мазҳабини қабул қилиши ёки қилмаслигидан қатъи назар – тортиб олинishi ва солиққа тортилишидек улкан хавф турарди. Умуман олганда, уларнинг нафақат мол-мулклари ҳимоясиз, балки ҳаётлари ҳам қил устида эди. Уларнинг кўпчилиги тутқун қилиниб, қул сифатида сотиларди – бундай муҳитда маҳсулдорликни оширишга узок муддатли инвестиция қилишга рағбат бўлиши амри маҳол. Қул савдоси анча фойдалироқ бўлгани важдан, қиролда ҳам омочдан фойдаланишни кенгроқ жорий этиш ёки ҳосилдорликни

оширишни асосий ўринга қўйиш учун рағбат йўқ эди.

Бугунги кунда ҳам дунёнинг бошқа жойларидаги одамларга қараганда африкаликлар бир-бирларига камроқ ишонишлари тўғри бўлса керак. Бироқ бу Африкада узоқ йиллар давомида инсон ҳуқуқлари ва мулк дахлсизлигини поймол қилиб келган институтларнинг натижаси саналади. Асир олиниб, қул қилиб сотиб юборилиши эҳтимоли африкаликлардаги ўзаро ишонч даражасига таъсир қилгани шубҳасиз.

Макс Вебернинг протестантча ахлоқи ҳақида нима дейиш мумкин? Гарчи замонавий даврда протестантлик ҳукмрон бўлган Ҳолландия ва Англия сингари мамлакатлар биринчи бўлиб иқтисодий юксалишга эришган бўлса-да, дин ва иқтисодий ўсиш ўртасида боғланиш деярли йўқ. Кўпчилик аҳолиси католиклар бўлган Франция XIX асрда Ҳолландия ва Англиянинг иқтисодий муваффақиятини тезда такрорлаган бўлса, ҳозирги кунда Италия фаровонлик борасида бу мамлакатлардан қолишмайди. Шарққа назар солсак, Шарқий Осиёда иқтисодий тараққиётга эришганларнинг ҳеч бири насроний динининг бирор мазҳабига алоқадор эмас. Шундай экан, бу ерда ҳам протестантлик ва иқтисодий ўсиш ўртасида алоҳида боғлиқлик учун унча асос йўқ.

Маданий омил назарияси тарафдорларининг севимли макони бўлган Яқин Шарққа юзлансак. Яқин Шарқдаги аксарият мамлакатлар мусулмон бўлиб, аввал зикр қилганимиздек, бу мамлакатлар орасида нефт қазиб олмайдиганлари камбағал ҳисобланади. Нефт ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бойроқ, лекин бу кутилмаган бойлик Саудия Арабистони ёки Кувайтда диверсификациялашган замонавий иқтисодиёт куришга ёрдам бермади. Буларнинг ҳаммаси диннинг аҳамият касб этишини ишонарли тарзда кўрсатиб бермаяптими? Гарчи ҳақиқатга ўхшаса-да, бу фикр ҳам тўғри эмас. Рост, Сурия ва Миср мамлакатлари камбағал, уларнинг

аксарият аҳолиси эса мусулмондир. Аммо бу мамлакатлар тараққиёт учун анча муҳимроқ бўлган бошқа жиҳатлари билан ҳам буткул фарқ қилади. Чунончи, уларнинг барчаси Усмонли империяси таркибидаги вилоятлар бўлган, бу эса уларнинг ривожланиш йўналишига жиддий ва салбий таъсир кўрсатган. Усмонли салтанати кулагач, Яқин Шарқ Англия ва Франция мустамлакачилик империяларига қўшиб олинган ва бу ҳам уларнинг тараққиётига тўғанок бўлди. Мустақилликка эришгач, бу мамлакатларда ҳам аксарият собиқ мустамлакалар сингари табақалашган, авторитар сиёсий тузумлар ўрнатилди. Уларда, бизнингча, иқтисодий тараққиётга эришиш учун муҳим бўлган сиёсий ва иқтисодий институтлар деярли йўқ эди. Уларнинг тараққиёт йўшларини кўпроқ Усмонли ва Европа мустамлакачилиги шакллантирди. Ислох дини ва Яқин Шарқдаги қашшоқлик ўртасида боғлиқлик борлиги ҳақиқатга у қадар тўғри келмайди.

Яқин Шарқнинг иқтисодий тараққиёт йўлини шакллантиришда маданий омиллар эмас, тарихий ҳодисаларнинг ролини яна бир нарсада кўриш мумкин: Яқин Шарқнинг Усмонли империяси ва европаликлар бошқарувидан вақтинча ажралиб чиқа олган ҳудудлари жадал иқтисодий ўзгариш йўлига ўта олди, хусусан, бундай ҳол 1805–1848 йиллардаги Муҳаммад Али ҳукмронлиги даврида Мисрда кузатилди. Франция кўшинлари Наполеон Бонапарт даврида истило қилинган Мисрни тарк этгач, ҳокимиятни Муҳаммад Али эгаллайди. Мисрда Усмонли салтанатининг ўша пайтдаги ҳокимияти заифлигидан фойдаланиб, у ўз сулоласига асос солади ва бу сулола Мисрда 1952 йилги Абдул Носир бошчилигидаги инқилобгача у ёки бу шаклда ҳукмронлик қилади. Гарчи куч билан амалга оширилган бўлсада, Муҳаммад Алининг ислохотлари туфайли давлат бошқаруви, кўшин ва солиқ тизими модернизация қилинди, Мисрда ривожланиш юз бериб, кишлок хўжали-

ги ва саноат ўсди. Бирок Муҳаммад Али вафот этиши билан Миср европаликлар таъсирига тушди, модернизация қилиш ва ўсиш жараёни нихоясига етди.

Эҳтимол, маданий омил ҳақида нотўғри мулоҳаза қилаётгандирмиз. Балки, аҳамият касб этадиган маданий омиллар динга эмас, муайян “миллий маданият”ларга алоқадордир? Эҳтимол, инглиз маданиятининг таъсири муҳим бўлиб, АҚШ, Канада ва Австралия каби мамлакатлар бунчалик фаровонликка эришгани сабаби ҳам шундандир. Гарчи аввалига бу фикрда жон бордек кўринса-да, бу ҳам аслида пуч ғоядир. Тўғри, Канада ва АҚШ Англиянинг мустамлакалари бўлган, аммо Сьерра-Леоне ва Нигерия ҳам шундай-ку. Англиянинг собиқ мустамлакалари тараққиёти бутун дунёдаги тенгсизлик каби катта фарқ қилади. Шимолий Америка тараққиётининг сабаби Англия мероси эмас.

Маданий омил назариясининг яна бир кўриниши бор: гап инглиз ёки инглиз бўлмасликда эмас, балки европалик ёки европалик бўлмасликдадир. Европаликлар иш тутуми, дунёқараши, яҳудо-христианлик кадриятлари ёки Қадимги Римдан қолган маданий мерос туфайли қандайдир устунликка эгами? Тўғри, Ғарбий Европа ва асосан европаликларнинг авлодлари яшайдиган Шимолий Америка дунёнинг энг фаровон жойлари ҳисобланади. Эҳтимол, Европа маданий меросининг устунлиги фаровонлик калитидир – бу маданий омил назариясининг энг охирги ишонган аргументи ҳисобланади. Таассуфки, маданий омил назариясининг бу версияси ҳам бошқалари сингари камбағалликни тушунтиришга ожиз. Аргентина ва Уругвайда келиб чиқиши европалик бўлганларнинг аҳоли сонидаги улуши Канада ва АҚШдагидан кўра кўпроқ бўлгани ҳолда, Аргентина ва Уругвайнинг иқтисодий тараққиёти ҳавас қиларли эмас. Япония ва Сингапурда европалик аҳоли доим санокли бўлган, аммо бу мамлакатлар Ғарбий Европанинг кўплаб мамлакатлари қаторида фаровонликка эришган.

Иқтисодий ва сиёсий тизимидаги кўплаб камчиликларга қарамай, сўнги 30 йилда Хитой энг жадал ўсишга эришган мамлакат бўлди. Мао Цзэдуннинг ўлимигача бўлган даврдаги Хитойдаги қашшоқликнинг хитой маданиятига алоқаси йўқ эди, ҳаммаси Маонинг иқтисодиётни ҳалокатли тарзда йўлга қўйгани ва юргизган сиёсати билан боғлиқ эди. 1950-йилларда у жадал саноатлаштириш ҳаракати – “Қатта сакраш” сиёсатини бошлади, бу эса оммавий очарчилик ва етишмовчиликни келтириб чиқарди. 1960-йилларда эса “Маданий инқилоб” ўтказилиб, зиёлилар ва илмлилар, умуман, партияга содиқлиги шубҳа уйғотган кишилар оммавий таъқибга учради. Бу эса қатагонлар ҳамда жамиятнинг иктидорли кишилари ва ресурслари йўқ қилинишига олиб келди. Худди шунингдек, Хитойдаги ҳозирги ўсишнинг хитойча кадриятлар ёки хитой маданиятидаги ўзгаришларга алоқаси йўқ. Бу ўсиш Мао Цзэдуннинг ўлиמידан сўнг дастлаб кишлок хўжалигида, кейин эса саноатда социалистик иқтисодий сиёсат ва институтлардан аста-секин воз кечган Дэн Сяопин ҳамда унинг маслақдошлари амалга оширган ислохотлар натижасида юз берган иқтисодий трансформация маҳсулидир.

Географик назария сингари маданий омил назарияси ҳам бугунги кундаги вазиятнинг бошқа жиҳатларини тушунишда ёрдам бера олмайди. Албатта, АҚШ ва Лотин Америкасининг эътиқод, маданий муносабатлари ва кадриятлари ўртасида тафовутлар мавжуд, аммо Аризонадаги Ногалес ва Сонорадаги Ногалес ёки Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги фарқлар сингари улар икки ҳудуднинг институтлари ва институционал ўтмишлари турлича бўлгани натижаси, холос. Иберияча ёки лотин маданияти Испания империясини шакллантирганига ургу берадиган маданий омиллар Лотин Америкасининг ўзидаги фарқларни, мисол учун, Аргентина ва Чили

нима сабабдан Перу ва Боливиядан кўра фаровонроқ эканини изоҳлай олмайди. Маҳаллий аҳолининг ҳозирги маданиятига урғу берадиган бошқа маданий аргументлар ҳам худди шундай фойдасиз. Аргентина ва Чилида маҳаллий халқларга мансуб аҳоли Перу ва Боливияга қараганда камроқ. Шунга қарамасдан, туб жой аҳолиси маданияти ҳам тенгсизликка изоҳ сифатида иш бермайди. Колумбия, Эквадор ва Перуда аҳолининг даромадлари бир хил, аммо бугунги кунда Колумбияда маҳаллий аҳоли кам бўлгани ҳолда, Эквадор ва Перуда улар кўпчилик. Ниҳоят, одатда ўзгариши секин юз берадиган маданий муносабатлар ҳам Шарқий Осиё ва Хитойдаги иқтисодий ўсиш мўъжизаларини тушунтириб бериши даргумон. Институтлар ҳам ўз ўрнини сақлаб қолишга чидамли бўлса-да, айрим ҳолларда улар бирдан ўзгаришини ҳали кўрамайди.

БИЛИМСИЗЛИК НАЗАРИЯСИ

Айрим давлатлар бой, бошқалари эса камбағаллигининг омиллари ҳақидаги кенг тарқалган қарашлардан сўнгиси “Билимсизлик назарияси” бўлиб, у жаҳондаги иқтисодий тенгсизлик камбағал мамлакатларни қай тариха бой қилиш мумкинлигини ҳукмдорлар билмайди, деган фикрга асосланган. Мазкур ғоя инглиз иқтисодчиси Лионел Роббинс 1935 йилда таклиф қилган иқтисоднинг қуйидаги таърифидан фойдаланган кўп иқтисодчилар томонидан илгари сурилган: *“Иқтисод инсон хулқ-атворини мақсадлар ва қўллаш учун муқобиллари бўлган чекланган воситалар ўртасидаги муносабат сифатида ўрганадиган фандир”*.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, иқтисод фанининг асосий предмети ижтимоий мақсадларни рўёбга чиқариш учун чекланган имкониятлардан энг самарали шаклда фойдаланиш масаласи бўлиши лозим. Дарҳақиқат, иқтисоддаги энг машҳур назарий натижа – биринчи ижтимоий ҳимоя теоремаси бозор иқтисодиётида

ресурслар қандай тақсимланса, жамият учун мақбул бўлиши шартларини иқтисодий нуқтаи назардан аниқлаб беради. “Бозор иқтисоди” умумий маънода барча шахслар ва ташкилотлар исталган маҳсулот ва хизматни эркин ишлаб чиқарадиган, сотиб оладиган ва сотадиган шароитни ифодалаш учун ишлатилади. Мазкур шароитлар мавжуд бўлмаган тақдирда “бозор инқирози” юз беради. Шундай инқирозлар глобал тенгсизлик назариясини асослаш имконини беради, яъни бирор мамлакатда қанча кўп бозор инқирозлари ҳал қилинмай қолса, ўша давлат шунчалик камбағал бўлади. Билимсизлик назариясига биноан, қашшоқ мамлакатларда бозор инқирозлари кўп бўлиб, иқтисодчилар ва сиёсатдонлар улардан қутулиш йўлларида беҳабардир, улар ўтмишда ҳам нотўғри маслаҳатларга қулоқ осган. Бадавлат мамлакатлар эса уларнинг раҳбарлари инқирозларни муваффақиятли бартараф қилиш учун тўғри чораларни қўллаш олгани туфайли бойиб кетган.

Билимсизлик назарияси жаҳондаги тенгсизликни тушунтира оладими? Африка давлатларининг дунёнинг бошқа ўлкаларига қараганда камбағаллиги сабаби уларнинг раҳбарлари мамлакатни бошқариш бўйича бир хил янглиш қарорлар қабул қилишгани-ю, бу уларни қашшоқлик сари етаклаган бўлиши мумкинми? Ёки Ғарбий Европа мамлакатларидаги етакчилар нисбатан муваффақият қозонишига улардаги ахборот ва маслаҳатқўйларнинг яхшироқлиги сабаб бўлганми? Билимсизлик назарияси жаҳондаги тенгсизликни англашга фақат қисман ёрдам бериши мумкин, тарихда шундай эркин мисоллар мавжудки, ҳукмдорлар қабул қилган ҳалокатли қарорлар уларнинг оқибати қандай бўлишини билмаслик туфайли содир бўлган.

Афтидан, Британиядан мустақилликка эришгандан сўнг кўп ўтмай, Ганада юз берган иқтисодий инқирозга билимсизлик сабаб бўлган. Ўша пайтда Кваме Нкрума ҳукуматида маслаҳатчи сифатида ишлаган британиялик иқтисодчи Тони Киллик кўп муаммоларни батафсил

ёзиб қолдирган. Нкрума юргизган сиёсат ривожланаётган давлат саноатига қаратилган бўлиб, умуман самара бермаган. Киллик шундай хотирлайди:

Пойабзал фабрикаси... шимолдаги кушхона 500 милдан ортиқ масофадаги тери ташиш линияси орқали жанубда жойлашган тери ошлаш корхонаси (ҳозирда фаолият кўрсатмайди) билан боғланган. Чармни мамлакат марказида, кўнчилик корхонасидан 200 мил шимолда жойлашган Кумасидаги пойабзал фабрикасига ташиб келтиришга тўғри келади. Пойабзалнинг асосий бозори Аккра шаҳрида бўлгани учун тайёр маҳсулотларни яна 200 мил йўл босиб жанубга олиб бориш лозим эди.

Киллик анчагина эҳтиёткорлик билан бу корхонанинг “самарадорлиги нотўғри жойлаштириш туфайли барбод қилингани”ни қайд этади. Пойабзал корхонаси шунга ўхшаш кўплаб лойиҳалардан бири эди. Шундай корхоналардан яна бири Гананинг манго етиштирилмайдиган вилоятида қурилган манго консервалаш заводи бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бутун дунёдаги мангога бўлган талабдан ҳам юқори эди. Шунга ўхшаш ўйламай йўлга қўйилган, кўпдан-кўп бемаъни иқтисодий лойиҳаларга Нкрума ва унинг маслаҳаттўйларининг тўғри иқтисодий сиёсат усулларидан беҳабарлиги сабаб бўлмаганди. Нкрума ихтиёрида Киллик ва Нобель мукофоти лауреати Артур Льюис каби шахслар бор эдики, улар ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ҳаттолигини биларди. Нкруманинг иқтисодий сиёсати унга сиёсий тарафдорларни сотиб олиш ва ғайридемократик тузумни сақлаб қолиш учун керак эди.

Гананинг мустақилликка эришгандан кейинги самарасиз натижаларида ҳам, қоникарсиз иқтисодий бошқарувга оид бошқа сон-саноксиз мисолларда ҳам билимсизликни айблаш ноўрин. Ниҳоят, агарда муаммо билимсизликда бўлганда, яхши ниятли ҳукумат раҳбарлари қандай сиёсат билан фуқароларнинг даромадлари ва ижтимоий аҳволини яхшилаши мумкинлигини тезда билиб олиши ва ўша чораларни қўллаши лозим эди.

АҚШ ва Мексиканинг икки хил ривожланиш йўлларини олайлик. Иккала мамлакат ўртасидаги тенгсизликка уларнинг раҳбарлари билимсизлигини рўқач қилиш камида соддалик бўлади. Гап бугунги тенгсизлиكنинг бошланиши бўлган мустамлакачилик даврида Жон Смит ва Кортеснинг билим ва мақсадлари ўртасидаги хилма-хилликда эмас ёки XIX аср охири ва XX аср бошларида Мексика элитасини жамиятнинг бошқа вакиллари ҳисобига бойишларига шароит яратадиган иқтисодий институтларни ўрнатган Порфирио Диас ҳамда унга тескари сиёсат юргизган АҚШ президентлари Теодор Рузвельт ва Вудро Вильсон билим даражаларида ҳам эмас. Аксинча, гап ўша президентлар ва мамлакат элитаси дуч келган институцион чекловларда эди. Худди шу каби охириги ярим асрда мулк ҳукуки ҳимояланмаган, халқнинг катта қисмини қашшоқлаштирадиган иқтисодий институтлар остида ишлашга мажбур бўлган Африка давлатлари раҳбарлари ҳам ўша иқтисодий институтларни яхши деб ўйлаганлари учун бундай қилмади. Улар бошқалар ҳисобига бойишлари, жазодан қутулиб қолишлари учун, айна сиёсат – муҳим гуруҳлар ва элитани сотиб олиш усули уларни ҳокимиятда сақлаб қолишини яхши деб билганлари учун шундай қилди.

Гананинг 1971 йилдаги бош вазири Кофи Бусиа тажрибаси билимсизлик назариясининг қанчалик нотўғри эканини кўрсатади. Бусиа даҳшатли иқтисодий инкирозга дуч келганди. 1969 йилда ҳокимиятга келгач, у ўздан аввалги Нкрумага ўхшаб валюта курсини ошириш орқали беқарор экспансион иқтисодий сиёсатни ва ҳар турли йўллар билан нархларни назорат қилишни давом эттирди. Нкруманинг муҳолифи бўлгани ва демократик ҳукуматни бошқарганига қарамасдан, Бусиа ҳам сиёсий қийинчиликларга дуч келди. Худди Нкрума каби Бусианинг иқтисодий сиёсати ҳам унда билимлар етарли бўлмагани ёки кўрилган чоралар иқтисодий жиҳатдан мақбул ёхуд мамлакатни ривожлантириш учун энг яхши усул деб ишонилгани сабаб жорий этилмади. Унинг

сиёсати Бусиага ресурсларни, асосан, шаҳарлардаги сиёсий жиҳатдан қудратли гуруҳларга уларни рози қилиш учун тақсимлаш имконини бергани учун мақбул сиёсат сифатида жорий қилинганди. Нархларни назорат қилиш қишлоқ хўжалиги ҳисобига шаҳарлар аҳолисини арзон озиқ-овқат билан таъминлади ва ҳукумат харажатларини молиялаш учун захира яратиб берди. Бироқ нархларни назорат қилиш сиёсати узок давом этмади. Тез орада Ганада тўлов маблағлари ва хорижий валюта етишмовчилиги билан боғлиқ инқирозлар бошланди. Ана шу муаммолар қаршисида Бусиа 1971 йилнинг 27 декабрида Халқаро валюта жамғармаси билан валютанинг кескин девальвациясини ҳам ўз ичига олган келишувни имзолайди.

ХВЖ, Жаҳон банки ва халқаро ҳамжамият Бусиага шартномада қайд этилган ислохотларни жорий этиш учун босим ўтказди. Халқаро ташкилотлар вазиятдан беҳабар қолган вақтда Бусиа жуда катта сиёсий ўйинни бошлаганини биларди. Валютанинг кескин девальвацияси натижасида Гана пойтахти Аккрада намоёншлар ва норозиликлар тўлкини юзага келади, подполковник Ачеампонг бошчилигидаги ҳарбийлар Бусиа ҳукуматини ағдаргунча тартибсизлик давом этади. Ачеампонг ҳукумати эса зудлик билан девальвацияни бекор қилади.

Билимсизлик назарияси географик ва маданий омиллар назарияларидан қашшоқлик муаммосини қандай ечиш бўйича осон таклиф бериши билан фарқ қилади: агар камбағалликка билимсизлик сабаб бўлса, билимли ва маълумотли раҳбарлар, сиёсатдонлар ундан халос қилиши мумкин. Биз эса тўғри маслаҳат бериш ва раҳбарларни иқтисодий қачон яхши бўлишига ишontiриш орқали бутун дунёда фаровонликка эришган бўлардик. Аммо Бусианинг мисоли бозордаги инқирозларни камайтирадиган ва иқтисодий ўсишни таъминлайдиган сиёсат юргизиш олдидаги асосий тўсик сиёсатчиларнинг билимсизлиги эмас, балки улар мавжуд сиёсий ҳамда

иктисодий институтлар туфайли дуч келадиган рағбатлар ва чегаралар эканини кўрсатади.

Билимсизлик назарияси ҳалигача кўп иқтисодчилар ва Ғарбдаги фаровонликка эришиш масалалари билан шуғулланадиган сиёсатдон доираларда ҳукмрон бўлса ҳам, бу асоссиз назариялардан бири, холос. Бу назария на тенгсизликнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлай олади, на бугунги тенгсизликни тушунтириб бера олади. Мисол учун, нега АҚШ ёки Англияда эмас, айнан Мексика ва Перуда аҳолининг кўпчилигини қашшоқлаштирадиган институтлар ҳамда сиёсат жорий қилинган? Ёхуд нима сабабдан тропик Африканинг деярли барча давлатлари ва Марказий Американинг кўплаб мамлакатлари Ғарбий Европа ва Шарқий Осиёга қараганда анча камбағалроқ?

Мамлакатлар мавжуд институтларни қашшоқлик сабаби деб топиб, уларни бекор қилса ҳамда иқтисодий юксалиш йўлига чиқиб олишга эришса, бу уларнинг раҳбарлари тўсатдан маълумотлироқ бўлгани, худбинликдан чекингани ёхуд яхшироқ иқтисодчилардан тузукроқ маслаҳат олганидан эмас. Масалан, Хитой қашшоқлик ва миллионлаб одамларга очарчилик келтирган сиёсатни иқтисодий юксалишга олиб борадиган сиёсатга ўзгартирган мамлакатлардан бири. Бироқ бу Хитой Коммунистик партияси ниҳоят ерга ва саноат корхоналарига жамоавий эгалик қилиш шакли мудҳиш иқтисодий оқибатлар келтириб чиқарганини англаб қолгани туфайли бўлмади (бу ҳақда китобимиз давомида батафсил ўрганамиз). Аксинча, улар ўз манфаатларини рақибларидан кўра камроқ ўйлаган эмас, бошқача манфаатлар ва сиёсий мақсадларга эга бўлган Дэн Сяопин ҳамда унинг маслақдошлари коммунистик партиядаги қудратли рақибларидан устун келди ва ўзига хос сиёсий инқилоб қилиб, партиянинг раҳбариятини ва йўналишини кескин ўзгартирди. Сиёсий инқилобдан кейин эса дастлаб қишлоқ хўжалигида, сўнг саноатда бозор механизмларини жорий қилган иқтисодий ислоҳотлар юз берди. Бу сиёсат яхшироқ маслаҳатга кулоқ тутиш ёки иқтисодиёт ишлаш қонуниятини яхшироқ англаш билан

эмас, балки Хитойнинг коммунизмдан бозор иқтисодиёти механизмларига ўтиши билан характерланади.

Биз дунёдаги нотенгликни тушуниш учун баъзи жамиятлар нима сабабдан жуда самарасиз тарзда ва ижтимоий жиҳатдан номақбул шаклда тузилганини англаш зарур, деймиз. Баъзан мамлакатлар самарали институтларни жорий этишга ва фаровонликка эришишга муваффақ бўлади, бироқ, афсуски, бундай ҳоллар кам учрайди. Кўп иқтисодчилар ва сиёсатшунослар “тўғри йўлни танлаганлар” масаласига диққат қаратади, холбуки, қашшоқ мамлакатлар нега “хато йўлдан кетгани”ни тушуниш кўпроқ муҳим. “Хато йўлдан юриш” кўпинча билимсизлик ёки маданий омилларга боғлиқ эмас. Биз баъзи мамлакатлар қашшоқлиги сабаби улардаги қудрат эгалари қашшоқликни келтириб чиқарган йўлни танлаганини асосламоқчимиз. Улар адашиб ёки билимсизлик туфайли эмас, атайин “хато қилган”. Буни тушуниш учун иқтисоддан ва экспертларнинг энг тўғри йўл ҳақидаги маслаҳатларидан ташқарига чиқиш, аслида қарорлар қандай қабул қилингани, бунга ким мажбур қилгани ҳамда улар нима сабабдан шундай қилишга қарор қилганини ўрганиш лозим бўлади. Бу сиёсатни ва сиёсий жараёнларни ўрганишдан иборат. Одатда иқтисод фани сиёсатни писанд қилмайди, бироқ сиёсатни тушуниш дунёдаги тенгсизликни англашда муҳим омил. 1970 йилларда иқтисодчи Абба Лернер айтганидек, *“Иқтисод фани сиёсий муаммоларни ҳал қилишни асосий ўрганиш соҳаси сифатида танлаб, “Ижтимоий фанлар маликаси” унвонини қўлга киритди”*.

Фикримизча, фаровонликка эришиш айрим бирламчи сиёсий муаммоларни ҳал қилишга боғлиқ. Чунки айнан иқтисодга кўра, сиёсий муаммолар ечилган деб ҳисоблангани учун у жаҳондаги тенгсизликка ишонарли изоҳ бера олмаган. Лекин барибир тенгсизликни тушунтириш учун иқтисод керак, негаки турли сиёсий қарорлар ва ижтимоий чоралар иқтисодий рағбатлар ҳамда унга муносабатга қандай таъсир қилишини тушуниш лозим. Аммо бунинг учун ҳам сиёсат керак.

3

ФАРОВОНЛИК ВА
ҚАШШОҚЛИКНИНГ КЕЛИБ
ЧИҚИШИ

38-ПАРАЛЛЕЛ ИҚТИСОДИ

1945 йилнинг ёзида Иккинчи жаҳон уруши охирлаб борар экан, Кореядаги Япония мустамлакачилиги қулай бошлади. Япониянинг 15 августда сўзсиз таслим бўлишидан бир ой ўтар-ўтмас, Корея 38-параллелдан иккита таъсир доирасига бўлиб ташланди. Жанубда АҚШ, шимолда эса Россия бошқаруви ўрнатилди. Совук урушнинг қил устида турган тинчлигини 1950 йилнинг июнида Шимолий Корея армиясининг жанубга ҳужуми бузди. Гарчи дастлаб шимолий корейликлар устунликка эришган ва пойтахт Сеулни ҳам қўлга киритган бўлса-да, кузга бориб улар бутунлай чекинишларига тўғри келди. Ҳван Пён Вон ва унинг акаси ўша вақтда бир-биридан ажралиб қолади. Ҳван Пён Вон душмандан яширинишга муваффақ бўлди ва Шимолий Корея армияси сафига олинишдан қутулиб қолади. У жанубда қолиб, фармацевт бўлиб ишлайди. Шимолий Корея армияси чекинар экан, унинг акасини – Сеулда жанубий корейлик аскарларни даволаш билан шуғулланган шифокорни – шимолга олиб кетишади. 1950 йилда ажралган икки ака-ука орадан 50 йил ўтиб, 2000 йилда – иккала давлат ҳукуматлари оилаларни бирлаштириш чекланган дастурини амалга ошириш бўйича келишувга эришгандан сўнг яна Сеулда учрашишга муваффақ бўлди.

Ҳван Пён Воннинг акаси врач бўлгани учун ҳаво кўшинларида – ҳарбий диктатура шароитида – яхшигина ишда хизмат қилишга муваффақ бўлади. Аммо Шимолий Кореяда шундай имтиёзлар соҳибларида ҳам аҳвол яхши эмас. Акаси билан учрашув чоғида Ҳван Пён Вон 38-параллелнинг шимолида ҳаёт қандайлиги ҳақида сўрайди. Ҳван Пён Воннинг машинаси бор эди, акасида эса йўқ.

“Телефонингиз борми?” – сўрайди у акасидан.

“Йўқ. Ташқи ишлар вазирлигида ишлайдиган қизимда телефон бор. Аммо кодини билмаганлар қўнғироқ қила олмайди”, – деб жавоб беради шимоллик врач.


Қариндошлар учрашувида шимолликлар жанубдаги оила аъзоларидан пул сўраганидан хабардор Ҳван Пён Вон акасига пул таклиф қилади. Аммо акаси пулни рад этади. “Агар пул билан қайтадиган бўлсам, ҳукумат одамлари барибир уни мендан олиб қўйишади, шунинг учун пул ўзингда қолаверсин”, – дейди у.

Акасининг пальтоси эскириб кетганини пайқаган Ҳван Пён Вон эски пальтони ечиб ташлаб кетишни, ўрнига ўзиникини кийиб кетиши мумкинлигини айтади. Акаси эса: “Бундай қилолмайман. Бунинг учрашувга кийиб келиш учун ҳукуматдан қарзга олганман”, – деб жавоб беради.

Хайрлашиш фурсати келганда, Ҳван Пён Воннинг хотирлашича, акаси хотиржам эмасди ва уни кимдир тинглаётганидан хавотир олаётгандек эди. Аслида Ҳван Пён Воннинг акаси у ўйлагандан ҳам камбағалроқ эди. У ўзининг яхши яшаётганини айтган бўлса ҳам, Ҳван Пён Воннинг назарида, акасининг ахволи кўрқинчли ва у чўпдай озгин эди.

Жанубий кореяликларнинг турмуш даражаси Португалия ва Испаниядаги кўрсаткичлар билан бир хил. Шимолда эса Корея Халқ Демократик Республикаси ёки Шимолий Корея деб аталган ўлканинг турмуш даражаси тропик Африкадаги яшаш шароитларига яқин, тўғрироғи, Жанубий Кореядаги ўртача турмуш даражасидан ўн баробар пастроқ. Шимолий Кореяда соғлиқни сақлаш янада ёмонроқ аҳволда. Шимолий кореяликлар жанубдаги қариндошларидан ўртача 10 йил камроқ умр кўради. 7-харита Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги тафовутни жонли тарзда ифодалайди. Тунги вақтда сунъий йўлдошдан олинган тасвирлардан иккала мамлакатнинг ёритилиш даражасини кўришимиз мумкин: Шимолий

Корея электр энергияси етишмовчилиги туфайли деярли қоп-қоронғи бўлса, жануб тараф ёриткичлар билан чароғон.



7-харита. Жанубий Кореядаги чароғонлик ва Шимолдаги зулмат.

Бундай кескин фарқлар эскирдан мавжуд эмас. Аслини олганда, бу тафовутлар Иккинчи жаҳон уруши тугашидан аввал йўқ эди. 1945 йилдан кейин шимол ва жанубдаги бир-биридан фарқли икки ҳукумат иқтисодиётни бошқаришнинг мутлақо ўзгача йўллари жорий қилди. Жанубий Кореяда Ҳарвард ва Принстон университетларида таълим олган, коммунизмнинг ашаддий душмани бўлган Ли Синг Ман бошқарувга келди. Унинг раҳбарлигида АҚШнинг муҳим кўмаги билан мамлакатнинг дастлабки иқтисодий ва сиёсий институтлари шаклланди. Ли Синг Ман 1948 йилда президентликка сайланади. Кореяда уруш рўй бериши ва коммунизмнинг жанубга ҳам тарқалиш хавфи қаршисида қолган Жанубий Кореяда демократия йўқ эди. Ли Синг Ман ҳам, машҳурликда ундан кам бўлмаган давомчиси генерал Пак Чон Ҳи ҳам тарихда авторитар президентлар сифатида ном қолдирди. Аммо уларнинг ҳар иккаласи ҳам хусусий мулк ҳимоя қилинадиган бозор иқтисоди бошқарувида бўлди. 1961 йилдан бошлаб Генерал Пак давлатнинг қудратини жадал иқтисодий ўсиш учун асос бўлган ишга – кредит ва субсидияларни муваффақиятли бизнес юритган фирмаларга йўналтиришга сарфлади.

38-параллелдан шимолдаги вазият эса бўлакча эди. 1947 йилга келиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида япон босқинига қарши коммунист партизанлар ҳаракати раҳбари Ким Ир Сен диктатура ўрнатди. Ким Ир Сен Совет Иттифоқи кўмаги билан “Жуче” мафкурасининг бир қисми бўлган иқтисодий қаттиққўл тартибни – маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизимни жорий қилди. Хусусий мулк ғайриқонуний дея эълон қилиниб, бозорлар тақиқланди. Ким Ир Сен, кейинчалик унинг ўғли ва вориси Ким Чен Ирнинг атрофида тўпланган бир тўда элита вакиллари истисно қилганда, эркинликлар нафақат бозорда, балки оддий фуқаролар ҳаётининг ҳар бир жабҳасида чекланди.

Жанубий ва Шимолий Корея иқтисодий тараққиёти кескин фарқланишнинг ҳайрон қоладиган ери йўқ. Кўп ўтмай, Ким Ир Сеннинг маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодий тизими ва Жуче тартиби фалокат бўлиб чиқди. Юмшоқ килиб айтганда, ёпиқ мамлакат бўлган Шимолий Кореяга оид батафсил статистика мавжуд эмас. Шундай бўлса-да, тез-тез юз берадиган очарчиликлар орқали бизга маълум бўлган далиллар шуни кўрсатадики, Шимолий Кореяда нафақат саноат ишлаб чиқариши оёққа тура олмаган, балки кишлоқ хўжалигидаги ҳосилдорлик ҳам амалда таназзулга учраган. Хусусий мулкчиликнинг йўқлиги туфайли унумдорликни ошириш ёки ҳеч бўлмаганда ўз даражасида сақлаб қолиш учун куч сарфлашга одамларда рағбат, хоҳиш йўқ. Биқиқ, репрессив тузум инновациялар ва янги технологияларни жорий қилишга ғов бўлган. Бирок Ким Ир Сен, Ким Чен Ир ва уларнинг ҳамтовоқларида тизимни ислоҳ қилишга ёки хусусий мулкчилик, бозорлар, хусусий шартномаларга рухсат беришга ёхуд иқтисодий ва сиёсий институтларни ўзгартиришга хоҳиш бўлмаган. Мамлакатда эса иқтисодий турғунлик давом этиб келмоқда.

Айни пайтда, жанубда мавжуд иқтисодий тартиблар инвестиция ва савдо-сотиқни рағбатлантирарди. Жанубий корейлик сиёсатчилар таълимга инвестиция қилди, натижада саводхонлик ва мактаб таълимида юқори кўрсаткичларга эришилди. Жанубий Корея компаниялари нисбатан билимли кадрлардан, шунингдек, инвестициялар, саноатлаштириш, экспорт ва технологияларни ўзлаштиришга рағбат берган давлат сиёсатидан фойдаланишда чاقқонлик қилди. Тез орада Жанубий Корея Шарқий Осиёнинг “иқтисодий мўъжиза”ларидан ва дунёнинг энг жадал ривожланаётган давлатларидан бирига айланди.

Ўтган асрнинг охирига келиб, атиги ярим аср ичида Жанубий Кореядаги юксалиш ва Шимолий Кореядаги

турғунлик бир пайтлар ягона мамлакат бўлган ўлканинг иккала қисми ўртасида ўн баробарлик фарқни юзага келтирди. Икки асрдан кейин бу тафовут қандай бўлиши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Шимолий Кореядаги миллионлаб инсонларни очликка маҳқум қилган иқтисодий ҳалокат жанубдаги иқтисодий тараққиёт билан таққослаганда фавқулодда ҳодиса: на маданий, на жуғрофий ва на билимсизлик назариялари Шимолий ва Жанубий Кореянинг икки хил ривожланиш йўлини изоҳлай олади. Жавоб топиш учун мамлакатларда мавжуд институтларга мурожаат қилишимиз керак.

ЭКСТРАКТИВ ВА ИНКЛЮЗИВ ИҚТИСОДИЙ ИНСТИТУТЛАР

Мамлакатларда ўрнатилган институтлар, иқтисодиёт ишлашига таъсир қилувчи қоидалар ва одамларни ишлашга ундайдиган рағбатлар фарқлиги туфайли иқтисодий тараққиётда ҳам фарқланади. Шимолий ва Жанубий Кореядаги ўсмирларни солиштириб кўринг: улар ҳаётдан нима кутиши мумкин? Шимолдагилар қашшоқликда, тадбиркорларга хос ташаббускорлик, креативлик мавжуд бўлмаган шароитда ёки малакали касбга тайёрлайдиган талаб даражасидаги таълим кўрмасдан ўсади. Уларга мактабда бериладиган билимларнинг аксарияти мавжуд тузумнинг легитимлигини мустаҳкамлашга қаратилган очик тарғиботдан иборат. Компьютерларни кўя туринг, уларда китоблар ҳам унча кўп эмас. Мактабни тамомлагандан кейин ҳамма 10 йил давомида армияда хизмат қилиши керак. Шимолий кореялик ўсмирлар уларда хусусий мулк бўлмаслигини, бизнес билан шуғулланолмаслигини ва фаровонроқ ҳаётга эришолмаслигини билади, ҳолбуки, кўшлар ҳаёт кечириб учун ноқонуний иқтисодий фаолиятга қўл уради. Шимолий кореялик ёшлар ўз билимларидан фойдаланиш, эҳтиёжлари бўлган ёки ўзлари истаган нарсаларни харид қилиш учун жамғармаларини ишлатиш имкони бўлган бозорларга қонуний руҳсат бўлмаслигини ҳам билади. Улар хаттоки

келажакда қандай ҳуқуққа эга бўлишига ҳам ишончлари комил эмас.

Жанубдагилар эса яхши таълим олади, уларни меҳнат қилишга ва ўзлари танлаган касб бўйича етук мутахассис бўлишга ундовчи рағбатларга рўбарў бўлади. Жанубий Корея иқтисодий хусусий мулкчиликка асосланган бозор муносабатларига қурилган. Жанубий корейлик ўсмирлар тадбиркор ё ишчи сифатида муваффақиятга эришган тақдирда ўз меҳнатлари ва уринишлари мевасидан қачондир баҳраманд бўлиши мумкинлигини – турмуш шароитларини яхшилаш, машина, уй олиши, тиббий хизматлардан фойдаланишини билади.

Жанубда давлат иқтисодий фаолиятни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ишбилармонлар банклар ва молиявий тузилмалардан қарзга пул олиши, чет эл компаниялари маҳаллий фирмалар билан ҳамкорликка киришиши, фуқаролар уй олиш учун ипотека олиши мумкин. Умуман олганда, Жанубий Кореяда ўзингиз хоҳлаган бизнес тури билан шуғулланиш мумкин. Шимолда эса ундай эмас. Жанубда ходимларни ишга ёллаш, маҳсулот ёки хизматларни сотиш ва ўз пулингизни бозорда ўзингиз истаган тарзда сарфлашга имконият бор. Шимолда эса фақат қора бозорлар мавжуд. Мана шундай турли хил қондалар Шимолий Корея ва Жанубий Корея аҳолиси ҳаётини тартибга соладиган институтлардир.

Жанубий Корея ёки АҚШда мавжуд иқтисодий институтлар инклюзив иқтисодий институтлар бўлиб, улар кўп сонли кишиларни ўз истеъдод ва билимларидан имкон қадар фойдаланишга ундайдиган иқтисодий фаолият билан шуғулланиши учун имкон ҳамда рағбат беради, одамларга ўз истаклари бўйича танлов қилишга шароит яратади. Инклюзив бўлиш учун иқтисодий институтларда хусусий мулк дахлсизлиги, адолатли суд тизими ҳамда барча иштирокчилар учун бир хил шароитлар яратилиши каби хусусиятлар бўлиши лозим. У, шунингдек, янги

иштирокчиларнинг бизнес оламига кириб келишига йўл бериши ва инсонларда ўз карьераларини ўзлари танлаш имконияти бўлиши лозим.

Жанубий ва Шимолий Корея, АҚШ ҳамда Лотин Америкаси ўртасидаги тафовутдан асосий қоида келиб чиқади. Инклюзив иқтисодий институтлар иқтисодий фаолиятга, меҳнат унумдорлиги ошишига ва иқтисодий юксалишга имкон беради. Хусусий мулк дахлсизлиги одамларда ҳаракат қилишга ва меҳнат унумдорлигини оширишга рағбат уйғотгани учун ҳам бу энг муҳим унсур ҳисобланади. Даромади талончиликка учраши, тортиб олиниши ёки солиқ учун олиб қўйилишини билган тадбиркорда инвестиция ва инновацияларга қўл уриш у ёқда турсин, ишлашга ҳам рағбат суст бўлади. Бундай ҳуқуқлар жамиятнинг кўпчилилик аъзоси учун таъминланиши лозим.

1680 йилда Англия ҳукумати Вест-Индиядаги Барбадос колониясида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказди. Маълум бўлишича, мустамлака оролда 60 мингга яқин аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 39 минг киши аҳолининг учдан бир қисмини ташкил қилган табақанинг мулки ҳисобланган африкалик қуллар бўлган. Чиндан ҳам, уларнинг кўпчилиги ер ресурсларининг катта қисмига эгалик қилган 175 нафар шакар плантацияси эгаларига қарашли эди. Мазкур катта ер эгалари ўзларига тегишли бўлган ерлар ва ҳатто ўз қуллари устидан жуда яхши ҳимояланган мулк ҳуқуқларига эга бўлган. Агар бирор мулкдор ўз қулларини бошқасига сотишни истаса, шу ва шунга ўхшаш ўзи хоҳлаган ҳар қандай савдо келишувини амалга оширишга кўзи етарди. Негаки, оролдаги жами 40 нафар судянинг йигирма тўққиз нафари йирик ер эгалари бўлган. Бундан ташқари, саккиз нафар юкори мартабали ҳарбий зобитнинг барчаси йирик ер-мулкларга эгалик қиларди. Барбадосдаги элитанинг мулк ҳуқуқлари ва шартномалари ҳимояси аниқ белгилаб қўйилган ҳамда

жуда яхши муҳофаза қилинган бўлса-да, аҳолисининг учдан икки қисми таълим олиш ва иқтисодий ҳуқуқлардан, ўзининг истеъдод ва малакаларидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қуллардан иборат бўлган оролда инклюзив иқтисодий механизмлар жорий этилмаган эди. Инклюзив иқтисодий институтлар хусусий мулк дахлсизлиги ва иқтисодий имкониятлардан фақат элита эмас, балки жамиятнинг кўпчилики аъзолари ҳам фойдалана олишларини тақозо этади.

Ҳимояланган мулк ҳуқуқчилиги, қонун устуворлиги, ижтимоий хизматлар ва савдо-сотик эркинлиги давлатга – тартиб ўрнатиш, ўғрилиқ ва талончиликнинг олдини олиш, томонлар ўртасида тузилган келишувларни амалга ошириш учун мажбурлаш қудратига эга бўлган таъкилотга боғлиқ. Самарали ишлаши учун жамиятда бошқа ижтимоий хизматлар: маҳсулотни ташишга йўллар ва транспорт тармоғи, иқтисодий фаолият яхши ривожланиши учун инфратузилма ҳамда товламачилик ва жиноятчиликнинг олдини олишга эса ҳуқуқий чоралар керак бўлади. Гарчи бу ижтимоий шароитларнинг кўпини хусусий сектор ва фуқаролар ҳам таъминлаши мумкин бўлса-да, буни кенг миқёсда амалга ошириш кўпинча имконсиз бўлиб, бунинг учун марказлашган ҳокимият бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам давлат қонун устуворлиги, тартиб, хусусий мулк ва шартномалар ҳимоячиси, ижтимоий хизматларнинг асосий таъминотчиси сифатида иқтисодий институтлар билан чамбарчас боғланган. Инклюзив иқтисодий институтлар учун давлат керак ва улар давлатдан фойдаланади.

Шимолий Корея ёки мустамлакачилик даври Лотин Америкасида мавжуд бўлган иқтисодий институтларда (мита, энкомиенда, репартиemento) бу хусусиятлар йўқ. Шимолий Кореяда хусусий мулкчилик мавжуд эмас. Мустамлакачилик даври Лотин Америкасида эса хусусий мулкчилик испанлар учун мавжуд бўлиб, ма-

ҳаллий аҳолининг мулк ҳукуқи ҳимояланмаганди. Улардан ҳеч бирида аҳолининг мутлақ кўпчилиги ўзлари истаганча иқтисодий қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлмаган, улар оммавий зўрлик объекти эди. Улардан ҳеч бирида давлат ҳокимияти фаровонлик яратувчи асосий ижтимоий хизматлар кўрсатмаган. Шимолий Кореяда давлат ўз мафқурасини тарғиб қиладиган таълим тизимини жорий қилгани ҳолда, аҳолини очарчиликдан сақлашга қодир бўлмади. Мустамлака Лотин Америкасида эса давлат эътиборини маҳаллий ҳиндуларга зўрлик ишлатишга қаратди. Мисол кегирилган давлатлардан бирортасида ҳамма учун бир хил шароит ёки адолатли суд тизими йўлга қўйилмаган. Шимолий Кореяда суд тизими ҳокимиятдаги Коммунистик партиянинг қуроли бўлса, Лотин Америкасида аҳолининг катта қисмига қарши дискриминация воситаси эди. Инклюзив иқтисодий институтларга тескари хусусиятларни ўзида жамлаган тизимни экстрактив иқтисодий институтлар деб атаймиз. Экстрактив (инглизча *“to extract”* – ажратиб олиш, тортиб олиш) деб номланишига сабаб бундай институтлардан мақсад – жамиятнинг бирор қисмининг даромад ва бойликларини бошқаларга олиб беришдан иборат.

ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛЛАРИ

Инклюзив иқтисодий институтлар нафақат одамларга ўз қобилиятларига энг тўғри келадиган хунар билан шуғулланишга имкон берувчи, балки барчага ўз иши билан машғул бўлиш учун бир хил шароит яратувчи инклюзив бозорларни юзага келтиради. Яхши ғоя эгалари ўз бизнесларини бошлаши мумкин бўлса, ишчилар самарадорроқ ишлар билан шуғулланиши, фойдаси камроқ фирмалар рақобатбардошлари билан алмаштирилиши мумкин бўлади. Инклюзив бозор механизмлари шароитида ўз касбларини танлайдиган инсонлар билан мита тартиби ҳукм сурган мустамлака даври Перу ва Боли-

вияда, лаёқатлари ва истакларидан қатъи назар, кумуш ва симоб конларида ишлашга маҳкум қилинганларни солиштириб кўринг. Инклюзив бозорлар фақат эркин бозорлар дегани эмас. XVII асрда Барбадосда ҳам бозор мавжуд эди. Аммо айни пайтда оролда мулк ҳуқуқи барча учун эмас, бир ҳовуч заминдорлар учун мавжуд бўлиб, колониянинг бозорлари инклюзивликдан анча узоқ эди. Қуллар савдоси тизимли равишда аксарият аҳолини мажбурлаш ҳамда улардан ўзлари истаган касбни танлаш ва ўз қобилиятларидан фойдаланиш имкониятини тортиб олишдан иборат иқтисодий институтларнинг бир қисми эди.

Қолаверса, инклюзив иқтисодий институтлар таракқиётнинг қолган икки омили – технология ва таълим учун ҳам йўл очади. Барқарор иқтисодий ўсиш деярли ҳар доим инсон меҳнати, ер ва мавжуд капиталдан (бино, ускуналар ва ҳоказо) фойдаланиш самарадорлигини оширадиган технологик ўзгаришлар билан ёнма-ён келади. Атиги бир аср муқаддам яшаган ота-боболаримизни эсга олайлик: ахборот технологиялари, роботлар ва компьютерлашган ускуналарни қўя туринг, улар ихтиёрида водопровод, кондиционерлар, савдо мажмуалари, радио ёки кино туғул, бугун биз учун оддий ҳол бўлган самолёт ва автомобиллар, дори-дармонлар ва тиббий хизмат ҳам бўлмаган. Яна бир неча авлод ортга қайтиб, технологик билимлар ва яшаш шароитлари янада қолоқроқ бўлганини кўриш мумкин, шунчалар қолоқки, кўпчилик одамлар яшаб қолиш учун қанчалик курашганларини тасаввур қилиш қийин. Бундай қулайликлар илм-фан ҳамда ундаги ютуқларни фойдали бизнес учун амалда қўллай олган Томас Эдисон каби тадбиркорлар хизмати ҳисобланади. Ушбу инновациялар хусусий мулкчиликни рағбатлантирувчи, шартномаларни қўллаб-қувватловчи, ҳамма учун бир хил шароит яратувчи, ҳаётга янги технологияларни олиб кириши мумкин бўлган янги бизнес субъектлари пайдо

бўлишига имкон берувчи иқтисодий институтлар туфайли амалга ошди. Шу боис Томас Эдисонни Мексика ёки Перу эмас, айнан АҚШ етиштирди, “Samsung” ва “Hyundai” каби технологик инновацион компаниялар Шимолий Кореяда эмас, айнан Жанубий Кореяда пайдо бўлди.

Мактабда, уйда ва иш жараёнида қўлга киритилган билимлар, малака, тажриба ва ишчи кучидан фойдаланиш маҳорати кабилар технологиялар билан бевосита боғлиқ. Бугун меҳнат унумдорлиги нафақат яхшироқ технологиялар жорий қилингани туфайли, балки ишчиларнинг маҳорати яхшироқ бўлгани учун ҳам бир аср олдингидан кўра юқори. Дунёдаги барча технологиялар уларни қандай ишлатишни биладиган ишчиларсиз бефойда бўларди. Аммо ускуналарни бошқара олишни билишдан ташқари малака ва тажрибалар ҳам муҳим. Ишчи кучининг билим ва тажрибалари туфайли тараққиётимиз асоси бўлган илмий билимлар яратилади ва бу технологияларни бизнеснинг хилма-хил соҳаларига мослаштириб, жорий қилади. Биринчи бобда кўрганимиздек, саноат инкилоби ва ундан кейинги даврда Томас Эдисонга ўхшаш кўплаб ихтирочилар билими юқори даражада бўлмаса-да, улар топган янгиликлар ҳозирги замонавий технологияларга қараганда анчагина содда бўлган. Бугун технологик ўзгариш учун ҳам ихтирочидан, ҳам ишчидан билим талаб қилинади. Мана шу жойда ҳамма учун бир хил шароит яратадиган иқтисодий институтларнинг аҳамияти яққол кўринади. АҚШ Билл Гейтс, Стив Жобс, Сергей Брин, Ларри Пейж, Жефф Безос каби ахборот технологиялари, ядро энергетикаси, биотехнологиялар ва бошқа соҳаларда муҳим кашфиётлар қилган ҳамда ўша соҳаларда ўз бизнесларини йўлга қўйган юзлаб олимларни етиштириши ёки бошқа ўлкалардан ўзига жалб қилиши мумкин. Америкалик ёшлар ўзлари истаганича ёки қўлларидан келганча таълим олиш имконияти борлиги учун кадрлар танлови ҳар доим етарлича бўлади. Энди

аҳолининг катта қисми билим олиш имконидан маҳрум бўлган ёки мактабга қатнаш имкони бўлса-да, таълим сифати қониқарсиз, ўқитувчи ишга келмайдиган ёхуд ўқитувчи бўлган тақдирда ҳам, китоблар етарли бўлмаган Конго ёки Ҳаити каби мамлакатларни тасаввур қилиб кўринг.

Қашшоқ мамлакатлардаги таълимнинг паст даражасига ота-оналарда фарзандларини ўқитишга рағбат уйғотмайдиган иқтисодий институтлар ҳамда ҳукуматнинг мактаблар қуришига, уларни молиялашга, мактабларни, ота-оналар ва ўқувчиларнинг орзу-истакларини қўллаб-қувватлашига йўл қўймаган сиёсий институтлар сабабчи. Бу мамлакатлар аҳолисининг сифатсиз таълими ва инклюзив бозорни йўлга қўймаганларининг тўлови эса қиммат бўлади. Улар ўзларидаги мавжуд истеъдодларни сафарбар қилишга ожизлар. Бу мамлакатларда кўплаб потенциал Билл Гейтслар, бир ёки бир неча Альберт Эйнштейнлар бўлгани ҳолда, ҳаётда ўзларига муносиб касб билан шуғулланиш имкони берилмагани учун улар камбағалликда, таълим олмасдан деҳқон бўлиб ишлаётган, ўзлари истамаган ишни қилишга мажбур бўлаётган ёки армияга сафарбар қилинган бўлиши мумкин.

Иқтисодий институтларнинг инклюзив бозорлар имкониятларини қамраб олиш, технологик янгиликларни рағбатлантириш, маблағни одамларга инвестиция қилиш ва кўп сонли одамларнинг истеъдод ва малакаларини сафарбар қилиш иқтисодий ўсиш учун жуда муҳим. Нега жуда кўплаб иқтисодий институтлар ана шу оддий мақсадларга ета олмаслигини тушунтириш бу китобнинг асосий мавзуси ҳисобланади.

ЭКСТРАКТИВ ВА ИНКЛЮЗИВ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР

Барча иқтисодий институтларни жамият юзага келтиради. Мисол учун, Шимолий Кореядаги институтлар 1940-йилларда ҳокимиятга келган коммунистлар томонидан фуқароларга мажбуран сингдирилган бўлса,

мустамлакачилик даври Лотин Америкасидаги институтлар испан конкистадорлари томонидан жорий қилинган. Жанубий Корея шимолниқидан бутунлай фарқли институтлар асоратида қолди, боиси жамиятнинг шаклланиши борасида қарор қабул қилган кишилар кўшнларидан фарқли манфаат ва мақсадларга эга эди. Бошқача айтганда, Жанубий Кореяда бошқача сиёсат олиб борилди.

Сиёсат – бу жамиятни қандай қонунлар асосида бошқаришни аниқлаш жараёнидир. Сиёсат оддий сабабга кўра институтлар билан алоқадор: мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун инклюзив институтлар яхшироқ бўлгани ҳолда айрим шахслар ёки гуруҳлар, масалан, Шимолий Кореяда ҳукмрон Коммунистик партия раҳбарияти ёки мустамлака қилинган Барбадосдаги шакар плантациялари эгалари учун экстрактив институтлар ўрнатиш яхшироқ бўлиши мумкин. Институтлар масаласида зиддият юзага келганда, қайси бирини танлаш сиёсий ўйинларда қайси одамлар ёки гуруҳларнинг ғалаба қозонишига: ким кўпроқ дастакка эга бўлишига, кўшимча ресурсларни қўлга киритишига ва самаралироқ иттифоқчиларни бирлаштиришига боғлиқ бўлади. Қисқаси, ким ғолиб бўлиши жамиятда сиёсий қудратнинг тақсимланишига боғлиқ.

Жамиятнинг сиёсий институтлари бу ўйин натижасини аниқлаб берувчи асосий омил саналади. Улар сиёсатдаги рағбатларни назорат қилувчи қондалардир. Улар ҳукуматни қандай танлашни ва турли ҳокимият органларининг ваколатларини белгилаб беради. Сиёсий институтлар жамиятда қудрат кимнинг қўлида бўлишини ва қандай мақсадларда бу ҳокимиятдан фойдаланиш мумкинлигини белгилайди. Агар ҳокимият тор доирада тақсимланган ва чекланмаган бўлса, сиёсий институтлар авторитар бошқарувга асосланади: инсоният тарихининг узоқ йиллик даври давомида дунёда авторитар – мутлақ

монархия ҳукм сурган. Авторитар сиёсий институтлар ҳукм сурган жойда, масалан, Шимолий Корея ёки Лотин Америкасида ҳокимият кимнинг қўлида бўлса, ўшалар жамиятнинг қолган аъзолари ҳисобига бойиб боради ва ҳокимиятни мустақамлаб олади. Аксинча, сиёсий ҳокимият жамиятда кенг миқёсда бўлиб юборилган ва чекланганда, сиёсий институтлар плюралистик саналади. Яқка шахс ёки кичик гуруҳ қўлида жамланиш ўрнига, ҳокимият коалиция ёки турли гуруҳларнинг плюрализмига асосланади.

Плюрализм ва инклюзив иктисодий институтлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа мавжуд. Аммо Жанубий Корея ва АҚШда инклюзив иктисодий институтлар мавжудлигини тушунтиришда фақат плюралистик сиёсий институтлар эмас, балки улардаги барқарор марказлашган ҳокимият ва кучли давлатчилик ҳам энг муҳим омилдир. Шарқий Африкадаги Сомалида бунинг аксини кўриш мумкин. Сомалида сиёсий ҳокимият узоқ давр мобайнида анчагина кенг тақсимланган бўлиб, қарийб плюралистик шаклда эди (буни китобимиз давомида ҳали ўрганамиз). Ҳақиқатан, мамлакатда ким нима қилаётганини назорат қилувчи ва бошқариб турувчи реал ҳокимият йўқ эди. Мамлакат бир-биридан устун келиш лаёқатига эга бўлмаган ашаддий муҳолиф гуруҳларга бўлиниб олган. Бир жамоанинг ҳокимияти бошқасидаги қуроли кучи билан чекланарди. Ҳокимиятнинг бу тариқа бўлиб олиниши инклюзив институтлар қолиб, тартибсизликка ва натижада, Сомалида марказлашган сиёсий ҳокимиятнинг, давлат бошқарувининг йўқолишига, ҳатто давлатнинг энг бирламчи қонунлар ижросига, тадбиркорлик фаолияти, савдо-сотик ёки фуқаролар учун энг муҳим хавфсизликни таъминлашга лаёқатсизлигига олиб борди.

Макс Вебер (биз у билан биринчи бобда танишдик) давлатга энг кенг тарқалган таърифни беради. Уни “*легитим (қонуний) зўравонлик монополияси*” деб ҳисоблайди.

Ана шундай монополия ва марказлашган ҳокимият бўл-маса, давлат ўзининг қонун ижрочиси ва тартиб ўрнатув-чи вазифасини бажара олмайди, ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш, иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқаришни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Қачонки давлат қандайдир марказлашган сиёсий ҳокимиятга эриша ол-маса, мамлакат тез орада ёки кўп ўтмай, худди Сомали каби тартибсизлик гирдобига қолади.

Биз етарлича марказлашган ва плюралистик сифатга эга бўлган сиёсий институтларни инклюзив сиёсий институтлар деб атаймиз. Бу иккала сифатдан бирортаси топилмаса, бундай институтларни экстрактив сиёсий институтлар деб биламиз.

Иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасида мустах-кам боғланиш бор. Экстрактив сиёсий институтлар ҳоки-миятни тор элитанинг қўлида жамлайди ва бу ҳокимият-дан фойдаланиш бўйича жуда кам чекловлар қўяди. Ўз навбатида, ҳокимиятдаги элита томонидан кўпинча жа-миятнинг бошқа аъзоларидан ресурсларни тортиб олиш-га мўлжалланган экстрактив иқтисодий институтлар ташкил қилинади. Шунинг учун экстрактив иқтисодий институтлар экстрактив сиёсий институтлар билан ёнма-ён юради. Умуман олганда, уларнинг мавжуд бўлиши табиий равишда экстрактив сиёсий институтларга бог-лик. Ҳокимият кўпчилик ўртасида тақсимланишига асос-ланган инклюзив сиёсий институтлар эса камчилик ман-фаати йўлида кўпчилик аҳолига тегишли ресурсларни ўзлаштириш, янги бизнес бошламоқчи бўлганларга тўсқинлик қилиш ва бозорларга барҳам беришга қара-тилган иқтисодий институтларни йўқ қилиб юборади.

Мисол учун, куллар эксплуатациясига асосланган плантаторлар тузуми кулларни эзадиган ва сиёсий ҳу-қуқлардан бутунлай маҳрум қиладиган сиёсий инс-титутларсиз мавжуд бўла олмасди. Шимолий Кореяда миллионлаб одамларни бир ҳовуч элита фойдаси учун

қашшоқликка маҳкум қилган иқтисодий тизим ҳам Коммунистик партиянинг мутлақ сиёсий устунлигисиз имконсиз бўлар эди.

Экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўр-тасидаги ана шу алоқа натижасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик юзага келади: сиёсий институтлар элита-га ҳокимиятни ушлаб туриб, чекловларсиз ва рақо-батчиларсиз иқтисодий сиёсат юргизишга имкон беради. Шу билан бирга, элита бўлажак сиёсий институтларни шакллантириши ва уларнинг ривожланиш йўлини бел-гилаши мумкин бўлади. Экстрактив иқтисодий институт эса, ўз навбатида, элитанинг бойиш манбаи бўлиб, бойлик ва ҳокимият сиёсий ҳукмронликни мустаҳкамлашга ёр-дам беради. Барбадос ва Лотин Америкасида мустамлака-чилар бошқаларнинг меҳнати ҳисобига ўзларига бойлик келтирадиган сиёсий институтларни жорий қилишда сиёсий қудратдан фойдалана олган. Мазкур иқтисодий институтлар келтирган ресурслар элита вакилларига чек-ланмаган сиёсий ҳокимиятларини ҳимоя қилиш учун армия ва ҳимоя кучларини ташкил қилиш имконини берган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар бир-бирини ушлаб туради ва шундай давом этади.

Аслини олганда, экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар орасидаги боғлиқлик фақат шундан иборат эмас. Экстрактив сиёсий институтлар шароитида мавжуд элитага рақобатчилар пайдо бўлса ва элитанинг ўрнини эгалласа, янги келганлар ҳам аввалгилар каби чекланма-ган ҳуқуқларга эга бўлади. Шу боис улар мавжуд сиёсий институтларни сақлаб қолиш ва худди ўшандай иқтисо-дий институтларни жорий этишдан манфаатдор бўлади. Худди шунга ўхшаш вазият XIX аср охирида Мексикада Порфирио Диас ҳукумати билан содир бўлган.

Инклюзив институтлар эса, шу қаторда, ҳокимият кўпчилик гуруҳларга тақсимланган ва ҳокимиятнинг

Ўзбошимча хатти-ҳаракатлари чекланадиган инклюзив сиёсий институтлар яратган асос устига қурилади. Бундай сиёсий институтлар бошқаларга ҳокимиятни куч билан эгаллаб олиш ва инклюзив институтлар асосларини йўққа чиқаришга имкон бермайди. Ҳокимиятдаги кучлар эса ундан ўз манфаати йўлида экстрактив иқтисодий институтлар жорий қилиш учун осонликча фойдалана олмайди. Ўз навбатида, инклюзив иқтисодий институтлар ресурсларни адолатлироқ тарзда тақсимлаш имконини беради, бу эса инклюзив сиёсий институтларнинг бардавом бўлишига ёрдам беради.

1618 йилда “Виржиния” компанияси мустамлакачиларни ер ва аввал мажбуран қабул қилдирилган шафқатсиз шартномалардан озод қилиши, бир йил ўтиб эса Умумий мажлис уларга ўзларини ўзлари бошқариш ҳуқуқини бериши бежиз эмас эди. “Виржиния” ширкатининг мажбурлашга тинимсиз уринишига қарамай, мустамлакачилар сиёсий ҳуқуқлар бўлмагани ҳолда, иқтисодий ҳуқуқлар берилишига ишона олмасди. Қолаверса, улар ташкил қилган мустамлака иқтисоди ҳам барқарор ва кучли бўлмасди. Ҳақиқатан, экстрактив ва инклюзив институтларнинг бирлашуви кўпинча узоққа бормайди. Инклюзив сиёсий институтлар шароитида экстрактив иқтисодий институтлар, Барбадосда бўлганидек, кўп яшамайди.

Худди шундай инклюзив иқтисодий институтлар ҳам экстрактив сиёсий институтлар ҳукм сурган жойда келиша олмайди. Ё улар ҳокимият қўлида бўлган бир ҳовуч элита манфаатларини акс эттирадиган экстрактив институтларга ўзгаради ёки улар яратган иқтисодий динамика экстрактив сиёсий тизимни беқарорлаштириб, инклюзив сиёсий институтлар пайдо бўлиши сари йўл очади. Инклюзив иқтисодий институтлар элитанинг экстрактив сиёсий институтлар воситасида қўлга киритадиган фойдаси камайишига олиб келади, чунки энди улар

бозорда рақобатга дуч келади, мавжуд имтиёзлар эса эркин шартномалар ва жамият аъзоларининг мулк ҳуқуқи тикланиши эвазига чекланади.

НЕГА ДОИМ ҲАМ ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИ ТАНЛАНМАЙДИ?

Сиёсий ва иқтисодий институтлар жамиятнинг якуний танлови бўлиб, инклюзив тарзда бўлиши ва иқтисодий тараққиётга олиб бориши кутилади. Ёки улар экстрактив бўлиши ва иқтисодий ўсиш йўлида ғовга айланиши мумкин. Қаерда иқтисодий ўсишга ҳалал берадиган ва ҳатто ўсишдан тўхтатиб кўядиган экстрактив сиёсий институтлар орқали бошқариладиган экстрактив иқтисодий институтлар йўлга қўйилса, ўша мамлакат инкирозга юз тутади. Қайси институтларни танлаш масаласи, яъни ўрнатилган институтлар юритган сиёсат давлатларнинг тараққий этиш ёки қулаш сабабларини ўрганишда асосий масала ҳисобланади. Нима учун айрим мамлакатлар сиёсати инклюзив институтлар ўрнатилишига ва иқтисодий юксалишга етаклаган? Ўтмишда ва ҳозир ҳам жуда кўп мамлакатлардаги сиёсат иқтисодий тараққиёт кушандаси бўлмиш экстрактив механизмлар ўрнатилишига олиб келган сабаблар нимада? Буларни англашимиз лозим.

Бундан, гўёки ҳар кимда тараққиёт келтирадиган иқтисодий институтлар қуришга иштиёқ бўлиши керакдай туюлиши мумкин. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир сиёсатчи ва ҳар бир солим диктатор ўз мамлакатини имкон қадар бадавлат қилишни истамайдими?

Келинг, аввалроқ муҳокама қилганимиз Конго қироллигига қайтайлик. Бу қироллик XVII асрда заволга юз тутган бўлса-да, унинг номи 1960 йилда Белгиядан мустақилликка эришган мамлакатга берилган. Мустақилликдан сўнг Жозеф Мобутунинг 1965–1997 йиллардаги ҳукмронлиги даврида Конго узлуксиз иқтисодий пасайиш ва мунтазам қашшоқликни бошдан ўтказди. Иқтисодий таназзул Лоран Кабила томонидан Мобуту

ҳокимияти ағдариб ташлангандан кейин ҳам давом этди. Мобуту экстрактив иқтисодий институтларнинг улкан тармоғини яратди. Аҳоли қашшоқ бўлгани ҳолда, Мобуту ва унинг атрофидаги кишилар (“Les Grosses Legumes” – “Катта ошқовоклар”) жуда катта бойлик орттирди. Мобуту мамлакат шимолидаги ўзи туғилиб ўсган Гбадолите шаҳрида улкан аэропортга эга сарой қурдирди. Аэропорт шунчалик катта эдики, Мобуту Европага сафар килиш учун “Air France” компаниясидан тез-тез ижара оладиган, унга “Concord” номли товушдан тез учадиган самолёт қўна оларди. Мобуту Европада қасрлар сотиб олди, Бельгия пойтахти Брюссель шаҳрида жуда катта ер майдонларига эгалик қилди.

Мобуту учун конголикларни қашшоқлигини янада кучайтириш ўрнига, уларнинг даромадини оширадиган иқтисодий институтларни жорий қилиш яхшироқ эмасмиди? Агар у ўз мамлакатини тараққиётга эриштира олганда, янада кўпроқ бойлик орттириши, “Concord” лайнерини ижарага эмас, сотиб олиши, кўпроқ қаср ва виллаларга эга бўлиши, каттароқ ва қудратлироқ армия тузиши мумкин эмасмиди? Афсуски, дунёнинг кўплаб мамлакатлари фукарolari учун жавоб – йўқ. Иқтисодий юксалишга элтадиган иқтисодий институтлар шароитида даромадлар ва ҳокимият шундай тақсимланадики, натижада золим диктатор ва бошқа ҳукмрон табақаларнинг аҳволи ёмонлашади.

Асосий муаммо шундаки, иқтисодий институтларни танлаш борасида зиддият ва қарама-қаршилик бўлиши муқаррар. Турли хил институтларнинг мамлакат учун оқибатлари ҳам турлича бўлади, жумладан, мамлакатнинг тараққиёти, даромадлар қандай тақсимланиши ва ҳокимият қимда бўлиши бир хил кечмайди. Бу институтлар туфайли юзага келган иқтисодий ўсиш оқибатида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлади. Буни бугунги кунда дунёнинг бой мамлакатларида мавжуд тараққиётнинг

тамал тоши қўйилган Англиядаги Саноат инқилоби даврида яққол кўриш мумкин. Саноат инқилобининг негизида бугунги машинаси, транспорт турлари ва текстил саноатидаги инновацион технологик янгиликлар ётади. Механизациялаштириш жараёни аҳолининг даромадларини жуда катта ўстирган ва яқинда замонавий саноатлашган жамиятнинг асосига айланган бўлса-да, унга кўпчилик қаттиқ қаршилик қилган. Билимсизлик ёки узокни кўра билмасликдан эмас, аксинча. Иқтисодий ўсишга қарши тарафнинг ўзига хос, бахтга қарши, асосли баҳонаси бор эди. Иқтисодий ўсиш ва технологик ўзгаришлар, буюк иқтисодчи Йозеф Шумпетер таъбири билан айтганда, бунёдкор бузғунчилик билан ёнма-ён келади. Янги технологиялар эскиларининг ўрнини эгаллайди. Янги соҳалар эскиларидан ресурсларни тортиб олади. Янги фирмалар эскиларининг бизнесини олиб қўяди. Янги технологиялар мавжуд ускуналар ва эришилган тажрибаларни фойдасиз қилиб қўяди. Инклюзив институтлар ўрнатилиши ва унинг асосида юзага келган иқтисодий ўсиш жараёнида ҳам сиёсий майдонда, ҳам бозорда ғалаба қозonganлар ва мағлублар бўлади. Инклюзив иқтисодий ҳамда сиёсий институтларга қаршиликнинг негизида кўпинча бунёдкор бузғунчиликдан кўркиш ётади.

Европа тарихи бунёдкор бузғунчиликнинг оқибати-га яққол мисол бўлади. XVIII асрдаги Саноат инқилоби арафасида Европанинг кўп давлатларида ҳокимиятни зодагонлар ва анъанавий элита вакиллари назорат қилган бўлиб, уларнинг асосий даромадлари ер мулклари ва савдо имтиёзлари орқасидан бўлган. Бу имтиёзлар давлат раҳбари (монарх) бошқаларнинг бизнес бошлашига қўйган тўсиқлар ҳамда элитага инъом қилинган монопол ҳуқуқлар туфайли эди. Бунёдкор бузғунчилик ғоясига мувофиқ, саноатлашиш, заводларнинг кенг тарқалиши ва шаҳарларнинг тараққий этиши натижасида

ресурслар кишлоқдан шаҳарга кўчди, ернинг ижара нархида пасайиш, ер эгаларининг ишчиларга берадиган маошларида кўтарилиш кузатилди. Элитага рақобатдош янги ишбилармонлар ва савдогарлар пайдо бўлиб, уларнинг савдо имтиёзларига путур етди. Умуман олганда, улар саноатлаштириш қурбони бўлди. Урбанизация ва ижтимоий жиҳатдан ҳушёр ўрға, ишчилар синфининг шаклланиши ер эгалари бўлган зодагонларнинг сиёсий ҳукмронлигига соя солди. Саноат инкилобининг тарқалиши билан зодагонлар нафақат иқтисодий жиҳатдан ютқазди, балки сиёсий жиҳатдан ҳам мағлуб бўлиш – қўлларидаги сиёсий ҳокимиятдан мосуво қолиш хавфи юзага келди. Иқтисодий ва сиёсий қудратдан айрилиш хавфи туфайли элита вакиллари кўпинча саноатлаштиришга бор кучлари билан қарши турди.

Саноатлашишдан фақат зодагонлар ютқазмади. Қўл меҳнати ўрнини машиналар эгаллай бошлаган хунармандлар ҳам саноатлашувга қарши бўлди. Кўплар намойишга чиқди, уларнинг ҳаёти оғирлашишига сабабчи деб билган ускуналарни вайрон қилишди. Улар “луддитлар” номини олди, кейинчалик бу сўз технологик ўзгаришларга қарши бўлганлар маъносида ишлатиладиган бўлди. Тўқув жараёнини механизациялаш бўйича дастлабки кашфиётлар соҳиби, 1733 йилда “учар моки” дастгоҳини ихтиро қилган англиялик Жон Кейнинг уйини 1753 йилда луддитлар ёқиб юборди. Ип йигиришда инкилоб қилган “Женни” йигирув дастгоҳи ихтирочиси Жеймс Ҳаргривсга ҳам шундай муносабат кўрсатилди.

Аслида хунармандлар саноатлашишга қаршилик борасида заминдорлар ва элитадан кўра камроқ таъсир кўрсатарди. Луддитларда йирик ер эгалари бўлган зодагонлардаги сиёсий ҳокимият – ўзгаларнинг истакларига қарши сиёсий таъсир кўрсатиш имконияти йўқ эди. Луддитларнинг қаршилигига қарамай, зодагонларнинг

қаршилиги кескин бўлмагани боис Англияда саноатлашув давом этди. Мутлақ монархия ва зодагонлар ҳокимияти кучли бўлган Австрия-Венгрия ва Чор Россиясида саноатлашувга монелик қилинди. Натижада, иккала империяда иқтисодий турғунлик юз берди. Австрия-Венгрия ва Россия XIX асрда иқтисодий юксалишга эришган Европанинг бошқа давлатларидан орқада қолди.

Муайян гуруҳларнинг галабаси ёки мағлубиятига қарамай, бир нарса аниқ: қудратли гуруҳлар кўпинча иқтисодий ўсишга ва тараққиёт воситаларига қарши бўлади. Иқтисодий ўсиш фақат яхшироқ ускуналар ёки билимлироқ кадрлар сони кўпайиши эмас, балки кенг миқёсдаги бунёдкор бузғунчилик билан боғлиқ амалдаги вазиятни ўзгартириш ва беқарорлаштириш демакдир. Шу боис тараққиёт иқтисодий имтиёзлардан мосуво бўлишдан кўрқадиганлар ҳамда сиёсий ҳокимиятдан маҳрум бўлишдан хавфсираган кучлар тарафидан тўсиққа учрамаган тақдирдагина олдинга силжийди.

Чекланган ресурслар, даромад ва ҳокимият учун кураш ўйин қоидаларини, иқтисодий фаолият кўринишлари ва улардан ким фойда олишини аниқлаб берувчи иқтисодий институтлар устидаги курашга айланади. Келишмовчилик бўлган жойда ҳамманинг истаклари бир хил бўлиши мумкин эмас. Баъзилар ютқазиб, норози бўлса, бошқалар ўзлари истаган натижани қўлга киритади. Мазкур курашда ким ғолиб бўлса, ўшалар мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт йўналишини белгилаб беради. Агар тараққиётга қарши бўлган жамоа галаба қозонса, улар юксалиш йўлини тўсади ва иқтисодиёт ўсишдан тўхтади.

Қудратли кишилар фаровонлик келтирадиган иқтисодий институтларни жорий этишни истамаслигининг сабабини сиёсий институтларни танлаш жараёнида ҳам осонгина кўриш мумкин. Чекланмаган бошқарув шароитида элита синфи ўзи истаган иқтисодий инс-

титутларни жорий этиш кудратига эга бўлади. Уларда сиёсий институтларни плюралистик кўринишдаги тузумга ўзгартиришга қизиқиш бўлиши мумкинми? Умуман олганда, йўқ. Негаки бу фақат уларнинг сиёсий ҳокимиятини заифлаштиради, уларга кейинчалик ўз манфаатларига мос келувчи иктисодий институтларни қуришни қийинлаштиради, ҳаттоки уни имконсиз ишга айлантиради. Айнан шу ерда яна ўзаро кураш учун асос топилади. Экстрактив иктисодий институтлардан жабр кўрган кишилар чекланмаган ҳокимиятга эга ҳукмдорларнинг сиёсий тузумни ўз хоҳишлари билан ўзгартиришларига ва ҳокимиятни бўлишишларига умид қила олмайдилар. Мавжуд сиёсий институтларни ўзгартиришнинг ягона йўли элитани бирмунча плюралистик институтлар жорий қилишга мажбур қилишдан иборат.

Худди шу каби сиёсий тузум ўз-ўзидан плюралистик кўринишга келиб қолмаганидек, сиёсий ҳокимиятнинг марказлашуви ҳам ўз-ўзидан юз бермайди. Ҳар қандай жамиятда, айниқса, марказлашган ҳокимият мавжуд бўлмаган мамлакатда яхшироқ марказлашган давлат институтлари юзага келиши учун, албатта, ирода бўлиши керак. Мисол учун, борди-ю, Сомалида бирор гуруҳ мамлакатда тартиб ўрнатишга қодир марказий ҳокимият туза олганда, бу иктисодий фойда сари элтар ва мазкур гуруҳ бадавлатроқ бўларди. Бундан уларни нима тўсади? Ҳокимият марказлашуви йўлидаги асосий тўсиқ, бу – яна ўзгаришлардан кўрқиш. Мамлакатда ҳокимиятни марказлаштиришга уринган ҳар қандай жамоа, гуруҳ ёки сиёсатчи марказлашган ҳокимиятни ўз қўлида тўплайди. Бу эса мазкур жараёнда сиёсий жиҳатдан мағлуб бўлган бошқа жамоалар, гуруҳлар ва шахсларнинг газабини келтириши турган гап. Марказлашган сиёсий ҳокимиятнинг йўқлиги фақат қонунлар ва тартиблар йўқ бўлишини англатиб қолмасдан, балки ўша ерда қар-

шилиқ қилиш ва ҳалал беришга етарлича қодир бўлган жуда кўп кучлар борлигини, муҳолифлардан кўрқиш ва шафқатсиз қаршилиқ кўпинча марказлаштириш фикридан қайтаришини ҳам билдиради. Сиёсий марказлашиш бирор гуруҳ давлат қуриш учун бошқалардан кўра қудратлироқ бўлгандагина юз бериши мумкин. Сомалида эса ҳокимият гуруҳлар ўртасида тенг тақсимланган эди ва ҳеч бир гуруҳ бошқасини ўзига бўйсундира олмайди. Шу сабабли ҳам ҳокимият марказлашуви рўй бермай келмоқда.

КОНГОНИНГ КўП ЙИЛЛИК ИЗТИРОБИ

Экстрактив институтлар шароитида иқтисодий ўсиш нега жуда ноёб ҳодиса эканлиги мантиғи ёки экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиб берадиган мисоллар орасида Конгодан кўра яққол ва аламлисини топиш қийин. XV–XVI асрларда Конгога борган португалиялик ва ҳолландиялик сайёҳлар у ердаги “аянчли қашшоқлик” ҳақида ёзиб қолдиришган. Конгода мавжуд технологиялар Европа стандартлари билан солиштирганда жуда ибтидоий эди: улар ёзув, ғилдирак ва омоч нималигини билмасди. Қашшоқликнинг сабаби ва конголик деҳқонларнинг европаликлардан ўрганган яхшироқ технологиялардан фойдаланишга иштиёқсизлиги ёзма манбалар орқали бизга маълум. Ҳаммасига мамалакатнинг экстрактив иқтисодий институтлари сабабчи эди.

Аввал айтиб ўтилганидек, Конго қироллигида қароргоҳи кейинчалиқ Сан-Сальвадор номини олган пойтахт – Мбанзадаги қирол ҳукмронлик қиларди. Олисдаги ҳудудларни зодагонлар бошқарар, улар қиролликнинг турли музофотларида губернатор вазифасини бажарарди. Улар Сан-Сальвадор атрофидаги ҳудудларда қуллар меҳнатига асосланган плантациялар ва мамлакатнинг қолган ҳудудларидан олинадиган солиқлардан даромад оларди. Қулдорлик тузуми иқтисоднинг асоси эди:

элита аъзолари ўз ерларида экинлар етиштиришда, европаликлар эса ўзлари ўрнашган соҳилда куллар меҳнатидан фойдаланарди. Солиқлар ҳам ўзбошимчалик билан солинарди: ҳаттоки ҳар сафар қиролнинг бош кийими тушиб кетганида йигиладиган солиқ ҳам бор эди. Аҳволни яхшилаш учун Конго халқи пул жамғаришлари ва уни омоч сотиб олишга сарфлашлари лозим эди. Аммо бундан наф йўқ, боиси аҳоли яхшироқ технологиялар ёрдамида кўлга киритган ҳар қандай кўшимча даромадни қирол ва унинг атрофидагилар тортиб олиши муқаррар эди. Меҳнат унумдорлигини оширадиган технологияларни харид қилиш ва ўз маҳсулотларини бозорларда сотиш ўрнига, конголиклар ўз кишлокларини бозорлардан узоқроққа кўчирарди. Улар талончиликдан сакланиш ва қул савдоси билан шуғулланадиганлардан ҳимояланиш учун йўллардан иложи борича узоқроқда бўлишга интиларди.

Шу туфайли Конгодаги қашшоклик тараққиёт йўлига тўсиқ бўлган ва тараққиётнинг барча воситалари тескари ишлашига сабаб бўлган экстрактив иктисодий институтлар натижаси эди. Конго ҳукумати фуқаролари учун бирламчи ижтимоий хизматлар: мулк ҳуқуқи, қонун устуворлиги ва тартибни таъминламаганди. Аксинча, ҳукуматнинг ўзи фуқароларининг мулк дахлсизлиги ва инсон ҳуқуқлари учун катта таҳдид соларди. Қулдорлик тузуми туфайли тараққиёт учун муҳим, кишилар ўз касби ва иш жойини танлаш ҳуқуқига эга бўлган энг асосий бозор – инклюзив меҳнат бозори мавжуд эмасди. Қолаверса, бошқа ҳудудлар билан тижорий ва иктисодий алоқаларни қирол назорат қилар, фақат унга яқин кишилар учунгина очиқ эди. Гарчанд португалияликлар ёзувни таништиргач, элита вакиллари тез орада савод чиқарган бўлса-да, қирол аҳолининг ҳамма қатламларини саводли қилишга уринмади.

“Аянчли қашшоклик” кенг тарқалган бўлса-да, Кон-

годаги экстрактив институтлар ҳам ўзининг асосли мантиғига эга эди: улар сиёсий қудратга эга бўлган кам сонли элитани давлатманд қилди. XVI асрда Конго хукмдори ва зодагонлар Европадан ҳашаматли буюмларни сотиб олар, хизматларида қароллар ва қуллар ҳозир эди.

Конгодаги иқтисодий институтларнинг илдизи жамиятда сиёсий ҳокимиятнинг тақсимланиши ва сиёсий институтлар билан таснифланади. Қиролни одамларнинг мулки ва эркини тортиб олгани учун қўзғолон кўтарилиши хавфидан бўлак нарса тўса олмасди. Бу хавф ҳақиқатан мавжуд бўлса-да, инсонлар ва уларнинг мол-мулклари хавфсизлигини таъминлаш учун етарли эмасди. Конгонинг сиёсий тузуми чиндан ҳам, мутлақ, чекланмаган эди. Қирол ва зодагонлар учун ҳеч қандай чекловлар йўқ ва тузум фуқароларга жамият қандай ташкил қилиниши бўйича фикр билдириш имконини бермасди.

Шубҳасиз, Конгодаги сиёсий институтлар ва ҳокимият кенг тақсимланган, муайян даражада чекланган инклюзив сиёсий институтлар ўртасидаги кескин фарқни кўриш қийин эмас. Конгонинг авторитар институтлари армия кучи билан ушлаб турилган. XVII аср ўрталарида қиролнинг беш минг кишилик мунтазам кўшини бўлиб, унинг асосини беш юз кишилик мушкетёрлар – ўша даврнинг енгилмас кўшини ташкил қилган. Қирол ва унинг зодагонлари европача ўқотар қуролларни катта қизиқиш билан жорий қилганининг сабабини тушуниш энди қийин бўлмаса керак.

Бундай иқтисодий шароитда мунтазам иқтисодий ўсишга эришиш учун ҳеч қандай имконият йўқ эди, ҳатто қисқа муддатли ўсишга эришиш имкони бутунлай чекланганди. Кишиларнинг мулк ҳуқуқларини яхшилаш учун иқтисодий институтларни ислоҳ қилиш Конго халқининг ҳаётини анчагина тараққий эттирган бўларди. Бироқ кенг қамровли ривожланишдан ҳукмрон

элита фойда ололмасди. Аввало, бундай ислохотлар туфайли элита иктисодий жиҳатдан ютқазши муқаррар эди: куллар савдоси ва куллар меҳнатига асосланган плантациялардан келадиган даромад камайиб кетарди. Иккинчидан, бундай ислохотлар қирол ва унинг яқинларининг сиёсий ҳокимияти чекланган тақдирдагина амалга ошиши мумкин эди. Дейлик, агар қирол беш юз нафар мушкетёрига буйруқ беришда давом этса, қуллик бекор қилингани ҳақидаги эълонга ким ҳам ишонарди? Қиролни кейинчалик фикрини ўзгартиришдан нима тўсган бўларди? Сиёсий институтларда ўзгариш юз беришининг ягона ҳақиқий кафолати фуқароларга биров сиёсий ҳуқуқлар бериш, масалан, солиқлар ва мушкетёрларнинг ваколатлари бўйича овоз бериш ҳуқуқининг берилиши бўларди. Бироқ шундай бўлган тақдирда, қирол ва унинг мулозимларининг ҳашаматли ҳаёт тарзи биринчи навбатда қўллаб-қувватланишига ишониш қийин. Бундай ҳолатда мамлакатда яхшироқ иқтисодий институтлар ўрнатган ўзгаришлар натижасида қирол ва зодагонлар ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ютқазган бўларди.

Беш аср аввалги иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасидаги боғлиқлик замонавий Конго аҳолиси бутун ҳам аянчли қашшоқликда кун кечираётганининг сабабини англашда ҳамон муҳим ўрин тутди. “Африка учун кураш” даврида ҳудудга европаликлар истилоси бошланиб, XIX аср охирида у Конго дарёси ҳавзаси бўйлаб кенгайиб борди, натижада инсон ҳуқуқлари ва мулк ҳуқуқи ҳимоясизлиги истилодан аввалги ҳолатидан ҳам ёмонроқ аҳволга тушди. Шу билан бирга, бир ховуч кишиларни бошқалардан қудратли ва бошқалар ҳисобига бадавлат қилган экстрактив институтлар ва чекланмаган сиёсий абсолютизм давом этди. Бу пайтга келиб, фойда олаётган озчилик белгиялик мустамлакачилар, жумладан, қирол Леополд II эди.

1960 йилда Конго мустақилликка эришар экан, худди ўша иқтисодий институтлар ва рағбатлар айнан ўша натижани такрорлашда давом этди. Шунингдек, мавжуд экстрактив иқтисодий институтларни экстрактив сиёсий институтлар ҳам юқори даражада дастаклади. Мамлакатда вазият баттар ёмонлашди, чунки европаликлар қурган Конго давлати мустамлакачилик давридан олдин алоҳида бўлган бир қанча давлатлардан ташкил топган бўлиб, пойтахт Киншасадан туриб бошқарилар ва ҳудудлар устидан назорат заиф эди. Гарчи президент Мобуту ҳокимиятдан ўзи ва одамларининг бойлигини кўлайтириш учун фойдаланган бўлса-да (1973 йилда “заирлаштириш”, яъни миллийлаштириш дастури ёрдамида хорижликларнинг бизнеслари тортиб олинди), мамлакатни барча ҳудудлар устидан кучли марказлашган ҳокимиятга эга бўлмаган тарзда бошқарди. Ўтган асрнинг 60-йилларида Мобуту Катанга ҳамда Касаи вилоятларининг мустақиллик учун ҳаракатларини бостириш учун хорижий давлатлардан ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Давлатнинг деярли буткул завоқ топишига сабаб бўлар даражада марказлашган сиёсий ҳокимиятнинг йўқлиги Конгонинг тропик Африкадаги кўплаб мамлакатларга хос жиҳати ҳисобланади.

Замонавий Конго Демократик Республикаси бугун ҳам қашшоқлигича қолмоқда, чунки унинг аҳолиси инклюзив иқтисодий институтлардан – мамлакатни тараққий эттиришга олиб келадиган бирламчи рағбатларнинг сабабчисидан маҳрум. Конгони қашшоқликда ушлаб турган мамлакатнинг жуғрофий жойлашуви, маданияти ёхуд аҳолиси ва сиёсий етакчиларининг билимсизлиги эмас, балки унинг экстрактив иқтисодий институтларидир. Бу иқтисодий институтлар асрлар ўтса ҳамки, ўз ўрнида, боиси сиёсий ҳокимият бир ҳовуч элита кўлида тўпланган бўлиб, улар аҳоли учун мулк дахлсизлигини таъминлаш, турмуш шароитини яхшилайдиган ижтимоий хизмат-

ларни ташкил қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришдан манфаатдор эмас. Аксинча, улар бошқаларнинг мулкани тортиб олиш ва ҳокимиятни сақлаб туришдан манфаатдор. Улар мавжуд ҳокимиятдан марказлашган давлат қуриш йўлида фойдаланмади, марказий ҳокимият эса худди иқтисодий тараққиёт каби муҳолиф ва сиёсий рақиблар муаммосини келтириб чиқариши муқаррар. Қолаверса, тропик Африканинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби экстрактив институтлар устидан назорат ўрнатишга интилаётган гуруҳлар ўртасидаги қураш марказлашган давлат қуриш йўлидаги барча эҳтимолий ҳаракатларни бузиб юборади.

Конгонинг узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихи иқтисодий институтлар, улар билан бирга иқтисодий рағбатлар ҳамда иқтисодий ўсиш қўламини ҳал қилувчи сиёсий институтларнинг ролини яққол ифодалайди. Шунингдек, у мутлақ сиёсий ҳокимият ҳамда бир гуруҳ кишиларни бошқалар ҳисобига бадавлат ва ҳукмрон қиладиган иқтисодий институтларнинг бир-бирисиз мавжуд бўлолмаслигини ҳам кўрсатади.

ЭКСТРАКТИВ СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР ШАРОИТИДАГИ РИВОЖЛАНИШ

Бугунги Конго – қонунсизлик ва мулк ҳуқуқлари умуман ҳимоясизлигининг энг ёрқин намунаси. Аммо бундай экстремал вазият доим ҳам элитанинг манфаатларига хизмат қилмайди, негаки у барча иқтисодий рағбатларни йўқ қилади ва тортиб олинадиган ресурслар жуда кам бўлади. Мазкур китобнинг бош мавзуси шундан иборатки, экстрактив институтлар одатда турғунлик ва қашшоқлик келтиргани ҳолда, иқтисодий ўсиш, тараққиёт инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар билан боғлиқ. Лекин бу экстрактив институтлар ҳеч қачон иқтисодий ўсишга олиб келмайди ёки барча экстрактив институтлар бир хил бўлади, дегани эмас.

Иккита ҳар хил, аммо бир-бирини тўлдирувчи ҳо-

латлар борки, экстрактив сиёсий институтлар шароитида иқтисодий ўсиш кузатилиши мумкин. Биринчидан, ҳаттоки иқтисодий институтлар экстрактив бўлса ҳам, иқтисодий ўсиш элита вакиллари ресурсларни ўзлари назорат қиладиган, катта фойда келтирадиган соҳаларга йўналтирганда содир бўлиши мумкин. Бунга XVII–XVIII асрларда Кариб оролларида экстрактив институтлар шароитларида ўсиш рўй бергани яққол мисол бўлади. Аксарият аҳоли плантацияларда абгор шароитларда ишлайдиган, аранг кун кечирадиганлар ва куллардан иборат эди. Кўпчилик очарчилик ва дармонсизликдан ҳалок бўларди. XVII–XVIII асрларда Барбадос, Куба, Ҳаити ва Ямайкада заминдорлардан иборат бўлган кичик бир гуруҳ барча сиёсий ҳокимиятга, мол-мулкка ва кулларга эгалик қиларди. Кўпчилик аҳолида ҳеч қандай ҳуқуқлар бўлмагани ҳолда, ер эгаларининг мулк ва даромадлари жуда яхши ҳимояланганди. Аҳолининг катта қисмини аёвсиз эксплуатация қилган экстрактив иқтисодий институтларга қарамадан, бу ороллар дунёдаги энг бой ҳудудлар қаторида эди, чунки бу ерларда шакар ишлаб чиқарилар ва уни жаҳон бозорларида сотиш мумкин эди. Фақат заминдор ер эгаларининг сиёсий ҳокимияти ва даромадларига таҳдид бўлган янги иқтисодий соҳаларга ўтишга эҳтиёж туғилганда ороллар иқтисодий ўсишдан тўхтади.

1928 йилги биринчи беш йиллик режалаштиришдан то 1970-йилларгача Совет Иттифоқида юз берган иқтисодий ўсиш ва саноатлаштириш жараёни бошқа бир мисол ҳисобланади. Сиёсий ва иқтисодий институтлар анча экстрактив бўлган ва бозорлар бутунлай чекланганди. Шунга қарамай, Совет Иттифоқи жадал иқтисодий ўсишга эриша олди, чунки давлат кишлок хўжалигида самарасиз фойдаланилган ресурсларни саноатга йўналтира олган эди.

Экстрактив сиёсий институтлар шароитида иқтисо-

дий ўсишнинг иккинчи тури мавжуд тузум инклюзив иқтисодий институтларнинг қисман ишлашига рухсат берган ҳолда юз беради. Экстрактив сиёсий институтларга эга кўп мамлакатлар бунёдкор бузғунчилик кўркуви туфайли инклюзив иқтисодий институтлардан қочади. Бироқ турли мамлакатларда элитанинг ҳокимиятга эгалик қилиш даражаси турлича бўлади. Айрим мамлакатларда элитанинг мавқеи мустаҳкам бўлиб, сиёсий ҳокимиятга таҳдидлардан етарлича ҳимояланган. Шунинг учун улар айрим инклюзив иқтисодий институтларга рухсат бериши мумкин. Ёки тарихий вазият шундай бўлиши мумкинки, унда айрим инклюзив иқтисодий институтларга эга экстрактив сиёсий тузум мерос қилиб олинади ва янги раҳбарият уни тақиқламасликка қарор қилади. Бу экстрактив сиёсий институтлар шароитида иқтисодий ўсиш юз беришининг иккинчи кўринишидир.

Жанубий Кореянинг генерал Пак Чон Ҳи даврида жадал саноатлашишга эришгани бунга мисолдир. Пак Чон Ҳи 1961 йилда ҳарбий тўнтариш йўли билан ҳокимиятга келган. У АҚШ қўлловига эга эди ва иқтисодий институтлар асосан инклюзив бўлган мамлакатни бошқаради. Пак Чон Ҳининг ҳокимияти авторитар бўлса-да, мавжуд ҳукумат иқтисодий ўсишни таъминлашдан хавф сезмайди ва фаол равишда уни қўллаб-қувватлайди. Чунки сиёсий режимнинг асосий таянчи экстрактив иқтисодий институтлар эмас эди. Совет Иттифоқи ва экстрактив сиёсий институтлар шароитида ўсишга эришган бошқа мамлакатлар мисолидан фарқли равишда, 1980-йилларда Жанубий Кореядаги экстрактив сиёсий институтлар инклюзив институтларга эврилди. Бу муваффақиятли эврилиш бир қатор омилларнинг жамланиши туфайли содир бўлди.

Ўтган асрнинг 70-йилларига қадар Жанубий Кореядаги иқтисодий институтлар етарлича инклюзив бўлиб улгургани: улар экстрактив сиёсий институтларнинг

асосий унсурларидан бирини қисқартиришга эришдилар – элитанинг ўзи ёки армиянинг сиёсатдаги яққаҳоқимлигидан оладиган фойдаси камайтирилди. Мамлакатда даромадларнинг бирмунча тенглиги элитада плюрализм ва демократиядан кўрқишни камайтирганди. АҚШнинг таъсири ва, айниқса, Шимолий Корея хавфи қаршисида кучли демократик ҳаракат ҳарбий диктатуранинг узок вақт ҳукмронлик қилмаслиги омили бўлди. Гарчи Генерал Пакнинг 1979 йилда ўлдирилиши ортидан Чон Ду Хван бошчилигида бошқа бир ҳарбий тўнтариш юз берган бўлса-да, 1992 йилдан бошлаб Чоннинг меросхўри Но Те У сиёсий ислохотларни бошлади. Унинг ислохотлари плюралистик демократия мустаҳкамланишига олиб келди. Албатта, бунга ўхшаш сиёсий ўзгариш Совет Иттифоқида юз бермади. Натижада советча иқтисодий ўсишнинг манбалари тугаб, 80-йилларда иқтисод чўка бошлади ва 90-йилларга келиб бутунлай завоп топди.

Хитойдаги бугунги ўсишнинг СССР ва Жанубий Корея билан бир қанча ўхшашликлари бор. Хитой тараққиётининг дастлабки босқичи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кескин бозор ислохотлари билан юз бергани ҳолда, саноат жабҳасида ислохотлар анчагина суст эди. Ҳатто ҳозир ҳам қайси соҳалар ва қайси компаниялар кўшимча сармоя олиши ва кенгайишини ҳал қилишда, яъни уларнинг тақдирини белгилашда давлат ва Коммунистик партия марказий ўринни эгаллайди. Совет Иттифоқининг энг яхши даврларида бўлгани каби Хитой жадал ривожланмоқда, аммо бу ўсиш экстрактив институтлар шароитида, давлатнинг назоратида юз бермоқда, инклюзив сиёсий институтларга ўтиш истиқболи эса сезилмайди. Хитойдаги иқтисодий институтлар ҳали инклюзивликдан узоклиги туфайли Жанубий Кореяча эврилиш эҳтимоли жуда кам, лекин эврилиш содир бўлиши мутлақо имконсиз эмас.

Таъкидлаш лозимки, биз юқорида қайд этган экстрак-

тив институтлар шароитида ривожланишнинг ҳар иккала мисолида сиёсий марказлашиш муҳим ҳисобланади. Сиёсий марказлашувнинг муайян даражасисиз Барбадос, Куба, Ҳаити ва Ямайкадаги заминдор элита қонун устуворлиги ва тартибни сақлай олмаган, ўзларининг мол-мулклари ва даромадларини ҳимоя қила олмаган бўларди. Сиёсий марказлашув ва сиёсий ҳокимият устидан назорат бўлмаганда, Жанубий Кореянинг ҳарбий ҳукумати ва Хитой Коммунистик партияси муҳим иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун ўзини етарлича хавфсиз ҳис қилмаган ва ҳамон ҳокимиятни мустаҳкам ушлаб турмаган бўларди. Ёки Совет Иттифоқи ва Хитой ҳукуматлари ҳокимиятнинг марказлашувисиз ресурсларни самаралироқ соҳаларга йўналтириш билан иқтисодиётни бошқара олмаган бўларди. Шу боисдан экстрактив сиёсий институтларни бир-биридан ажратиб турадиган асосий фарқ сиёсий жиҳатдан марказлашиш даражаси ҳисобланади. Марказлашган сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган тропик Африканинг аксар мамлакатларида ҳатто чекланган даражадаги ривожланишга эришиш ҳам қийин бўлади.

Гарчи экстрактив институтлар шароитида қандайдир даражада ўсиш кузатилса ҳам, улар кўпинча узлуксиз иқтисодий ўсишга олиб келмайди ва албатта, бунёдкор бузғунчилик билан бўладиган ўсиш юз бермайди. Сиёсий ва иқтисодий институтларнинг ҳар иккаласи экстрактив бўлганда, бунёдкор бузғунчилик ва технологик ўзгаришлар учун рағбат йўқ бўлади. Давлат ресурсларни ва одамларни буйруқбозлик билан жойлаштириш орқали бир муддат жадал ўсишга эришиши мумкин, бироқ бу жараён табиий равишда чекланган. Ўша чегарага етганда, 70-йилларда СССРда бўлгани каби ўсиш тўхтайтиди. Гарчанд советлар жадал иқтисодий ўсишга эришган бўлса-да, иқтисодиётнинг аксарият тармоқларида технологик ўзгариш жуда кичик эди. Катта миқдордаги

ресурсларни ҳарбий соҳага йўналтириш билан улар ҳарбий технологияларни тараққий эттиришга, қисқа муддат давомида космик ва ядровий пойгада Америкадан олдинга ўтишга муваффақ бўлди. Аммо бундай ўсиш бунёдкор бузғунчиликсиз ва кенг қамровли технологик янгиликларсиз бардавом бўлмади ва яқун топди.

Қолаверса, экстрактив сиёсий институтлар шароитида иктисодий ўсишни кафолатлаган шартлар, табиийки, мустаҳкам бўлмайди. Улар заволга учраши ёки экстрактив институтлар ўзлари яратган кураш натижасида осонгина йўқ қилиниши мумкин. Дарҳақиқат, экстрактив сиёсий ва иктисодий институтлар бойлик ва ҳокимиятнинг тор элита қўлида тўпланишига олиб келар экан, ўзаро низо учун шароит яратади. Агар бошқа бир гуруҳ мавжуд элитадан устун келиб, ўрнини эгалласа ва давлатни қўлга олса, улар ҳокимият ва бойликларга эга чиқади. Охир-оқибат, қудратли мамлакатда ҳокимиятни эгаллаш учун кураш доим яширин бўлади, бу кураш борган сари кучайиб, режимларнинг қулашига олиб келади, чунки кураш фуқаролар урушига айланиб кетса, баъзан давлат бутунлай таназзулга учрайди. Қадимги Рим ва Майялар империялари қулаши бунга мисол. Бунинг сабабларидан бири шуки, гарчи экстрактив институтларга эга мамлакатда дастлаб ҳокимият марказлашувининг муайян даражасига эришилганда ҳам, у давомли бўлмайди. Ҳақиқатан, экстрактив институтлар устидан бошқарувни қўлга олиш учун кураш кўпинча марказлашган давлатнинг йўқолишини кафолатлайдиган фуқаролар уруши ва кенг миқёсли қонунсизликка олиб келади (тропик Африканинг аксарият, Лотин Америкаси ва Жанубий Осиёдаги айрим мамлакатларидаги каби).

Ниҳоят, ривожланиш экстрактив сиёсий бошқарув ва инклюзив сиёсий институтлар ёрдамида юз берса (Жанубий Кореяда бўлгани каби), иктисодий институтлар экстрактивлашиб бориши ва ўсишининг тўхтаб қолиши

хавфи доим бўлади. Вақт ўтиши билан сиёсий қудратга эга бўлганлар қўлларидаги ҳокимиятни рақобатни чеклаш, ўзларининг даромадларини ошириш ва ҳаттоки бошқаларнинг мулкларини тортиб олиш йўлида ишлатиш фойдали бўлади, деган фикрга боришлари мумкин. Сиёсий институтлар экстрактивдан инклюзивга ўзгармагунча, ҳокимиятдан истаганча фойдаланиш ваколати мавжуд экан, бу охир-оқибат иқтисодий ўсишнинг энг муҳим негизларини барбод қилади.

4

КИЧИК ФАРҚЛАР ВА
БУРИЛИШ НУҚТАСИ:
ТАРИХ ЮКИ

ЎЛАТ ЯРАТГАН ДУНЁ

1346 йилда бубон ўлати (“қора ажал”) Дон дарёсининг Қора денгизга қуйилишидаги Тана порт шахрига етиб борди. Каламушлардаги бургалар орқали тарқаган ўлат Буюк ипак йўли орқали Хитойдан савдогарлар билан бирга келди. Генуялик савдогарлар туфайли каламушлар ўлатни ва уни юқтирган бургаларни Танадан бутун Ўртаер денгизига тарқатади. 1347 йилнинг бошларига келиб, ўлат Константинополгача етиб боради. 1348 йилнинг баҳорида эса касаллик Франция, Шимолий Африка ва Италияга ёйилади. Ўлат қадами етган ҳудуд аҳолисининг қарийб ярмини ҳаётдан олиб кетди. Касаллик Италиянинг Флоренция шаҳрида тарқалишига гувоҳ бўлган итальян ёзувчиси Жованни Бокаччо шундай ёзиб қолдирган:

Касалликнинг авж палласида инсониятнинг барча билим ва тажрибалари оғиз қолди. Ўлат даҳшатли ва ғайриодатий тарзда бошланди, унинг ҳалокатли оқибати яққол кўриниб турарди. У шарқда пайдо бўлган шаклда эмасди (шарқда кимнинг бурнидан қон келса, бу муқаррар ўлимнинг аломати ҳисобланарди). Аксинча, касалликнинг энг биринчи белгиси чов ёки қўлтиқ соҳасида тухум ёки олма шаклидаги шишлар пайдо бўлиши эди. Сўнгра касаллик белгилари ўзгариб, кўпчиликнинг қўл, сон ва танасининг бошқа жойларида доғлар, кўқаришлар пайдо бўлди. Бу касаллик қаршисида табибларнинг барча чоралари ва дориларнинг таъсири самарасиз ва оғиз қолди. Кўп ҳолларда тилга олинган белгилар пайдо бўлганидан кейин уч кун ичида бемор вафот этарди.

Англияда одамлар ўлат улар томонга келаётганини билар ва яқинлашиб келаётган офатдан яхши хабардор эдилар. 1348 йил август ойининг ўрталарида қирол Эдуард III Кентербери архиепископидан ибодат маро-

симлари ташкил қилишни сўрайди. Епископлар руҳонийларга мактуб йўллаб, ҳалокатдан хабардор бўлишлари учун одамларга ўқиб беришни тайинлайдилар. Бат епископи, шрюзберилик Ралф руҳонийларига ёзган мактубида шундай дейди:

Марҳаматли Парвардигор гуноҳлардан поклашни истаган фарзандларига синов учун чақмоқ, момақалди роқ ва бошқа балоларни ўзининг аршидан юборади. Шу боис қўшни қиролликка шарқдан даҳшатли ўлат етиб келган экан, қўрқинч лозимки, токи ихлос билан тўхтовсиз ибодат қилмас эканмиз, ўша заҳри қотил ўлкамизга етиб келади ҳамда аҳоли касаллик ва ўлимга дучор бўлади. Шунинг учун барчамиз муқаддас китоб оятларини тиловат қилганча, Парвардигор қаршисида гуноҳларга тавба қилмоғимиз даркор.

Бирок бу бирор фойда бермади. Ўлат шиддат билан тарқалиб, Англия аҳолисининг ярмини ҳаётдан олиб кетди. Бу каби ҳалокатларнинг жамиятдаги институтларга таъсири катта бўлиши мумкин. Кўплаб одамлар ақлдан озганини тушуниш қийин эмас. Боккачо ёзганидек:

Айримлар бўкиб ичиш, ҳаётдан имкони борича кўпроқ баҳра олиш, қўшиқ куйлаб, кўнгулхушлик қилиб айланиш, имкон бўлиши билан барча хоҳишларни қондириш, ҳаммасига худди ҳазил каби қўл силташни бу даҳшатли балодан қутулишнинг йўли деб билди... Бундан касалликдан фориғ бўлган аёлларда кейинчалик иффат даражаси пастроқ бўлганининг сабаби англашилади.

Лекин ўлат оқибатида ўрта аср Европа мамлакатларининг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти тубдан ўзгарди.

XIV аср бошларида Европада феодал тартиб ҳукм сурурди, жамиятнинг бундай тартиби дастлаб Рим империяси қулагандан сўнг Ғарбий Европада пайдо

бўлган. Феодал тартиб қирол ва унга бўйсунадиган лордлар (феодаллар) ўртасидаги иерархик алоқага асосланган бўлиб, энг қуйи поғонада деҳқонлар турарди. Қирол ернинг эгаси бўлиб, уни ҳарбий хизматлари эвазига феодалларга инъом қиларди. Феодаллар эса ерларига деҳқонларни жойлаштиради, бунинг эвазига деҳқонлар ҳақ тўланмайдиган оғир меҳнат билан шуғулланишига тўғри келар, қолаверса, уларга кўплаб жарима ва солиқлар солинарди. Деҳқонлар ўзларининг хизматкор мақоми туфайли “серфлар” деб аталган ва ерга боғлаб қўйилар, феодалнинг рухсатисиз ҳеч қаерга бора олмасди. Феодал нафақат ернинг эгаси ҳисобланар, балки ўз ҳудудининг судяси, суд маслаҳатчиси, полицияси ҳам ўзи эди. Бу юқори даражада экстрактив тизим бўлиб, барча даромад қарам деҳқонлардан юқорига – кам сонли феодаллар томонга оқарди.

Ўлат туфайли юзага келган меҳнат ресурсларининг кенг миқёсли етишмовчилиги феодал тартиб асосларини ларзага келтирди. У деҳқонларни ўзгаришларни талаб қилишга илҳомлантирди. Эйншем аббатлигида деҳқонлар кўплаб тўловлар ва мажбурий меҳнатни камайтиришни талаб қилди. Ва ўз истақларига эришди. Уларнинг янги шартномаси қуйидагича бошланарди:

1349 йилда содир бўлган қиргин ва ўлат даврида манорда бор-йўғи иккита ижарачи қолди. Улар манорнинг ўша пайтдаги аббати ва эгаси Антонлик Николас ога янги келишувга рози бўлмаса, манорни тарк этишларини баён қилишади.

У розилик билдирди. Эйншемда юз берган ҳодиса бошқа жойларда ҳам содир бўлди. Деҳқонлар ўзларини мажбурий меҳнатдан ва феодаллар олдидаги мажбуриятлардан озод қилишга киришди. Иш ҳақи кўтарилди бошлади. Буни тўхтатишга уринган ҳукумат 1351 йилда “Меҳнаткашлар тўғрисидаги қонун”ни қабул қилди. Мазкур қонун шундай бошланади:

Ўлат туфайли кўлаб одамлар, айниқса, ишчилар ва хизматкорлар вафот этгани учун эгаларининг муаммолари ҳамда хизматчилар етишмовчилигини кўрган айримлар яхшироқ ҳақ олмагунларича ишлашни истамаяпти. Омоч ҳайдовчилар ва бошқа шу каби ишчилар етишмаслигидан келиб чиқадиган ноқулайликларни ҳисобга олган ҳолда шундай қарор қиламиз:

Англия қироллигимиздаги ҳар бир эркак ва аёл ўзлари тобе бўлиши шарт қилинган кишига хизмат қилишга мажбур; улар ўзи хизмат қилиши белгиланган жойда Англиядаги бизнинг ҳукмронлигимизнинг йигирманчи йилида (Қирол Эдуард III 1327 йил 25 январда тахтга чиққан, демак, бу ерда 1347 йил назарда тутилмоқда) ёхуд охириги 5 ёки 6 йилда мавжуд бўлган миқдорда кийим-кечак, озиқ-овқат, мукофот ёки пул кўринишида олади.

Бу конун амалда иш ҳақини “қора ажал” тарқалишидан олдинги даврдаги миқдорда сақлаб қолишга уриниш эди. Инглиз элитаси бир феодал бошқа феодалга қарам дехқонларни чақириб олишга уринишидан хавотир олди. Муаммони иш берувчининг изнисиз ишни тарк этганга камоқ жазосини қўллаш билан ечмоқчи бўлишди.

Борди-ю, бировнинг хизматида бўлиб келган ўроқчи, дехқон, ишчи ёки хизматкор, қандай вазият ва ҳолатда бўлишидан қатъи назар, келишилган муддатдан олдин белгиланган хизматдан рухсатсиз ёки асосли сабабсиз кетса, озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ҳеч кимга юқорида белгиланганидан кўпроқ миқдорда иш ҳақининг озиқ-овқат, кийим-кечак, мукофот ёки пул шаклида тўланишига йўл қўйилмайди.

Англия ҳукуматининг “қора ажал” оқибатида институтлар ва иш ҳақи борасида рўй бера бошлаган ўзгаришларни тўхтатишга уриниши натижа бермади. 1381 йилда дехқонлар қўзғолон кўтарди, ҳатто Уот

Тайлер бошчилигидаги исёнчилар Лондоннинг катта қисмини қўлга киритди. Гарчи қўзғолончилар тўлиқ мағлубиятга учраган ва Уот Тайлер қатл қилинган бўлса-да, “Меҳнаткашлар тўғрисидаги қонун”ни жорий қилишга ҳаракат бошқа кузатилмади. Меҳнатнинг феодал тартиби тобора самарасини йўқотди, Англияда инклюзив меҳнат бозори пайдо бўлиб, иш ҳақи оша бошлади.

Ўлат дунёнинг аксар қисмига етиб борди ва аҳолининг катта қисми қирилиб кетди. Шу сабабдан ўлатнинг Шарқий Европага демографик таъсири унинг Англия ва Ғарбий Европадаги асорати билан бир хил бўлди. Ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар ҳам ўхшаш эди. Ишчи кучи кам, қолаверса, одамлар кўпроқ эркинлик талаб қила бошлади. Бироқ Шарқда иш анчагина тескари тус олди. Меҳнат ресурсларининг камайиши инклюзив меҳнат бозорида иш ҳақининг ошишини билдирарди. Аммо бу феодалларни меҳнат бозорини экстрактив шаклда, деҳқонларни эса қарамликда сақлашга руҳлантирди. “Меҳнаткашлар тўғрисидаги қонун” тажрибасида кўрган имиздек, Англияда ҳам буни амалга оширишга уриниш бўлган эди. Аммо инглиз меҳнаткашларида мақсадга етиш учун етарлича куч топилди. Шарқий Европада эса бундай бўлмади. Ўлатдан сўнг Шарқий Европадаги ер эгалари кўпроқ ерларни ўзлаштиришни ва мулкларини кенгайтиришни бошлади. Ҳолбуки, шусиз ҳам уларнинг мулки Ғарбий Европадаги феодалларникидан каттарок эди. Шаҳарлар борган сари кичрайиб, аҳолиси камайиб борди. Ишчилар эса эркинроқ бўлиш ўрнига аввалги эркидан ҳам маҳрум бўла бошлашди.

Бунинг асоратлари 1500 йилдан сўнг, Ғарбий Европада шарқда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари: буғдой, жавдар ва чорвага талаб пайдо бўлганида яққол намоён бўлди. Амстердамга импорт қилинадиган жавдарнинг саксон фоизи Эльба, Вистула ва Одер дарёлари водийларидан келарди. Тез орада Ҳолландияда ўсиб бораётган ташқи савдонинг ярми

Шарқий Европа хиссасига тўғри келди. Ғарбда талаб ўсиб борар экан, шарқдаги ер эгалари махсулот ҳажмини ошириш мақсадида ишчи кучи устидан назоратни кучайтирди. Ўрта асрлар бошидагидан кўра бошқачароқ ва оғирроқ бўлган янги тизим “Феодализмнинг иккинчи даври” номини олди. Феодаллар ижарачиларига берилган ер учун солинган солиқ миқдорини ошириб, ҳосилнинг ярмини олиб кўя бошлади. 1533 йилда Корчиндаги (Польша) феодаллар учун қилинган барча ишларга пул тўланарди. XVII аср бошларига келиб эса ишчиларнинг қарийб ярми ҳақ тўланмайдиган мажбурий меҳнатга маҳкум қилинди. 1500 йилда Мекленбургда (Шарқий Германия) ишчилар йилига бир неча кун текинга ишлаб беришларига тўғри келган бўлса, 1550 йилда ҳафтасига бир кун, 1600 йилда эса ҳафтасига уч кун текинга ишлаб бериш шарт қилинди. Ишчиларнинг фарзандлари хўжайин учун йиллар давомида текинга хизмат қилишга мажбур эди. Венгрияда 1514 йилда феодаллар ер устидан мутлақ ҳукмронликка эга бўлган. Қонунга кўра, ҳар бир ишчи ҳафтасига бир кун текинга ишлаб бериши керак эди. 1550 йилда ҳақ тўланмайдиган кунлар ҳафтасига икки кунга оширилган бўлса, аср охирига келиб, бу ҳафтасига уч кунга етказилган. Ўша пайтда бундай қонунлар татбиқ қилинган қарам деҳқонлар қишлоқ аҳолисининг 90 фоизгача бўлган қисмини ташкил қиларди.

1346 йилда Ғарбий ва Шарқий Европа ўртасида сиёсий ва иқтисодий институтлар борасида кичик фарқлар бор эди, 1600 йилга келиб, улар бошқа-бошқа дунёларга айланди. Ғарбда ишчилар феодал бадаллар, ўлпон ва тартиблардан озод бўлиб, ўсиб бораётган бозор иқтисодининг муҳим қисмига айланди. Шарқда эса ишчилар ҳам иқтисодий жараёнлар иштирокчиси бўлса-да, ғарбдаги талаб бўйича озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирадиган қарам деҳқонлар сифатида қолди. Бу ҳам бозорга асосланган иқтисод эди, аммо инклюзив шаклда эмасди. Институционал фарқланиш

ўзаро тафовутлари дастлаб жуда кичик бўлган икки минтақада юз берган вазиятнинг ҳосиласи эди: шарқда феодаллар яхшироқ уюшган бўлиб, улар кўпроқ ҳуқуқ ва доимий ер-мулкларга эга эди. Шаҳарлар ҳали кичик ва заиф, деҳқонлар эса яхши уюшмаган эди. Тарих учун бу тафовутлар мўъжаз туюлиши мумкин. Аммо шарқ ва гарб ўртасидаги мана шундай арзимас фарқлар “қора ажал” туфайли феодал тартибга путур етган бир вақтда бу ҳудудларнинг аҳолиси ҳаёти ҳамда ривожланиш йўлини танлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

“Қора ажал”нинг бурилиш нуқтаси, муҳим ҳодиса ёки жамиятда мавжуд иқтисодий ва сиёсий мувозанатни издан чиқарадиган омилларнинг тўғри келиб қолишига ёрқин мисол бўлади. Бурилиш нуқтаси – мамлакатнинг тараққиёт йўналишини кескин буриб юбориши мумкин бўлган икки қиррали қилич кабидир. Бир томондан у, худди Англияда бўлгани каби экстрактив институтларнинг йўқ қилиниши учун йўл очиши ва инклюзив институтлар пайдо бўлишига имкон бериши мумкин. Бошқа томондан, у худди Шарқий Европадаги феодализмнинг иккинчи давридек экстрактив институтларни янада кучайтириб юбориши эҳтимолдан холи эмас.

Тарих ва бурилиш нуқталари иқтисодий ҳамда сиёсий институтлар йўналишини қай тариқа шакллантиришини тушуниш бизга қашшоқлик ва бадавлатликнинг келиб чиқишидаги фарқларни изоҳлайдиган мукамалроқ назарияни топиш имконини тақдим этади. Қолаверса, бугунги вазиятни идрок қилишга, айрим мамлакатлар инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларга ўтгани ҳолда, қолганлар бу йўлдан бормаганининг сабабини тушунишга ёрдам беради.

ИНКЛЮЗИВ ИНСТИТУТЛАР ҚУРИШ

XVII асрда Англия янгича йўсинда барқарор иқтисодий ўсишга эришган ягона мамлакат эди. Иқтисодий ўзгаришлар аввал мавжуд бўлган барча институтлардан

кўра анча инклюзивроқ бўлган янгича иқтисодий ва сиёсий институтларни вужудга келтирган сиёсий инқилобга уланиб кетди. Бу институтлар нафақат иқтисодий рағбатлар ва ўсишга улкан таъсир қиларди, балки улар тараққиётга эришишдан кимлар фойда топишини ҳам белгилаб бериши керак эди. Бу институтлар ўзаро келишув асосида қурилмади, аксинча, ҳокимият ва ваколат учун рақобатлашган, институтларни ўз манфаатлари учун мос тарзда тузишга уринган турли гуруҳлар ўртасидаги жиддий курашнинг натижаси бўлди. XVI–XVII асрлардаги институтлар учун курашнинг чўққиси ўлароқ иккита муҳим ҳодиса – Англияда 1642–1651 йиллардаги фуқаролар уруши ва 1688 йилги Инглиз инқилоби (Шонли инқилоб) юз берди.

Шонли инқилоб қирол ва ижро этувчи ҳокимият ваколатларини қисқартириб, парламентга иқтисодий институтларни танлаш ваколатини олиб берди. Айни пайтда, инқилоб натижасида сиёсий тизим кенг жамоатчилик учун очилди, жамият аъзолари эса давлат ишлари устидан старлича катта таъсирга эга бўлди. Инглиз инқилоби плюралистик жамият куриш учун тамал тоши вазифасини бажарди ва бунга асос бўлган сиёсий марказлашиш жараёнини тезлаштирди. Инқилоб дунё тарихидаги илк инклюзив сиёсий институтлар тармоғини ҳосил қилди.

Натижада, иқтисодий институтлар ҳам янада инклюзивлашиб борди. XVII аср бошларида Англияда нақулдорлик, на қарамлик (крепостнойлик) сингари ўрта асрлар феодализмига хос оғир иқтисодий чекловлар мавжуд эди. Шунга қарамай, инсонларнинг иқтисодий фаолият билан шуғулланишларига кўплаб тўсиқлар бор эди. Маҳаллий ва халқаро савдо-сотикни монополиялар бўғиб қўйганди. Давлат асоссиз солиққа тортар ва суд тизимини назорат қиларди. Ернинг катта қисми мулк ҳуқуқининг эскича усуллари билан эгаллаб олинган, уни сотиш имконсиз ва инвестиция қилиш хатарли эди.

Буларнинг бари Шонли инқилобдан сўнг ўзгарди. Ҳукумат инвестиция, савдо-сотик ва инновацияни рағбатлантирувчи иктисодий институтларни жорий қилди. Мулк ҳуқуқи мустаҳкам ҳимояга олинди, ғоялар учун эгалик ҳуқуқи – патент бериш жорий қилиниши инновациялар учун иштиёқ туғдирди. Ҳукумат қонун ва тартибни ҳимоя қилди. Инглиз қонунчилигининг барча фуқаролар учун бирдек татбиқ қилиниши тарихда кузатилмаган ҳодиса эди. Ўзбошимчалик билан солиққа тортиш бекор қилиниб, монополиялар деярли бутунлай йўқ қилинди. Давлат савдо-сотик ишларини фаол қўллаб-қувватлади, фақат саноатни кенгайтиришга қарши тўсиқларни олиб ташлаш билангина чекланмасдан, қудратли инглиз ҳарбий-денгиз флотини савдо ишларини ҳимоялашга сафарбар қилиш орқали маҳаллий саноатга кўмаклаша бошлади. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан инфратузилма объектлари, хусусан, йўллар, каналлар, кейинроқ темир йўллар қуришга имкон туғилди. Бу эса саноат ўсиши учун муҳим бўлиб чиқди.

Ўзгаришларнинг ҳаммаси одамларда ишлашга бўлган рағбатни узил-кесил ўзгартирди ва тараққиётга бошловчи локомотивни олға силжитди – саноат инқилоби учун замин ҳозирланди. Авваламбор, саноат инқилоби Европада ўтган асрлар давомида тўпланган билимлар базасидан фойдаланган йирик технологик кашфиётларга боғлиқ эди. Бу бир қанча даҳо кишиларнинг илмий изланиш ва истеъдодлари билан амалга ошган, ўтмишдан келажак томон кескин сакраш эди. Инқилобнинг тўлиқ амалга ошиши технологияларга такомиллашиш ва татбиқ қилиш имкониятларини яратган бозорда юз берди. Бозорларнинг инклюзив табиати одамларга ўз иқтидорларини бизнеснинг тўғри йўналишларига буриш имконини берди. Қолаверса, саноат инқилоби билим ва малакаларга ҳам суянади – ўша давр кўрсаткичлари бўйича нисбатан юқори бўлган таълим даражаси ўз бизнеси учун янги

технологияларни жорий қилиш ва улардан фойдаланиш мақсадида малакали инжнчиларни топиш бўйича тасаввурга эга тадбиркорларни юзага келтирди.

Шонли инқилобдан бир неча ўн йиллар ўтгач, айнан Англияда саноат инқилоби рўй бергани бежиз эмас. Жеймс Уатт (буғ машинасини такомиллаштирган), Ричард Тревитик (биринчи паровозни қурган), Ричард Аркрайт (йигирув дастгоҳини ихтиро қилган) ва Изамбард Кингдом Брунел (бир қанча янгича пароходлар қурган) каби буюк ихтирочилар ўз ғоялари орқали яратилган иқтисодий имкониятлардан фойдалана олди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи тан олинишига уларнинг ишончи комил бўлди. Уларда ўзлари қилган янгиликларни сотиш ва ишлатишдан фойда олиш мумкин бўлган бозорга кириш имконияти мавжуд эди. 1775 йилда эндигина ўзи такомиллаштирган, “оловли двигател” номини берган буғ машинаси учун янги патент олган Жеймс Уатт отасига шундай ёзади:

Қадрли отажон,

Турли хил қаттиқ қаршиликлардан сўнг, ниҳоят, янги оловли двигателим ўзимнинг ҳамда вакилларимнинг Буюк Британия ва унинг плантацияларида 25 йил давомида эгалик қилиш ҳуқуқимни тасдиқловчи парламент ҳужжатини қўлга киритдим. Ихтирога жуда катта талаб мавжудлигини ҳисобга олиб, бу менга улкан фойда келтиришидан умид қиламан.

Бу мактубдан икки нарса аён бўлади. Биринчидан, Уаттни рағбатлантирган нарса – у кўра билган бозордаги вазият, яъни Буюк Британия ва плантациялари (яъни мустамлакалари)даги маҳсулотга бўлган юқори талаб. Иккинчидан, мактуб Уаттнинг ўзи истаган патентни олиш учун парламентга таъсир ўтказа олганини, парламент эса ихтирочиларнинг мурожаатларига ижобий жавоб берганини кўрсатади.

Технологик кашфиётлар, бизнесни кенгайтиришга инвестиция қилишга интилиш ҳамда истеъдод ва мала-

калардан унумли фойдаланиш – барчаси Англияда йўлга қўйилган инклюзив иқтисодий институтлар туфайли амалга ошди. Инклюзив иқтисодий институтлар эса, ўз навбатида, Англиянинг инклюзив сиёсий институтларига асосланганди.

Англия иккита омил туфайли инклюзив сиёсий институтларни йўлга қўйди. Аввал, сиёсий институтлар, жумладан, марказлашган давлат кескин эврилишга йўл очган. Шонли инқилоб юз бериши билан эса институтлар инклюзивлаша бошлаган. Бу омил Англияни дунёнинг кўп мамлакатларидан ажралиб туришига сабаб бўлса-да, Ғарбий Европадаги Франция ва Испаниядан кўп ҳам фарқ қилмайди. Иккинчи омил эса муҳимроқ аҳамиятга эга. Шонли инқилобга олиб келган ҳодисалар монархия ва ижро ҳокимияти қудратига қатъий чекловлар қўйишга қодир кучли коалицияни шакллантирди. Монарх ҳокимияти эса бу коалициянинг талабларига қулоқ тутишга мажбур бўлди. Бу ҳол плюралистик сиёсий институтлар учун замин ҳозирлади. Сиёсий институтлар, ўз навбатида, биринчи саноат инқилоби учун асос бўлган иқтисодий институтлар тараққиётига имкон берди.

АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИГАН КИЧИК ФАРҚЛАР

Жаҳондаги тенгсизлик Англиядаги саноат инқилоби туфайли кескин ортиб кетди, боиси Аркрайт, Уатт ва бошқа кўплаб ихтирочиларнинг инновациялари ва янги технологиялар дунёнинг фақат айрим мамлакатларида жорий қилинди. Мамлакатларнинг технологиялар оммалашуви муносабати, айти пайтда бу муносабат уларнинг қашшоқликка маҳкум бўлиши ёки барқарор иқтисодий тараққиётга эришишини белгилаб берарди, уларда мавжуд институтларнинг турли хил тарихий йўллари таъсирида шаклланди. XVIII аср ўрталарига келиб, мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий институтларида етарлича фарқлар мавжуд эди. Хўш, бу фарқлар каердан келди?

1688 йилга келиб, Англиядаги сиёсий институтлар Франция ва Испаниянинг сиёсий институтларидан кўра плюралистрок бўлиб улгурганди, бироқ ундан 100 йил олдинги даврга – 1588 йилга қайтиб кўрадиган бўлсак, улар орасида фарқ деярли йўқ эди. Бу уч мамлакатнинг ҳар бирида мутлақ ҳокимиятга эга монархлар: Англияда Елизавета I, Испанияда Филип II, Францияда Ҳенри II ҳукмронлик қиларди. Бу ҳукмдорлар Парламент (Англия), Кортес (Испания) ва Генерал штатлар (Франция) сингари халқ вакиллари органлари билан курашаётганди. Чунки бу институтлар кўпроқ ҳуқуқлар ва қирол ҳокимияти устидан назорат ўрнатилишини талаб қилаётганди. Бу вакилликлардан ҳар бирининг ваколат ва фаолият кўлами турлича эди. Масалан, Англия парламенти ва Испания Кортесиди солиқлар солиш бўйича ваколоти бўлгани ҳолда, Генерал штатларда бундай ҳуқуқ йўқ эди. Испанияда бунинг аҳамияти унча юқори эмасди, негаки, 1492 йилдан бошлаб Испания қироллиги Америкада улкан мустамлакалар империясига эга бўлди ҳамда у ерда топилган олтин ва қумуш конларидан жуда катта фойда кўрарди. Англияда эса вазият бошқачароқ эди. Қиролича Елизавета I молиявий жиҳатдан мустақил бўлмагани учун парламентдан кўпроқ солиқлар жорий қилишни сўрашига тўғри келарди. Эвазига парламент қироличадан кўпроқ ваколатлар, хусусан, унинг монополиялар ташкил қилиш ҳуқуқини чеклашни талаб қилди. Бу курашда парламент охир-оқибат ғалаба қозонди. Аммо Испания Кортеси худди шундай курашни қиролга бой берди. Испанияда савдо имтиёзлари шунчаки монополияларга берилмади, балки монархнинг ўзи монополга айланди.

Аввалига арзимас бўлган бундай тафовутлар XVII асрга келиб, жуда катта аҳамият касб эта бошлади. Гарчи Америка 1492 йилдаёқ кашф этилган, Васко да Гама эса 1498 йилдаёқ Яхши Умид бурнини айланиб ўтиб, Африканинг жануби орқали Ҳиндистонга етиб бор-

ган бўлса-да, халқаро савдонинг кенг миқёсли ўсиши, айниқса, Атлантика океани орқали ўтадиган савдонинг кенгайиши фақат 1600 йилдан кейин юз берди. Инглизлар Шимолий Американи истило қилишни 1585 йилда Роанокда – ҳозирги Шимолий Каролина ҳудудида бошлади. 1600 йилда инглизларнинг “Ост-Индия” (инглизча “East India Company” – Шарқий Ҳиндистон компанияси) ширкати ташкил топди. 1602 йилда эса Ҳолландияда унинг муқобилига асос солинди. 1607 йилда “Виржиния” компанияси Жеймстаун колониясини ташкил этди. 1620-йилларга келиб, инглизлар Кариб ҳавзасини истило қилаётганди. Жумладан, 1627 йилда Барбадос ишғол қилинди. Франция ҳам Атлантика орқали юришни бошлаб юборди. 1608 йилда ҳозирги Канада ҳудудида Янги Франциянинг пойтахти бўлган Квебек шаҳри қарор топди. Институтларда аввалдан мавжуд кичик фарқлар туфайли иқтисодий экспансиянинг оқибати Англияда Испания ва Франциядагига қараганда бошқачароқ кечди.

Елизавета I ва унинг ворислари Америка билан савдо-сотик ишларини монополияга айлантира олмади. Европанинг бошқа ҳукмдорлари эса буни уддалади. Шу боис Англияда Атлантика орқали савдо ва мустамлакачилик туфайли қироллик хонадонига унча алоқадор бўлмаган бадавлат савдогарлардан иборат катта гуруҳ шакллана бошлаган бир пайтда, Испания ва Францияда бундай бўлмади. Инглиз савдогарлари қироллик ҳокимиятидан норози бўлиб, сиёсий институтларда ўзгаришлар бўлишини ва қироллик имтиёзларига чеклов қўйишни талаб қилди. Улар Англиядаги фуқаролар уруши ва Шонли инқилобда ҳал қилувчи роль ўйнади. Шунга ўхшаш низолар ҳамма жойда юз берди. Мисол учун, француз монархиясига қарши 1648–1652 йилларда Фронде исёни юз берди. Фарқ шунда эдики, Англияда мутлак монархияга қарши томонда ғалаба қозониш имкони анчагина кўпроқ эди. Негаки улар Испания ва Франциядаги

маслақдошларига нисбатан бадавлатроқ ва сон жиҳатдан ортиқроқ эди.

Англия, Франция ва Испаниянинг XVII асрдаги турли хил ривожланиш йўллари институтлар ўртасидаги майда тафовутларнинг бурилиш нуқталаридаги аҳамиятини яққол кўрсатади. Бурилиш нуқталарида асосий ҳодиса ёки омилларнинг бир нуқтада кесишиши мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий ҳокимиятнинг мавжуд мувозанатини издан чиқаради. Бурилиш нуқталари, худди Мао Цзэдуннинг 1976 йилда вафот этиши коммунистик Хитой учун бурилиш нуқтаси бўлгани каби фақат бир давлат тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ кўпинча бурилиш нуқталари, худди мустамлакачилик сиёсати ва мустамлакаликдан озод бўлиш жараёни Ер юзининг катта қисмига таъсир қилгани каби бир қанча мамлакатлар ҳаётига таъсир кўрсатади.

Бундай бурилиш нуқталари муҳим, чунки босқичма-босқич ўзгаришлар йўлида экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар ўртасидаги мустаҳкам алоқа ҳамда ўзаро боғлиқлик туфайли юзага келган ўтиб бўлмас тўсиқлар мавжуд. Бу мустаҳкам алоқа занжири зарарли алоқа занжирини пайдо қилади. Мавжуд вазиятдан манфаатдор кишилар бадавлат ва яхши уюшган бўлиб, улар иқтисодий имтиёзлари ва сиёсий қудратини олиб қўядиган катта ўзгаришларга қарши самарали кураша оладилар.

Бурилиш нуқтаси юз берган пайтда, аҳамият касб этадиган майда фарқлар айнан институтлардаги дастлабки тафовутлар бўлиб, улар мамлакатларнинг ҳар хил реакцияларига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун институтлардаги нисбатан кичик тафовутлар Англия, Франция ва Испаниянинг бутунлай бошқа ривожланиш йўлларида кетишига олиб келди. Бу йўللар европаликларга трансатлантик савдо муносабатлари орқали иқтисодий имкониятларни яратган бурилиш нуқтасининг натижаси бўлди.

Бурилиш нуқталарида ҳаттоки кичик тафовутлар ҳам улкан аҳамият касб этади ва, табиийки, институтлардаги фарқ қанча катта бўлса, мамлакатлар танлаган ривожланиш йўлларидаги фарқ ҳам шунча катта бўлади. 1588 йилда Англия ва Франциядаги институтларнинг фарқи кичик бўлган бўлса, Ғарбий ва Шарқий Европа ўртасидаги тафовут анча катгароқ эди. Ғарбда Англия, Франция ва Испания каби кучли марказлашган мамлакатларда яширин конституциявий институтлар (парламент, Генерал штатлар ва Кортес) мавжуд эди. Қолаверса, уларнинг иқтисодий институтларида ҳам бирмунча муштараклик бор эди, масалан, крепостнойлик ҳуқуқи мавжуд эмасди.

Шарқий Европанинг йўриғи бошқа. Масалан, Польша–Литва қироллиги Шляхта деб аталган элита табақа томонидан бошқарилган, улар ҳатто қиролларни сайлаш учун сайлов ўткази оладиган даражада қудратли эди. Қирол ҳокимияти “Қуёш қирол” – Людовик XIV давридаги Франция каби авторитар бўлмаса-да, шляхтанинг бошқаруви чекланмаган ва экстрактив сиёсий институтлар Франциядаги билан бир хил эди. Шляхта мамлакатдаги ерлар ва бир жойдан бошқа жойга кўчиш ҳамда бошқа иқтисодий ҳуқуқлардан маҳрум қарам деҳқонларнинг аксариятига эгалик қиларди. Янада шарқроқда – Россияда эса император Пётр I ўзининг чекланмаган ҳокимиятини Людовик XIV дан ҳам қаттиқроқ ва анчагина экстрактивроқ кўринишда мустаҳкамлаётганди. 8-ҳарита XIX аср бошида Ғарбий ва Шарқий Европа ўртасидаги фарқ кўламини кўриш имконини беради. Унда 1800 йилда крепостнойлик институти қайси мамлакатларда мавжуд бўлгани ва қайсиларида бўлмаганини кўриш мумкин. Тўқ ранг крепостнойлик сакланиб қолган мамлакатларни ифодаласа, оч рангдаги мамлакатларда бу ҳуқуқ бекор қилинган. Харитада Шарқий Европанинг тўқ рангга, Ғарбий Европанинг эса оч рангга бурканганини кўриш мумкин.



8-харита. 1800 йилда Европада крепостнойлик.

Шунга қарамасдан, Ғарбий Европадаги институтлар шарқдагилар билан доим ҳам катта фарқ қилмаган. Аввалроқ гувоҳ бўлганимиздек, улар XIV асрда, тўғрироғи, 1346 йилда “қора ажал” тарқалгандан сўнг фарқлана бошлаган. Ғарбий ва Шарқий Европадаги сиёсий ҳамда иқтисодий институтларда кичик тафовутлар мавжуд эди. Ҳатто Англия ва Венгрияни бир қироллик оиласи – ангеви́нлар сулоласи аъзолари бошқарарди. “Қора ажал”дан кейин пайдо бўлган институтлардаги фарқлар ғарб ва шарқ ўртасида XVII–XIX асрларда юзага келган энг асосий бўлиниш учун замин яратди.

Хўш, бўлиниш жараёнини бошлаб берган кичик тафовутлар энг аввал қаердан вужудга келди? Нега XIV асрда Шарқий Европа Ғарбий Европадан фарқ қилувчи сиёсий ва иқтисодий институтларга эга бўлганди?

Нима сабабдан Англия, Франция ва Испанияда қирол ва парламент ўртасидаги ҳокимият мувозанати турлича эди? Кейинги бобда бугунги кундагидан кўра анча соддарок бўлган жамиятларда ҳам жамият аъзоларининг ҳаётига жуда катта таъсир кўрсата оладиган сиёсий ва иқтисодий институтлар яратилишини кўрамиз. Бу ҳатто термачилик ва овчилик билан кун кечирган қабилаларга ҳам тегишли. Буни ҳозирги Ботсвана ҳудудида яшаган, деҳқончилик ва ўтроқ яшаш нималигини билмаган сан қабиласининг сақланиб қолганидан ҳам билиш мумкин.

Иккита жамият бир хил институтларга эга бўлмайди: уларда одатлар, мулк ҳуқуқининг шакллари ҳамда ўлдирилган ҳайвон ёки бошқа жамоадан тортиб олинган ўлжани тақсимлашнинг тартиблари ҳар хил бўлади. Айримлар ёши улуғларнинг ҳокимиятини эътироф этса, бошқалар буни тан олмайди. Баъзилари марказлашган сиёсий ҳокимиятга эргароқ эришса, бошқалар буни удалай олмайди. Ҳар бир жамият муқаррар иқтисодий ва сиёсий ихтилофларга дучор бўлади, бироқ бу низолар ўзига хос тарихий тафовутлар, шахсларнинг ўрни ёки шунчаки тасодифий омиллар туфайли турли усуллар билан ҳал қилинади.

Бу тафовутлар кўпинча бошланишига кичик бўлади, аммо улар йиғилиб бориб, институционал силжишни вужудга келтиради. Худди организмларнинг икки айри гуруҳи секин-аста, генетик мутациялар йиғилиб бориши туфайли генларида фарқланиб боргани каби иккита жамият ҳам институтлар борасида борган сари бир-биридан ажралиб боради. Генетик ўзгаришлар каби институционал ўзгаришларда ҳам олдиндан белгилаб қўйилган аниқ йўналиш йўқ, улар йиғилиб бориши ҳам шарт эмас, асрлар ўтиши билан у яққол кўринадиган, баъзида эса ўта муҳим тафовутларга айланади. Институционал фарқланишлар асосан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, боиси улар жамиятнинг бурилиш нуқталарида иқтисодий ва сиёсий



Ўзгаришларга қандай муносабат билдиришига таъсир қилади.


Дунё мамлакатларининг бир-биридан тубдан фарқ қилувчи иқтисодий тараққиёт йўллари бурилиш нукталари ва институционал ўзгаришларнинг ўзаро алоқасига боғлиқ. Баъзан узоқ давом этадиган иқтисодий ўзгариш жараёни билан шаклланган, баъзан эса аввалги бурилиш нуктасида ўзгаришларга бўлган турли хил муносабатлар натижаси бўлган мавжуд сиёсий ва иқтисодий институтлар келажакдаги ўзгаришларни шакллантириш учун замин яратади. “Қора ажал” ҳамда 1600 йилдан кейин жаҳон савдосининг кенгайиши Европа давлатлари учун асосий бурилиш нукталари бўлди ва улар ўртасидаги мавжуд кичик фарқларга таъсир кўрсатиб, тафовутнинг катталашувиغا олиб келди. Негаки 1346 йилда гарбий европалик деҳқонларда шарқдаги табақодошларига қараганда кўпроқ ҳуқуқлар ва имкониятлар бор эди. Натижада “қора ажал” Гарбий Европада феодализмнинг қулашига, шарқда эса иккинчи феодализмнинг қурилишига олиб келди. Шарқий ва Гарбий Европа мамлакатлари XIV асрда ажралишни бошлагани туфайли XVI–XIX асрлардаги иқтисодий имкониятлар Европанинг турли мамлакатлари учун тубдан фарқ қилувчи натижалар келтириб чиқарди. 1600 йилда Англияда қирол ҳокимияти Франция ва Испания монархлариникидан кўра заифроқ бўлгани сабабли трансатлантик савдо муносабатлари Англияда янада плюралистрок бўлган янги институтларнинг пайдо бўлиши сари йўл очиб, Испания ва Францияда монархлар ҳокимиятини мустаҳкамлади.

ТАРИХНИНГ ШАРТЛИ ЙЎЛИ

Мавжуд иқтисодий ва сиёсий институтлар кучлар мувозанатини шакллантирар, сиёсий имкониятларни белгилар экан, бурилиш нукталарида юз берган ҳодисаларнинг оқибатларини тарихий шароит белгилайди. Бироқ натижа олдиндан белгиланмаган, аксинча, у тарихий тасодиф-

ларга боғлиқдир. Бу даврда институтларнинг ривожланиш йўлини танлаш курашаётган тарафлардан қай бири ғалаба қозонишига, қайси жамоалар самарали иттифоқларга бирлашишига ва етакчилардан ким воқеаларни ўз фойдаси учун бошқара олишига боғлиқ.

Кутилмаганликнинг аҳамияти Англиядаги инклюзив сиёсий институтларнинг пайдо бўлишида яққол кўрилади. 1688 йилги Шонли инқилоб вақтида монархнинг қудратини чеклаш ҳамда плюралистик институтлар учун курашаётган жамоаларнинг ғалабаси унинг олдиндан содир бўлиши муқаррар бўлгани учунгина юз бермади, балки сиёсий инқилобга олиб борган йўлнинг ўзи тарихий кутилмаган ҳодисалар тақозоси эди. Инқилобчиларнинг ғалабаси Атлантика орқали савдонинг ўсиши тўғрисида юзага келган бурилиш нуқтаси билан бевосита алоқадор эди. Трансатлантик савдо ишлари эса қиролга қарши қайфиятдаги савдогарларнинг давлатини кўпайтириб, уларни руҳлантирганди. Бор-йўғи бир аср муқаддам Англиянинг денгизларда хўжайинлик қилиши, Кариб ҳавзаси ва Шимолий Американинг катта қисмини мустамлака қилиши ёки Америка ва Шарқ билан савдо муносабатларидан жуда катта фойда олиши ҳақиқатдан йироқ бўлган. На Елизавета I, на ундан олдинги тюрдорлар сулоласидан чиққан ҳукмдорлар қудратли, бирлашган ҳарбий денгиз флотини ташкил қилганди. Инглиз денгиз флоти хусусий ҳарбий ва мустақил савдо кемаларига суянган бўлиб, ҳарбий қудрати борасида испан ҳарбий флотидан анча кучсиз эди. Трансатлантик савдодан келадиган даромад хусусий ҳарбий бўлинмаларни океанда ҳукмрон бўлган испанлар билан рақобат қилишга руҳлантириб юборди. 1588 йилда испанлар ўзларининг денгизлардаги ҳукмронлигига қарши рақобатга ҳамда Англиянинг Испаниядан мустақиллик учун курашаётган Нидерландиядаги ҳукмронлигига бурун суқишига чек қўйишга қарор қилади.



9-харита. Испан армадаси, кемалар ҳалокати ва бурилиш нуқтасини юзага келтирган асосий жойлар.

Испания кироли Филипп II герцог Медина Сидония бошчилигидаги қудратли флотни – “Енгилмас Армада”ни – жўнатади. Бу кўпчиликнинг назарида испанлар инглизларни тўла-тўқис махв этишини, шу тариқа Атлантикадаги ҳукмронлигини мустаҳкамлашини ва, эҳтимолки, Елизавета II ни тахтдан ағдариб, Британия ороллари устидан тўлиқ назорат ўрнатиши муқаррарлигини англатарди. Бироқ ҳаммаси тескари тус олди. Ноқулай об-ҳаво ва тажрибали қўмондоннинг ўлиmidан сўнг охириги лаҳзада қўшин бошлиғи этиб тайинланган Сидониянинг стратегик хатолари туфайли “Енгилмас Армада” устунликни бой берди. Имконият камлигига қарамай, инглизлар ўзларининг энг қудратли рақибларига тегишли флотнинг асосий қисмини яқсон қилди. Энди Атлантика уммони сувлари инглизлар учун анчагина тенг шартларда очиқ эди. Ана ўша ақл бовар қилмас ғалаба бўлмаганда, туб эврилишларга бой бурилиш нуқтасини юзага келтирган ва 1688 йилдан кейин Англияда плюралистик сиёсий институтлар шаклланишига олиб келган ҳодисалар рўй бермаган бўларди. Тўққизинчи харитада “Енгилмас Армада”нинг чекиниш вақтида испан кемаларининг ҳаракат йўналиши тасвирланган.

Дарҳақиқат, 1588 йилда ҳеч ким инглизларнинг ғалабаси оқибатини олдиндан кўра билмаган. Ўша вақтда, эҳтимол, кам сонли кишиларгина бир асрдан сўнг муҳим сиёсий инқилобга олиб борадиган бурилиш нуқтаси этилганини англагандир.

Ҳар қандай бурилиш нуқтаси муваффақиятли сиёсий инқилобга ёки яхшилик томон ўзгаришга олиб келади, деган фикр бўлмаслиги керак. Тарихда бир зolim ҳукмдорни бошқасига алмаштирган инқилоблар ва радикал ҳаракатлар тикилиб ётибди. Немис социологи Роберт Михельс буни зарарли алоқа занжирининг ҳалокатли шакли – олигархиянинг темир қонуни деб атайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги бир неча ўн

йилликда мустамлакачиликнинг тугатилиши кўплаб со-
бик мустамлакалар учун бурилиш нуқталарини юзага
келтирди. Бироқ тропик Африка ва Осиёнинг кўплаб
давлатларида мустақиллик даври ҳукуматлари Роберт
Михельснинг фикрини тасдиқлади: улар ўзларидан ав-
валги мустамлакачиларнинг зулмини нафақат такрорла-
ди, балки уни янада кучайтирди, сиёсий ҳокимиятнинг
бўлиниш доирасини торайтирди, чекловларни йўқотди,
иктисодий институтлар томонидан таъминланган, инве-
стиция ва иктисодий ўсиш учун шундоқ ҳам кам бўлган
рағбатни сусайтирди. Фақат айрим мамлакатларда (мисол
учун, Ботсвана) бурилиш нуқтаси иктисодий ўсиш учун
замин яратган сиёсий ва иктисодий ўзгаришларни амалга
ошириш йўлида фойдаланилди.

Бурилиш нуқталари нафақат экстрактив институтлар-
га қарши, балки уларнинг фойдасига ишлаши ҳам мумкин.
Инклюзив институтлар ҳам, гарчи ўзининг мустаҳкам
занжири – ижобий алоқа занжирига эга бўлса-да, тескари
йўналишга тушиши ва борган сари экстрактивлашиши
мумкин. Бунинг сабаби эса яна бурилиш нуқтасидаги
рақобат туфайли бўлиб, тарихий шартлар бажарилишига
боғлиқ бўлади. Мисол учун, Венеция республикаси ўрта
асрларда инклюзив сиёсий ва иктисодий институтлар
сари катта қадам ташлаганди (буни ҳали олтинчи бобда
кўриб чиқамиз). Англияда 1688 йилги Шонли инкилобдан
сўнг инклюзив институтлар борган сари кучайиб борган
бўлса, Венецияда, аксинча, иктисодий имкониятлар ва
сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олган элита қўлида инклюзив
институтлар экстрактив шакл олди.

МАВЖУД ВАЗИЯТНИ АНГЛАШ

XVIII асрда Англияда инклюзив институтларга асослан-
ган бозор иктисодининг юзага келиши ва барқарор ўсиш
бутун дунёга тарқалди, боз устига, бу Англияга дунёнинг
катта қисмини мустамлака қилиш имконини берганди.
Англиядаги иктисодий ўсишнинг таъсири сайёрамиз

бўйлаб тарқалган бўлса-да, барқарор ўсиш сабабчиси бўлган иқтисодий ва сиёсий институтлар билан бундай бўлмади. “Қора ажал” Фарбий ва Шарқий Европада турлича натижа берганидек, саноат инқилобининг тарқалиши ҳам дунёга ҳар хил таъсир кўрсатди. Худди шунингдек, Атлантика океани орқали савдонинг ўсиши ҳам Англия ва Испанияда бошқача самара берди. Дунёнинг турли чеккаларида институтлар натижага ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Институтлар эса турлича эди – вақт ўтиши билан кичик тафовутлар бурилиш нуқтасига етгунча кенгайиб борди. Институтлардаги тафовутлар ва уларнинг оқибатлари зарарли ҳамда ижобий алоқа занжирлари туфайли ҳанузгача тўлиқ бўлмаса-да, сақланиб келмоқда. Айнан улар дунёдаги тенгсизлик қандай пайдо бўлгани ва бугунги кундаги вазиятнинг моҳиятини англашда муҳим ҳисобланади.

Дунёнинг айрим жойларида бошқа йўл билан бўлса-да, Англиядагига яқин бўлган институтлар яратилди. Австралия, Канада ва АҚШ каби европаликлар мустамлака қилган айрим ҳудудларда шундай бўлди, ваҳоланки, саноат инқилоби давом этаётган бир пайтда қайд этилган мустамлакаларда институтлар эндигина шаклланаётганди. Биринчи бобда қайд этилганидек, 1607 йилда Жеймстаун колонияси ташкил қилинишидан бошланиб, АҚШдаги мустақиллик уруши ва конституция қабул қилиниши орқали қизғин тусга кирган жараён билан Англиядаги парламент ва қирол ўртасидаги кўп йиллик кураш моҳиятан бир хил бўлиб, ҳар иккаласи плюралистик сиёсий институтлари бўлган марказлашган давлат тузилишига олиб келди. Шу тариқа бу мамлакатларда саноат инқилоби жадал ёйилди.

Шунга ўхшаш кўплаб тарихий жараёнларни бошдан кечирган Фарбий Европа ҳам саноат инқилоби вақтида Англиядагига ўхшаш институтларга эга эди. Англия ва Фарбий Европанинг бошқа мамлакатлари ўртасида кичик,

аммо муҳим тафовутлар мавжуд эди, шу фарқлар туфайли саноат инқилоби Францияда эмас, айнан Англияда содир бўлди. Мазкур инқилоб бутунлай бошқача вазиятни вужудга келтирди ва Европа давлатлари ҳукуматлари олдига анчагина янгича вазифаларни қўйди. Бу эса, ўз навбатида, ихтилофларнинг янги тўлкинини вужудга келтириб, Буюк француз инқилоби унинг чўққиси бўлди. Буюк француз инқилоби Ғарбий Европадаги институтларни Англиядаги билан бирлаштирган навбатдаги бурилиш нуқтаси ҳам эди. Айни пайтда Шарқий Европадаги институтлар билан фарқ катталашиб борди.

Дунёнинг қолган мамлакатлари фарқли ривожланиш йўлларида кетди. Европа мустамлакачилиги Америка қитъасида институтларнинг фарқланиши учун шароит яратди: Канада ва АҚШдаги инклюзив институтларга қарама-қарши равишда Лотин Америкасида экстрактив институтлар қарор топди. Америкадаги бутунги кунда мавжуд тенгсизлик шу билан изоҳланади. Лотин Америкасида испан конкистадорларининг экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлари ҳукм суриб, минтақанинг асосий қисмини қашшоқликка маҳкум қилди. Аргентина ва Чили ҳар ҳолда минтақадаги бошқа давлатларга қараганда яхшироқ ривожланди. Ваҳоланки, бу иккала ҳудудда маҳаллий хиндулар ва минерал бойликлар кам бўлиб, аввалига испанлар Ацтек, Майя ва Инк тамаддунларига қарашли ерларга диққат қаратиши туфайли улар эътибордан четдан қолганди. Аргентинанинг энг қашшоқ жойи шимоли-ғарбда, мамлакатнинг испан мустамлакачилик давридаги иқтисодий тизимга боғланган яққо ягона ҳудуди эканлиги тасодиф эмас. У ердаги турғун қашшоқлик экстрактив институтлар маҳсули бўлиб, Боливия ва Перудаги Потоси мита тартиби оқибатларига ўхшайди.

Африка саноат инқилоби берган имкониятлардан энг кам наф кўрган институтларга эга минтақа бўлди.

Камида охирги минг йилда Африка технологиялар, сиёсий тараккиёт ва фаровонлик борасида, қисқа муддатли айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, дунёнинг бошқа минтақаларидан ортда қолди. Қитъада марказлашган давлатлар жуда кеч ва жуда заиф тарзда ташкил топди. Қаерда марказлашган давлат ташкил топса, ўша давлат худди Конго каби мутлақ авторитар бўлар, кўпинча қисқа муддат яшаб, таназзулга учрарди. Африканинг марказлашган давлат куриш борасидаги муваффақиятсиз тажрибасини Афғонистон, Ҳаити ва Непал каби мамлакатлар ҳам такрорлади. Бу мамлакатларда худудлар устидан давлат тартиботи жорий қилинмади ва кичик бўлса-да, иқтисодий ўсишга эришиш учун лозим бўлган барқарорлик яратилмай қолди. Дунёнинг турли минтақаларида жойлашганига карамай, институтлар борасида Афғонистон, Ҳаити ва Непалнинг аксарият тропик Африка мамлакатлари билан муштарак жиҳатлари кўп. Шунинг учун ҳам улар бугун дунёнинг энг қашшоқ мамлакатлари бўлиб қолмоқда.

Африкадаги институтлар қай тариқа бугунги экстрактив кўринишга келгани мисоли бурилиш нуқталарида, айниқса, Атлантика океани орқали кул савдосининг кенгайиши даврида институтларнинг бирор йўналишга тушиб олиши қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Илк бор европалик савдогарлар борган вақтда Конго қироллигида янгидан-янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлган эди. Узоқ мамлакатлар билан савдо-сотик ишлари Европани ўзгартиргани каби, Конго қироллигида ҳам эврилишлар юз берди, аммо у ерда ҳам дастлабки институционал фарқлар аҳамият касб этди. Конгодаги мутлақ ҳокимият фақат фуқароларнинг деҳқончиликдан олган ҳосилларини тортиб олишга асосланган экстрактив иқтисодий институтларга эга ҳукмрон шаклдан одамларни оммавий кулга айлантириш, уларни португалияликларга элита вакиллари учун қурооллар ва хашаматли буюмлар

эвазига алмаштириш билан шуғулланадиган кўринишга келди.

Узоқ масофада жойлашган ўлкалараро савдо муносабатлари Англияда плюралистик сиёсий институтлар сари эврилиш учун имкон яратгани ҳолда, Конгода зўравон ҳокимиятдан халос бўлиш умидини чиппакка чиқарди. Африканинг кўп жойларида кул савдосидан келадиغان улкан даромад нафақат кул савдосининг кучайишига ва мулк ҳуқуқларининг поймол қилинишига олиб келди, балки шиддатли урушлар ва мавжуд кўплаб институтларнинг йўқ қилинишига сабаб бўлди. Бир неча аср ичида давлат ҳокимиятининг марказлашиш жараёни узил-кесил муваффақиятсизликка учради ва Африка давлатларининг аксарияти бутунлай кулади. Гарчанд кул савдоси билан шуғулланувчи айрим янги, баъзан қудратли давлатлар ташкил топган бўлса-да, улар асосан урушлар ва босқинчилик устига қурилган эди. Американинг кашф этилиши билан боғлиқ бурилиш нуқтаси Англияга инклюзив институтларни жорий қилишда ёрдам берган бўлса, Африкада институтлар янада экстрактивлашишига сабаб бўлди.

Кул савдоси 1807 йилдан кейин деярли тугатилган бўлса-да, ундан кейин юз берган Европа мустамлакачилиги нафақат Африканинг жанубий ва ғарбий қисмларида эндигина бошланган иктисодий модернизациялашишни орқага кайтарди, балки маҳаллий институционал ислохотларга ҳам чек қўйди. Ҳаттоки талончилик, оммавий бузғунчилик ва кенг миқёсли қотилликлар одатий ҳисобланган ҳудудлар – Конго, Мадагаскар, Намибия ва Танзаниядан ташқарида ҳам институтларнинг ривожланиш йўлини ўзгартиришга деярли имкон йўқ эди.

Янада ёмон тарафи, 1960-йилларга келиб, мустамлака бошқарув тизими Африкага мустамлакачилик давридан олдингидан кўра мураккаброқ ва зарарлироқ институтларни мерос қолдирди. Африкадаги кўплаб мустамлака-

ларда шаклланган сиёсий ва иқтисодий институтлар туфайли мустақиллик институтларни яхшилаш учун бурилиш нуқтаси бўлмади, балки зolim ҳукмдорларга аввалги европалик мустамлакачиларга эргашиб, мол-мулкни тортиб олиш ва бу сиёсатни кучайтириш учун йўл очди. Мустамлакачилик яратган сиёсий рағбатлар тарихдаги кучли мустабид ҳукуматлар бошқарган давлатларнинг ҳимоясиз мулк ҳуқуқига асосланган, самарасиз тажрибаларини такрорлайдиган сиёсат юритилишига олиб келди. Бироқ улардан фарқли равишда Африкада мамлакатнинг турли ҳудудлари устидан марказлашган ҳокимият йўқ эди.

Саноат инқилоби ҳали ҳам Африкага тўлиқ тарқалмади, чунки китъа мамлакатлари узоқ давр зарарли турғунликни, экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтларнинг қайта-қайта жорий қилинишини бошдан кечирди. Бундан фақат Ботсвана мустасно. Ботсвананинг мустақилликдан кейинги биринчи Бош вазири Сересе Кхаманинг бобоси Қирол Кҳама XIX асрда ўз қабиласида сиёсий ва иқтисодий институтларни модернизация қилишга мўлжалланган ўзгаришларни бошлаганди (буни китобимизда ҳали ўрганамиз). Ўзига хос тарафи шундаки, бу ўзгаришлар мустамлакачилик даврида йўқ қилинмади. Бу эса қисман Кҳама ва бошқа сардорларнинг мустамлакачи ҳукумат олдидаги оқилона сиёсатлари натижаси саналади. Мустамлака тузумдан мустақилликка эришиш натижасида юзага келган бурилиш нуқтасида улар Ботсвананинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти учун замин бўлди. Бу кичик тарихий тафовутларнинг аҳамият касб этишига яна бир мисол бўлади.

Тарихий ҳодисаларни чуқур илдизларга эга тажрибанинг муқаррар натижаси сифатида баҳолайдиган қараш ҳам мавжуд. Иқтисодий ва сиёсий институтлар зарарли ҳамда ижобий алоқа занжирлари ҳосил қилиши тарихига урғу берар эканмиз, худди Англиядаги институтлар

тарихини ўрганганимизда таъкидлаганимиздек, кутилмаган ҳодисалар доим роль ўйнайди. Сересе Кҳама 1940-йилларда Англияда таҳсил олар экан, оқ танли аёл – Рут Уильямсни севиб қолади. Оқибатда Жанубий Африкадаги ирқчи апартеид¹ тартиби инглиз ҳукуматини Кҳамани ўша пайтда Бечуаналанд (бу вассал ўлкани Жанубий Африкадаги Олий комиссар бошқарарди) деб аталган ватанига, инглиз протекторатига қайтишни таъкидлашга кўндиради. Кҳама тахтдан воз кечади. Мустамлакачиликка қарши курашга раҳбарлик қилиш учун қайтганда эса Кҳама анъанавий институтларни ўрнатишга эмас, уларни замонавий дунё билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилди. Кҳама ғайриоддий шахс эди, у шахсий бойлик орттиришга қизиқмас ҳамда ватанини тиклаш учун ўзини бағишлаган инсон бўлган. Африканинг кўп мамлакатлари эса бу борада ҳукмдорга ёлчимаган. Бу ерда ҳар икки нарса аҳамият касб этди, Ботсванадаги институтларнинг тарихий илдиэлари ва шартли омиллар буни амалга оширишга имкон берди, ваҳоланки, бу институтлар Африканинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби кўпориб ташланиши ёки ўзгартириб юборилиши мумкин эди.

XIX асрда Африка ва Шарқий Европадагидан унчалик фарқ қилмайдиган абсолют ҳокимият тизими Осиёнинг аксарият қисмида саноатлашув йўлига ғов бўлаётганди. Хитойда давлат мустабид ҳокимиятга эгалик қилар, мустақил шаҳарлар, савдогар ва саноатчилар ё умуман йўқ, ёки сиёсий жиҳатдан жуда заиф эди. Европаликларнинг буюк географик кашфиётларидан бир неча асрлар аввал Хитой узоқ масофадаги мамлакатлар билан савдо қилишда асосий иштирокчи ва денгиздаги ҳукмрон бўлган. Аммо Хитой тарихнинг энг муҳим палласида океанлардан юз ўгирди. XIV аср охири ва XV

¹ Апартеид тартиби – ирқий камситишнинг энг ашаддий кўринишларидан бўлиб, муайян аҳоли гуруҳларини ирқий мансублигига қараб, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум этишни, худудий жиҳатдан яққалаб қўйишни англатади.

аср бошларида узоқ ўлкалар билан савдо кучайиши ҳам-да у келтириши мумкин бўлган “бунёдкор бузғунчилик” ўз ҳокимиятига хавф солишидан кўрққан Мин сулоласи императорлари ундан воз кечди.

Ҳиндистонда эса институционал ўзгариш бошқача кечди. У ерда ҳиндларга хос, авлоддан-авлодга ўтадиган, қатъий кастачилик (табақаланиш) тизими шаклланди. Бу тизим бозорнинг фаолиятини чеклар ва меҳнат ресурсларининг касблар бўйича кенг жойлашишига ўрта аср Европасидаги феодал тизимдан кўра кўпроқ тўсқинлик қиларди. Бу тартиб Бобурий шоҳлар ҳукмронлиги даврида авторитаризмнинг яна бир кучли шаклига асос бўлди. Ўрта асрларда Европанинг аксарият давлатларида шундай тартиб ҳукм сурарди. Бейкер (новвой), Купер (бочка-соз), Смит (темирчи) каби замонавий инглизча фамилиялар касблари авлоддан-авлодга мерос ўтувчи тизимнинг қолдиқлари ҳисобланади. Новвойлар нон пиширган, бочка-созлар бочка ясаган, темирчилар эса металл эритган. Аммо бу касбларни эгаллаш мажбурияти ҳинд касталари каби қатъий бўлмаган ва бора-бора шахснинг касбини англатувчи сўз сифатидаги маъносини йўқотган. Гарчи ҳинд савдогарлари Ҳинд океани бўйлаб савдо қилган ва тўқимачилик саноати гуллаб-яшнаган бўлса-да, кастачилик тизими ва мустабид ҳокимият Ҳиндистонда инклюзив институтлар тараққиётидаги жиддий тўсик бўлган. XIX асрга келиб Ҳиндистон Англиянинг экстрактив мустамлакасига айланиши билан, саноатлашишга шароит янада ёмонлашган. Хитой ҳеч қачон расман Европанинг бирор давлати томонидан мустамлака қилинмаган, бироқ 1839–1842 ва 1856–1860 йиллардаги Афюн урушларида инглизлар ғалаба қозонгани сабаб таҳқирловчи шартномаларни имзолашга ва Европанинг экспорт молларини ўз ҳудудига киритишга мажбур бўлган. Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар савдо ва саноат бўйича имкониятлардан самарали фойдалана

олмасликлари оқибатида, Ғарбий Европа тараққиётда илдамлагани сари Осиё (Япония бундан мустасно) ортда қолиб кетди.

Япониянинг XIX асрда юз берган институционал тараққиёти бурилиш нуқтаси ва институционал ўзгаришлар яратган майда тафовутларнинг ўзаро муносабатини кўрсатади. Япония ҳам худди Хитой каби абсолют бошқарув остида эди. 1600 йилда ҳокимиятга келган Токугава сулоласи бошқарувидаги давлат халқаро савдони таққийлайдиган феодал тузумга асосланганди. Япония ҳам ғарбликларнинг босқини билан юзага келган бурилиш нуқтасига юзма-юз келди. Мэтью С. Перри бошчилигидаги АҚШнинг 4 та ҳарбий кемаси 1853 йил июлида Эдо бўғозига кириб, худди Англия Афюн урушлари натижасида Хитойдан қўлга киритгани сингари савдо имтиёзларини талаб қилади. Бироқ бу бурилиш нуқтаси Япония учун бошқача натижа берди. Масофавий яқинлик ва ўзаро алоқаларга қарамай, XIX асрга келиб Хитой ва Япония институтлар борасида бир-бирдан аллақачон фарқ қиларди.

Токугавалар бошқаруви мустабид ва экстрактив бўлса-да, ҳукуматнинг ерга эгалик қиладиган феодалларга таъсири заиф, рақобат қилишга ожиз эди. Деҳқонлар қўзғолонлари ва фуқаролар урушларига қарамай, Хитойдаги абсолютизм кучлироқ, муҳолифат эса яхши уюшмаган ва тобе эди. Хитойда император ҳокимияти билан беллаша оладиган ва институтларнинг ривожланиш йўлини ўзгартира оладиган бошқа муқобил феодал куч – етакчи топилмасди. Мазкур тафовут Хитой ҳамда Японияни Ғарбий Европадан ажратиб турувчи фарқлар билан солиштирганда жуда кичик бўлса-да, инглиз ва америкаликларнинг қуролли босқини юзага келтирган бурилиш нуқтасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Хитой Афюн урушларидан кейин ҳам авторитаризм йўлида давом этаверди. Японияда эса АҚШ таҳди-

ди Токугава сулоласининг муҳолифларини кучайтириб, сиёсий инқилоб ҳамда Мэйдзи ислоҳотларига олиб келди (буни 10-бобда кўриб чиқамиз). Япониядаги инқилоб инклюзив сиёсий институтлар ва инклюзив иқтисодий институтларнинг ривожланишига имкон берган, Япония иқтисодининг келажакда жадал ўсиши учун замин яратган бир пайтда, Хитой абсолют бошқарувдан азият чекиб қолаверди.

Япониянинг АҚШ ҳарбий кемалари таҳдиди қарши-сида институтларни тубдан ўзгартиришни бошлагани бугунги кундаги вазиятнинг бошқа жиҳатини – турғунликдан жадал ўсишга ўтиш жараёнини тушунишга ёрдам беради. Жанубий Корея, Тайван ва ниҳоят Хитой Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодий ўсишнинг ақл бовар қилмас кўрсаткичларига Япония йўли орқали эришди. Уларнинг ҳар бирида ўсиш мамлакатнинг иқтисодий институтларидаги тарихий ўзгаришлар ортидан содир бўлди. Аммо сиёсий ўзгаришлар худди Хитой билан бўлгани каби ҳар доим ҳам юз беравермайди.

Жадал ўсиш жараёни қай тариха яқунга етиши ва тескари тус олиши сабаби ҳам ўзаро боғлиқ. Худди инклюзив иқтисодий институтлар сари ташланган ҳал қилувчи қадамлар жадал иқтисодий ўсишни бошлаб бергани каби инклюзив институтлардан кескин юз ўгириш иқтисодий тушкунликка олиб келиши мумкин. Аммо кўпинча жадал ўсишнинг таназзули (Аргентина ва Совет Иттифоқида бўлгани каби) унинг ўз ниҳоясига етган экстрактив иқтисодий шароитда юз бергани билан боғлиқ. Гувоҳ бўлганимиздек, таназзул экстрактив йўл билан олинган ўлжалар учун кураш туфайли содир бўлиши ва тузумнинг кулашига олиб келиши ҳам мумкин. Ёки экстрактив институтлар шароитида инновация ва бунёдкор бузғунчиликнинг йўқлиги барқарор ўсишни чеклаб қўяди. Советлар қай тариха бу чекловларга дучор бўлгани кейинги бобда батафсил муҳокама қилинади.

Охирги беш асрда Лотин Америкасининг иқтисодий институтлари испан мустамлакачилиги билан шаклланган бўлса, Яқин Шарқдаги институтлар Усмонлилар ҳукмронлиги билан юзага келган. 1453 йилда Усмонли турклар султон Меҳмет II бошчилигида Константинополни эгаллаб, уни ўз пойтахтларига айлантирди. Аср охирига қадар улар Болқоннинг катта қисмини ва Туркиянинг қолган худудларини қўлга киритди. XVI асрнинг биринчи ярмида Усмонлилар бошқаруви Яқин Шарқ ва Шимолий Африка бўйлаб тарқалди. Султон Сулаймон I (конуний номи билан машҳур) вафот этган 1566 йилга келиб, империя сарҳадлари Шарқда Тунисдан, Миср, Арабистон яримороли ва Макка орқали замонавий Ироқ худудигача кенгайди. Усмонли давлати мустабид бўлиб, султон ҳеч кимнинг олдида ҳисоб бермас, ҳокимиятни бўлишмас ҳам эди. Усмонлилар жорий қилган институтлар ҳаддан ташқари экстрактив кўринишда эди. Ер учун хусусий мулкчилик йўқ бўлиб, барча ер давлатга тегишли бўлган. Ер солиғи ва деҳқончиликдан олинадиган солиқ, урушлардан олинадиган ўлжа давлатнинг асосий даромад манбаи ҳисобланарди. Бироқ Усмонли давлати Яқин Шарқда мамлакат маркази бўлган Кичик Осиёдаги каби ёки испанлар Лотин Америкасини мустамлака қилгани каби ҳукмронлик қилолмасди. Усмонлилар мунтазам равишда Арабистон яриморолидаги бадавийлар ва бошқа қабилалар билан курашишларига тўғри келган. Бу эса нафақат Яқин Шарқда барқарор тартиб ўрнатишга имкон бермасди, балки маъмурий солиқларни йиғиш ишларига ҳам путур етказарди. Шунинг учун давлат солиқларни йиғиб берадиган кишиларни ёллайди, солиқ йиғиш ҳуқуқини сотиб олган кишилар ўзлари истаган йўл билан солиқ ундирарди. Бу солиқ йиғувчилар мухтор (автоном) ва қудратли бўлиб борди. Яқин Шарқ худудларида солиқ ставкалари жуда юқори бўлиб, деҳқон олган ҳосилнинг ярмидан бошлаб учдан икки қисмигача ўзгариб турган.

Бу даромаднинг катта қисми солиқ йиғувчилар қўлида қолган. Бу ҳудудда Усмонлилар барқарор тартиб ўрната олмаганлари учун мулк ҳуқуқи ҳимоя қилинмасди. Қолаверса, қуролли гуруҳлар маҳаллий назорат учун курашар экан, қонунсизлик ва қароқчилик кўп учрарди. Мисол учун, Фаластинда вазият жуда оғир бўлиб, XVI асрнинг охиридан бошлаб деҳқонлар кўпгина унумдор ерларни тарк этиб, қароқчилардан ҳимояланиш учун тоғли ҳудудларга кўчиб кетади.

Усмонли империясининг шаҳарларидаги экстрактив иқтисодий институтлар ҳам бўғиқлик борасида ундан кам эмасди. Савдо-сотик давлат назоратида бўлиб, касб танлашни ҳам монополиялар ва гильдиялар қатъий назорат қиларди. Оқибатда, саноат инқилоби даврига келиб, Яқин Шарқдаги иқтисодий институтлар экстрактивлигича қолди. Минтақа иқтисодий жиҳатдан тушкунликка учради.

1840-йилларга келиб, Усмонлилар мавжуд институтларни ислоҳ қилишга киришди: ёлланма солиқ йиғиш тизимини ўзгартириб, маҳаллий автоном гуруҳлар назоратга олинди. Бироқ абсолютизм Биринчи жаҳон урушига қадар сақланиб қолди, ислоҳотларга бўлган уринишлар эса иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ютқизиши мумкин бўлган элитанинг одагий кўрқуви туфайли чиппакка чиқарилди. Усмонли ислоҳотчилари деҳқончиликдаги унумдорликни ошириш учун ерга нисбатан мулк ҳуқуқини жорий қилишни таклиф қилган бўлса-да, вазият сиёсий назорат ва солиқлар туфайли ўзгармасдан қолди. 1918 йилда Усмонли мустамлакачилиги Европа мустамлакачилиги билан алмашди. Европа мустамлакачилиги барҳам топган пайтда ҳам тропик Африкада бўлгани каби ҳолат юзага келди: мустақиллик даври элитаси мустамлакачилик даврига ҳос экстрактив институтларни эгалланди. Айрим жойларда эса (масалан, Иорданияда монархия тикланиши каби)

элиталар мустамлакачи кучлар томонидан яратилди, бунакаси Африкада ҳам кўп учрайди (буни кейинроқ кўрамиз). Нефтсиз Яқин Шарқ мамлакатлари даромадлари Лотин Америкаси мамлакатлариники билан бир хил. Улар кул савдоси каби қашшоқликка элтувчи курашни бошдан кечирмаган, қолаверса, улар узоқ йиллар давомида Европадан келадиган технологиялардан баҳраманд бўлган. Ўрта асрларда Яқин Шарқнинг ўзи иқтисодий жиҳатдан дунёнинг нисбатан илғор ҳудуди бўлган. Бугун эса гарчи минтақа Африка каби қашшоқ бўлмасада, аҳолининг асосий қисми ҳамон камбағалликда кун кечиради.

Географик, маданий омил ва билимсизлик назариялари бугунги вазиятни тушунишда ёрдам бермаслигига гувоҳ бўлдик. Улардан ҳеч бири бугунги дунёдаги тенгсизликнинг муҳим саволларига қониқарли жавоб бера олмайди:

Ҳақиқат шуки, иқтисодий фарқланиш жараёни Англияда XVIII–XIX асрлардаги саноат инқилоби билан бошланди, сўнгра Ғарбий Европа ва Европа мустамлакаларига тарқалди:

Шимолий ва Жанубий Америка ўртасидаги мунтазам тафовут;

Африка ва Яқин Шарқдаги қашшоқлик;

Шарқий ва Ғарбий Европа ўртасидаги бўлиниш;

турғунликдан ривожланишга ўтиш ва жадал ўсишнинг бирдан тўхтаб қолиши.

Бизнинг институционал назария эса буларга жавоб бера олади.

Кейинги бобларда биз бу назария қандай иш беришини ва у тушунтириб берадиган ҳодисаларга мисолларни батафсил муҳокама қиламиз. У Неолит инқилоби асосларидан тортиб, бир қанча тамаддунларнинг қулашигача бўлган мисолларни ўз ичига олади. Бунинг сабаблари эса ё экстрактив институтлар шароитида ўсиш-

нинг табиий чегаралари мавжудлиги ёхуд инклюзивлик сари ташланган қадамларнинг орқага кетиши бўлиши мумкин.

Англияда Шонли инқилоб даврида инклюзив сиёсий институтлар сари ҳал қилувчи қадамлар қай тариқа ва нима сабабдан ташланганини кўрамыз. Қуйидагиларга кўпроқ эътибор қаратамыз:

трансатлантик савдо муносабатлари юзага келтирган бурилиш нуқтаси билан аввалдан мавжуд бўлган институтларнинг табиати ўртасидаги алоқадан келиб чиқиб, инклюзив институтлар қай тариқа пайдо бўлгани;

бу институтлар қисман ижобий алоқа занжири туфайли, қисман эса тарихнинг шартли йўли билан қай тариқа сақланиб қолгани ва саноат инқилобига замин яратадиган даражада кучайгани;

абсолют ва экстрактив институтларни бошқарган тузумлар саноат инқилоби олиб келган янги технологияларнинг тарқалишига ўжарлик билан қарши чиккани;

европаликлар қай тариқа дунёнинг ўзлари босиб олган турли бурчакларида иқтисодий ривожланиш имкониятларини йўққа чиқаргани;

зарарли алоқа занжири ва олигархиянинг темир қонунни экстрактив институтларни қай йўсинда сақлаб қолгани ва шунинг учун саноат инқилоби етиб бормаган ҳудудлар қашшоқлигича қолаётгани;

давлат ҳокимияти марказлашуви энг қуйи даражага тушмаган мамлакатларга саноат инқилоби нега етиб бормагани ва бундан кейин ҳам етиб бориши даргумонлиги.

Шунингдек, тадқиқотимиз давомида муайян мамлакатларнинг, хусусан, институтларини инклюзив йўлга сола билган Франция ва Япония, экстрактив институтлар жорий қилинишидан омон қолган АҚШ ва Австралия каби давлатлар саноат инқилобининг тарқалишига иштиёқманд бўлгани ҳамда бошқа мамлакатлардан анча

илгарилаб кетганини ҳам кўрсатамиз. Худди Англияда бўлгани каби бу силлиқ кечадиган жараён эмас, инклюзив институтларга қарши кўплаб синовлар баъзан ижобий алоқа занжирининг ҳаракати туфайли, баъзан эса тарихнинг шартли йўли туфайли енгиб ўтилган.

Ниҳоят, бугунги кунда мамлакатларнинг инқирози уларнинг институтлари тарихига кўп жихатдан қандай боғлиқлигини, қанча сиёсий маслаҳатлар нотўғри назариялар туфайли берилгани ва янглишлигини, қандай қилиб мамлакатлар бурилиш нукталаридан фойдаланиб қолаётгани, ўз институтларини ислоҳ қилиш билан эврилаётгани ҳамда янада фаровонлик йўлига қадам қўяётганини ҳам таҳлил қиламиз.

5

**“КЕЛАЖАКНИ КЎРДИМ,
У РЎЎБГА ЧИҚЯПТИ”:
ЭКСТРАКТИВ ИНСТИТУТЛАР
ШАРОИТИДАГИ ЎСИШ**

КЕЛАЖАКНИ КЎРДИМ

Институционал тафовутлар барча асрлардаги иқтисодий ўсишни тушунтиришда муҳим роль ўйнайди. Модомики, тарихдаги аксарият жамиятлар экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтларга асосланган экан, бу ҳеч қачон ўсиш бўлмаганини англатадими? Албатта, йўқ. Ўз-ўзидан маълумки, экстрактив институтлар бойлик келтириши керак, зеро уни кейинчалик тортиб олиш мумкин бўлсин. Сиёсий ҳокимият қўлида тўпланган ва марказлашган давлатни назорат қилувчи мустабид ҳукмдор қонунчилик, тартиб ва бошқарув тизимини муайян даражада ушлаб туриши, бошқаларни иқтисодий фаолият билан шуғулланишга рағбатлантириши мумкин.

Аммо экстрактив институтлар шароитида юз берган ўсиш табиатан инклюзив институтлар келтирган ўсишдан фарқ қилади. Энг муҳими, бундай ўсиш мавжуд технологиялар кучига суянган бўлиб, технологик янгиликларни талаб қиладиган барқарор ўсиш бўлолмайди. СССРнинг иқтисодий траекторияси ҳукумат ва давлатнинг рағбатлантириши қандай қилиб экстрактив институтлар билан жадал иқтисодий ўсишга олиб келишига ҳамда бу тариқа ўсиш охир-оқибат қай йўсинда ниҳоясига етиши ва қулашига мисол бўлади.

Биринчи жаҳон уруши тугагач, ғолиб ва мағлуб ҳукуматлар тинчлик шартларини келишиб олиш учун Париж ташқарисидаги Версал саройига йиғилади. Иштирокчилар орасида энг муҳим ролни АҚШ президенти Вудро Вильсон ўйнайди. Бу йиғинда Россиядан бирор вакил иштирок этмагани диққатга сазовор. 1917 йилнинг октябрида подшо тузуми большевиклар томонидан ағдариб ташланган, қизиллар (большевиклар) ва оқлар (оқ подшо тарафдорлари) ўртасида фуқаролар уруши давом этаётган эди. Англия, Франция ва Америка больше-

викларга қарши курашиш учун экспедиция кучларини юборади. Ёш дипломат Уильям Буллит ва атоқли зиёли, журналист Линкольн Стеффенс бошчилигидаги гуруҳ Ленин билан учрашиш учун Москвага – большевикларнинг мақсадлари ва улар билан қандай шартларда келишиш мумкинлигини аниқлаш учун юборилади. Стеффенс мавжуд тартибларга қарши мақолалар ёзадиган ва “ахлат титувчи” (қораловчи, танқидчи) журналист сифатида ном қозонган бўлиб, АҚШдаги ёвуз капиталистларни қатъиятлик билан фош этарди. Инқилоб пайтида у Россияда бўлганди. Унинг гуруҳда бўлиши миссиянинг ишончли кўриниши ва душманлик руҳини пасайтириш учун эди. Миссия аъзолари Лениннинг янги қурилган Совет Иттифоқи билан тинчлик бўйича таклифини олиб қайтди. Совет тузумининг улкан потенциалини кўрган Стеффенс катта таассурот билан қайтади. 1931 йилда у ўзининг таржимаи ҳолида шундай ёзади:

Совет ҳукумати эволюцион дастурга эга революцион ҳукумат экан. Уларнинг режаси йўқсиллик ва давлатмандлик, порахўрлик, алоҳида табақалар учун берилган имтиёзлар, зулм, уруш каби иллатларни бевосита йўқ қилиш эмас, балки уларнинг сабабларини аниқлаш ва йўқ қилишдан иборат. Улар кичик, аммо малакали озчиликка таянган диктатура ўрнатган. Мақсадлари бир неча авлодлар учун иқтисодий ресурсларни илмий жиҳатдан қайта ташкил қилиш ва шу орқали дастлаб иқтисодий демократияга, яқунда эса сиёсий демократияга эришишидир.

Совет Иттифоқига қилган дипломатик миссиясини яқунлаб қайтган Стеффенс эски дўсти, хайкалтарош Жо Дэвидсонни кўргани боради ва уни бадавлат молиячи Бернард Барухнинг бюстини тайёрлаётган ҳолда учратади. “Хўш, шундай қилиб, сен Россияда бўлдинг”, – гап қотади Барух. “Мен келажакда бўлдим ва у рўёбга чиқяпти”, – жавоб беради Стеффенс. У кейинчалик машҳур бўлиб

кетган иқтибосни шундай мукаммаллаштиради: “*Мен келажакни кўрдим ва у рўёбга чиқяпти*”.

80-йилларнинг бошигача жуда кўп ғарбликлар СССРда келажакни кўрар ва унинг рўёбга чиқаётганига ишонарди. Қайсидир маънода чиндан ҳам, шундай эди, тўғрироғи, бир муддат шундай бўлди ҳам. 1924 йилда Ленин вафот этди ва 1927 йилга келиб, мамлакатдаги бутун ҳокимият Сталиннинг қўлида тўпланди. Рақибларини тор-мор келтирган Сталин мамлакатни жадал саноатлаштириш ҳаракатини бошлади. Бу 1921 йилда ташкил этилган Давлат режалаштириш қўмитаси – *Госплан* ёрдамида амалга оширилди. *Госплан* 1928–1933 йилларга мўлжалланган биринчи Беш йиллик режани тузди. Иқтисодий ўсишнинг Сталинча модели оддий эди: ҳукумат топшириги билан саноатни ривожлантириш ва бунинг учун зарур ресурсларни кишлоқ хўжалигига огир солиқлар солиш орқали қўлга киритиш. Коммунистик давлатда самарали солиқ тизими йўқ бўлгани учун Сталин кишлоқ хўжалигини коллективлаштирди. Бу жараён ерга бўлган хусусий эгалик ҳуқуқини бекор қилди ва кишлоқдаги барча одамлар компартия бошқарувидаги колхозларга бирлаштирилди. Бу эса Сталинга барча кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тортиб олиб, янги заводларни кураётган ва уларда ишлаётган одамларни озиқ-овқат билан таъминлаш имконини берди. Бунинг оқибатлари кишлоқ аҳолиси учун ҳалокатли бўлди. Колхозлар одамларда ғайрат билан меҳнат қилиш иштиёқини сўндириб, унумдорлик кескин пасайиб кетди. Олинган маҳсулотнинг шунчалик кўп қисми тортиб олиндики, оқибатда ейиш учун етарли захира қолдирилмади. Одамлар очликдан ўлишни бошлашди. Яқунда эса тахминан олти миллион киши очарчилик туфайли қирилиб кетди. Айни пайтда мажбурий коллективлаштириш даврида юз минглаб киши ўлдирилди ёки Сибирга сургун қилинди.

Совет Иттифоқида мавжуд ресурслардан оқилона

фойдаланиш маъносида на янги барпо этилган саноат, на колхозлар иқтисодий жиҳатдан самарали эди. Бу эса иқтисодий ҳалокат ва тушкунликка, ҳатто иттифоқнинг қулашига олиб келиши кутилганди. Бирок СССР шиддатли ўсди. Бунинг сабабини англаш қийин эмас. Одамларга эркин бозорда эркин қарор қабул қилиш имконини бериш мамлакат учун ресурслардан самарали фойдаланишнинг энг тўғри йўли ҳисобланади. Аксинча, барча ресурсларни давлат ёки бир ҳовуч элита бошқарар экан, инсонларни ишлашга ундайдиган рағбатлар ҳосил бўлмайди ва инсонлар ўз истеъдод ва малакаларига кўра самарали жойлаштирилмай қолади. Шунга қарамай, айрим мисолларда ишчи кучи ва сармоянинг самарадорлиги бирор иқтисодий жабҳа ёки фаолият турида жуда юқори бўлиши мумкин. СССРнинг огир саноати бунга мисол. Бундай соҳаларга ресурсларнинг тепадан, яъни экстрактив институтлар шароитида йўналтирилиши ўсишга олиб келиши мумкин. 3-бобда гувоҳи бўлганимиздек, Кариб ҳавзасидаги Барбадос, Куба, Ҳаити ва Ямайка каби ороллардаги экстрактив институтлар ресурсларни дунёда талаб юқори бўлган маҳсулот – шакар ишлаб чиқаришга йўналтирилгани туфайли нисбатан юқори даромад келтирган. Қулларни зўрлик билан ишлатишга асосланган шакар ишлаб чиқариш саноати самарасиз, шу билан бирга, бу оролларда технологик ўзгаришлар ёки бунёдкор бузғунчилик юз бермаса-да, экстрактив институтларни маълум даражада ўсишга эришишдан тўса олмади. СССРдаги вазият ҳам ана шу мисол билан айнан бир хил эди, фақат Карибдаги шакарнинг вазифасини бу ерда саноат бажарди. Совет Иттифоқидаги саноат ўсиши анча осон бўлди, чунки технология борасида совет давлати Европа ва Америка билан солиштирганда анча қолоқ эди, шу боис ресурсларни саноатга жалб қилиш орқали, гарчи бу пала-партиш ва зўрлик билан амалга оширилган бўлса-да, катта марраларга эришиш мумкин эди.

1928 йилгача аксарият россияликлар қишлоқларда яшарди. Дехқонлар ишлатадиган технологиялар жуда содда ва унумдорлик учун рағбат йўқ эди. Дарҳақиқат, рус феодализмнинг энг охириги асоратлари Биринчи жаҳон урушидан биров олдин йўқ қилинганди, холос. Шунинг учун ишчи кучини қишлоқ хўжалигидан олиб, саноатга йўналтиришда фойдаланилмаган улкан иқтисодий салоҳият бор эди. Сталинча саноатлаштириш бу яширин имкониятни кашф қилишнинг шафқатсиз йўли бўлди. Буйруқ билан Сталин самарасиз фойдаланилаётган ресурсларни меҳнат унумдорлиги яхшироқ бўлган жойда ишлашга – саноатга кўчирди. Ваҳоланки, саноатнинг ўзи жуда самарасиз ташкил қилинганди. Дарҳақиқат, 1928 ва 1960-йиллар оралиғида миллий даромад йилига 6 фоиздан ўсди, бу эса, эҳтимол, жадал иқтисодий ўсишнинг тарихдаги ўша пайтгача эришилган энг яхши кўрсаткичи эди. Бундай шиддатли ўсиш технологик ўзгаришлар туфайли эмас, балки меҳнат ресурсларини қайта жойлаштириш, янги ускуналар ва заводлар қуриш орқали сармояни тўплаш билан юз берди.

Ўсиш шундай шиддатли бўлдики, нафақат Линкольн Стеффенс, балки Ғарб дунёси аҳолисининг бир неча авлоди унга алданиб қолди. Бу ўсиш ҳақида АҚШнинг Марказий жосуслик бошқармаси ҳам янглиш хулосага борди. Бунга ҳатто СССРнинг раҳбарлари ҳам ишониб қолди. 1956 йилда Никита Хрушев ғарблик дипломатларга қарата “Биз сизларни кўмамиз!” деб мақтангани маълум. 1977 йилда инглиз иқтисодчиси ёзган етакчи дарсликда қайд этилишича, иқтисодий ўсиш, тўлик бандликни таъминлаш, барқарор нархлар ва ҳатто одамларни бир-бирига ғамхўрлик қилишга ўргатиш борасида советча иқтисодий модел капиталистик иқтисоддан кўра афзал кўрилган. Ғарбнинг эскича шўрлик капитализми эса фақат сиёсий эркинликни таъминлашда афзалроқ деб ҳисобланган эди. Чиндан ҳам, Нобел мукофоти совриндо-

ри Пол Самуэлсон ёзган, университетларда иктисод бўйича энг асосий қўлланма бўлган дарсликда СССРнинг иктисодий жihatдан устунлиги қайта-қайта башорат қилинган. Чунончи, 1961 йилги нашрда Самуэлсон жуда 1984 йилда бўлмаса ҳам, узоғи билан 1997 йилда миллий даромад борасида Совет Иттифокининг АҚШдан ўзиб кетишини тахмин қилган. 1980 йилги нашрда эса таҳлилга кичик ўзгартириш киритилиб, башорат қилинган саналар мос равишда 2002 ва 2012 йилга ўзгартирилган.

Гарчи Сталин ва ундан кейинги раҳбарлар даврида жадал иктисодий ўсишга эришилган бўлса-да, бу ўсиш барқарор бўла олмади. 1970-йилларга келиб, иктисодий ўсиш деярли тўхтаб қолди. Энг муҳим сабоқ шундан иборатки, экстрактив институтлар иккита сабабга кўра барқарор технологик ўзгариш олиб кела олмади: иктисодий рағбатнинг етишмаслиги ва элитанинг қаршилиги. Қолаверса, самарасиз фойдаланилган ресурслар саноатга йўналтирилгандан сўнг буйруқ йўли билан эришиш мумкин бўлган бошқа даромад манбаи қолмаганди. Яқунда инновацияларнинг йўқлиги ва иктисодий рағбат етишмовчилиги совет тузумини боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Қаттиқ уринишлар эвазига советлар инновацияга эриша олган ягона соҳа ҳарбий ва аэрокосмик саноат бўлди. Натижада улар космосга “Лайка” лақабли биринчи итни ва биринчи инсон – Юрий Гагаринни жўнатишга муваффақ бўлдилар. СССРнинг дунёга қолдирган атоқли меросларидан яна бири эса АК-47 автомати бўлди.

Госплан СССР иктисодиётини марказий режалаш бўйича бош орган сифатида режалаштириш соҳасида барча ваколатларга эга яккаҳоким ташкилот эди. Госплан тайёрлаган беш йиллик дастурлар сериясининг афзалликларидан бири ақл билан қилинадиган инвестиция ва инновацияларнинг узоқ йиллик истиқболини белгилаб бериши бўлган, хойнаҳой. Амалда эса СССР саноатида

бажарилган ишларнинг беш йиллик режаларга алоқаси йўқ эди, чунки режалар тез-тез ўзгартирилар, қайта ёзилар ёки шунчаки эътиборсиз қолдириларди. Саноатнинг тараққиёти Сталин ва политбюро қарорлари асосида юз берган, улар эса фикрларини тез-тез ўзгартириб турар, аксар ҳолларда, аввалги қарорларини бутунлай қайта кўриб чиқарди. Барча режалар “дастлабки лойиҳа” сифатида белгиланарди. Фақат битта дастур “якуний” ёрлиғини олган бўлиб, у ҳам бўлса 1939 йилги энгил саноатни ривожлантириш дастури эди. Сталин 1937 йилги нутқида шундай деганди:

Фақат бюрократларгина режасиз дастур тузиш билан якунига етади, деб ҳисоблаши мумкин. Дастурнинг яратилиши, бу – ҳали дебоҳа. Ҳақиқий режасиз бошқарув эса дастур ҳақидаги барча ахборот тўплангандан сўнг иш беради.

Сталин ўзига садоқатли бўлган кишилар ва жамоаларни тақдирлаш ҳамда мухолифларни жазолаш орқали эҳтиёткорликни оширишга уринди. Госпланга келсак, унинг асосий вазифаси Сталинни кўпроқ маълумот билан таъминлашдан иборат эди, у шу йўл билан ўз дўстлари ва душманларини яхшироқ кузата оларди. Эътиборлиси, Госплан асосан қарорлар қабул қилишдан қочган. Кимнинг қарори оқибати кўнгилдагидек чиқмаса, отилиши мумкин эди. Яхшиси, барча масъулиятдан ўзини олиб қочгани маъқул.

Компартия хоҳлагандай натижа кўрсатиш ўрнига, ўз ишини пухтароқ қилишга уринишнинг оқибати нима бўлишини 1937 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида кўришимиз мумкин. Натижалар маълум қилинганда аён бўлдики, иттифокдаги аҳоли сони 162 миллионга етаркан, холос. Ваҳоланки, Сталиннинг тахминича, 180 миллион бўлиши керак эди, кўрсаткичлар Сталиннинг ўзи 1934 йилда эълон қилган 168 миллионга ҳам етмасди. 1937 йилги рўйхатга олиш иккинчи

тадбир бўлиб, биринчиси 1926 йилда ўтказилганди, шундан бери 30-йилларнинг бошларида оммавий очарчилик ва катагонлар рўй берганди. Аҳоли сони бўйича аниқ кўрсаткичлар ана шунинг натижаси эди. Сталиннинг бунга жавоби эса рўйхатга олиш тадбирини ташкиллаштирганларни қўлга олиш ҳамда уларни Сибирга сургун қилиш ёки отиб ташлашдан иборат бўлди. У 1939 йилда аҳолини қайта рўйхатга олишни буюрди. Бу сафар ташкилотлар хато қилишмади ва аҳоли сони аслида 171 миллионга етишини аниқлади.

Сталин совет иқтисодиётида одамларни шижоат билан ишлашга ундайдиган рағбатлар камлигини тушунарди. Табиийки, бундай рағбатларни яратиш керак эди ва баъзан у шундай қилди ҳам – вазиятни яхшилашни рағбатлантириш мақсадида, махсулдорлик пасайиб кетган ҳудудларга озиқ-овқат таъминотини кўпайтирди. Қолаверса, 1931 йилдаёқ Сталин моддий манфаатдорликсиз меҳнат қиладиган “социалист одамлар” яратиш ғоясидан воз кечган эди. У ўзининг машхур нутқларидан бирида “тенгликфурушлик”ни танқид қилади ва шундан сўнг нафақат турли ишлар учун ҳар хил маош тўлаш тартибини жорий қилди, балки мукофотлар бериш тизимини ҳам йўлга қўйди. Бунинг қай тарика иш берганини тушуниш фойдадан холи эмас. Одатда марказлашган буйруқбозлик тизимида корхона ишлаб чиқариш бўйича режадаги натижага эришиши керак бўлади, ваҳоланки, бундай белгиланган дастурлар кўпинча қайта кўриб чиқилар ва ўзгартириларди. 30-йиллардан бошлаб ишчиларга режада белгиланган кўрсаткичга эришганлари учун мукофотлар берила бошлади. Мукофот пуллари анчагина юқори эди, масалан, бошқарувчилар ва катта муҳандисларга маошининг 37 фоизигача устама берилиши мумкин эди. Бироқ бундай мукофотлар технологик янгиликлар учун рағбатни камайтириб юборди. Бир томондан, инновацияга қўл уриш мавжуд ишлаб чиқаришдан ресурсларни олиш

орқали ишлаб чиқариш режасини бажара олмасликка сабаб бўлиши ва мукофотдан куруқ қолиш хавфи мавжуд эди. Бошқа томондан, ишлаб чиқариш режаси аввалги кўрсаткичга боғлиқ бўларди. Бу эса ишлаб чиқариш кўрсаткичини оширмасликдан манфаатдорликни келтириб чиқарар, негаки кўпроқ натижага эришиш келажакдаги режаларнинг баландроқ кўйилишига сабаб бўларди. Салоҳиятдан кўра камроқ ишлаш ҳамиша режани бажариш ва мукофот олишнинг энг яхши йўли бўлиб келган. Мукофотнинг ҳар ой учун берилиши ҳам ишчиларни ҳозирги натижалар билан ўралашиб қолишларига олиб келди, зотан, инновация эртанги яхшироқ натижа учун бугунни қурбон қилишни талаб этади.

Мукофотлар ва рағбатлантириш одамларнинг муносабатини ўзгартиришда қўл келган бўлса ҳам, кўп ҳолларда муаммо яратарди. Марказлашган режали тизим XVIII асрда яшаган буюк иқтисодчи Адам Смит таъбири билан айтганда, бозорнинг “кўринмас қўли”нинг ўрнини эгаллай олмасди. Айтайлик, пўлат тунукалар тоннада режалаштирилган бўлса, тунукалар ғоятда оғир қилиб чиқариларди. Агарда режа пўлат тунуканинг юзаси бўйича кўйилган бўлса, тунукалар жуда юпқа қилиб тайёрланарди. Борди-ю, қандил учун режа тоннада кўрсатилган бўлса, қандиллар шундай оғир ишланардики, шифт уни зўрға кўтариб турарди.

1940-йилларга келиб, Совет Иттифоқи раҳбарлари, Ғарбдаги тарафдорларидан фаркли равишда, бундай қарама-қарши рағбатлардан яхши хабардор эди. Иттифоқ раҳбарлари худди тузатса бўладиган техник муаммога дуч келгандек йўл тутди. Чунончи, ишлаб чиқариш режасига асосланган мукофотлаш тизими бекор қилиниб, корхоналар фойдадан қоладиган улушни ишчиларга мукофот тарзида бериш тартиби жорий қилинди. Аммо бу ёндашув олдингисига нисбатан инновацияга кўпроқ ундайди, деб бўлмайди. Фойда ҳисоблашда ишлати-

ладиган нархлар тизимининг янги технологиялар қиймати билан умуман боғлиқлиги йўқ эди. Бозор иқтисодиётидан фарқли равишда, совет давлатида нархлар ҳукумат томонидан ўрнатилар, шунинг учун ҳам маҳсулотнинг қиймати билан мутаносиб келмасди. Инновация учун кизиқишни ошириш мақсадида 1946 йилда СССРда инновация учун бевосита мукофот бериш тартиби жорий қилинди. 1918 йилдаёқ янгилик яратувчи шахс янгилиги учун моддий рағбатлантириш олиш тамойили тан олинган бўлса-да, жорий қилинган мукофот миқдори жуда кам ва янги технологиянинг қийматиغا арзимас эди. Бу фақат 1956 йилда ўзгартирилди, унга кўра, мукофот миқдори янгиликнинг маҳсулдорлиги билан мутаносиб бўлиши белгиланди. Шунга қарамасдан, маҳсулдорлик нархларни назорат қилишнинг амалдаги тизими ёрдамида ҳисобланган иқтисодий фойда билан ўлчангани учун бу сафар ҳам инновациялар қилиш учун катта рағбат яратмади. Бу схемалар юзага келтирган қарама-қарши рағбатларга мисоллар эса қалашиб ётибди. Чунончи, инновация учун ажратилган мукофот фонди ҳажми корхонанинг маошларга ажратилган бюджети билан чегаралангани боис бу ишчи кучини тежаши мумкин бўлган ҳар қандай янгиликни ўйлаб топиш ёки жорий қилишга бўлган рағбатни камайтиради.

Ҳар хил тартиб-қоидалар ва мукофот бериш схемаларига эътибор қаратишдан мақсад тизимнинг табиий муаммоларини ҳаспўшлаш эди. Сиёсий ҳокимият ва барча қудрат Компартия ихтиёрида қолар экан, одамларни меҳнат қилишга ундовчи рағбатларни, улар хоҳ мукофот бўлсин, хоҳ мукофот бўлмасин, тубдан ўзгартириш амри маҳол эди. Ҳокимиятга келган пайтдан бошлаб, Компартия мақсадга эришиш учун нафақат меҳнатга рағбатлантириш методидан, балки жазолаш усулидан, оғир жазолардан ҳам фойдаланди. Иқтисодиётдаги унумдорлик эса ўзгармади. Меҳнатдан бўйин товлаган ишчи-

лар учун жиний жавобгарлик белгиланган қонунларнинг бутун бошли тўплами яратилди. Чунончи, 1940 йилда қабул қилинган қонунга мувофиқ, сабабсиз ишга чиқмаслик – рухсатсиз 20 дақиқа давомида иш жойида бўлмаслик ёки иш пайтида бўш қолиш жиноятга тенглаштирилди, бунинг учун олти ойлик оғир меҳнатга жалб қилиш ва маошнинг 25 фоизи ушлаб қолиш жазоси белгиланди. Шунга ўхшаш жазонинг барча турлари хайратланарли суратда қабул қилинди ва ижро этилди. 1940 йилдан 1955 йилгача бўлган даврда 36 миллион киши ёки ёши катта аҳолининг учдан бир қисми шундай жиноятларда айбдор деб топилган. Шулардан 15 миллиони қамок жазосини олган бўлса, 250 минг киши отиб ташланган. Қамокхоналарда доим меҳнат қонунчилигини бузган бир миллион маҳбус бўларди, бундан ташқари, Сталин Сибирдаги гулагларга сургун қилган 2.5 миллион маҳбус бор эди. Аммо буларнинг ҳеч бири иш бермади. Одамларни заводларга кўчириш мумкин, аммо уларни отиб ташлаш билан кўрkitиш орқали яхши ғоялар ҳақида ўйлашга мажбур қилиб бўлмайди. Бу тариқа меҳнатга мажбурлаш Барбадос ва Ямайкада шакар ишлаб чиқаришда маҳсулдорликни оширган бўлиши мумкин, аммо замонавий саноатлашган иқтисодда у ишлашга рағбат йўқолишининг ўрнини боса олмайди.

Марказлашган режали буйруқбозлик иқтисодиётида чин маънодаги самарали рағбатлар пайдо бўлмаслигининг сабаби бонус бериш механизмини жорий қилишдаги техник хатоларда эмас. Бу иқтисодий ўсишга олиб келган экстрактив тизим учун табиий ҳолдир. Бундай иқтисодий силжиш бирламчи иқтисодий масалаларни ҳал қилиши мумкин бўлган ҳукумат топшириғи билан юз берган. Барқарор иқтисодий ўсиш фуқароларнинг ўз истеъдод ва ғояларидан фойдаланишларини талаб қилади, СССРнинг иқтисодий модели билан эса буни амалга оширишнинг умуман иложи йўқ эди. СССР раҳбарлари экстрактив

иктисодий институтлардан воз кечишлари шарт эди, ammo бундай кадам уларнинг сиёсий ҳокимиятига рахна соларди. Чиндан ҳам, 1987 йилга келиб, Михаил Горбачёв экстрактив иктисодий институтлардан қутулишни бошлаган пайтда компартия ва у билан бирга Совет давлати ҳам парчаланиб кетди.

Совет Иттифоқи экстрактив институтлар шароитида шиддатли иктисодий ўсишни юзага келтира олди, негаки большевиклар қудратли марказлашган давлат куришди ва мавжуд ҳокимиятдан ресурсларни саноатга йўналтириш йўлида фойдаланди. Бирок экстрактив институтлар билан боғлиқ бошқа мисолларда бўлгани каби, бу тажриба технологик ўзгариш ярата олмади ва давомли бўлмади. Ўсиш дастлаб секинлади, сўнг буткул инқирозга учради. Ривожланишнинг бундай шакли экстрактив институтлар, гарчи вақтинчалик бўлса-да, иктисодий фаолликка ундай олишини кўрсатади.

Инсоният тарихидаги аксарият жамиятлар экстрактив институтлар билан бошқарилган. Мамлакат устидан қандайдир даражада тартиб ўрната олганларгина чекланган кўламда иктисодий ўсишга эриша олган. Шунга қарамай, ўша экстрактив давлатлардан ҳеч бири барқарор ўса олмаган. Дарҳақиқат, тарихдаги айрим бурилиш нуқталари институционал ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, улар экстрактив институтларни мустаҳкамлаган ҳамда қонун-қоида ўрнатадиган ва бошқалар даромадидан фойда оладиган бир гуруҳнинг ҳокимиятини кучайтириб берган. Бобнинг давомида, аввало, маълум даражада марказлашган давлат қурган ва экстрактив институтлар ёрдамида ўсишга эришган институционал ўзгаришларнинг табиатини кўриб чиқамиз. Кейин эса бундай ёндашув бизга Неолит инқилоби – бугунги тамаддунимизнинг кўплаб соҳалари замирида шу инқилоб ётади – қишлоқ хўжалигига ўтишдек ўта муҳим ҳодисанинг моҳиятини тушунишга қай тариқа кўмаклашишини кўрсатамиз. Ниҳоят экстрактив институтлар шароитида юзага келган

Ўсишнинг нафақат технологик қолоқлик туфайли тўхтаб қолишини, балки бундай ўсиш давлат ва яратилган бойликлар устидан назоратни қўлга киритишга уринган қарама-қарши гуруҳлар ўртасидаги курашни ҳам келтириб чиқаришини Майя шаҳар-давлатлари мисолида кўрамиз.

КАСАИ ДАРЁСИ ҚИРҒОҚЛАРИДА

Конго дарёсининг энг катта ирмоқларидан бири Касаи ҳисобланади. Ангола ҳудудида бошланиб, шимолга йўналган Касаи Конго Демократик Республикаси пойтахти Киншасанинг шимоли-шарқида Конго дарёсига қўшилади. Бугунги кунда Конго Демократик Республикаси дунёнинг бошқа мамлакатлари билан таққослаганда қашшоқ бўлса ҳам, мамлакат ҳудудидаги хилма-хил гуруҳларнинг ривожланишида доим яққол тафовутлар мавжуд бўлган. Касаи дарёси ана шундай фарқли иккита гуруҳ ўртасидаги чегара ҳисобланади. Конго билан қўшилган нуқтадан кўп узоқлашмай туриб, дарёнинг ғарбий соҳилида яшайдиган *леле* халқини учратиш мумкин. Дарёдан шарқий ҳудудда эса *бушонглар* истиқомат қилади (6-харита). Бундай олиб қараганда, бу гуруҳлар ўртасида ривожланиш борасида фарқ жуда кичик бўлиши керак эди. Уларни фақат дарё ажратиб туради, ҳар қандай одам қайик ёрдамида уни кесиб ўтиши мумкин. Иккала қабиланинг келиб чиқиши бир ажодга бориб тақалади, уларнинг тили ҳам бири-бирига яқин. Қолаверса, улар яратган кўп нарсалар: уйлар, кийимлар, хунармандчилик буюмлари ҳам бир-бирига жуда ўхшаш.

Шунга қарамай, 1950-йилларда бу иккала қабилани ўрганган атрополог Мэри Дуглас ва тарихчи Ян Ван-синалар улар ўртасидаги ҳайратланарли тафовутларга гувоҳ бўлишган. Дуглас шундай ёзади:

Леле халқи қашшоқ, бушонглар эса бадавлат... Лелеларда бор ҳар қандай нарса бушонгларда кўпроқ, лелелар қила оладиган ҳар қандай ишни бушонглар яхшироқ бажаради.

Бу нотенгликнинг сабабларини тушуниш қийин эмас. Гап шундаки, лелелар ўлиб қолмаслик учунгина ни-мадир ишлаб чиқарса, бушонглар маҳсулотни бозорда айирбошлаш учун етиштиради. Бу ҳолат Перунинг Потоси мита тартиби ҳукм сурган ва бу тартиб кириб бормаган хуудлари ўртасидаги тафовутни эслатади. Дуглас ва Вансинанинг кайд этишича, леле халқи жуда содда технологияларни ишлатади. Масалан, улар ов қилиш учун тўрдан фойдаланмайди, ваҳоланки, бу маҳсулдорликни анча-мунча оширган бўларди. Дуглас шундай ёзади:

Тўрнинг йўқлиги леле халқига хос хусусият – узоқ даврга мўлжалланган ускуна учун вақт ва меҳнат сарф қилишга ихтиёрсизлик билан мос келади.

Қишлоқ хўжалиги техникалари ва жамият қурилиши борасида ҳам муҳим фарқлар мавжуд эди. Бушонг қабила-си алмашлаб экишнинг илғор шаклига амал қилади, яъни улар икки йилда беш марта ҳосил олиш механизмини йўлга қўйган. Улар ямс, ширин картошка, маниок ва ловия етиштиради, маккажўхоридан йилига баъзан уч марта ҳосил олади. Леле қабиласида эса бундай механизм йўлга қўйилмаган, улар бир йилда бир мартагина маккажўхори ҳосили олиши мумкин.

Иккала қабиланинг қонун ва тартибларида ҳам ақл бовар қилмас хилма-хиллик мавжуд. Леле қабиласи аъзолари истехком-қишлоқларда яшайди ва бу қишлоқлар мунтазам низолар гирдобиди бўлади. Бир қишлоқдан иккинчисига бормоқчи бўлган ёки егулик учун ўрмонга йўл олган ҳар қандай одам ҳужумга дучор бўлиши ёки ўғирлаб кетилиши мумкин. Бушонглар қишлоғида эса бундай ҳолат камдан-кам содир бўлади.

Иккала қабилага хос ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги технологиялари ва мавжуд хавфсизлик тартибининг икки тур кўриниши замирида нималар ётади? Бир нарса равшанки, леле халқини овчилик ва қишлоқ хўжалиги асбобларининг ибтидоий шаклларида фойдаланишга

мажбур қилган омил улар яшайдиган ҳудуднинг географик жойлашуви эмас. Бунинг сабаби билимсизлик ҳам эмас, зеро улар бушонг халқи фойдаланадиган асбоблардан хабардор. Маданий омил бўлиши ҳам мумкин-ку: лелеларда шаклланган ўзига хос маданият туфайли уларни ов тўрлари ясаш ҳамда мустаҳкам ва яхшироқ уйлар қуриш учун тер тўкишга майл бўлмаслиги мумкинми? Йўқ, бундай ёндашув ҳам ҳақиқатга тўғри келмайдиганга ўхшайди. Конгодаги бошқа қабилалар каби лелелар ҳам қурооллар сотиб олишга қизиқиш билдирган. Археолог Дуглас ҳам буни қайд этган:

Қабила аъзоларининг ўқотар қуроолларни жон-жон деб сотиб олишлари шунини кўрсатадики, уларнинг маданияти узоқ муддатли ҳамкорлик ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган ишларда янгича технологиялардан фойдаланишга қаршилик қилмайди.

Шундай қилиб, на технологиялар олдидаги маданий тўсиқлар, на жуғрофий муҳит ва на билимсизлик бушонг қабиласининг леле халқига нисбатан яхшироқ яшаётгани сабабини изоҳлай олади.

Иккала халқ ўртасидаги тафовутларнинг асл сабаблари бушонг ва леле қабиласи ерларида ўрнатилган сиёсий институтларнинг ҳар хиллигига бориб тақалади. Аввал қайд этганимиздек, лелелар ягона сиёсий тузилмага бирлашмаган алоҳида кишлоқ-истехкомларда яшар эди. Дарёнинг нариги соҳилида эса вазият бошқача эди. Чамаси 1620-йилларда Шям исмли киши бошчилигида сиёсий инқилоб юз беради. Шям маркази бушонглар ерида бўлган Куба қиролигига асос солади ва ўзини қирол деб эълон қилади (6-расм). Афтидан, мана шу даврдан олдин бушонг ва леле халқи ўртасидаги фарқ жуда кичик бўлган. Дарёнинг шарқий соҳилида Шям бошчилигида янги жамият қурилар экан, бунинг натижасида улар ўртасидаги тафовутлар юзага чиқиб борган. У марказлашган давлат ва сиёсий институтлар пирамидасини қарор топтирди.

Улар шунчаки аввалгисидан кўра яхшироқ марказлашган бўлибгина қолмасдан, юқори даражада пишиқ тузилмалар эди. Шяам ва унинг ворислари солиқлар йиғиш учун бюрократияни, конунчилик ижросини юришиш мақсадида ҳуқуқий ва миршаблик тизимларини яратди. Ҳукмдорларни маслаҳат кенгаши тийиб турар, қарор қабул қилишдан олдин оқсоқоллар билан кенгашишга тўғри келарди. Бу давлатда ҳатто қозилар ҳайъати (маслаҳатчилар иштирокидаги суд тизими) ҳам мавжуд бўлиб, Европа мустамлакачилигигача бўлган давр тропик Африкаси учун анчагина ноёб ҳодиса эди. Аммо Шяам қурган марказлашган давлат халқнинг даромадини ўзлаштириш воситаси ва чекланмаган ваколатларга эга бўлиб, сайловлар ўтказилмас, давлат сиёсати эса кўпчилик иштирокисиз, юқорининг буйруғи билан амалга ошириларди.

Кубадаги марказлашган давлат ва қонун-қоидаларни қарор топтирган сиёсий инқилоб ўз навбатида иқтисодий инқилобга йўл очди. Қишлоқ хўжалиги тизими қайта ташкил этилиб, ҳосилдорликни кўпайтириш учун янги технологиялар жорий қилинди. Аввалдан етиштирилган экинлар Американинг янги, серҳосил экин турлари (асосан, маккажўхори, маниок ва қизил қалампир) билан алмаштирилди. Экинларни аралаш экишнинг кенг қўлланилиши ўша пайтдан бошланди, киши бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми икки баробар ошди. Янги экинларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигини қайта ташкил қилиш учун далаларда кўпроқ ишчи кучи талаб қилинарди. Шу боис никоҳ ёши 20 ёшгача пасайтирилди, натижада эраклар дала ишларига эртароқ қатнашадиган бўлди. Леле қабиласи билан яққол фарқланиш бошланди. Леле эраклари 35 ёшда уйланар, улар шундан сўнггина далада ишлаши мумкин эди. Ўша пайтга қадар уларнинг ҳаёти уруш ва талончилик билан ўтарди.

Сиёсий ва иқтисодий инқилоб ўртасидаги алоқа оддий. Шяам ва унинг тарафдорлари халқдан солиқлар ва бошқа

бойликларни тортиб олишни кўзлаганди, бечора халқ эса ўзи йстеъмол қиладиган миқдордан ортиқча маҳсулот етиштиришга мажбур эди. Шяам мулозимлари билан Кубада инклюзив институтларни жорий қилмаган бўлса-да, қайсидир даражада марказлашган ҳокимият ва тартиб ўрнатилгани боис, иқтисодий ўсиш кузатилгани табиий. Иқтисодий фаолликни рағбатлантиришдан, шубҳа йўқки, Шяам ва унинг атрофидагилар манфаатдор эди, акс ҳолда, халқдан тортиб оладиган нарсанинг ўзи бўлмасди. Сталин каби Шяам ҳам фармон билан ўзи яратган тизимни ушлаб туриш учун лозим бўлган ресурсни ишлаб чиқарадиган институтларни жорий қилди. Дарёнинг нариги тарафида бутунлай тартибсизлик ва қонунсизлик ҳукм сургани билан таққослаганда, Шяам ўрнатган тузум бирмунча иқтисодий ўсишга сабаб бўлган, аммо афтидан, кўлга киритилган даромаднинг кўп қисмини қирол ва амалдорлари тортиб олган. Аммо бу ўсишнинг ҳам чегараси бор эди. Худди СССРда бўлгани каби Куба қироллигида ҳам “бунёдкор бузғунчилик” рўй бермади ва дастлабки ўзгаришларни айтмаса, технологик янгиланиш амалга ошмади. Мазкур вазият XIX аср охирида мамлакат илк дафъа Белгия истилосига дучор бўлгунга қадар бир зайлда давом этди.

Шяамнинг муваффақияти яна бир бор экстрактив институтлар ёрдамида иқтисодий юксалишнинг муайян чекланган даражасига эришиш мумкинлигини кўрсатади. Бундай ўсишга эришиш учун давлат марказлашган бўлиши керак. Давлатни марказлаштириш учун кўпинча сиёсий инқилобга эҳтиёж сезилади. Шяам Куба давлатини курган паллада ўз қудратидан иқтисодиётни қайта қуриш ва экин ҳосилдорлигини ошириш йўлида фойдалана олди, бу эса унга кейинчалик солиқлар солиш имконини берди.

Нега леле халқи эмас, айнан бушонг қабиласида сиёсий инқилоб юз берди? Лелеларда ҳам қирол Шяамга ўхшаган йўлбошчи бўлмаганмиди? Шяам эришган ютуқ-

лар институционал янгилик билан боғлиқ бўлиб, унинг географик, маданий ва билимсизлик омилларига алоқаси йўқ эди. Леле қабиласи ҳам шунга ўхшаш инкилобга эришиши ҳамда ўз институтларини янгидан ташкил этишлари мумкин эди. Аммо улар бундай қилмади. Эҳтимол, бизда уларнинг жамияти тўғрисидаги билимлар чеклангани боис бунинг сабабини тушунмаётгандирми? Катта эҳтимол шуки, бу тарихнинг қутилмаганлик табиати билан боғлиқ. Афтидан, шунга ўхшаш тарихий қутилмаганлик 12 минг йил олдин Яқин Шарқдаги жамоаларни кескин институционал ўзгаришларга бошлашда муҳим роль ўйнаган, бу ўзгаришлар эса жамоаларнинг ўтроқлашувига ҳамда кейинчалик ўсимлик ва ҳайвонларни хонакилаштиришга олиб келган. Буни кейинги мавзуда муҳокама қиламиз.

УЗОҚ ЧЎЗИЛГАН ЁЗ

Милоддан аввалги тахминан ўн бешинчи мингйилликларда ердаги иқлим исий бошлаши билан Музлик даври ниҳоясига етди. Гренландиядаги музликлар шунга кўрсатадики, қисқа муддат ичида ўртacha ҳарорат Цельсий бўйича ўн беш даража кўтарилган. Ҳарорат кўтарилиши одамлар сонининг кескин ошиши билан бир пайтга тўғри келди. Айни пайтда, глобал исий ҳайвонлар популяциясининг ҳам ортишига ҳамда ёввойи ўсимликлар ва озик-овқатнинг кўпайишига олиб келди. Милоддан аввалги ўн тўртинчи мингйилликка келиб, “Кечки дряс” номини олган иқлим совиши даври бошланиб, популяцияларнинг кенгайиш жараёни кескин ортга кетди. Бироқ милоддан аввалги 9600 йилдан бошлаб Ердаги ҳарорат кўтарилди бошлайди ва 10 йилдан камроқ муддат давомида Цельсий бўйича етти даража юқорилайди. Шундан бери сайёраимиздаги ҳарорат юқорилигича қолмоқда. Археолог Брайан Феган буни узоқ чўзилган ёз деб атайди. Иқлимнинг исийиши жуда катта бурилиш нуқтаси бўлди ва *Неолит инқилоби* – инсониятнинг ўтроқ

ҳаёт тарзига: деҳқончилик ва чорвачиликка ўтиши учун замин яратди. Башариятнинг кейинги тарихи ана шу “узоқ чўзилган ёз”нинг иссиғида кечмоқда.

Деҳқончилик ва чорвачилик билан термачилик ҳамда овчилик бир-биридан тубдан фарқ қилади. Деҳқончилик, чорвачилик ҳаёт тарзи ўсимлик ва ҳайвон турларини хонакилаштиришга асосланган бўлиб, бу турларнинг инсонларга янада фойдалироқ бўлиши учун уларнинг ҳаётига ирсий ўзгаришларга сабаб бўладиган даражада аралашишни англатади. Хонакилаштириш инсониятга мавжуд ўсимлик ва ҳайвонлардан анчагина кўпроқ егулик олиш имконини берган технологик эврилиш эди. Мисол учун, инсонлар бугунги маккажўхорининг аждоди бўлмиш ёввойи маккажўхори донларини теришни бошлаган вақтда уни маданийлаштириш бошланган. Ёввойи маккажўхори сўтаси жуда кичик бўлиб, бор-йўғи бир неча сантиметр узунликда бўлган. Замонавий маккажўхори билан солиштирганда улар жуда митти ҳисобланади. Шунга қарамай, одамлар маккажўхорининг йирик донлари ҳамда пояси ўриб олинмагунча тўқилмай қолган ўсимлик ҳосилларини саралаш орқали ҳозирги маккажўхори навларини яратди. Бу эса бир хил катталикдаги майдондан анчагина кўпроқ егулик – дон олиш имконини берди.

Деҳқончилик, чорвачилик ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларни хонакилаштиришнинг дастлабки излари Яқин Шарқдан, асосан, шартли равишда “Тепалик ёнбағирлари” деб ном олган худуддан топилган бўлиб, бу минтақа ҳозирги Исроилнинг жанубидан бошланиб, Фаластин, Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Сурия орқали жануби-шарқий Туркия, шимолий Ироқ ва ғарбий Эронга қадар чўзилади. Милоддан аввалги 9500 йилга оид энг биринчи маданий ўсимликлар қолдиқлари – бошоклари кўшқаторли буғдой ва арпа донлари Фаластиндан – Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги Арихадан (Иерихон), бошоклари кўшқаторли буғдой, ловия ва ясмиқ

шимолроқдан – Суриядаги Телл Асвад тепалигидан топилган. Ҳар иккала манзилгоҳ *Натуфия маданиятига* оид бўлиб, катта қишлоқларда жойлашган. Ўша пайтда Арихо қишлоғида беш юз киши яшагани тахмин қилинади.

Нима учун дастлабки зироатчиликка асосланган ўт-роқ манзилгоҳлар – қишлоқлар бошқа жойда эмас, айнан шу ерда пайдо бўлган? Нега ловия ва ясмиқни биринчи бўлиб бошқалар эмас, айнан натуфияликлар маданийлаштирди? Улар маданийлаштириш учун потенциал ўсимлик турлари кўп бўлган ҳудудларда яшашларига тўғри келиб қолган ва шунинг учун уларга омад кулиб боққан эдими? Дейлик, бу иддао тўғри, аммо қайд этилган ўсимлик турлари ичида яшаган кўплаб бошқа одамлар уларни маданийлаштирмаганини қандай изоҳлаймиз? Генетиклар ва археологларнинг ҳозирги хонаки ҳайвонлар ва маданий ўсимликлар аجدодларининг дунё бўйлаб тарқалиши бўйича тадқиқот натижаси бўлмиш иккинчи бобдаги 4- ва 5-хариталар орқали маълумки, бу ҳайвонларнинг кўпчилиги жуда катта – миллионлаб квадрат километрлик ҳудудлар бўйлаб тарқалган эди. Қўлга ўргатилган ҳайвон турларининг ёввойи аجدодлари бутун Евросиё бўйлаб тарқалган эди. Гарчи Яқин Шарқда ёввойи ўсимлик турлари тўлиб-тошиб ётган бўлса-да, ўсимликка бойлиги борасида бу минтақа ягона эмасди. Натуфияликларни ажратиб турувчи жиҳат уларнинг бошқаларда йўқ бўлган ёввойи турлар тарқалган жойда яшаганликлари эмас. Бу уларнинг ўсимлик ва ҳайвонларни хонакилаштиришни бошлашдан аввал ўтроқ ҳаёт кечиргани билан боғлиқ. Бунинг исботини таркибида тиш цементи – тиш қатламларида ўсадиган бириктирувчи суяк тўқимаси бўлган оху тишларида кўришимиз мумкин. Суяк тўқимаси энг жадал ўсадиган баҳор ва ёзда тиш қатламларининг ранги қишдагисидан фарқ қилади. Тишдан ажратиб олинган кичик бўлак ёрдамида оху ўлишидан аввал сўнгги бор пайдо бўлган қатламни кўриш мумкин. Ушбу метод ёрдамида оху қайси фаслда

ўлдирилганини аниқласа бўлади. Натуфия манзилгоҳларини ўрганган олимлар у ерда барча фаслларда ўлдирилган оху қолдиқларини топган, бу эса ҳудуд доимий ўтроқ манзилгоҳ бўлганидан дарак беради. Фрот дарёси бўйидаги Абу Хурайра қишлоғи чуқур тадқиқ қилинган Натуфия манзилгоҳларидан ҳисобланади. Археологлар қишлоқ қолдиқларини қарийб қирқ йил давомида ўрганган бўлиб, бу манзилнинг деҳқончиликка ўтишдан аввалги ва кейинги ўтроқ ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи энг яхши намуналардан ҳисобланади. Манзилгоҳ тахминан милоддан 9 500 йил олдин пайдо бўлган, унинг аҳолиси қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишни бошлашдан олдин 500 йил давомида термачи-овчи ҳаёт тарзини давом эттирганлар. Археологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, деҳқончилик пайдо бўлишидан олдинги қишлоқ аҳолиси юздан уч юз нафаргача бўлган.

Қишлоқ аҳолиси нима сабабдан ўтроқ ҳаётни афзал кўргани борасида турли сабабларни кўрсатиш мумкин. Аввало, кўчиб юриш қимматга тушади, болалар ва қарияларни кўтариб юриш керак. Қолаверса, кўчиб юриш пайтида озуқани камҳосил йиллар учун сақлаб қўйиш имконсиз. Ёввойи ўсимликларни териш ва қайта ишлашга мўлжалланган тегирмон, ўроқ каби ускуналар кўтариб юриш учун оғирлик қиларди. Яна шундай далиллар борки, ҳатто кўчманчи овчи-термачилар ҳам озик-овқатни муайян жойларда, масалан, ғорларда сақлаган. Маккажўхорига қизиқиш юқори бўлганининг сабабларидан бири ҳам унинг жуда яхши сақланиши билан боғлиқ бўлган. Шу сабабдан у Американинг ҳар иккала қисмида кенг миқёсда етиштирилган. Омборни самарали ташкил этиш ва озик-овқатни гамлаш имконияти ўтроқ ҳаёт тарзига ўтишда асосий омил бўлган.

Ўтроқ ҳаёт ҳамма учун маъқул ҳисобланса-да, бундай турмуш тарзига ўтиш зарурий тарзда юз беравермайди. Кўчманчи овчи-термачилар жамоаси бунга ўзлари истак

билдирган бўлиши ёки кимдир бунга мажбур қилган бўлиши ҳам мумкин. Баъзи археологларнинг фикрича, аҳоли зичлигининг ортиши ҳамда турмуш шароитларидаги пасайиш ўтроқ ҳаётнинг пайдо бўлишида энг муҳим омиллар саналиб, одамларни бир жойда қолишга мажбур қилган. Бироқ Натуфия манзилгоҳларида аҳоли зичлиги аввалги жамоаларга қараганда юқори бўлмаган, шунинг учун аҳоли зичлигининг ортиши далил бўла олмайди. Топилган скелет ва тиш қолдиқлари ҳам одамлар соғлиғи ёмонлашганини кўрсатмайди. Чунончи, овқат егишмовчилиги гипоплазияга – инсонларда тиш эмали ривожланишида бузилиш юз беришига олиб келиши керак эди. Аммо натуфияликларда бу касаллик улардан кейинги деҳқончилик билан шуғулланган аҳолига қараганда камроқ учрайди.

Энг муҳими, ўтроқ ҳаётнинг афзалликлари билан бирга камчиликлари ҳам бор. Ўтроқ жамоалар учун келишмовчиликларни бартараф этиш анчагина машаққатли юмушга айлангани эҳтимол. Зеро кўчманчи гуруҳлар низоларни шунчаки кўчиб кетиш орқали осонроқ йўл билан ҳал қилишлари мумкин эди. Вақти келиб, одамлар доимий яшаш учун уй ва қўтариб юра олмайдиган даражада кўп буюмларга эга бўлганда, кўчиб юришга қизиқмай қўйдилар. Шунинг учун қишлоқларда низоларни ҳал қилишнинг самаралироқ усуллари ва мулк борасида мукамалроқ тушунчага эга бўлишга эҳтиёж сезилди. Қишлоққа яқин жойдаги ердан ким фойдаланиши мумкинлиги, қайси дарахт мевасини ким олиши мумкинлиги ва дарёнинг қайси қисмида ким балик тутишини белгилаш бўйича қарорлар қабул қилинишига эҳтиёж туғилди. Қондалар ўйлаб топилиши, уларни юзага келтирган ва амалиётга жорий қилган институтлар такомиллаштирилиши лозим эди.

Ўтроқ ҳаёт пайдо бўлиши учун овчи-термачилар чиндан ҳам, қўним топишга мажбур бўлишлари керак эди.

Шундан сўнг сиёсий элитага айланажак гуруҳнинг кўлида ҳокимият тўпланиши билан боғлиқ институционал янгилик юз бериши талаб қилинади. Сиёсий элита эса мулк ҳукукини жорий қилиши, тартибни сақлаши ҳамда жамиятнинг бошқа аъзоларидан ресурсларни тортиб олиш орқали ўз мавқеидан манфаат кўриши керак эди. Қирол Шяам бошлаган инқилобга ўхшаш сиёсий инқилоб, гарчи кўлами жиҳатдан кичикроқ бўлса-да, ўтроқ ҳаёт бошлаган муҳим ҳодиса бўлгани эҳтимолдан холи эмас.

Археологик далиллар шунни кўрсатадики, натуфияликлар деҳқончилик билан шуғуллана бошлашларидан анча илгари иерархия, тартиб-қоидалар ва тенгсизлик каби биз экстрактив институтларга хос деб биладиган хусусиятларга эга бўлган мураккаб жамият курган. Иерархия ва тенгсизлик мавжуд бўлганини кўрсатувчи рад қилиб бўлмайдиган далиллардан бири бу натуфияликларнинг қабрлари ҳисобланади. Баъзи кишилар жуда кўп миқдорда обсидиан¹ ва Кармел тоғи яқинидаги Ўртаер денгизи соҳилларидан келтирилган денталиум моллюскаси чиганоклари билан дафн қилинган. Бундан ташқари, маржонлар, боғичлар ҳамда итнинг қозик тишлари ва кийик суякларидан ясалган билагузуклар, шунингдек, чиганоклар каби зеб-зийнат буюмлари билан дафн қилинганлар ҳам учрайди. Бошқалар эса бундай нарсаларсиз кўмилган. Чиганоклар ва обсидиан билан савдо қилинган, бу олди-соғди устидан назорат эса ҳокимиятнинг жамланиши ва тенгсизликнинг манбаи бўлгани эҳтимол. Иқтисодий ва сиёсий тенгсизликнинг бошқа исботини Табария кўли шимолидаги Айн Маллаҳа манзилгоҳи топилмаларида ҳам кўриш мумкин. Доира шаклида элликтача кулба ва омбор сифатида фойдаланилган ўралар ўртасида, марказга яқин жойда, обдан сувоқ қилинган каттакон иморат қад ростлаган.

¹ Шишаснмон вулкон тоғ жинси.

Бу иморат катта эҳтимол билан сардорнинг уйи бўлган. Манзилгоҳдаги қабрлар орасида баъзилари анчагина пухта ишланган бўлиб, бош суягига сигинишнинг (аждодларга сигиниш бўлиши мумкин) кўринишлари учрайди. Бундай эътиқод намуналари Натуфия манзилгоҳлари, айникса, Иерихонда кўп учрайди. Натуфияда топилган топилмалар бу тамаддуннинг зодагонлик мақоми авлоддан-авлодга ўтишига асослангани, пухта институтлар аллақачон қарор топган жамият бўлиб улгурганидан далолат беради. Улар узоқ ҳудудлар билан савдо-сотик қилган, диний эътиқод ва сиёсий табақалашувнинг ибтидоий шаклларига эга бўлган.

Сиёсий элитанинг пайдо бўлиши катта эҳтимол билан дастлаб ўтроқ ҳаётга, сўнгра деҳқончиликка ўтишга замин яратган. Натуфия манзилгоҳларини тадқиқ қилишдан аён бўладики, ўтроқ ҳаёт тарзи, албатта, деҳқончилик ва чорвачиликка ўтилганини англатмаган. Одамлар бир жойда муқим ўрнашишлари, айна пайтда эса овчилик ва термачилик билан тирикчилик қилишлари мумкин эди. Умуман олганда, глобал исиш ёввойи ўсимликлар ҳосилининг мўл-кўл бўлишига, бу эса овчилик ва термачиликка қизиқиш кучайишига олиб келган бўлиши керак. Аксар инсонлар кўп меҳнат талаб қилмайдиган, овчилик ва термачиликка асосланган мавжуд ҳаёт тарзидан анча мамнун бўлгандир, балки. Ҳатто технологик янгиликлар ҳам ҳар доим ҳосилдорлик ошишига олиб боравермайди. Чиндан ҳам, Австралиядаги *Йир Йоронт* халқида – аборигенлар ҳаётида юз берган муҳим технологик янгилик – пўлат болтанинг пайдо бўлиши маҳсулдорликни орттириш ўрнига уйқучиликка олиб келди. Негаки, бу мавжуд талабларни осонроқ бажариш имконини бергани ҳолда кўпроқ ишлаш учун рағбат уйғотмаган.

Анъанавий – жуғрофий омил назариясига кўра, (биз Жаред Даймонд илгари сурган қарашнинг мағзи

бўлган бу назарияни иккинчи бобда ўргангандик), Неолит инқилоби учун замин яратган омил осонгина хонакилаштириш мумкин бўлган жуда кўплаб ўсимлик ва ҳайвон турларининг мавжудлиги саналади. Мазкур омил одамларни деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишга ундаб, ўтроқ ҳаётга ўтишни тезлаштиради. Жамоалар муқим ҳаёт тарзига ўтиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлагандан сўнг сиёсий табақаланиш, диний қарашлар ва энг муҳими, мураккаброқ институтлар пайдо бўла бошлади. Кўпчилик томонидан тан олиншига қарамасдан, Натуфия манзилгоҳларидан олинган топилмалар мазкур анъанавий қарашнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини кўрсатади. Ибтидоий жамиятларда институционал ўзгаришлар улар деҳқончиликка ўтишидан биров олдинроқ юз берган ҳамда айнан мана шу ўзгаришлар ўтроқ ҳаётга ўтишга, алалоқибат Неолит инқилоби юз беришига сабаб бўлган. Ўз навбатида, ўтроқ ҳаёт институционал ўзгаришларни кучайтирган. Бундай хулосага келишга нафақат энг кўп ўрганилган Яқин Шарқдаги топилмалар, балки ҳар иккала Америка, тропик Африка ва Шарқий Осиёдан топилган далиллар сабаб бўлган.

Чиндан ҳам, деҳқончиликка ўтиш ҳосилдорликнинг янада ошишига олиб келди ва аҳолининг сезиларли даражада кўпайишига имкон берди. Чунончи, Иерихон ва Абу Хурайра каби манзилгоҳларда қишлоқ ҳудуди деҳқончилик қилиш бошлангандан сўнг аввалгига қараганда анча каттароқ бўлганини кўриш мумкин. Умуман, деҳқончиликка ўтган қишлоқлар икки баравардан олти бараваргача катталашган. Бундан ташқари, кўпчилик мазкур инқилоб билан боғлиқ деб ҳисоблайдиган жуда кўп натижалар ҳам шубҳасиз содир бўлди. Қилинадиган машғулотларда ихтисослашув, технологик жиҳатдан жадал олға силжиш юз берди ҳамда бирмунча мураккаб, аммо тенг ҳуқуқлилик хусусияти камроқ бўлган сиё-

сий институтлар тараққий эта бошлади. Аммо бу ўзгаришларнинг муайян ҳудуддагина содир бўлиши ўсимлик ва ҳайвон турларининг тарқалиши билан боғлиқ эмас эди. Аксинча, улар жамиятнинг дастлаб ўтроқ ҳаётга ўтишига, кейин эса деҳқончилик пайдо бўлишига имкон берган институционал, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларни бошдан кечиргани натижаси эди.

Гарчи глобал исиш ҳамда ўсимлик ва ҳайвон турларининг мавжудлиги инқилобнинг амалга ошишига ёрдам берган бўлса-да, иқлим исий бошлагандан сўнг инқилоб айнан қаерда, қачон рўй беришини бу омиллар белгиламаган. Аксинча, бу глобал исиш каби бурилиш нуқтасининг кичик, аммо муҳим аҳамиятга эга институционал тафовутлар билан алоқасига боғлиқ. Иқлим исий бошлаган вақтда айрим жамоаларда, жумладан, Натуфияда марказлашган институтлар ва табақалашининг илк унсурлари ривожлана бошлаган, шунга қарамай, замонавий давлатлар билан солиштирганда марказлашиш ва иерархиянинг кўлами жуда кичик эди. Шяам ҳукмронлиги давридаги бушонгга ўхшаб, жамият ёввойи ҳайвон ва ўсимликлар сероблиги туфайли пайдо бўлган янги имкониятлардан фойдаланадиган шаклда қайта қурилди. Янги имкониятлардан фойда кўрадиган ва сиёсий марказлашишдан манфаатдор бўлган энг асосий тоифа эса, шубҳасиз, сиёсий элита эди. Бироз бошқачароқ институтлар мавжуд бўлган жамоалар эса сиёсий элитага худди шундай қулай вазиятдан фойдаланиб қолишга имкон бермади, натижада сиёсий марказлашиш борасида ҳамда ўтроқ, қишлоқ хўжалигига асосланган ва мураккаброқ жамият қурилиши жиҳатдан орқада қолди. Бу эса худди юқорида кўриб чиққан имиз каби келажакда тафовутлар катталашиб бориши учун замин ҳозирлади. Мазкур тафовутлар пайдо бўлганда улар айрим жойлардагина тарқалди. Масалан, Европага деҳқончилик милоддан 6500 йил аввал Яқин Шарқдан,

асосан, деҳқонларнинг кўчиши туфайли кириб келди. Европада институтлар дунёнинг бошқа жойларидан айри йўналишда кетди. Масалан, Африкада дастлабки институционал шароит ўзгача бўлган ва Яқин Шарқда глобал исиш билан йўлга қўйилган янгиликлар анча кечроқ, шунда ҳам бутунлай бошқача шаклда содир бўлди.

Неолит инқилобига олиб келгани эҳтимоли юқори бўлса-да, натуфияликларнинг институционал янгиликлари дунё тарихида катта из қолдирмади ва ҳозирги Исроил, Фаластин ва Сурия ҳудудларининг узоқ йиллик узлуксиз тараққиётига олиб келмади. Бугунги кунда Сурия ва Фаластин дунёнинг нисбатан камбағал мамлакатлари ҳисобланса, Исроил тараққиёти асосан Иккинчи жаҳон урушидан кейин яҳудийларнинг оммавий кўчиб келиши, уларнинг яхши таълим олгани ва илғор технологиялардан осон фойдаланиши билан боғлиқ. Натуфия аҳолиси эришган дастлабки ўсиш барқарор давом этмагани билан СССРдаги ўсиш тўхтаб қолганининг сабаблари бир хил. Аҳамияти жуда юқори ҳамда ўз даври учун инқилобий бўлганига қарамай, бу ўсиш экстрактив институтлар шароитида юз берганди. Натуфия жамиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундай ўсиш мавжуд институтлар назорати ҳамда қўлга киритилажак имтиёзлар учун кескин низоларни юзага келтирган бўлиши керак. Қўлга киритиладиган даромаддан манфаатдор ҳар қандай элитага қарши унинг ўрнига даъвогар рақиблар топилиши табиий. Гоҳида ўзаро кураш шунчаки бир элита гуруҳини бошқасига алмаштириш билан якунланади. Баъзида эса ички ихтилофлар – Майя шаҳар-давлатлари яратган мухташам тамаддун минг йил муқаддам қандай қулагани сингари – бутун бошли экстрактив жамиятни вайрон қилади, жамият ва давлат инқирозига сабаб бўлади.

БЕҚАРОРЛИК

Деҳқончилик дунёнинг турли чеккаларида бир-бирдан мустақил тарзда вужудга келди. Ҳозирги Мексика ҳу-

дудида яшаган халқлар давлатлар ва манзилгоҳлар қуриб, қишлоқ хўжалигига ўтди. Яқин Шарқдаги на-туфияликларга ўхшаб, улар иқтисодий ўсишнинг муай-ян босқичига чиқди. Мексика, Белиз, Гватемала ва Ғарбий Гондурасдаги Майя шаҳар-давлатлари амалда экстрактив институтларга асосланган, етарлича илғор та-маддун қурди. Майя тажрибаси нафақат экстрактив ин-ститутлар шароитида ўсишга эришиш мумкинлигини, балки ўсишнинг бундай турида яна бир муҳим камчилик борлигини ҳам кўрсатади. Турли гуруҳлар ва шахслар ҳокимият учун қурашар экан, юзага келган сиёсий бе-қарорлик охир-оқибат давлат ва жамият таназзулига олиб келади.

Майя шаҳарлари илк бор милoddан аввалги V асрда тараққий эта бошлаган. Дастлабки шаҳарлар милodий I асрда инкирозга учраган. Кейинчалик пайдо бўлган янги сиёсий модел 250–900 йиллардаги Классик даврга асос бўлди. Бу даврда Майя маданияти ва тамаддуни ўз тараққиёти чўққисига чиқди. Бироқ шунчалик илғор тамаддун ҳам кейинги олти асрдаги воқеалар ривожини натижасида қулади. Испан конкистадорлари истилоси бошланган XVI аср бошларига келиб, майяларнинг Тикал, Паленке, Калакмул каби шаҳарларидаги улкан ибодат-хона ва саройлари ўрмон ичида қолиб кетганди. Улар XIX асрга келибгина қайта кашф қилинди.

Ғарчи айримлари бошқаларига тобе ҳисобланса-да, Майя шаҳарлари ҳеч қачон ягона империяга бирлашма-ган. Улар, асосан, уруш пайтларида ўзаро иттифоққа кел-ган. Шаҳарлар сони улар қолдирган битиклардан маъ-лум бўлишича, элликтага етади. Майя шаҳар-давлатлари ўртасидаги асосий боғлиқлик шундан иборатки, бу шаҳарларнинг аҳолиси ўттиз битта ҳар хил, лекин бир-бирига яқин бўлган тилларда сўзлашган. Майяларда ёзув жуда яхши ривожланган. Элитанинг ҳаёти, мадания-ти ва динининг кўп жиҳатлари тасвирланган битиклар-

дан камида ўн беш мингтаси сакланиб қолган. Улар “Узун ҳисоб” деб аталувчи, кунларнинг ҳисоби учун мўлжалланган, ўз даври учун анчагина мукамал тақвим ҳам ишлаб чиққанлар. Бу тақвим ҳозирги кунда биз ишлатадиган календарга жуда ўхшаш бўлиб, йилларнинг ҳисоби аниқ белгиланган санадан бошлаб юритилган ва барча Майя шаҳарларида фойдаланилган. Майялар тақвими милоддан аввалги 3 114 йилдан бошланган бўлиб, бу санани майяларга қандай ҳодиса боғлаб турганидан беҳабармиз. Майялар жамиятига хос нарсаларнинг пайдо бўлиши бу санадан анча кейинги даврга бориб тақалади.

Майялар мохир қурувчи ҳам бўлиб, мустақил тарзда цементни ихтиро қилган. Майялар кўпинча ҳодисаларни ўз тақвимларидаги ҳисоб бўйича ёзиб қолдирганлари туфайли уларнинг иморатлари ва битиклари Майя шаҳарларининг тараққиёт йўналиши бўйича бизга қимматли маълумотларни беради. Шу боисдан ҳам барча Майя шаҳарларини ўрганган археологлар муайян йилда қанча иморат қуриб битказилганини ҳисоблаб чиқишлари мумкин. Милодий 500 йилларда жуда кам иморатлар ҳақида ёзиб қолдирилган. Масалан, Майя тақвимининг бизнинг ҳисобдаги 514 йилга тўғри келадиган йилида ўн-та қурилиш ёзилган. Кейин рақамларда барқарор ўсиш юз бериб, 672 йилда йигирмата, VIII асрнинг ўрталарига келиб эса қурилишлар қирқтага етган. Шундан кейин ёзиб қолдирилган иморатлар сонидан кескин пасайиш бошланган. IX асрга келиб йилига ўнтадан бино қурилган бўлса, X асрда қурилишлар тўхтаб қолган. Қолдирилган солномалар бизга Майя шаҳарларининг кенгайиши ва VIII асрнинг охиридан бошлаб қисқаришга учрагани бўйича аниқ тасаввур беради.

Саналар бўйича таҳлиллар Майя кироллари тўғрисида ёзиб қолдирилган маълумотлар билан янада бойитилиши мумкин. Майяларнинг ҳозирги Гондурас ҳудудида жойлашган Копан шаҳрида “Қ меҳроби” номи билан

машхур ёдгорлик бор. Унда сулола асосчиси бўлган Кинич Яш Кук Модан (маъноси Яшил куёш, кецал ва макау-тўти подшоси) бошлаб, барча ҳукмдорларнинг исмлари битилган. Қиролнинг исми нафақат куёш шарафига, балки Марказий Америка ўрмонларида учрайдиган, патлари майялар томонидан ғоят қадрланган икки ғайриодатий куш номи билан ҳам номланган. Мехробдаги ёзувлардан маълум бўлишича, қирол Кинич Яш Кук Мо 426 йилда Копанда тахтга ўтирган. У асос солган сулола бу шаҳарда 400 йил ҳукмронлик қилган. Яш Кукнинг ворислари ҳам ўзига ўхшаган ғалати номлар билан аталган. Ўн учинчи ҳукмдорнинг исми “Ўн саккиз куён” деб таржима қилинса, кейингисининг исми “Тутунранг Маймун” бўлган, ундан кейин тахтга чиққан ва 763 йилда вафот этган ҳукмдор эса “Тутунранг Чиганок” деб аталган. Ёдгорликка кўра, силсиланинг сўнгги – ўн олтинчи ҳукмдори Яш Пасах Чан Йоаат (“Худо ёритган биринчи тонг отган осмон”) бўлиб, Тутунранг Чиганокнинг ўлиmidан сўнг тахтга ўтирган. Ундан кейин Копанда фақат битта қирол – Укит Тоок (“Чакмоқтош ҳомийси”) ўтгани ёдгорлик парчасидан бизга маълум. Яш Пасахдан кейин қурилишлар ва битиклар ёзилиши тўхтаб қолган, демак, сулола тез орада ҳокимиятдан қулатилган бўлса керак. Эҳтимол, Укит Тоок ҳақиқий тахт вориси эмас, унга даъвогар бўлган.

Копан тарихини ўрганишнинг яна бир усули Анн-Коринн Фретер, Нэнси Гонлин ва Дэвид Вебстер каби археологлар томонидан қўлланилган. Мазкур олимлар Копан водийсида саккиз ярим асрлик даврда – 400–1250 йиллар давомида манзилгоҳларнинг ёйилишини тадқиқ қилиш орқали Копан давлатининг тараққий этиш ва таназзулга учраши харитасини тузиб чиқдилар. Бунинг учун обсидианни гидратациялаш усули қўлланилган бўлиб, бу усул ёрдамида обсидиан қазиб олинган вақтда унинг таркибидаги сувнинг миқдори ўлчаб кўрилган. Обсидиан қазиб олинганда, унинг таркибидаги сув

миқдори маълум миқдорда камая бошлайди, бу эса об-сидианнинг қачон қазиб олинганини аниқлаш имконини беради. Олимлар Копан водийсидаги обсидиан бўлак-лари топилган жойларнинг харитасини тузиб чиқиш-ди ҳамда шаҳарнинг қай йўсинда кенгайиб, қандай кичрайганини аниқлашди. Муайян ҳудуддаги уйлар ва биноларнинг сони борасида ишончли тахминга суяниш имкони борлиги туфайли шаҳарнинг тахминий аҳоли сонини ҳисоблаш мумкин эди. Милодий V асрнинг би-ринчи ярмида шаҳарда аҳоли кам бўлиб, тахминан, олти юз киши атрофида бўлган. Аҳоли сони тўхтовсиз ўсиб бориб, 750–799 йилларда чўққига чиққан: йигирма саккиз мингтага етган. Гарчи бугунги шаҳарсозлик кўрсаткич-лари учун катта сон бўлмаса-да, ўша давр учун бу сал-моқли эди. Бу рақамлар ўша пайтда Копаннинг аҳолиси Лондон ва Парижникидан кўпроқ бўлганини англатади. Майянинг Тикал ва Калакмул каби шаҳарлари, шубҳасиз, анча катгароқ бўлган. Майялар тақвимига ишонсак, милодий 800 йилда Копан ўз тарихидаги энг кўп аҳолига эга бўлган. Шундан сўнг шаҳар аҳолиси камая бошлаган ва 900 йилга келиб, ўн беш минг кишини ташкил этган. Шу тариқа пасайиш давом этиб, 1200-йилларда аҳоли сони саккиз аср олдинги кўрсаткичга тушиб қолган.

Майя тамаддунининг классик давридаги тарақ-қиётнинг асоси Бушонг ва Натуфия цивилизациялари – маълум даражада марказлашган ҳокимият яратган экстрактив институтлар билан бир хил. Бу институт-ларнинг бир қатор муҳим унсурлари бор. Тахминан ми-лодий 100-йилларда Гватемаладаги Тикал шаҳрида бош-қарувнинг янги шакли – ҳокимият авлоддан-авлодга ўтадиган қироллик пайдо бўлади. Кухул ахавга (илоҳий ҳукмдор, қирол) тобе бўлган юкори табақа ахавлар (хо-ким, сардор) деб аталиб, ўзига хос зодагонлар иерар-хиясини куради. Илоҳий сардор жамиятни ана шу зодагонлар элитаси билан ҳамкорликда ташкил қилади

ва худолар билан ҳам алоқа ўрнатиш вазифасини бажаради. Бизга маълумки, бундай янги сиёсий институтлар сиёсий жараёнларда аҳолининг оммавий иштирокини таъминламаса ҳам, барқарорлик келтиради. Қирол деҳқонлардан солиқни йиғиб олади ва мажбурий тарзда мухташам иморатлар қуриш ишини ташкиллаштиради. Бу институтларнинг уйғунлиги улкан иқтисодий ўсиш учун замин яратди. Майялар иқтисоди касбларнинг кенг миқёсда ихтисослашуви устига қурилганди: уларда моҳир кулоллар, тўқувчилар, дурадгорлар, наққошлар ва ускуназорлар бор эди. Улар ўзаро ва Мексиканинг узок шаҳарлари аҳолиси билан обсидиан, коплон териси, денгиз чиғаноклари, какао, туз ва қуш патлари воситасида савдо қиларди. Катта эҳтимол билан майяларда пул ҳам мавжуд бўлган, улар ацтеклар каби какао уруғларидан валюта сифатида фойдаланган.

Экстрактив сиёсий институтлар асосида Майя тамаддунининг ривожланиш йўли Бушонг қабиласидаги вазиятнинг айнаи ўзи, фақат бушонглар кироли Шяамнинг ишини Тикалда Ях Эб Шок бажарган. Янги сиёсий институтлар иқтисодий жihatдан жуда муҳим илдамлашга сабаб бўлди, бироқ яратилган бойликнинг аксарият қисмини қирол атрофида ўрнашган янги элита тортиб оларди. Шунга қарамай, бу тизим тақомилига етган 300-йилларда технологик таракқиёт жуда секин кечди. Чунончи, ирригация ва суғориш тизимларининг илғор шакллари мавжуд бўлганига далиллар етарли бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ускуналари ҳали ибтидоий ва ўзгаришга юз тутмаганди. Қурилиш ва санъат техникалари вақт ўтиши билан тақомиллашиб борганига қарамай, умумий ҳисобда инновация деярли йўқ эди.

Биз бунёдкор бузгунчилик деб атаган ҳодиса ҳам юз бермади. Аммо бузгунчиликнинг бошқа шакллари рўй берди, чунончи, экстрактив институтлар натижасида қирол ва зодагонлар қўлга киритган бойликлар доимий

урушларга сабаб бўлди ҳамда вазият даврлар ўтиши билан оғирлашди. Майя битикларида урушларнинг солномаси ҳам ёзиб қолдирилган бўлиб, махсус белгилар таквимдаги аниқ вақтда урушлар содир бўлганини кўрсатади. Майялар назарида Венера сайёраси уруш ҳомийси саналарди, хусусан, сайёра орбитасининг муайян фазалари уруш бошлаш учун муваффақиятли давр сифатида кўриларди. Урушни ифодаловчи белгига археологлар томонидан “юлдузлар уруши” номи берилган бўлиб, унда қандайдир суюқлик – сув ёки қон билан бирга ерга ёғаётган юлдузлар тасвирланган. Ёзма битиклардан иттифокчилик ва ўзаро ихтилофлар қандай бўлганини ҳам билиш мумкин. Тикал, Калакмул, Копан ва Паленке каби йирик шаҳар-давлатлар ўртасида ҳокимият ҳамда кичикроқ қарам шаҳарларни вассалга айлантириш учун узундан-узоқ курашлар бўлган. Бунинг исботини тахтни ким эгаллаганини кўрсатувчи белгиларда кўриш мумкин. Бу даврда майялар ўз битикларида кичикроқ шаҳарларни бошқа, бегона қирол бошқараётганини қайд этишни бошлаган.

10-харитада майяларнинг асосий шаҳарлари ўртасидаги муносабатларнинг турли кўринишлари тасвирланган бўлиб, у археологлар – Николай Грубе ва Саймон Мартин томонидан ишлаб чиқилган. Харитадаги тасвирлар Калакмул, Дос-Пилас, Пьедрас Неграс ва Йашчилан каби шаҳарлар ўзаро кенг қамровли дипломатик алоқалар олиб борганига қарамасдан, кўпинча айримлари бошқаларига вассал бўлгани ва бир-бирлари билан урушганини кўрсатади.

Майялар инкирози борасидаги энг кучли факт шуки, у кухул ахав бошқарувига асосланган сиёсий моделнинг кулаши билан бир вақтга тўғри келган. Копан бўйича далиллардан маълумки, у ерда қирол Яш Пасах 810 йилда вафот этгандан сўнг бошқа қироллар бўлмаган. Айнаун ўша вақтларда қироллик саройлари ташлаб кетилган.

Копандан 20 мил шимолда жойлашган Киригуа шахрида охирги қирол – “Зангори Осмон” 795–800 йилларда ҳукмронлик қилган. Қайд этилган энг сўнгги иморат қурилиши ҳам майялар календари бўйича милодий 810 йилга – қирол Яш Пасах вафот этган вақтга тўғри келади. Шундан сўнг кўп ўтмай, шаҳар кимсасиз қолган. Барча Майя шаҳар-давлатлари тақдири ўхшаш: савдо-сотик, қишлоқ хўжалигининг кенгайиши ва аҳолининг кўпайиши учун шароит яратган сиёсий институтлар ғойиб бўлган. Қирол бошқаруви ишлашдан тўхтаган, ёдгорликлар ва ибодатхоналар қурилмаган, саройлар ҳувуллаб қолган. Сиёсий ва ижтимоий институтлар парчаланиб, давлатнинг марказлашиш жараёни ортга кетган, иқтисодиёт қисқариб, аҳоли сони кескин озайган.

Айрим ҳолларда йирик иқтисодий марказлар кенг қўламли босқинчилик туфайли қулаган. Гватемаланинг Петексбагун вилояти бунга ёрқин мисол бўлади. У ерда улкан ибодатхоналардан кўпориб олинган тошлар кейинчалик улкан мудофаа деворларига ишлатилган. Бу кейинчалик Рим империясида юз берган ҳодисаларга ғоят ўхшайди, буни кейинги бобда ҳали таҳлил қиламиз. Кейинчалик эса ҳатто инқироз пайтида ҳам зўравонлик аломатлари камроқ бўлган Копан каби шаҳарларда кўплаб иморатлар бузиб ташланган ёки зарар етказилган. Айрим жойларда эса қирол ағдариб ташлангандан сўнг ҳам элита сақланиб қолган. Копанда элитанинг бутунлай йўқликка учрашдан аввалги камида икки аср давомида янги бинолар қуришда давом этганига далиллар бор. Қолган жойларда эса элита ҳукмронлик қилганлар билан бир пайтда йўқ бўлганга ўхшайди.

Мавжуд археологик далиллар нима учун қирол ва унинг атрофидаги элита ҳокимиятдан ағдарилгани ва Майя классик даври тамаддуни яратган институтлар инқирозга юз тутгани бўйича аниқ ҳулоса қилишга имкон бермайди. Бизга аён бўлгани шуки, инқироз шаҳарлар

ХАТО НИМАДА?

Тарихда экстрактив институтлар кўп учрайди, чунки улар кучли мантикка асосланган: улар маълум даражада фаровонлик олиб келади, айти пайтда бойлик тор доирадаги элитанинг қўлида тўпланади. Бундай ўсиш юз бериши учун марказлашган сиёсий ҳокимият бўлиши талаб қилинади. Агар ҳокимият марказлашган бўлса, давлатда (ёки давлатни бошқарадиган элита вакилларида) одатда инвестиция қилиш ва бойлик орттириш учун рағбат мавжуд бўлади, давлат бошқаларни инвестиция қилишга ундайди, токи кейинчалик улардан ресурсларни тортиб олиши мумкин бўлсин. Давлат ҳатто инклюзив институтлар ва бозорга хос жараёнларга ўхшаш ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Кариб ҳавзасидаги, плантацияларга асосланган мамлакатларда элитанинг экстрактив институтлари ёрдамида қуллар шакар ишлаб чиқаришга мажбурланарди. СССРда эса Коммунистик партия тимсолида экстрактив институтлар ресурсларни қишлоқ хўжалигидан саноатга йўналтириб, ишчилар учун бирмунча рағбат яратди. Гувоҳ бўлганимиздек, бу рағбатлар ўша экстрактив тизим томонидан вайрон қилинган.

Экстрактив ривожланишга эришиш эҳтимоли сиёсий марказлашишга туртки беради, шунинг учун ҳам қирол Шяам Куба қироллигини тузишни истаганди. Шу сабабли ҳам Яқин Шарқдаги натуфияликлар қонун, тартиб ва табақаланишнинг содда шакллари ҳамда экстрактив институтларни жорий қилишга урингани эҳтимол. Бу эса охир-оқибат Неолит инқилобига олиб борган. Шунга ўхшаш жараёнлар Америкада ўтроқ жамиятларнинг пайдо бўлишига ва термачиликдан дехқончиликка ўтилишига асос бўлган. Бунини ривожланган Майя тамаддуни мисолида ҳам кўриш мумкин, бу жамият тор доирадаги элита манфаатлари учун мажбурий меҳнатга асосланган юқори даражадаги экстрактив институтлар устига қурилганди.

Бироқ экстрактив институтлар шароитида рўй берган

Ўсиш инклюзив институтлар таъсирида содир бўлган ўсишдан моҳиятан фарқ қилади. Энг муҳими, экстрактив ўсиш барқарор бўлмайди. Экстрактив институтларнинг табиатидан келиб чиқадиган бўлсак, бундай институтлар бунёдкор бузғунчиликка ундамайди ва кўпи билан, чекланган миқдордаги технологик ўсиш яратиши мумкин. Шунинг учун ҳам экстрактив институтлар юзага келтирилган ўсиш фақат маълум муддат давом этади. Совет Иттифоқи тажрибаси бу чегаранинг ёрқин намунаси ҳисобланади. СССРда дунёдаги энг илғор технологиялардан айримларига эришиш ҳамда ресурсларни самарасиз қишлоқ хўжалигидан саноат соҳасига жойлаштириш орқали жадал ўсиш кузатилди. Бироқ охир-оқибатда қишлоқ хўжалигидан тортиб саноатгача бўлган барча соҳаларда туғдирилган рағбатлар технологик тараққиётни давом эттириш учун етарли бўлмади. Тараққиёт фақат айрим соҳалардагина юз берди, негаки ресурслар Ғарб билан рақобат қилиш лозим бўлган соҳаларга йўналтирилиб, инновациялар барча имкониятларни ишга солган ҳолда жорий этилди. Советча ўсиш қанчалик шиддат билан рўй бермасин, умри қисқа бўлиши муқаррар эди ва 70-йилларга келиб, ўсиш тўхтаб қолди.

Бунёдкор бузғунчилик ва инновациянинг етишмаслиги экстрактив институтлар шароитида қатъий чегаралар бўлишининг ягона сабаби эмас. Майя шаҳар-давлатлари тарихи янада хатарлироқ ва, афсуски, экстрактив жамиятларда кўп кузатиладиган натижанинг ёрқин намунаси ҳисобланади, бу эса яна ўша экстрактив институтларнинг ички мантигига бориб тақалади. Экстрактив институтлар элита учун катта фойда манбаи экан, бошқаларда мавжуд элитани алмаштириш учун курашишга кучли рағбат уйғонади. Шу туфайли ҳокимият учун ўзаро кураш ва тарқоклик экстрактив институтларга хос хусусият ҳисобланади. Экстрактив институтлар фақат келажакдаги самарасиз натижаларга сабаб

бўлибгина қолмай, кўпинча сиёсий марказлашишни чиппакка чиқариши мумкин. Гоҳида эса мамлакат худди Майя шаҳар-давлатларида тараққиётга эришилган Класик тамаддун давридан кейин бўлгани каби бутунлай қонунсизлик, тартибсизлик ва парокандаликка дучор бўлиши ҳам мумкин.

Табиий равишда чекланган бўлса-да, экстрактив институтлар шароитидаги ўсиш амалга ошаётган паллада ҳайратланарли туюлиши мумкин. Худди ҳозирги Хитойдаги шиддатли ўсиш суръати дунёни ларзага солгани каби СССРда 1920–1960 йилларда, ҳаттоки 70-йилларда юз берган иқтисодий ўсиш кўпчилик совет фуқаролари ва кўшлаб ғарбликларнинг ҳам оғзи ланг очилишига сабаб бўлган. Шунга қарамай, Коммунистик партия ҳукмронлигидаги Хитой экстрактив институтлар шароитида ўсишга эришган мамлакатларга бир мисолдир. Токи Хитойдаги сиёсий институтлар инклюзив сиёсий институтларга тўлақонли эврилмас экан, экстрактив институтлар олиб келган иқтисодий ўсишнинг барқарор давом этиши эҳтимолдан узоқ (буни ҳали 15-бобда батафсил муҳокама қиламиз).

6

АЖРАЛИШ

ВЕНЕЦИЯ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУЗЕЙГА АЙЛАНДИ?

Венецияни ташкил қиладиган ороллар гуруҳи Адриатика денгизининг энг шимолий қисмида жойлашган. Ўрта асрларда Венеция, ҳойнаҳой, эндигина пайдо бўлган сиёсий инклюдивлик билан қарор топган, ўз даврининг энг илғор инклюдив иқтисодий институтлари билан дунёдаги энг бой ҳудуд бўлган. Венеция милодий 810 йилда бахтли тасодиф билан мустақилликка эришади. Европа Рим империяси қулашидан кейинги иқтисодий тушкунликдан эндигина қайта тикланаётган, Буюк Карл каби ҳукмдорлар марказий сиёсий ҳокимиятни қайта шакллантираётган бир давр эди. Бу барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш ҳамда савдо-сотикнинг кенгайишига олиб келди, Венеция эса бундай вазиятдан ўзига хос тарзда фойдаланиб қолди. Венеция Ўртаер денгизининг қоқ марказида жойлашгани учун денгизчилар мамлакати эди. Шарқдан зираворлар, Византиядан қуллар ва ишланган моллар келарди. Венеция бойиб кетди. 1050 йилга келиб, Венеция иқтисоди камида бир асрдан бери гуркираб ривожланаётган, аҳолиси 45 минг киши атрофида эди. 1200 йилга қадар аҳоли 50 фоиздан кўпроққа ортиб, 70 минг кишига етди. 1330 йилга келиб эса аҳоли яна 50 фоизга ўсиб, 110 минг нафардан ошди. Ўша пайтда Венеция катталиги бўйича Парижга тенг келар, Лондондан эса чамаси уч марта катта эди.

Венеция иқтисоди ўсишининг энг муҳим асосларидан бири – шартнома тузишга янгича ёндашув эди. Бу ўз навбатида иқтисодий институтларни янада инклюдивлаштирди. Шундай шартномалардан энг кўп тарқалгани “комменда” (лотинча “*commenda*” – *ишониб топширмақ, вазифа юкламоқ*) бўлиб, бир савдо миссияси даври учун тузиладиган шартнома асосидаги акциядорлик компаниясининг илк кўриниши эди. Коммендада

икки киши иштирок этарди: бири Венецияда қоладиган “муқим” шерик бўлса, иккинчи киши сафар қиларди. Муқим ҳамкор ишга сармоясини тикар, иккинчи томон эса юкка ҳамроҳлик қиларди. Одатда сармоянинг кўпрок қисми биринчи тарафга тегишли бўларди. Шундай қилиб, сармояси йўқ бўлган ёш тадбиркорлар савдо молларини ташиш орқали савдо ишига қўшилишлари мумкин эди. Бу ижтимоий жиҳатдан юқори кўтарилиш учун муҳим восита эди. Савдо сафаридаги ҳар қандай йўқотиш савдога тикилган сармоядаги ҳамкорларнинг улушига кўра тақсимланарди. Ундан фойда олинган тақдирда эса даромадни қандай тақсимлаш *комменда* шартномасига боғлиқ бўларди. Келишувнинг икки хил тури мавжуд эди: агар *комменда* бир томонлама бўлса, сармоянинг ҳаммаси муқим савдогарники бўлади ва фойдадан 75 фоизи унга тегади. Борди-ю, *комменда* икки томонлама бўлса, у ҳолда қолувчи савдогар сармоянинг 67 фоизинигина тикади ва фойданинг ярмини олади. Расмий ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, *комменда* ижтимоий мавқе-ни кўтарадиган жиддий куч бўлган: мазкур ҳужжатлар илгари Венеция зодагонлари рўйхатида бўлмаган янги одамларнинг номлари билан тўлиб борган. Милодий 960, 971 ва 982 йиллардаги ҳукумат ҳужжатларида шундай рўйхатга олинганлар орасида янги исмлар мос равишда 69, 81 ва 65 фоизни ташкил этади.

Бундай иқтисодий инклюзивлик ва савдо-сотик туфайли янги оилаларнинг бадавлатлашуви сиёсий тузумни ҳам янада очиқроқ бўлишга мажбур қилди. Венецияни бошқарувчи *дож* (йўлбошчи) Умумий Мажлис (ассамблея) томонидан умрбодга сайланарди. Умумий Мажлис барча фуқаролар орасидан йиғилса-да, уни қудратли оилалардан иборат гуруҳ бошқарарди. Дожнинг ҳокимияти жуда кучли бўлса ҳам, вақт ўтиши билан сиёсий институтлардаги ўзгаришлар йўли билан унинг ваколатлари қисқартириб борилди. 1032 йилдан бошлаб эса дож билан

бирга Герцоглар кенгаши сайланиб, дознинг ҳокимиятини чеклаган. Кенгаш томонидан ваколоти чекланган биринчи дож Доменико Флабьянико бадавлат ипак савдогари бўлиб, унинг оиласи бундай юқори мансабни илгари эгалламаган эди. Мазкур институционал ўзгариш натижасида Венеция савдо ва ҳарбий-денгиз флотининг кудрати роса юксалди. 1082 йилда Венецияга Константинополда жуда катта савдо имтиёзлари инъом қилинади ва шаҳарда венецияликлар маҳалласи пайдо бўлади. Кўп ўтмай, бу маҳалла ўн минг венецияликка бошпана бўлди. Венеция мисолида инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларнинг биргаликда ишлаши ибтидосини кўришимиз мумкин.

Венециянинг иқтисодий экспансияси натижасида сиёсий ўзгаришлар учун кўпроқ босим юзага келаётганди. 1171 йилда дознинг ўлдирилиши билан юз берган сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ортидан етилиб келаётган “портлаш” рўй берди. Энг биринчи муҳим янгилик Катта Кенгашнинг ташкил қилиниши бўлди. Шу ондан бошлаб Кенгаш Венециядаги сиёсий ҳокимиятнинг асосий манбаига айланди. Кенгаш давлат мулозимлари (масалан, судялар)дан таркиб топиб, зодагонлар томонидан бошқариларди. Бундан ташқари, унинг аъзолари орасидан куръа ёрдамида тайинланадиган тўрт кишилик Тайинлов кўмитаси Кенгашга ҳар йили юз нафар янги аъзони тавсия қиларди. Кейин эса Кенгаш иккита ёрдамчи кенгаш (Сенат ва Қирқлар кенгаши) аъзоларини танларди. Сенат ва Қирқлар кенгаши турли қонунлар чиқариш ва ижро этиш вазифаларини бажарарди. Катта Кенгаш аъзолари сони икки нафардан олти кишига оширилган Герцоглар кенгашини ҳам сайларди. Иккинчи янгилик эса дож учун номзодни кўриб чиқадиган яна бир янги кенгашнинг тузилиши бўлди. Унинг аъзолари Катта Кенгаш томонидан куръа йўли билан сайланарди. Гарчи дож учун номзод Умумий Мажлис томонидан тасдиқланиши шарт бўлса-да, Кенгаш фақат битта

номзодни тавсия қилгани учун дожни танлаш ваколлати Кенгашнинг зиммасида эди. Учинчи янгилик шундан иборат эдики, янги дож ўз вазифасига киришишдан олдин қасамёд қабул қилиши белгиланди, бу эса герцоглар ваколлатини чеклашга хизмат қилди. Вақт ўтиши билан бу чекловлар секин-аста кўпайиб борди, натижада кейинги дождлар магистратларга бўйсунушга, кейинчалик эса барча қарорларини Герцоглар кенгашига тасдиқлатишга мажбур бўлди. Герцоглар кенгаши, шунингдек, дожнинг Катта Кенгаш қарорларига бўйсунушини назорат қилиш вазифасини ҳам олди.

Мазкур сиёсий ислохотлар кейинги юз берган институционал янгиликлар – қонунчиликда мустақил магистратлар, судлар, апелляция судларининг пайдо бўлиши ҳамда янги хусусий шартномалар ва банкротлик бўйича қонунлар қабул қилиниши каби ўзгаришларга йўл очди. Венециянинг янги иқтисодий институтлари янгича бизнес шакллари ва янги шартнома турлари пайдо бўлишига имкон берди. Молиявий янгиликлар ҳам шиддат билан пайдо бўлди, замонавий банк тизимининг ибтидосини ўша давр Венециясида кўришимиз мумкин. Аввалига Венециянинг тўлиқ инклюзив институтлар томон силжиётган жадал одимларини тўхтатиб бўлмайдигандек кўринганди.

Бироқ буларнинг барида зиддият мавжуд эди. Венециянинг инклюзив институтлари ёрдамида юзага келган иқтисодий ўсиш бунёдкор бузғунчилик билан ёнма-ён келганди. Комменда ёки шунга ўхшаш бошқа иқтисодий институтлар орқали мол-давлат орттирган ёш тадбиркорларнинг ҳар бир янги тўлқини ҳукмрон элитанинг даромадлари ва иқтисодий фойдасини камайтирадиган бўлиб қолди. Янги бойлар нафақат элитанинг даромадларига чангал солган, балки уларнинг сиёсий ҳокимиятини ҳам хавф остида қолдирганди. Бундан қутулиш учун Катта Кенгашдаги элита вакиллари янги

шахсларнинг ҳокимиятга кириш йўлини ёпишга доим тайёр бўлган.

Катта Кенгаш ташкил топишининг илк даврида унга аъзолик ҳар йили аниқланарди. Аввал айтиб ўтилганидек, йил охирида Кенгашнинг келаси йилги юз нафар аъзосини аниқлайдиган тўрт киши қуръа йўли билан танлаб олинарди. Шу тариқа 100 киши тўғридан-тўғри сайланишга эришарди. 1286 йилнинг 3 октябрида Катта Кенгашга киритилган таклиф билан қоидаларда ўзгартириш белгиланди. Унга мувофиқ, номзодлар Қирқлар кенгашида кўпчилик томонидан маъқулланиши лозим эди. Қирқлар кенгашини элитанинг зодагон оилалари қаттиқ назорат қиларди. Бу ўзгариш ҳукмрон элитага аввал мавжуд бўлмаган ваколатни – Кенгашнинг янги номзодларига қарши вето қўйиш ҳуқуқини берарди. Аммо мазкур таклиф қабул қилинмади. 1286 йилнинг 5 октябрида эса бошқа бир қонун лойиҳаси таклиф қилинди. Бу сафар таклиф маъқулланди. Шу кундан эътиборан, отаси ва боболари Кенгашда хизмат қилган номзодларгина тўғридан-тўғри тасдиқланадиган бўлди. Бошқаларнинг номзоди эса Герцоглар кенгаши тасдиғидан ўтиши белгиланди. 17 октябрда қоидаларга яна бир ўзгариш киритилиб, Катта Кенгаш аъзолигига сайланишдан аввал номзодни Қирқлар кенгаши, дож ҳамда Герцоглар кенгаши маъқуллаши шарт қилинди.

1286 йилги дебатлар ва конституцион ўзгаришлар Венецияда “La Serrata” (*Ётилиш*) ҳодисаси юз беришининг аломати эди. 1297 йилнинг февралда киритилган ўзгартиришга мувофиқ, охириги тўрт йилда Катта Кенгаш аъзоси бўлган кишилар сайлов ва тасдиқланишсиз, тўғридан-тўғри тайинланадиган, янги номзодлар эса Қирқлар кенгаши томонидан камида ўн иккита овоз билангина тасдиқланадиган бўлди. 1298 йилнинг 11 сентябридан бошлаб Кенгашнинг амалдаги аъзолари ва уларнинг оила аъзоларини тасдиқлаш шарт қилинмайдиган бўлди.

Шундай қилиб, Катта Кенгаш “бегоналар” учун амалда ёпилди, унинг аъзолиги эса наслий хусусият касб этди. Мазкур қоида 1315 йилда “Libro d’Oго” (*Олтин китоб*) – Венеция киборларининг расмий рўйхати билан кучга кирди.

Бу рўйхатга кира олмаганлар ҳам қўлларидаги ҳокимиятдан курашсиз мосуво қилишларига имкон беришмади. 1297–1315 йиллар оралиғида Венецияда сиёсий зиддиятлар тўхтовсиз кучайиб борди. Катта Кенгаш эса бунга таркибини кенгайтириш билан қисман жавоб қайтарди. Энг кучли рақибларини ўзига оғдиришга уринган Кенгаш 450 кишидан бир ярим минг нафарга кенгайди. Бу кенгайиш қатагонлар билан бирга юз берди. 1310 йилда Венецияда биринчи марта полиция тартиби жорий қилинди ҳамда янги сиёсий тартиботни кучайтириш йўлида фуқароларга нисбатан зулм ва тазйик кучайиб борди.

Сиёсий “ёпилиш” амалга оширилгач, Катта Кенгаш иқтисодий “ёпилиш”ни ҳам жорий қилишга киришди. Экстрактив сиёсий институтларга ўзгаришлар кетидан экстрактив иқтисодий институтлар сари эврилиш бошланди. Энг асосийси, улар комменда шартномалари тузишни тақиқлашди, ваҳоланки, у Венецияни бой қилган энг катта институционал янгиликлардан бири эди. Бунинг ажабланарли жойи йўқ: комменда шартномалари янгидан-янги савдогарларга бойлик келтирар, элита эса энди улардан кутулиш ҳаракатига тушганди. Бу янада экстрактивроқ иқтисодий институтлар сари қўйилган бир қадам эди, холос. Кейинги қадам 1314 йилда ташланди – Венеция давлати савдо-сотик устидан назорат қилиш ва уни миллийлаштиришни бошлади. Савдо-сотик билан шуғулланиш учун давлатга қарашли савдо кемалари ташкил қилинди, 1324 йилдан бошлаб эса савдо билан шуғулланишни истаган фуқароларга юкори ставкаларда солиқ солиш бошланди. Узоқ ўлкалар билан савдо иш-

лари зодагонлар кўлига ўтди. Бу Венеция тараққиёти интихосининг ибтидоси эди. Бизнес фаолиятининг асосий йўналишлари бир ҳовуч элита томонидан буткул эгаллаб олиниши билан орқага кетиш бошланди. Венеция дунёдаги биринчи инклюзив жамият бўлиш оstonасида тургандай эди, бироқ ҳаммаси барбод бўлди. Сиёсий ва иқтисодий институтлар экстрактивлашиб боргани сари мамлакат иқтисодиёти таназзулни бошдан кечира бошлади. 1500 йилга келиб, аҳоли юз минг кишигача камайиб кетди. Европа аҳолиси шиддат билан кўпайган 1650–1800 йилларда Венеция аҳолиси қисқариб борди.

Бугунги кунда Венеция иқтисодининг яккаю ягона соҳаси, бироз балиқчилик ҳам борлигини истисно қилганда, бу туризмдир. Венецияликлар савдо йўналишлари ва иқтисодий институтларни кашф қилиш ўрнига, бир тўда ажнабийлар учун пицца ва музқаймоқ тайёрлаш ва рангли шишалардан турли шакллар яшаш билан машғул. Сайёҳлар Венециянинг “ёпилиш”дан олдинги даври мўъжизалари – дож саройи ва Венеция Ўртаер денгизида хукмронлик қилган пайтда Византиядан олиб келинган Авлиё Марк черковидаги шерларини кўргани келади. Венеция иқтисодий марказдан музейга айланди.

Ушбу бобда дунёнинг турли бурчакларида институтларнинг тарихий ривожланишига диққат қаратамиз ва улар нима сабабдан бошқа-бошқа йўллардан юрганини изоҳлаймиз. Тўртинчи бобда Ғарбий Европа ва Шарқий Европадаги институтларнинг қай тарика бир-биридан фарқланиб қолгани ҳамда Англиядаги институтлар қандай қилиб Ғарбий Европанинг қолган мамлакатларидан бошқача йўсинда ривожланганини кўргандик. Бу тарихий бурилиш нуқталарида юз берган институционал ўзгаришлардан келиб чиққан кичик институционал фарқлар натижаси эди. Мазкур институционал тафовутлар гўёки чуқур кўҳна айсбергнинг бир учига ўхшайди, сув остида Англия ва бошқа Европа давлатлари институтларининг

дунёдаги бошқа жойларидаги институтлардан фарқланиши мингйиллик тарихий ҳодисаларга асосланишини кўрамыз. Айтганларидек, қолгани – тарих.

Шу билан бирга, иккита сабабга кўра бу даъво пучдир. Аввало, Венеция мисолида гувоҳ бўлганимиздек, инклюзив институтлар қуриш учун ҳаракат тескари тус олиши мумкин. Аввалига Венеция юксалди. Бироқ унинг сиёсий ва иқтисодий институтлари ағдариб ташлангач, тараққиёт орқага кетди. Бугун Венеция бой, негаки дунёнинг бошқа жойларида даромад топадиган кишилар пулларини ўтмишнинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш йўлида сарфламоқда. Венецияда инклюзив институтлар тескари йўналишга тушиб қолгани шуни кўрсатадики, институционал тараққиёт тўпланиб борувчи оддий жараён эмас.

Иккинчидан, бурилиш нуқталарида муҳим ўрин тутадиган кичик институционал фарқлар вақтинчалик характерга эга. Бу тафовутлар кичик бўлгани учун ҳам ўзгариб кетиши, яна пайдо бўлиши ва яна ўзгаришга учраши мумкин. Ушбу боб давомида гувоҳ бўламизки, XVII асрда инклюзив институтлар сари ҳал қилувчи кадам ташланган Англияда, географик ва маданий омил назарияларига зид равишда, нафақат Яқин Шарқдаги Неолит инкилобидан кейинги мингйилликларда, балки Ғарбий Рим империяси қулаган ўрта асрлар бошида ҳам турғунлик ҳукм сурган. Рим империяси учун Британия оролларининг аҳамияти, айниқса, континентал Ғарбий Европа, Шимолий Африка, Болқон, Константинопол ва Яқин Шарқ билан солиштирганда ҳаминқадар эди. Ғарбий Рим империяси қулаган милодий V асрда Британия бутунлай таназзулга учраган. Аммо охир-оқибат саноат инкилобига олиб келган сиёсий инкилоблар Италия, Туркия ёки континентал Ғарбий Европада эмас, балки Британияда юз берди.

Шунга қарамай, Англия ва унга эргашган мам-

лакатларнинг саноат инкилобига босиб ўтган йўлини тушунишда бир қатор сабабларга биноан, Рим империясининг мероси муҳим аҳамиятга эга. Аввало, Венеция сингари Римда ҳам дастлабки муҳим институционал ўзгаришлар содир бўлди. Худди Венециядаги каби Римнинг илк иқтисодий тараққиётига ҳеч бўлмаганда, ўша давр стандартларидаги инклюзив институтлар сабаб бўлди. Венецияга ўхшаб, вақт ўтиши билан мазкур институтлар очикчасига экстрактивлашиб борди. Бу Римда республика тузумининг (милоддан аввалги 510–49 йиллар) империяга (милоддан аввалги 49 йилдан милодий 476 йилгача) ўзгариши оқибати эди. Ғарчи республика тузуми вақтида Римда қудратли империя қурилган, узок ўлкалар билан савдо-сотик ва транспорт юксалган бўлса-да, салтанат иқтисоди экстрактив эди. Республикадан император бошқарувига ўтиш экстрактивликни ошириб, биз билган Майя шаҳар-давлатлари сингари охир-оқибат ўзаро кураш, тарқоклик ва таназзулга сабаб бўлди.

Иккинчидан ва энг муҳими шуки, Ғарбий Европанинг кейинги институционал тараққиёти, ғарчи Римнинг бевосита мероси бўлмаса-да, Ғарбий Рим империяси қулашидан сўнг бутун минтақа бўйлаб юзага келган бурилиш нуқталарининг натижаси эди. Бундай бурилиш нуқталарининг ўхшаши дунёнинг бошқа жойлари, масалан, Африка, Осиё ва Америкада жуда кам учраган. Шунга қарамасдан, Эфиопия тарихи мисолида бошқа мамлакатлар ҳам ўхшаш бурилиш нуқталарини бошдан кечиргани ҳамда улар ҳам ўшандай йўл билан бу жараёнга жавоб қайтарганини кўришимиз мумкин. Рим империясининг қулаши феодализм сари йўл очди, натижада қулдорликнинг йўқ бўлиши, қироллар ва зодагонлар таъсиридан холи бўлган шаҳарларнинг вужудга келиши ҳамда ҳукмдорларнинг сиёсий ҳокимияти заифлашган жойда бир қатор институтлар пайдо бўлишига олиб келди. “Қора ажал” ана шу феодал тартиб туфайли

тартибсизликни келтириб чиқарди, мустақил шаҳарлар ва деҳқонларнинг монархлар, зодагонлар ва йирик ер эгалари ҳисобига кучайишини таъминлади. Атлантика бўйлаб савдо-сотик яратган имкониятлар рўёбга чиқиши ҳам шу туфайли эди. Дунёнинг бошқа жуда кўп қисмларида эса бундай ўзгаришлар рўй бермади ва оқибатда ажралиш юз берди.

РИМНИНГ УСТУНЛИКЛАРИ

Милоддан аввалги 133 йилда Римдаги халқ трибуни Тиберий Гракх сенаторлар томонидан ўлгунча дўшосланиб, танаси ими-жимиди Тибр дарёсига улоктирилади. Қотиллар Тиберийнинг ўзи каби олийнасаб зодагонлар бўлиб, суиқасд унинг холаваччаси Публий Корнелий Сципион Назика томонидан уюштирилганди. Тиберий Гракхнинг насаби бенуқсон тарзда зодагонларга бориб тақалар, унинг аждодлари Рим республикасининг энг таниқли етакчилари – Иллирия ва Иккинчи Пуни урушлари қаҳрамони Луций Эмилий Павел ва Иккинчи Пуни урушида Ганнибални тор-мор қилган генерал Сципион Африканлар эди. Нега ўша даврнинг қудратли сенаторлари ва ҳатто ўз холаваччаси унга қарши чиқди?

Бу саволнинг жавоби бизга Рим республикасидаги зиддиятлар ҳамда кейинги таназул сабаблари ҳақида талай маълумотлар беради. Тиберий ва қудратли сенаторлар ўртасидаги зиддият сабаби унинг ўша даврнинг энг муҳим масаласи – ер ислохоти ва *плебейлар* (Римнинг оддий аҳолиси) ҳуқуқлари юзасидан сенаторларга қарши тутган позицияси эди.

Тиберий Гракх даврига келиб Рим республикаси давлат сифатида яхши ташкиллаштирилганди. Римнинг сиёсий институтлари ва жангчи-фуқароларининг эзгу фазилатларини ҳалигача бир қатор тарихчилар республика тараққиётининг асоси сифатида кўради. Жак Луи Давиднинг машҳур “Горацийлар қасамёди” асарида отаси қаршисида Рим республикасини ўлгунча ҳимоя қилиш-

га қасамёд қилаётган ўғиллар тасвирланган. Римликлар милоддан аввалги 510-йилларда ўз ҳукмдорлари, Мағрур Тарквиний лакаби билан машҳур Луций Тарквиний Супербни ағдариб, республика ўрнатганди. Республикада қатор инклюзив элементларга эга сиёсий институтлар оқилона йўлга қўйилган. Мамлакатни бир йил муддатга сайланадиган магистратлар бошқарган. Магистратлар ҳар йили сайланиши ва бир вақтнинг ўзида бир қанча кишилар бошқарувда бўлиши ҳокимиятнинг яқка шахс қўлида тўпланиши ва мавжуд ваколатни суниестемол қилиш имкониятини камайтирарди. Республикада ҳокимиятнинг бўлинишига асосланган институтлар тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳокимиятни анчагина кенг тақсимлаш имконини берган. Сайлаш бевосита бўлмагани учун барча фуқаролар тенг овозга эга эмас эди. Қолаверса, аҳолининг чамаси учдан бир қисмини кўп сонли куллар ташкил қилар, улар Италиянинг катта қисмида ишлаб чиқаришдаги энг муҳим куч ҳисобланарди. Албатта, куллар сайловда қатнашиш у ёқда турсин, бошқа шахсий ҳуқуқларга ҳам эга эмасди.

Венециядаги сингари Римнинг сиёсий институтларида ҳам плюрализм унсурлари бор эди. Плебейларнинг ўз йиғини бўлиб, улар плебейлар (халқ) трибунини сайлашлари мумкин эди. Трибунда магистратларнинг қарорларига вето қўйиш, Плебейлар мажлисини чақириш ва қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бор эди. Милоддан аввалги 133 йилда Тиберий Гракхни ҳокимиятга олиб чиққанлар ҳам плебейлар эди. Уларнинг ҳуқуқлари “сецессия” – плебейлар қўзғолони орқали қўлга киритилган бўлиб, бу қўзғолон асосан шаҳар ташқарисидаги тепаликка чекиниб, талаблари бажарилмагунча магистратлар билан келишишни рад этган аскарлар томонидан амалга оширилганди. Дарҳақиқат, бундай таҳдид уруш вақтида, айниқса, муҳим аҳамиятга эга эди. Афтидан, милоддан аввалги V асрда ана шундай намоишлардан бирида оддий фуқаролар трибунни сайлаш ва ўз жамоаларини

бошқариш учун қонунлар ишлаб чиқиш ҳуқуқини қўлга киритган. Уларнинг сиёсий ва қонуний ҳимояси, гарчи бугунги кун ўлчовлари билан таққослаганда чекланган бўлса-да, фуқаролар учун иқтисодий имкониятлар ва иқтисодий институтлар учун муайян даражадаги инклюзивликни юзага келтирганди. Натижада Рим Республикаси даврида Ўртаер денгизи бўйлаб савдо-сотик гуллаб-яшнади. Археологик далиллар шуни кўрсатадики, фуқаролар ва қуллаarning асосий қисми зўрға кун кечирган бўлса-да, кўплаб римликлар, жумладан, фуқаролардан айримларининг турмуш даражаси юқори бўлган, ҳатто шаҳарда канализация, кўчаларни ёритиш каби ижтимоий хизматлар йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, Римдаги республика тузуми даврида иқтисодий ўсишга эришилганига ҳам далиллар мавжуд. Римнинг иқтисодий ютуқларини кема қолдиқларидан ҳам топишимиз мумкин. Римликлар барпо этган салтанат шарқда Афина, Антиох ва Александриядан тортиб, Рим, Карфаген ва Кадиз орқали ғарбда Лондонгача бўлган порт шаҳарларни боғловчи ўргимчак тўрини эслатарди. Рим сарҳадлари катталашгани сари савдо-сотик ва кемалар ҳаракати ҳам кенгайиб борди. Буни Ўртаер денгизи тубидан топилган кема қолдиқларидан ҳам билиш мумкин. Бу харобаларнинг қайси даврга оидлигини турли усуллар билан аниқласа бўларди. Кемаларда кўпинча вино ва зайтун ёғи тўлдирилган амфоралар (кўзалар) Италиядан Галлияга (Франция) ташилган ёки испан зайтун ёғлари сотиш ёхуд текинга тарқатиш учун Римга олиб келинган. Лойдан ясалган сопол кўза – амфораларда одатда уларни қачон ва ким ясагани ҳақида маълумот бўлган. Римдаги Тибр дарёси яқинидаги *Монте Тестаччо* ёки *Монте де Коччи* (“Сопол тоғ”) номи билан машҳур тепалик тахминан 53 миллион дона амфорадан йиғилганди. Амфоралар кемалардан тушириб олингач, ўша ерга ташлаб юборилган ва асрлар оша каттагина тепалик ҳосил бўлган.

Кемадаги бошка буюмлар ва кемаларнинг қайси даврга тегишлилигини радиоуглерод ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин бўлиб, ушбу ажойиб усул орқали археологлар органик қолдиқларнинг ёшини тахмин қилади. Ўсимликлар қуёш энергияси ёрдамида карбонад ангидрид газини шакарга айлантириб берадиган фотосинтез жараёнида энергия ҳосил қилади. Мана шу жараёнда ўсимлик углероднинг табиий радиоизотопи – углерод-14ни ютади. Ўсимлик нобуд бўлгандан сўнг углерод-14 радиоактив емирилиш туфайли бузилишга учрайди. Кема қолдиқларини топган археологлар кеманинг ёғочи таркибидаги углерод-14 миқдорини атмосферадаги углерод-14 билан солиштириш орқали унинг ёшини тахмин қила оладилар. Бу йўл билан кемага ишлатилган дарахт ёғочи қачон кесилгани аниқланади. Ўртаер денгизда топилган фақат 20 та кема қолдиғининг ёши милоддан 500 йил олдинги даврга боради. Бироқ бу кемалар Римга эмас, Карфагенга тегишли бўлиши ҳам мумкин. Кейинчалик Римга қарашли кема қолдиқлари сони кескин орта бошлаган. Тахминан милоднинг бошларига келиб, уларнинг сони энг юқори кўрсаткич – 180 тага етган.

Кема қолдиқлари Рим республикасининг иқтисодий манзарасини чизишда кучли қурол ҳисобланиб, улар маълум даражадаги иқтисодий ўсишга далил бўлади, фақат уларнинг аҳамияти тўғри баҳоланиши керак. Тахмин қилиш мумкинки, кемадаги юкларнинг учдан икки қисми Рим давлатига тегишли бўлган, улар қарам вилоятлардан Римга элтилган солиқлар ҳамда ўлпонлар ёки шаҳар аҳлига текинга тарқатиш учун Шимолий Африкадан келтирилган дон ва зайтун ёғи бўлиши мумкин. “Сопол тоғи”ни ана шу тортиб олинган нарсаларнинг маҳсули вужудга келтирган эди.

Иқтисодий тараққиёт изларини топишнинг яна бир қизиқарли усули “Гренландия музликлари намуналарини тадқиқ қилиш” лойиҳасидан олинган. Қор парчалари ерга тушар экан, улар атмосферадаги ифлослантирувчи

моддаларни, масалан, кўрғошин, кумуш ёки мисни ўзига илаштириб тушади. Қор парчаси музлайди ва аввалги йилларда тўпланган қорнинг устига тушиб, йигилиб боради. Мазкур жараён минглаб йиллар давом этади ва тадқиқотчиларга минг йиллар олдин атмосферада ифлосланиш даражаси қандай бўлганини аниқлаш учун бемисл имконият яратади. 1990–1992 йилларда “Гренландия музликлари намуналарини тадқиқ қилиш” лойиҳаси доирасида инсоният тарихининг 250 минг йилини ўз ичига олган 3 030 метр қалинликдаги муз қатламларидан намуналар олиб ўрганилган. Шу ва ундан олдинги бошқа лойиҳаларда аниқланган энг муҳим топилмалардан бири шуки, милоддан аввалги тахминан 500-йиллардан бошлаб атмосфера ҳавосини булғайдиган моддаларда сезиларли ўсиш кузатилган. Атмосферада кўрғошин, кумуш ва миснинг миқдори кескин ортиб, милодий биринчи асрда ўз чўккисига чиққан. Ажабланарли томони шундаки, атмосфера ҳавоси таркибида кўрғошин миқдорининг ўша кўрсаткичи фақат XIII асрга келиб қайта қайд этилган. Бу далиллар Римда кончилик ундан аввалги ва кейинги давр билан солиштирганда қанчалик ривожланганини кўрсатади. Кончиликдаги кескин ўсиш эса иқтисодий тараққиётни яққол акс эттиради.

Аммо Римдаги ўсиш барқарор эмасди, негаки бу ўсиш қисман инклюзив, қисман экстрактив бўлган институтлар таъсирида юз берди. Рим фуқаролари сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқларга эга бўлишса-да, қулдорлик жуда кенг тарқалган бўлиб, ғоят экстрактив институт эди. Элита ва сенаторлар синфи эса иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ҳукмронлик қиларди. Плебейлар йиғини ва халқ трибуни мавжудлигига қарамасдан, реал ҳокимият Сенатнинг кўлида қолган, унинг аъзолари эса сенаторлар синфини тамсил этадиган йирик ер эгалари эди. Римлик тарихчи Ливийга кўра, Сенатни Римнинг биринчи ҳукмдори Ромул ташкил қилган бўлиб, у юз нафар эркакдан иборат бўлган. Уларнинг авлодлари сенаторлар синфини ташкил

қилган ва баъзан янги қонлар ҳам унга қўшилиб турган. Ернинг тақсимланиши ҳам адолатсиз бўлиб, афтидан, милоддан аввалги II асрга келиб, бу тенгсизлик кучайиб кетган бўлиши мумкин. Тиберий Гракх трибун сифатида кўтариб чиққан масалаларнинг илдизи ана шунда эди.

Ўртаер денгизи бўйлаб сарҳадлари кенгайиб борар экан, Рим улкан бойликлардан фойда кўрарди. Бироқ бу бойликларнинг салмоқли қисми сенаторлар табақасига мансуб бўлган, кам сонли бадавлат оилалар кўлида тўпланар, бу эса бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тенгсизликни оширар эди. Сенаторлар ўз бойликларини нафақат кўп фойда келтирадиган вилоятлар назоратига, балки бутун Италия бўйлаб жуда катта ер-мулклари учун ҳам сарфларди. Бу мулкларда кўпинча римликлар томонидан урушларда банди қилинган қуллар ишлатиларди. Лекин бу мулк ерларнинг қаердан келгани ҳам муҳим масала. Республика даврида Рим қўшини кичик ер эгалари бўлган жангчи фуқаролардан тузилганди, уларнинг мулклари дастлаб Римда, кейинроқ Италиянинг бошқа жойларида ҳам бўлган. Одатда улар эҳтиёж туғилганда армияда хизмат қилган, урушдан сўнг ўз ерларига қайтган. Рим империяси сарҳадлари кенгайиши ва юришлар узоқ вақт ола бошлаши билан бу усул иш бермай қўйди. Жангчилар йиллар давомида ўз хўжалигидан узоқда бўлиши оқибатида ерлардан фойдаланилмай қўйди. Айрим ҳолларда жангчиларнинг оила аъзолари қарзга ботар ва очлик хавфи остида қоларди. Шу тарзда ерларнинг кўпи секин-аста қаровсиз қолган ва сенаторларнинг мулкларига қўшиб юборилган. Сенаторлар тобора бойигани сари, Римда бир талай ерсиз фуқаролар тўпланиб борди. Улар, асосан, армиядан бўшатишган аскарлардан иборат эди. Қайтиб бориш учун ери бўлмагач, улар Римдан иш излашга тушарди. Милоддан аввалги II аср охирига келиб, вазият энг огир нуқтага етди. Негаки бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ ақл бовар қилмас даражага чиққан, Римда мазкур адолатсизликларга қарши жавоб

тариқасида исён қилишга ва зодагонларга қарши чиқишга тайёр норози оломон йиғилиб қолганди. Аммо сиёсий ҳокимият сенаторлар синфига мансуб бой мулкдорлар қўлида тўпланган бўлиб, улар охириг икки асрда юз берган ва давом этаётган ўзгаришлардан манфаатдор эдилар. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг фойдасига ишлаётган тизимни ўзгартириш фикридан йироқ эди.

Рим тарихчиси Плутархга кўра, Тиберий Гракх ҳозирги марказий Италия худудида бўлган Этрурия музофоти бўйлаб сафар қилар экан, жангчиларнинг оилалари бошига тушган машаққатлардан хабардор бўлади. Ана шу сафари туфайлими ё ўша даврнинг қудратли сенаторлари билан боғлиқ бошқа келишмовчиликлар сабаблими, ҳар ҳолда, Италияда ер тақсимотини ўзгартиришдек хатарли режага қўл уради. Милоддан аввалги 133 йилда халқ трибуни сифатида сайланган Тиберий ўз ваколатидан фойдаланиб, ер ислоҳоти ташаббуси билан чиқди: унга кўра, комиссия жамоа ерлари ноқонуний эгаллаб олинаётгани ёки йўқлиги бўйича текширув ўтказиб, 300 акр миқдоридagi қонуний чекловдан ортиқча ерни ерсиз фуқароларга бўлиб бериши керак эди. 300 акрлик чеклов аслида эски қонунда кўрсатилган бўлса-да, бир неча асрдан бери инкор қилиниб, амал қилинмасдан келарди. Тиберий Гракхнинг таклифи сенаторлар табақаси аъзоларини ларзага солди, улар бу ислоҳотларнинг ижро этилишини бир муддат тўхтатиб қўйишга эришди. Аммо Тиберий уни қўллаб-қувватлаган омманинг кучидан фойдаланишга муваффақ бўлди. Жамоатчилик унинг ислоҳотларига вето қўймоқчи бўлган яна бир трибунни олиб ташлагач, таклиф қилинган комиссия барибир ташкил қилинди. Сенат эса комиссияни молиявий тарафдан сиқувга олиш орқали унинг ишига халақит бермоқчи бўлди.

Тиберий Гракх ўзининг ер ислоҳоти бўйича комиссияси учун Юнонистондаги Пергам шахри подшоси Рим халқига қолдириб кетган пулларни талаб қилган

фурсатда вазият янада чигаллашди. Тиберий трибунлик вазифасига иккинчи муддатга сайланишга ҳам ҳаракат қилди, чунки амалдан тушгач, Сенатнинг ғазабига йўлиқишдан ҳам кўрқар эди. Бу Сенатга Тиберий ўзини кирол деб эълон қилишга уринаяпти, деган айбловни баҳона қилиш имконини берди. Тиберий ва унинг тарафдорлари ҳужумга учрадилар, натижада кўпчилик ўлдирилди. Тиберий Гракхнинг ўлими муаммони ҳал қилмаган бўлса-да, у мазкур йўлда муваффақият қозонолмаганларнинг биринчиларидан бўлди, холос. Бошқалар ҳам ер эгаллиги ҳамда Рим иқтисоди ва жамиятининг қолган соҳаларини ислоҳ қилишга уриниб кўрди. Улардан кўпчилигининг қисмати бир хил кечди. Мисол учун, Тиберийнинг укаси Гай Гракх ҳам акасининг ишини давом эттирмоқчи бўлганида, заминдорлар томонидан қатл қилинди.

Бу низолар кейинги асрда ҳам вақти-вақти билан юзага чиқиб турди. Чунончи, зиддиятлар милоддан аввалги 91–87 йилларда “Ижтимоий уруш”ни келтириб чиқарди. Сенаторлар манфаатининг ашаддий ҳимоячиси бўлган Луций Корнелий Сулла нафақат ўзгаришга чақириқларни шафқатсизларча бостирди, балки халқ трибуни ваколатларини жиддий қисқартирди. Айни шу масалалар Юлий Цезарнинг Сенатга қарши курашда Рим халқининг қўллаб-қувватлашига эришувида энг муҳим омил бўлганди.

Милоддан аввалги 49 йилда Рим республикасининг асосини ташкил қилган сиёсий институтлар Юлий Цезар томонидан ағдариб ташланди. Ўшанда унинг легиони Римнинг Цизалпин Галлия вилоятини Италиядан ажратиб турувчи Рубикон дарёсини кечиб ўтади. Рим Цезарга таслим бўлди, бироқ бошқа бир фуқаролар уруши бошланиб кетди. Гарчи бу урушда Цезар ғалаба қозонган бўлса-да, милоддан аввалги 44 йилда у Брут ва Кассий бошчилигидаги дарғазаб сенаторлар томонидан ўлдирилди. Лекин Рим республикаси қайта тикланмади. Марк Антоний ва Октавиан бошчилигидаги Цезар тараф-

дорлари ва қарши тараф ўртасида янги фуқаролар уруши бошланди. Бу уруш Антоний ва Октавиан фойдасига ҳал бўлгач, энди улар иккаласи ўзаро курашга шўнғиди. Бу курашда милoddан аввалги 31 йилда Аксий ёнидаги жангда Октавиан зафар кучади. Келаси йилдан бошлаб 45 йил давомида Октавиан (милoddан аввалги 28 йилдан бошлаб Октавиан Август Цезар номини олган) Римни якка ўзи бошқаради. Октавиан Август Рим империясига асос солди. У ўзини *принцеп* – “тенглар ичра биринчи” деб аташларини афзал кўради ва ўзи қурган тузумни принципат деб номлайди. 11-харитада Рим империяси ўз қудратининг чўққисига чиққан милodий 117 йилдаги сарҳадлари тасвирланган. Унда, шунингдек, Цезарнинг ҳал қилувчи юриши амалга оширилган Рубикон дарёси ҳам акс этган.



11-харита. Рим империяси милodий 117 йилда.

Тузумнинг республикадан принципатга, кейинроқ очик-ойдин империяга ўтиши билан Римнинг таназзули учун уруғ қадалди. Иктисодий тараққиёт учун тамал тошини қўйган қисман инклюзив сиёсий институтлар бора-бора йўқ қилинди. Рим республикасида сенаторлар синфи ва бошқа бадавлат римликлар фойдасига нотенг шароит яратилган бўлса-да, бу тузум авторитарликдан йироқ бўлиб, жуда кўп ҳокимият бир кишининг қўлида тўпланишига ҳеч қачон йўл қўйилмаганди. Октавиан Август жорий қилган ўзгаришлар Венециядаги сerratа сингари аввалига сиёсий эди, лекин кейинроқ муҳим иктисодий оқибатларни келтириб чиқарди. Ушбу ўзгаришлар натижаси ўлароқ, милодий V асрга келиб, Ғарбий Рим империяси (Рим империяси иккига бўлингандан кейин ғарбий қисми шундай атала бошлаганди) иктисодий ва ҳарбий жиҳатдан таназзулга юз тутди, империя жар ёқасига келиб қолди.

РИМНИНГ КАМЧИЛИКЛАРИ

Рим империяси охириларида яшаган атокли арбоблардан бири Флавий Аэций бўлиб, “Рим империясининг таназзули ва қулаши” асари муаллифи Эдвард Гиббон уни “сўнгги римлик” деб таърифлаганди. Милодий 433 йилдан то император Валентиниан III буйруғи билан 454 йилда ўлдирилгунига қадар генерал Аэций Рим империясидаги энг қудратли шахс бўлган. У империянинг ички ва ташқи сиёсатини идора қилган, бир қатор хал қилувчи жанглarda варварларга қарши, ўзаро урушларда эса бошқа римликларга қарши курашган. Ўзаро урушларда қатнашган бошқа қудратли саркардалардан фарқли ўлароқ, у император бўлишга интилмаган ягона шахс эди. Иккинчи аср охиридан бошлаб ички урушлар Рим империяси ҳаётининг бир қисмига айланди.

Марк Аврелийнинг ўлимидан токи Ғарбий Рим империяси қулагунга қадар ўтган вақт оралиғида (милодий 180–476 йиллар) фуқаролар уруши ёки императорга



қарши сарой фитналари юз бермаган бирор ўн йилликни топиш мушкул. Кам сонли императорларгина табиий ўлим тошган ёки жангларда ҳалок бўлган. Аксарияти исёнчилар ёки ўз аскарлари томонидан ўлдирилган.

Аэцийнинг фаолияти Рим республикаси ва илк империя даври билан охириги даври ўртасидаги ўзгаришларни акс эттиради. Унинг тинимсиз ўзаро урушлардаги иштироки, империя ҳаётининг ҳар бир жабҳасидаги чекланмаган ҳокимияти аввалги давр генераллари ва сенаторларнинг анча-мунча чекланган ваколатлари билан таққосланса, катта фарқ қилибгина қолмай, ўтган асрлар давомида римликлар ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам канчалик кескин эврилиш юз берганини яққол кўрсатади.

Рим империясининг сўнгги даврига келиб, аввалига Римга қарам бўлган ва армия сафига кирган ёхуд кул сифатида фойдаланилган варварлар эндиликда салтанатнинг жуда катта қисмида ҳокимиятни қўлга олган эди. Аэций ёшлигида варварлар – дастлаб Аларих бошчилигидаги готлар, кейинроқ хунлар қўлида асирликда сақланади. Римликларнинг варварлар билан ана шу пайтдаги муносабатларига қараб, Римда республика давридан бери барчаси қандай ўзгарганини кўриш мумкин. Чунончи, Аларих Рим учун ҳам душман, ҳам иттифокдош вазифасини бажарган: 405 йилда у Рим армиясининг энг юқори мартабали қўмондонларидан бири этиб тайинланган. Аммо бу вақтинчалик ҳолат эди. 408 йилга келиб, Рим қўшинларига қарши қурашаётган Аларих Италияга бостириб кириб, пойтахт Римни талон-тарож қилаётганди.

Хунлар ҳам Рим учун гоҳ душман, гоҳ иттифокдош бўлган. Бир вақтлар Аэцийни тутқунликда сақлаган бўлишларига қарамай, кейинчалик фуқаролар урушида унинг тарафида туриб урушадилар. Бироқ хунлар узок вақт давомида бир тарафда турмади ва 451 йилда Аттила бошчилигидаги хунлар Рим қўшинига қарши

Рейн дарёси бўйида муҳим жангни ўтказди. Бу сафар Теодорих бошчилигидаги готлар римликлар тарафида уришаётганди.

Шундай бўлса-да, Рим раҳбарияти варвар қўмондонларини ёллашдан тўхтамади, зотан, улар кўпинча Рим сарҳадларини ҳимоя қилиш учун эмас, ички курашларда қўллари баланд келиши учун урушга кирарди. Чунончи, Гейзерих бошчилигидаги вандаллар Пиреней яриморалининг катта қисмини вайрон қилди, 429 йилдан бошлаб Римнинг галла омбори саналган Шимолий Африкани босиб олди. Бунга жавобан Рим ҳукумати император Валентиниан III нинг гўдак қизини Гейзерихга хотинликка беришни таклиф қилади. Ўша пайтда Гейзерих гот қабиласи сардорларидан бирининг қизига уйланган бўлса-да, биринчи никоҳ унинг императорга куёв бўлишига монелик қилмайди. Гейзерих хотинини ўзига қарши суиқасд қилишда айблаб, никоҳни бекор қилади. Унинг кулоқлари ва бурнини кесиб ташлаб, ўз қабиласига қайтариб юборади. Бўлажак келиннинг бахтига, у ҳали вояга етмаган эди, шунинг учун у Италияда яшашда давом этди ва барибир Гейзерих билан қовушиш насиб этмади. Малика кейинроқ бошқа бир қудратли саркарда – Петроний Максимга турмушга чиқди. Петроний император Валентиниан III буйруғи билан Аэцийнинг ўлдирилишини уюштирган шахс бўлиб, бу суиқасддан кўп ўтмай, императорнинг ўзи ҳам куёвининг фитнаси қурбонига айланган. Шундан сўнг Максим ўзини император деб эълон қилади, аммо унинг ҳукмронлиги жуда қисқа бўлди. Гейзерих бошчилигидаги вандалларнинг Италияга ҳужумида император ўлдирилиб, ҳукмронлиги барҳам топди, Рим эса вандалларга таслим бўлиб, шаҳар аёвсиз таланди.

V аср бошларига келиб, варварлар амалда империя дарвозаларига етиб келганди. Баъзи тарихчилар бунга империя даврининг охирларига келиб, Рим салтанати

кучли ракибларга рўбарў бўлгани сабаб бўлган, деган фикрни илгари суради. Аммо готлар, хунлар ва вандалларнинг Римга қарши урушлардаги муваффақияти Римдаги таназулнинг сабаби эмас, аксинча, натижаси эди, холос. Республика даврида Рим армияси Карфаген қўшини сингари анча яхшироқ қуролланган ва хавфлироқ ракиблар билан курашишига тўғри келганди. Римдаги инқироз сабаблари Майя шаҳар-давлатлари таназули сабабларига жуда ўхшайди. Римнинг тобора экстрактивлашиб борган сиёсий ва иқтисодий институтлари унинг қулашига олиб келган, чунки бу институтлар ҳокимият учун ўзаро кураш ва фуқаролар урушини келтириб чиқарганди.

Таназулнинг илдизи камида Октавиан Августнинг ҳокимиятни эгаллашига бориб тақалади, шу ондан эътиборан сиёсий институтлар янада экстрактив бўла бошлаган. Ўзгаришлардан бири кўшин тузилишида амалга оширилган бўлиб, бу сецессия – плебейлар исёнини имконсиз қилиб қўйди, шу тариқа оддий фуқароларнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишини таъминлаган муҳим элемент йўқ қилинди. Октавианнинг вориси, милодий 14 йилда тахтга ўтирган император Тиберий эса Плебейлар йиғинини бекор қилди ва унинг ваколатларини Сенатга олиб берди. Маҳрум қилинган сиёсий ҳуқуқлар эвазига Рим фуқароларига текин дон-дун, кейинроқ эса зайтун ёғи, вино ва чўчка гўшти бериладиган, римликлар цирклар ва гладиаторлар жангларида кўнгилхушлик қиладиган бўлди. Октавиан Август ислохотлари натижасида энди императорлар жангчи-фуқаролардан тузилган кўшинга эмас, янги ташкил қилинган профессионал жангчилар гуруҳи – *Претория* гвардиясига таянадиган бўлди. Янги кўшин тез орада ким император бўлишини ҳал қиладиган мустақил кучга айланди. Аммо бу жараён кўпинча тинч йўл билан эмас, фуқаролар урушлари ва фитналар билан юз берарди. Октавиан Август оддий римликлар қолиб, зодагонлар манфаатларини мустаҳкамлаши натижасида

Тиберий Гракх ва зодагонлар ўртасидаги низога сабаб бўлган тенгсизлик нафақат сақланиб қолди, балки тобора кучайиб борди.

Ҳокимият озчилик қўлида тўпланиши билан оддий римликларнинг мулк ҳуқуқлари ҳимоясизланиб борди. Империя даврида мулкларнинг мусодара қилиниши натижасида давлатга қарашли ер майдонлари ҳам кенгайди. Мамлакатнинг кўпчилик ҳудудларида ер майдонларининг камида ярми давлатга тегишли эди. Ҳокимият император ва унинг аъёнлари қўлида марказлашиши билан, айниқса, мулк ҳуқуқлари беқарор бўлиб қолди. Майя шаҳар-давлатларида бўлгани сингари ҳокимиятни эгаллаш учун кураш авж олди. Фуқаролар урушлари ҳатто варварлар устунликка эришган, алғов-далғовли V асрдан олдин ҳам тез-тез содир бўладиган ҳодисага айланди. Мисол учун, милодий 193 йилда император Пертинакс ўлдирилгач, Дидий Юлиан ўзини император деб эълон қилади, Септимий Север эса ундан ҳокимиятни тортиб олади. Север “Беш император йили” номини олган йилда тахтга чиққан учинчи император бўлиб, император бўлгандан сўнг ўз рақиблари – тахтга даъвогар саркардалар – Песценний Нигер ва Клодий Альбинга қарши уруш бошлайди ҳамда мос равишда 194 ва 197 йилларда улар устидан узил-кесил зафар қозонади. Фуқаролар урушидан сўнг Север мағлуб бўлганларнинг барча мулкларини мусодара қилди. Гарчи Траян (милодий 98-117) ҳамда кейинги асрда ҳукмронлик қилган Адриан ва Марк Аврелий каби салоҳиятли ҳукмдорлар инқирозни тўхтата олган бўлса-да, улар энг асосий институционал муаммоларни ҳал қила олмадилар ёки ҳал қилишни истамадилар. Улардан ҳеч бири империядан воз кечиш ёки сиёсий институтларни республика давридаги каби самарали тарзда қайта қуришга ташаббус кўрсатмади. Қўлга киритган муваффақиятига қарамасдан, Марк Аврелийдан сўнг унинг ўрнини ўгли Коммод эгаллади. У ўз

отасидан кўра Калигула ёки Неронга кўпроқ ўхшарди.

Бекарорлик кучайиб бораётгани империя шаҳарларининг жойлашуви ва тузилишида ҳам яққол кўринади. Милодий III асрга келиб, салтанатнинг ҳамма йирик шаҳарларида мудофаа деворлари қад ростлаганди. Кўп холларда иморатларнинг тошлари мудофаа девори қурилиши учун кўпориб олинган. Милоддан аввалги 125 йилда римликлар келишидан аввал Галлияда қишлоқлар одатда тепаликлар устига қуриларди, бу қишлоқларни мудофаа қилишни анча осонлаштирарди. Римликлар келиши билан турар жойлар текисликларда қуриладиган бўлди. Милодий III асрда эса аввалги анъанага қайтилган.

Сиёсий бекарорлик кучайиши билан бирга жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ҳам эврилиш юз бериб, иқтисодий институтлар аввалгидан багтар экстрактивлашиб борди. Милодий 212 йилга келиб империянинг қарийб барча аҳолиси фуқарога айланган бўлса-да, аммо уларнинг мақомлари ўзгармаганди. Қонун олдида барчанинг баробарлигига оид ҳар қандай тушунча йўқ қилинганди. Чунончи, император Адриан (милодий 117-138 йиллар) даврига келиб, Рим фуқароларининг турли табақалари учун қўлланиладиган қонунларда аниқ-тиниқ фарқлар бор эди. Энг муҳими, фуқароларнинг ўрни республика давридаги ҳолатдан бутунлай фарқ қилар эди. Ахир илгари фуқаролар Римдаги ўз йиғинлари орқали сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланарди-да!

Рим империясида қулдорлик сақланиб қолди, фақат аҳоли сонида қулларнинг улуши асрлар оша ҳақиқатан ҳам камайгани борасидаги қарашларда қарама-қаршилик мавжуд. Аҳамиятлиси, империя тараққий этиши билан, қишлоқ хўжалигида янада кўпроқ ишчилар қисман қарамлик мақомига тушиб қолди ва ерга бириктириб қўйилди. Қулларнинг бундай “қолон” мақоми “Теодосий кодекси” ва “Юстиниан кодекси” каби ҳужжатларда

кенг муҳокама қилинган ва куллиқнинг бундай шакли Диоклетиан ҳукмронлиги даврида (милодий 284–305 йиллар) пайдо бўлгани тахмин қилинади. Ер эгаларининг колонлар устидан ҳуқуқлари ҳам тобора кенгайиб борди. 332 йилда император Константин заминдорларга қочишга уринишда гумон қилинган колонларни занжирлаб қўйишга изн берган бўлса, 335 йилдан эътиборан колонларга ўзларининг шахсий мулкларини хўжайиннинг ижозатсиз сотиш тақиқланди.

Кема қолдиқлари ва Гренландия музликларидан олинган намуналар ёрдамида Римнинг илк даврдаги иқтисодий кенгайиши кўламини баҳолай олганимиз каби Римдаги пасайишни аниқлаш учун ҳам улардан фойдаланишимиз мумкин. Милодий 500 йилга келиб, бир вақтлар 180 тага чиққан кемалар сони 20 тага тушиб кетган. Римнинг қулаши билан Ўртаер денгизидаги савдо ҳам таназзулга учраган ва ҳатто айрим олимларнинг фикрича, XIX асрга келибгина Рим республикаси давридаги юқори кўрсаткичга қайтган. Гренландия музликлари ҳам шу натижани кўрсатади. Римликлар кумушдан танга зарб қилиш учун, кўрғошиндан эса кўплаб мақсадларда, хусусан, қувурлар ва ошхона анжомлари ясашда фойдаланган. Милодий I асрда энг юқори кўрсаткичга эришилгач, кейинги асрларда музлик намуналаридаги кўрғошин, кумуш ва мис миқдори ҳам пасайган.

Римда республика даврида кузатилган иқтисодий ўсиш экстрактив институтлар шароитида юз берган ўсишнинг бошқа мисоллари (масалан, СССР) каби зўр таассурот қолдирадиган даражада эди. Аммо бу ўсиш, гарчи у қисман инклюзив институтлар таъсирида юз бергани ҳисобга олинганда ҳам, чекланган бўлиб, давомли эмасди. Бу ўсиш кишлоқ хўжалигидаги нисбатан юқори ҳосилдорлик, бошқа вилоятлардан келадиган муҳим ўлпон пуллари ва узоқ масофалараро савдо-сотикқа асосланган бўлиб, технологик тараққиёт ёки бунёдкор бузғунчи-

лик билан йўғрилмаганди. Римликлар баъзи асосий технологиялар, жумладан, темир асбоблар ва қуроллар, ёзув, омоч ва қурилиш техникаларини мерос қилиб олди. Республика даврининг аввалида римликлар бетон, насос ва чархпалакни ихтиро қилди. Бироқ кейинчалик – Римда империя даври давомида технологиялар ривожланишдан тўхтаб қолди. Мисол учун, кемасозликда кема дизайни ва арқонларида жуда кам ўзгариш бўлди, римликлар кеманинг қуйруқ қисмига қўйиладиган буриш мосламаси – “қуйруқ рул”ни (ёки “осма рул”) ўйлаб топмади, бунинг ўрнига кемани эшкаклар ёрдамида буришда давом этди. Чархпалак ҳам жуда секинлик билан тарқалди, шу сабабли империя иқтисодиётида сувдан фойдаланишда инкилобий ўзгариш кузатилмади. Гарчи римликлар такомиллаштирган бўлса-да, акведук ва шаҳар канализация тизими каби муҳим ихтироларда ҳам эски технологиялардан фойдаланилди. Технологик инновациясиз, мавжуд технологиялар асосида маълум даражада иқтисодий ўсиш бўлиши мумкин, аммо Римдаги ўсиш бунёдкор бузғунчилик жараёни сиз юз берганди. Ва у узоқ давом этмади. Мулк ҳуқуқлари ҳимоясиз бўлиб боргани, фуқаролар сиёсий ҳуқуқлар билан бирга иқтисодий ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлиб боргани сари иқтисодий тараққиёт ҳам орқага кетди.

Рим империяси давридаги янги технологияларнинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларнинг яратилиши ва тарқалиши бевосита давлатнинг шафелигида бўлган. Бу нарса яхши, агарда ҳукумат технологик тараққиётга ҳожат йўқ деб ҳисобламаса – бундай ёндашув эса бунёдкор бузғунчилик жараёнидан қўрқув туфайли кўп учрайди. Буюк Рим ёзувчиси Катта Плиний қуйидаги ривоятни ёзиб қолдирган:

Император Тиберий замонида синмас ойна ихтиро қилган бир киши катта мукофот умидида император ҳузурига боради. У ўз ихтиросини кўрсатганда, император

ундан ихтиро ҳақида бирор кишига айтган-айтмаганини сўрайди. Ихтирочидан “йўқ” жавобини олган Тиберий “Олтиннинг баҳоси лойнинг нархига тушиб кетмасин” деб уни ўлимга ҳукм қилади. Бу ривоятда иккита кизикарли жиҳат бор. Аввало, ойнани ихтиро қилган одам ўз бизнесини ташкил қилиб, ойнани сотиш орқали фойда олиш ўрнига, биринчи галда мукофот илинжида Тиберий ҳузурига чопган. Бу технологияларни назорат қилишда Рим ҳукуматининг роли қанчалик юқори бўлганини кўрсатади. Иккинчидан, император салбий иқтисодий оқибатлар келтириши мумкин бўлган ихтирони йўқ қилишдан мамнун бўлган. Бу бунёдкор бузғунчилик келтириши мумкин бўлган иқтисодий оқибатлардан кўркиш эди.

Бунёдкор бузғунчиликнинг сиёсий оқибатларидан кўркиш ҳақида империя давридан яна бир далил мавжуд. Римлик муаррих Светонийнинг ёзиб қолдиришича, миллодий 69–79 йилларда ҳукмронлик қилган император Веспасиан олдига бир киши келиб, тош устунларни Капитолий тепалигига – Рим кўрғонига анчагина арзон нарҳда ташиб чиқиш имконини берувчи қурилма ўйлаб топганини айтади. Тош устунлар катта ва оғир бўлиб, уларни ташиш ғоят машаққатли иш эди. Уларни тайёрланган жойидан Римга ташиб келтириш минглаб ишчи кучини талаб қилар, бу эса ҳукумат учун катта харажат эди. Веспасиан ўша кишини ўлдирмайди, аммо унинг ихтиросидан фойдаланишни ҳам рад этади ва “Халқимнинг қорнини тўйдирсам майлими?” деб жавоб беради. Яна бир ихтирочи ҳукуматга ўз ихтиросини таклиф қилди. Афтидан, бу сафарги ихтиро синмас ойнадан кўра табиийроқ эди, негаки, Рим давлати тош устунларни қазиб олиш ва ташиш билан кўп шуғулланган. Аммо инновация бунёдкор бузғунчиликдан кўркиш туфайли яна рад этилди, унинг иқтисодий оқибатлари учун эмас, аксинча, сиёсий жиҳатдан бунёдкор бузғунчилик рўй

беришидан қўрқишди. Веспасиан, унинг халқи ҳаётдан мамнун ҳолда ва назоратда сақланмас экан, сиёсий беқарорлик юз бериши мумкинлигидан ташвишланарди. Рим плебейларини иш билан банд қилиб, мутеликда ушлаш керак бўлгани учун уларни тошларни ташиш каби оғир меҳнатларга жалб қилиш кўл келарди. Аҳолини хуррамликда сақлаш учун текинга тақдим қилинадиган нон ва цирк томошалари ҳам йўлга қўйилди. Бу мисолларнинг ҳар иккиси Римда республика кулашидан кўп ўтмай юз бергани аҳамиятли. Ўзгаришларга ғов бўлишда Рим императорларининг ваколоти республика давридаги ҳукмдорлардан кўра анча кўпроқ бўлган.

Технологик инновация юз бермаганининг бошқа бир муҳим сабаби қулчиликнинг мавжудлиги эди. Римга тобе ҳудудлар кенгайиб боргани сари кўп сонли кишилар қулга айлантирилиб, йирик мулкларда ишлатиш учун Италияга олиб келинарди. Римдаги кўпчилик фуқаролар ишлаши шарт бўлмасди: улар ҳукумат таъминоти ҳисобига кун кечиришарди. Шундай экан, инновация қаердан келсин? Бизнингча, инновация эски муаммоларга янги ечимлар топадиган, янги ғояларга эга янги кишилардан туғилади. Римда эса ишлаб чиқариш билан қуллар, кейинчалик эса ярим қарам колонлар шуғулланар, ҳар қандай инновациянинг фойдасини эса ўзлари эмас, балки хўжайинлари кўргани учун уларда янгилик яратишга рағбат йўқ эди. Ушбу китобда бундай мисолларга ҳали кўп гувоҳ бўламиз: мажбурий меҳнатга асосланган қулдорлик ва крепостнойлик тузумлари гайриинновационлиги билан ном чиқарган. Қадимги дунёдан ҳозирги давргача бўлган инсоният тарихи бунга далил бўлади. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, АҚШда шимолий штатлар саноат инқилобиде иштирок этган, жанубдагилари эса йўқ. Шубҳа йўқки, қулдорлик ва крепостнойлик қуллар ва феодалларга қатта бойлик келтирган, лекин улар жамият учун на технологик янгиликлар, на фаровонлик олиб келган.

ВИНДОЛАНДАДА ЁЗАДИГАН ҲЕЧ КИМ ЙЎҚ

Милодий 43 йилга келиб, Рим императори Клавдий қўшинлари Англияни ишғол қилди, Шотландия эса забт этилмай қолди. Британияни тўлиқ босиб олиш бўйича сўнги, беҳуда уриниш Римнинг Британиядаги ноиби, саркарда Агрикола томонидан амалга оширилди. Агрикола 85 йилда шимолга юришларни тўхтатиб, Англиянинг шимолий сарҳадларини қўриқлаш учун бир қатор қалъалар қурдирди. Уларнинг энг йириқларидан бири Ньюкаслдан 35 мил ғарбда жойлашган Виндоланда қалъаси бўлиб, 11-харидада уни Рим империясининг энг шимоли-ғарбий чеккасида кўришимиз мумкин. Кейинрок Виндоланда император Адриан томонидан қурдирилган 85 мил узунликдаги девор билан ўраб олинган. Кандид центурион – юзбошиликка тайинланган 103 йилда қалъа алоҳида истехкомга айланганди. Кандид ва унинг дўсти Октавий биргаликда Рим гарнизони таъминоти билан шуғулланганди. У ўзи ёзган хатга Октавийдан шундай жавоб олади:

Октавийдан биродари Кандидга салом! Аввал ҳам бир неча марта ёзганимдек, тахминан беш минг модий¹ дон сотиб олдим, шунинг ҳисоб-китобиغا менга нақд пул керак. Камида беш юз денарий² миқдоридан пул юбормасанг, мен аллақачон бунак сифатида бериб қўйган уч юз денарийча пулни йўқотаман ва хижолатда қоламан. Шунинг учун иложли борича тезроқ менга пул юборишингни сўрайман. Сен ёзган мўйналар Катарақтонияда турибди, уларни ва сен ёзган аравани менга беришлари ҳақида ёзиб юбор. Агарда йўллар ёмонлиги туфайли ҳайвонларга зарар этишидан қўрқмаганимда, уларни аллақачон олган бўлардим. Третий билан у Фаталийдан олган саккиз ярим денарий ҳақида гаплашиб кўр. У ҳалигача пулни

¹ Қадимги Римда қўлланилган қуруқ нарсалар учун ҳажм ўлчов бирлиги, 1 модий 8.754 литрга тенг.

² Қадимги Римда пул сифатида ишлатилган қумуш танга.

менга қайтармади. Донлар менинг хирмонимда бўлиши учун пул жўнатилишини таъминла. Спектат ва Фирмга салом айт. Хайр.

Кандид ва Октавий ўртасидаги ёзишмалар Рим империяси давридаги Англия иқтисодий тараққиётининг айрим муҳим жиҳатларидан бизни воқиф қилади: аён бўлишича, ўша пайтда молиявий хизматлар йўлга қўйилган ривожланган монетар иқтисодиёт мавжуд бўлган. Ўша пайтда, гарчи доим ҳам яхши ҳолатда бўлмасда, йўллар қурилган. Яна шу нарса маълум бўладики, Кандиднинг эҳтиёжларини қоплаш учун солиқлар йиғиладиган молиявий тизим мавжуд бўлган. Энг асосийси, уларнинг ҳар иккаласи саводли бўлган ва почта хизматидан фойдаланган. Шу билан бирга, Римга қарам бўлган Англияда, шу жумладан, Оксфордширда юкори сифатли кулолчилик маҳсулотлари кенг миқёсда ишлаб чиқарилган. Шунингдек, ҳаммомлари ва жамоат бинолари бўлган шаҳарлар, қоришмалар ва томга ёпиладиган плиткалар каби қурилиш материаллари ҳам бор эди.

IV асрга келиб, барча соҳаларда инқироз бошланди ва милодий 411 йилдан сўнг Рим империяси Англиядан воз кечди. Қўшинлар Римга чақириб олинди, Англияда қолган бўлинмаларига эса маош тўланмай, Рим давлати парчаланиши билан маҳаллий аҳоли римлик мулозимларни қувиб юборди. Эрамизнинг 450-йилларига келиб иқтисодий тараққиётнинг барча излари йўқ бўлди. Пул муомаладан чиқиб кетди. Шаҳарлар кимсасиз қолиб, биноларнинг тошлари қўпориб олинди. Йўлларни бегона ўтлар босди. Сопол буюмлар ҳам фақат пиширилмаган лойдан бўлиб, қўлбола маҳсулотлардан иборат эди. Одамлар қурилиш қоришмасидан фойдаланишни эсдан чиқарди. Саводхонлик сезиларли даражада тушди. Бино томлари сопол плиткалардан эмас, шох-шаббалардан қилинадиган бўлди. Виндоландада бошқа ҳеч ким ёзмай қўйди.

411 йилдан бошлаб, Англия иқтисодий таназзулга ва фақирона турғунликка юз тутди. Бу эса биринчи марта кузатилаётган ҳолат эмас эди. Олдинги бобда милоддан аввалги 9500-йилларда Яқин Шарқда қай тарзда Неолит инқилоби юз берганини кўрган эдик. Иерихон ва Абу Хурайра аҳолиси қишлоқларда яшаётган ва деҳқончилик билан шуғулланаётган бир вақтда англияликлар ҳали ҳам овчилик-термачилик билан кун кечирарди. Улар камида 5500 йил давомида шундай ҳаёт тарзида давом этди. Англияликлар деҳқончилик ва чорвачиликни ўзлари ўйлаб топганлари ҳам йўқ, бу янгиликларни минг йиллар давомида Европа бўйлаб кўчиб юрган яқин шарқлик муҳожирлар олиб келди. Англия аҳолиси эндигина технологиялардан фойдаланишни бошлаган бир пайтда Яқин Шарқда одамлар шаҳарсозлик, ёзув ва кулолчиликни ихтиро қилаётганди. Милоддан 3 500 йил олдин Месопотамияда – ҳозирги Ироқ ҳудудида Урук, Ур каби йирик шаҳарлар пайдо бўлди. Милоддан аввалги 3 500 йилда Урукда 14 минг киши яшаган бўлса, кўп ўтмай шаҳар аҳолиси қирқ минг кишига етган. Месопотамияда кулолчилик чархи гилдирак билан бир пайтда ихтиро қилинди. Кейинроқ Мисрда бошқа бир йирик шаҳар – пойтахт Мемфис пайдо бўлди. Ҳар иккала ҳудудда ёзув бир-биридан мустақил тарзда пайдо бўлди. Милодгача бўлган 2 500 йилда – мисрликлар Гиза пирамидаларини бунёд этаётган бир пайтда, инглизлар ўзларининг энг машҳур кўҳна обидалари – Стоунхенждаги тошлар айланасини қурди. Бу конструкция ўша пайтдаги Англия учун унчалик ёмон бўлмаса ҳам, катталиги фиръавн Хуфу эҳроми остига ўрнатилган рамзий қайиқ ҳам сиғмайдиган даражада кичик эди. Англия кейинчалик, хусусан, Римга қарамлик даврида ҳам тараққиётда орқада қолишда ҳамда янгиликларни Яқин Шарқ ва Европанинг бошқа ўлкаларидан ўзлаштиришда давом этди.

Ана шундай муваффақиятсиз ўтмишига қарамай, би-

ринчи том маънодаги инклюзив жамият Англияда пайдо бўлди ва саноат инқилоби содир бўлди. Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, бу кичик институционал фарқлар ва бурилиш нуқталарининг – масалан, “қора ажал”нинг ва Америка кашф этилишининг ўзаро кесишуви натижаси эди. Англиянинг бошқалардан фарқланиши тарихий илдизларга эга, лекин Виндоланда мисолидан кўриш мумкинки, бу илдизлар унчалик чуқур эмас, ва албатта, тарихан олдиндан белгиланмаган. Бу илдизлар Неолит инқилоби ёки ҳеч бўлмаса, Рим мустамлакачилиги пайтида ҳам ўрнатилмаганди. Тарихчилар “зулматли асрлар” деб атайдиган давр бошланиши бўлган 450 йилга келиб, Англия кашшоқлик ва сиёсий беқарорлик гирдобига қайтганди. Англияда кейинги бир неча аср давомида самарали марказлашган давлат мавжуд бўлмаган.

АЙРО ЙЎЛЛАР

Англияда инклюзив институтларнинг тараққий этиши ва кейинги иктисодий юксалиш Рим империяси ёки олдинги даврдаги институтларнинг тўғридан-тўғри давоми эмас эди. Аммо бу ҳали Европанинг аксарият қисми тақдирига дахл қилган муҳим ҳодиса – Ғарбий Рим империясининг кулаши натижасида ҳеч қандай муҳим воқеа содир бўлмади дегани эмас. Европанинг турли чеккалари бир хил бурилиш нуқтасига рўбарў бўлгани туфайли уларнинг институтлари бир-бирига ўхшаш тарзда – европача йўналишда ривожланди. Рим империясининг кулаши улар дуч келган умумий бурилиш нуқталарининг энг муҳимларидан бири бўлди. Европача ривожланиш йўли дунёнинг бошқа жойлари, хусусан, тропик Африка, Осиё ва Америка давлатлари бошқача бурилиш нуқталарига учраганлари учун бироз ўзгачароқ йўлда кетган.

Англияда Рим тартиблари бирйўла барбод бўлди. Италия, Галлия (ҳозирги Франция) ва ҳатто Шимолий Африкада ҳам эскича институтлар у ёки бу тарзда сакланиб қолди. Шубҳа йўқки, ягона Рим империяси ўрнида

франклар, вестготлар, остготлар, вандаллар ва бургундлар бошқарувида бир талай давлатлар юзага келгани катта аҳамиятга эга. Бу давлатларда ҳокимият анчагина заиф бўлиб, ўз қўшилариининг доимий ҳужумларидан азият чеккан. Шимолдан кемаларда викинглар ва данияликлар бостириб келган бўлса, шарқдан хунларнинг отлик лашкари ҳужум қиларди. Ислоннинг дин ва сиёсий куч сифатида юзага чиқиши Муҳаммад пайғамбар вафотидан сўнг (632 йил) Византия империясининг катта қисми, Шимолий Африка ва Испанияда янги ислом давлатларининг пайдо бўлишига олиб келди. Бу жараёнлар Европани ларзага солди ва натижада жамиятнинг феодал тартиб деб аталадиган ўзига хос тури пайдо бўлди. Буюк Карл каби айрим ҳукмдорларнинг жамиятни қайта қуришга бўлган уринишларига қарамай, феодал жамиятда кучли марказлашган ҳокимиятнинг заифлашуви туфайли тарқоқлик ҳукм сурди.

Эркисизликка, мажбурий меҳнат (крепостнойлик)га таянган феодал институтлар, равшанки, экстрактив эди ва айнан шу институтлар бутун ўрта асрлар давомидаги узоқ даврда Европадаги экстрактив ва суёт бўлган ўсиш жараёни учун асос яратди. Лекин шу билан бирга, улар кейинчалик юз берган ижобий ўзгаришлар учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, қишлоқ аҳолисининг крепостнойлик мақомига туширилиши туфайли Европада кулдорлик барҳам топди. Афтидан, феодаллар учун барча қишлоқ аҳолисини крепостнойликка қамраб олиш имкони туғилган бир паллада, аввалги тузумда мавжуд бўлган алоҳида қуллар табақасини сақлашга эҳтиёж қолмаган. Феодал тарқоқлик, шунингдек, мустақил шаҳарларнинг ишлаб чиқаришга ихтисослашиши ҳамда савдо-сотиқ гуллаб-яшнаши учун ҳокимиятда бўшлиқ ҳосил қилди. Бироқ “қора ажал”дан сўнг кучлар мувозанати ўзгарди, Ғарбий Европада крепостнойлик таназзулга юз тута бошлади ва ҳеч қандай куллик мавжуд

бўлмаган, анчагина плюралистик жамият учун шароит туғилди.

Феодал жамиятни равақ топтирган бурилиш нуқталари хилма-хил бўлса-да, бу жараён фақат Европа билан чекланиб қолмаган. Африкадаги ҳозирги Эфиопия давлатининг шимолий қисмида милоддан чамаси 400 йил олдин Аксум қиролиги ташкил топган. Аксум ўз даври учун нисбатан ривожланган қиролик бўлиб, Ҳиндистон, Арабистон, Юнонистон ва Рим империяси билан савдо қилган. Бу давлат кўп жиҳатларга кўра ўша даврдаги Шарқий Рим империясига ўхшайди. Аксумда пулдан фойдаланилган, ҳашаматли жамоат иншоотлари ва йўллар қурилган. Иккала мамлакат бир-бирига жуда ўхшаш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ва кемачиликда бир хил технологияларга эга бўлган. Рим ва Аксум ўртасида қизиқ мафкуравий ўхшашликлар ҳам мавжуд. Милодий 312 йилда Рим императори Константин насронийлик динини қабул қилган бўлса, Аксум қироли Эзана ҳам тахминан, шу вақтда насронийликка ўтган. 12-харитада тарихий Аксум давлатининг ҳозирги Эфиопия ва Эритрея ҳудудлари бўйлаб жойлашуви ҳамда бу давлатнинг Қизил денгиз ортидаги Саудия Арабистони ва Яман ҳудудларидаги чегаралари акс эттирилган.

Худди Рим сингари Аксумда ҳам таназзул юз бериб, бу борада Аксумнинг тақдири Ғарбий Рим империясининг қисматига ўхшаш бўлди. Римнинг инқирозида хунлар ва вандаллар қандай роль ўйнаган бўлса, Аксум тарихида VII асрда Арабистон яримороли ва Қизил денгиз бўйлаб юриш қилган араблар шундай ўрин тутди. Аксум Арабистондаги мустамлакалари ва савдо йўллари-дан айрилди. Бу эса иқтисодий таназзулни тезлаштирди: пул зарб қилиш тўхтатилди, шаҳар аҳолиси камайиб, давлатнинг эътибори мамлакатнинг ичкарироқ ҳудудлари ва замонавий Эфиопиянинг тоғларига йўналди.



12-харита. Аксум империяси ва Сомали қабилалари.



Европада марказлашган давлат ҳокимиятининг инкирозга учраши билан феодал институтлар қарор топганди. Эфиопияда ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз берди: подшо ерларни ҳадя қилишга асосланган *гулт* тартибини ўрнатди. Бу институт гарчи анча аввалроқ пайдо бўлган эса-да, илк бор XIII асрга оид қўлёзмаларда тилга олинган. Гулт атамаси амҳар тилидан олинган бўлиб, “*у ер-мулк инъом қилди*” маъносини англатади. Мазкур тартибга биноан, гулт соҳиби император олдида бир қанча хизматлар, хусусан, ҳарбий мажбуриятлар бажариши керак бўлган. Эвазига гулт эгаси ўз ерида етиштирилган ҳосилдан ўз улушини олиши мумкин эди. Бир қатор тарихий манбаларга кўра, ер эгаси деҳқонлардан ҳосилнинг ярмидан то тўртдан уч қисмигача бўлган миқдорда улуш олган. Мазкур тизим Европадаги феодал тартибдан алоҳида тарзда, аммо унга гоят ўхшаш шаклда қурилган бўлиб, афтидан, экстрактивлик борасида ундан ҳам оғирроқ бўлган. Англияда феодализм чўққисига чиққан пайтда ҳам тўланадиган солиқлар борасида инглизларнинг шароити эфиопларникидан енгилроқ эди ва ҳосилнинг, тахминан, ярмини у ёки бу шаклда мулк эгаси олиб қўйган.

Аммо Эфиопия бутун Африкани тамсил қилади деб бўлмайди. Крепостнойлик ҳамма жойда ҳам қулдорлик ўрнини эгалламаган. Африкада қулдорлик тузуми ва унинг асоси бўлган институтлар кўп асрлар мобайнида сақланиб қолган. Ҳатто Эфиопия ҳам охир-оқибат бошқа йўлдан кетди. XVII асрдан кейин Эфиопия Шарқий Африка тоғлари орасида Европанинг кейинги институционал тараққиётига таъсир қилган жараёнлар – мустақил шаҳарларнинг пайдо бўлиши, монархлар ваколатини чеклашга уринишлар, Америка кашф этилиши билан Атлантика уммони орқали савдонинг кенгайиши каби ходисалардан четда қолди. Натижада эфиопча мустабид институтлар ўзгармади. Кейинчалик эса Африка

китъаси Европа ва Осиё билан ғоят хилма-хил миқёсда алоқалар олиб борди. Шаркий Африка араб дунёси учун асосий қул таъминотчисига айланган бўлса, Ғарбий ва Марказий Африка Атлантика орқали савдода Европа таъсирининг кенгайиши даврида қуллар экспортчиси сифатида дунё иқтисодиётига тортилди. Трансатлантик савдо-сотик Ғарбий Европа ва Африка ўртасидаги кескин фаркланишга олиб келгани эса бурилиш нуқталари ва мавжуд институционал тафовутлар ўртасидаги муносабат натижасида юзага келган институционал ажралишга яна бир мисол бўлади. Англияда қуллар савдосидан келган даромад чекланмаган ҳокимиятга қарши тарафнинг бойишига ёрдам берган бўлса, Африкада аксинча, улар абсолютизм юзага келиши ва кучайишига кўмаклашди.

Европадан олисроқда эса институционал ўзгаришлар жараёни давом этиши учун янада эркинроқ муҳит юзага келди. Милоддан 15 минг йил муқаддам Аляскани Россияга боғлаб турувчи муз қатлами эриши натижасида Европадан ажралиб қолган иккала Америкада худди натуфияликларда учраганга ўхшаш институционал янгиликлар юз берган ҳамда бу янгиликлар ўтроқ турмуш тарзи, табақаланиш ва тенгсизликка, бир сўз билан айтганда, экстрактив институтлар жорий бўлишига олиб келган. Бу жараёнлар дастлаб Мексикада ҳамда Анд тоғларидаги Перу ва Боливияда рўй бериб, маккажў-хорининг маданийлаштирилиши билан америкача Неолит инкилобига сабаб бўлди. Майя шаҳар-давлатлари мисолида кўрган миздек, экстрактив ривожланишнинг илк шакллари шу ҳудудларда юз берган. Аммо инклюзив институтлар йўлидаги энг катта муваффақиятлар ва саноат ўсиши Европанинг Рим империяси кудрати мустаҳкам ҳукм сурган ҳудудларида юз бермаганидек, Америкадаги инклюзив институтлар ҳам ўша илк тамаддунлар ерида ривож топгани йўқ. Чиндан ҳам, биринчи бобда гувоҳ бўлдики, мазкур аҳолиси зич бўлган тамаддунлар Ев-

ропа мустамлакачилиги билан қайсарларча муносабатда бўлди ва фалакнинг гардиши тескари айланиб, аввал Америкадаги нисбатан тараққий этган ҳудудлар қашшоқликка юз тутди. Ўша пайтда Мексика, Перу ва Боливиядаги мураккаб тамаддунлардан орқада бўлган АҚШ ва Канада ҳозирги кунда Американинг қолган жойларидан анча-мунча бадавлатроқ.

ДАСТЛАБКИ ЎСИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

Милоддан тўққиз ярим минг йил муқаддам бошланган Неолит инқилоби ва XVIII аср охирида Британияда юз берган саноат инқилоби ўртасидаги кўп асрлик давр иқтисодий ўсишнинг шиддат билан тезлашишига оид мисолларга тўла. Бу тезланишларга институционал янгиликлар туртки бўлган эди, аммо улар охир-оқибат чиппака чикди. Қадимги Римда маълум даражада иқтисодий жўшқинлик яратган ва улкан империя қуришга имкон берган республиканинг институтлари Юлий Цезарнинг тўнтариши ва Август даврида империя қурилиши билан барбод бўлди. Рим империясининг якунда заволи топиши учун бир неча аср керак бўлди ва инқироз узоқка чўзилди; модомики, республиканинг бирмунча инклюзив институтлари империянинг анчагина экстрактив институтларига йўл берган экан, иқтисодий таназзул муқаррар эди.

Венециянинг ривожланиш динамикаси ҳам шунга ўхшайди. Венеция тараққиёти муҳим инклюзив унсурларга эга бўлган институтлар туфайли юз берганди, бироқ ҳукмрон элита томонидан мавжуд тизимга янги иштирокчилар киришига тўсик қўйилиши ва республика учун фаровонлик келтирган институтлар тақиқланиши билан уларнинг бари ниҳоясига етди.

Римнинг шонли тарихий тажрибасига қарамадан, Римдан қолган мерос Англияда инклюзив институтлар раванқ топиши ва саноат инқилобига бевосита сабаб бўлмади. Тарихий омиллар институтларнинг қандай ри-

вожланишини белгилайди, бироқ бу оддий, натижаси олдиндан маълум бўлган ва тўпланиб борувчи жараён эмас. Рим ва Венеция тажрибасидан маълумки, инклюзивлик томон қўйилган илк қадамлар орқага қайтиши мумкин. Рим империяси бутун Европа ва Яқин Шарқда шакллантирган иқтисодий ва институционал манзара бу ўлкаларда кейинчалик янада мустаҳкам инклюзив институтларнинг пайдо бўлишига олиб келмади. Чиндан ҳам, инклюзив институтлар биринчи бўлиб Англияда пайдо бўлди ва шу ерда мустаҳкам ўрнашди. Ваҳоланки, Англияда Рим ҳокимияти энг кучсиз бўлган, V асрадаёқ империя тартиблари қатъиятлилиқ билан, изсиз йўқ қилинган ўлка эди. Аксинча, тўртинчи бобда муҳокама қилганимиздек, тарих институционал тафовутларни юзга келтирадиган институционал ўзгаришлар орқали, гарчи бу тафовутлар гоҳида кичик бўлса-да, муҳим роль ўйнайди. Бу тафовутлар эса бурилиш нуқталарига нисбатан муносабат хилма-хиллиги туфайли кейинчалик катталашиб кетиши эҳтимоли бор. Негаки, мазкур фарқлар кўпинча кичик бўлиб, улар осон тесқари кўриниш олиши мумкин ва улар, албатта, оддий кумулятив жараённинг натижаси бўлавермайди.

Дарҳақиқат, Рим Европага кўп йиллар давомида таъсир кўрсатди. Ғарбий Рим империясининг кулаши билан ташкил топган варвар қиролликларининг қонун ва институтларида Рим қонунлари ва институтларининг таъсири акс этганди. Рим империясининг кулаши кейинчалик феодал тартиб ўрнатилишига олиб келган сиёсий тарқокликни келтириб чиқарди. Қулликнинг барҳам топиши ва мустақил шаҳарларнинг пайдо бўлиши бу жараённинг кўп йиллик, узоқ чўзилган (ва албатта, тарихий шартлар бажарилишига боғлиқ) натижаси эди. Бу айниқса, “қора ажал” феодал жамиятни каттиқ ларзага солган пайтда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. “Қора ажал”нинг асоратларидан янада кучлироқ шаҳарлар

юзга келди. Деҳқонлар эса ўзи ишлайдиган ерга боғлаб кўйилмайдиган бўлди ва феодал мажбуриятлардан озод этилди. Рим империясининг қулаши билан юзга келган айнан мана шу бурилиш нуқталари бутун Европани тропик Африка, Осиё ва Америкада ўхшаши бўлмаган қатъий институционал силжишлар томон етаклади.

XVI асрга келиб, Европа институтлари ҳар жиҳатдан тропик Африка ва иккала Америкадан беҳад фарқ қиларди. Осиёнинг кўзга кўринган тамаддунлари – Хитой ва Ҳиндистонга қараганда сезиларли даражада бой бўлмаса ҳам, Европа бир қанча муҳим хусусиятлари билан улардан ажралиб турарди. Чунончи, Хитой ва Ҳиндистондан фарқли ўлароқ, Европада фуқароларнинг вакиллик институтлари шаклланди. Айнан ана шу тузилмалар инклюзив институтлар таракқиётида муҳим роль ўйнади. Кейинги икки бобда биз кичик институционал фарқлар Европа давлатларида қандай аҳамият касб этганига ва улар қай тариқа Англияга қўл келганига гувоҳ бўламиз. Зотан, айнан Англиядаги феодал тартиб тадбиркор деҳқонлар ва мустақил шаҳарларга (савдогарлар ва саноатчилар фаолияти гуллаб яшнаши учун) ҳар томонлама кенг имкониятлар берганди. Бу гуруҳлар ҳукмдорларидан янада яхши ҳимояланган мулк дахлсизлиги, бошқача иқтисодий институтлар ва сиёсий ҳуқуқларни талаб қила бошлаганди. Мазкур жараён ҳали XVII асрда авжига чиқиши керак эди.

7

БУРИЛИШ НУҚТАСИ

ПАЙПОҚ МУАММОСИ

1583 йилда Кембриж университетини тамомлаган Уильям Ли маҳаллий руҳоний бўлиш учун Англиянинг Калвертон қишлоғига қайтади. Ўша пайтда қиролича Елизавета I (1558–1603) фуқароларга фақат тўқилган қалпоқларнигина кийишга фармон берганди. Роҳиб шундай хотирлайди:

“Бундай кийимларни фақат тўқувчилар ишлаб чиқара оларди, аммо битта матоҳни тугатиш учун кўп вақт керак бўларди. Мен ўйлай бошладим. Онам ва синглимнинг оқшом гира-ширасида тўқув игналарига мук тушганча ишлашини кузатдим. Агар кийимлар иккита игна ва битта ипдан тўқиладиган бўлса, нима учун ипни тўқиш учун бирданига бир қанча игналарни ишга солмаслик керак?”

Ушбу долзарб фикр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни механизациялашнинг бошланиши эди. Уильям Лининг фикру хаёли одамларни тинимсиз қўл меҳнати – тўқишдан халос қиладиган машина яратиш билан банд эди. У бунини шундай эслайди:

Черков ва оилам олдидаги мажбуриятларим эътиборсиз қола бошлади. Дастгоҳ ва уни яратиш гоёси қалбим ва ақлимни эгаллаб олди.

Ниҳоят, 1589 йилда “пайпоқ тўқиш роми” номли тўқув дастгоҳи тайёр бўлди. Роҳиб Елизавета I билан учрашиб, унга ўзи ихтиро қилган усқунанинг қанчалик фойдали бўлишини намоиш қилиш ҳамда дастгоҳ дизайнини бошқалар кўчиришидан ҳимоялаш учун патент олиш илинжида ҳаяжон билан Лондон сари жўнайди. У ўз қурилмасини ўрнатиш учун бир бинони ижарага олиб, маҳаллий парламент аъзоси Ричард Паркинс ёрдамида қиролича Шахсий Кенгаши аъзоси лорд Ҳенри Кери Ҳандсон билан учрашади. Ҳенри Кери қиролича Елизаветани янги дастгоҳни кўриш учун келишга

кўндиради, аммо қироличанинг ихтирога муносабати жуда салбий бўлди. У ихтиро учун патент беришни рад этаркан, шундай дейди:

Сиз жуда юқори мақсадларни кўзлаясиз, жаноб Ли. Бу ихтиро менинг шўрлик фуқароларим учун қандай оқибатлар олиб келиши ҳақида ўйлаб кўринг. Бу, албатта, уларни иш жойларидан маҳрум қилиб, тиланчиларга айлантириши орқали бошларига кулфат келтириши тайин.

Ҳафсаласи пир бўлган руҳоний ўз бахтини синаб кўриш мақсадида Францияга кўчиб ўтади, аммо у ерда ҳам омади кулмади. Англияга қайтгач, ихтиро соҳиб-би қиролича Елизаветанинг вориси, қирол Жеймс I дан (1603–1625) патент олишга уриниб кўради. Бироқ янги қиролдан ҳам Елизавета кўрсатган важ билан рад жавобини олади. Уларнинг иккови ҳам тўқимачилик саноатини механизациялаштириш сиёсий бекорорликка олиб келишидан кўрқарди. Бу одамларни ишсиз қолдириб, сиёсий бетартибликни юзага келтириши, қироллик ҳокимиятига хавф солиши мумкин эди. Тўқув дастгоҳи жуда катта меҳнат унумдорлиги кутилган янгилик эди, ўз навбатида у бунёдкор бузғунчиликни ҳам ваъда қиларди.

Уильям Лининг беназир ихтиросига кўрсатилган муносабат ушбу китобнинг асосий ғоясини акс эттиради. Бунёдкор бузғунчиликдан чўчиш неолит давридан саноат инқилобигача бўлган даврда турмуш даражаси барқарор ўсишига гов бўлди. Технологик инновациялар жамиятни раванқ топтиради, шу билан бирга, эскилик сарқитларини янгиликлар билан алмаштиради ҳамда айрим кишиларнинг иқтисодий ва сиёсий имтиёзларига раҳна солади. Барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун бизга янги технологиялар ва янгича иш усуллари керак бўлади, улар эса кўпинча Уильям Ли каби янги одамлардан келади. Булар жамиятга фаровонлик келтириши мумкин, аммо улар бошлайдиган бунёдкор бузғунчилик

жараёни, худди Уильям Лининг ихтироси қўл меҳнатидан фойдаланадиган тўқувчиларни ишсиз қолдиргани каби эски технологиялар билан ишлайдиганларнинг тирикчилигини хатарга қўяди. Энг муҳими, Лининг тўқув машинасига ўхшаш жиддий ихтиролар сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш хавфини туғдиради. Ниҳоят, Елизавета I ва Жеймс I нинг тўқув дастгоҳига патент беришдан бош тортишига туртки бўлган нарса – янги қурилма сабаб ишсиз қоладиганларнинг тақдирига қайғуриш эмас, балки уларнинг сиёсий ҳокимиятига путур етишидан қўрқуви эди – шундай қўрқувки, улар ихтиро натижасида ўз ишидан айрилганларнинг сиёсий беқарорликни юзага келтириши ва ҳокимиятга таҳдид солишидан хавфсирашарди. Луддитлар мисолида қўрдикки, кўпинча тўқувчилар ёки бошқа ишчиларнинг қаршилигини четлаб ўтса бўлади. Аммо элита, айниқса, уларнинг сиёсий ҳокимиятига таҳдид юзага келганда, инновациялар йўлига ўтиш қийин тўсиқларни қўяди. Бунёдкор бузғунчиликдан энг кўп зарарни элита кўрар экан, улар нафақат янгиликларни ўзлари татбиқ қилмайди, балки инновацияга кўпинча қарши туради ва ҳатто уни тўхтатишга ҳам уринади. Шу сабаб энг кескин инновацияларни амалга ошириш учун жамиятга янги кучлар керак бўлади. Янги кучлар ҳамда улар бошлаган бунёдкор бузғунчилик эса қаршилиқнинг бир қанча манбаларини, шу жумладан, қудратли ҳукмдорлар ва элита қаршилигини енгиб ўтишлари шарт бўлади.

XVII аср Англиясидан олдин, инсониятнинг бутун таърихи давомида экстрактив институтлар оддий ҳол бўлган. Улар вақти-вақти билан, охириги икки бобда гувоҳ бўлганимиздек, айниқса, инклюзив элементларга эга бўлганда, Венеция ва Римда бўлгани сингари иқтисодий ўсишга сабаб бўлган. Аммо экстрактив институтлар бунёдкор бузғунчилик юз беришига йўл қўймаган. Экстрактив институтлар келтирган ўсиш эса давомли

бўлмаган, чунки янги ихтиролар йўқлиги, ресурсларни тортиб олиш имкониятидан фойдаланиш иштиёқи сиёсий низоларни юзага келтиргани ва эндигина дунё юзини кўраётган инклюзив элементлар охир-оқибат бекор қилингани (Венецияни эсланг) туфайли бу ўсиш ўз ниҳоясига етган.

Натуфиянинг Абу Хурайра қишлоғи аҳолисининг умр кўриш давомийлиги қадимги Рим фуқаросиникидан унчалик катта фарқ қилмаган бўлса керак. Ўз навбатида, оддий римликнинг ўртача яшаш даври XVII аср Англиясидаги ўртаҳол кишининг умр кўриш давомийлигига анча яқин бўлган. Даромадларга келсак, милодий 301 йилда Рим императори Диоклетиан турли хил ҳунарлар бўйича ишчиларга тўланадиган маошлар жадвалини ўз ичига олган “Юқори нархлар тўғрисидаги фармон”ни чиқарганди. Биз Диоклетианнинг маошлар ва нархлар бўйича сиёсати амалиётда қандай татбиқ қилинганини аниқ билмаймиз. Аммо иқтисодий тарихчи Роберт Аллен бу фармондан фойдаланиб, малакасиз оддий римлик ишчининг турмуш даражасини ҳисоблаган ва римлик унинг турмуш даражаси XVII асрда яшаган оддий италиялик малакасиз ишчиники билан деярли бир хил бўлганини аниқлаган. Айти пайтда шимолроқда жойлашган Англияда ойлик маошлар юқорироқ бўлиб, улар ошиб бораётган, вазият ўзгараётганди. Бу қандай юз бергани эса мазкур бобнинг мавзусидир.

ОХИРИ ЙЎҚ СИЁСИЙ НИЗО

Институтлар ва ресурсларни тақсимлаш бўйича ихтилоф бутун тарих давомида мавжуд бўлган. Бу зиддият охир-оқибат элита фойдасига ҳал қилингани ва бу қатлам ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлганини қадимги Рим ва Венеция мисолида кўриб, сиёсий ихтилоф бу тамаддунларни қандай шакллантирганига гувоҳ бўлдик.

Англия тарихи ҳам мана шундай келишмовчиликлар-

га – монархия ва унинг тобелари ўртасидаги, ҳокимият учун курашаётган турли жамоалар ўртасидаги, элита ҳамда фуқаролар ўртасидаги курашларга бой. Аммо бу курашлар доим ҳам ҳукмдорнинг ҳокимиятини мустаҳкамлайвермаган. 1215 йилда қиролдан кейинги ўринда турувчи табақа ҳисобланган баронлар қирол Жонга қарши чиқиб, Раннимид майсазорида “Буюк эркинлик хартияси”ни (Magna Carta) имзолашга мажбур қилади (9-харитага қаранг). Мазкур ҳужжат қирол ҳокимияти учун етарлича муаммо бўлган муҳим қондаларни ўз ичига олганди. Энг муҳими, хартияга кўра, солиқ солиш учун қирол баронлар билан кенгашишга мажбур бўлди. Ҳужжатнинг энг мунозарали қисми 61-банд бўлиб, унда шундай дейилганди:

Баронлар қиролликдан ўзлари истаган йиғирма беш баронни танлайди. Улар барча ваколатларидан фойдаланиб, ушбу хартия билан берилган тинчлик ва эркинликларга риоя қилинишини назорат қиладилар, уларнинг сақланиб туриши ҳамда ижросини таъминлайдилар.

Яъни баронлар қирол томонидан хартияга амал қилинишини таъминлаш учун кенгаш тузди. Агарда қирол унга риоя қилмайдиган бўлса, баронлар кенгаши токи уларнинг хоҳишига кўра ўзгариш қилинмагунча, қасрлар, ер майдонлари ва мол-мулкни олиб қўйиш ҳуқуқига эга эди. Буюк эркинлик хартияси қирол Жонга маъқул келмайти ва баронлар кенгаши тарқалиши билан Рим папаси ёрдамида уни бекор қилади. Лекин баронларнинг сиёсий қудрати ва эркинлик хартиясининг таъсири сақланиб қолди. Шу тариқа Англия плюрализм томон биринчи ишончсиз одимни ташлади.

Сиёсий институтлар борасидаги низо давом этиб, 1265 йилда биринчи парламент сайланиши билан монархия ваколатлари янада чекланди. Римдаги Плебейлар кенгаши ва ҳозирги сайланган конун чиқарувчи тузил-

малардан фарқли ўларок, инглиз парламенти аъзолари келиб чиқиши аслида феодал дворянлар, ўша даврнинг рицарлари ва айни пайтда мамлакатнинг энг бадавлат зодагонлари эди. Фақат элита вакилларидан ташкил топганига қарамай, инглиз парламенти икки ўзига хос хусусиятни мужассамлаштирди. Аввало, парламент фақат қиролга яқин бўлган элитани тамсил этиб қолмасдан, турли-туман манфаатларни, жумладан, жамият ҳаётининг турли жабҳалари – савдо-сотиқ ва ишлаб чиқаришда банд бўлган куйи табақа зодагонларни ва кейинроқ мавқеи ошиб бораётган тижорий фермерлардан иборат янги синф – кичик ер эгаларини ҳам бирлаштирди. Шундай қилиб, парламент жамиятнинг бирмунча кенг қатламларига – ҳар ҳолда, ўша давр ўлчовлари бўйича кенгрок қатламга ваколат берди. Иккинчиси эса асосан биринчи хусусиятнинг натижаси бўлиб, парламентнинг аксарият аъзолари монархиянинг ўз ҳокимиятини кучайтиришга уринишига мунтазам қарши чикди ҳамда кейинчалик фуқаролар уруши ва Шонли инқилоб вақтида монархияга қарши курашганларнинг асосий ўзаги бўлиб қолди.

Буюк эркинлик хартияси ҳамда сайланган парламентга қарамай, монархиянинг ваколатлари ва ким қирол бўлиши хусусидаги сиёсий низолар давом этди. Элита ичидаги ўзаро кураш “Атиргуллар уруши” – узоқ йиллар давомида тахт учун талашган Ланкастер ва Йорк хонадонлари ўртасидаги кураш билан ўз ниҳоясига етди. Бу курашда Ланкастерлар ғалаба қозонди ва сулола номзоди бўлган Ҳенри Тюдор 1485 йилда Ҳенри VII номи билан тахтга ўтирди.

Айни пайтда иккита ўзаро алоқадор жараён содир бўлди. Биринчиси сиёсий марказлашувнинг кучайиши бўлиб, уни тюдорлар бошлаб беришди. 1485 йилдан сўнг Ҳенри VII аристократияни қуролсизлантирди, амалда уларни қўшиндан маҳрум қилди ва шу тариқа марказий давлат ҳокимиятини кенгайтирди. Унинг ўгли Ҳенри VIII

эса бош вазир Томас Кромвель ёрдамида бошқарувда инқилобий ўзгаришлар қилди. XVI асрнинг 30-йилларида Кромвель янгича бюрократик давлат ҳокимиятини жорий қилди. Ҳукумат шунчаки қиролнинг шахсий девони бўлиб қолмасдан, доимий фаолият юритувчи муассасаларнинг алоҳида мажмуасига айланди. Бу жараён Ҳенри VIII нинг Рим католик черковидан ажралиши ва “Монастирларнинг тарқатиб юборилиши”, яъни барча черков ерларининг мусодара қилиниши билан давом этди. Черков ҳокимиятининг олиб ташланиши давлатни янада марказлаштириш жараёнининг бир қисми эди. Давлат ҳокимияти идораларининг марказлашуви эса тарихда биринчи марта инклюзив сиёсий институтларни амалга оширса бўладиган жараёнга айлангирди. Ҳенри VII ва Ҳенри VIII бошлаб берган мазкур жараён нафақат давлатни марказлашгирди, балки кенг қамровли сиёсий вакиллик ҳокимиятига бўлган талабни ҳам ошириб юборди. Сиёсий марказлаштириш жараёни аслида авторитаризмнинг шаклланишига олиб келиши мумкин, чунки қирол ва унинг ҳамтовоқлари жамиятдаги бошқа кучли гуруҳларни йўқ қилиб юборишлари мумкин. 3-бобда кўриб ўтганимиздек, давлат ҳокимиятининг марказлашувига қаршилик бўлиши сабабларидан бири ҳам аслида мана шу ҳисобланади. Бироқ бунга қарама-қарши ўлароқ, давлат институтларининг марказлашуви худди тюдорлар даври Англиясида бўлгани сингари плюрализмнинг янгича шаклига бўлган талабни ошириши ҳам мумкин. Сиёсий ҳокимиятнинг тобора марказлашуви ва бу жараёни тўхтатиш қийинлигини кўрган баронлар ҳамда маҳаллий элита аъзолари ҳукуматда ўз овозига эга бўлишни талаб қила бошлади. Бу эса XV аср охири ва XVI асрлар Англиясида элита вакиллари қирол ҳокимиятига муқобил кучга айланиш ва давлатнинг иш фаолиятини қисман назорат қилиш учун парламентга эга бўлишга ундади. Шундай қилиб, тюдорлар лойиҳаси на-

факат инклюзив институтларнинг устуви бўлган сиёсий марказлашнинг бошлаб берди, балки уларнинг иккинчи устуви бўлган плюрализмга ҳам билвосита хисса қўлади.

Сиёсий институтлардаги бундай ўзгаришлар жамиятдаги бошқа асосий ўзгаришлар асосида юз берди. Элитага молик янада монархия ва сиёсий элита олдига талаб қўйишига қонир гуруҳлар сови омишига сабаб бўлган сиёсий инклюзив кучайиши эди. 1381 йилги дежкомлар кўзгалонининг аламияти катта бўлиб, шундан сўнг инглиз элитаси кетма-кет оммавий ноёнлар оғушида қолди. Сиёсий ҳокимият нафақат қиролдан лордларга, балки элитадан оддий халққа ўтаётган эди. Бу ўзгаришлар ва қиролнинг ҳокимиятига қарши чекловларнинг кўпайиши авторитаризмга қарши кенг қамровли коалиция тузиш имкониятини юзага келтирди ва плюралистик сиёсий институтлар учун тамал тошини қўйди.

Курашларга қарамасдан, тюдорларга мерос қолган ҳамда улар саклай олган сиёсий ва иқтисодий институтлар яққол экстрактив эди. 1603 йилда Ҳенри VIII нинг қизи, 1553 йилда Англия тахтига ўтирган Елизавета I ўзидан ворис қолдирмасдан вафот этади ва тюдорларнинг ўрнини стюартлар сулоласи эгаллайди. Стюартлар сулоласининг биринчи вакили Жеймс I нафақат институтларни, балки уларга оид келишмовчиликларни ҳам мерос қилиб олди. У чекланмаган ҳокимиятга эга, авторитар ҳукмдорликни ихтиёр қилди. Давлат анчагина марказлашган ва ижтимоий ўзгаришлар ҳокимиятни жамиятда қайта тақсимлаётган бўлса-да, сиёсий институтлар ҳали плюралистик эмас эди. Иқтисодий жабҳада экстрактив институтлар ўзини нафақат Лининг ихтиросига қаршилиқ қилишда намоён қилди, балки янада кўпроқ монополиялар шаклланиб борди. 1601 йилда монополиялар рўйхати парламентда ўқиб эшиттирилганда парламент аъзоларидан бири киноя билан: “Рўйхатда нон борми?” деб сўраган эди. 1621 йилга келиб, монополиялар 700 тага етади. Инглиз та-

рихчиси Кристофер Хилл қайд этганидек, ҳар бир инглиз шундай яшарди:

Монополия гиштларидан қурилган, монополия ойнасидан тайёрланган монополия деразаси ўрнатилган, монополия темиридан ясалган монополия каминида монополия кўмири (Ирландияда монополия ёғочи) ёқиб иситилган уйда. У монополия совуни билан ювинади, кийимларини монополия оҳори билан оҳорларди. У монополия тўри, монополия газламаси, монополия чарми, монополия зардўзи либосини киярди... Унинг либосларига монополия тасмалари, монополия тугмалари ва монополия тўғноғичи тақиларди. Кийимларга монополия бўёқлари билан ранг бериларди. У монополия сарёгини, монополия қорагати, монополия сельд балиғи, монополия лососи ва монополия саккизоёгини истеъмол қиларди. Унинг таомларига монополия тузи, монополия мурчи ва монополия сиркаси солинарди... У монополия қозоғига монополия ручкаси билан ёзар, (монополия шамлари ёғдусида монополия кўзойнағи билан) монополия нашр қилган китобларни ўқирди.

Бу ва бошқа кўп сонли монополиялар унинг эгалари бўлган шахслар ва гуруҳларга кўплаб маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишини назорат қилиш ҳуқуқини берарди. Улар иқтисодий тараққиёт учун ғоят муҳим бўлган истеъдодлардан фойдаланиш йўлида тўсқинлик қиларди.

Жеймс I ва унинг ўғли ҳамда вориси Чарльз I монархияни кучайтириш, парламент таъсирини камайитириш ҳамда иқтисодиёт устидан кирол ва элита назоратини кучайтириш учун Испания ва Франциядагига ўхшаш абсолют институтлар ўрнатиш, мавжуд институтларни янада экстрактивлаштириш пайида бўлдилар. Жеймс I ва парламент ўртасидаги зиддият 1620-йилларда янада кескинлашди. Бу низонинг асосий сабаби савдо-сотикни Британия ороллари ва хорижда назорат қилиш масаласи

эди. Қиролнинг монополиялар тухфа қилиш ваколати давлат учун асосий даромад манбаи бўлиб, кўпинча бу ваколатдан қиролнинг тарафдорларига эксклюзив ҳуқуқлар тақдим қилиш учун фойдаланиларди. Аёнки, бозорга киришни чеклайдиган ҳамда унинг фаолиятига тўсқинлик қиладиган бундай экстрактив институтнинг турган-битгани иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ва парламентнинг кўпчилик аъзолари манфаатларига ҳам катта зарар эди. 1623 йилда парламент “Монополиялар тўғрисидаги низом”ни қабул қилиш билан муҳим ғалабага эришди ва Жеймс I га янги маҳаллий монополияларни ташкил қилиш тақиқланди. Аммо қирол ҳали халқаро савдода монопол ҳуқуқлар бера олар, зотан, халқаро масалаларга аралашинишга парламентнинг ваколатлари етмас эди. Мавжуд монополиялар эса халқаро ёки маҳаллий аҳамиятга эга бўлишдан қатъи назар, сақлаб қолинди.

Бу пайтда парламент мунтазам фаолият кўрсатмас ва унинг мажлисларини қирол чақирини керак эди. Буюк эркинлик хартиясидан кейин ўрнатилган тартибга кўра, қирол янги солиқларни тасдиқлаштиш учун парламентни чақиринишга мажбур эди. 1625 йилда тахтга ўтирган Чарльз I 1629 йилдан сўнг парламентни чақиринишни тўхтатади. У Жеймс I нинг мутлақ монархия қуриш ҳаракатини давом эттирди. Чарльз I мажбурий заёмларни жорий этди, яъни қирол одамларни унга қарз беришга мажбур қилди. Бу ҳам етмагандек, у заёмлар бериш шартларини бир томонлама ўзгартириб, қарзларини қайтаришдан бош тортди. У “Монополиялар низоми”да ўзига қолдирилган ваколатдан фойдаланиб, халқаро савдо-сотик бўйича монополиялар ташкил қилди ва монопол ҳуқуқларни пуллади. Қирол, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигига ҳам путур етказди ва кўплаб маҳкамаларнинг қарорларига аралашинишга уринди. У кўплаб жарима ва тўловларни жорий қилди, улардан

энг мунозаралиси “кема ҳақи” бўлиб, бу солиқ Қироллик денгиз флотини қўллаб-қувватлаш учун 1634 йилда соҳил бўйидаги графликларга солинди, 1635 йилда эса соҳилдан узоқда жойлашган худудларда ҳам жорий қилинади.

“Кема ҳақи”ни ҳар йили йигиш 1640 йилга қадар давом этди.

Қирол Чарльзнинг тобора мутлақ ҳокимиятга интилиши ва экстрактив сиёсати мамлакат бўйлаб норозилик ва қаршиликни юзага келтирди. 1640 йилда у Шотландия билан низолашади ва урушга мунтазам қўшин йигишга пули етмаган қирол янги солиқлар илинжида парламентни чорлашга мажбур бўлади. “Қисқа парламент” номини олган чақирик фақат уч ҳафта ишлади. Лондонга йиғилган парламентарийлар солиқлар бўйича мунозара ўтказишни рад этиб, кўплаб шикоятлар билдирилди ва қирол парламентни тарқатиб юборди. Қирол Чарльз I ни халқ қўллаб-қувватламаслигини англаган шотландлар Англияга ҳужум қилиб, Ньюкасл шаҳрини ишғол қилди. Қирол музокара ўтказишни таклиф қилганда эса шотландлар музокарада парламент иштирок этишини талаб қилди. Бу қирол Чарльзни парламентни чақиришга мажбур қилди ва янги чақирик “Узоқ давом этган парламент” номини олди. Бу парламент 1648 йилга қадар – қирол тарқатиб юборишни талаб қилганда ҳам фаолиятини давом эттирди.

1642 йилда қирол ва парламент ўртасида фуқаролар уруши бошланди. Шунга қарамай, парламентда қиролнинг тарафдорлари ҳам кўпчилик эди. Ихтилофнинг бориши курашнинг иқтисодий ва сиёсий институтлар устида кетаётганини кўрсатди. Парламент авторитар сиёсий институтларга барҳам беришни хоҳларди, қирол эса уларни кучайтириш истагида эди. Бу низоларнинг илдизи иқтисодий жабҳага бориб тақалди. Кўпчилик ўзлари сердаромад монополияларга эга бўлгани учун қиролнинг тарафини олди. Жумладан, Шрусбери ва

Озуэстрининг бой ва қудратли савдогарлари назорат қилган маҳаллий монополия эгаларини қирол лондонлик савдогарлар рақобатидан ҳимоя қиларди. Бу савдогарлар Чарльз I тарафида турди. Бошқа томондан, Бирмингем атрофида металлургия саноати юксалган эди, негаки у ерда монополия ҳали кучсиз бўлиб, саноатга янги кўшиладиганлар мамлакатнинг бошқа жойларидан фарқли равишда беш йиллик шогирдлик муддатини ўташлари шарт эмас эди. Фуқаролар урушида улар қилчлар ясаб, кўнгилли тарзда парламент тарафида уришдилар. Худди шундай, Ланкашир графлигида 1640 йилдан олдин гильдия тартиби йўқлиги туфайли “янги газламалар” – янги енгил мато турини ишлаб чиқариш тараққий этганди. Бу матолар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ҳудуд Ланкаширдаги парламентни қўллаган ягона жой эди.

Оливер Кромвел бошчилигидаги парламентарийлар – калта соч турмакларини танлагандан сўнг уларни “юмалоқбошлар” деб атаганлар – қирол тарафдорлари бўлган роялистларни, бошқа ном билан айтганда, “кавальерлар”ни мағлуб этади. Қирол Чарльз I суд қилиниб, 1649 йилда қатл этилади. Бироқ унинг мағлубияти ва монархиянинг бекор қилиниши инклюзив институтларга олиб келмади. Аксинча, монархиянинг ўрнини Оливер Кромвелнинг диктатураси эгаллади. Кромвелнинг ўлиmidан сўнг 1660 йилда монархия қайта тикланди ва қиролга 1649 йилда тортиб олинган имтиёзлардан аксарияти қайтариб берилди. Марҳум қирол Чарльз I нинг ўғли Чарльз II Англияда абсолют ҳокимиятни ўрнатиш режасини бошлаб юборди. Бу ҳаракатлар 1685 йилда Чарльз II нинг ўлиmidан сўнг тахтга чиққан унинг укаси, Жеймс II даврида янада кучайди.

1688 йилда қирол Жеймс II нинг авторитар тузумни қайта тиклашга бўлган уриниши яна бир сиёсий инқироз ва янги фуқаролар урушига сабаб бўлди. Бу сафар парламент яхшироқ уюшган ва яхши шаклланган

эди. Улар Холландия штатгалтери¹ Уильям (Вилгельм Оранский) ва унинг рафиқаси, қирол Жеймс II шонли аристократ маслиҳатдаги қиз Маргарит Адрия тоғона тақлиф қилдикилар. Уильям Англияга қўшни тартиб келиб, тоғоналарга доимий урғунга аристократ тузиб берилмак конституцион монархия туғулган асосда бошқариш учун тахтга даъво қилди. Уильям қўшни Британия армияларининг Девон графлигидаги Бристол портига отиб келганидан кели оя ўтиб, қирол Жеймстинг армияси тумтарақай бўлди, унинг ўзи эса Францияга кочди.

ШОНЛИ ИНҚИЛОБ

Шонли инқилобдаги ғалабадан сўнг парламент ва қирол Уильям янги конституция бўйича музокара олиб борди. Бўлажак ўзгаришлар қиролнинг истилосидан бироз аввал эълон қилинган “Декларация”да кўзда тутилганди. Кейинчалик улар 1689 йилда парламент томонидан қабул қилинган “Хуқуқлар тўғрисидаги декларация”да акс этди. Декларация парламент томонидан Уильямга қироллик тоғи тақлиф қилинган сессияда ўқиб берилди. Қонун сифатида қабул қилингандан сўнг “Хуқуқлар тўғрисидаги билл” номини олган декларация кўп жиҳатдан мужмал эди. Лекин энг муҳими, у бир қатор асосий конституциявий тамойилларни акс эттирганди. Биллда тахтга ворислик тартиби белгиланган бўлиб, у ўша пайтда умумқабул қилинган мерос тамойилларидан анча фарқ қиларди. Модомики, парламент бир марта бир монархни тахтдан ағдариб, уни ўзига маъқул бошқаси билан алмаштира олган экан, нега буни яна такрорламаслик керак? “Хуқуқлар тўғрисидаги декларация”да, шунингдек, қиролнинг қонунларни бекор ёки истисно қилиши мумкин эмаслиги ҳамда парламент розилигисиз солиқ солиш ноқонунийлиги қайд этилди. Бундан ташқари, декларацияда парламент рухсатисиз Англияда мунтазам

¹ Штатгалтер (ҳолландча “Statholder” – мулк эғаси) – XVI-XVIII асрларда Холландияда давлат раҳбарига берилган унвон.

кўшин тузилмаслиги ҳам белгилаб қўйилди. Қонунда мужмаллик айрим моддаларда кузатилди, масалан, 8-моддада шундай дейилади: “*Парламент аъзолари сайлови эркин бўлиши керак*”. Аммо бу ерда “эркин” сайловдан мурод нималиги очиқланмаган. 13-модда эса ундан ҳам мужмалроқ бўлиб, унда парламент тез-тез йиғилиб туриши таъкидланганди. Парламентнинг қачон йиғилиши ва умуман йиғилиш-йиғилмаслиги масаласи бутун бир аср давомида мунозарали бўлганини ҳисобга олсак, мана шу моддада янада аниқроқ белгилаб қўйилиши макбул бўларди. Шунга қарамай, бу мужмалликнинг сабаби аниқ: қонундаги моддалар ижро қилиниши керак. Чарльз II ҳукмронлиги даврида “Уч йиллик акт” ўз кучида бўлган бўлиб, унда парламент ҳар уч йилда камида бир марта чақирилиши шартлиги белгиланганди. Аммо қирол қонунни эътиборсиз қолдирди ва парламент чақирилмай қолди, чунки қонунни ижро этиш механизми мавжуд эмас эди. 1688 йилдан кейин парламент бу моддага риоя қилиш механизмини ишлаб чиқишга уриниши мумкин эди, зотан, қирол Буюк эркинлик хартиясини имзолагандан кейин баронлар ўз кенгашлари орқали буни удалаган эди. Бироқ улар бундай қилмади, бинобарин, бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Чунки ҳокимият ва қарор қабул қилиш ваколати 1688 йилдан эътиборан парламентга ўтганди. Ҳатто махсус конституцион қоидалар ва қонунлар бўлмаса ҳам, Уильям аввалги қиролларнинг жуда кўп ваколатларидан осон воз кечди. У суд қарорларига аралашишдан ҳам тийилди, шунингдек, аввалги қиролларда бўлган айрим имтиёзлар, жумладан, ўзи учун олинадиган божхона йиғимидан юз ўгирди. Буларнинг барчасини қўшганда, сиёсий институтлардаги бу ўзгаришлар парламентнинг қирол устидан ғалабаси ва шунинг билан Англияда (1707 йилги “Иттифоқчилик акти” билан Англия ва Шотландия бирлашиб, Буюк Британия номини олган) чекланмаган ҳокимиятнинг интиҳоси белгиси эди. Ўша вақтдан бошлаб

парламент давлат сиёсати бошқарувини қатъий қўлга олди. Бу жуда катта воқеа эди, чунки парламент манфаатлари стюартлар сулоласи қироллариникидан тубдан фарқ қиларди. Парламент аъзоларидан кўпчилигининг савдосотиқ ва саноатда муҳим сармоялари борлиги туфайли улар мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишидан манфаатдор эди. Стюартлар кўпинча мулк ҳуқуқларини писанд қилмасди, энди эса уларни ҳимоя қилиш мумкин бўлди. Қолаверса, ҳукумат харажатларининг назорати стюартлар қўлида бўлган пайтда, парламент солиқлар ошишига қарши бўлар ва давлатнинг ваколатлари кучайишидан хавфсирарди. Энди чиқимларни назорат қилиш парламент ихтиёрига ўтди ва бу сафар унинг аъзолари мамнуният билан солиқларни оширди ҳамда ўзлари фойдали деб ҳисоблаган ишларга пул сарфлай бошладилар. Улар орасида энг асосийси денгиз флотини кучайтиришдан иборат бўлиб, у парламентдаги кўплаб аъзоларнинг денгизорти савдо ишларини ҳимоя қилиши керак эди.

Сиёсий институтларда плюралистик хусусиятнинг пайдо бўлиши парламент аъзоларининг манфаатидан ҳам муҳимроқ бўлди. Энди англияликлар парламентга, унда ҳал қилинадиган сиёсий қарорлар ва иқтисодий институтлар муҳокамасига қира оларди, илгари барча қарорлар қирол томонидан ҳал қилинадиган даврда бундай имконият мавжуд эмасди. Бу эса, албатта, парламент аъзолари сайлангани туфайли эди. Лекин ўша даврда Англия ҳали демократиядан анча йироқ бўлгани учун парламентда иштирок этиш имконияти унча катта бўлмаган жавобгарликни келтириб чиқарди. Ўша даврдаги тенгсизликнинг кўплаб белгиларидан бири шу эдики, аҳолининг фақат 2 фоиздан камроқ қисми овоз беришда қатнаша олар, улар ҳам фақат эркаклар эди. Саноат инкилоби содир бўлган Бирмингем, Лидс, Манчестер, Шеффилд каби шаҳарларнинг парламентда ўз мустақил вакиллари йўқ эди. Аммо кишлоқ ҳудудларида кера-

тадди ортинг вазнилар бор эди. Қизиқроқ жойлари, хатта графликлари сайлаш ҳуқуқи эмирдорларнинг эгаллик қилганига ер эмирдонини асослаганида, қўшиб шаҳарларни эса кам сонли элита назорат қилиш, уларнинг омонатчиларга сайлаш ёки сайланиш учун ялгон бериле-ди. Мисол учун, Букенгем шаҳарчасида фақат уч нафар буржуада (шаҳарлик) овоз бериш ҳуқуқи бор эди. Бу ҳам етмагандек, тарихан сайлаш ҳуқуқи мавжуд бўлган, аммо Нуроллоб деган "қаровсиз шаҳарлар" ҳам бор бўлиб, улар 6 вақт ўтиши билан аҳолисининг кўчиб кетиши туфайли, ёки худди Англиянинг шарқий соҳилидаги Данвич сингари соҳилнинг емирилиши оқибатида чиндан ҳам, уммонга ғарқ бўлиши туфайли "қаровсиз қолган" эди. Ана шундай "қаровсиз шаҳарлар"нинг ҳар биридан кам сонли сайловчилар парламентга икки нафардан вакил сайларди. Олд Сарумда етти нафар, Данвичда эса 32 нафар сайловчи бўлиб, уларнинг ҳар биридан парламентга иккитадан вакил сайланарди.

Аммо парламентга ва шу орқали иқтисодий институтларга таъсир қилишнинг бошқа йўллари мавжуд эди. Улардан энг асосийси петиция бўлиб, бу усул Шонли инқилобдан кейинги даврда плюрализмнинг пайдо бўлиши учун чекланган миқёсдаги демократияга нисбатан анча муҳимроқ аҳамият каеб этди. Ҳар қандай одам парламентда петиция билан мурожаат қилиши мумкин эди ва шундай қилишди ҳам. Энг муҳими, парламент мурожаатларга кулоқ соларди. Англияда 1688 йилдан кейин авторитаризмнинг мағлуб бўлишига, жамиятнинг етарлича кенг қатлами ваколатлари ошишига ва плюрализмнинг равнақиға энг кўп таъсир кўрсатган нарса шу эди. Қизгин петициялар жараёни шуни кўрсатаднки, давлат сиёсатининг боришига таъсир кўрсатиш қудратига эга бўлганлар чиндан ҳам, жамиятнинг парламент аъзоси бўлмаган кенг камровли қатламлари вакиллари эди. Улар бу имкониятдан фойдаланиб қолишди.

Монополиялар билан боғлиқ иш бунга яхши мисол бўлади. XVII асрда монополиялар экстрактив институтларнинг доқ марказида бўлганини юқорида кўрдик. Монополиялар 1623 йилги “Монополиялар тўғрисидаги низом” тўғрисида қийин аҳволда қолди ва фуқаролар урушида асосий баҳс марказида бўлди. Парламент одамларнинг турмушига зарар келтирган барча маҳаллий монополияларга барҳам берди. Гарчи Чарльз II ва Жеймс II бу монополияларни қайтара олмаган бўлса-да, улар ташқи савдода монопол ҳуқуқларни тақдим этиш ҳуқуқини саклаб қола олди. Улардан бири “Қироллик Африка компанияси” (*Royal African Company*) бўлиб, 1660 йилда бу компанияга Чарльз II монополия ҳуқуқини берганди. Ушбу компания африкалик куллар савдоси билан шуғулланишдек сердаромад соҳада яккахоким бўлиб, унинг раҳбари ва асосий хиссадори қиролнинг укаси ва бўлажак қирол Жеймс II эди. 1688 йилдан сўнг компания нафақат ўз етакчисини, балки асосий тиргагини ҳам йўқотди. Жеймс Фарбий Африкада кул сотиб олиш ва уларни Америкада пуллашга уринган мустақил кулфурушлар – рақобатчиларга қарши компаниянинг монопол ҳуқуқларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилди. Кул савдоси бағоят даромадли соҳа бўлиб, Атлантикадаги барча савдо фаолиятлари эркин бўлган шароитда “Қироллик Африка компанияси” кўплаб мушкулотларга дуч келди. 1689 йилда компания қандайдир Найтингейл кул савдогарининг молларини қўлга олади. Найтингейл компанияни унинг молларини ноқонуний равишда тортиб олгани учун судга беради. Судя Ҳолт компаниянинг ҳаракатини қонунга зид деб топади, чунки унинг монополлик ҳуқуқи қирол томонидан берилганди. Ҳолтнинг қайд этишича, монопол имтиёзлар фақат “Монополия тўғрисидаги низом” билан белгиланиши мумкин ва буни фақат парламент амалга ошириши керак. Шу тариқа Ҳолт нафақат “Қироллик Африка компанияси”ни, балки келгуси монополистларни

хам парламент қўлига топширди. 1688 йилдан олдин Жеймс II бундай қарор чиқаришга журъат этган ҳар қандай судяни ўша заҳоти ишдан олган бўларди. 1688 йилдан кейин вазият ўзгарганди.

Монополиялар тақдирини ҳал қилиш парламент ихтиёрига ўтгач, петициялар ёмғири бошланди. Атлантикада эркин савдо қилиш бўйича 135 та шикоят келиб тушди. Ўз навбатида “Қироллик Африка компанияси” ҳам уларга қарши петициялар билан жавоб қайтарган бўлса-да, петициялар сони ва имкониятлар борасида унинг монополиясига қарши тарафларга тенглаша олмасди. Савдогарлар оппозицияни фақат тор доирадаги шахсий манфаатлари учунгина эмас, миллий манфаатлар нуктаи назаридан тузишга муваффақ бўлди ва бу ўринли эди. Натижада 135 петициядан фақат бештасини уларнинг ўзи имзолаган бўлиб, улардан нақ 73 таси Лондондан ташқари ҳудудлардан йиғилганди. Компания фойдасига эса ҳудудлардан бор-йўғи 8 та петиция йиғилди. Петиция ҳуқуқи берилган мустамлакалардан ҳам савдогарлар фойдасига 27 та петиция ташкил қилинган бўлса, компания учун 11 та петиция йиғилди. Шунингдек, савдогарлар петициялари учун қарши томонга қараганда анчагина кўп – жами 8 мингта имзо тўпладилар, компания эса 2500 та имзо йиғишга эришди. Бу кураш 1698 йилга қадар давом этиб, “Қироллик Африка компанияси”нинг монопол ҳуқуқлари бекор қилиниши билан яқунланди.

1688 йилдан кейин иқтисодий институтларни белгилаш бўйича вазиятнинг ўзгариши ва мурожаатларга жавоб бериш бўйича янги фаоллик билан бир қаторда, парламентарийлар иқтисодий институтлар ҳамда ҳукумат сиёсатида бир қатор муҳим ўзгаришларни амалга оширдиларки, бу охир-оқибат саноат инқилоби учун йўл очди. Стюартлар сулоласи даврида поймол қилинган мулк ҳуқуқлари ҳимояси мустаҳкамланди. Парламент ишлаб чиқаришни солиққа тортиш ва унга тўсиқ бўлиш ўрнига,

уни қўллаб-қувватлаш учун иктисодий институтларни ислоҳ қилишни бошлади. Қирол Уильям ва қиролича Мария тахтга ўтирганидан кўп ўтмай, 1689 йилда ҳар бир иситиш печи ва ўчоқ учун олинадиган, ишлаб чиқарувчилар учун асосий юк бўлиб тушадиган ҳамда ишлаб чиқарувчилар энг кўп қарши чиққан йиллик тўлов – “тутун солиғи” бекор қилинди. Парламент энди ўчоқларга эмас, ер майдонларига солиқ солишга ўтди.

Солиқ юкини қайта тақсимлаш парламентнинг ишлаб чиқаришга ён босиш сиёсатидаги ягона амалий иши эмасди. Бозорни кенгайтириш ва жун газламалар даромадлигини ошириш учун қарор ва қонунларнинг бутун бошли тўплами қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий маънога эга эди, чунки қирол Жеймс II га қарши бўлган парламент аъзоларидан кўпчилиги янги ишлаб чиқариш корхоналарига катта миқдорда сармоя киритганди. Парламент, шунингдек, ерга эгалик қилиш тизимини тубдан қайта ташкил қилиш, шу орқали ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг кўплаб эскича шаклларини мувофиқлаштириш ёки бекор қилиш имконини берган қонунни ҳам қабул қилди.

Парламент амалга оширган муҳим ишлардан яна бири молия соҳасининг ислоҳ қилиниши бўлди. Шонли инқилобгача бўлган даврда банк ва молия соҳаси анчагина кенгайган бўлса-да, бу жараён 1694 йилда саноат тараққиётининг молиявий манбаси бўлган “Англия банки” ташкил қилиниши билан янада мустаҳкамланди. Бу Шонли инқилобнинг тўғридан-тўғри оқибатларидан бири эди. “Англия банки”нинг ташкил қилиниши молия бозорлари ва банklar тараққиётига олиб келган кенг миқёсли “Молиявий инқилоб” учун пойдевордир. XVIII аср бошларига келиб, етарлича миқдорда гаров қўйишга қодир ҳар қандай киши кредит олиши мумкин бўлди. Лондондаги нисбатан кичикрок “С. Ноаре’s & Со.” банкнинг 1702–1724 йилларга оид бутунлигича

сақланиб қолган кайдномалари ҳам буни тасдиқлайди. Банк фақат зодагонлар ва лордларга кредит бериш билан шуғулланганига қарамай, кайд этилган даврдаги энг йирик қарздорларнинг учдан икки қисми имтиёзли ижтимоий табақа вакиллари бўлмаган. Аксинча, улар савдогар ва ишбилармонлар бўлиб, улардан бири Жон Смит исмли киши эди. Жон Смит исми кўпинча ўртаҳол инглиз маъносини англатиб, у 1715–1719 йилларда банкдан 2 600 фунт-стерлинг кредит олган.

Ҳозиргача асосан инглиз сиёсий институтлари Шонли инкилоб туфайли қай тарзда ўзгариб кетгани, уларнинг анчагина плюралистик бўла бошлагани ва инклюзив иқтисодий институтлар учун замин ҳозирланганига эътибор қаратдик. Институтларда Шонли инкилобдан кейин яна бир муҳим ўзгариш юз берди: парламент тюдорлар сулоласи бошлаб берган сиёсий марказлашиш жараёнини давом эттирди. Бу жараёнда нафақат чекловлар кўпайиб, давлат иқтисодиётни бошқача усулда тартибга сола бошлади ёки ҳукумат пулли бошқа нарсаларга сарфлашга ўтди, балки давлатнинг қудрати ва соҳаларни қамраш салоҳияти ҳар томонлама ўсди. Бу эса яна бир бор сиёсий марказлашиш ва плюрализм ўртасидаги боғланишни акс эттиради: 1688 йилгача парламент давлатнинг янада самаралироқ бўлиши ва ресурслар билан яхшироқ таъминланишига қарши бўлган, чунки уни назорат қилишнинг имкони бўлмаган. 1688 йилдан бошлаб эса вазият тубдан ўзгарди.

Давлат кенгайишни бошлади ва кўп ўтмай, унинг харажатлари миллий даромаднинг қарийб 10 фоизига етди. Айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарилган сон-саноксиз товарларга акциз солиғи солиш туфайли солиқ тушумлари базаси кенгайиб, бу харажатларнинг манбаси мустаҳкамланди. Англиянинг давлат бюджети ўша давр учун ниҳоятда катта бўлиб, амалда ҳозирги кундаги дунёнинг кўп мамлакатлари бюджетидан ҳам каттарок

эди. Мисол учун, Колумбиянинг давлат бюджетини факат ўтган асрнинг 80-йилларига келибгача шу даражага етди. Тролик Африканинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Сьерра-Леоненинг бутунги кундаги давлат бюджетини қатъан миқдордаги қорилиш қўмақларосиз иқтисодийоти халқининг ағчагача кичик қисмини танқил қилади.

Аммо давлат институтининг илғайида сиёсий марказлаштириш жарафинининг бир қисми эди, холос. Янада аҳамиятга эриши — давлатнинг самарали ишлаши, уни бошқарган ва унда ишлаётганларининг ўзини тутгани эди. Англияда давлат институтларининг қурилиши ўрта асрларга бориб такалади, гувоҳ бўлганимиздек, сиёсий марказлаштириш ва замонавий бошқарув томон халқ қудуқи одимларни Хенри VII ва Хенри VIII таъшилаган эди. Лекин давлат 1688 йилдан кейин пайдо бўлган замонавий шаклдан хали ағча йирок эди. Чунончи, сиёсий майдонда кўп тайинловлар шахсининг фазилатларини ва истездодига қараб амалга оширилмас, давлатнинг эса солиқ йиғиш бўйича салоҳияти чекланганди.

1688 йилдан кейин парламент солиқлар орқали даромадини кўпайтириш салоҳиятини яхшилади, солиқ соҳасидаги юқсалишни акциз солиғи йиғиш бўйича тузилма ходимлари сонининг 1690 йилги 1211 кишидан 1780 йилда 4800 кишига ошганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакат бўйлаб акциз солиғи инспекторлари жойлаштирилиб, солиқ йиғувчилар бошчилигида нон, пиво ва акциз солиғи солинадиган бошқа маҳсулотлар миқдорини ўлчаш ва текширувдан ўтқазиш учун инспекциялар ташкил қилинди. Бу амалиётнинг кўламини солиқ назоратчиси Жорж Копертвейт амалга оширган акциз солиғини назорат қилиш бўйича сафарнинг тарихчи Жон Брюэр тайёрлаган чизмаси ҳам яққол акс эттиради. Чунончи, 1710 йилнинг 12 июнидан 5 июлигача Копертуэйт Йоркшир графлигининг Ричмонд округида 290 мил масофани босиб ўтади. Шу вақт мобайнида у 263 та баққоллик, 71

майфуруш, 20 шамфуруш ва бир пивофурушникига боради. У ҳаммаси бўлиб 81 та турли ўлчашларни амалга оширади ва кўлида ишлайдиган 9 нафар акциз йиғувчи ишини текширади. Саккиз йилдан кейин у энди Йоркширнинг Уэйкфилд округида шижоат билан меҳнат қилаётганини кўришимиз мумкин. Уэйкфилдда назоратчи кунига ўртача 19 милдан кўпроқ масофани босиб ўтиб, ҳафтасига 6 кун ишлайди ва ҳар куни 4-5 та жойни бориб кўради. Ўзининг дам олиш куниди — якшанбада қайдларини ёзади, шу сабабли бизда унинг ҳаракатларининг тўлиқ қайдномалари мавжуд. Ҳақиқатан, акциз солиғини йиғиш тизими жуда муфассал қайдлар қилишни тақозо қилади. Инспекторлар учта қайд дафтари тутар, уларнинг барчаси ўзаро мос келиши лозим бўлиб, бу ёзувлардаги ҳар қандай фарқланиш жиддий жинойат ҳисобланарди. Жамиятни давлат томонидан назорат қилинишининг бундай нодир намунаси ҳозирги аксарият камбағал давлатлар ҳукуматлари эришган даражадан ҳам устун бўлиб, Англияда бунга 1710 йилдаёқ эришилганди. Яна шуниси аҳамиятлики, 1688 йилдан кейин давлат асосан сиёсий тайинловларга эмас, балки кишиларнинг салоҳиятига суянадиган бўлди ва мамлакатни бошқариш учун қудратли инфратузилмани яратди.

САНОАТ ИНҚИЛОБИ

Саноат инқилоби Англия иқтисодиётининг ҳар бир жабҳасида акс этди. Транспорт, металлургия ва буғ энергиясидан фойдаланишда муҳим ўзгаришлар юз берди. Инновациянинг энг муҳим йўналиши тўқимачилик саноатини механизациялаш ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар тараққиётида кузатилди. Мазкур динамик жараёнга Шонли инқилоб келтирган институционал ўзгаришлар туртки бўлди. Гап фақат 1640 йилда ўрнатилган маҳаллий монополиянинг бекор қилиниши ёки хилма-хил солиқлар ёхуд молия

бозорига йўл очилишида эмас эди. Гап иктисодий институтларни янада яхшироқ ҳимояланган ва самарали мулк ҳуқуқига асосланган тарзда, янгилик яратувчилар ва тадбиркорлар фойдасига тубдан қайта ташкил қилишга бориб тақаларди.

Мулк ҳуқуқлари дахлсизлиги ва самарадорлиги боразидаги ўзгаришлар саноат инқилоби учун замин яратган “транспорт инқилоби” юз беришида марказий ўринни эгаллади. 1688 йилдан сўнг каналлар ва пулли йўллар қурилишига инвестиция қилиш бениҳоя кўпайди. Бу инвестициялар транспорт харажатларини камайтириб, саноат инқилоби учун муҳим шарт-шароит ҳозирлашга ёрдам берди. 1688 йилгача бундай инфратузилма объектларига инвестициялар стюартлар сулоласи ҳукмдорларининг ўзбошимча қарорлари билан бўғиларди. 1688 йилдан кейин вазиятнинг ўзгарганини Англиянинг Вустершир графлигидаги Салварп дарёси билан юз берган ҳодисада яққол кўришимиз мумкин. 1662 йилда парламент Салварп дарёсини кемалар қатновига мослаштириш учун инвестиция жалб қилиш тўғрисида қарор қабул қилгач, Болдуинлар оиласи бу лойиҳага 6 минг фунт сармоя сарфлаганди. Эвазига бу оила дарёда сузган одамлардан ҳақ олиш ҳуқуқини қўлга киритди. 1693 йилда дарёдаги кема ҳаракати учун тўлов ундириш ҳуқуқини граф Шрусбери ва лорд Ковентриларга олиб беришни кўзда тутувчи қарор лойиҳаси парламентга тақдим қилинди. Мазкур қарор лойиҳаси сэр Тимоти Болдуиннинг қаршичилигига учради. Болдуин дарҳол парламентга шикоят йўллади, шикоятда унинг отаси кейинчалик дарёдан фойдаланиш эвазига олинадиган тўловни деб дарё қурилишига қатта сармоя тиккани, қарор лойиҳаси эса отасининг мулкни тортиб олаётгани таъкидланганди. Болдуинга кўра, янги қарор аввалгисини бекор қилиб, уни амалга ошириш йўлида қилинган барча ишлар ва ресурсларни тортиб олишга қаратилганди. Дарҳақиқат,

эгаллик ҳуқуқларини ўзлаштириш стюартлар сулоласи томонидан қилинадиган одатий амаллардан эди. Болдуин, шунингдек, “*Парламент қарори билан бошқаларга тақдим қилинган ҳар қандай ҳуқуқни уларнинг розилигисиз тортиб олишнинг оқибати хатарли*” бўлишини қайд этди. Охир-оқибат янги қарор қабул қилинмай қолди ва Болдуиннинг ҳуқуқлари сақлаб қолинди. 1688 йилдан кейин мулк ҳуқуқлари анча яхшироқ ҳимояланадиган бўлди, чунки бир тарафдан мулк ҳуқуқини ҳимоялаш парламентнинг манфаатлари билан мутаносиб бўлса, бошқа томондан плюралистик институтларга петиция йўли билан таъсир кўрсатиш мумкин эди. Кўряпмизки, 1688 йилдан кейин Англияда сиёсий тузум айниқса, янада плюраллашиб, мамлакат бўйлаб нисбатан тенг имкониятлар яратиб берган.

Транспорт инқилоби ва янада кенгрок маънода олинса, XVIII асрдаги ер эгалигини қайта ташкил этиш тадбири замирида мулкдорликнинг моҳиятида ўзгариш ясаган парламент қарорлари ётарди. 1688 йилгача жамиятдаги феодал тартибнинг бевосита мероси бўлган шундай ҳуқуқий чўпчак мавжуд бўлиб, унга кўра, Англиядаги барча ерлар пировардида қиролга тегишли эди. Ерга эгаллик қилишнинг бир қатор эскича шакллари ва жуда кўп қарама-қарши даъволар кўшлаб ер майдонларидан фойдаланишга тўсқинлик қиларди. Ер майдонларининг аксариятига ер эгалигининг “тенг тақсимланган мулклар” (*equitable estates*) деб номланган шакли қўлланилган бўлиб, унга кўра, заминдорлар ерни гаровга қўйиш, ижарага бериш ва сотиш ҳуқуқларидан маҳрум эди. Умумий ерлардан одатда фақат анъанавий эҳтиёжлар учун фойдаланиш мумкин бўларди. Ердан иқтисодий жиҳатдан мақбул тарзда фойдаланиш йўлида улкан тўсиқлар бор эди. Парламент буни ўзгартиришга бел боғлаб, одамларга мулкчилик ҳуқуқларини соддалаштириш ва қайтадан ташкил қилиш масаласида парламентга мурожаат қилиш

имконини берди. Кейинчалик ўзгаришлар парламентнинг юзлаб қарорларида акс этди.

Иктисодий институтларнинг қайта ташкил қилиниши маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларини импортдан ҳимоя қилиш масаласи юзага келган пайтда ҳам намоён бўлди. Ажабланадиган жойи йўқки, парламентарийлар ҳамда уларнинг сайловчилари ҳамма тўсиқлар ва монополияларга ҳам қарши бўлмаган. Бозорлари ва фойдаларини кўпайтиришга хизмат қиладиган тўсиқлар қўллаб-қувватланган. Лекин энг муҳими, Венециядаги Серратадан фарқли ўларок, плюралистик сиёсий институтлардан мурод – парламент жамиятнинг кенг табақаларини тамсил этган, уларга ҳуқуқлар берган ва уларга кулоқ сола бошлагани – бошқа саноатчиларнинг ривожини бўғмаслик ёки янги ўйинчилар учун бозорни бутунлай ёпмаслик эди. Қудратли жун ишлаб чиқарувчилар тез орада бунга гувоҳ бўлди.

1688 йилда Англия учун энг муҳим импорт моллари Ҳиндистондан келтириладиган чит ва муслин газламалари ҳисобланиб, барча импорт қилинадиган тўқимачилик маҳсулотларининг чорак қисмини ташкил этарди. Шунингдек, Хитойдан келадиган ипакнинг ҳам аҳамияти катта эди. Чит ва шойи матолар импорти 1688 йилга қадар Осиё билан савдо-сотик ишларида ҳукумат такдим қилган монопол ҳуқуқлардан фойдаланган “Ост-Индия” компанияси кўлида бўлган. “Ост-Индия” компаниясининг монопол ҳуқуқлари ва сиёсий ҳокимияти Жеймс II га берилган катта поралар билан сақлаб келинган. 1688 йилдан кейин компания аввалига қийин вазиятга тушиб, кўп ўтмай, бутунлай босим остида қолди. Узоқ Шарқ ва Ҳиндистонда олди-сотди қилиш илинжидаги савдогарлар парламентдан “Ост-Индия” билан рақобатлашишга ижозат беришни талаб қилиши ва “Ост-Индия” томонидан уларга қарши петициялар қўлланилиб, парламентга пул таклиф қилиниши оқибатида бу кураш петициялар жангига айланиб кетди. Бу курашда компания ютқазди ва

у билан рақобатлашадиган янги “Ост-Индия” компанияси ташкил қилинди. Аммо текстил ишлаб чиқарувчилар фақат Ҳиндистонда савдо қилиш учун рақобат қилиш истаги билан чекланиб қолмади. Улар Ҳиндистоннинг арзон тўқимачилик молларига (чит матолар) солиқ солиш ва ҳатто уларнинг импортини чеклашни истаб қолди. Ишлаб чиқарувчилар Ҳиндистоннинг арзон импорт моллари билан кучли рақобат қаршисида қолганди. Бу пайтда Англиянинг энг асосий саноатчилари жундан тайёрланган газлама ишлаб чиқарарди, аммо пахта толасидан матоларни ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий жиҳатдан аҳамияти ва сиёсий қудрати борган сари ошиб бораётганди.

Жун газламалар саноати ўзини химоя қилиш ҳаракатларини 1660-йиллардаёқ бошлаганди. Улар енгил матоларни тақиқловчи “Дабдаба қонунлари”ни ишлаб чиқди. Шунингдек, улар парламентга таъсир ўтказиш орқали 1666 ва 1678 йилларда маййитларни жундан қилинган кафандан бошқасида дафн қилишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинишига эришди. Бу қонунлар жун маҳсулотлари фойдасига бозорни химоя қилар, инглиз корхоналари дуч келган осиеликлар билан рақобатни камайтирарди. Аммо бу пайтда “Ост-Индия” компанияси ҳали шунчалик қудратли эдики, Осиенинг тўқимачилик маҳсулотлари импортини чеклаш имконсиз эди. 1688 йилдан кейин вазият ўзгарди. 1696–1698 йилларда Шарқий Англия ва мамлакат гарбидаги жун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан Лондон ва Кентерберидаги шойичилар ҳамда “Левант” компанияси импортни чеклаш учун бирлашади. Шомдан ипак импорт қилувчилар, гарчи эндигина монопол ҳуқуқларидан маҳрум бўлган эса-да, Усмонлилар империяси шойиси учун бозор яратиш мақсадида Осие шойисини тақиқлашни истарди. Иттифоқчилар Осие пахтаси ва шойисидан кийим кийишни, шунингдек, Осиедан келадиган тўқимачилик маҳ-

сулотларига Англияда ранг беришни тақиқловчи қонун лойиҳаларини парламентга тақдим қилишни бошлади. Ниҳоят, 1701 йилда парламент “Қиролликдаги ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш орқали камбағалларнинг бандлигини янада самаралироқ таъминлаш тўғрисидаги қарор”ни қабул қилди. Қарорга кўра, 1701 йил сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилди:

Қиролликка олиб кирилаётган ёки олиб кирилажак ҳар қандай мато, агар у Форс, Хитой ёки “Ост-Индия” маҳсулоти бўлса, ипак аралашган барча шойи матолар, Бенгал газламалари ва бошқа маҳсулотлар, санаб ўтилган ўлкаларда бўялган, ранг берилган ёки нақш солинган читдан тайёрланган бўлса, бундай матодан тикилган кийимларни кийиш тақиқланади.

Шундай қилиб, Англияда Осие шойиси ва читидан кийим кийиш ноқонуний ишга айланди. Лекин уларни Европа ва бошқа мамлакатлар, хусусан, Америкадаги мустамлакаларга қайта сотиш учун импорт қилиш мумкин эди. Бундан ташқари, ярим тайёр чит маҳсулотларига Англияда ишлов бериш мумкин бўлиб, муслин матолар бу тақиқдан истисно қилинганди. Узоқ курашдан сўнг маҳаллий жун ишлаб чиқарувчилар назаридаги бундай “қонунчиликдаги бўшлиқлар” 1721 йилги “Чит маҳсулотларига оид акт” билан ёпилди:

1722 йил 25 декабрдан бошлаб Буюк Британияда ҳар қандай шахс ёки шахсларга таркибида бўялган, ранг берилган, гул ёки нақш солинган чит бўлган ҳар қандай кийим ёки либосни кийиш қонунга хилоф ҳисобланади.

Мазкур қарор инглиз жун газламачиларини Осиедаги рақобатчилардан халос қилган бўлса-да, маҳаллий пахта ва зигир толаси ишлаб чиқарувчиларнинг жун газламалар саноатига қарши фаол рақобати сақланиб қолди: пахта ва зигир толаси аралашмасидан бошқа бир оммабоп газлама – фланел ишлаб чиқариш пайдо бўлди. Осиелик рақиблардан қутулган жун саноати энди зигир

толасига қарши кураш бошлади. Зигир толаси асосан Шотландия ва Ирландияда ишлаб чиқарилар, бу эса инглиз жун газламачиларига уларнинг Англия бозорига киришларини тақиқлашни талаб қилиш имконини берарди. Бироқ жун ишлаб чиқарувчиларининг ҳам имкониятлари чекланганди. Уларнинг тақиқлар кўйишга янги уринишлари Манчестер, Ланкастер ва Ливерпул каби жадал ўсиб бораётган саноат марказларидаги фланел ишлаб чиқарувчиларининг кескин қаршилигига учради. Плюралистик сиёсий институтлар бу гуруҳларга сайлаш ҳуқуқи ва, айниқса, петициялар орқали парламентдаги сиёсий жараёнларда қатнашиш имконини берганди. Иккала тарафнинг ҳам қаламлари ишга солиниб, тарафдорлар ва қаршилар имзолари тўпланиши билан охир-оқибат мазкур курашда жун газламалар саноатига қарши томон голиб бўлди. 1736 йилги “Манчестер акти”да, жумладан, шундай эътироф этилган эди:

Буюк Британия қироллигида анча йиллардан бери зигир ва пахта толасидан кўп миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилган, ранг ва нақш берилган.

Ҳужжатда, шунингдек, шундай дейилганди:

Қайд этилган (1721 йилги) актдаги ҳеч бир қоида Буюк Британияда ишлаб чиқарилган, қироллик ҳудудида ҳар қандай ранг ёки рангларга бўялган ёхуд гул босилган кийим-кечак, уй-рўзгор буюмлари, мебел, умуман олганда, зигир ёки пахта толасидан тайёрланган ҳар қандай матоҳни кийишни ёхуд ишлатишни тақиқлаш учун татбиқ ёки талқин қилиниши мумкин эмас.

“Манчестер акти” эндигина оёққа тураётган пахта саноатчиларининг муҳим ғалабаси бўлди. Аммо аслида унинг тарихий ва иқтисодий аҳамияти анча каттароқ эди. Биринчидан, мазкур акт парламентар Англиянинг плюралистик сиёсий институтлари имкон бериши мумкин бўлган чекловлар даражасини акс эттирганди.

Иккинчидан, кейинги ярим аср мобайнида пахта газла-
ламалар ишлаб чиқаришда юз берган технологик ян-
гиликлар саноат инкилобида марказий ўрин тутди ва
фабрика ишлаб чиқариш тизими вужудга келиши билан
жамият тубдан ўзгарди.

1688 йилдан кейин маҳаллий миқёсда барча учун
тенг имкониятлар яратилган бўлса-да, парламент халқаро
даражада миллий ишлаб чиқарувчиларга ён босишда
давом этди. Бу нафақат “Чит газламаларга оид актлар”да,
балки “Денгиз савдосига доир актлар”да ҳам аён бўлади.
“Денгиз савдосига доир актлар”нинг биринчиси 1651 йил-
да қабул қилинган бўлиб, бу қарорлар айрим ўзгаришлар
билан келгуси икки аср давомида амалда бўлган. Маз-
кур қарорлардан кўзланган мақсад Англиянинг халқаро
савдодаги яккахокимлигини таъминлаш эди, ваҳоланки,
мазкур монополияга асосан давлат томонидан эмас, ху-
сусий сектор томонидан эгалик қилинарди. Асосий қои-
да инглизларнинг тижорат моллари инглиз кемаларида
ташилиши лозимлиги борасида эди. Парламент қарорлари
билан ажнабий кемаларга Европадан ташқаридаги
давлатлардан Англия ва унинг мустамлакаларига мол
етказиб бериш тақиқланди. Шунингдек, учинчи мамла-
кат кемаларининг Европа давлатидан Англияга юк та-
шиши ҳам ман қилинди. Инглиз савдогарлари ва ишлаб
чиқарувчилар учун яратилган бу имконият уларнинг
даромадларини табиий равишда ошириб, уларга мазкур
янги ва юқори даромадли соҳаларда инновация қилиш
учун иштиёқ туғдирди.

1760 йилга келиб, яхшиланган ва янгиланган мулк
ҳуқуқлари, ривожланган инфратузилма, ўзгарган монетар
сиёсат, молиявий ресурслардан фойдаланиш учун кенгрок
имкониятлар, савдогарлар ва ишлаб чиқарувчиларнинг
кучли ҳимояси каби барча омиллар жамланиб, самара бера
бошлади. Шу фурсатдан бошлаб, патентланган ихтиролар

сонида кескин ўсиш рўй берди. Саноат инқилобининг асоси бўлган технологик ўзгаришлар тараққиёти бўй кўрсата бошлади. Инновациялар жуда кўп жабҳаларда юз бериб, институционал муҳитнинг яхшиланишига таъсир кўрсатди. Энг асосий ўзгаришлар энергия борасида – 1760 йилларда Жеймс Уаттнинг ғоялари натижасида буғ машинасидан фойдаланишдаги эврилишларда акс этди.

Жеймс Уаттнинг илк ихтисоси буғ учун алоҳида конденсатлаш камерасини кўшиш бўлди. Бунинг натижасида поршен жойлашган цилиндрни ҳар сафар иситиш ва совитиш ўрнига, мудом иссиқ ҳароратда сақлаб туриш мумкин эди. Уатт кейинчалик бошқа кўплаб янгиликларни, масалан, буғ двигатели ҳаракатини фойдали энергияга айлантиришнинг янада самаралироқ йўлларини, хусусан, “Қуёш ва сайёралар” айланма механизмини ҳам ўйлаб топди. Мазкур технологик янгиликлар бошқалар қилган аввалги ихтироларга асосланганди. Буғ машинаси мисолида олсак, ундан инглиз ихтирочиси Томас Ньюкомен ва франциялик физик олим ва ихтирочи Дени Папеннинг ишлари ҳам ўрин олганди.

Папеннинг ихтисоси билан юз берган воқеа экстрактив институтлар шароитида бунёдкор бузғунчилик хавфи технологик ўзгаришга халал беришининг яна бир ёркин мисоли бўлади. 1679 йилда у буғ қозони лойиҳасини тайёрлайди, 1690 йилда эса уни такомиллаштириб, поршенли двигателга айлантиради. 1705 йилда мана шу ибтидоий двигателдан фойдаланиб, буғ двигатели ёрдамида ҳаракатланадиган дунёдаги биринчи кема – пароход қурилади. Бу вақтга келиб, Папен Германиянинг Кассел ландграфлигидаги Марбург университетиде математика профессори эди. У пароходда Фульда дарёсидан Везер дарёсигача сузишни синаб кўришга қарор қилади. Бироқ бу йўналиш бўйича сузмоқчи бўлган ҳар қандай кема Мюнден шаҳрида тўхтатиб қолинарди. Ўша пайтда Фуль-

да ва Везер дарёларидаги кемалар ҳаракатига кемачилар гильдияси эгалик қиларди. Папен бундай муаммога дуч келишини сезган бўлиши керак. Унинг германиялик дўсти ва устози, машҳур немис физиги Готфрид Лейбниц Кассел курфюрсти – худуд ҳокимига ариза ёзиб, Папенга Кассел орқали “қаршиликсиз ўтиб олиши” учун рухсат беришини сўрайди. Бирок Лейбницнинг аризаси рад этилгани тўғрисида унга бир энлик жавоб хати келади:

Курфюрст кенгаши аъзолари юқоридаги сўровни қаноатлантиришда жиддий тўсиқлар борлигини аниқладилар ҳамда сабабларини келтирмасдан ўз қарорларини сизга етказиш учун менга йўлладилар. Натижада сизнинг аризангиз Курфюрст жаноблари томонидан қаноатлантирилмади.

Шунга қарамай, Папен бу сафарни амалга оширишга бел боғлади. Пароход Мюнденга етиб борганда эса кемачилар гильдияси уни маҳаллий суд ёрдамида мусодара қилишга уринди, аммо бу уриниш муваффақиятсиз чиқди. Шундан сўнг кемачилар Папеннинг пароходига ҳужум қилиб, кема ва унинг буғ двигателини парча-парча қилиб ташлайди. Папеннинг ўзи эса кашшоқликда вафот этади ва номаълум қабрга дафн қилинади. Тюдорлар ёки стюартлар сулоласи давридаги Англияда ҳам Папенга нисбатан ана шундай адоватли муносабат кўрсатилган бўларди, аммо Англиядаги вазият 1688 йилдан кейин ўзгарди. Дарҳақиқат, кемаси бузиб ташланишидан олдин Папен ўз пароходида Лондонгача сузиб боришни ният қилганди.

1780-йилларда Ҳенри Корт томонидан металлургия соҳаси ривожига салмоқли ҳисса кўшилди. У янада сифатлироқ темир ишлаб чиқариш учун темир рудаси билан ишлашнинг янги усулларини ўйлаб топди. Бу эса бутловчи қисмлар, мих ва ускуналар ишлаб чиқаришда муҳим эди. Корт ўйлаб топган усуллар ёрдамида кўп

миқдордаги пайвандланадиган темир ишлаб чиқаришга Абрахам Дарби ва унинг ўғилларининг кашфиёти ёрдам берган эди. Улар 1709 йилдаёқ темир рудасини эритиш учун кўмирдан фойдаланишни ўйлаб топишганди. Бу жараён 1762 йилда Жон Смитон томонидан такомиллаштирилди. У кокс тайёрлаш жараёнида цилиндрга ҳаво ҳайдашда сув энергиясидан фойдаланишни йўлга қўйди. Шундан сўнг темир ишлаб чиқаришда писта кўмирдан фойдаланишдан воз кечилиб, ўрнини ундан анчагина арзонроқ ва топиш осонроқ бўлган кўмир эгаллади.

Инновация босқичма-босқич йиғилиб борадиган жараён бўлса ҳам, XVIII аср ўрталарида ўзгача тезлашиш юз берди. Бошқа ҳеч бир соҳада у текстил саноатидагичалик яққол кўзга ташланмади. Тўқимачиликдаги бирламчи жараён ип йиғириш бўлиб, у ўсимлик ёки ҳайвондан олинган толаларни (пахта ёки жун) эшиб, ип олиш ҳисобланади. Кейин эса йиғирилган ипдан газлама тўқилади. Ўрта асрларнинг энг катта технологик инновацияларидан бири йиғирув чархи бўлиб, ип йиғиришни қўл меҳнатидан халос қилганди. Мазкур ихтиро Европада тахминан 1280-йилларда пайдо бўлган ва афтидан, Яқин Шарқдан кириб келган. Йиғириш технологиялари XVIII асрга қадар ўзгармай қолган. Энг асосий инновациялар 1738 йилдан бошланган бўлиб, ўшанда Льюис Пол янги йиғириш усулига патент олади. У эшиладиган толани тортиб туриш учун инсон қўли ўрнига валдан фойдаланишни ўйлаб топди. Мазкур дастгоҳ кўнгилдагидек ишламайди, бироқ ип йиғиришда том маънодаги инкилобни Ричард Аркрайт ва Жеймс Ҳаргривзнинг ихтиролари амалга оширди.

1769 йилда саноат инкилобининг атоқли арбобларидан бири Аркрайт Льюис Полнинг ускунасидан анчагина мукамал бўлган “сувли чарх”ига патент олади. У Жедедайя Стратт ва Самуэл Нид каби пайпоқ ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ўрнатади. 1771 йилда улар

Кромфордда дунёдаги илк фабрикалардан бирини куради. Янги дастгоҳ сув ёрдамида ишларди, аммо кейинроқ Аркрайт ускунани буғ двигателида ишлашга мослайди. 1774 йилга келиб, унинг корхонаси олти юз кишини иш билан таъминларди. Аркрайтнинг бизнеси шиддат билан кенгайиб бориб, Англиянинг Манчестер, Матлок, Бат шаҳарларида ва Шотландиянинг Нью-Ланарк қишлоғида фабрикалар очади. Аркрайт киритган янгиликлар Ҳаргривзнинг 1764 йилги ихтисоси – “Женни” йигирув дастгоҳи билан бир-бирини тўлдиради. Кейинчалик бу ускуна такомиллаштирилиб, Самуэл Кромптон 1779 йилда “мюл” йигирув машинасини, кейинроқ эса Ричард Робертс автоматик “мюл” дастгоҳини яратади. Бу технологик янгиликларнинг натижаси том маънода инқилобий бўлди: аср бошларида юз фунт пахтани йигириш учун йигирувчилар 50 минг соат сарфлаган бўлса, Аркрайтнинг сувли дастгоҳи 300 соат, Робертснинг автоматик қурилмаси эса 135 соат сарфларди.

Ип йигириш билан бирга газлама тўқишга ҳам механизациялаш кириб келди. Бу борадаги биринчи муҳим кадам 1733 йилда Жон Кейнинг “учар моки” дастгоҳини ихтиро қилиши бўлди. Гарчи бу қурилманинг самараси аввалига қўлда тўқувчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишдан иборат бўлса-да, кейинчалик тўқиш жараёнини механизациялаш сари йўл очди. 1785 йилда Эдмунд Картрайт “учар моки” асосида янги тўқув дастгоҳини ясади. Бу ускуна газлама тўқиш соҳасида ҳам худди ип йигиришда бўлгани сингари қўл меҳнатини машиналар эгаллаши учун қилинган инновацияларнинг биринчиси эди.

Инглиз текстил саноати нафақат саноат инқилобинини юзага келтирган кучга айланди, балки дунё иқтисодидеги ҳам инқилоб ясади. Англиянинг экспорт салоҳияти 1780–1800 йилларда икки баробар ўсиб, унда

пахта маҳсулотлари етакчи ўринга чиқди. Тўқимачилик соҳасидаги ўсиш мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини олдинга етаклади. Технологик ва ташкилий инновациялар уйғунлашуви дунё иқтисодиётларини ўзгартириб, бойишига олиб келган иқтисодий ўсиш моделини юзага келтирди.

Янги ғояларга эга янги шахслар бу эврилиш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнади. Транспорт соҳасидаги янгиликларни олайлик. Англияда бундай янгиланишларнинг бир қанча тўлкини содир бўлди: дастлаб каналлар, кейин йўллар ва ниҳоят, темир йўллар. Бу инновациялар тўлкинининг ҳар бирида янги шахслар янгилик қилди. Англияда каналлар 1770 йилдан кейин тараққий эта бошлади, 1810 йилга келиб эса улар энг асосий ишлаб чиқариш марказларидан аксариятини ўзаро боғларди. Саноат инқилоби рўй бериши билан янги ишлаб чиқарилган оғир саноат моллари, жумладан, тўқимачилик маҳсулотларини ташиш чикимларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун сарфланган асосан пахта ва буғ двигатели учун кўмир харажатларини камайтиришда каналлар муҳим ўрин тутди. Каналлар қурилишидаги дастлабки новаторлардан бири Жеймс Бриндли эди. У асосий саноат шахри бўлган Манчестерни порт шаҳар Ливерпул билан боғлайдиган Брижвотер канали қурилишида герцог Брижвотер томонидан ишга ёлланган ходим эди. Дербиширдаги қишлоқ жойда туғилган Бриндли касби бўйича тегирмончи эди. У муҳандислик муаммоларига кутилмаган ечимлар топиши билан донғи чикқан бўлиб, шуҳрати герцоггача етиб боради. Унинг транспорт масалалари бўйича тажрибаси ҳам йўқ эди. Зотан, бошқа таниқли канал муҳандисларидан Томас Телфорд ҳам фаолиятини сангтарош сифатида бошлаган бўлса, Жон Смитон иш қуроллари ясайдиган уста-муҳандис бўлган.

Канал қурилиши бўйича муҳандислар сингари буюк йўл ва темир йўл муҳандислари ҳам аввалдан транспорт соҳасига алоқадор бўлмаган. 1816 йилда гудронли йўл қопламасини ихтиро қилган Жон Макадам кичикрок зодагоннинг иккинчи ўғли бўлган. Биринчи паровозни 1804 йилда Ричард Тревитик қурган. Унинг отаси Корнволлда кон бизнеси билан шуғулланган бўлиб, Ричард ҳам ёшлигидан шу соҳага кирган. Натижада шахтадаги насосларда ишлатилган буғ двигателига қизиқиб қолган. Ота-онаси ўқиш ва ёзишни билмайдиган Жорж Стефенсоннинг ишлари эса янада диққатга сазовор. Стефенсон машҳур “Ракета” паровозини ихтиро қилган бўлиб, у дастлаб кўмир шахтасида буғ двигатели механиги бўлиб ишлаган.

Янги кишилар ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган пахта саноатини ҳам олға силжитди. Соҳада янгиликларни бошлаб берганлардан айримлари илгари асосан жун кийимлар ишлаб чиқариш ва уларнинг савдоси билан шуғулланган кишилар эди. Жумладан, ўз вақтида жун газламалар саноатида етти юз нафар тўқувчини ишлатган Жон Фостер фаолиятини пахта саноатига йўналтириб, 1835 йилда “Black Dyke Mills” компаниясини очади. Аммо Жон Фостерга ўхшаган кишилар камчилик эди. Ўша пайтдаги етакчи ишлаб чиқарувчилардан фақат йигирма фоизи илгари ишлаб чиқариш соҳасида ишлаган кипилар эди, холос. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Негаки пахта саноати Англия шимолидаги янги шаҳарларда тараккий этди. Фабрикалар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бутунлай фарқли, янгича усулини қўллади. Жун газламалар саноати эса ғоят ўзгача шаклда ташкил қилинган бўлиб, хом ашё ип йигириш ва газлама тўқиш учун ишчиларнинг уйларига етказиб бериларди. Шунинг учун ҳам жун газламачиларнинг кўпчилиги Фостер сингари пахта саноатига мослашиш учун етарлича жиҳозланган

шароитга эга эмасди. Янги технологияларни ўйлаб топиш ва ишлатиш учун янги кишилар керак эди. Пахта саноатининг шиддат билан ўсиши жун саноатини барбод қилди – “бунёдкор бузғунчилик” ўз ишини кўрсатди.

Бунёдкор бузғунчилик даромад ва бойликларни қайта тақсимлаш билан чекланиб қолмасдан, сиёсий ҳокимиятга ҳам дахл қилди. Уильям Ли буни сиёсий оқибатларидан ҳадиксираган ҳукумат унинг ихтиросини қабул қилишни истамаган пайтда тушунганди. Манчестер ва Бирмингемда саноатга асосланган иқтисод кенг ёйилиши билан саноат марказларида пайдо бўлган янги фабрика эгалари ва ўрта синф вакиллари ўзларининг ҳуқуқсизликлари ва манфаатларига зид бўлган ҳукумат сиёсатига қарши норозилик билдира бошлади. Уларнинг биринчи нишони нархлар тушиб кетган тақдирда дон маҳсулотларнинг барча турлари: бошоқли экинлар ва донли экинлар, энг асосийси, буғдой импортини тақиқловчи, шу тариқа йирик заминдорлар даромадини юқори даражада сақлаб туришга қаратилган “Дон қонунлари” бўлди. Мазкур тартиб буғдой етиштирадиган йирик ер эгалари учун айни муддао эди, бироқ нон нархининг қимматлиги туфайли ишчиларга кўпроқ маош тўлашга мажбур бўлган саноатчилар учун у кони зарар эди.

Ишчилар янги корхоналар ва саноат марказларида тўпланиб боргани учун энди уларга ўзаро уюшиш ва намоийш ўтказиш осонроқ бўлиб қолганди. XIX асрнинг 20-йилларига келиб, сиёсий жараёнларда янги ишлаб чиқарувчилар ва саноат марказларини ҳисобга олмаслик туфайли вазият чигаллашиб бораётганди. 1819 йилнинг 16 августида Манчестердаги Авлиё Питер майдонида сиёсий режим ва ҳукумат сиёсатига қарши намоийш ўтказиш режаланади. Намойиш ташкилотчиси маҳаллий чўтка ишлаб чиқарувчи тадбиркор, радикал қарашдаги “Manchester Observer” газетаси таъсисчиларидан бири Жозеф

Жонсон эди. Ташкилотчилар орасида, шунингдек, пахта газлама ишлаб чиқарувчи тадбиркор ва ислохотчи Жон Найт ҳамда “Manchester Observer” муҳаррири Жон Такер Сакстонлар бор эди. Намойишга 60 минг киши йиғилди, кўп намоийшчилар “Йўқолсин, дон конунлари”, “Умумий сайлов ҳуқуқлари”, “Бюллетенлар орқали овоз бериш” (бу овоз бериш яширин тарзда амалга оширилиши учун талаб эди. 1819 йилда овоз бериш очиқ усулда ўтказиларди) каби ёзувлар битилган баннерларни кўтариб олганди. Митингдан хавотирга тушган ҳукумат “Бешинчи гусарлар полки”нинг олти юз суворийдан иборат қўшинини жалб қилади. Намойишда сўзга чиқишлар бошланар экан, маҳаллий суд нотикларни ҳибсга олишга ордер беради. Полиция кучлари ордерни амалга оширишга уриниши ва оломоннинг қаршилиги туфайли ўртада тўқнашув келиб чиқади. Худди шу фурсатда отлик қўшин намоийшчиларга ҳужум қилади. Бир неча дақиқалик тўс-тўполонда ўн бир киши қурбон бўлади, ва тахминан олти юз киши жароҳат олади. “Manchester Observer” бу ҳодисани “Питерлоо қирғини” деб атайди.

Бироқ иқтисодий ва сиёсий институтларда аллақачон ўзгаришлар юз берган экан, Англияда узоқ давом этадиган катағон энди норозиликка қарши ечим бўлолмасди. Шунинг учун Питерлоо қирғини ягона ҳодиса бўлиб қолди. Норозилик намоийшидан сўнг Англиядаги сиёсий институтлар ички босимга (айниқса, Францияда 1789 йилги Француз инқилоби билан йўқ қилинган мутлақ монархияни қайта тиклашга уринган Карл X га қарши 1830 йилда юз берган инқилобдан кейин янада кенгрок миқёсдаги тартибсизликлар хавфи остида) ён берди. 1832 йилда ҳукумат “Биринчи ислохот акти”ни қабул қилди. Акта Бирмингем, Лидс, Манчестер ва Шеффилдга сайлаш ҳуқуқи берилиб, ишлаб чиқарувчилар парламентга сайлана олишлари учун сайловчилар қатлами

кенгайтирилди. Сиёсий ҳаётдаги сўнгги ўзгариш сиёсий қарорларни парламентнинг янги аъзолари манфаатлари томон буриш имконини берди. 1846 йилда улар машъум “Дон қонунлари”ни бекор қилишга муваффақ бўлдилар. Бу эса бунёдкор бузгунчилик жараёни фақат даромадларни қайта тақсимлашдан иборат бўлмасдан, сиёсий ҳокимиятга ҳам дахлдорлигини яна бир бор кўрсатади. Ўз-ўзидан маълумки, сиёсий ҳокимиятнинг қайта бўлиниши ҳам ўз навбатида, кейинчалик даромаднинг қайта тақсимланишига олиб келди.

Бу жараённинг юз беришига Англиядаги институтларнинг инклюзив хусусияти йўл қўйиб берди. Бунёдкор бузгунчиликдан азият чеккан ва ундан кўрққанлар эса жараённи бошқа тўхтатиб қола олмадилар.

НЕГА АНГЛИЯ?

Саноат инқилоби мамлакатнинг мислсиз инклюзив иқтисодий институтлари туфайли Англияда бошланди ва шу ерда энг катта ютуқларга эришди. Инклюзив иқтисодий институтлар, ўз навбатида, Шонли инқилоб олиб келган инклюзив сиёсий институтлар қўйган пойдевор устига қурилди. Шонли инқилоб эса мулк ҳуқуқларини мустаҳкамлаб, тартибга солди, молия бозорини яхшилади, халқаро савдода давлат ўрнатган монополияни заифлаштирди ва саноатнинг кенг ёйилишига қарши тўсиқларни олиб ташлади. Шонли инқилоб сиёсий тизимнинг очикроқ бўлишини, иқтисодий эҳтиёжларга ва жамиятнинг истакларига ҳозиржавоб бўлишини таъминлади. Инклюзив иқтисодий институтлар Жеймс Уатт каби иқтидорли ҳамда узоқни кўра биладиган кишиларга ўз ғоялари, маҳоратларини ривожлан тириш, ўзлари ва бутун мамлакатга фойда бўладиган тарзда тизимга таъсир ўтказишга имконият ва рағбат берди. Табиийки, муваффақият қозонган бир пайтда уларда ҳам ҳар қандай бошқа инсонлардаги каби истак-

лар пайдо бўлди. Улар бошқаларнинг бизнес оламига кириб келиши ва ўзаро рақобат қилишига қарши тўсиқлар қўйишни исташарди. Бунёдкор бузғунчилик жараёни ўзлари илгари бошқаларни хонавайрон қилганлари сингари уларнинг ҳам бизнесига путур етказиши мумкинлигидан қўрқишарди. Аммо 1688 йилдан кейин бундай мақсадларга етиш қийинлашиб борди. 1775 йилда Ричард Аркрайт кенг қамровли патент олгач, бу патент келгусида жадал кенгайиб бораётган пахта толасидан ип йигириш саноати устидан монополия ўрнатишга имкон беришидан умидвор бўлган эди. Бироқ у суд ёрдамида бу ҳуқуқни қўлга кирита олмайди.

Нега бу ўзига хос жараён айнан Англияда ва айнан XVII асрда бошланди? Нима сабабдан Англия плюралистик сиёсий институтларни йўлга қўйди ва экстрактив институтлардан узоқлашди? Аввал кўриб чикқанамиздек, Шонли инқилобга олиб борган сиёсий ўзгаришлар бир қатор ўзаро алоқадор жараёнлар туфайли юз берганди. Улардан энг асосийси чекланмаган ҳокимият ва унинг муҳолифлари ўртасидаги сиёсий кураш эди. Бу кураш натижасида нафақат Англияда янги ва янада қудратлироқ авторитаризм куришга уринишларга чек қўйилди, балки жамиятдаги институтларни тубдан ўзгартиришни истаганларнинг ҳам имкониятлари ошиб кетди. Чекланмаган ҳокимиятга қарши бўлганлар шунчаки авторитаризмнинг бошқача кўринишини куришга уринмади. Бу шунчаки “Атиргуллар уруши”да Ланкастерлар сулоласининг Йорклар хонадонидан устун келишига ўхшаш ҳодиса эмасди. Аксинча, Шонли инқилоб натижасида конституцион бошқарув ва плюрализмга асосланган янгича тузум пайдо бўлди.

Бу инглиз институтларидаги ўзгаришлар натижаси ва уларнинг бурилиш нуқталари билан ўзаро алоқада тутган ўрни самараси эди. Аввалги бобларда Фарбий Рим

империясининг кулаши билан Ғарбий Европада феодал институтлар қай тарзда юзага келганини кўргандик. Феодализм Европанинг катта қисмига, ғарбу шарққа тарқалди. Бироқ 4-бобда гувоҳ бўлдикки, “қора ажал”дан сўнг Ғарбий ва Шарқий Европа кескин фарқлана бошлади. Сиёсий ва иқтисодий институтлардаги майда фарқлар Ғарбда ҳокимият мувозанатининг ижобий институционал ўзгаришлар томон оғишига, Шарқда эса институционал вазиятнинг ёмонлашувига олиб келди. Аммо бу ҳар доим содир бўладиган ва инклюзив институтларга муқаррар олиб борадиган йўл эмас. Бу йўлда жуда кўп муҳим бурилишларга дуч келинади. Ғарчи “Буюк эркинлик хартияси” конституциявий бошқарув учун илк институционал пойдевор қўйишга уриниш бўлса-да, Европанинг бошқа кўплаб жойларида, айниқса, Шарқий Европада шунга ўхшаш ҳужжатлар билан институтлар устида ўхшаш курашлар юз берди. Бироқ “қора ажал” кирганидан кейин Ғарбий Европа Шарқдан сезиларли равишда узоқлашди. Ғарбда Буюк эркинлик хартияси каби ҳужжатларнинг таъсири салмоқли бўлди. Шарқда эса уларнинг аҳамияти жуда кам бўлди. Англияда ҳатто XVII асрдаги низолардан олдин ҳам шундай тартиб ўрнатилган эдики, унга кўра, қирол парламент розилигисиз янги солиқлар жорий қилолмасди. Ҳокимиятнинг элита кўлидан фуқароларга секин-аста, босқичма-босқич ўтиб бориши ҳам аҳамияти жиҳатдан ундан кам эмас. Бунга мисол тариқасида Англияда 1381 йилги деҳқонлар кўзғолони билан юз берган қишлоқ аҳолисининг сиёсий майдонга чиқишини кўриш мумкин.

Мазкур институционал ўзгариш Атлантика орқали савдонинг кенг кўламли кенгайиши туфайли юзага келган бошқа бир бурилиш нуқтаси билан кесишди. 4-бобда гувоҳ бўлганимиздек, унинг келгуси институционал динамикага қандай таъсир қилиши қиролнинг савдони

монополия қила олиши ёки қила олмаслигига боғлиқ эди. Англияда парламентнинг бирмунча кенгрок ваколатларга эгаллиги туфайли тюдорлар ва стюартлар сулоласи ҳукмдорлари бунга эриша олмади. Бу эса ўз навбатида, авторитаризм қуриш режасига кескин қарши бўлган янги синфни – савдогарлар ва ишбилармонлар синфини юзага келтирди. Чунончи, 1686 йилга келиб, Лондонда Кариб ороллариغا экспорт билан шуғулланадиган 702 нафар, Карибдан моллар импорти билан шуғулланувчи 1283 нафар савдогар мавжуд бўлган. Шимолий Америкада эса 691 нафар экспортёр ва 626 нафар импортёр савдогар бўлган. Улар манфаатлари ўзаро муштарак кишилар: омборчилар, денгизчилар, капитанлар, ҳаммоллар ва хизматчиларни ишга ёллаган. Бристол, Ливерпул ва Портсмут каби бошқа қизгин портлар ана шундай савдогарлар билан тўла эди. Мазкур янги одамлар бошқача иқтисодий институтларни хоҳлар, талаб қиларди. Улар савдо-сотик туфайли бойигани сари янада кудратли бўлиб борарди. Франция, Испания ва Португалияда ҳам шундай кучлар юзага чиқди. Бирок бу мамлакатларда кирооллар савдо-сотик ва ундан келадиган даромад устидан етарлича назоратни кўлга ола билгандилар. Англияда туб ўзгаришлар қилган янгича гуруҳлар бу ўлкаларда ҳам пайдо бўлди, аммо улар ҳали анча кичик ва заиф эди.

Узоқ давом этган парламент ўз фаолиятини бошлаган ва фуқаролар уруши бўлган 1642 йилда бу савдогарлар асосан парламент тарафида турди. 1670-йилларда улар стюартлар сулоласи яккахукмронлигига қарши Виглар партиясини тузишда фаол иштирок этди ва 1688 йилда қироол Жеймс II ни тахтдан ағдаришда муҳим роль ўйнади. Шу тарзда Американинг кашф қилиниши туфайли кенгайиб бораётган савдо имкониятлари, бу жараёнга инглиз савдогарларининг оммавий кўшилиши, мустамлакаларнинг иқтисодий тараққиёти ва улардан

келаётган бойликлар қирол ҳокимияти ва унинг мутлак ҳукмронлигига қарши томон ўртасидаги курашда кучлар мувозанатини ўзгартириб юборди.

Афтидан, энг муҳими, турли-туман манфаатларнинг пайдо бўлиши (тюдорлар даврида пайдо бўлган, майда ер эгаси дворянлар синфидан тортиб, ҳар хил ишлаб чиқарувчилар ва трансатлантик савдогарларгача) шуни англатадики, стюартлар ҳукмронлигига қарши иттифок нафақат кучли, балки жамиятнинг кенг қатламларидан иборат бўлган. Мазкур иттифок 1670-йилларда Виглар партияси тузилиши билан янада кучайди ва партия иттифокчилар манфаатлари учун воситага айланди. Шонли инкилобдан кейин плюрализмга имкон берган нарса ҳам бу коалиция қудратининг ошиши эди. Агар стюартларга қарши курашаётганларнинг бари бир хил манфаатлар ва бир хил мавқега эга бўлганларида, стюартларнинг ҳукмронлиги ағдарилишининг натижаси Ланкастерлар ва Йорклар ўртасидаги кураш натижаси билан бир хил бўлар, бир гуруҳнинг манфаатлари кам сонли бошқа гуруҳ манфаатлари билан тўқнаш келар ва оқибатда худди ўшандай ёки бошқачароқ тусдаги экстрактив институтлар аввалгиларининг ўрнини эгаллаган бўларди. Кенг қамровли коалициядан мурод эса кўпроқ плюралистик сиёсий институтлар яратишга талаб пайдо бўлиши эди. Плюрализм белгиларисиз турли-туман манфаатлардан бирортаси қолганларнинг ҳисобига ҳокимиятни қўлга киритиш хавфи юзага келар эди. 1688 йилдан кейин парламентда шундай кенг қамровли коалиция бўлгани парламент аъзоларининг петицияларга – ҳатто бу петициялар эгалари парламент аъзоси бўлмаса ҳам ёки улар овоз бериш ҳуқуқисиз бўлганларида ҳам – қулоқ солишга кўндирдилар. Бу омил Манчестер актидан аввал жун газламачилари манфаатлари учун қилингани каби бирор гуруҳнинг бошқалар ҳисобидан монополия

ўрнатишга уринишининг олдини олишда муҳим роль ўйнади.


Шонли инқилоб, шубҳасиз, гоят муҳим тарихий ҳодиса эди. Негаки у кенг қамровли коалиция бошчилигида амалга оширилди ва кейинчалик инқилоб бу коалициянинг кучайишига хизмат қилди. Натижада ижро ҳокимиятининг, ва энг муҳими, унинг ҳар қандай аъзосининг ваколатларини чеклайдиган конституцион тузум барпо қилишга муваффақ бўлинди. Айнан ана шу чекловлар жун газламалари ишлаб чиқарувчиларни пахта ва фланел ишлаб чиқарувчилар билан бўладиган эҳтимолий рақобатни йўқ қилишдан тўхтатиб қолганди. Шу боис кенг қамровли коалиция 1688 йилдан кейин кучли парламент яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, бу коалиция парламентда бирор гуруҳнинг бошқалардан кўра кучли қудратга эга бўлиб, ҳокимиятни сунистеъмол қилишига қарши назорат борлигини ҳам англатарди. Бу эса плюралистик сиёсий институтлар пайдо бўлишидаги энг муҳим омилдир. Коалициянинг кучайиши инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларнинг давомли бўлиши ва мустаҳкамланишида ҳам муҳим роль ўйнаганини 11-бобда кўриб чиқамиз.

Шунга қарамай, юқоридаги омиллардан ҳеч бири том маънодаги плюралистик тузум қурилишини кафолатламайди ва унинг вужудга келиши қисман тарихнинг шартли йўли натижасидир. Ўша коалиция Англиядаги фуқаролар урушида стюартлар сулоласи устидан зафар кучишга муваффақ бўлди, аммо бу фақат Оливер Кромвел диктатурасига олиб келди. Коалициянинг қудрати ҳам авторитар ҳокимият маҳв этилишини кафолатлай олмасди. Ахир Жеймс II Уильям III ни маглуб этиши ҳам мумкин эди. Асосий институционал ўзгариш йўналиши одатдагидек бошқа сиёсий ихтилофлар натижасига боғлиқ. Ҳатто авторитаризмга қарши кенг қамровли коали-

цияни юзага келтирган институционал эврилишнинг махсус йўли ва трансатлантик савдо имкониятлари пайдо қилган бурилиш нуқтаси туфайли омад стюартлардан юз ўгирган бўлса ҳам фарқи йўқ. Шу боис мазкур мисолда плюрализм ва инклюзив институтлар пайдо бўлишига сабаб бўлган ҳал қилувчи факторлар тарихий шартли вазият ҳамда кенг қамровли коалициядир.

8

БИЗНИНГ ЕРИМИЗДА
ЭМАС: ТАРАҚҚИЁТ
ЙЎЛИДАГИ ҒОВЛАР



ЧОП ЭТИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

1445 йилда Германиянинг Майнц шаҳрида Иоханн Гутенберг кейинги иқтисодий тарих учун жиддий таъсир кўрсатган ихтирони – териладиган литерага асосланган китоб босиш қурилмасини намойиш қилди. Ўша пайтгача китоблар ё хагтоплар томонидан кўчирилар – бу жуда секин ва машаққатли меҳнат эди – ёки ҳар бир саҳифага ёзув босиш учун тайёрланган алоҳида ёғоч бўлақларидан фойдаланиларди. Китоблар эса анқонинг уруғи бўлиб, ниҳоятда қиммат эди. Аммо Гутенбергнинг ихтиросидан кейин вазият ўзгара бошлади. Китоблар чоп қилиниб, уларни топиш анча осон бўлиб қолди. Мазкур янгиликсиз оммавий саводхонлик ва таълим олиш имконсиз бўларди.

Ғарбий Европада матбаачиликнинг аҳамиятини тезда англаб етдилар. 1460 йилдаёқ чегаранинг шундоққина нариги тарафида – Франциянинг Страсбург шаҳрида китоб босиш дастгоҳи ишга тушганди. XV асрнинг 60-йиллари охирига келиб бу технология Италия бўйлаб тарқалди. Даставвал Рим ва Венецияда, кўп ўтмай эса Флоренция, Милан ва Туринда босмаҳоналар пайдо бўлди. 1476 йилда Уильям Кекстон Англиядаги биринчи китоб босиш қурилмасини Лондонда ўрнатади, икки йил ўтиб эса Оксфордда ҳам яна бир қурилма ишга тушади. Худди шу пайтда китоб босиш Ҳолландия, Испания ва ҳатто Шарқий Европага ҳам кириб борди: биринчи босмаҳона Будапештда 1473 йилда очилган бўлса, бир йил ўтиб, янги дастгоҳ Краковда ҳам иш бошлади.

Бироқ ҳамма ҳам китоб босишни мақбул янгилик сифатида баҳоламади. 1485 йилдаёқ Усмонли давлатида султон Боязид II мусулмонларга араб ёзувида китоб босишни қатъий тақиқловчи фармон чиқаради. Бу тартибни кейинчалик 1515 йилда султон Салим I ҳам сақлаб қолди. 1727 йилгача Усмонлилар салтанати ҳудудида китоб босиш қурилмасидан фойдаланилмади. Ўша йили султон

Аҳмад III Иброҳим Мутафарриқага босмахона ташкил қилишга изн берди. Ҳатто мана шу кечиккан ҳаракат ҳам чекловлар билан қуршалганди. Гарчи фармонда “шундай фараҳбахш кунда худди келинчак мисол Ғарб ускунаси жамолини кўрсатган ва бошқа махфий қолиши мумкин бўлмаган”и қайд этилган бўлса-да, Мутафарриқанинг матбаачилик ишлари диққат билан назорат қилиниши белгиланганди. Фармонда, жумладан, шундай дейилган эди:

Босилган китоблар хатолардан холи бўлиши учун ислом шариати билимдонлари бўлган оқил, муҳтарам ва шарафли диний уламолар: Истанбулнинг олий қозиси Мавлоно Исҳоқ, Салоники қозиси Мавлоно Соҳиб ва Ғалата қозиси Мавлоно Асад – уларнинг фазллари зиёда бўлсин – ҳамда атоқли дарвешлар жамияти номидан ҳақ йўлдаги диний уламоларнинг пири, Қосим Пошо Дарвешхонаси шайхи Мавлоно Мусо – унинг илми зиёда бўлсин – уларнинг таҳририни назорат қилади.

Шундай қилиб, Мутафарриқага матбаа ташкил қилишга ижозат берилди, аммо у чоп этган ҳар қандай нарсани уч нафар диний ва қонуншунос уламо – қозилардан иборат ҳайъат текшириб чиқиши лозим эди. Эҳтимол, босмахоналар кўпроқ мавжуд бўлганида, қозиларнинг илми ва савияси, шу жумладан, бошқаларники ҳам тезроқ ошиши мумкин эди. Бироқ Мутафарриқага китоб босишга рухсат берилгандан кейин ҳам бундай бўлмади.

Табийки, яқунда Мутафарриқа санокли китоб чоп эта олди: босмахона қурилган 1729 йилдан токи фаолиятини тўхтатган 1743 йилгача 17 та китоб босилди, холос. Мутафарриқанинг оиласи унинг анъанасини давом эттиришга ҳаракат қилса-да, босмахонада 1797 йилгача яна еттига китоб нашр қила олди ва шу билан унинг ишига нукта қўйилди. Усмонли империясининг Туркиядаги марказидан ташқарида матбаачилик янада орқада қолди. Чунончи, Мисрда биринчи китоб босиш қурилмаси

1798 йилдагина пайдо бўлди, уни ҳам Наполеон Бонапартнинг мамлакатга муваффақиятсиз истилоси доирасида французлар ташкил қилди. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳам, Усмонлилар империясида китоб ишлаб чиқариш асосан мавжуд китоблардан нусха кўчирадиган хаттотлар қўл меҳнатига асосланганди. XVIII аср бошларида Истанбулда ана шундай хаттотлардан 80 минг нафари фаолият кўрсатгани айтилади.

Китобларни янги қурилмада босишга қаршилик ҳаракатининг таъсири аҳолининг саводхонлиги, таълим олиши ва иқтисодий тараққиётда яққол кўринади. XIX аср бошида Усмонли салтанати фуқароларининг тахминан 2-3 фоизи саводли бўлган, Англияда эса эркакларнинг 60 фоизи, аёлларнинг 40 фоизи ўқиш ва ёзишни биларди. Ҳолландия ва Германияда эса саводхонлик даражаси янада юқорироқ бўлган. Усмонли давлати ҳатто ўша даврда Европанинг таълим даражаси бўйича энг паст кўрсаткичга эга мамлакатларидан ҳам ортда қолган, мисол учун, шундай мамлакатлардан бири бўлган Португалияда катта ёшли аҳолининг тахминан 20 фоизи ўқиш ва ёзишни билган.

Усмонли салтанатидаги бениҳоя авторитар ҳокимият ва экстрактив институтларни ҳисобга олсак, султоннинг босмаҳонага нисбатан салбий муносабатини тушуниш қийин эмас. Китоблар ғояларни тарқатиб, аҳолини назорат қилишни анча қийинлаштиради. Бу ғоялардан айримлари иқтисодий ўсишни кучайтириш бўйича қимматли янгиликлар бўлиши, айни пайтда, баъзилари бузғунчи ғоялар бўлиши, мавжуд сиёсий ва ижтимоий вазиятга хавф тугдириши мумкин. Китоблар, шунингдек, оғзаки билим эгаларининг таъсир кучини ҳам пасайтириб юборади, негаки китоблар саводи бор ҳар кимга билим олишни осон қилиб қўяди. Бу эса билимлар элита назорат қиладиган мавжуд вазиятни издан чиқариш хавфини юзага келтиради. Усмонли султонлар ва диний ҳокимият унинг оқибатида келиши мумкин бўлган бунёдкор буз-

гунчиликдан хавфсиради. Бу муаммога ечим сифатида уларнинг тутган йўли эса матбаачиликни тақиклаш эди.

Саноат инқилоби қарийб барча мамлакатларга таъсирини ўтказган бурилиш нуктасини юзага келтирганди. Айрим мамлакатлар, масалан, Англияда савдо-сотик, саноатлашув ва тадбиркорликка нафақат йўл берилди, балки бу ҳаракатлар рағбатлантирилди ҳам. Натижада мамлакат жадал ривожланди. Кўплаб мамлакатлар, хусусан, Усмонлилар империяси, Хитой ва бошқа мустабид тузумлар эса саноат йўлига ғов бўлди ёки ҳеч бўлмаганда, саноатлаштиришнинг ёйилишини қўллаб-қувватламади ва ортда қолишди. Сиёсий ва иқтисодий институтлар давлатнинг технологик инновацияларни қандай қабул қилишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Шу тариқа институтлардаги фарқланишга сабаб бўлган ва турли хил иқтисодий оқибатларга олиб келган жараённинг – мавжуд институтлар ва бурилиш нуктаси ўртасидаги ўзаро муносабатнинг бизга яхши таниш бўлган намунаси яратилди.

Усмонли империясида Биринчи жаҳон урушидан кейин салтанат қулагунга қадар абсолют ҳокимият сақланиб қолди, ҳам ҳокимият китоб босиш қурилмаси каби инновациялар ва уларнинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган бунёдкор бузғунчиликка қаршилиқ ҳамда тўсқинлик қилишнинг уддасидан чиқди. Англияда содир бўлган иқтисодий эврилишлар Усмонли давлатида юз бермагани сабаби эса экстрактив ва авторитар сиёсий институтлар ҳамда экстрактив иқтисодий институтлар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликдир. Абсолютизм (мустабидлик, чекланмаган ҳокимият, авторитаризм) – ҳокимият қонун ёки бошқаларнинг иродаси билан тийиб турилмайдиган бошқарув шаклидир. Ваҳоланки, амалда авторитар ҳукмдорлар давлатни қандайдир кичик гуруҳ ёки элита қўллови билан идора қиладилар. Масалан, XIX асрда Чор Россиясини аҳолининг тахминан бир фоизини ташкил қиладиган зодагонлар қўлловига эга

чекланмаган ҳокимиятга эга подшо бошқарарди. Ана ўша кам сонли гуруҳ сиёсий институтларни ўз ҳокимиятларини мустақамлайдиган қилиб ташкил этганди. 1905 йилгача Россияда на парламент, на рус жамиятидаги бошқа жамоаларни тамсил этадиган сиёсий вакилликнинг бирор шакли мавжуд эди. Айнан ўша йили подшо Думани ташкил қилди, аммо кўп ўтмай, подшонинг ўзи парламентга берган кам сонли ваколатларни яна тортиб олди. Табиийки, иқтисодий институтлар экстрактив бўлиб, подшо ва зодагонларнинг бойлигини кўпайтиришга мосланган эди. Кўплаб экстрактив иқтисодий институтлар каби, унинг замирида мажбурий меҳнат ва қаттиқ назоратнинг оммавий тизими, хусусан, рус крепостнойлик тартиби ётар эди.

Абсолютизм саноатлаштиришга халақит берадиган ягона сиёсий институт эмасди. Гарчи авторитар тузумлар плюрализмдан йироқ ва бунёдкор бузғунчиликдан чўчи-са ҳам, уларнинг аксариятида марказлашган давлат бўлар, ёки ҳеч қурса, китоб босиш қурилмасига ўхшаш янгиликларга тақик қўйиш учун етарли даражада марказлашганди. Ҳатто бугунги кунда ҳам Афғонистон, Ҳаити ва Непал каби мамлакатларда давлат марказлашган сиёсий ҳокимиятга эриша олмаяпти. Тропик Африкада эса вазият янада ёмонроқ. Аввал ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, тартибни сақлайдиган, қонунлар ижроси ва мулк ҳуқуқи кафолатини қарор топтирадиган марказлашган давлатсиз инклюзив институтлар юзага келмайди. Ушбу бобда марказлашган ҳокимият мавжуд эмаслиги тропик Африканинг кўп жойларида (масалан, Сомали ва Жанубий Суданда) саноатлашиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлганини кўрамиз. Мана шундай табиий шартлар бажарилмай туриб, саноатлаштиришни амалга ошириш учун имконият бўлмайди.

Абсолютизм ва сиёсий марказлашувнинг йўқлиги (ёки марказий сиёсий ҳокимиятнинг заифлиги) саноатлашув йўлидаги бошқа-бошқа тўсиқлардир. Лекин айти

пайтда улар ўзаро боглик ҳамдир. Иккисини бунёдкор бузгунчиликдан қўрқиш бир-бирига боғлаб турса, бошқа томондан сиёсий марказлашиш жараёни кўпинча мустабидликка олиб боради. Сиёсий марказлашишга қаршиликнинг илдизи инклюзив сиёсий институтларга қаршиликни билан бир хил, яъни сиёсий ҳокимиятни йўқотишдан қўрқиш – бу мисолда янги марказлашган давлат ва унинг назоратини қўлга оладиганларга ҳокимиятни ютқизиш хавфи. Аввалги бобда Англия мисолида тюдорлар сулоласи давридаги сиёсий марказлашиш жараёни сиёсий мағлубият оқибатларини бартараф этиш илинжидаги турли элита вакилларининг сиёсий институтларда ўз овозларига эга бўлиш ва уларда иштирок этиш учун талабларини қай тариха кучайтириб борганини кўрган эдик. Бунинг натижасида кучлироқ парламент яратилди ва бу охир-оқибат инклюзив сиёсий институтлар пайдо бўлишига имкон берди.

Аммо бошқа жуда кўп ҳолларда бунинг тескариси юз бериб, сиёсий марказлашиш жараёни янада кучлироқ абсолютизмни бошлаб бериши ҳам мумкин. Бунинг мисолини Россияда Пётр I томонидан 1682–1725 йилларда мустабидликнинг шакллантирилишида ҳам кўриш мумкин. Янгича бюрократик давлат ва замонавий кўшин тузиш мақсадида Пётр I ҳокимиятни эски аристократия бўлмиш боярлардан тортиб олиб, янги пойтахт – Санкт-Петербургни қуради. Ҳатто уни подшолик тахтига ўтқизган “Боярлар думаси”ни ҳам йўқ қилади. Пётр I мутлақо янги ижтимоий табақалар тизими – “Унвон ва даражалар жадвали”ни жорий қилди. Унинг моҳияти подшога хизмат қилишга асосланган эди. Пётр ҳам Англияни марказлаштиришда Ҳенри VIII қилган ишни такрорлади – черков устидан назорат ўрнатди. Сиёсий марказлаштириш орқали Пётр ҳокимиятни бошқалардан олиб қўйиб, ваколатларни ўз қўлида тўплаётганди. Унинг ҳарбий ислохотлари эса подшонинг анъанавий кўриқчилари – “Стрелецлар” (Ўқчилар) исёнига сабаб

бўлди. Бу исъндан сўнг бошқа норозилик ҳаракатлари – Ўрта Осиёда бошқирдлар исёни ва Булавин кўзғолони ҳам юз берди, аммо улардан ҳеч бири муваффақият қозонмади.

Россияда Пётр I нинг сиёсий марказлаштириш лойиҳаси муваффақият қозониб, муҳолифат таслим қилинди. Аммо дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлларидаги ҳокимиятдан айрилиш хавфи туғилган, стрелецларга ўхшаш кучлар марказлашган давлатга қарши чиқиб, зафар кучди. Оқибатда марказлашган ҳокимият ўрнатилмасдан, экстрактив сиёсий институтларнинг бошқа бир шакли амал қилишда давом этди.

Ушбу бобда саноат инқилоби юзага келтирган бурилиш нуқтасида кўп мамлакатлар қай тарзда имкониятни бой бергани ва саноатнинг кенг тарқалишидан унумли фойдалана олмаганликларини кўриб чиқамиз. Улар ё Усмонли империяси каби мустабид сиёсий институтлар ва экстрактив иқтисодий институтларга эга бўлган, ёки худди Сомали каби сиёсий марказлашувга эриша олмаган.

АҲАМИЯТЛИ КИЧИК ФАРҚ

XVII асрда абсолютизм Англияда заифлашди, аммо Испанияда янада кучайди. Инглиз парламентининг испанча муқобили – Кортес номигагина мавжуд эди. Испания 1492 йилда қиролича Изабелла ва қирол Фердинанднинг никоҳи орқали Кастилия ҳамда Арагон бирлашуви натижасида тапқил топди. Айни шу сана VIII асрдан бошлаб Испания жанубини забт этган ҳамда Гранада, Кордова, Севилья каби улутвор шаҳарларни бунёд этган араблардан мамлакатни қайтариб олиш – *реконкиста* жараёнининг интиҳоси билан мос келади. Пиреней яриморлидаги сўнгги араб давлати бўлмиш Гранада Испанияга таслим бўлган пайтда Христофор Колумб Америкага етиб борган ва янги қитъа ерларини унинг саёҳатига ҳомийлик қилган қиролича Изабелла ва қирол Фердинанд мулки деб эълон қилаётганди.

Кастилия ва Арагон қироликларининг бирлашуви

ҳамда кейинги сулолалараро никоҳлар ҳамда ворислик ҳукуқи туфайли кудратли Европа давлати барпо қилинди. 1504 йилда Изабелла вафот этгач, унинг кизи Хуана Кастилия қироличаси сифатида тахтга ўтиради. Хуана Габсбурглар сулоласи вакили, Муқаддас Рим империяси императори Максимилиан I нинг ўғли Филиппга турмушга чиққанди. 1516 йилда Хуана ва Филиппнинг ўғли Карлос Кастилия ҳамда Арагон қироли Карлос I сифатида тахтга ўтиради. Отасининг вафотидан сўнг Карлосга Нидерландия ва Франш-Комте мерос қолиб, бу ҳудудларни Пиреней яриморали ва Америкада жойлашган империясига қўшиб олади. 1519 йилда Максимилиан I ҳам вафот этиши натижасида Германиядаги Габсбурглар сулоласи ерлари ҳам Карлосга мерос қолади ва Карл V номи билан Муқаддас Рим империясининг императорлик тожини кияди. Шундай қилиб, 1492 йилда икки испан қироллигининг қўшилишидан пайдо бўлган давлат кўп китъали империяга айланди, Карлос I эса Изабелла ва Фердинанд бошлаб берган мустабид давлатни мустаҳкамлашни давом эттирди.

Испанияда чекланмаган ҳокимият ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга Америкада қимматбаҳо металлларнинг топилиши катта ёрдам берди. 1520-йиллардаёқ Мексиканинг Гуанахуатосида, ҳеч қанча вақт ўтмасдан эса Закатекасида катта миқдорда қумуш захиралари кашф қилинганди. 1532 йилда Перунинг босиб олиниши билан қирол хазинасига янада кўпроқ бойлик оқиб кела бошлади. Бу бойликлар ҳар қандай истилодан олинган ўлжанинг ҳамда кондан олинган фойданинг бешдан бири қиролнинг улуши сифатида ажратилишидан юзага келарди. Биринчи бобда гувоҳ бўлганимиздек, 1540 йилда Потосида қумуш тоғи топилган эди. Бу эса испан қироли хазинасини янада бойитди.

Кастилия ва Арагон бирлашганда Испания иқтисодий жиҳатдан Европанинг энг бой ўлкаларидан бири эди. Бироқ чекланмаган сиёсий ҳокимият кучайиши

билан мамлакат орқага кетиб, 1600 йилдан бошлаб бутунлай иқтисодий тушкунликка учрайди. Испания мусулмонлардан қайтариб олингандан кейин Изабелла ва Фердинанд қилган биринчи иш яҳудийларни қувғин қилиш бўлди. Испаниядаги тахминан икки юз минг яҳудийга мамлакатни тарк этиш учун 4 ой муҳлат берилди. Улар барча ер ва мулкларини жуда арзон нархларда сотиб кетишга мажбур бўлишди. Бундан ташқари, уларга мамлакатдан олтин ёки қумушни олиб чиқиб кетиш тақиқланганди. Худди шунга ўхшаш яна бир фожиа орадан юз йилдан кўпроқ вақтдан сўнг рўй берди. 1609–1614 йилларда Филипп III Испания жанубидаги мусулмонларнинг авлодлари – морисколарни қувғин қилди. Худди яҳудийлар каби морисколар ҳам ўзлари кўтара оладиган даражадаги буюмларинигина олиб кетишга мажбур қилинди, ўзлари билан олтин, қумуш ёки бошқа қимматбаҳо тошларни олиб кетишлари эса тақиқланди.

Габсбурглар даврида Испанияда бошқа жабҳаларда ҳам мулк ҳуқуқлари поймол қилинди. 1556 йилда отаси Карлос V нинг ўрнига тахтга ўтирган Филипп II икки марта – 1557 ва 1560 йилларда қарзларни тўлашдан бош тортиб, Фуггер ва Велзер каби банкир оилаларни хонавайрон қилади. Немис банкирларининг ўрнини генуялик банкирлар эгаллаб, ўз навбатида, улар ҳам Габсбурглар даврида Испания қиролининг 1575, 1596, 1607, 1627, 1647, 1652, 1660 ва 1662 йиллардаги қарзлардан бўйин товлаши туфайли хонавайрон бўлди.

Мустабид Испанияда мулк ҳуқуқининг беқарорлигидан кам бўлмаган даражада аҳамиятли омиллардан яна бири авторитаризмнинг савдо-сотиққа оид иқтисодий институтларга таъсири ва испан мустамлакачилик империясининг гуллаб-яшнаши бўлди. Олдинги бобда гувоҳ бўлганимиздек, Англиянинг иқтисодий юксалиши замирида савдо-сотиқнинг шиддат билан кенгайиши ётарди. Атлантикадаги савдо муносабатларига Испания

ва Португалияга қараганда кечроқ киришган бўлишига қарамадан, Англия аҳолининг кўпроқ қатламларига савдо-сотик ва мустамлакачилик имкониятларидан фойдаланишга имкон берганди. Испанияда қирол хазинасини тўлишига хизмат қилган бойликлар Англияда янги пайдо бўлган савдогарлар синфининг давлатини кўпайтирди. Айнан ўша савдогарлар қатлами Англияда илк иқтисодий фаолликни таъминлаб, аксилавторитар сиёсий коалиция учун асос бўлди.

Испанияда эса иқтисодий тараққиёт ҳамда институционал ўзгаришларга олиб келган бундай жараёнлар рўй бермади. Америка кашф қилинганидан сўнг Изабелла ва Фердинанд Севильядаги тожирлар гильдияси ёрдамида янги мустамлакалар ҳамда Испания ўртасида савдо-сотик ишларини ташкил этди. Бу тожирлар гуруҳи барча олди-сотди ишларини назорат қилиб, қироллик оиласининг Америкадаги бойликлардан ўз улушини олишини таъминларди. Мустамлакаларнинг ҳеч қайси бири билан эркин савдо қилишга изн берилмас, ҳар йили жуда катта кемалар қарвони қимматбаҳо металл ва буюмларни Америкадан Севильяга олиб келарди. Савдо-сотик кам сонли элита монополияси бўлгани туфайли мустамлакалар билан савдо имкониятларидан фойдаланадиган каттароқ савдогарлар қатлами шаклланиши имконсиз эди. Ҳатто иккала Америкадаги ички савдо ҳам қаттиқ назорат қилинарди. Мисол учун, Янги Испания (ҳозирги Мексика) колониясидаги савдогар ҳозирги Колумбиядаги янги гранадалик бирор тожир билан тўғридан-тўғри олди-сотди қилолмасди. Испания империясидаги савдо-сотикқа қўйилган бундай чекловлар империянинг иқтисодий раванқини ва билвосита Испаниянинг бошқа, ривожланганроқ империя билан савдо қилишдан олиши мумкин бўлган потенциал даромадларини чеклаб қўйди. Шунга қарамай, бу чекловлар ҳукумат учун мақбул эди, негаки улар қумуш ва олтиннинг Испанияга оқиб келишини таъминлаётган эди.

Испаниянинг экстрактив иқтисодий институтлари авторитаризм меваси ва сиёсий институтларнинг Англия-никидан фарқли йўли эди. Кастилия қироллиги ҳам, Арагон қироллиги ҳам ўз кортеслари – парламентига эга бўлиб, у қиролликнинг турли гуруҳлари – табақаларини тамсил этарди. Англия парламенти сингари Кастилия кортеси ҳам янги солиқларни тасдиқлаш учун чақирилиши шарт эди. Лекин Кастилия ва Арагон кортеслари шаҳар ва қишлоқ хуудлар вакилларини ўзида мужассамлаштирган инглиз парламентида фарқли равишда асосан йирик шаҳарларнинг вакилларида иборат эди. XV асрда кортесда ҳар бири икки нафардан депутат сайлайдиган фақат 18 та шаҳар иштирок эта оларди. Оқибатда кортес инглиз парламенти каби кўп сонли гуруҳларни тамсил эта олмади ва қирол ваколатларини чеклашни талаб қиладиган турли-туман манфаатлар бирлашмасига айлана олмади. Кортес қонунлар ишлаб чиқа олмас, ҳатто унинг солиқлар борасидаги ваколоти доираси ҳам чекланганди. Шу туфайли ўз қудратларини кучайтириш жараёнида кортесни четга суриб қўйиш испан ҳукмдорлари учун осонроқ кечди. Америкадан кумуш тўла кемалар келиб турганига қарамай, қимматга тушадиган адоғи йўқ урушлар харажатларини қоплаш учун Карлос V ва Филипп II солиқларни мунтазам ошириб бориши лозим эди. 1520 йилда Карлос V солиқларни ошириш талаби билан кортесда иштирок этишга қарор қилади. Шаҳар элиталари вакиллари бу вазиятдан фойдаланиб, кортесда ўзгаришлар қилиш ва ваколатларини ошириш талабини қўйди. Бу норозилик қуролли қаршиликка айланиб кетди ва Халқ кўзғолони номи билан тарихда қолди. Қирол ўзига содик аскарлари ёрдамида исённи бостирди. Аммо XVI аср охирига қадар монархия ва кортес ўртасида парламентдаги янги солиқлар ундириш ва эскиларини ошириш бўйича ҳуқуқдан маҳрум қилиш бўйича кураш тинимсиз давом этди. Гарчи ушбу курашда кучлар мувозанати ўзгариб турса ҳам,

унда охир-окибат монархия ғалаба қозонади. Натижада 1664 йилдан бошлаб, токи Наполеон босқини даврида қайта тиклангунга қадар ўтган салкам 150 йил давомида кортес бошқа чақирилмади.

Англияда 1688 йилда авторитаризмнинг мағлубияти нафақат плюралистик сиёсий институтларга, балки анчагина самаралироқ марказлашган давлатнинг ривож топишига ҳам сабаб бўлди. Испанияда эса бунинг тескариси юз бериб, авторитаризм зафар қучди. Қирол кортесни заифлаштириб, ўзининг сиёсий қудратига қарши ҳар қандай эҳтимолий чекловларни олиб ташлаган бўлсада, ҳар бир шаҳар билан алоҳида музокара қилишга уринилганда ҳам, солиқларни ошириш борган сари оғирлашиб борарди. Англия замонавий, самарали солиқ тизимини йўлга қўяётган бир пайтда Испания яна ортга кетаётганди. Монархия нафақат тадбиркорлар учун мулк ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш ўрнига савдо-сотикни монополлаштирарди, балки давлат мансабларини сотар, улар авлоддан-авлодга мерос тариқасида ўтар, солиқ имтиёзлари берилар ва ҳатто жавобгарликдан дахлсизлик ҳуқуқи ҳам сотиларди.

Испаниядаги қайд этилган экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтларнинг оқибати олдиндан маълум эди. Англия иқтисодий тараққиёт ва жадал саноатлаштириш сари олға қадам ташлаётган XVI асрда Испания кенг кўламли иқтисодий таназзул ботқоғига ботиб борарди. Аср бошларида Испаниядаги ҳар беш кишидан бири шаҳарларда истикомат қилган бўлса, аср охирига келиб, бу кўрсаткич икки баробар пасайди ва шаҳарликлар мамлакат аҳолисининг бор-йўғи ўндан бир қисмини ташкил қилди. Бу жараён Испания аҳолисининг давомли қашшоқлашуви билан бирга кечди. Англияда одамлар бойиди, испанларнинг даромадлари камайиб борди.

Англияда авторитаризмга барҳам берилган бир пайтда Испанияда унинг сакланиб қолиши ва мустаҳкамла-

ниб бориши бурилиш нукталаридаги кичик фарқларнинг аҳамият касб этишига яна бир далил бўлади. Кичик фарқлар вакиллик институтларининг қудрати ва хусусиятларида эди, Американинг кашф қилиниши эса бурилиш нуқтаси бўлди. Уларнинг ўзаро кесишуви Англия ва Испаниянинг бошқа-бошқа институционал йўллардан кетишига сабаб бўлди. Англияда пайдо бўлган нисбатан инклюзив иқтисодий институтлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган иқтисодий жараёни вужудга келтирди. Бу пайтда эса Испанияда саноатлаштириш учун имкон йўқ эди. Дунёнинг кўп жойларида саноат технологиялари тарқалаётган пайтга келиб, Испания иқтисоди шунчалик пасайиб кетган эдики, монархия ва заминдор элита учун саноатлашишга халал беришга ҳожат ҳам қолмаганди.

САНОАТДАН ҚЎРҚИШ

Англияда 1688 йилдан кейин сиёсий институтлар ва сиёсий ҳокимиятда юз берганга ўхшаш ўзгаришларсиз авторитар мамлакатларда саноат инқилоби инновациялари ва янги технологияларидан фойда кўришга имконият деярли йўқ эди. Масалан, Испанияда мулк ҳуқуқлари кафолатланмагани ва кенг кўламли иқтисодий пасайиш шуни кўрсатадики, одамларда керакли инвестиция ва қурбонликлар учун шунчаки рағбат бўлмаган. Россия ва Австрия-Венгрияда эса саноатлаштиришга фақат элитанинг бепарволиги, укувсиз бошқаруви ва тўхтовсиз иқтисодий таназзул халал берган эмас. Балки ҳукмдорлар янги технологияларни жорий қилиш илинжидаги ҳар қандай уриниш ва инфратузилма учун сармоя киритишга фаол қаршилиқ қилган. Ваҳоланки, темир йўл каби инфратузилма бу технологияларнинг тарқалиши учун кўприк вазифасини бажариши мумкин эди.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги, яъни саноат инқилоби юз бераётган пайтдаги Европанинг сиёсий харитаси ҳозиргидан анча фарқ қилади. 400 дан ортиқ сиёсий бирликдан ташкил топган Муқаддас Рим

империяси Марказий Европанинг салмоқли қисмини эгаллаганди. Бу давлатларнинг кўпчилиги кейинчалик Германияга бирлашди. Габсбурглар сулоласи ҳам ҳамон асосий сиёсий куч бўлиб, бу сулола бошқарувидаги Габсбурглар давлати ёки Австрия-Венгрия империяси номи билан машҳур давлат тахминан 250 минг квадрат милли улкан майдонни эгалларди. Бу пайтга келиб, Испания империя таркибига кирмас, испан тахти 1700 йилда бурбонлар сулоласи қўлига ўтганди. Аҳолиси сони жиҳатдан Габсбурглар давлати Европадаги учинчи энг йирик мамлакат бўлиб, империя аҳолиси Европа аҳолисининг еттидан бирини ташкил қиларди. XVIII аср охирида Габсбурглар давлати таркибига ғарбда Австрия Нидерландияси – бугунги Бельгия кирарди. Империянинг энг катта қисми шимолда Австрия ва Венгрия ҳамда уларга қўшни Чехия ҳамда Словакия худудларини, жанубда эса Словения, Хорватия, Италиянинг катта қисми ва Сербияни ўз ичига оларди. Шарқда эса империя бугунги Руминия ва Польшанинг салмоқли қисмига ҳам эгалик қиларди.

Габсбурглар давлатида савдогарларнинг роли Англия билан такқослаганда анча аҳамиятсиз бўлиб, Шарқий Европа ерларида крепостнойлик тартиби ҳамон мавжуд эди. 4-бобда кўрганамиздек, Шарқий Европа феодализмнинг иккинчи даврида Польша асосий ўрин тутарди. Стюартлардан фарқли ўлароқ, габсбурглар сулоласига чекланмаган ҳокимият бошқарувини сақлаб қолишда омад кулиб боқди. 1792–1806 йилларда Муқаддас Рим империясининг сўнгги императори бўлган ва кейинчалик, 1835 йилда вафот этгунга қадар, Австрия-Венгрияни бошқарган Франциск I кучли авторитар ҳукмдор эди. У ўз ҳокимиятига қарши ҳеч қандай чекловни тан олмас, энг асосийси, мавжуд сиёсий қудратини сақлаб қолишни истарди. Ўзгаришларга, унинг ҳар қандай кўринишига қарши туриш императорнинг асосий стратегияси эди. 1821 йилда Лейбницадаги мактаб ўқитувчилари олдида

сўзлаган нуткида Франциск I Габсбург ҳукмдорларига хос мана шу хусусиятни очиқ-ойдин изҳор қилади:

Менга кучли истеъдод соҳиблари эмас, яхши, ҳалол фуқаролар керак. Сизларнинг вазифангиз – ёшларни ана шундай қилиб тарбиялашдир. Менга хизмат қиладиган ҳар қандай киши нимани буюрсам, шуни ўқитиши керак. Агар кимдир шундай қилолмаса ёки янгича зоялар билан келадиган бўлса, унга чиқиши эшиклари очиқ ёки уни ўзим бўшатаман.

Австрия-Венгрия империясида 1740–1780 йилларда ҳукмронлик қилган император аёл Мария Тереза институтларни яхшилаш ёки ўзгартириш бўйича таклифларга кўпинча шундай жавоб берарди: “*Ҳаммаси қандай бўлса, шундай қолсин*”. Шунга қарамай, Мария Тереза ва унинг 1780–1790 йилларда ҳукмронлик қилган ўғли Жозеф II янада қудратли марказлашган давлат ва самарали бошқарув тизимини куриш ҳаракатига бошчилик қилди. Аммо улар буни ўз ҳаракатларига қарши ҳеч қандай чекловлар бўлмаган ва оз сонли плюрализм унсурларига эга бўлган сиёсий муҳитда амалга оширди. Империяда монархни биров бўлса ҳам тийиб туришга қодир миллий парламент йўқ бўлиб, фақат тарихан солиқлар йиғиш ва кўшин тўплаш масалаларида айрим ваколатларга эга бўлган ҳудудий кенгашлар мавжуд эди. Австрия-Венгрия императорларининг ҳокимияти испан монархлариникидан ҳам кучлироқ бўлиб, уларга чеклов йўқ эди. Сиёсий ҳокимият эса жуда тор доирада тўпланганди.

XVIII асрда Габсбургларнинг чекланмаган ҳокимияти кучайгани сари монархдан бошқа сиёсий институтларнинг қудрати сўниб борди. Бир куни император Францискдан Австриянинг Тирол провинцияси вакиллари конституция қабул қилишни сўрганларида, у шундай жавоб беради: “*Демак, сизлар конституция хоҳлаяпсиз!.. Унда қулоқ солинг, менга фарқи йўқ, сизга ўзингиз истаган конституцияни бераман. Лекин билиб қўйингки,*

аскарлар менга бўйсунди. Мабодо менга пул керак бўлиб қолса, икки марта сўраб ўтирмайман... Нима бўлганда ҳам, сизларга ҳар қандай гапни эҳтиёт бўлиб сўзлашни маслаҳат бераман". Бу жавобни эшитган тироликлар шундай дейишади: "Агар сиз шундай ҳисобласангиз, конституция бўлмагани маъкул экан". Императорнинг жавоби эса шундай бўлади: "Мен ҳам шу фикрдаман".

Мария Тереза ўз вазирлари билан маслаҳатлашиш учун фойдаланган Давлат Кенгаши Франциск даврида бекор қилинди. Шу фурсатдан бошлаб монархнинг қарорлари бўйича ҳеч қандай маслаҳатлашув ёки жамоавий муҳокама ўтказилмайдиган бўлди. Франциск полиция давлати қурди ва радикалроқ бўлиб туялган ҳар қандай нарса аёвсиз тақиқланди. Узоқ йиллар унинг ёрдамчиси бўлган граф Ҳартиг императорнинг бошқарув фалсафасини "*монархнинг ҳокимияти узлуксизлигини таъминлаш ва аҳолининг бошқарувда иштирок этиш бўйича ҳар қандай даъволарини рад этиш*"дан иборат, деб таърифлаганди. Буларнинг барчасида унга 1809 йилда ташқи ишлар вазири этиб тайинланган шахзода вон Меттерних кўмаклашди. Меттернихнинг қудрати ва таъсири амалда Францискникидан ҳам узоқ давом этди ва у қарийб 40 йил давомида ташқи ишлар вазири бўлди.

Габсбурглар империясининг иктисодий институтлари марказида феодал тартиблар ва крепостнойлик турарди. Империянинг шарқида эса феодализм янада кучлироқ бўлиб, бу биз 4-бобда танишганимиздек, ғарбдан шарққа силжиган сари юзага келадиган иктисодий институтлар бўйича умумий манзаранинг ифодаси эди. Ишчиларнинг империя худудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши қатъий чекланган, мамлакатдан кўчиб кетиш эса қонунга хилоф эди. Инглиз саховатпешаси Роберт Оуэн Австрия ҳукуматини қашшоқ аҳолининг аҳволини яхшилаш учун бир қатор ижтимоий ислохотлар ўтказишга кўндаришга ҳаракат қилганда, Меттернихнинг ёрдамчиларидан бири Фидрих фон Генц шундай жавоб беради: "*Биз кўп сонли*

оломоннинг ўзига тўқ ва мустақил бўлишини истамай-миз. Йўқса, уларни қандай бошқарамиз?"

Меҳнат бозорининг вужудга келиш йўлларини тўсиб, иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун барча рағбат ва қишлоқ аҳолисининг ташаббусларини йўққа чиқарган крепостнойлик тартибига қўшимча тарзда монополия ва савдо-сотикқа қўйилган бошқа чекловлар туфайли ҳам Габсбурглар ҳокимияти гуллаб-яшнади. Шаҳарлар иқтисодида гильдиялар ҳукмронлик қилар, улар эса ҳар қандай касб билан шуғулланиш йўлида тўғанок бўларди. 1775 йилгача Австриянинг ўзида, 1784 йилгача Венгрияда ички тарифлар сақланиб қолди. Импорт товарлар учун жуда юқори тариф ставкалари мавжуд бўлиб, маҳсулотларни импорт ва экспорт қилиш бўйича муайян чекловлар бор эди.

Эркин бозорларни ва экстрактив иқтисодий институтлар юзага келишини куч билан бостириш, шубҳасиз, мустабидларга хос хусусият эди, лекин Франциск I ўз йўлида олга давом этди. Гап фақат экстрактив иқтисодий институтлар кишиларнинг янгиликлар яратиш ёки янги технологияларни жорий қилиш рағбатини ўлдиришидагина эмасди. 2-бобда Конго қироллигида омовдан фойдаланишни жорий қилишга уриниш муваффақиятсиз бўлганини кўргандик, бунинг сабаби иқтисодий институтларнинг экстрактив хусусияти билан боғлиқ бўлиб, одамларда ҳеч қандай майл йўқ эди. Конго қироли англадики, у одамларни омовдан фойдаланишга мажбур қила олса, ҳосилдорлик юқори бўлади ва қиролга кўпроқ бойлик келтиради. Бу барча ҳукуматлар учун, улар ҳатто авторитар бўлса ҳам, кутилган рағбат эди. Конгода асосий муаммо шунда эдики, одамлар нима ишлаб чиқармасинлар, мустабид ҳукмдор уни тортиб олиши мумкинлигини тушунган эди. Шунинг учун ҳам уларда инвестиция қилиш ёки яхшироқ технологиялар ишлатишга рағбат йўқ эди. Габсбурглар империясида эса император нафақат ўз фуқароларини яхшироқ технологиялардан

фойдаланишга ундамади, аксинча, у бунга қарши чиқди. Император одамлар мавжуд иқтисодий институтлар доирасида бўлса ҳам қўллашга тайёр технологияларнинг тарқалишига монелик қилди.

Инновацияларга қарши кураш икки хил шаклда намоён бўлди. Аввало, Франциск I саноат тараққиётига қарши бўлди. Саноат завод-фабрикаларни олиб келар, улар эса камбағал ишчиларни шахарларга, хусусан, пойтахт Венага жамларди. Бу ишчилар эса мустабид тузумга қаршиларнинг эҳтимолий тарафдорларига айланиши мумкин эди. Императорнинг сиёсати анъанавий элитанинг мавқеини ўз ўрнида сақлаш ҳамда мавжуд сиёсий ва иқтисодий вазиятни тутиб туришга қаратилганди. У мамлакатни асосан аграр шаклда сақлаб қолишни истади. Буни амалга оширишнинг энг зўр йўли эса Франциск I фикрича, биринчи навбатда ишлаб чиқариш корхоналарини қуришга йўл қўймаслик эди. Император шундай қилди ҳам – 1802 йилда Венада янги заводлар очишни тақиқлади. Саноатлаштиришнинг асоси бўлган янги қурилмаларни олиб келиш ва жорий қилишни рағбатлантириш ўрнига 1811 йилгача у бундай фаолиятни тақиқлаб қўйди.

Иккинчиси, император саноат инқилоби билан пайдо бўлган энг асосий янгича технологиялардан бири – темир йўл қурилишига қаршилиқ қилди. Шимолий темир йўл қурилиши лойиҳаси тақдим қилинганда, Франциск I шундай жавоб берганди: “Йўқ, йўқ! Мен буни амалга оширмайман, бир ками менинг давлатимга инқилоб кириб келиши қолувди...”

Ҳукумат буғда ҳаракатланадиган локомотив учун темир йўлга рухсат бермаган экан, империядаги биринчи қурилган темир йўлда отга қўшилган вагонлардан фойдаланишга мажбур бўлдилар. Дунай бўйидаги Линц шахрини Богемия вилоятининг Влтава дарёси бўйидаги Будвейс шахри билан боғлайдиган темир йўл нишабликлар ва кескин бурилишлар билан қурилдики,

кейинчалик уни паровозларга мослаштириш имконсиз эди. Шу тарзда 1860-йилларга қадар отлар кучидан фойдаланишда давом этилади. Империяда темир йўл тараққиётининг иқтисодий салоҳиятини даставвал қудратли банкирлар оиласининг Венадаги вакили Соломон Ротшильд англади. Унинг Англияда истиқомат қиладиган укаси Натанга Жорж Стефенсоннинг “Ракета” двигатели, бўлажак паровоз лойиҳаси маъқул бўлади. У Соломон билан боғланиб, акасини Австрияда темир йўлни ривожлантириш имкониятларини излашга ундайди. Натан темир йўлни молиялаш орқали Ротшильдлар оиласи катта даромад қилиши мумкинлигига ишонганди. Соломон рози бўлади, аммо император Франциск яна рад этгани туфайли режа амалга ошмайди.

Саноат ва паровозларга қаршилиги замирида Францискнинг замонавий иқтисод раванқига ҳамроҳ бўлган бунёдкор бузғунчиликдан кўркуви ётарди. Унинг асосий мақсади империядаги экстрактив институтлар барқарорлигини таъминлаш ҳамда уни қўллаб-қувватлайдиган анъанавий элитанинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эди. Ишчиларни қишлоқдан шаҳарларга жалб қилиш орқали феодал тартибларни сусайтирадиган саноатлаштиришдан элитага келадиган фойда нафақат кам эди, балки Франциск I катта иқтисодий ўзгаришлар унинг сиёсий қудратига хавф солишидан чўчирди ҳам. Оқибатда у саноат ва иқтисодий тараққиётнинг йўлини тўсди ва империя иқтисодий қоқоқлик асоратида қолди. Бу қоқоқликни кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Мисол учун, 1883 йилда дунёдаги жами ишлаб чиқарилган темирнинг 90 фоизи кўмир ёрдамида олинган бўлса, Габсбурглар империясидаги темирнинг ярмидан кўпи анчагина самарасиз бўлган писта кўмирдан фойдаланиб ишлаб чиқариларди. Худди шундай, империя қулаган Биринчи жаҳон уруши охирига келиб, тўқимачилик саноати тўлиқ механизациялашмаган, ҳамон қўл меҳнати асосланган эди.

Саноатдан кўрқиб масаласида Австрия-Венгрия

империяси ёлғиз эмасди. Ушбу бобда аввалроқ кўрганимиздек, шарқроқда Россия империяси ҳам Пётр I томонидан жорий қилинган худди шундай мустабид сиёсий институтларга эга эди. Австрия-Венгрия сингари Россиянинг иқтисодий институтлари ҳам ҳаддан зиёд экстрактив бўлиб, крепостнойликка асосланар, аҳолининг камида ярми муайян ерга бириктирилганди. Қарам деҳқонлар ҳафтасига уч кун ўз хўжайинларининг ерида текинга ишлаб беришига тўғри келарди. Улар бириктирилган худуддан бошқасига кўча олмас, касб эркинлигидан маҳрум ва хўжайиннинг хоҳишига кўра бошқа заминдорга сотиб юборилиши мумкин эди. Замонавий анархизмнинг асосчиларидан бири, радикал файласуф Пётр Кропоткин бизга Россияда 1825–1855 йилларда ҳукмронлик қилган подшо Николай I давридаги крепостнойликнинг ёрқин тасвирини ёзиб қолдирган. У ўз болалиги ҳақида шундай ҳикояни эслайди:

Ўз оилалари ва қишлоқларидан юлқиб олинган эркак ва аёллар сотиб юборилгани; қиморда бой берилгани, бир жуфт овчи итга айирбошлангани ва Россиянинг чекка ўлкаларига кўчириб юборилгани; болалар ота-оналаридан ажратиб олиниб, золим ва бузуқ помешчикларга сотилиши; отхонада ҳар кун юз берадиган мисли кўрилмаган шафқатсизлик; зулмдан қутулиш учун ўзини чўктирган қиз; хожасининг хизматида сочи оқарган чол охир-оқибат хўжайинининг деразаси тагида ўзини осиб кўйгани; Николай II нинг генераллари ҳар ўн ёки ҳар беш кишидан бирини ўлгунча калтаклаши ва қишлоқни яксон қилиш орқали бостирилган деҳқонлар кўзголони... Айрим қишлоқларга, айниқса, император оиласига қарашли қишлоқларга саёҳатларим давомида гувоҳ бўлган қашшоқликка келадиган бўлсак, у ердаги муҳтожликни кўрмаган ўқувчига уни тасвирлаш учун сўз ожизлик қилади.

Худди Австрия-Венгрияда бўлгани каби мустабид

ҳокимият фақат жамият равнакига ғов бўладиган иқтисодий институтлар ўрнатибгина қолмади. Бу ерда ҳам бунёдкор бузғунчиликдан, саноатдан ва темир йўллардан кўрқув бор эди. Николай I замонида, 1823–1844 йилларда молия вазири вазифасида ишлаган граф Егор Канкрин жамиятдаги иқтисодий юксалиш учун зарур бўлган ўзгаришларга қарши курашда муҳим роль ўйнади.

Канкриннинг сиёсати мустабид тузумнинг анъанавий сиёсий устунларини, хусусан, заминдор зодагонларни кучайтиришга ва мамлакатни аграр жамият шаклида сақлаб қолишга қаратилганди. Молия вазири бўлиши биланоқ Канкрин ўзидан олдинги молия вазири Гурьевнинг саноатни молиялаш учун Давлат тижорат банкани ташкил қилиш тўғрисидаги таклифига қарши чиқади. Унинг ўрнига Канкрин Наполеон босқини даврида ёпилган Давлат қарз банкани қайта ташкил қилади. Бу банк аслида Канкриннинг сиёсатига мувофиқ тарзда – йирик заминдорларга имтиёзли фоизларда қарз бериш учун ташкил қилинганди. Қарз олиш учун крепостной деҳқонлар гаров сифатида қўйилиши шарт қилингани сабабли фақат феодал ер эгаларигина бундай кредитлардан фойдаланиши мумкин эди. Давлат қарз банкани молиялаш учун Канкрин Тижорат банкидаги маблағларни унга йўналтириб, бир ўқ билан икки куённи урди: саноат учун жуда кам маблағ қолдирилди.

Канкриннинг ҳам, шунингдек, Николай II нинг ҳам қарашлари иқтисодий ўзгаришлар сиёсий ўзгаришларни ҳам келтириб чиқаришидан кўрқув билан шаклланганди. 1825 йил декабрида тахтга ўтирган Николай I декабристлар номини олган, кескин ижтимоий ўзгаришлар ташаббуси билан чиққан ҳарбий зобитларнинг уни тўнтаришга уриниши туфайли ҳокимиятдан айрилишига бир баҳя қолади. Император буюк князь Михаилга ёзган хатида шундай деганди: *“Инқилоб Россия остонасида турибди. Аммо қасамёд қилиб айтаманки, токи танамда жоним бор экан, у Россияга кира олмайди”*.

Николай замонавий иқтисоднинг қурилиши билан келиши мумкин бўлган иқтисодий ўзгаришлардан чўчирди. У Москвадаги саноат кўрғазмасида ишлаб чиқарувчилар билан учрашувда сўзлаган нутқида шундай деганди:

Давлат ҳам, ишлаб чиқарувчилар ҳам бир масалага эътибор қаратишлари лозим, усиз айнан фабрикалар фойда эмас, кулфатга дучор бўлади. Бу – йилдан-йилга кўпайиб бораётган ишчиларни назорат қилиши. Уларнинг ахлоқи устидан фаол ва оталарча назорат бўлиши талаб қилинади. Бусиз ишчилар оммаси бора-бора бузилади ва охир-оқибат ўз хўжайинлари учун хавfli бўлган ёқимсиз синфга айланади.

Худди Франциск II га ўхшаб подшо Николай ҳам замонавий саноатлашган иқтисод туфайли юзага келадиган бунёдкор бузғунчилик Россиядаги сиёсий вазиятни издан чиқаришидан қўрққанди. Императордан руҳланган Канкрин саноат салоҳиятини пасайтириш учун ўзига хос чоралар кўра бошлади. У илгари вақти-вақти билан ўтказилган, янги технологияларни намоиш қилиш ва уларни жорий қилишни осонлаштиришга қаратилган бир қатор саноат кўрғазмаларини тақиклади.

1848 йилда Европа бир қанча инқилобий ҳаракатлар билан ларзага келади. Шундай вазиятда Москва генерал-губернатори, жамоат тартибини сақлашга масъул Арсений Закревский подшога шундай мазмунда мактуб йўллади:

“Хукумат ҳозирги пайтда фақат Россияда ҳукм сураётган осойишталик ва тараққиётни сақлаш мақсадида ҳар қандай ҳаракатга осонгина қўшилиб кетиб, жамоат ва шахсий осойишталикни бузадиган уйсизлар ва бебошларнинг тўпланишига йўл қўймаслиги керак”.

Унинг маслаҳати подшо вазирларига тақдим қилинди, сўнг 1849 йилда Москванинг муайян қисмида очилиши мумкин бўлган фабрикалар сонига жиддий чекловлар

қўйилган қонун қабул қилинади. Бу қонун асосан янги пахта ва жундан ип йигириш фабрикаларини ҳамда темир қуйиш цехларини очишни тақиклади. Бошқа саноат соҳалари, жумладан, газлама тўқиш ва уларни бўйаш билан шуғулланувчи янги фабрикалар ташкил қилиш учун генерал-губернатордан рухсат олиш керак эди. Охир-оқибат пахтадан ип йигириш саноати очиқчасига тақикланди. Қонундан мақсад шаҳарда эҳтимолий инкилобий ишчилар тўпланишининг олдини олиш эди.

Худди Австрия-Венгрияда бўлгани сингари Россияда ҳам темир йўлларга қарши кураш саноатга қаршилик ҳаракати билан бирга юз берди. Масалан, 1842 йилгача Россияда фақат битта темир йўл линияси мавжуд бўлган. У ҳам бўлса “Царское Село” (“Царскосельская”) линияси бўлиб, пойтахт Санкт-Петербургдан “Царское Село” ва Павловскдаги подшо қароргоҳларига олиб борувчи 17 мил (27 км) узунликдаги темир йўл изи эди. Саноатга қарши бўлгани сингари Канкрин темир йўлларни қуриш учун ҳам ҳеч бир сабаб кўрмади. Унинг фикрича, темир йўл хавфли ижтимоий фаолликни келтириб чиқарарди:

“Темир йўллар доим ҳам табиий зарурат натижаси эмас, балки сунъий эҳтиёж ва дабдаба объектидир. У бир жойдан иккинчи жойга кераксиз саёҳатларга ундайди, бу эса давримиз учун хос хусусиятга айланди”.

Канкрин темир йўл қурилиши бўйича кўплаб таклифларни рад этади. Фақат 1851 йилга келибгина Москва ва Санкт-Петербургни боғлайдиган линия қурилди. Канкриннинг сиёсатини Транспорт ва жамоат иншоотлари бўйича асосий бошқарма раҳбари бўлган граф Клейнмихел давом эттирди. Мазкур муассаса темир йўл қурилиши бўйича асосий орган ҳисобланиб, Клейнмихел ўз мансабидан темир йўл қурилишидан сармоядорларнинг кўнглини совитиш йўлида фойдаланди. 1849 йилдан бошлаб эса Клейнмихел ўз ваколатидан ҳатто газеталарда темир йўл тараққиётини муҳокама қилишни тақиклаш йўлида ҳам фойдаланди.



13-харита. 1870 йилда Европада темир йўлларнинг тарқалиши.

Бунинг натижасини 13-харита ҳам акс эттириб турибди. 1870 йилда Англия ва Шимоли-Ғарбий Европанинг аксарият мамлакатларини темир йўл излари ўргимчак туридек чирмаб олгани ҳолда Россиянинг бепоён ҳудудларида жуда кам излар ётқизилган эди. Темир йўлга қарши сиёсат фақат 1853–1856 йиллардаги Крим урушида Россиянинг Британия, Франция ва Усмонли қўшинларидан қакшатқич мағлубиятидан сўнг ўзгарди.

Ушанда транспорт тармогининг қолоклиги Россиянинг хавфсизлиги учун жиддий таҳдид бўлгани англаб етилди.

Австрия-Венгрияда ҳам гарчи 1848 йилги инқилоб ўзгаришлар олиб келган ва крепостнойлик бекор қилинган бўлса-да, темир йўл Австриядан ташқари ҳудудларда ва империянинг ғарбий қисмларида ривожланмай қолганди.



Деворнинг шимол тарафи, Ногалес, Аризона (АҚШ).
<http://West/imagebroker.net/Photolibrary>



Деворнинг жануб тарафи, Ногалес, Сонора (Мексика).
<http://West/age fotostock/Photolibrary>



T. A. EDISON.
Electric-Lamp.

No. 223,898.

Patented Jan. 27, 1880.



*Witness
Charles A. Smith
John P. ...*

*Inventor
Thomas A. Edison*

+ Samuel H. ...

att'y


Тенг имкониятлар натижаси: Томас Эдисоннинг чўғланма лампа учун
1880 йилги патенти.

Патентлар ва товар белгиларини қайд этиш идораси, 241-қайд
дафтари, Миллий архив.



Сомалида сиёсий марказлашув йўқлигининг оқибатлари.
Reuters/Моҳамед Гулед/Ландов.





Бунёдкор бузғунчиликдан иқтисодий жиҳатдан ютқазганлар: XIX аср бошларида Британия дастгоҳларни вайрон қилаётган луддитлар.
Мэри Еванс галереяси / Том Морган



Конгодаги экстрактив институтлардан манфаатдор кишилар.



Конго хукмдори: Қирол Леополд II
Гренжер коллекцияси, Нью-Йорк.





Жозеф-Дезире Мобуту
Richard Melloul/Sygma/CORBIS



Лоран Кабила
© Reuters/CORBIS





Шонли инқилоб: Уильям III га Англия тожи таклиф қилинишидан олдин парламентада “Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл” ўқиб эшиттирилмоқда.

Melville Ward/The Bridgeman Art Library/Getty Images



XIV асрда тарқалган бубон ўлати бурилиш нуқтасини юзага келтириши Катта Питер Брейгель мўйқаламига мансуб “Ажалнинг ғалабаси” асари. Гренжер коллекцияси, Нью-Йорк.



Институционал инновациядан манфаатдор Куба қироли.
Eliot Elisofon/Time & Life Pictures/Getty.





Деҳқончилик пайдо бўлишдан олдинги даврда табақаланиш ва тенгсизлик: Натуфия элитасининг қабридаги ашёлар.



Экстрактив шароитдаги ўсиш: Совет гулаги ишчилари Болтиқ-Оқ денгиз канали қурилишида.

Совфото архивдан.



Британия тараққиётдан орқада қолмоқда: Виндоландадаги Рим империяси харобалари.

Vindolanda Trust and Adam Stanford




Инновация ва инклюзив иқтисодий ўсишнинг асоси: Жеймс Уаттнинг буғ машинаси.

Гренжер коллекцияси, Нью-Йорк.





Ташкилий ўзгаришлар, инклюзив институтларнинг маҳсули:
Кромфорддаги Ричард Аркрайт фабрикаси.
Гренжер коллекцияси, Нью-Йорк.



Барқарор бўлмаган экстрактив ривожланиш меваси: Чжен Хе ва
Колумбнинг кемалари ёнма-ён қўйилгандаги кўриниши.
Грегори А. Ҳарлин / Миллий география тўплами



Жанубий Африкадаги икки хил иқтисодий манзаранинг юқоридан қўриниши: Транскейдаги қоқоқлик ва Наталдаги фаровонлик.

Roger de la Harpe/Africa Imagery



Саноат инқилобининг оқибатлари: Бастилиянинг ишғол қилиниши.

Bastille Bridgeman-Giraudon/Art Resource, NY.





Инклюзив институтлар олдидаги муаммолар: Standard Oil Company
*Конгресс кутубхонасининг Нашрлар ва суратлар бўлими,
Вашингтон.*



Вайронкор бузғунчилик: Сьерра-Леонедаги Бо шахрига олиб борувчи
йўлда қаровсиз қолган Ҳастингс темир йўл вокзали.

© Matt Stephenson: www.itsayshere.org



Қобикни ёриб чиқиш: Цвана сардорлари Лондон йўлида.
Уиллоуби олган сурат, Ботсвана миллий архив ва қайдлар хизмати.





Яна қобикни ёриб чиқиш: Роза Парк АҚШ жанубидаги экстрактив институтларга қарши.
Гренжер коллекцияси, Нью-Йорк.



Экстрактив институтлар комидаги авлод: Хитойдаги маданий инқилоб
“бузилган зиёлилар”га қарши.
*Венг Рулан, 1967, ИСХ тўплами, Халқаро ижтимоий тарих
институтути (Амстердам).*

СУЗИШ ТАҚИҚЛАНАДИ

Абсолютизм нафақат Европанинг кўп мамлакатларида, балки Осиёда ҳам ҳукм суриб, у ерда ҳам саноат инқилоби юзага келтирган бурилиш нуқтасида саноатлашиш йўлига ғов бўлди. Мин ва Цин сулолалари даврида Хитой ҳамда Усмонли давлатидаги авторитар тартиблар бунга яққол мисол бўлади. 960–1279 йиллардаги Сун сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитой технологик янгиликлар борасида дунёда илғор мамлакат эди. Хитойликлар соат, компас, порох, қоғоз ва қоғоз пулни, чинни ҳамда чўян олиш учун домна печини европаликлардан аввал ихтиро қилди. Улар йигирув чархи ва чархпалакни ҳам Евросиёнинг бошқа мамлакатлари билан қарийб бир пайтда улардан мустақил тарзда ўйлаб топдилар. Натижада XVI аср бошларида Хитойда аҳолининг турмуш даражаси камида Европадаги кўрсаткичдан қолишмаган. Хитой асрлар давомида марказлашган давлатга эга бўлган ва давлат хизмати меритократияга асосланганди.

Бироқ Хитойдаги тузум абсолютист бўлиб, Сун сулоласи давридаги иқтисодий ўсиш экстрактив институтлар шароитида юз берди. Мамлакатда монархиядан бўлак гуруҳлар учун парламент ёки кортесга ўхшаш сиёсий вакиллик институти мавжуд эмасди. Хитойда савдогарларнинг ўрни жуда омонат бўлиб, Сун сулоласи давридаги буюк ихтиролар бозорга хос рағбатлар туфайли эмас, ҳукуматнинг қўллови ёки топшириғи билан вужудга келди. Улардан фақат айримларигина тижорий мақсадга хизмат қилди. Сун сулоласидан кейин ҳокимиятни бошқарган Мин ва Цин сулолалари даврида давлат бошқаруви янада қаттиқлашди. Буларнинг барчаси замирида экстрактив институтларга хос одатий мантиқ ётади. Экстрактив институтларни бошқарган кўплаб ҳукмдорлар сингари Хитойнинг авторитар императорлари ҳам ўзгаришларга қарши бўлди, барқарорлик сақланиши-



ни истадилар ва энг асосийси, “бунёдкор бузгунчилик”дан кўрқдилар.

Буни Хитойнинг халқаро савдоси тарихи мисолида яққол кўриш мумкин. Аввал гувоҳ бўлганимиздек, Американинг кашф қилиниши ва халқаро савдонинг йўлга қўйилиш шакли Европада янги давр бошларида сиёсий ихтилофлар ва институционал ўзгаришларда муҳим роль ўйнаганди. Хитойда хусусий савдогарлар асосан мамлакат ичида олди-сотди билан машғул бўлгани ҳолда халқаро савдо давлат назоратида эди. 1368 йилда ҳокимият Мин сулоласи қўлига ўтиб, бу сулоланинг асосчиси, император Хонгву мамлакатни 30 йил идора қилади. Халқаро савдо-сотик туфайли сиёсий ва ижтимоий беқарорлик келиб чиқишидан хавотирга тушган император халқаро савдо билан шуғулланишга савдо миссияси ҳукумат томонидан ташкил қилинса ва ўлпон олиб келиш учун бўлсагина рухсат беради. Тижорий мақсадда савдо қилиш эса тақиқланади. Ҳатто император Хонгву ўлпон келтириш ишини тижорий бизнесга айлантиришда айбланган юзлаб кишиларни қатл эттиради. 1377–1397 йилларда эса денгиз орқали ўлпон келтириш билан шуғулланиш ҳам тақиқланади. Император савдогарларга ажнабийлар билан олди-сотди қилишни тақиқлади ҳамда хитойликларнинг бошқа мамлакатларга сузиб бориши ман қилинди.

1402 йилда тахтга ўтирган император Юнлэ давлат шафелигида кенг кўламли халқаро савдо-сотик ишларини қайта тиклаш орқали Хитой тарихидаги энг муҳим даврлардан бирини бошлаб беради. Император Юнлэ адмирал Чжен Ҳенинг Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиё, Арабистон ва Африкага уюштирган олтига йirik экспедицияларига ҳомийлик қилади. Хитойликлар бу ўлкалардан кўп йиллик савдо алоқалари туфайли хабардор бўлган эсалар-да, илгари бунчалик кенг миқёсли экспедиция амалга оширилмаганди. Илк дафъа жўнатилган флотда 27800 киши бўлиб, у 62 та улкан “ҳазина

кемалар” ҳамда 190 та кичикроқ кемадан иборат бўлган. Кемалар ичимлик суви ва бошқа таъминот юклари билан ҳамда аскарлар учун алоҳида жиҳозланганди. Аммо олтинчи экспедициядан сўнг, 1422 йилда император хорижий миссияларни тўхтатиб қўяди. Унинг вориси, 1424-1425 йилларда ҳукмронлик қилган Хунси эса экспедицияларга бутунлай чек қўйди. Хунсининг бевақт ўлими ортидан тахтга ўтирган император Сюандэ дастлаб 1433 йилда Чжен Ҳега сўнгги экспедицияга изн беради. Лекин кейин барча халқаро савдо алоқаларига тақиқ қўйилади. 1436 йилга келиб эса ҳатто денгизга чиқадиган кемалар қуриш ҳам қонунга хилоф ишга айланди. Халқаро савдо-сотикқа қўйилган тақиқ 1567 йилгача амалда бўлди.

Бу ҳодисалар иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун тўсиқ бўлган экстрактив айсбергнинг фақат учи бўлиб, потенциал беқарорликка олиб келади, деб ҳисобланган бўлса-да, улар Хитойнинг иқтисодий тараққиётида жиддий асоратлар қолдирди. Халқаро савдо ва Американинг кашф этилиши Англиядаги институтларни тубдан ўзгартираётган бир пайтда, Хитой ўзини бу бурилиш нуқтасидан ихоталаб, ўз қобилигига ўралиб борди. Бу ихоталаниш 1567 йилда ҳам барҳам топмади. 1644 йилда Мин сулоласи манжурлар томонидан қулатилиб, Цин сулоласига асос солинди. Шундан сўнг сиёсий тарқоқлик даври бошланади. Цин сулоласи ҳукмдорлари мол-мулкларни оммавий талон-тарож қилиш билан шуғулланди. 1690-йилларда давлат хизматидан бўшатишган кекса файласуф ва муваффақият қозонолмаган савдогар Тан Чжен шундай ёзган эди:

Цин сулоласи ташкил топгандан бери 50 йилдан кўнроқ вақт ўтди, салтанат эса кундан-кунга қашшоқлашиб бормоқда. Деҳқонлар, хунармандлар, савдогарлар ва давлат мулозимлари – барчалари мискиндилар. Гуруч арзон, аммо қоринни тўйдириши машаққат. Кийим-кечак арзон, аммо танани ётиб турадиган даражада кийиниш мушкул. Молларга тўла қайиқлар

бир бозордан иккинчисига қатнайди, бироқ уларни зарарига сотишга тўғри келади. Ўз мансабини тарк этаётган мулозимда оиласини боқиб учун етарли маблағ бўлмайди. Чиндан ҳам, тўрт тоифанинг ҳаммаси хонавайрон қилинган.

1661 йилда император Канси Вьетнамдан Чжецзянгача бўлган ҳудудда (бу тўлалигича Хитойнинг жанубий соҳилларини англантиб, ўша пайтда ҳудуд аҳолиси савдо-сотик бўйича Хитойдаги энг фаол қатлам эди) соҳилбўйида яшаган барча аҳолини 17 мил ичкарироққа кўчиришга фармон берди. Фармон ижросини таъминлаш учун соҳилни аскарлар назорат қилди ва 1693 йилга қадар соҳил бўйлаб кемалар қатновига тақиқ қўйилди. Мазкур тақиқ XVIII асрда ҳам вақти-вақти билан қайта тикланиб турди ва Хитойни халқаро савдодан тўсишда самарали бўлди. Император дабдурустдан ўз фикрини ўзгартириб, савдо-сотикни тақиқлаши мумкинлиги, кемалар, жиҳозларга тикилган сармоялар ва савдо ришталарини чиппақка чиқариши хавфи туфайли кам сонли кишиларгина сармоя тикишга истак билдирар ва жуда камчилик буни амалга оширарди.

Мин ва Цин сулолаларининг халқаро савдо-сотикқа қарши курашиши моҳияти аён: бу бунёдкор бузғунчиликдан қўрқиш эди. Ҳукмдорларнинг устувор мақсадлари сиёсий барқарорликни сақлаб туриш бўлган. Худди Англиядаги каби савдогарлар Атлантикада савдо юксалиши даврида бойлик орттириб, кучайиб кетгани сингари Хитой учун ҳам халқаро савдо потенциал таҳдид эди. Бу нафақат Мин ва Цин сулолалари ҳукмдорларининг қараши эди, балки Сун сулоласи вакиллари ҳам шундай ўйларди. Гарчи улар технологик инновацияларга ҳомийлик қилиш ва савдода кўпроқ эркинлик беришни ихтиёр қилган бўлсалар-да, барчасини ўзлари назорат қилди. Мин ва Цин сулолалари даврида иқтисодий фаолият устидан давлатнинг

назорати кучайиши ва халқаро савдо-сотикнинг тақиқланиши билан вазият ёмонлашди. Шубҳасиз, Мин ва Цин сулоалари даврида Хитойда бозорлар ва савдо-сотик мавжуд бўлган ва ҳукумат маҳаллий иқтисодиётдан ундирган солиқлар анча енгил эди. Бироқ инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун деярли ҳеч нарса қилинмади, савдо-сотикни раванқ топтириш ва саноат юксалишидан сиёсий барқарорлик эвазига воз кечилди. Иқтисодиёт устидан мутлақ бошқарувнинг оқибати эса маълум эди: бутун XIX аср давомида ва XX аср бошларида дунёнинг бошқа мамлакатлари саноатлашаётган бир пайтда Хитой иқтисодиёти турғунлик касб этди. Мао Цзэдун коммунистик тузум ўрнатган 1949 йилга келиб, Хитой дунёдаги энг кашшоқ мамлакатлардан бири эди.

ПРЕСВИТЕР ЖОННИНГ МУСТАБИД БОШҚАРУВИ

Абсолютизм сиёсий институтлар тўплами сифатида ҳамда ундан келиб чиқадиган иқтисодий оқибатлар фақат Европа ва Осиё билангина чекланиб қолмади. 2-бобда кўриб ўтганимиздек, у Африкада, жумладан, Конго киролигида амалда эди. Африкада авторитаризмнинг янада ёрқин намунаси – Эфиопия ёки Ҳабашистон бўлиб, унинг илдизлари билан Аксумнинг қулаши ва феодализмнинг пайдо бўлишини ўрганиш асносида 6-бобда танишгандик. Ҳабашистондаги абсолютизм Европа давлатлариникига қараганда анча узоқ умр кўрди, чунки Ҳабашистон бутунлай бошқача муаммолар ва бурилиш нуқталарига дуч келди.

Аксум кироли Эзана насронийликни қабул қилганидан сўнг эфиопияликлар ҳам насроний бўлиб қолди ва XIV асрга қадар улар кирол Пресвитер¹ Жон ҳақидаги миф марказида бўлди. Пресвитер Жон Яқин Шарқда исломнинг юксалиши билан Европадан узилиб қолган насроний кирол эди. Дастлаб унинг киролиги Ҳиндистон-

¹ Пресвитер (юнонча “πρεσβύτερος” – оксокол) – маҳаллий насроний жамияти раҳбари.

да бўлган, деб ўйлаганлар. Бирок Европанинг Ҳиндистон ҳақидаги билимлари ошгани сайин, одамлар бу қараш нотўғрилигини тушунди. Эфиопия қироли насроний бўлгани сабабли афсонанинг табиий нишонига айланди. Аслида Эфиопия қироллари камида 1300-йиллардан кейин Европага элчилар юбориб, арабларга қарши Европа қироллари билан иттифоқ тузишга ҳаракат қиладилар ва ҳатто Португалия қиролини аскар юборишга кўндирадилар ҳам.

Бу аскарлар, дипломатлар, иезуитлар² ва Пресвитер Жон билан учрашишни истаган саёҳатчилар билан бирга Эфиопия ҳақида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Бундай ёзма манбалар ичида иқтисодий нуқтаи назардан энг қизиқарлиларидан бири Португалия дипломатик миссиясига ҳамроҳлик қилиб, 1520–1527 йилларда Эфиопияда яшаган руҳоний Франсишку Алварешга тегишли. Бундан ташқари, ихтиёримизда 1624 йилдан бошлаб Эфиопияда яшаган иезуит Мануэл де Алмейда ҳамда 1768–1773 йилларда мамлакатда бўлган саёҳатчи Жон Брюс ёзиб қолдирган маълумотлар мавжуд. Бу одамларнинг асарлари ўша пайтда Эфиопияда мавжуд бўлган сиёсий ва иқтисодий институтлар ҳақида атрофлича маълумот беради ва Эфиопия абсолютист тузумнинг мукамал намунаси бўлганига шубҳа қолдирмайди. Эфиопияда афсонавий подшоҳ Сулаймон ва Шеба (Сабо) маликаси наслидан эканлигини рўқач қилиб, ҳукмронликка даъвогар бўлган императорнинг ҳокимиятини тиядиган бирор чеклов, ҳеч қандай плюралистик институт йўқ эди.

Абсолютизмнинг оқибати шу бўлдики, императорнинг сиёсий стратегияси натижасида мулк ҳукуқи бутунлай ҳимоясиз қолди. Жон Брюс куйидагича ёзади:

Барча ер қиролга тегишли. У ерни қайфияти чоғ бўлган пайтда ўзи истаган кишига тортиқ қилади ва ўзи хоҳлаган вақтда уни қайтариб олади. Қирол вафот

² Иезуитлар (лотинча “Societas Iesu” – Исо жамияти) – католик мазхаби монахлик ордени аъзолари.

этиши билан қиролликдаги барча ер тождорнинг ҳукмига ҳавола қилинади. Нафақат шундай, ҳатто ернинг эгаси дунёдан ўтса ҳам, у ерга узоқ вақт эгалик қилганига қарамай, мулк марҳумнинг катта ўғлига мерос бўлмасдан, қиролга қайтарилади.

Алвареснинг таъкидлашича, “Агар заминдорлар халққа ёмон муносабатда бўлмаса, ҳосил ва ерга ишлов бериш анча кўп бўларди”. Аламейданинг жамият тузилиши ҳақидаги маълумотлари эса янада изчил ёритилган. У шундай қайд этади:

Ҳар икки-уч йилда, баъзан эса ҳар йили ва ҳатто йил давомида бир неча марта одамлар қўлидаги ер майдонларининг император томонидан алмаштирилиши, ўзгартирилиши ёки олиб қўйилиши оддий ҳол бўлиб, бу ҳеч кимни ажаблантирмайди. Кўпинча бир киши ерни шудгор қилса, бошқаси уруғ қадайдди, ҳосилни эса учинчи киши ўриб олади. Шунинг учун ўз ери ҳақида қайғурадиган ҳеч ким йўқ. Ҳатто дарахт экишга майл билдирган бирор кимса йўқ, негаки одамлар дарахт эккан киши камдан-кам ҳолларда унинг мевасидан баҳраманд бўлишини билади. Аммо қирол аҳоли унга тўла қарам бўлишидан манфаатдор.

Бу тасвирлар Эфиопиянинг сиёсий ва иқтисодий институтлари билан Европа абсолютизми ўртасидаги асосий ўхшашликларни акс эттирмоқда, айни пайтда улар Эфиопияда авторитаризм янада кучли бўлганини ва иқтисодий институтларнинг янада экстрактив эканлигини ҳам аниқ кўрсатмоқда. Қолаверса, 6-бобда таъкидлаганимиздек, Эфиопия Англиядаги мустабид тузумни заифлаштиришга ёрдам берган асосий бурилиш нуқталарига дуч келмади. Мамлакат замонавий дунёни шакллантирган кўплаб жараёнлардан узилиб қолди. Бундай бўлмаган тақдирда ҳам, яъни бу жараёнлардан четда қолмаган тақдирда, Эфиопиядаги кучли абсолют ҳокимият абсолютизмнинг багтар кучайишига олиб келиши мумкин эди. Масалан, Испанияда бўлгани каби

Эфиопиядаги халқаро савдони, шу жумладан, даромадли кул савдосини монарх назорат қилган. Эфиопияни бутунлай яккаланиб қолган, деб ҳам бўлмасди: европаликлар Пресвитер Жонни топишга уринди, насроний киролик унга қўшни бўлган ислом давлатлари билан уришишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, тарихчи Эдуард Гиббон бирмунча аниқлик билан қайд этишича, *“Барча томондан ўз динининг душманлари қуришовада қолган эфиопияликлар дунёни унутган ва дунё уларни унутган ҳолда қарийб минг йил ухлади”*.

XIX асрда Африкада Европа мустамлакачилиги бошланган кезде, Эфиопия Рас (герцог) Касса бошчилигидаги мустанкил киролик эди, у 1855 йилда император Теодрос II сифатида тахтга ўтирганди. Теодрос давлатни модернизация қилишга киришиб, янада марказлашган давлатчилик ва суд тизимини жорий қилади ҳамда мамлакатни бошқаришга ва эҳтимол, европаликларга қарши курашишга кодир бўлган ҳарбий кўшин тузди. Император барча вилоятларга уларни бошқариш, соликларни йиғиш ва марказий ҳокимиятга етказишга масъул ҳарбий губернаторларни қўяди. Императорнинг Европа давлатлари билан музокаралари қийин кечди ва Теодрос аччиқ устида инглиз консулини ҳибсга олади. Бунга жавобан 1868 йилда инглизлар экспедиция қўшини юборади ва пойтахт ишғол қилинади. Теодрос эса ўз жонига қасд қилади.

Шунга қарамай, Теодроснинг қайта ташкил қилинган ҳукумати итальянлар устидан XIX асрдаги мустамлакачиликка қарши энг буюк галабалардан бирига эришишга муваффақ бўлди. 1889 йилда тахтга Менелик II ўтиради. У тез орада Италиянинг Эфиопияни мустамлака қилиш истаги билан тўқнаш келди. 1885 йилда Германия канцлери Отто фон Бисмарк Берлинда конференция чақирган ва унда Европа давлатлари Африкани турли таъсир доираларига бўлиб олиш бўйича “Африка учун кураш”га тил бириктирган эдилар. Конференцияда Ита-

лия Эфиопия қирғоқларидаги Эритрея ва Сомалини истило қилиш бўйича ҳуқуқни сақлаб қолди. Эфиопия конференцияда иштирок этмаган бўлса-да, ўзининг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бироқ итальянлар ўз режаларида собит туриб, 1896 йилда Эритреядан жанубга томон қўшин жўнатди. Менеликнинг бунга жавобан тутган йўли ўрта аср Европа қироллариники билан бир хил бўлди: у зодагонларнинг қуроли аскарларини йиғиш орқали қўшин тўплади. Бу усул қўшинни узоқ вақт жанг майдонида ушлаб туриш учун тўғри келмаса-да, қисқа муддатда катта қўшинни бир жойга йиғиш учун қулай эди. Бу қисқа муддат итальянларни ер тишлатиш учун етарли бўлди – 1896 йилги Адуа жангида Менеликнинг юз минг кишилик қўшини Италиянинг 15 минг кишидан иборат армиясини тор-мор қилди. Бу мустамлакачиликдан олдинги даврдаги Африка давлатининг Европа давлати устидан қозонган энг жиддий ғалабаси бўлиб, Эфиопиянинг яна 40 йил давомида мустақил бўлиб қолишини таъминлади.

1930 йилда Эфиопиянинг сўнгги императори Рас Тафари Ҳайле Селассие номи билан тахтга ўтирди. 1935 йилда бошланган иккинчи итальян истилоси оқибатида император тахтдан ағдарилади. Ҳайле Селассие 1941 йилда инглизларнинг ёрдами билан қувғиндан қайтади. Император 1974 йилда марксчи армия зобитларининг “Дерг” – “Кўмита” гуруҳи томонидан тўнтариш қилинганга қадар мамлакатни бошқарди. Аммо бу гуруҳ ҳам Эфиопияни қашшоқлаштириш ва вайрон қилишда давом этди. Абсолютист Эфиопия империясининг асосий иқтисодий институтлари, хусусан, гулт ва Аксумнинг қулашидан сўнг юзага келган феодализм эса амалда қолди. Мазкур тартиблар 1974 йилги инқилобдан кейингина бекор қилинди.

Бугун Эфиопия дунёнинг энг қашшоқ мамлакатларидан бири. Эфиопияликларнинг ўртача даромади англияликлар ўртача даромадининг 1/40 қисмига тенг. Аҳоли-

нинг кўпчилиги қишлоқ жойларида яшайди ва оз самарали деҳқончилик билан шуғулланади. Улар тоза ичимлик суви, электр энергияси, таълим олиш ва соғлиқни сақлаш шароитларидан маҳрум. Ўртача умр кўриш ёши 55 ёш бўлиб, катта ёшли аҳолининг учдан бир қисми ўқиш ва ёзишни билади, холос. Англия ва Эфиопия ўртасидаги нисбат дунёдаги тенгсизликнинг ёрқин намунаси ҳисобланади. Эфиопиянинг Англияникидан фарқли бугунги аҳволи замирида Эфиопияда авторитаризм яқин ўтмишгача давом этгани ётади. Мустабид бошқарув экстрактив иқтисодий институтлар ва Эфиопия аҳолиси учун қашшоқлик олиб келди. Императорлар ва зодагонлар эса ундан фойда кўрди. Аммо мустабид тузумнинг энг узоқ давом этган асорати шундаки, Эфиопия XIX аср ва XX аср бошларида саноатлашув имкониятларидан фойдалана олмади.

САМААЛЕ БОЛАЛАРИ

Дунёдаги мустабид сиёсий институтлар саноатлаштиришга икки йўл билан: билвосита – иқтисодий бошқарувни муайян шаклда йўлга қўйиш билан ёки Австрия-Венгрия ва Россиядаги каби бевосита чоралар орқали халақит қилди. Аммо абсолютист тузум инклюзив иқтисодий институтларнинг пайдо бўлиш йўлидаги ягона тўсиқ эмас эди. XIX аср бошларида дунёнинг кўп жойларида, айниқса, Африкада замонавий иқтисодиётга эришиш учун зарур бўлган қонун ва тартибнинг минимал даражасини таъминлашга қодир давлат ҳокимияти йўқ эди. Бу мамлакатларда Англиядаги каби парламентни ва киролик ҳокимиятига қўйилган чекловларни бутунлай йўқ қилмасдан – тўғрироғи, йўқ қилишга қурби етмасдан – давлатни марказлаштирган тюдорлар у ёқда турсин, ҳатто Россиядаги сингари сиёсий марказлаштириш жараёнини бошлаб бериб, русча авторитаризмни шакллантирган Пётр I каби шахслар ҳам йўқ эди. Ҳаттоки Африка давлатлари бошқарув элитаси саноатлаштиришни қучоқ

очиби кутиб олган тақдирда ҳам, сиёсий марказлаштишнинг муайян даражасиз улар кўп нарса қила олмасдилар.

“Африка бурни”да жойлашган Сомали мисолида марказлашган сиёсий ҳокимият йўқ бўлишининг ҳалокатли оқибатларини яққол кўриш мумкин. Тарихан Сомалида олтига қабилага бўлинган оилалар вакиллари ҳукмронлик қилганлар. Бу қабилалардан энг йирик тўрттаси *Дир*, *Даруд*, *Исҳоқ* ва *Ҳавия* бўлиб, уларнинг ҳаммаси ўз насабини афсонавий аждодлари *Самаалета* боғлайди. Бу қабилаларнинг келиб чиқиши Сомалининг шимолига бориб тақалиб, аста-секин жануб ва шарқ томонга тарқалган. Бугунги кунда ҳам улар асосан чорвачилик билан шуғулланиб, ўзларининг эчки, қўй ва туялардан иборат сурувлари билан кўчиб юради. Жанубда эса қолган икки қабила – *Дигил* ва *Раҳанвейн* кўчманчи дехқончилик билан шуғулланади. 12-харитада бу қабилаларнинг ҳудудлари акс этган.

Сомалиликлар аввало қабила сифатида қараб ажратилади, аммо қабилалар жуда катта бўлиб, кўпдан-кўп гуруҳларни ўз ичига олади. Бу гуруҳлардан биринчиси уруғлар бўлиб, уларнинг келиб чиқиши қабилалардан бирортасига бориб тақалади. Уруғлар ичидаги янада аҳамиятли гуруҳ *дия тўловчи* – ҳақдорлар³ (*хундорлар*) бўлиб, у яқин қариндошлардан ташкил топади ва гуруҳ аъзоларидан бирортасининг ўлими учун дия, яъни хун тўлаш ва олиш ҳуқуқига эга бўлади. Деярли бутун тарих давомида Сомалидаги уруғлар ва дия тўловчига ҳақдор гуруҳлар уларнинг ихтиёрида бўлган камёб ресурслар, хусусан, сув манбалари ва уларнинг чорвалари учун унумдор яйловлар устидаги доимий низода яшаган. Улар, шунингдек, қўшни уруғлар ва жамоаларнинг подаларига доимий равишда боскин уюштирган. Гарчи уруғларнинг султонлар ва оқсоқоллар деб номланган раҳбарлари бўлса-да, бу одамларда том маънодаги ҳокимият йўқ эди. Сиёсий ҳокимият бениҳоя тарқоқ бўлиб, сомалилик

³ Дия (арабча – товон, хун) – ислом шариатида ўлдирилган жон эвазига марҳумнинг оила аъзоларига тўланадиган товон пули.

ҳар бир катта ёшли эркак уруғга ёки кичик гуруҳга таъсир қилиши мумкин бўлган қарорлар тўғрисида ўз фикрини билдиришга қодир эди. Бунга барча вояга етган эркаклардан иборат норасмий кенгаш орқали эришилганди. Сомалида ёзма қонунлар, полиция ёки суд тизими каби тушунчалар йўқ бўлиб, норасмий қонунлар ҳам қўшиб юборилган шариат қонунлари асосий манба ҳисобланган. Дияга ҳақдор гуруҳ учун амал қилган ушбу норасмий қонунлар *ҳеер* деб аталиб, бу тизим гуруҳ ўзига муносабатда бошқалардан итоат этишни талаб қилган бурчлар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни аниқлаб берган. Сомалида Британиянинг мустамлакачи ҳукумат бошқаруви ўрнатилиши билан *ҳеер* тартибларини ёзма шаклга келтириш бошланган. Мисол учун, Ҳасан Угааснинг авлодлари бир ярим минг кишидан иборат дия ҳақдорлари гуруҳи бўлиб, Британиянинг Сомалиленд мустамлакасидаги Дир қабиласи уруғига мансуб бўлган. 1950 йил 8 мартда британиялик округ комиссари томонидан гуруҳнинг *ҳеер* тартиблари ёзиб олинган бўлиб, дастлабки учта банд қуйидагича эди:

1. Ҳасан Угаас уруғидан бирор киши бошқа гуруҳ томонидан ўлдирилганда, унинг хунидан 20 та туя марҳумнинг яқин қариндошларига берилади, яна 80 та туя эса уруғнинг қолган аъзолари ўртасида тақсимланади.

2. Агар Ҳасан Угаасдан бир кишига бегона шахс тарафидан шикаст етказилса ҳамда унинг жароҳати товони 33½ та туяга баҳоланган бўлса, 10 та туя унинг ўзига, қолган туялар эса унинг уруғ-аймоқларига берилади.

3. Ҳасан Угаас аъзолари ўртасидаги қотиллик бадалли 33½ та туя миқдориди, фақат марҳумнинг яқин қариндошларига тўланади. Агар жиноятчи хунни қисман ёки тўлиқ тўлашга қодир бўлмаса, унга уруғдошлари ёрдам беради.

Ҳеер тартибида асосий эътибор қотиллик ва жаро-

ҳатларга қаратилганининг ўзи уруғ ва жамоалар ўртасида муттасил уруш ҳолати ҳукм сурганини кўрсатади. Бу низолар марказида эса хун ундириш ёки қонли қасос олиш ётарди. Муайян бир кишига қарши қилинган жиноят бутун дияга ҳақдор гуруҳга қарши жиноят ҳисобланиб, жамоавий товон тўлашни талаб қиларди. Хун тўланмайдиган бўлса, жиноятни содир этган шахснинг дия ҳақдорлари жабрланувчи мансуб бўлган уруғнинг жамоавий қасосига дуч келарди. Замонавий транспорт воситалари Сомалига етиб келганда эса товон ундириш тартиби автоҳалокатда вафот этган ёки жароҳатланган одамларга ҳам татбиқ қилинадиган бўлди. Ҳасан Угааснинг ҳеер тартиблари фақат қотиллик учунгина амал қилмасди, 6-бандга кўра, шундай қоида ўрнатилганди:

Агар Ҳасан Угаасдан бирор киши уруғ мажлисида жамоанинг бошиқа аъзосини ҳақорат қилса, ҳақорат қилинган томонга 150 шиллинг товон тўлаши керак.

1955 йилнинг бошларида Домберелли минтақасида икки уруғ – Ҳабар Тол Жаъло ва Ҳабар Юнуснинг подалари бир-бирига яқин жойда ўтлаётганди. Туяларни боқиш устида келиб чиққан низода Тол Жаъло аъзоси Юнус уруғига мансуб кишига жароҳат етказди. Юнус уруғи дарҳол қасос олди – Тол Жаъло жамоасига ҳужум қилиниб, бир киши ўлдирилади. Суиқасд учун хун тўлаш тартибига биноан, мазкур қотиллик учун Юнус уруғи Тол Жаълога товон таклиф қилади ва таклиф қабул қилинади. Товон пулини одатда туялар шаклида шахсан топшириш лозим эди. Товон пулини топшириш маросимида Тол Жаъло аъзоси Юнус уруғи вакилини қотилнинг дия ҳақдорларидан бири деб ўйлаб ўлдириб қўяди. Бу ҳодиса кенг кўламли урушга олиб келиб, икки кун ичида Юнус уруғидан 13 киши, Тол Жаълодан эса 26 киши ҳалок бўлади. Куролли тўқнашув яна бир йил давом этди ва инглиз мустамлакачилик маъмурияти воситачилигида иккала уруғ оқсоқоллари йигилиб, иккала томонни ҳам қаноатлантирадиган келишув (товон пуллари алма-

шиш)га эришилади ва белгиланган хун тўловларини уч йил давомида тўлашга келишилади.

Товон пуларини тўлаш жараёни қуролли низо ва зиддиятлар таҳдиди соясида юз беради ва ҳатто хун тўланган тақдирда ҳам, бу тўловлар доим можароларга барҳам бера олмайди. Одатда кескинлик дам тўхтаб, кейин яна авж олади.

Шундай қилиб, сиёсий ҳокимият Сомали жамиятида деярли плюралистик шаклда кенг ёйилиб кетган эди. Аммо марказий ҳокимиятнинг мулк ҳукуқи у ёқда турсин, оддий тартибни сақлашга қурби етмагани туфайли бу жараён инклюзив институтлар пайдо бўлишига олиб келмади. Ҳеч бир гуруҳ бошқасининг ҳукуқини ҳурмат қилмас ва гуруҳлардан ҳеч бири, шу жумладан, Британия мустамлака ҳукумати ҳам тартибни таъминлашнинг уддасидан чиқа олмасди. Сиёсий марказлашувнинг йўқлиги Сомалига саноат инкилобидан фойда олишга имкон бермади. Бундай иқлим шароитида янги технологиялар учун инвестиция қилиш ёки Британияда ишлаб чиқарилганларини ўзлаштириш ёхуд буларни амалга ошириш учун зарур бўлган янги тузилмаларни ташкил қилиш ақл бовар қилмайдиган вазифа эди.

Сомалидаги мураккаб сиёсий вазият иктисодий ривожланиш учун билинар-билинмас оқибатларга эга эди. Биз илгари Африка тарихидаги улкан технологик мураккабликларнинг айримларини эсга олгандик. XIX аср охиридаги мустамлакачилик босқини юз беришидан олдин Африка мамлакатлари ғилдиракли транспорт воситалари ва омочдан фойдаланмас, айрим халқларгина ёзувга эга эди. Эфиопияда ёзувдан фойдаланилганини олдин кўриб ўтгандик. Сомалиликларда ҳам ёзув мавжуд бўлса-да, амалда қўлланилмасди. Африка тарихидан бунга оид бир қатор мисолларни кўриб ўтдик. Гарчи африкаликлар ғилдирак ва омочдан фойдаланмаса-да, улар бу технологиялардан хабардор бўлганлар. Конго қиролиги мисолида кўрсак, бунинг асосий сабаби ик-

тисодий институтлар бу технологияларни жорий қилиш учун одамларда рағбат уйғотмаслигида эди. Ёзувдан фойдаланиш борасида ҳам шундай муаммо юзага келган бўлиши мумкинми?

Бунинг мисолини Сомалининг шимоли-ғарбида, Жанубий Суданнинг Нуба тепаликларида жойлашган Тақали қироллигида кўришимиз мумкин. Тақали қироллигига XVIII аср охирида Исмоил исмли киши асос солган бўлиб, у 1884 йилда Британия империясига қўшиб олингунга қадар мустақил давлат бўлган. Тақали ҳукмдорлари ва халқида араб ёзувидан фойдаланиш имконияти бўлишига қарамай, улар ёзувдан фойдаланмаган. Ёзув подшолар томонидан фақат хорижий мамлакатлар билан муносабатларда ва дипломатик ёзишмаларда қўлланилган. Даставвал бу ҳолат ғоят ғалати кўринади. Месопотамияда ёзувнинг юзага келиши сабаблари борасидаги анъанавий қарашга кўра, ёзув маълумотларни қайд этиш, аҳолини назорат қилиш ва солиқ йиғимларини ундириш учун давлат томонидан жорий қилинган. Наҳотки Тақали давлати бунга қизиқиш билдирмаган бўлса?

Бу саволларни тарихчи Жанет Эвалд XX асрнинг 70-йиллари охирларида Тақали давлатининг тарихини қайта тиклаб кўришга уринаётганда ўрганган. Маълум бўлишича, фуқаролар ёзувнинг ресурслар, масалан, улар учун аҳамиятли бўлган ер майдонларини назорат қилиш воситасига айланиши ва ерга эгалик ҳуқуқини давлат олиб қўйишидан кўрқиб, ундан фойдаланишга қарши чиққан. Улар, шунингдек, ёзувнинг янада тартибли солиқ тизимига сабаб бўлишидан чўчиганлар. Исмоил асос солган сулола бошқарувида Тақали қудратли давлатга айлана олмади. Давлат ҳокимиятнинг мустаҳкамланишини истаган тақдирда ҳам, аҳолининг қаршилигини енгиш учун етарлича кучли эмасди. Қолаверса, бу ерда бошқа, нозик жиҳатлар ҳам бор эди. Чунончи, элитанинг турли тоифалари ҳам сиёсий марказлашишга қарши

турди ва аҳоли билан оғзаки мулоқотни ёзма шаклдаги алоқалардан афзал кўрарди. Бу уларга максимал даражада эҳтиёткор бўлиш имконини берарди. Ёзилган қонун ва фармонларни бузиш ёки инкор қилиш иложсиз бўлиб, уларни ўзгартириш ҳам мушкул эди. Қолаверса, қонунлар элита вакиллари амал қилишни истамайдиган тартибларни ўрнатиши ҳам мумкин эди. Шундай қилиб, на оддий халқ, на Тақали ҳукмдорлари ёзувни ўзлари учун фойдали деб билган. Оддий аҳоли ҳукмдорлар ёзувдан ўз манфаати йўлида фойдаланишлари мумкинлигидан чўчиган бўлса, ҳукмдорлар ҳам ёзувдан фойдаланмасликни ўз ҳокимиятларини сақлаб туришга ёрдам беради, деб ҳисоблаган. Тақалида юритилган сиёсат туфайли у ерда ёзув жорий қилинмади. Тақали билан таққослаганда бундай элита камроқ бўлса-да, Сомалида ҳам ёзув ва бошқа муҳим технологияларни жорий қилишга айнан ўшалар тўсқинлик қилган.

Сомали мисолида иқтисодий ўсиш учун марказий ҳокимият йўқлиги қандай оқибатларга олиб келишини яққол кўришимиз мумкин. Тарихий манбаларда Сомалини сиёсий марказлаштиришга уриниш ҳолатлари қайд этилмаган. Аммо марказлашиш нима учун шунчалик мушкул бўлгани маълум. Сиёсий жиҳатдан марказлаштириш – айрим уруғлар бошқаларининг назорати остига тушишини англатарди. Аммо улар бошқа ҳар қандай кучнинг устунлигини ва ўз ҳокимиятларини уларнинг ихтиёрига топширишни рад этганлар. Жамиятдаги қуролли гуруҳларнинг мувозанати ҳам марказлашган тузилмалар яратишни қийинлаштирган. Ҳақиқатан ҳам, ҳокимиятни марказлаштиришга уринган ҳар қандай гуруҳ ёки уруғ нафақат қаттиқ қаршиликка дуч келиши, балки мавжуд куч ва имтиёзларидан ҳам маҳрум бўлиши мумкин эди. Марказлашган сиёсий ҳокимиятга эришилмагани ва мулк ҳуқуқларини таъминлашнинг энг бирламчи асослари йўқлиги натижасида Сомали жамиятида маҳсулдорликни ошириш технологияларига

сармоя киритиш рағбатлантирилмади. Дунёнинг бошқа жойларида саноатлаштириш жараёни давом этаётган XIX аср ва XX аср бошларида сомалиликлар ўз ҳаётлари учун курашаётганди. Айни пайтда, уларнинг иқтисодий колоқликлари янада кучайиб борди.

ДАВОМИЙ ҚОЛОҚЛИК

XIX асрда ва ундан кейинги йилларда саноат инқилоби бутун дунё учун бурилиш нуктаси бўлди. Ўз фуқароларининг янги технологияларга сармоя киритишига имкон берган ва бу ҳаракатларни рағбатлантирган жамиятлар юқори суръатлар билан ўсишга эришди. Лекин дунёнинг кўп мамлакатлари буни уддалай олмади – ёки атайин бошқа йўлни танлади. Экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар амал қилган давлатларда бундай рағбатлар яратилмади. XIX асрдан анча олдинги даврда мустабид сиёсий институтлар ва экстрактив иқтисодий институтлар иқтисодий рағбатларни қай тариқа бўғиб қўйганига Испания ва Эфиопия тарихи яхши мисол бўлади. Бунинг натижаси бошқа авторитар мамлакатларники билан бир хил бўлди. Хусусан, Австрия-Венгрия, Россия, Усмонли империялари ва Хитойда бунёдкор бузғунчиликдан қўрққан ҳукмдорлар нафақат иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга бепарво бўлди, балки саноатнинг тарқалиши ва саноатлашишга олиб келадиган янги технологиялардан фойдаланишга қарши чоралар кўрди.


Абсолютист бошқарув экстрактив сиёсий институтларнинг ягона шакли бўлмаганидек, саноатлашишга халақит берган ягона омил ҳам эмасди. Инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар давлатнинг қонунчилик ва тартибни таъминлаши, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиши ва зарур бўлганда, иқтисодий хизматларга сармоя киритиш орқали иқтисодий фаолиятни рағбатлантириши учун маълум даражада сиёсий марказлашув бўлишини талаб қилади. Шунга қарамай, бугунги кунда ҳам, Афғонистон,

Ҳаити, Непал ва Сомали каби кўп мамлакатларда давлат энг бирламчи тартибни ўрнатишга қодир эмас, иқтисодий рағбат деярли йўқ қилинган. Сомали мисолида бу мамлакатларнинг саноатлаштириш жараёнидан қай тарзда қолиб кетганини кўриш мумкин. Сиёсий марказлашишга қаршилик қилиниши ва абсолютист тузум ҳукм сурган мамлакатлардаги ўзгаришларга қаршилик сабаблари бир хил. Бу сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд қудрат эгаларидан янги шахслар ва гуруҳлар кўлига ўтишидан кўрқувдир. Шундай қилиб, абсолютизм плюрализм ва иқтисодий ўзгаришларга тўсқинлик қилаётгани каби давлат марказлаштирилмаган жамиятларда ҳукмронлик қилаётган анъанавий элита ва гуруҳлар ҳам шундай йўл тутади. Нагжижада XVIII–XIX асрларда ҳали ҳам бундай марказлашишга эришолмаган жамиятлар, айниқса, саноат асрида мушкул аҳволда қолди.

Абсолютизмдан тортиб, кучли марказлашмаган давлатгача бўлган турли экстрактив институтлар саноатнинг тарқалишидан фойдалана олмаган бир пайтда, саноат инқилобининг бурилиш нуктаси дунёнинг бошқа қисмларида турлича из қолдирди. АҚШ ва Австралия сингари инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар сари қадам ташлаган, Франция ва Япония каби абсолют ҳокимият жиддий мушкулотларга дуч келган мамлакатлар янги иқтисодий имкониятлардан фойдаланиб, жадал иқтисодий ўсишни бошлади (буни 10-бобда кўриб чиқамиз). Шундай қилиб, келгуси институционал ва иқтисодий фарқланишни келтириб чиқарган, бурилиш нуктаси ва институтлараро мавжуд тафовутларнинг бизга таниш бўлган шакли XIX асрда яна ўз сўзини айтди. Аммо бу сафар у катгарок портлаш билан юз бериб, мамлакатларнинг фаровонлиги ва қашшоқлашувига янада жиддийроқ таъсир қилди.

9

ТАРАҚИЁТНИНГ ОРТГА
КЕТИШИ



ЗИРАВОРЛАР ВА ГЕНОЦИД

Ҳозирги Индонезия жойлашган Молукка архипелаги учта оролдан таркиб топади. XVII аср бошларида архипелаг шимолида учта мустақил қироллик – Тидоре, Тернате ва Бакан мавжуд эди. Архипелаг марказидаги Амбон оролида шу номдаги қироллик бўлган. Жанубда эса кичикроқ архипелаг – Банда ороллари гуруҳи хали сиёсий жиҳатдан тарқоқ эди. Гарчи бугун архипелаг бизга жуда узоқ туюлса-да, Молукка ороллари ўша пайтда жаҳон савдосининг маркази бўлиб, қалампирмунчоқ, мацис ва мускат ёнғоғи каби қимматбаҳо зираворлар фақат шу ерда етиштирилди. Улардан мацис ва мускат ёнғоғи фақат Банда оролларида ўсарди. Бу ороллар аҳолиси ушбу камёб зираворларни етиштирар ҳамда уларни Ява ороли, Малакка яриморолидаги Малакка порти, Ҳиндистон, Хитой ва Арабистондан келадиган озиқ-овқат ва турли хил тайёр маҳсулотларга айирбошлар эдилар.

Оролликлар илк мулоқот қилган европаликлар XVI асрда зиравор сотиб олиш учун келган португалиялик денгизчилар бўлди. Унгача зираворни Усмонлилар империяси назорат қиладиган Яқин Шарқдаги савдо йўллари орқали ташишга тўғри келарди. Европаликлар Африка соҳилларини айланиб ўтиб ёхуд Атлантика орқали Зиравор оролларига ва зираворлар савдосига тўғридан-тўғри олиб борувчи йўлни излаганлар. 1488 йилда португалиялик денгизчи Бартоломеу Диаш Яхши Умид бурнини айланиб чиқади, 1498 йилда эса худди шу йўналиш орқали Васко да Гама Ҳиндистонга етиб борди. Шу тариқа европаликлар биринчи марта Зиравор оролларига олиб борувчи алоҳида денгиз йўлига эга бўлди.

Тез орада португаллар зиравор савдосини қўлга

олишни бошлади. Улар 1511 йилда Малаккани ишғол қилди. Стратегик жиҳатдан муҳим нуқтада – Малакка яриморалининг ғарбий қисмида жойлашган портга бутун Жануби-Шарқий Осиёдан савдогарлар ўз зираворларини бошқа тожирларга – бу маҳсулотларни Ғарбга олиб кетадиган хиндлар, хитойликлар ва арабларга сотиш учун келарди. Португалиялик сайёҳ Томе Пиреш 1515 йилда қайд этганидек:

Бир-биридан минглаб лига масофада жойлашган турли мамлакатларнинг савдогар ва тожирлари ҳар томондан Малаккага келаётгандай зўё. Малакка кимнинг қўлида бўлса, ўша Венециянинг гирибонидан тутган бўлади.

Малаккани қўлга олиш билан португаллар сердаромад зираворлар савдосида монополияга эришишга тинмай уринди. Аммо бунга муваффақ бўлмади. Улар дуч келган рақиблар ҳам анойи эмасди. XIV–XVI асрларда Жануби-Шарқий Осиёда зиравор савдоси туфайли жуда катта иктисодий тараққиёт кузатилди. Ачех, Бантен, Малакка, Макассар, Пегу ва Бруней каби шаҳар-давлатлар зиравор ва бошқа маҳсулотлар, жумладан, ёғоч ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш орқали тез тараққий этди.

Бу давлатларнинг бошқарув шакллари ўша пайтдаги Европа давлатлариники каби абсолютист эди. Уларнинг сиёсий институтлари ҳам Европадагига ўхшаш жараёнлар, хусусан, уруш усуллари ва халқаро савдодаги технологик ўзгаришлар таъсирида шакланганди. Давлат аппарати янада марказлашиб, унинг марказида чекланмаган ҳокимиятга даъвогар қирол турарди. Европадаги абсолютист ҳукмдорлар сингари Жануби-Шарқий Осиё давлатлари қироллари ҳам асосан савдо-сотикдан келадиган даромадга суянар, тижорат билан ўзлари ҳам шуғулланар, маҳаллий ва ажнабий элита вакилларига монопол ҳуқуқларни тортиқ қиларди.



14-харита. Жануби-Шарқий Осиё, Зиравор ороллари, Амбон ва Банда, 1600 йил.

Абсолютист Европада бўлгани каби бундай сиёсат маълум даражада иктисодий ўсишга олиб келган бўлса-да, бизнестга қўйилган муайян тўсиқлар ва кўпчиликнинг мулк ҳуқуқлари ҳимоясизлиги туфайли улар идеал иктисодий институтлардан ҳали анча йироқ эди. Аини пайтда, португаллар Ҳинд океанида ҳукмронлик ўрнатишга уринишига қарамай, савдо-сотик гуллаб-яшнаётганди.

Ҳолландлар келиши билан бу жараёнда европаликларнинг иштироки ва таъсири орта бошлади. Улар Молукканинг кимматбаҳо зираворлари таъминотини монополлаштириш маҳаллий ва бошқа европалик савдогарлар

билан рақобатлашишдан кўра анча фойдалироқлигини дарров англадилар. 1600 йилда улар Амбон қиролини қалампирмунчоқ савдосида ҳолландларга яккаҳокимлик берадиган махсус шартнома имзолашга кўндирадидлар. 1602 йилда Нидерландиянинг “Ост-Индия” компанияси (“*Dutch East India Company*”) ташкил этилиши билан ҳолландларнинг нима қилиб бўлса ҳам зияворлар савдосини тўлиқ қўлга олишга ҳамда рақобатчиларини йўқ қилишга уриниши уларнинг фойдасига, Жануби-Шарқий Осиёнинг эса зарарига ишлай бошлади. Нидерландиянинг “Ост-Индия” ширкати қитъадаги Англиянинг “Ост-Индия”сидан кейинги иккинчи акциядорлик компанияси бўлиб, иккала компания замонавий корпорациялар ривож учун асос сифатида хизмат қилди ва кейинчалик Европадаги sanoat ўсишида муҳим роль ўйнади. Шунингдек, у уруш очиш ва бошқа ўлкаларни босиб олиш учун ўз армиясига эга бўлган иккинчи компания эди. Ихтиёридаги ҳарбий куч ёрдамида ҳолландлар Амбон подшоси билан келишувни амалга ошириш учун барча эҳтимолий рақобатчиларни йўқ қилишда давом этди. Улар 1605 йилда португаллар қўлида бўлган энг муҳим қалъани ишғол қилиб, қолган барча савдогарларни зўрлик билан сиқиб чиқарди. Сўнг ўз ерларини Молукканинг шимолий ҳудудлари томон кенгайтириб бориб, Тидоре, Тернате ва Бакан қироликларини қалампирмунчоқ етиштирмаслик ва у билан савдо қилмасликка мажбурлади. Тернате билан эришилган келишувга мувофиқ, ҳолландлар ҳатто қиролик ҳудудини тафтиш қилишлари ва ҳар қандай топилган қалампирмунчоқ дарахтини йўқ қилишлари мумкин эди.

Бу пайтда Амбон қиролиги Европа ва Америкада мавжуд тузумга ўхшаш бошқарув шаклига эга эди. Аҳоли ҳукмдорга ўлпон тўлар ва мажбурий меҳнатга дучор қилинганди. Ҳолландлар ҳокимиятга келгач, аҳолининг меҳнатидан кўпроқ фойдаланиш ва оролдан

кўпроқ қалампирмунчоқ олиш учун мавжуд қаттиққўл тизим янада кучайтирилди. Улар келишидан бурун катта оилаларга бирлашган жамоалар Амбон элитасига қалампирмунчоқ билан ўлпон тўларди. Ҳолландлар эса ҳар бир оилани ерга бириктириб, уларнинг зиммасига муайян миқдордаги қалампирмунчоқ дарахтларини парваришлаш мажбуриятини юклади. Бундан ташқари, ҳар бир оила ҳолландлар олдидаги меҳнат мажбуриятини ҳам бажариб бериши лозим эди.

Ҳолландлар мацис ва мускат ёнғоғи устидан монополия ўрнатиш ниятида Банда ороллари ҳам қўлга киритди. Аммо Банда оролларидаги ташкилий тузилмаси Амбонникидан тубдан фарқ қиларди. Ороллар сон-саноксиз майда автоном шаҳар-давлатлардан ташкил топган бўлиб, жамият ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан иерархик шаклга эга эмасди. Мазкур майда давлатлар амалда кичик шаҳарлардан деярли фарқ қилмас, қишлоқ фуқаролар йиғинлари орқали бошқариларди. Ҳолландларга монополь ҳуқуқлар берадиган шартнома тузишга мажбурлаш учун марказий ҳокимият ҳам, етиштирилган мускат ёнғоғи ва мацис ҳосиллари назоратини тўлиқ қўлга олишга ёрдам берадиган солиқ тизими ҳам йўқ эди. Аввалига ҳолландлар инглиз, португал, ҳинд ва хитой савдогарлари билан рақобатлашишига тўғри келди ва зираворларга юқори нарх тўламаганлари учун рақибларга ютказди. Мацис ва мускат ёнғоғи устидан монополия ўрнатиш бўйича дастлабки режа иш бермагач, Ҳолландия Шарқий Ҳиндистони мустамлака ўлкаси губернатори Ян Питерсзоон Кун бошқа бир таклифни илгари суради. У 1618 йилда Ява оролида мустамлаканинг янги пойтахти Батавия шаҳрига асос солади. 1621 йилда эса Ян Кун ўз флоти билан Бандога юриш қилиб, оролнинг қарийб барча аҳолисини – тахминан 15 минг кишини қатлиом қилади. Барча қишлоқ оқсоқоллари аҳоли билан бирга кириб ташланади ва фақат кам сонли кишиларгина мацис ва

мускат ёнғоғи етиштириш учун мутахассислар зарурлиги важдан тирик қолдирилади. Геноциддан сўнг Кун ўз режасини амалга ошириш учун зарур бўлган сиёсий ва иқтисодий тузилма – плантация жамият яратишни бошлайди. Ороллар ҳудуди 68 қисмга бўлиниб, асосан “Ост-Индия” компаниясининг собиқ ва ўша пайтдаги ходимлари бўлган 68 нафар ҳолландияликка тақсимлаб берилади. Янги плантациялар хўжайинлари омон қолган бандалик деҳқонлардан зираворларни етиштириш сирларини ўрганиб, бўшаб қолган оролларга янги аҳолини жойлаштириш ҳамда компанияга белгиланган нархларда сотилажак зираворларни етиштириш учун “Ост-Индия” компаниясидан қуллар сотиб олишди.

Зиравор оролларида ҳолландлар жорий қилган экстрактив институтлар, гарчи улар 15 минг бегуноҳ кишининг ҳаёти эвазига қўлга киритилган ва оролларни қолоқликка маҳкум қилган бўлса-да, босқинчилар истанган натижани берди. XVII аср охирига келиб, ҳолландлар жаҳон бўйлаб бу зираворларни етказиб беришни 60 фоизга камайтирди. Натижада мускат ёнғоғининг нархи икки баробар қимматланди.

Ҳолландлар Молуккада такомилга етган бу стратегияни бутун минтақа бўйлаб ёйди. Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа жойларидаги иқтисодий ва сиёсий институтларга бунинг таъсири ғоят катта бўлди. Минтақадаги бир қанча давлатларда XIV асрда бошланиб узоқ давом этган тижорий юксалиш орқага кетди. Ҳатто минтақадаги “Ост-Индия” компаниясининг бевосита мустамлакаси бўлмаган ва компания билан тўқнашмаган давлатлар ҳам ташқи дунёдан ва савдо-сотикдан Мосуво бўлди. Шу тариқа Жануби-Шарқий Осиёдаги эндигина юзага келаётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бешикдаёқ бўғилди.

“Ост-Индия” компанияси таҳдидидан қочиш мақсадида кўп мамлакатлар экспорт учун маҳсулот етиштиришни тўхтатиб, савдо алоқаларига яқун ясади. Ҳолландлар

билан тўқнаш келишдан кўра автаркия¹ хавфсизроқ эди. Ява оролида жойлашган Бантен давлатида ҳолландлар тинч кўйишар деган умидда 1620 йилда барча мурч дарахтлари кесиб ташланади. 1686 йилда ҳолланд савдогари жанубий Филиппиндаги Магинданаога келган вақтда унга шундай дейдилар: *“Малаккадаги сингари бу ерда ҳам мускат ёнгоғи ва қалампирмунчоқ этиштириш мумкин. Аввалги рожа ўлимидан олдин дарахтларнинг ҳаммасини йўқ қилгани учун улар ҳозир йўқ. У ҳолланд компанияси ўша дарахтларни деб уруш бошлашидан қўрққанди”*. 1699 йилда бошқа бир тожир ҳам Магуинданао султони ҳақида худди шундай гапни эшитади: *“У ҳолланд компанияси ёки бошқа босқинчилар билан уришишни истамагани учун мурч экишни тақиқлаб қўйди”*. Айни пайтда шаҳарларнинг қискариш жараёни ҳам юз бериб, ҳатто аҳоли ҳам камайиб кетади. Бирмаликлар эса 1635 йилда ўз пойтахтларини соҳил бўйидаги Пегудан мамлакат ичкарисига – Иравади дарёси бўйидаги Авага кўчирди.

Ҳолландия истилоси бўлмаганда, Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўли қандай бўлиши мумкинлигини билмаймиз. Бу давлатларда ўзига хос абсолютизм шаклланиши ва улар XVI аср охирида қандай ҳолатда бўлса, ўша даражада қолиши ёки аста-секин инклюзив институтларни жорий қилиш орқали савдо-сотик ишларида давом этишлари ҳам мумкин эди. Аммо ҳолланд мустамлакачилиги Молуккадаги сингари бошқа ўлкаларнинг ҳам иқтисодий ва сиёсий тараққиётини тубдан ўзгартириб юборди. Жануби-Шарқий Осиё халқлари савдо қилишдан тўхтади, қобикларига ўралишди, ҳокимият эса янада мутлақлашди. Улар келгуси икки асрда саноат инқилоби туфайли пайдо бўлган инновациялардан фойдалана олмади. Охир-оқибат, жануби-шарқий осиеликларнинг савдо-сотикдан

¹ Автаркия (юнонча αὐτάρκεια – ўз-ўзига етарли) – мамлакатнинг ўз-ўзини таъминлаш қондасига асосланган, бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалардан узилиб қолган биқик хўжалик юритиш сиёсати.

юз буришлари уларни европаликлардан барибир асрай олмади: XVIII аср охирига келиб, бу ўлкаларнинг қарийб ҳаммаси Европа мустамлакачилик империяларининг бир қисмига айланди.

7-бобда Европанинг Атлантика океанидаги фаоллиги кенгайиши Британияда инклюзив институтлар ривожига сабаб бўлганини кўрган эдик. Аммо Ҳолландия мустамлакасига айланган Молукка ороллари тарихидан маълум бўладики, Европанинг иқтисодий экспанцияси дунёнинг жуда кўплаб, турли бурчакларида қолоқлик уруғларини эккан. Бунга экстрактив институтларни жорий этиш ёки мавжуд институтларни мустақамлаш орқали эришилди. Улар сайёрамиз бўйлаб энди юзага келаятган савдо ва ишлаб чиқариш фаолиятини ё бевосита, ёки билвосита яксон қилди ёхуд саноатлашишга ҳалал берган институтларнинг тегирмонига сув қуйди. Оқибатда саноат фақат дунёнинг айрим жойларида тарқалди, Европа мустамлакачилик империялари асоратида бўлган ўлкалар эса янги технологиялардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлди.

ЖУДА ОДДИЙ ИНСТИТУТ

Илк янги даврда Жануби-Шарқий Осиёда ҳарбий-денгиз ва савдо-сотик соҳаларида Европа давлатлари қудратининг ортиб бориши минтақанинг иқтисодий ўсиши ва институционал ўзгаришларига чек қўйди. Жануби-Шарқий Осиёда Ҳолландиянинг “Ост-Индия” компанияси фаолияти кенгайиб бораётган бир даврда Африкада савдонинг бутунлай бошқача бир тури – қул савдоси кучайиб бораётганди.

АҚШда мамлакатнинг жанубий штатларида ҳукм сурган қулдорликни кўпинча “ўзига хос институт” сифатида кўрадилар. Аммо тарихан қулдорлик ўзига хос ҳодиса бўлмаган, аксинча, буюк классик давр тарихчиси Мозес Финли айтганидек, қулдорлик деярли барча жамиятларда мавжуд бўлган. Аввалги бобларда

кўрганимиздек, Қадимги Римда ва, гарчи бу борада ягона бўлмаса-да, узоқ йиллар Европанинг қул таъминотчиси бўлган Африкада қулдорлик кенг тарқалганди.

Рим империяси даврида қуллар Қора денгиз бўй-ларида яшаган славян қабилаларидан, Яқин Шарқ ва Шимолий Европа халқларидан бўларди. 1400-йилларга келиб, европаликлар бир-бирларини қул қилишни тўх-тагди. Аммо ўрта аср Европасидан фарқли ўлароқ, Африкада қулдорликдан феодал тузумга ўтиш жараёни юз бермади (буни 6-бобда кўргандик). Илк янги даврдан олдин Шарқий Африкада қуллар савдоси қизғин давом этар, сон-саноксиз қуллар Саҳройи Кабир орқали Ара-бистон яриморолига етказиларди. Бундан ташқари, Ма-ли, Гана, Сонгай сингари Ғарбий Африканинг ўрта асрлардаги бепоён давлатларида қуллар меҳнатидан маъмурий ишларда, қўшин ва қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиларди. Улар Шимолий Африкадаги ўзлари савдо-сотик қиладиган мусулмон мамлакатларнинг таш-килий усулларини ўзлаштиргандилар.


XVII аср бошларида Кариб ҳавзасидаги мустам-лакаларда шакар плантацияларининг тараққий этиши туфайли халқаро қул савдосида сезиларли ўсиш куза-тилди ва Африканинг ўзида ҳам қулчиликнинг аҳамияти бениҳоя ошиб кетди. XVI асрда Атлантика океани орқали 300 минг қул сотилди. Қуллар асосан Конго киролиги ҳамда жануброқда, ҳозирги Ангола пойтахти бўлмиш Луандани эгаллаган португаллар шарофати би-лан Марказий Африкадан олиб кетиларди. Бу пайтда Саҳ-ройи Кабир орқали ўтадиган қуллар савдоси ҳажми ҳали юқори эди – XVI асрда тахминан 550 минг африкалик қул қилиниб шимолга олиб кетилди. XVII асрда эса вазият ўзгарди. Атлантикада бир миллион уч юз эллик минг африкалик қул сифатида сотилиб, аксарияти Америкага олиб кетилди. Саҳройи Кабирдаги қул савдоси ҳажми эса деярли ўзгармай қолди. XVIII асрда эса қуллар савдосида

яна бир шиддатли ўсиш кузатилди: Атлантика орқали тахминан 6 миллион киши кул сифатида олиб кетилган бўлса, Сахройи Кабирда чамаси 700 минг киши кулга айлантирилди. Бошқа асрлар ва Африканинг қолган жойларидаги куллар сонини ҳам қўшсак, 10 миллиондан ортиқ африкаликлар кул сифатида бошқа қитъага сотиб юборилгани маълум бўлади.

15-харита бизга кул савдосининг кўлами ҳақида муайян тасаввур беради. Ҳозирги давлат чегараларидан фойдаланган ҳолда, харитада 1400–1900 йиллар оралиғида сотилган кулларнинг жами миқдори XV аср бошидаги аҳоли сонига нисбатан фоизда акс эттирилган. Тўқ ранг кулчилик даражаси юқори бўлганини кўрсатади. Масалан, Ангола, Бенин, Гана ва Тогодан жами экспорт қилинган куллар сони бу мамлакатларнинг 1400 йилдаги аҳолиси сонидан ҳам кўпроқни ташкил қилган.

Ғарбий ва Марказий Африка қирғокларида кул сотиб олишга чанқоқ европаликларнинг кўкқисдан пайдо бўлиши Африка мамлакатлари тарихида инқилобий из қолдирди. Америкага олиб кетилган кулларнинг кўпчилиги урушда асир тушган кишилар бўлиб, тутқунлар соҳилга олиб келинарди. Европаликлар куллар эвазига кўп миқдорда қурол ва ўқ-дори айирбошлаши оқибатида Африкада қуролли низолар янада кучайди. 1730 йилда фақат Ғарбий Африка қирғоклари орқали йилига 180 минг дона ўқотар қурол импорт қилинган бўлса, 1750–1807 йиллар давомида Британиянинг ўзи йилига 283 мингтадан 394 минг донагача қурол сотган. 57 йил мобайнида британияликлар Ғарбий Африкага мисли кўрилмаган даражада кўп – 22 минг тонна порох сотди, бу йилига ўртача 384 тоннани ташкил қиларди. Бундан ташқари, ҳар йили ўртача 91 тоннадан кўрғошин ҳам пулланди. Жанубда ҳам қурол савдоси анча кизғин эди. Конго қироллигининг шимолидаги Лоанго давлати соҳилида европаликлар йилига ўртача 50 мингтага яқин

курол сотарди.



1400 йилда аҳоли сонига нисбатан қўллар экспорти қилиниши.

Бу уруш ва куролли ҳаракатлар Африкада кўплаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлиб, аҳолини укубатларга дучор қилибгина қолмасдан, минтақа институтларининг ўзига хос ривожланиш йўлини ҳам белгилаб берди. Илк янги даврдан олдин Африка давлатларидаги марказий ҳокимият Евросиё давлатларидан кўра кучсизроқ эди. Аксарият мамлакатларда сиёсий ҳокимият кичикроқ бўлиб, давлатларни ер майдонлари ва ресурсларни назорат қиладиган қабила сардорлари ҳамда қироллар бошқарарди. Кўпларида эса худди Сомалида бўлгани сингари табақалашган сиёсий ҳокимият тизими умуман мавжуд эмасди. Қул савдоси икки салбий сиёсий жараёни

келтириб чиқарди. Биринчиси, кўп давлатларда ягона мақсадга – бошқаларни қул қилиш ва уларни европалик қулдорларга сотишга асосланган, янада мустабидлашган тузум ўрнатилди. Иккинчиси эса аввалгисининг натижаси ўлароқ, аммо айти пайтда биринчи жараён билан қарама-қарши бўлиб, уруш ва одамларни қулга айлантириш ҳаракатлари тропик Африкада мавжуд ҳар қандай тартиб ва легитим давлат ҳокимиятини охир-оқибат йўққа чиқарди. Урушлардан ташқари қуллар кичикроқ кўламдаги ҳужумлар натижасида ҳам ўғирланар ва банди қилинарди. Қонунчилик ҳам қул қилиш воситасига айланди. Қандай жиноят қилинишидан қатъи назар, унинг жазоси қуллик эди. Бунинг натижасини инглиз савдогари Фрэнсис Мур 1730-йилларда Ғарбий Африкадаги Сенегамбияда кузатади:

Қул савдоси пайдо бўлгандан бери барча жазо турлари қул қилишга алмаштирилди. Бундай жиноий ишлардан наф бор бўлиб, жиноятчини сотишдан фойда олиш илмида жиноятларни очиш учун астойдил ҳаракат қилинади. Нафақат қотиллик, ўғрилик ва зино қилган қул сифатида сотилади, балки ҳар қандай майда ҳуқуқбузарликка ҳам шу тарзда чора кўрилади.

Институтлар, шу жумладан, диний тузилмалар ҳам қулларни тутиш ва сотишга муккасидан кетиб, бузукликка юз тутди. Шарқий Нигериянинг Арочуква шаҳридаги машҳур кохин билан боғлиқ ҳодисалар бунга мисол бўлади. Кохин ҳудуддаги ижо, ибибио ва игбо каби йирик қабилалар эътиқод қилган асосий худо билан гаплашади, деб ишонилган. Низоларни ҳал этиш ва тортишувларда ҳукм чиқариш учун кохинга мурожаат қилинарди. Кохин билан учрашиш учун Арочуквага келадиган шикоятчилар шаҳардан кохин ўзига макон тутган, одамларнинг бош суяклари билан ўралган ғор жойлашган Кросс дарёси дарасига тушишларига тўғри келарди. Аро қабиласидан

бўлган одамфурушлар ва савдогарлар билан тил бириктирган ибодатхона роҳиблари коҳиннинг хукмини эълон қиларди. Бу кўпинча ибодатхонада одамларнинг “ютиб юборилиши” билан юз берар, аслида эса улар ғор орқали Кросс дарёсининг қуйи оқимиға – европаликлар кемалари кутиб турган жойға олиб кетиларди. Одамларни кул қилиш йўлида барча қонун-қоидалар ва қадриятларни бузиш, вайрон қилишдан иборат бўлган бундай ҳодисаларнинг натижаси сиёсий марказлашув жараёни учун аянчли бўлди. Шунга қарамадан, бу жараён айрим жойларда асосий машғулоти одамларға хужум қилиш ва кулға айлантиришдан иборат бўлган қудратли давлатлар пайдо бўлишиға ҳам олиб келди. Афтидан, Конго қироллиги кул савдоси билан шуғулланадиган мамлакатға айланган илк Африка давлати бўлса керак. Бу ҳолат фуқаролар уруши натижасида қироллик кулагунга қадар давом этди. Ғарбий Африкадаги кулфуруш давлатлардан энг кўзга кўринганлари Нигерияда Оё, Бенинда Даҳомей ва кейинроқ пайдо бўлган Ганадаги Асанте давлатлари эди.

Мисол учун, XVII аср ўрталарида Оё давлатининг кенгайиши денгиз соҳилида куллар олди-сотдиси ортиши билан бевосита боғлиқ эди. Бу давлат қудратға ҳарбий тўнтариш туфайли эришган бўлиб, шимолдан отлар олиб келинган, душманлар қўшинини яқсон қилишға қодир қудратли отлик қўшин тузилганди. Оё давлати соҳил сари жанубға кенгайиб бораркан, босиб олинган ўлкаларни вайрон қилиб, аҳолининг кўпчилигини кул сифатида сотиб юборади. 1690–1740 йилларда Оё давлати “Куллар соҳили” номи билан машҳур ҳудудда кул савдоси бўйича яққаҳоқимлик ўрнатади. Соҳилда сотилган кулларнинг 80-90 фоизи ана шу босқинчилик урушларининг бандилари бўлгани айтилади. Урушлар ва куллар савдоси ўртасидаги шунга ўхшаш алоқа XVIII асрда узок гарбда – “Олтин қирғок”да, яъни ҳозирги Гана ҳудудида

юз берди. 1700 йилдан кейин Асанте давлати худди Оё давлати сингари ичкаридан кенгайиб кела бошлайди. Асанте давлати XVIII асрнинг биринчи ярмида юз берган Акан урушларида ўзига ёндош мустақил давлатлар ҳисобига тез кенгайди. Сўнгги мустақил давлат – Гяман 1747 йилда ишғол қилинди. 1700–1750 йилларда Олтин қирғоқ орқали экспорт қилинган қулларнинг аксарияти ана шу урушларда банди қилинган тутқунлар эди.

Турган гапки, одамларни куч билан оммавий тарзда йўқотиш демографияга энг катта таъсир кўрсатган. Замонавий даврдан олдин Африка аҳолиси қанча бўлганини аниқ айтиш қийин, лекин олимлар қул савдосининг аҳолига таъсири борасида бир қатор ҳақиқатга яқин ҳисоб-китобларни қилган. Тарихчи Патрик Маннингнинг ҳисобига кўра, XVIII аср бошларида қул экспорти билан шуғулланган Ғарбий ва Ғарбий-Марказий Африка минтақасининг аҳолиси, чамаси, 22-25 миллион кишини ташкил қилган. Фаразан, қул олди-сотдиси юз бермаган тақдирда, XVIII аср – XIX асрнинг биринчи ярмида худуд аҳолиси йилига тахминан 0.5 фоиздан ўсиб бориши ва 1850 йилга келиб аҳоли сони Маннинг ҳисоби бўйича камида 46-53 миллион кишига етиши керак эди. Амалда эса аҳоли сони бу кўрсаткичнинг ярминигина ташкил қилади, холос.

Бундай катта тафовут нафақат 1700–1850 йиллар давомида бу минтақадан 8 миллион киши қул сифатида сотиб юборилгани билан боғлиқ, афтидан, қуллар учун давомли ички урушларда миллионлаб кишилар қатл қилинган ҳам. Африкада қулдорлик ҳамда қуллар савдоси кейинчалик оила ва никоҳ ришталарининг узилишига, бу эса кўпайиш кўрсаткичининг камайишига олиб келган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

XVIII аср охирларидан бошлаб, Британияда сўзамол арбоб Уильям Уилберфорс бошчилигида қул савдосига барҳам бериш ҳаракати авж ола бошлади. Бир қанча

муваффақиятсиз уринишлардан сўнг аболиционистлар² 1807 йилда Британия парламентида қул савдосини тақиқловчи қонун қабул қилинишига эришдилар. Бир йил ўтиб, АҚШда ҳам қулларни импорт қилиш тақиқланди. Британия ҳукумати фақат шу билан кифояланиб қолмади, балки қонун ижросини таъминлашга жиддий киришиб, қул савдосига чек қўйиш мақсадида, Атлантикага ҳарбий кемалар эскадраси жойлаштирди. Аммо қонунни тўлиқ ижро этишга эришиш учун вақт керак бўлди. 1834 йилга келибгина Британия империясида қуллик бекор қилинди ва шу вақтдан бошлаб қул савдосида энг катта улушга эга бўлган Атлантика қул бозори ўзининг сўнгги кунларини яшай бошлади.

Гарчи 1807 йилдан бошлаб қул олди-сотдисиغا барҳам берилиши африкалик қулларга нисбатан ташки талабни камайтирган бўлса-да, бу ҳали қулдорликнинг Африка мамлакатлари ва уларнинг институтлари учун аҳамияти мўъжизавий тарзда йўққа чикқан, дегани эмасди. Африканинг кўп давлатлари қулдорлик негизига қурилган бўлиб, Британиянинг қул савдосига чек қўйиши бу воқеликни ўзгартирмади. Қолаверса, қулдорлик Африканинг ўзида ҳам анчагина кенг тарқалганди. Бу омиллар охир-оқибат Африкадаги тараққиёт йўлини нафақат 1807 йилдан олдинги даврда, балки бу санадан кейинги йилларда ҳам шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Қулдорлик ўрнига “қонуний тижорат” тушунчаси юзага келди, бу янги ибора Африкадан қул савдосига алоқадор бўлмаган янги маҳсулотлар экспорти учун ўйлаб топилди. Бу маҳсулотлар сирасига пальма ёғи ва ёнғоғи, ерёнғоқ, фил суяги, каучук ва ақокиё (араб елими) кирарди. Саноат инқилоби натижасида европаликлар ва шимолий америкаликларнинг даромадлари кўпайиши билан, мазкур тропик маҳсулотларга талаб кескин ошиб

² Аболиционистлар – қора танлиларни қулликдан озод қилиш ва қулдорликни бекор қилиш ҳаракати вакиллари.

кетди. Африка давлатлари кул савдоси юзага келтирган иктисодий имкониятлардан қандай фойда олган бўлса, қонуний тижоратдан ҳам худди шундай манфаат кўрди. Аммо улар буни ўзига хос шароитда амалга оширдилар, чунки кул савдоси уларнинг турмуш тарзига айланган бўлиб, кулларга бўлган ташқи талаб кутилмаганда ғойиб бўлганди. Кулларни европаликларга пуллашнинг энди имкони йўқ экан, уларни нима қилиш мумкин? Жавоб оддий: янгича қонуний тижорат молларини ишлаб чиқара бошлаган Африкада уларни мажбурий ишлатиб фойда кўриш мумкин эди.

Энг яхши ўрганилган мисоллардан бири ҳозирги Гана худудида мавжуд бўлган Асанте давлати ҳисобланади. 1807 йилгача Асанте империяси асосан одамларни банди қилиш ва кул сифатида сотиш билан шуғулланарди. Куллар қирғоққа олиб келинар ва Кейп Кост, Элмина каби шаҳарларда сотиб юбориларди. 1807 йилдан бошлаб бу имконият барҳам топгач, Асантенинг сиёсий элитаси империя иқтисодини қайта қуришга киришди. Бироқ одамларни кулга айлантириш ва кулдорлик тартиби битмади. Аксинча, куллар улкан плантацияларга жойлаштирилди, бу жараён дастлаб пойтахт Кумаси шаҳри атрофида бошланган бўлса, кейинроқ бутун империя бўйлаб тарқалди (Гананинг ички вилоятлари худудларининг асосий қисмига тўғри келади). Куллар экспорт учун олтин қазиб олиш ва қола ёнғоқлари ишлаб чиқаришда банд қилинар, бундан ташқари кўп миқдорда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилар ҳамда Асантеда гилдиракли транспорт мавжуд бўлмагани вазидан кўпинча юк ташишда ишлатиларди. Шарқроқда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар содир бўлди. Масалан, Даҳомейнинг Уида ва Порто Ново каби портлари яқинида қиролнинг бепоён пальма плантациялари жойлашган бўлиб, уларнинг барчаси куллар меҳнатига асосланганди.

Шундай қилиб, кул савдосининг бекор қилиниши

Африкада қулдорликни йўқ қилиш ўрнига уларнинг шунчаки бошқа соҳага сафарбар қилинишига олиб келди. Энди уларнинг меҳнатидан Америкада эмас, Африканинг ўзида фойдаланиш бошланди. Қолаверса, олдинги икки асрда қул савдосини шакллантирган сиёсий институтларнинг аксари ўзгаришсиз қолди ва мавжуд муносабат шакллари сақланди. Мисол учун, 1820–1830 йилларда бир пайтлар жуда қудратли бўлган Оё киролиги кулади. Бу давлат фуқаролик урушлари ҳамда мамлакат жанубидаги Илорин, Ибадан каби қул олди-сотдиси билан бевосита шуғулланган Йоруба шаҳар-давлатларининг кучайиши туфайли заифлашди. XIX асрнинг 30-йилларида Оё пойтахти вайрон қилинганидан сўнг Йоруба шаҳарлари минтақавий етакчилик учун Даҳомей билан рақобат қилади. XIX асрнинг биринчи ярми давомида улар деярли бетиним урушлар олиб боради, бу эса кўп сонли қуллар захирасини юзага келтирди. Урушлар билан бирга одамларни одатий ўғирлаш, қоҳин тарафидан жазо тайинланиши ва кичикроқ қўламадаги босқинчиликлар рўй бериб турди. Нигериянинг айрим жойларида одамларни ўғирлаш шунчалик жиддий муаммага айланган эдики, фарзандлари ўғирлаб кетилиб, қулликка сотиб юборилишидан қўрққан ота-оналар уларнинг кўчада ўйнашига рухсат бермасди.

Оқибатда XIX аср давомида Африкада қулдорлик қўлами камайиш ўрнига кенгайиб кетди. Гарчи аниқ рақамларни топиш мушкул бўлса-да, ўша даврдаги сайёҳлар ва савдогарлар ёзиб қолдирган маълумотлар шуни кўрсатадики, Ғарбий Африкадаги Асанте, Даҳомей кироликлари ва Йоруба шаҳар-давлатларида аҳолининг ярмидан кўпроги қуллар бўлган. Янада аниқроқ маълумотларни ғарбий Судандаги илк француз истилочилари архивларидан топиш мумкин. Мустамлака таркибига Сенегалдан бошлаб, Мали ва Буркина Фасо орқали Нигер ва Чадгача чўзилган ҳудудлар кирган.

Маълумотларга кўра, 1900 йилда бу минтақада аҳолининг 30 фоизи куллардан иборат эди.

Қонуний тижоратнинг пайдо бўлиши билан Африкада кулдорликка барҳам берилмагани сингари “Африка учун кураш”дан кейин бошланган қитъани расман мустамлака қилиш жараёни ҳам кулликни бекор қилишга ожиз қолди. Гарчи Европанинг Африкага истилосини кўпинча кулликка қарши кураш ва уни бекор қилиш баҳонасида оклашга уринилган бўлса-да, воқелик аслида бошқача эди. Мустамлакага айлантирилган Африканинг аксарият қисмида XX асрда ҳам кулдорлик давом этди. Чунончи, Сьерра-Леонеда куллик 1928 йилда бутунлай бекор қилинди. Ваҳоланки, мамлакат пойтахти Фритаун³ шаҳри аслида XVIII аср охирида Америкадан қайтариб келтирилган куллар учун бошпана ўлароқ ташкил қилинганди. Кейинчалик бу шаҳар Британиянинг кулликка қарши курашувчи ҳарбий эскадраси учун асосий база вазифасини бажарди. Фритаун Британия ҳарбий-денгиз флоти томонидан қўлга олинган кемалардан кутқарилиб, озод қилинган кулларнинг уйига айланди. Ҳаттоки мана шундай рамзий хатти-ҳаракатларга қарамасдан, Сьерра-Леонеда куллик яна 130 йил давом этди.

Сьерра-Леоненинг жанубидаги Либерия⁴ эса ўз кўшнисини сингари 1840-йилларда америкалик озод қилинган куллар учун ташкил этилганди. Аммо бу ерда ҳам кулдорлик XX асргача давом этди. Ҳисоб-китобларга кўра, Либерияда ҳатто 1960-йилларда ҳам меҳнатга яроқли аҳолининг чорак қисми мажбурий меҳнатга жалб этилган, яшаш ва ишлаш шароитлари эса кулларникига яқин эди. Шундай қилиб, қул савдосига асосланган экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ҳисобига саноат тропик Африкага кириб бормади. Аксинча, дунёнинг бошқа минтақаларида иқтисодиёт янгирақ кўринишга кираётган

³ Фритаун инглизча “*Freetown*” озод шаҳар маъносини англатади.

⁴ Либерия лотинча “*liber*” – эркин, озод сўздан олинган.

бир пайтда, тропик Африка ривожланишдан тўхтаб қолди ёки, бошқача айтганда, иқтисодий қолокликка маҳдум бўлди.

ҚЎШ ИҚТИСОДИЁТ

1955 йилда сэр Артур Льюис таклиф этган “қўш иқтисодиёт” ғояси ҳали ҳам кўпчилик олимларнинг ривожланмаган мамлакатлардаги иқтисодий муаммолар тўғрисидаги фикрларини шакллантирмоқда. Льюиснинг фикрича, кам ривожланган ёки ривожланмаган иқтисодиётлар икки томонлама тузилишга эга бўлиб, замонавий ва анъанавий секторга бўлинади. Иқтисодиётнинг ривожланган қисмига мос келадиган замонавий сектор шаҳар ҳаёти, замонавий саноат ва илгор технологиялардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлади. Анъанавий сектор эса қишлоқ ҳаёти, қишлоқ хўжалиги ва “қолоқ” институтлар ва технологиялар билан алоқадор. Эскича қишлоқ хўжалиги институтлари ерга жамоавий эғалик қилиш ҳуқуқидан иборат бўлиб, бу ерга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқининг йўқлигини англатади. Льюиснинг сўзларига кўра, анъанавий секторда ишчи кучи шунчалик самарасиз ишлатилганки, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдорини камайтирмасдан туриб ҳам уларни замонавий секторга қайта жойлаштириш мумкин эди. Льюиснинг ғояларига эргашган, тараққиёт муаммоларини тадқиқ қилувчи иқтисодчилар авлоди учун “ривожланиш муаммоси” одамларни ва ресурсларни анъанавий сектордан, яъни қишлоқ хўжалигидан ва қишлоқлардан олиб, замонавий сектор, яъни саноат ва шаҳарларга кўчиришни тақозо қилади. Артур Льюис 1979 йилда иқтисодий тараққиётга оид ишлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Чиндан ҳам, Льюис ва унга эргашган тараққиётни ўрганувчи иқтисодчилар кўш иқтисодларни фарқлашда, шубҳасиз, ҳақ эдилар. Энг ёрқин мисоллардан бири бўлган Жанубий Африка иқтисодиёти қолоқ ва қашшоқ

бўлган анъанавий сектор билан жўшқин ва ривожланган замонавий секторга бўлинганди. Ҳатто бугунги кунда ҳам Льюис кашф этган қўш иктисодиёт кўринишларини Жанубий Африканинг барча ҳудудларида учратиш мумкин. Бунинг яққол мисолларидан бирини кўриш учун собиқ Натал, ҳозирги Квазулу-Натал ва Транскей провинциялари чегарасидан ўтиш кифоя. Чегара Катта Кей дарёси бўйлаб ўтади. Дарёнинг шарқида, Натал вилоятида қирғоқ бўйлаб улуғвор пляжларнинг кумли кенгликларида ҳашаматли соҳилбўйи виллаларни учратасиз. Ичкарироқ ҳудудлар эса ям-яшил майдонлар, мафтункор шакарқамиш плантациялари билан тўла. Йўллар равон; бутун ҳудудда фаровонлик нафаси уфуриб турибди. Дарёнинг нариги томони эса гўё бошқа замон ва бошқа мамлакатга ўхшайди. Бутун ҳудуд хароб аҳволда. Атроф яшиллик ўрнига жигарранг тус билан қопланган, ўрмонлар эса йўқ қилинган. Одамлар сув қувурлари, хожатхона ва бошқа барча замонавий қулайликларга эга замонавий шинам уйларда эмас, вақтинчалик чайлаларда кун кечириб, таомларини ўчоқда пиширади. Турган гапки, Транскейдаги турмуш тарзи анъанавий бўлиб, дарёнинг шарқий соҳилидаги замонавийликдан анча йироқ. Мазкур тафовутлар дарёнинг иккала тарафидаги иқтисодий институтларнинг асосий фарқлари билан боғлиқлиги эса энди сизни ҳайратга солмаслиги тайин.

Дарёнинг шарқий соҳилидаги Наталда хусусий мулк ҳуқуқлари, ишлайдиган суд-ҳуқуқ тизими, бозорлар, тижорий деҳқончилик ва саноат мавжуд. Фарбий қирғоқда – Транскейда эса ҳалигача ерга жамоавий эгалик қилинади ва қудратли сардорлар ҳукмрон. Льюиснинг қўш иктисодиёт назарияси призмаси билан қарасак, Транскей ва Натал ўртасидаги қарама-қаршилик Африка тараққиётининг муаммоларини акс эттиради. Дарҳақиқат, тарихга янада чуқурроқ кириб борсак, тарихан бутун Африка Транскей сингари қашшоқ бўлиб, эскича иқтисодий институтлар,

қолоқ технологияларга эга бўлган ва қабила сардорлари томонидан бошқарилган. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий тараққиёт Транскейни охир-оқибат осонгина Наталга айланишини таъминлаши лозим.

Бу ёндашувда жон бор, аммо у қўш иқтисодиётнинг қандай юзага келиши ва унинг замонавий иқтисодиётга алоқадорлигини назардан четда қолдиради. Транскейнинг тараққиётдан орқада қолиши фақат Африкадаги одатий қолоқликнинг тарихий асорати эмас. Яъни Транскей ва Натал ўртасидаги қўш иқтисодиёт яқинда пайдо бўлган ва у мутлақ нотабиий. Бу турфа хиллик аслида Жанубий Африкадаги оқ танли элита томонидан ўз бизнеслари учун арзон ишчи кучи захирасини яратиш ва қора танли африкаликларнинг рақобатини камайтириш мақсадида атайин вужудга келтирилган. Қўш иқтисодиёт сунъий тарзда пайдо қилинган қолоқликнинг яна бир намунаси ҳисобланади, яъни у табиий равишда пайдо бўлиб, асрлар давомида сақланмаган.

Куйида Жанубий Африка ва Ботсвана қул савдоси ҳамда у келтириб чиқарган урушларнинг кўплаб салбий асоратларидан четда қолганларни кўриб чиқамиз. Жанубий африкалик ерли аҳолининг европаликлар билан дастлабки жиддий алоқаси 1652 йилда Ҳолландиянинг “Ост-Индия” компанияси Тафел кўрфазида, ҳозирги Кейптаун бандаргоҳида ўзининг илк базасини ташкил қилган пайтда юз берди. Бу пайтда Жанубий Африканинг ғарбий қисмларида аҳоли сийрак бўлиб, асосан овчилик-термачилик билан шуғулланган *кой-коин* халқи истиқомат қиларди. Олис шарқдаги ҳозирги Кискей ва Транскей худудларида эса аҳоли зич бўлиб, қабилалар дехқончилик билан машғул бўлган. Даставвал улар Ҳолландиянинг янги мустамлакаси билан жиддий алоқага киришмайди ва қуллар савдосида иштирок этмайди. Жанубий Африка қирғоқлари қул бозорларидан узоқда жойлашган, Кискей ва Транскей аҳолиси (уларни *косалар* дейишарди)

келгиндилар эътиборини жалб қилмайдиган даражада сохилдан анча ичкарида яшарди. Натижада мазкур қабилалар Ғарбий ва Марказий Африканинг бошига тушган аянчли ҳодисаларнинг залварини ҳис қилмади.

Бу ўлкаларнинг ташқи дунёдан узилган яшаш тарзи XIX асрда ўзгарди. Жанубий Африканинг иклими ва табиати европаликларни ўзига тортарди. Негаки, Ғарбий Африкадан фарқли ўлароқ, Жанубий Африканинг иклими мўътадил бўлиб, Африканинг кўп жойларини “оқ танлилар қабристонига” айлантирган ҳамда европаликларга доимий ўрнашиш ва манзилгоҳлар куриш имконини бермаган безгак, сариқ иситма каби тропик касалликлардан холи эди. Жанубий Африкада европаликларнинг ўрнашиш истикболи яхшироқ эди. Наполеон урушлари даврида Британия Кейптаунни ҳолландияликлардан тортиб олди. Кўп ўтмай, Жанубий Африканинг ичкари ҳудудларига европаликлар экспанцияси бошланди. Бу эса европаликлар манзилгоҳларининг чегаралари китъа ичкарисига томон кенгайиб бориши туфайли узоқ давом этган Коса урушларини авж олдирди. Европаликларнинг Жанубий Африканинг ички ҳудудларига кириб бориш жараёни 1835 йилда янада жадаллашди. Ўшанда ҳолландиялик мустамлакачиларнинг авлодлари бўлган аҳоли (африканерлар ёки бурлар) Британия назоратидаги сохилбўйи ҳудудлари ва Кейптаундан “Буюк Трек” номини олган оммавий кўчишни бошлаган эди. Кейинчалик африканерлар Африканинг ички қисмида иккита мустақил давлат, Озод Оранж давлатини ва Трансваални туздилар.

1867 йилда Кимберлида кўп микдорда олмос захираси топилиши ва 1886 йилда Йоханнесбургда олтин конлари кашф қилиниши билан Жанубий Африка тараққиётида янги давр бошланди. Мамлакат ичкарисида топилган улкан минерал бойликлар Британияни дарҳол

бутун Жанубий Африка устидан назоратни қўлга олишга ундади. Озод Оранж давлати ва Трансваалда бурларнинг Британия истилосига қарши кураши 1880–1881 ва 1899–1902 йилларда инглиз-бур урушига олиб келди. Дастлабки кутилмаган мағлубиятдан сўнг инглизлар бу давлатларни Кап провинцияси ва Натал билан бирлаштиришга муваффақ бўлди. Натижада 1910 йилда Жанубий Африка Иттифоқига асос солинди. Африканерлар ва инглизлар ўртасидаги урушлардан ташқари, кончилик саноатининг тараққиёти ва европаликлар тураржойларининг кенгайиши ҳудуднинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Энг муҳими, улар озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талабни ошириб юборди. Бу эса маҳаллий африкаликлар учун қишлоқ хўжалиги ва савдо соҳасида янги иқтисодий имкониятларни юзага келтирди.

Сискей ва Транскейдаги коса халқи бу иқтисодий имкониятларга дарҳол лаббай деб жавоб берди. Бу тарихчи Колин Банди ёзиб қолдирган маълумотлардан ҳам маълум. Ҳали конлар кашф қилинмаган 1832 йилдаёқ моравиялик миссионер Транскейда янгича иқтисодий фаолликка гувоҳ бўлган ва европаликлар келиши билан африкаликлар учун пайдо бўлган янги нарсаларга нисбатан маҳаллий аҳолининг талаби қандай бўлганини қайд этганди. У шундай ёзади:

Бу нарсаларга эга бўлиш учун улар ўз қўллари билан тул топишга, кийим, белкурак, омов, арава ва бошқа фойдали буюмларни сотиб олишга интиломқдалар.

Маъмурият комиссари Жон Ҳеммингнинг 1876 йилда Сискейдаги Финголендга қилган ташрифи тафсилоти ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди. У шундай ёзганди:

Финголиклар бир неча йил ичида эришган улкан ютуқлар мени ҳайратга солди. Қаерга бормай, мустаҳкам қурилган уйлар, гишт ёки тошдан қурилган кўп хонали иморатларни учратдим. Кўп ҳолларда мустаҳкам гиштин уйлар қад кўтарган... ва мевали дарахтлар

ўтқазилган; қаерга оқар сувни етказиш имкони бўлса, ўша ерга сув етказилар ва ерга токи у сугориладиган ҳолатга етказилгунча ишлов бериларди; омов ишлатиш мумкин бўлган жой борки ишлов берилди, тепаликлар ёнбағирлари, ҳатто тоғ чўққилари ҳам ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ер майдонларининг миқёси мени ҳайратда қолдирди. Шунча йилдан бери бунчалик катта майдон ўзлаштирилганини кўрганам йўқ.

Тропик Африканинг бошқа жойларида бўлгани каби деҳқончиликда омовдан фойдаланиш янги технология эди, аммо Жанубий Африкада омов пайдо бўлганда маълум бўлдики, африкалик деҳқонлар ушбу технологияни қўллашга тайёр эканлар. Улар, шунингдек, аравалар ва сугориш ишларига маблағ сарфлашга ҳам тайёр эдилар.

Қишлоқ хўжалиги ривожланиб боргани сари қудратли кабилавий институтлар уларга йўл бера бошлади. Ерга эгалик қилиш борасида рўй берган ўзгаришлар ҳақида кўплаб далиллар мавжуд. 1879 йилда Транскейдаги Шарқий Грикваленд вилоятининг Умзимкулу округи магистрати “*маҳаллий аҳолининг ер эгаси бўлишга истаси ортиб бораётгани – улар 38 минг акр ер сотиб олишгани*”ни ёзиб қолдирганди. Уч йил ўтгач, у округдаги саккиз мингга яқин африкалик деҳқон тўқсон минг акр ерни харид қилиб, ишлай бошлаганини қайд этади.

Тўғри, Африка саноат инқилоби бўсағасида эмасди, аммо ҳақиқий ўзгаришлар юз бераётганди. Ерга нисбатан хусусий эгалик ҳуқуқи жамоа сардорларининг нуфузини пасайтириб, янгидан-янги одамларга ер сотиб олиш ва бойлик орттириш имконини берди, ваҳоланки, бир неча ўн йил олдин буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Бу эса ўз навбатида, экстрактив институтлар ва мутлақ бошқарув тизимларининг заифлашуви янгича иқтисодий фаоллик сари қанчалик тез етаклашини кўрсатади. Ана шундай муваффақиятга эришганлардан бири кискейлик қашшоқ

оиладан чиқиб, бой фермерга айланган Стефен Сонжика эди. Сонжика ўзининг 1911 йилги нутқида ер сотиб олиш истаги ҳақида отасига қандай айтгани ва ундан шундай жавоб олганини эслайди: *“Ер сотиб олиш? Қандай қилиб ер сотиб олмақчисан? Барча ер худоники эканлиги ва у барча ерларни сардорларга берганини билмайсанми?”* Сонжиканинг отаси берган жавобни тушуниш қийин эмас. Аммо Сонжика кўнглини чўктирмади ва Кинг Уильямс шаҳридан ўзига иш топди. У шундай эслайди:

Мен узоқни кўзлаб шахсий банк ҳисоб рақамини очиб, унга жамгармамнинг бир қисмини ўтказдим... Токи саксон фунт йиққунимга қадар шундай давом этди... Мен бир жуфт ҳўкиз, бўйинтуруқ, абзал, омов ва бошқа қишлоқ хўжалиги анжомларини харид қилдим... Кейин эса бир парча ер сотиб олдим... Мен дўстларимга касб сифатида деҳқончилик қилишни астойдил тавсия эта олмайман... Улар қандай бўлмасин фойда олишнинг замонавий усулларини қўллашлари керак бўлади.

Бу даврда африкалик деҳқонлар эришган иктисодий ишчанлик ва тараққиётнинг ҳайратланарли тасдиғини 1869 йилда методист миссионер В.Ж. Дэвис ёзган мактубда ҳам кўриш мумкин. Англияга юборилган хатда миссионер *“Ланкаширдаги пахта саноатини қўллаб-қувватлаш жамгармаси учун”* 46 фунт миқдорда пул йиғилганини мамнуният билан қайд этади. Ўша даврда африкалик бой деҳқонлар инглиз тўқимачилик саноатининг йўқсил ишчиларига ёрдам бериш учун пул тўп-ларди!

Ҳеч ажабланарли ери йўқки, бундай янгича иктисодий ривожланиш анъанавий қабила етакчиларини хурсанд қилмайди. Негаки бизга таниш воқеликка кўра, сардорлар иктисодий ўсишни ўз бойликлари ва қудратларига нисбатан хатар деб билардилар. 1879 йилда Транскейнинг бош магистрати Метю Блит ерларни ўлчашга қаршилик қилинганига гувоҳ бўлганди, ахир бу жараён ерларни хусусий мулкка айлантириш учун керак эди-да! Унинг

қайд этишича, “Баъзи етакчилар... эътироз билдиришди, лекин аҳолининг кўпчилиги мамнун бўлди... Сардорлар одамларга алоҳида ер бериш уларнинг қабила оқсоқоллари орасидаги таъсирига путур етказди, деб ҳисоблашди”.

Сардорлар, шунингдек, ерларни ободонлаштиришга, масалан, суғориш каналларини қазиб ёки тўсиқлар қуришга ҳам қарши чиқдилар. Улар бундай ўзгаришларни ерга нисбатан хусусий мулкчиликнинг бошланиши ва айни пайтда ўз ҳокимиятлари қуёшининг ботиши деб билдилар. Европалик кузатувчиларнинг яна қайд этишларича, қабила сардорлари ва бошқа анъанавий етакчилар, масалан, шаман-табиблар “Европага хос” ҳамма нарсени, жумладан, янгича экинлар, омоч каби меҳнат қуролларини ва бошқа буюмларни тақиқлашга уринган. Аммо Сискей ва Транскейнинг Британия мустамлакасига кўшиб олиниши маҳаллий сардорлар ва шаманлар ҳокимиятини заифлаштирди. Уларнинг қаршилиги Жанубий Африкадаги янги иқтисодий ўзгаришларни тўхтатиш учун етарли бўлмай қолди. 1884 йилда Финголенддаги европаликлардан бирининг ёзишича, халқ:

Ўз садоқатини бизга топширган эди. Уларнинг сардорлари сиёсий ҳокимиятга эга бўлмаган заминдорларга айланди. Энди қабила сардори ёки унинг қирғин қуроли бўлган, бой чорвадорни, моҳир маслаҳатчини, янгича гоёларни жорий қилишини, тажрибали агрономни йўқ қилиб, уларнинг барчасини ўртамиёна даражада тутиб туришга хизмат қилган шаманнинг ҳасадидан қўрқув йўқ – энди буларнинг ҳеч биридан хавотирланмаса ҳам бўлади, энди Финго қавми аъзоси илгор киши. Ҳалигача камбағал деҳқонлигича қолса-да, унинг аравалари ва омочлари бор; у экинларни суғориш учун ариқлар очади; у бир сурув қўйга эгалик қилади.

Ҳатто қисман инклюзив институтлар, сардорлар ҳокимиятининг емирилиши ва уларнинг ваколатларига қўйилган чекловлар ҳам Африкада жадал иқтисодий ўсиш бошланиши учун етарли бўлди. Аммо, таассуфки, унинг умри қисқа экан. 1890–1913 йилларда ўсиш кутилмаганда тўхтаб қолиб, тараққиёт ортга кетди. Бу даврда иккита куч олдинги эллик йил ичида африкаликлар эришган қишлоқ хўжалигидаги юксалиш ва шиддатни йўқ қилишга уринди. Улардан бири африкаликлар билан рақобатлашаётган европалик фермерларнинг адовати эди. Ишбилармон африкалик дехқонлар европаликлар ҳам етиштирадиган маҳсулотларнинг нархларини тушириб юборди. Европаликлар эса бунга африкаликларни бизнесдан четлатиш билан жавоб қилди. Иккинчи куч эса янада кўрқинчли эди. Европаликлар тобора кучайиб бораётган кончилик саноатида арзон ишчи кучи ишлатишни хоҳлардилар. Улар арзон ишчи кучи захирасини фақат африкаликларни қашшоқлаштирган ҳолда таъминлашлари мумкин эди. Европаликлар кейинги бир неча ўн йилликлар давомида буни тизимли равишда амалга оширди.

Кончилар уюшмаси раиси Жорж Албу 1897 йилда Тергов комиссиясига берган кўрсатмасида арзон ишчи кучига эга бўлиш илинжида африкаликлар қашшоқлаштирилиши ҳақида ҳақиқатни яққол ошкор қилади. Қандай қилиб ишчи кучини арзонлаштиргани ҳақидаги саволга жавоб берар экан, у *“шунчаки ишчиларга маошлари камайтирилганини маълум қилиш орқали”* бунга эришганини айтади. Албунинг кўрсатмасини қуйида келтирамиз:

Комиссия: *Дейлик, кафрлар (қора танли африкаликлар) ўзларининг краалларига (қўтонларига) қайтиб кетмоқда. Ҳукуматдан меҳнатга мажбурлов чораларини кўришни сўрагингиз келармиди?*

Албу: Албатта... Мен буни мажбурий қилардим...

Нега ҳабашларга ҳеч нарса қилмасликка йўл қўйиб бериш керак? Менимча, кафр тирикчилик учун пул топиш мақсадида ишлашга мажбур бўлиши керак.

Комиссия: Бордию, киши ишламасдан яшай олса, уни меҳнат қилишга қандай мажбурлайсиз?

Албу: Унга солиқ соламан, кейин эса...

Комиссия: Кейин эса кафрга ер олишга рухсат бермайсиз, лекин у оқ танлилар бойлигини орттириш учун унга ишлаб бериши керак, шундайми?

Албу: У қўшниларига ёрдам бериш учун ўз вазифасини бажариши керак.


Оқ танли фермерлар билан рақобатни йўқ қилиш ва қатта миқдордаги кам маошли ишчи кучини яратишдан иборат ҳар иккала мақсадга бир вақтда – 1913 йилги “Маҳаллий аҳолининг ерлари тўғрисида”ги қонун билан эришилди. Бу ҳужжат, Льюиснинг қўш иқтисодиёт ташқирига олдиндан кўра билгандай, Жанубий Африкани иккига: замонавий, тараққий этган ва анъанавий, камбағал қисмларга бўлиб ташлади. Бундан ташқари, тараққий этган ҳам, қашшоқликни ҳам аслида шу қонун юзага келтирди. Унга кўра, ер майдонларининг 87 фоизи аҳолининг тахминан 20 фоизини ташкил қилган европаликларга берилиши белгиланди. Қолган 13 фоиз ер африкаликларга ажратилди. Албатта, “Ер тўғрисидаги қонун”дан олдин ҳам бошқа чекловлар бор эди. Йиллар давомида европаликлар африкаликларни тобора кичикроқ резервацияларга сиқиб бораётгандилар. Аммо айнан 1913 йилги қонун мавжуд вазиятнинг ташкилий асосларини ўрнатиб, Жанубий Африкада апартеид тартибининг шаклланишига замин яратди. Оқ танли камчилик аҳоли ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий имтиёзларга эга бўлгани ҳолда, аҳолининг аксариятини ташкил қилган қора танлилар бу ҳуқуқларнинг ҳар иккаласидан маҳрум килинди. Қонунда бир қанча резервациялар белгиланиб, улар африкаликлар учун “ватан” (Home-

lands) қилиб берилди. Бу ҳудудлар орасида Транскей ва Кискей ҳам бор эди. Кейинчалик уларни Бантустанлар деб атай бошладилар. Бу Жанубий Африкадаги апартеид тартибининг яна бир қисми эди. Шундай даъво қилиндики, гўё Жанубий Африкадаги қора танли кишилар аслида бу ҳудуднинг туб жой аҳолиси бўлмасдан, чамаси, минг йил муқаддам Шарқий Нигериядан кўчиб келган Банту қабиласининг авлоди экан. Шундай қилиб, улар европалик келгиндилар билан солиштирганда ерларга эгалик қилишда камроқ ҳуқуққа эга бўлишди.

16-харитада 1913 ва 1936 йиллардаги ер тўғрисидаги қонунлар орқали африкаликларга берилган арзимаган ер майдонлари кўлами тасвирланган. Унда, шунингдек, 1970 йилда Зимбабведа қўш иқтисодиёт яратиш вақтида юз берган бошқа бир ер ислоҳотида ерларнинг тақсимланишига оид маълумот ҳам мавжуд, бу ҳақда биз 13-бобда гаплашамиз.

1913 йилги қонунда, шунингдек, ижарачи деҳқонлардан ташқари қора танли чоракорлар ва ўзбошимча кўчманчиларнинг оқ танлилар ерларида ишлашини чеклаш ҳам назарда тутилганди. Бу бўйича маҳаллий аҳоли масалалари вазирынинг изоҳи қуйидагича бўлди:

Ушбу ҳужжатдан мурод келажакда европаликлар ва туб жой аҳолиси ўртасидаги ер ёки ердан олинган ҳосилга нисбатан шериклик характеридаги барча битимларга чек қўйиш эди. Маҳаллий аҳоли билан тузиладиган барча янги келишувлар фақат хизмат шартномалари бўлиши керак. Шундай турдаги ҳалол шартнома тузилгудай бўлса, иш берувчига маҳаллий ишчининг маошини натура кўринишида ёки ўз ерининг маълум бир қисмини деҳқончилик учун ижарага бериш орқали тўлашга тўсқинлик қиладиган ҳеч нарса йўқ. Лекин маҳаллий деҳқон ерга эгалик ҳуқуқи учун заминдорга пул тўлашга ҳақли эмас.



16-харита. Жанубий Африка ва Зимбабведа озчилик оқ танлилар тузуми африкаликларга ажратган ер майдонлари.

Академик тушунчалар шаклланаётган ҳамда Артур Льюиснинг ғоялари тарқала бошлаган 1950–1960 йилларда Жанубий Африкага сафар қилган тараккиёт муаммоларини ўрганувчи иқтисодчилар қора танлиларга ажратилган резервациялар ва оқ танли европаликлар эгалик қилган замонавий ривожланган иқтисодиёт ўртасидаги тафовутни кўриб, қўш иқтисодиёт назариясининг асл моҳиятини англагандай бўлдилар. Мамлакатнинг европаликларга ажратилган қисмида одамлар шаҳарларда яшар, яхши таълим олган ва замонавий технологиялардан фойдаланарди. Қора танлилар эса камбағал, қишлоқда яшар ва тараккиётдан қолиб кетган бўлиб, меҳнат унумдорлиги паст, аҳоли эса саводсиз эди. Манзара замондан орқада қолган, қоқ Африкани эслатарди.

Шунга қарамай, кўш иқтисодиёт табиий тарзда юзага келадиган ёки содир бўлиши табиий муқаррар ҳодиса эмасди. Уни Европа мустамлакачилари вужудга келтирди. Тўғри, резервациялар қашшоқ, технологик жиҳатдан қолоқ, аҳолиси саводсиз эди. Бироқ буларнинг барчаси Африканинг иқтисодий ўсишини куч билан тўхтатиб, европаликларнинг конлари ва ерларида ишлайдиган арзон, саводсиз африкалик ишчилар захирасини яратишга қаратилган ҳукумат сиёсати натижаси эди, холос. 1913 йилдан кейин жуда кўплаб африкаликлар европаликлар тўртиб олган ўз ерларидан ҳайдаб чиқарилиб, резервацияларга сургун қилинди. Уларга ажратилган ерлар тирикчиликка мустақил равишда пул топиш учун камлик қиларди. Шунинг учун ҳам, худди режадагидек, африкаликлар оқ танлиларни арзон ишчи кучи билан таъминлаб, уларнинг корхоналарида тирикчилик қилишга мажбур бўлди. Улардаги иқтисодий рағбатлар йўқ қилинган, аввалги 50 йилда эришилган ютуқлар ҳам барҳам топди. Агар аҳоли шу пайтгача деҳқончилик қилган бўлса, энди улар омовдан воз кечди ва кетмонлар билан ишлашга қайтди. Улар асосан арзон ишчи кучи ўлароқ мавжуд эди, холос. Зотан, резервациялар айнан шу мақсадда ташкил қилинган эди.

Нафақат иқтисодий рағбат йўқ қилинди, балки эндигина амалга оша бошлаган сиёсий ўзгаришлар ҳам орқага кетди. Сардорлар ва анъанавий пешволарнинг илгари заифлашган қудрати яна кучайтирилди, чунки ерга нисбатан хусусий мулкдорлик ҳуқуқини бекор қилиш арзон ишчи кучи яратиш лойиҳасининг бир қисми эди. Шу тариқа қабила етакчиларининг ер майдонлари устидан назорати қайта тикланди. Бу чекловлар 1951 йилда ҳукумат “Банту ҳокимияти тўғрисидаги қонун”ни қабул қилиши билан ўз чўққисига чиқди. 1940-йиллардаёқ Г. Финдлей бу масалага тўғри баҳо берганди:

Қабилавий эғалик қилиш шакли ердан ҳеч қачон унумли фойдаланилмаслиги ва ер амалда ҳеч қачон маҳаллий аҳолига тегишли бўлмаслигини таъминлайди. Арзон ишчи кучи учун арзон кўпайиш жойи бўлиши керак, шу боис бундай жой африкаликларга ўз ҳисобларидан берилади.

Африкалик деҳқонларни ердан маҳрум қилиш уларни оммавий қашшоқлаштирди. Бу билан нафақат қолоқ иқтисодиётнинг институционал пойдевори қурилди, балки қолоқликнинг давом этишини таъминлайдиган қашшоқ кишилар ҳам вужудга келтирилди.

Мавжуд далиллар “Маҳаллий аҳолининг ерлари тўғрисида”ги қонун қабул қилингандан кейин жанубий африкаликларнинг турмуш даражаси орқага кетганини кўрсатади. Транскей ва Кискей узоқ давом этган иқтисодий таназзулга юз тутди. Олтин қазиб олувчи компанияларнинг тарихчи Фрэнсис Уилсон тўплаган бандликка оид маълумотлари шуни кўрсатадики, инкироз бутун Жанубий Африка иқтисодиёти бўйлаб кенг тарқалган. Ер тўғрисидаги ва бошқа қонунлар қабул қилиниши ортидан, 1911–1921 йилларда кончиларнинг маошлари 30 фоизга камайган. 1961 йилда ҳам Жанубий Африка иқтисодиётининг нисбатан барқарор ўсишига қарамай, кончиларнинг иш ҳақи 1911 йилдагига нисбатан 12 фоиз кам эди. Бу давр ичида Жанубий Африка дунёдаги тенгсизлик даражаси энг юқори бўлган мамлакатга айланди.

Хўш, хаттоки шундай шароитда ҳам қора танли африкаликлар европача, замонавий иқтисодиётда ўрнини топиб, ўз бизнесини бошлаши ёки ўқимишли бўлиб, мавқеи ортиши мумкин эмасмиди? Гап шундаки, ҳукумат буларнинг ҳеч бири юз бермаслигини таъминлади. Ҳеч бир африкалик мамлакатнинг европаликларга ажратилган қисмида, яъни мамлакатнинг 87 фоиз ҳудуди жойлашган ерларда мулкка эга бўлиши ёки бизнес бошлаши

мумкин эмасди. Қолаверса, ўқимишли африкаликлар оқ танлиларнинг конлари ва экинзорлари учун арзон ишчи кучи бўлиш ўрнига улар билан рақобат қилиши мумкинлигини апартеид тузуми яхши англарди. Кончилик саноатида европаликлар учун алоҳида иш ўринларини ажратиш тизими 1904 йилдаёқ жорий қилинганди. Африкаликлар амалгаматор⁵, сифат назоратчиси, техник назоратчи, темирчи, дегрез, жез сайқалловчи, жез эритувчи, гишт терувчи, ёғочга ишлов берувчи уста каби касбларни эгаллаши мумкин эмасди ва бу рўйхат яна узоқ давом этарди. Битта қарор билан африкаликларга кон саноатидаги барча малакали касбларда ишлаш тақиқланди. Бу Жанубий Африкадаги тузумнинг ирқчиликка оид кўплаб ихтироларидан бири бўлган машхур “ранглараро тўсиқ”нинг илк кўриниши эди. Ранглараро тўсиқ 1926 йилда иқтисодиётнинг барча жабхаларига татбиқ қилинди ва 1980-йилларга қадар амалда бўлди. Қора танлиларнинг таълимдан четда қолганига ажабланмаса бўлади. Жанубий Африка давлати нафақат қора танлиларни таълим олишдан иқтисодий фойда олиш имкониятидан маҳрум қилди, балки уларнинг мактабларига маблағ сарфлашдан бош тортди ва таълим олишга бўлган иштиёқларини ҳам сўндириб қўйди. Бу сиёсат 1950-йилларда авжига чиқди, ўшанда 1994 йилгача давом этадиган апартеид тартибининг меъморларидан бири Хендрик Фервурд бошчилигидаги ҳукумат “Бантуларнинг таълим олиши тўғрисидаги қонун”ни қабул қилади. Бу қонуннинг асл мақсади Фервурд томонидан 1954 йилги нуткида қўпол тарзда баён қилинганди:

Бантуга у ҳар жиҳатдан ўз жамоасига хизмат қилиши учун йўл-йўриқ кўрсатилиши лозим. Европа жамиятида унга меҳнатнинг маълум даражадаги шаклларида юқориқроқ ўрин йўқ. Шу сабабли унинг европаликлар жамиятига мослашишига мўлжаллан-

⁵ Металлни сирловчи (металлнинг симоб билан қоришмасини тайёрловчи) ишчи

ган таълим олишига йўл қўймаслик керак, зеро у бу жамиятга қўшила олмайди ва қўшилиши ҳам мумкин эмас.

Табиийки, Фервуднинг нутқида ифодаланган қўш иқтисодиёт тушунчаси Льюиснинг назариясидан анча фарқ қилади. Жанубий Африкадаги қўш иқтисодиёт ривожланиш жараёнининг муқаррар натижаси эмас эди. Уни давлат юзага келтирди. Мамлакатда иқтисодиёт тараккий этиши билан камбағал аҳолини қолоқликдан замонавий секторга ўтказиш учун қатъий ҳаракат кузатилмади. Аксинча, бир тарафнинг муваффақияти қолоқликка маҳкум қилинган иккинчи томоннинг мавжудлигига асосланди ва оқ танли иш берувчилар учун қора танли малакасиз ишчиларга жуда кам иш ҳақи тўлаш орқали катта даромад олиш имконияти яратилди. Жанубий Африкада Льюиснинг назариясида қайд этилган фикрдан фарқли ўларок, анъанавий сектордаги малакасиз ишчилар аста-секин билим ва малакага эга бўлмади. Дарҳақиқат, оқ танлилар рақобатга дуч келмаслиги ва юқори маош олиши учун қора танлилар атайин таълим олишдан саклаб турилди ва юқори малакали ишлардан четлатилди. Улар анъанавий иқтисодга асосланган резервацияларда “тутиб турилди”. Аммо бу иқтисодий ўсиш орқали ҳал қилинадиган ривожланиш муаммоси эмасди. Айнан резервациялар “оқ танлилар иқтисоди” тараккиётини таъминлаганди.

Яна бир ҳайратланмаса ҳам бўладиган жиҳат шундаки, Жанубий Африкада оқ танлилар эришган иқтисодий ўсишнинг кўлами чекланган эди. Чунки бу тараккиёт оқ танлиларнинг қора танлиларни эксплуатация қилиш учун ўрнатган экстрактив институтларига асосланганди. Оқ танлилар мулк ҳуқуқига эга эдилар, уларнинг таълим олиши учун пул сарфланарди, улар олтин ва олмосларни казиб олиш ҳамда дунё бозорларида даромадли нарх-

ларда сотиш имконига эга бўлдилар. Аммо мамлакат аҳолисининг 80 фоиздан кўпроғи фойдали иқтисодий фаолият турларининг аксариятидан четлатилди ва бундай ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. Қора танлилар ўз истеъдодларидан фойдалана олмасди; улардан малакали ишчилар, ишбилармонлар, тадбиркорлар, муҳандислар ёки олимлар чиқиши мумкин эмас эди. Иқтисодий институтлар эса экстрактив бўлиб, оқ танлилар қора танлиларнинг ҳисобига бойирди. Чиндан ҳам, оқ танли жанубий африкаликларнинг турмуш даражаси Ғарбий Европа мамлакатлари аҳолисиники билан тенг бўлгани ҳолда, мамлакатнинг қора танли аҳолиси тропик Африканинг қолган мамлакатлари аҳолиси билан бирмунча бойроқ эди, холос. Олтин ва олмосдан келадиган даромад ошиб борар экан, фақат оқ танлилар фойда кўрадиган, бунёдкор бузғунчиликсиз иқтисодий ўсиш давом этди. Аммо 1970-йилларга келиб, иқтисод ўсишдан тўхтади.

Шу билан бирга, мазкур экстрактив иқтисодий институтлар ҳаддан ташқари экстрактив бўлган сиёсий институтлар ўрнатган пойдевор устига қурилганига ажабланмаса ҳам бўлади. Жанубий Африка Республикасидаги барча ҳокимият оқ танлилар қўлида тўпланган, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи фақат оқ танлиларга берилган сиёсий тузум 1994 йилда кулади. Унгача оқ танлилар полицияни, армияни ва барча сиёсий институтларни назорат қиларди. Бу институтларни оқ танли мустамлакачиларнинг ҳарбий бошқаруви шакллантирганди. Жанубий Африка иттифоқи ташкил этилган 1910 йилда Озод Оранж давлати ва Трансваал каби африканерлар қурган давлатларда сайлаш ҳуқуқи очикойдин ирқчиликка асосланган бўлиб, қора танлилар сиёсий жараёнлардан бутунлай четлатилганди. Натал провинцияси ва Кап мустамлака ҳудудида етарли миқдорда мулкка эга бўлган қора танлиларга сайловда иштирок этиш

хукуки берилган бўлса-да, одатда улар бунча катта мулкка эга бўлмасди. Натал ва Капдаги вазият 1910 йилдан кейин ҳам сақлаб қолинди, аммо 1930-йилларга келиб, Жанубий Африканинг барча вилоятларида қора танлилар сайлаш ҳукукидан маҳрум қилинди.

Жанубий Африкадаги қўш иқтисодиёт 1994 йилда ниҳоясига етди. Аммо бу сэр Артур Льюис илгари сурган тарзда рўй бермади. Иқтисодий тараққиётнинг одатий ривожи ирқлараро тўсиқ ва резервацияларга чек қўя олмади. Балки Жанубий Африканинг қора танли аҳолиси уларнинг бирламчи ҳуқуқларини тан олмаган ва иқтисодий ўсишнинг ютуқларини улар билан баҳам кўрмаган тузумга норозилик билдириб қарши чикди. 1976 йилги Соуэто исёнидан кейин намоёнлар янада яхшироқ ташкиллаштириладиган, янада кучлироқ чиқадиган бўлиб, алалоқибат апартеид тартиби ағдариб ташланди. Қаршилиқ ҳаракатини ташкиллаштирган ва ҳуқуматга қарши чиққан қора танли аҳолининг кучи билан охир-оқибат Жанубий Африкадаги қўш иқтисодиётга барҳам берилди. Ўз навбатида, уни Жанубий Африканинг оқ танли аҳолиси кўлида бўлган сиёсий ҳокимият юзага келтирганди.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОРҚАГА КЕТИШИ

XIX-XX асрларда баъзи мамлакатлар саноат инкилобидан, у олиб келган технологиялар ва бошқарув усулларидан фойдалана олгани, бошқалар эса бунинг удасидан чиқа олмагани туфайли бугун жаҳонда тенгсизлик мавжуд. Технологик ўзгаришлар фақат тараққиётнинг локомотивларидан бири ҳисобланиб, лекин айни пайтда улар орасида энг муҳимидир. Янги технологиялардан фойдаланмаган мамлакатлар тараққиётнинг бошқа механизмларидан ҳам фойда топмади. Ушбу ва олдинги бобда кўрганимиздек, бу муваффақиятсизлик уларнинг экстрактив институтлари туфайли мамлакатда мустабид

тузум ҳокимиятининг давом этиши ёки марказлашган давлатларнинг йўқлиги билан боғлиқ эди. Аммо ушбу бобда кўриб чиқилган бир қатор мисоллардан маълумки, айнан Европанинг иқтисодий равнақига сабаб бўлган жараёнлар, яъни Европанинг тижорий ва истилочилик юришлари бу мамлакатлардаги қашшоқликнинг асоси бўлган экстрактив институтларнинг ўрнатилишига ёки энг камида уларнинг мустаҳкамланишига олиб келди. Аслида, Европа мустамлака империяларининг рентабеллиги кўпинча бутун дунё бўйлаб мустақил давлатлар ва маҳаллий иқтисодиётларни йўқ қилишга ёки экстрактив институтларни янгидан ташкил қилишга асосланганди. Масалан, европаликлар Кариб оролларида маҳаллий аҳолини деярли бутунлай йўқ қилиб, африкалик қулларни олиб келди ва плантация тизимини курди.

Агар Европа босқини бўлмаганда, Банда ороллари, Аче ва Бирмадаги (Мьянма) мустақил шаҳар-давлатлар қайси йўлдан ривожланган бўлиши мумкинлигини билишнинг бугун иложи бўлмасди. Бу давлатларда ўзларига хос Шонли инкилоб юз бериши ёки зиявор ва бошқа кимматбаҳо маҳсулотлар савдоси ўсиши туфайли янада инклюзивроқ бўлган сиёсий ва иқтисодий институтлар сари қадам ташланиши мумкин эди. Аммо бу имкониятни Ҳолландия “Ост-Индия”си йўқ қилди. Маҳаллий аҳолини қатлиом қилиш орқали компания Банда оролларидаги тараққиёт учун ҳар қандай умидга чек қўйди. Ҳолландлар истилоси хавфи Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа кўплаб шаҳар-давлатларни савдо-сотикдан юз буришга мажбур қилди.

Осиёдаги энг қадимги тамаддунлардан бири – Ҳиндистоннинг тақдири ҳам Жануби-Шарқий Осиё давлатлариники билан бир хил бўлди, фақат унинг тараққиётини ҳолландлар эмас, британияликлар ортга сурди. XVIII асрда Ҳиндистон дунёдаги энг йирик тў-

кимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи эди. Ҳиндистоннинг чит ва муслин матолари Европа бозорларини тўлдирар, бутун Осиё қитъаси бўйлаб, ҳатто Шарқий Африка бозорларида ҳам сотиларди. Уларни Британия оролларига етказиш билан шуғулланадиган асосий таъминотчи эса Англиянинг “Ост-Индия” компанияси эди. Ҳолланд “Ост-Индия”сидан икки йил бурун – 1600 йилда ташкил топган инглиз “Ост-Индия”си XVII асрни Ҳиндистондан экспорт қилинадиган қимматбаҳо моллар устидан монополия ўрнатишга сарфлади. Инглиз компанияси Гоа, Читтагонг ва Бомбейда ўрнашган португаллар ҳамда Пондичерри, Чандранагар, Янам ва Карайкалда жойлашган французлар билан курашишга мажбур бўлди. 7-бобда кўрганимиздек, Шонли инқилоб “Ост-Индия” компанияси учун бошоғрик бўлди. Стюартлар сулоласи тортиқ қилган монополияга эга компания 1688 йилги инқилобдан кейин ҳеч қанча вақт ўтмай, муаммоларга дуч келди ва шундан 10 йил ўтиб монополия бекор қилинди. “Ост-Индия”нинг монопол ҳуқуқни йўқотиши оқибати қандай бўлганини, Британия текстилчилари парламент ёрдамида “Ост-Индия”га энг кўп даромад келтирадиган товар – чит маҳсулотлари импортига тақиқ қўйишга эришганини аввалги бобларда кўргандик. XVIII асрда Роберт Клайв раҳбарлигида компания ўз иш стратегиясини ўзгартириб, континентал империя ташкил қилишни бошлади. Бу пайтда Ҳиндистон бир қанча ўзаро рақиб майда давлатларга ажралган бўлиб, улардан аксарияти пойтахти Дехли бўлган бобурий султонга номигагина итоат қиларди. “Ост-Индия” компанияси ўз мустамлакасини даставвал Шарқда – Бенгалияда, 1757 йилги Плассей ва 1764 йилги Бихар жанглирида маҳаллий кучларни мағлуб этиб кенгайтиришни бошлади. Компания маҳаллий бойликларни талон-тарож қилиб, Ҳиндистондаги бобурий


хукмдорларнинг экстрактив солиқчилик институтларини нафақат қўлга олди, ҳатто уларни янада мустаҳкамлади. Империянинг кенгайиши эса ҳинд тўқимачилик саноатининг кескин қисқариши билан бир вақтга тўғри келди, чунки Британияда бу товарлар учун энди бозор йўқ эди. Иктисодий қисқариш шаҳарларнинг йўқолиши билан бирга юз бериб, қашшоқликнинг ортишига олиб келди. Бу жараён Ҳиндистонда узоқ давом этган иктисодий таназзул даврини бошлаб берди. Кўп ўтмай, ҳиндлар тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўрнига уларни Британиядан сотиб оладиган бўлди ва Хитойда сотиш учун “Ост-Индия” компаниясига қорадори етиштириб беришга ўтди.

Атлантикадаги кул савдоси туфайли Африкада ҳам худди шу сценарий такрорланди, фақат Африкадаги ривожланиш даражаси Жануби-Шарқий Осиё ва Ҳиндистонга караганда пастроқ эди. Африканинг кўплаб давлатлари европаликлар учун кулларни қўлга олиш ва сотиш илинжидаги уруш машиналарига айлантирилди. Турли-туман давлатлар ва қабилалар ўртасидаги зиддиятлар доимий урушга айланиб бораркан, сиёсий марказлашишнинг муайян даражасига эриша олмаган кўплаб мамлакатларда давлат институтлари парча-парча қилиниб, биз кейинроқ ўрганадиган барқарор экстрактив институтлар ҳамда бугунги қоқ давлатлар шаклланиши учун йўл очилди. Африканинг Жанубий Африка каби кул савдосидан ўзини четга олган айрим жойларида эса европаликлар ўзларининг конлари ва ер майдонлари учун арзон ишчи кучи захирасини яратишга мўлжалланган бошқача шаклдаги институтларни ташкил қилдилар. Жанубий Африкада давлат аҳолининг 80 фоизини малакали касблар, тижорий деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишдан тўсиб, қўш иктисодиётни яратди. Буларнинг барчаси саноатлашиш дунёнинг кўп

жойларини нега четлаб ўтганини изоҳлабгина қолмай, балки айрим ҳолларда иқтисодий тараққиёт маҳаллий ёки халқаро иқтисодиётнинг бир қисмида қолоқликни кучайтириши ва ҳатто унинг ўзи қолоқликни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам кўрсатади.

10

ФАРОВОНЛИКНИНГ
КЕНГАЙИШИ



ЎҒРИЛАР ОРАСИДАГИ ШАРАФ

XVIII асрда Англия (тўғрироғи, 1707 йилда Англия, Уэльс ва Шотландия иттифоқидан пайдо бўлган Буюк Британия)да жиноятчиларга нисбатан “кўздан нари – кўнгилдан нари, демак, муаммолардан ҳам нари” қабилида иш тутиллар, яъни аксарият жиноятчилар империянинг жазо колонияларига сургун қилинарди. АҚШдаги мустақиллик урушидан олдин аксарият маҳкумлар Америкадаги мустамлакаларга юбориларди. 1783 йилдан бошлаб, мустақил Америка штатлари британиялик маҳкумларни қабул қилмай қўяди ва Британия ҳукумати уларни жойлаштириш учун бошқа ер излашга мажбур бўлади. Аввалига, улар Ғарбий Африкани мўлжал қилдилар. Аммо безгак ва сариқ иситма каби европаликларда иммунитет шаклланмаган маҳаллий касалликлар кенг тарқалган иқлим шароити шунчалик хатарли эдики, ҳукумат ҳатто маҳкумларни ҳам “оқ танлилар қабристонига”га юборишга йўл қўйиб бўлмади, деган қарорга келди. Уларнинг кейинги варианты Австралия бўлди. Янги қитъанинг шарқий соҳилларини буюк денгиз сайёҳи Жеймс Кук ўрганган бўлиб, 1770 йилнинг 29 апрель кунини Кук бошчилигидаги экипаж кўркам бир кўрфазга етиб боради. Бу жой экипаж таркибида саёҳат қилган табиатшунослар томонидан аниқланган ранг-баранг ўсимликларга бойлиги туфайли “Ботаника кўрфази” номини олади. Кўрфаз Британия ҳукумати амалдорлари излаган айни боп жой эди. Худуднинг иклими мўътадил бўлиб, унинг жойлашган ўрни улар тасаввур қилгандек кўздан ҳам, кўнгилдан ҳам нари эди.

Маҳкумлар ортилган, капитан Артур Филлип бошчилигидаги 11 кемадан иборат денгиз флоти 1788 йилнинг январида Ботаника кўрфази сари яқинлашиб келарди. 26 январда улар ҳозирги Сидней шаҳрининг маркази бўлган Сидней кўрфазига жойлашади. Бу кун

ҳозирда “Австралия кунӣ” сифатида нишонланади. Улар мустамлакани Янги Жанубий Уэльс деб номладилар. Флот таркибидаги капитан Дункан Синклер раҳбарлик қилган “Александр” кемаси бортида эр-хотин маҳкумлар – Ҳенри ва Сюзанна Кейбл ҳам бор эди. Сюзанна Англияда ўғрилиқда айбдор деб топилиб, дастлаб ўлимга ҳукм қилинганди. Кейинроқ жазо Америкага 14 йиллик сургунга алмаштирилди. Мазкур режа АҚШнинг мустақилликка эришиши туфайли амалга ошмай қолди. Бу орада Сюзанна Норвич қалъасидаги қамоқхонада Ҳенри исмли маҳбусни учратиб, унга кўнгили қўйди. 1787 йилда уни Австралиядаги янги маҳкумлар колониясига жўнатиш учун янги китъага жўнайдиган биринчи флот таркибига олишди. Ҳенри эса Англияда қолиши керак эди. Бу пайтга келиб, улар ўғиллик бўлиб, исмини Ҳенри қўйгандилар. Оила парчаланиш хавфи остида қолди. Сюзаннани Темза дарёсидаги маҳбуслар кемасига олиб кетишди, бу қайғули воқеага оид гап-сўзлар ёйилиб, саховатпеша Леди Кадоганнинг қулоғига етиб борди. Леди Кадоган Кейбллар оиласини қайта бирлаштириш кампаниясини ташкил қилди. Шундай қилиб, эр-хотин гўдак фарзандлари Ҳенри билан Австралияга йўл олди. Леди Кадоган, шунингдек, ёш оилага керакли буюмлар сотиб олиши учун – улар бу нарсаларни Австралияда олишлари мумкин эди – 20 фунт йиғиб беришга ҳам муваффақ бўлди. Улар “Александр” кемасида сафарга чиқдилар. Аммо Ботаника кўрфазига етиб борганда, уларга берилиши керак бўлган буюмлар йўқолгани маълум бўлади, ҳар ҳолда капитан Синклер уларга шундай деганди.

Кейбллар нима ҳам қила оларди? Англия, тўғрироғи, Британия қонунларига кўра, ҳеч нарса қила олмасди. Гарчи 1787 йилда Британияда инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар мавжуд бўлса-да, инклюзивлик маҳбусларга нисбатан қўлланилмас, улар амалда ҳуқук-

лардан маҳрум эди. Уларда мулкка эгалик қилиш ёки бировни судга бериш ҳуқуқи йўқ эди. Улар ҳаттоки судда гувоҳлик ҳам беролмасдилар. Синклер эса буни яхши билар ва, эҳтимол, юкларни ўмарганди. Гарчи у ўғрилиқни ҳеч қачон тан олмаган бўлса-да, Кейбллар уни судга беролмаганлари билан мақтаниб юрди. Британия конунлари бўйича у ҳақ эди ва Британияда иш шу билан битган бўларди. Аммо Австралияда ундай бўлмади. Мустамлаканинг ҳарбий судяси Девид Коллинзга қуйидаги даъво аризаси топширилди:

Бу ерга янги кўчиб келган Ҳенри Кейбл ва унинг рафиқаси Англияни тарк этишдан олдин кийимлар ва бошқа зарур буюмлардан иборат юк Дункан Синклер бошқарувидаги “Александр” кемасига топширилган. Бу буюмлар юқорида тилга олинган Ҳенри Кейбл, унинг рафиқаси ва фарзанди учун кўплаб саховатпеша ва хайрихоҳ кишилар томонидан тўпланган ва уларнинг ҳисобидан сотиб олинган эди. Айни пайтда бандаргоҳда бўлган “Александр” кемаси хўжайинидан қайд этилган юкни зудлик билан қайтариб олиш мақсадида қилинган мурожаатлар, юкнинг бир неча китобдан иборат бўлган кичик бир қисмини ҳисобга олмаганда, натижа бермаган. Юкнинг қиймати анча баландроқ бўлган қолган қисми ҳали ҳам “Александр” кемаси бортида бўлиб, кема хўжайини юкни тегишли тарзда юқорида қайд этилган эгаларига етказиб бериш вазифасига совуққонлик билан қарамоқда.

Ҳенри ва Сюзанна саводсиз бўлганлари туфайли аризани имзолай олмай, мурожаат остига “х” белгисини кўйиш билан кифояландилар. Кейинчалик “бу ерга янги кўчиб келганлар” жумласининг устидан чизиб кўйилган бўлса-да, бу сўзларнинг аҳамияти катта эди. Аризада Ҳенри Кейбл ва унинг рафиқаси маҳкум сифатида кўрсатиладиган бўлса, даъво кўриб чиқилмаслигини кимдир олдиндан тахмин қилгани аниқ. Кимдир уларни

янги кўчиб келганлар деб аташни маъқул топган. Судя Коллинс учун буни қабул қилиш малол келган ва катта эҳтимол билан судянинг ўзи ўша жумланинг устидан чизиб кўйган бўлса керак. Шунга қарамай, муружаат иш берди. Коллинс бу даъвони эътиборсиз қолдирмади ва суд мажлисини чақирди. Ҳакамларнинг ҳаммаси ҳарбийлар эди. Синклер судга чақирилди. Коллинс бу ишда ташаббус кўрсатмаган, ҳакамлар ҳайъати эса Австралияга Кейблларга ўхшаш маҳкумларни кўриқлаш учун юборилган нозирлардан иборат бўлса ҳам, Кейбллар оиласи ютиб чиқди. Синклер Кейблларнинг жиноятчи эканини рўқач қилиб, ҳукми бекор қилишга ҳаракат қилди. Бироқ ҳукм ўз ўрнида қолдирилди ва Синклер 15 фунт жарима тўлашга мажбур бўлди.

Суд ҳукмини чиқариш учун Коллинс Британия қонунларини кўлламайди; судя уларни мутлақо эътиборга олмайди. Бу Австралияда кўриб чиқилган биринчи фуқаролик иши эди. Биринчи жиноий иш ҳам Британиядагилар учун жуда ғалати кўринган бўларди. Маҳкумлардан бири бошқа маҳкумнинг икки пенс турадиган нонини ўғирлашда айбдор деб топилди. Ўша пайтда маҳкумларда бирор нарсага эғалик қилиш ҳуқуқи бўлмагани учун бундай иш судда кўрилмаслиги керак эди. Аммо Австралия Британия эмас эди, унинг қонунлари эса Британия қонунларидангина иборат эмасди. Тез орада жиноят ва фуқаролик қонунчилигида, шунингдек, кўплаб иқтисодий ва сиёсий институтлар борасида Австралия Британиядан ажрала бошлади.

Янги Жанубий Уэльс жазо колонияси даставвал маҳкумлар ва уларнинг кўриқчилари бўлган ҳарбийлардан ташкил топганди. 1820-йилларгача Австралияда “эркин кўчиб келганлар” ҳали озчилик эди. Янги Жанубий Уэльсда 1840 йилгача, Ғарбий Австралияда эса 1868 йилгача маҳкумларни кўчириб келтириш давом этди. Маҳкумлар мажбурий меҳнатнинг бир кўриниши бўлган

“мажбурий вазифа”ни бажаришлари лозим бўлиб, кўриқчилар бундан даромад топиши кўзланган эди. Дастлаб маҳкумларга маош тўланмасди. Меҳнатлари эвазига уларга фақат озиқ-овқат бериларди. Улар етиштирган барча маҳсулот эса кўриқчиларга қоларди. Аммо “Виржиния” компанияси билан Жеймстаунда бўлгани каби бу тизим самара бермади. Чунки маҳкумларда астойдил меҳнат қилиш ва яхши ишлашга рағбат йўқ эди. Улар Австралиянинг шарқий қирғоқларидан минг мил узоқликда – Тинч океанида жойлашган, майдони 13 квадрат мил бўлган Норфолк оролига ташлаб кетиларди. Аммо на ташлаб кетиш, на қамчилаш иш бермагач, маҳкумларни ишлатишнинг бошқа йўли уларни рағбатлантириш бўлиб қолди. Бироқ аскар ва кўриқчиларга бу фикр мутлақо ёт эди. Маҳкумлар ўз меҳнати учун ҳақ олиши ёки мулкка эгалик қилиши табиий ҳол эмас эди. Аммо Австралияда маҳкумлардан яна бир ишлайдиган ҳеч ким йўқ эди. Тўғри, у ерда қитъанинг туб аҳолиси – аборигенлар бўлиб, Янги Жанубий Уэльс ташкил қилинган вақтда уларнинг сони тахминан бир миллионни ташкил қиларди. Бироқ улар бепоён қитъа бўйлаб тарқалиб кетганди. Янги Жанубий Уэльсдаги аборигенлар сони уларнинг меҳнатини эксплуатация қилишга асосланган иқтисодий тартиб ўрнатиш учун камлик қиларди. Австралияда Лотин Америкасидаги имкониятлар йўқ эди. Шунинг учун кўриқчилар охиروқибат ҳаттоки Британиядан ҳам инклюзивроқ бўлган институтлар сари одим ташладилар. Маҳкумларга бир қатор вазифаларни бажариш мажбурияти қўйилди; ундан ортган вақтларида эса улар ўзлари учун ишлаб, ишлаб чиқарган нарсаларини сотишлари мумкин эди.

Маҳкумларнинг янги иқтисодий эркинликларидан кўриқчилар ҳам манфаатдор бўлди. Ишлаб чиқариш кўпайиб, кўриқчилар маҳкумларга мол сотиш учун монополиялар ўрнатадилар. Улар орасида энг сердаромад

фаолият тури – ром савдоси эди. Ўша пайтлар бошқа Британия мустамлакалари сингари Янги Жанубий Уэльс ҳам Британия ҳукумати томонидан тайинланадиган губернатор томонидан бошқариларди. 1806 йилда Уильям Блай губернаторликка тайинланади. У 17 йил бурун – 1789 йилда юз берган машҳур “Баунти исёни” вақтида “Баунти” кемаси капитани бўлганди. Блай ўта қаттиққўл раҳбар эди – эҳтимол, унинг айнан шу хусусияти кемадаги ғалаёнга сабаб бўлгандир. Ўтган вақт давомида Блайнинг бошқарув услуби ўзгармаган бўлиб, у дарҳол ром монополистларига қарши кураш бошлайди. Бу эса яна бир ғалаёнга туртки беради. Бу сафар исёни собиқ ҳарбий Жон Макартур бошчилигидаги монополистлар кўтарди. Ғалаён “Ромчилар исёни” номини олди. Воқеалар ривожини шундай бўлдики, исёнчилар Блайни кулатди, фақат бу сафар кемада эмас, куруқликда юз берди. Макартур Блайни қамаб қўяди. Шундан сўнг Британия ҳукумати исёни бостириш учун кўпроқ аскар юборади. Макартур қўлга олиниб, Британияга олиб кетилади. Аммо у тез орада озодликка чиқади ва Австралияга қайтиб келиб, мустамлаканинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

“Ромчилар исёни”нинг илдизлари иқтисодий эди. Маҳкумларни рағбатлантириш стратегияси Австралияга 1790 йилда иккинчи гуруҳ таркибида аскар сифатида келган Макартур кабиларга катта даромад келтирганди. 1796 йилда Макартур тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ҳарбий хизматдан бўшайди. Бу пайтга келиб, у ўзининг биринчи қўй подасига эга бўлган, қўйчилик ва жун экспорти билан шуғулланиш энг сердаромад ишлигини англаб етган эди. Сиднейдан қитъа ичкарасига қараб юрилганда Мовий тоғлар қад кўтариб турар, унинг ортидаги бепоён ялангликда кенг яйловлар ястаниб ётарди. Тоғнинг нариги тарафига 1813 йилда етиб боришга муваффақ бўлинди. Бу яйловлар қўйлар учун

гўё Сусамбил эди. Тез орада Макартур Австралиядаги энг бадавлат одамга айланди. Макартур ва бошқа қўйчи бойлар “сквотерлар” (инглизча “*Squatters*” – ердан ноқонуний равишда фойдаланувчи киши) номи билан танилди, негаки улар қўйларини ўтлатадиган ўтлоқлар ўзлариники бўлмасдан, Британия ҳукуматига тегишли эди. Бироқ дастлаб бу арзимас тафсилот деб ҳисобланганди. Бора-бора қўйчи бойлар Австралия элитасига айланди, тўғрироғи, сквотократия – қўйчилар ҳукмронлиги юзага келди.

Янги Жанубий Уэльсда қўйчилар ҳукмронлиги шаклланганига қарамай, бу ердаги вазият Шарқий Европа ёки Жанубий Америкадаги мустамлакаларда мавжуд мустабид тузумлардан тубдан фарқ қиларди. Бу ерда Австрия-Венгрия ва Россиядан фарқли ўларок, крепостнойлар ҳам, Мексика ва Перудан фарқли, эксплуатация қилиш мумкин бўлган кўп сонли маҳаллий қабилалар ҳам йўқ эди. Янги Жанубий Уэльс кўп жиҳатдан Виржиниядаги Жеймстаунга ўхшарди. Шундай қилиб, элита охир-оқибат Австрия-Венгрия, Россия, Мексика ва Перудагига қараганда анча инклюзивроқ бўлган иқтисодий институтлар ўз манфаатига мос келишини англади. Маҳкумлар ягона ишчи кучи манбаи бўлиб, уларни рағбатлантиришнинг ягона усули уларга меҳнати учун ҳақ тўлаш эди.

Тез орада маҳкумларга тадбиркорлик билан шуғулланиш ва бошқа маҳкумларни ишга ёллашга руҳсат берилди. Аҳамиятли томони шундаки, жазо муддати тугаганидан кейин уларга ҳаттоки ер ҳам берилиб, барча ҳуқуқлари тикланди. Айрим собиқ маҳкумлар, жумладан, саводсиз Ҳенри Кейбл ҳам бойишни бошлади. 1798 йилга келиб, унинг “Иргиган от” номли меҳмонхонаси ҳамда дўкони бор эди. Кейин эса у кема сотиб олиб, денгиз мушуги (тюлень) териси савдосига киришди. 1809 йилга келиб, унинг камида тўққизта фер-

маси, тахминан 470 акрлик ери, шунингдек, Сиднейда бир қанча дўконлари ва уйлари бор эди.

Янги Жанубий Уэльсдаги навбатдаги ихтилоф элита ва жамиятнинг қолган қатламлари – маҳкумлар, собиқ маҳкумлар ва уларнинг оилалари ўртасида бўлди. Собиқ ҳарбийлар бошчилик қилган элита таркибида жун саноати гуллаб-яшнаши туфайли Австралияга кўчиб келган эркин кишилардан ҳам вакиллар бор эди. Мол-мулкнинг катта қисми ҳанузгача элита кўлида бўлиб, собиқ маҳкумлар ва уларнинг авлодлари мустамлакага янги маҳкумлар келтиришга чек қўйишни, ўзларидан чиққан ҳакамлар ҳайъати томонидан суд қилиниш ҳуқуқи ва текинга ер эгаси бўлишни хоҳлардилар. Элита эса буларнинг ҳаммасига қарши чиқди. Уларнинг асосий мақсади ўзлари эгаллаб олган ерларга конуний ҳуқуқларни қўлга киритишдан иборат эди. Австралияда ҳам икки асрдан кўпроқ вақт муқаддам Шимолий Америкада юз берган ҳодисаларга ўхшаш вазият юзага келганди. 1-бобда кўрганимиздек, Мэриленд ва Каролинадаги курашлар туфайли ёлланма ишчилар “Виржиния” ширкати устидан ғалаба қозонганди. Шимолий Америкадаги лорд Балтимор ва сэр Антони Эшли-Купернинг ролини Янги Жанубий Уэльсда Макартур ва бошқа кўйчи бойлар ўйнади. Британия ҳукумати бу сафар ҳам элитанинг тарафини олди, ўз навбатида, ҳукумат Макартур ва кўйчи бойлар бир кун мустақиллик эълон қилиш ҳаракатига тушиб қолишидан ҳам хавотирда эди.

1819 йилда Британия ҳукумати мустамлакадаги ўзгаришларни тафтиш қилиш учун у ерга Жон Бигге бошчилигидаги комиссияни юборди. Бигге мустамлакадаги маҳкумлар фойдаланаётган эркинликлар ва жазо колониясидаги иктисодий институтларнинг инклюзив тузилишидан ҳайратга тушди. У маҳкумларни ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, уларга меҳнати учун ҳақ тўлашни бекор қилиш, маҳкумларни

афв этишни чеклаш, собиқ маҳкумларга ер бермаслик, янада шафқатсизроқ жазоларни қўллаш каби кескин ўзгаришларни таклиф қилди. Жон Бигге қўйчи бойларни Австралиянинг табиий аристократияси деб билади ва ўлкани айнан улар бошқаришини кўзда тутган эди. Аммо ундай бўлмади.

Бигге ҳаммасини эски замонларга қайтаришга уринаётган бир пайтда, собиқ маҳкумлар ва уларнинг фарзандлари янада кўпроқ ҳуқуқларни талаб қилаётгандилар. Энг муҳими, худди АҚШда бўлгани сингари улар бир нарсани англаб етган эди: иктисодий ва сиёсий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлаш учун қарорлар қабул қилиш жараёнида уларнинг иштирокини таъминлайдиган сиёсий институтлар бўлиши шарт. Улар овоз беришда ҳамма тенг ҳуқуқли бўлган сайловлар ҳамда ўзлари ҳам сайланишлари мумкин бўлган вакиллик органлари ва кенгашлар ташкил қилишни талаб қилардилар.

Собиқ маҳкумлар ва уларнинг фарзандлари етакчиси атоқли ёзувчи, тадқиқотчи ва журналист Уильям Уэнтворт эди. Уэнтворт Мовий тоғларни ошиб ўтиб, қўйчилар учун бепоён яйловларни топган биринчи экспедиция етакчиларидан бўлиб, кейинчалик шу тоғда барпо этилган шаҳар унинг номи билан аталди. Уильям Уэнтвортнинг маҳкумларга хайрихоҳлиги, афтидан, ўз отаси туфайли бўлиб, у Англияда қарокчиликда айбланиб қамокқа олинган ҳамда қамок ўрнига Австралияга сургун қилинишга рози бўлган эди. Уэнтворт янада инклюзивроқ институтлар, сайланадиган кенгаш тузиш, собиқ маҳкумлар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳакамлар ҳайъати орқали суд ҳуқуқи ҳамда Янги Жанубий Уэльсга маҳкумлар келтиришни тугатиш каби масалаларни дадил кўтариб чикарди. Уэнтворт ташкил қилган “Australian” (“Австралиялик”) номли газета мавжуд сиёсий институтларнинг етакчи танқидчисига айланди. Аммо Макатурга Уэнтворт ҳам, у талаб қилаётган ўзгаришлар

ҳам маъқул келмади. У Уэнтвортнинг тарафдорлари рўй-хатини ўрганиб чикиб, уларни қуйидагича таърифлади:

*“бу ерга келиши билан осийшга ҳукм қилинган;
бир неча марта қамчиланган;
лондонлик яҳудий;
лицензиядан маҳрум қилинган яҳудий майхона эгаси;
қул савдоси билан шугуллангани учун сургуи қилинган
кимошди савдогари;
бу ерда кўп марта қамчиланган;
икки маҳкумнинг ўғли;
қарзга ботган фирибгар;
америкалик қаллоб;
обрўйи бир пул адвокат;
музиқа дўкони касод бўлган нотаниш кимса;
икки маҳкумнинг қизига уйланган;
доирачи қиз бўлган собиқ маҳкум билан турмуш
қурган...”*

Аммо Макартур ва сквотерларнинг кучли қаршилиги Австралиядаги норозилик тўлқинини тўхтата олмади. Вакиллик органларига талаб кучли бўлиб, уни бос-тиришнинг иложи йўқ эди. 1823 йилгача Янги Жанубий Уэльсни губернатор ўзи истаганча бошқарарди. Ўша йили Британия ҳукумати томонидан тайинланадиган кенгаш ташкил қилиниши билан губернаторнинг ваколатлари чекланди. Аввалига кенгаш аъзолари сквотерлар ва қамалмаган элита орасидан тайинланар, Макартур ҳам улар орасида эди. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмади. 1831 йилда губернатор Ричард Бурк босимларга ён бериб, биринчи марта собиқ маҳкумларга суд хайъати таркибига киришга рухсат берди. Собиқ маҳкумлар ва кўшлаб янги кўчиб келганлар ҳам Британиядан маҳкумларни олиб келиш тўхтатилишини истарди, чунки маҳкумлар меҳнат бозорида рақобатни юзага келтирар, иш ҳақини пасайтирарди. Сквотерлар эса маошлар паст бўлишидан манфаатдор эдилар, аммо бу сафар улар

ютказди. 1840 йилда Янги Жанубий Уэльсга маҳкумларни ташиш тўхтатилди, 1842 йилда эса қонун чиқарувчи кенгаш тузилди, унинг аъзоларининг учдан икки қисми сайланарди (қолганлари эса тайинланарди). Энди собиқ маҳкумлар, агар улар етарли мол-мулкка эга бўлсалар, бирор лавозимни эгаллаши ва сайловда овоз бериши мумкин эди. Кўпчиликда бунга имконият бор эди.

1850-йилларга келиб, Австралияда катта ёшли оқ танли эркакларнинг ҳаммаси учун сайлаш ҳуқуқи жорий қилинди. Эндиликда фуқароларнинг, собиқ маҳкумлар ва оилаларининг талаблари Уильям Уэнтворт тасаввур қилган кўламдан анча илгарилаб кетган эди. Бу пайтга келиб, Уэнтворт сайланмайдиган қонун чиқарувчи кенгаш бўлишини талаб қилаётган консерваторлар сафида эди. Аммо худди Макартур сингари Уэнтворт ҳам янада инклизивроқ сиёсий институтлар сари ҳаракатни тўхтата олмасди. 1856 йилда Янги Жанубий Уэльсдан ажралиб чиккан Виктория штатида, 1851 йилда эса Тасмания штатида дунёда илк бор сайловларда самарали яширин овоз бериш тизими жорий қилинди. Бу овозларни сотиб олиш ва мажбурлашга чек қўйди. Сайловларда яширин овоз беришнинг стандарт тартиби ҳозиргача “Австралияча сайлов” деб аталади.

Янги Жанубий Уэльснинг Сиднейдаги вазият 181 йил аввал Виржиниянинг Жеймстаунидаги вазиятга жуда ўхшаш эди. Аммо Жеймстаунда истиқомат қилувчилар асосан маҳкумлар эмас, ёлланма ишчилар эди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам дастлабки шароит мустамлакачиликнинг экстрактив институтлари жорий қилинишига имкон бермади. Иккала мустамлакада ҳам на эксплуатация қилиш мумкин бўлган етарлича маҳаллий аҳоли, на олтин ва қумуш каби қимматбаҳо металл конлари, на иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган, қуллар меҳнатига асосланган плантациялар ташкил қилиш учун яроқли тупроқ ва экинлар бор эди. 1780-йилларда қул савдоси

ҳали бемалол бўлиб, агар фойда келтирса, Янги Жанубий Уэльс қуллар билан тўлдирилиши ҳам мумкин эди. Аммо ундай бўлмади. “Виржиния” ширкати ҳам, Янги Жанубий Уэльсни бошқарган аскарлар ва эркин кўчиб келганлар ҳам босимга ён бериб, аста-секин инклюзив сиёсий институтлар билан бирга ривожланадиган инклюзив иктисодий институтларни яратдилар. Бу жараён Янги Жанубий Уэльсда ҳатто Виржиниядан ҳам осонроқ кечди, уни орқага қайтаришга бўлган кейинги уринишлар эса чиппакка чиқди.

Худди АҚШга ўхшаб Австралиянинг ҳам инклюзив институтлар сари босиб ўтган йўли Англияникидан фарқ қилди. Австралия ва АҚШ учун Англияни ларзага солган, фуқаролар уруши даврида юз берган тўнтаришлар ва Шонли инқилоб каби ҳодисалар керак бўлмади, негаки бу мамлакатлар бутунлай бошқача шароитларда ташкил топди. Бу, албатта, инклюзив институтлар ҳеч қандай муаммоларсиз ўрнатилди, дегани эмас. Масалан, бу жараёнда Қўшма Штатлар Британия мустамлакачилигидан қутулишига тўғри келди. Англияда абсолютист бошқарув узоқ тарихга эга бўлиб, чуқур илдиз отганди. Шу сабабли ундан халос бўлиш учун инқилоб талаб қилинарди. АҚШ ва Австралияда эса вазият бошқачароқ эди. Гарчи Мэрилендда лорд Балтимор, Янги Жанубий Уэльсда эса Жон Макартур бундай мутлак бошқарувга интилган бўлса ҳам, улар режалари амалга ошиши учун жамиятда етарлича назорат ўрната олмадилар. Қўшма Штатлар ва Австралияда жорий бўлган инклюзив институтлар саноат инқилобининг бу ўлкаларга тезлик билан тарқалиб, уларнинг бойиб кетишини таъминлади. Бу мамлакатлар танлаган тараққиёт йўлига Канада ва Янги Зеландия каби мустамлакалар ҳам эргашди.

Инклюзив институтлар сари борувчи бошқа йўллар ҳам бор эди. Ғарбий Европанинг кўп жойларида инклюзив институтлар томон учинчи йўлдан юрилди. Бу йўлнинг

танланишига Францияда мутлақ монархияни ағдариб ташлаб, бир қатор давлатлараро низоларни келтириб чиқарган Буюк француз инқилоби сабаб бўлди ва Ғарбий Европанинг аксарият қисмида институционал ўзгаришлар ёйилишига олиб келди. Бу ўзгаришларнинг иқтисодий оқибати эса Ғарбий Европада инклюзив иқтисодий институтларнинг пайдо бўлиши, саноат инқилобининг амалга ошиши ва иқтисодий ўсиш бўлди.

ТЎСИҚЛАРНИ ПАРЧАЛАШ: БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИ

1789 йилдан олдинги уч аср давомида Францияда мутлақ монархия ҳукмрон эди. Француз жамияти уч қисмга – табакаларга бўлинганди. Зодагонлар биринчи табақа, руҳонийлар иккинчи табақа, қолган барча эса учинчи табақага мансуб эди. Ҳар бир табақа учун алоҳида қонунлар мавжуд бўлиб, дастлабки икки табақага берилган ҳуқуқлардан учинчи табақа маҳрум эди. Зодагонлар ва руҳонийлар солиқ тўлашдан озод бўлган бир пайтда, оддий халқ кўплаб турли-туман солиқларни тўлашга мажбур бўларди. Ашаддий экстрактив тузумдан бошқа нима ҳам кутиш мумкин? Гап шундаки, черков нафақат солиқлардан озод эди, балки унинг ихтиёрида катта-катта ер майдонлари мавжуд бўлиб, унда меҳнат қиладиган деҳқонларга ўз солиқларини солиш ҳуқуқига ҳам эга эди. Учинчи табақага мансуб аҳолининг кўпчилиги аянчли ночорликда кун кечирган бир пайтда, қироллик оиласи, зодагонлар ва руҳонийлар дабдабали турмуш кечирарди. Қонунларнинг ҳар хиллиги зодагонлар ва руҳонийларнинг фақат қулай иқтисодий мавқеларини кафолатлаб қолмай, уларнинг сиёсий ҳокимиятини ҳам таъминларди.

XVIII асрда Франция шаҳарларида ҳаёт оғир ва абгор эди. Ишлаб чиқариш қудратли гильдиялар томонидан назорат қилинар, бу эса гильдия аъзолари учун катта даромад келтирар, аммо бошқаларга ўзлари истаган касбларни эгаллашга ёки тадбиркорлик билан шуғулланишга тўсқинлик қиларди. “Ancien régime”

(эскича тузум) номини олган режим ўзининг давомийлиги ва барқарорлигидан ғурурланарди. Тадбиркорлар ва истеъдодли кишиларнинг янги касбларни эгаллаши беқарорликни юзага келтириши мумкин бўлиб, бунга йўл кўйилмасди. Шаҳарлардаги ҳаёт оғир бўлгач, қишлоқ аҳлининг ҳаёти баттар бўлгани тайин. Аввал кўриб ўтганимиздек, бу пайтга келиб, одамларни ерга боғлаб кўйиб, уларни замиңдор учун ишлашга ва унга солиқ тўлашга мажбур қилишдан иборат феодал тартибнинг энг ашаддий кўриниши Францияда анчадан бери таназзулга юз тутганди. Шунга қарамай, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш бўйича чекловлар мавжуд бўлиб, француз деҳқонларидан кирол, зодагонлар ва черков фойдасига жуда кўп йиғим ундириларди.

Мана шундай вазиятда Буюк француз инқилоби радикал бир ҳодиса бўлди. 1789 йилнинг 4 август куни Таъсис Мажлиси янги конституция таклиф қилиш орқали Франция қонунларини тубдан ўзгартириб юборди. Конституциянинг биринчи моддаси куйидагича эди:

Таъсис Мажлиси феодал тартибни бутунлай бекор қилади. Мавжуд ҳуқуқлар ва мажбуриятлар орасидан феодал ва мажбурий тўловларга оид, шахсий ёки мулкий тобеликдан келиб чиққан ва қарамликни англадиган барча мажбуриятлар ҳеч қандай бадалсиз бекор қилинади.

Тўққизинчи моддада эса шундай дейилганди:

Солиқ тўлаш борасида шахсий ва мулкий молиявий имтиёзлар батамом бекор қилинади. Солиқлар барча фуқаролардан ва барча мулклардан бир хил йўсинда ва бир хил шаклда ундирилади. Жорий йилнинг сўнги олти ойи учун ҳамма тўлайдиган солиқларнинг тегишли миқдори режаси кўриб чиқилади.

Шу тариқа Буюк француз инқилоби бир ҳаракат билан феодал тартибни, у юзага келтирган барча мажбуриятлар ва тўловларни бекор қилиб, зодагонлар ва

руҳонийларнинг солиқ имтиёзларини бутунлай олиб ташлади. Аммо энг кескин, ўша давр учун ақлга сиғмас ўзгариш 11-моддада қайд этилганди:

Барча фуқаролар, келиб чиқишларидан қатъи назар, ҳар қандай лавозим ва рутбага, у хоҳ диний, хоҳ маъмурий, хоҳ ҳарбий мавқе бўлсин, эришишига ҳақлидирлар; касб ёки ҳунари сабабли камситишига йўл қўйилмайди.

Шундай қилиб, энди барча қонун олдида – нафақат кундалик ҳаёт ва ишда, балки сиёсатда ҳам – тенг бўлди. Инқилобнинг ислоҳотлари 4 августдан кейин ҳам давом этди. Кейинроқ черковнинг солиқ солиш ваколати бекор қилиниб, руҳонийлар давлат мулозимларига айлантирилди. Қаттиққўл сиёсий ва ижтимоий тартиблар бекор қилиниши билан бирга иқтисодий фаолият билан шуғулланиш йўлидаги тўсиқлар ҳам олиб ташланди. Гильдиялар ва касб танлаш бўйича чекловлар бекор қилиниб, шаҳарларда анчагина тенг имкониятлар яратилди.

Бу ислоҳотлар Франция кироллариининг мустабид бошқарувига барҳам бериш йўлидаги биринчи қадам бўлди. 4 августда эълон қилинган қарорлардан кейинги бир неча ўн йил давомида беқарорлик ва уруш ҳукм сурди. Аммо абсолютизм ва экстрактив институтлардан воз кечилиб, инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар сари ортга қайтмас одим ташланганди. Бу ўзгаришлар ортидан иқтисод ва сиёсатда бошқа ислоҳотлар ҳам юз бериб, улар охир-оқибат 1870 йилда – Учинчи республика даврида энг юқори нуктага етди. Францияга Англиядаги Шонли инқилоб бошлаб берган парламентар бошқарув тизими кириб келди. Тўғри, Буюк француз инқилоби жуда кўп жабр-зулм, беқарорлик ва урушга сабаб бўлди. Аммо Шарқий Европадаги Австрия-Венгрия ва Россия каби абсолютист давлатлардан фарқли равишда, айнан инқилоб туфайли французлар иқтисодий ўсиш ва

тараққиёт йўлига тўғаноқ бўлган экстрактив институтлар чангалидан озод бўлди.

Франциянинг мутлақ монархияси қандай қилиб 1789 йилда инқилоб ёқасига бориб қолди ўзи? Ахир кўпчилик абсолютист тузумлар, ҳаттоки иқтисодий турғунлик ва ижтимоий алғов-далғовлик вақтларида ҳам узоқ йиллар давомида омон қолганини кўрдик-ку! Инқилоблар ва кескин ўзгаришларга оид бошқа мисолларда бўлгани каби бир қатор омилларнинг бир нуктада кесишуви Буюк француз инқилобига етаклади. Бу омиллар Британиянинг ўша пайтда шиддатли тарзда саноатлашаётгани билан бевосита боғлиқ эди. Одатдагидек, бу йўл бежиз танланмаганди. Монархиянинг мавжуд тузумни барқарорлаштириш учун қилган кўплаб ҳаракатлари чиппака чикқач, 1789 йилга келиб, Франция ва Европанинг бошқа жойларида институтларни ўзгартириш борасидаги айни инқилоб ўша пайтда тасаввур қилинганидан кўра муваффақиятлироқ бўлиб чиқди.

Франциядаги кўп қонун ва имтиёзлар ўрта асрлар даври саркити эди. Бу қонунлар нафақат биринчи ва иккинчи табақани аҳолининг аксарият қисмидан кўра афзалроқ кўрарди, балки уларга қирол билан муносабатларда ҳам имтиёз берганди. Францияда Людовик XIV – “Қуёш қирол” 1661 йилдан бошлаб то 1715 йилда вафот этгунга қадар – 54 йил ҳукмронлик қилди. Аслида, у беш ёшида, 1643 йилда тахтга ўтирганди. Людовик XIV қироллик ҳокимиятини мустаҳкамлаб, бир неча аср олдин бошланган қаттиқ авторитаризм қуриш жараёнини давом эттирди. Франция қироллари кўпинча ўзлари томонидан танлаб олинган зодагонлардан иборат “Оқсоқоллар кенгаши” билан маслаҳатлашиб турарди. Гарчи асосан маслаҳатчиликдан нарига ўтмаган бўлса-да, кенгаш қиролнинг ҳокимиятига енгил чеклов вазифасини ҳам ўтарди. Шу боис Людовик XIV давлатни кенгаш билан маслаҳатлашмасдан бошқарди. Унинг ҳукмронлиги

даврида Франция Атлантика ва мустамлакалардаги савдосотиқ туфайли бирмунча иқтисодий ўсишга эришди. Қиролнинг тажрибали молия вазири Жан-Батист Кольбер бошчилигида экстрактив ўсишнинг кўриниши бўлган ҳукумат шафелиги ва назоратидаги саноат яратилди. Бундай чекланган иқтисодий ўсишдан фақат биринчи ва иккинчи табақа манфаат кўрди. Людовик XIV, шунингдек, Франциянинг солиқ тизимини ҳам такомиллаштиришни ихтиёр этди, сабаби давлат тез-тез юз берадиган урушлар, улкан мунтазам армия ҳамда қиролнинг ҳашаматли турмуш тарзи, саройлари ва аъёнлари учун харажатларни молиялашда кўпинча муаммоларга дуч келарди. Ҳукуматнинг майда зодагонларга ҳам солиқ сола олмаслиги давлатнинг даромад манбаларини чеклаб қўйганди.

Людовик XVI тахтга чиққан 1774 йилгача бўлган даврда иқтисодий ўсиш деярли кузатилмаган бўлса-да, жамиятда улкан ўзгаришлар юз бериб бўлган эди. Қолаверса, аввалги молиявий муаммолар бора-бора молиявий инқирозга айланиб, 1756–1763 йиллардаги Британияга қарши Етти йиллик уруш, айниқса, қимматга тушди – Франция бу урушда Канадани бой берди. Бир қатор давлат арбоблари қарзларни қайта ҳисоблаш ва солиқларни ошириш орқали қироллик бюджетини мувозанатлашга уринди. Улар орасида ўз даврининг энг машҳур иқтисодчиларидан бири Анн Робер Жак Турго, инқилобдан кейин ҳам Франция жамияти ҳаётида муҳим роль ўйнаган Жак Неккер ва Шарль Александр де Калонлар бор эди. Аммо улардан ҳеч бири муваффақият қозонолмади. Огир молиявий вазиятда Шарль де Калон қирол Людовик XVI ни Оқсоқоллар кенгашини чақиришга кўндиради. Инглиз қироли Чарльз I 1640 йилда шотландларга қарши уруш учун парламентдан осонгина розилик олишни кутганидек, Людовик XVI ва унинг маслаҳатчилари ҳам кенгаш қиролнинг ислохотларини маъқуллашини кутганди. Аммо Оқсоқоллар кенгаши

кутилмаганда бошқача қарорга келди ва бундай ислохотларни фақат вакиллик органи – Генерал штатлар тасдиқлаши лозимлигини эълон қилди.

Генерал штатлар эса Оқсоқоллар кенгашидан кескин фарқ қиладиган тузилма эди. Кенгаш қирол томонидан йирик зодагонлар орасидан танлаб олинадиган юкори табақа аъзоларидан иборат бўлса, Генерал штатлар учала табақадан сайланган вакиллардан тузиларди. Бу тузилма сўнгги марта 1614 йилда йиғилган эди, холос. 1789 йилда Генерал штатлар Версалга йиғилганда маълум бўлдики, келишув ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Учинчи табақа вакиллари бу имкониятдан ўзларининг сиёсий ваколатларини кенгайтириш ва Генерал штатларда кўпроқ ўрин эгаллаш мақсадида фойдаланишни истаган бўлса, зодагонлар ва руҳонийлар бунга қатъий қарши чиқди. Штатлар йиғилиши 1789 йилнинг 5 май куни якуний келишувсиз ниҳоясига етди, фақат янги ваколатли орган – Миллий Кенгашни чақиришга қарор қилинди. Бу эса сиёсий инкирозни баттар чуқурлаштирди. Асосан савдогарлар, тadbиркорлар, ишчилар ва хунармандлардан иборат бўлган, кўпроқ ҳуқуқлар талаб қиладиган учинчи табақа вакиллари назарида ушбу ўзгаришлар уларнинг таъсири ортиб бораётгани белгиси эди. Шу боис улар Миллий Кенгашда ҳам муҳокамаларда кўпроқ овоз ва умуман олганда кенгрок ҳуқуқлар берилишини талаб қилдилар. Бу ўзгаришлардан руҳланган фуқаролар бутун мамлакат бўйлаб учинчи табақани қўллаш учун кўчаларга чиқди, бу эса 9 июлда Миллий Кенгашнинг Таъсис Мажлиси сифатида қайта ташкил қилинишига олиб келди.

Бу пайтда мамлакатдаги, айниқса, Париждаги вазият янада кескинлаша бошлади. Бунга жавоб ўлароқ, Людовик XVI нинг атрофидаги консерватив гуруҳлар қиролни ислохотчи молия вазири Неккерни ишдан бўшатишга кўндирди. Бу кўча намоишларининг янада зўрайишига сабаб бўлди. Охир-оқибат 1789 йилнинг 14 июль куни

машхур Бастилия қалъаси ишғол қилинди. Шу ондан бошлаб инқилоб чинакамига жиддий тус ола бошлади. Оқибатда Неккер ўз ишига қайтарилди ва инқилобчи маркиз де Лафайет Парижнинг миллий гвардияси раҳбарига айланди.

1789 йилнинг 4 августида Бастилиянинг ишғол қилинишидан ҳам муҳимроқ ҳодиса юз берди – Таъсис Мажлиси янгича журъат билан феодал тартибни, биринчи ва иккинчи табақанинг алоҳида имтиёзларини бекор қилган янги конституцияни қабул қилди. Аммо бундай кескин ўзгариш мажлис ичида бўлинишни юзага келтирди, боиси жамиятни қандай ташкил қилиш борасида кўплаб қарама-қарши фикрлар мавжуд эди. Дастлаб алоҳида гуруҳлар ташкил қилинди, улардан бири радикал кайфиятдаги Якобинчилар клуби бўлиб, бу гуруҳ кейинчалик инқилобга раҳбарлик қилди. Айни пайтда кўплаб дворянлар мамлакатни тарк этиб, эмигрантларга айлана бошлашди. Яна неча зодагон эса қиролни Мажлисни таркатиб юборишга ҳамда ўзи ёки ташки кучлар, масалан, Австрия ёрдамида амалий ҳаракат қилишга ундади. Австрия қиролича Мария-Антуанеттанинг ватани бўлиб, аксар муҳожирлар айнан шу мамлакатга қочганди. Намойишчиларнинг аксарияти охирги икки йилда инқилоб туфайли эришилган ютуқлари хавф остида қолганидан хавотирга тушиб, радикаллашув кучайиб борди. 1791 йилнинг 29 сентябрида Таъсис Мажлиси конституциянинг сўнгги таҳририни қабул қилди ва Франция конституциявий монархияга айланди. Барча эркакларга тенг ҳуқуқлар берилди, феодал мажбурият ва тўловлар бекор қилинди, гильдиялар томонидан ўрнатилган барча тижорий чекловлар тугатилди. Франция ҳамон монархия эди, лекин энди қиролнинг роли деярли йўқ, ҳатто унинг эркинлиги ҳам чеклаб қўйилди.

Инқилобнинг йўналиши 1792 йилда Франция ҳамда унга қарши Австрия бошчилигидаги “Биринчи коалиция” ўртасида бошланган уруш туфайли буткул ўзгариб кетди.

Уруш инқилобчилар ва омманинг (уларни *санкюлотлар* – “кюлот¹ киймайдиганлар” деб аташарди) қатъиятини ва радикал кайфиятини ошириб юборди. Бу эса охир-оқибат “Террор даври” деб номланган машхур ҳодисаларнинг бошланишига сабаб бўлди. Террор қирол Людовик XVI ва қиролича Мария-Антуанеттанинг қатл қилинишидан бошланди, уни Робеспьер ва Сен-Жюст бошчилигидаги Якобинчилар партияси амалга оширди. Шундан сўнг нафақат кўплаб зодагонлар ва аксилинқилобчилар, балки инқилобнинг бир қатор кўзга кўринган раҳнамолари, хусусан, Бриссо, Дантон ва Демулен каби собиқ етакчилар ҳам қатл қилинди.

Аммо тез орада террор назоратдан чиқиб кетди ва 1794 йилнинг июлида унинг етакчилари, хусусан, Робеспьер ва Сен-Жюст қатл қилиниши билан ўз ниҳоясига етди. Шундан сўнг нисбатан барқарорлик даври бошланиб, ҳокимият аввалига 1795–1799 йилларда амалда бўлган бирмунча заиф Директория² кўлида, кейинчалик Рожер Дюко, Эмманюэль Жозеф Сьейес ва Наполеон Бонапартдан иборат уч кишилик Консуллик кўлида тўпланади. Директория давридаёқ ҳарбий муваффақиятлари туфайли ёш генерал Наполеон Бонапартнинг довуғи чиққан эди. 1799 йилдан бошлаб, унинг қудрати тобора ортиб борди. Консуллик ҳокимияти тез орада Наполеоннинг яқка бошқарувига айланди.

Наполеон ҳукмронлик қилган 1799–1815 йиллар Франция улкан ҳарбий муваффақиятларга эришган давр бўлди. Аустерлиц, Йена-Ауэрштедт ва Ваграмдаги ғалабалар туфайли Наполеон бутун континентал Европани тиз чўктирди. Бу ғалабалар Наполеонга улкан ҳудудда ўз қарорлари, ислохотлари ва қонунчилигини жорий қилиш имконини берди. Наполеоннинг 1815 йилги узил-

¹ Кюлот (французча “culotte”) ёки бриж (инглизча “breeches”) – Европада ўрта асрлар охиридан XIX аср бошларигача юкори табақа вакиллари орасида кийиш урф бўлган кийим тури, узунлиги белдан тиззагача бўлган калта шим.

² Франциянинг беш нафар директор бошқарувига асосланган ҳукумати.

кесил мағлубиятидан кейин ислохотлар қисман бекор қилинди: сиёсий ҳуқуқлар чекланиб, қирол Людовик XVII бошчилигида монархия қайта тикланди. Буларнинг барчаси фақат инклюзив сиёсий институтларнинг пайдо бўлиш жараёнини секинлаштираётганди, холос.

1789 йилги инқилоб юзага чиқарган кучлар Францияда абсолютизмга барҳам берди. Айнан улар, гарчи секинлик билан бўлса-да, барибир инклюзив институтларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу туфайли Франция ва Европанинг инқилобий ислохотлар кириб борган бошқа мамлакатлари XIX асрда аллақачон бошланган са-ноатлашиш жараёнида иштирок этди.

ИНҚИЛОБНИНГ ЁЙИЛИШИ

1789 йилги Буюк француз инқилоби арафасида бутун Европа бўйлаб яҳудийларга оғир чекловлар қўйилганди. Мисол учун, Германиянинг Франкфурт шаҳрида яҳудийларнинг ҳаёти ўрта асрлар қонунлари билан тартибга солинарди. Унга кўра, Франкфуртда истиқомат қиладиган яҳудий оилалар сони беш юздан ошмаслиги лозим бўлиб, улар фақат шаҳарнинг девор билан ажратилган алоҳида қисми бўлган Юденгасда – яҳудийлар геттосида³ яшаши мумкин эди. Уларга тунда, якшанба кунлари, шунингдек, насронийларнинг байрам кунлари геттодан чиқиш ман қилинганди.

Юденгасс жуда кичик ва тикилинч бир маҳалла эди. Кўчанинг бўйи 400 метр, эни эса кўпи билан 3.7 метр, баъзи жойларда эса 3 метрдан ошмасди. Яҳудийлар доимий таъқиб ва қатъий тартиб-қоидалар остида умр кечирарди. Бир йилда геттога кўпи билан иккита янги оила кўчиб келиши мумкин эди. Йилига кўпи билан 12 та янги оила куришга рухсат берилган бўлиб, келин ва куёвнинг ҳар иккаласи 25 ёшдан катта бўлиши шарт

³ Гетто – ўрта асрларда Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларида шаҳарнинг яҳудийлар яшаши учун ажратилган қисми. Бу атама баъзан ҳуқуқи поймол этилган миллий озчилик яшайдиган маҳаллага нисбатан ҳам ишлатилади.

эди. Яхудийлар деҳқончилик қилолмасдилар. Уларга қурол-яроғ, зираворлар, вино ва дон савдоси билан шуғулланиш ҳам тақиқланганди. 1726 йилгача яхудийлар кийимларидаги махсус белгилар билан ажралиб туриши лозим эди: эркаклар кийимида иккита ичма-ич сарик халқа бўлиши керак бўлса, аёллар йўл-йўл рўмол ўрарди. Яхудийлар махсус жон солиғи ҳам тўлашга мажбур эди.

Буюк француз инқилоби рўй берган пайтда Франкфуртнинг яхудийлар маҳалласида Майер Амшел Ротшильд исмли ёш ва бадавлат ишбилармон яшарди. 1780-йиллар бошларига келиб, Ротшильд Франкфуртда тангалар, металлар ва эски буюмлар (антикварлар) савдосида етакчилик қиларди. Аммо шаҳардаги бошқа барча яхудийлар сингари Ротшильд маҳалласидан ташқарида на дўкон оча олар, на яшай оларди.

Буларнинг барчаси тез орада ўзгарди. 1791 йилда Франция Миллий Мажлиси франциялик яхудийларга эркинлик берди. Француз армияси Рейн вилоятини эгаллаб, Ғарбий Германия яхудийларига ҳам эркинлик берди. Франция кўшинларининг Франкфуртга ҳужуми эса тезда қутилмаган натижа олиб келди. 1796 йилда французлар Франкфуртни тўпга тутди ва Юденгасснинг ярмини вайрон қилди. Натижада икки минг нафарча яхудий уйсиз қолиб, геттодан ташқарига кўчишга мажбур бўлди. Уларнинг орасида Ротшильдлар оиласи ҳам бор эди. Геттодан ва ишбилармонликка тақиқлардан халос бўлгач, энди улар янги бизнес имкониятларидан фойдаланиши мумкин эди. Ротшильдлар Австрия армиясига дондун етказиб бериш учун шартнома тузишга муваффақ бўлди, илгари уларнинг бундай фаолият билан шуғулланишига рухсат йўқ эди.

1790-йиллар охирига келиб, Ротшильд Франкфуртдаги энг бадавлат яхудийлардан бири, таниқли тадбиркор эди. Тўлиқ эмансипацияни⁴ 1811 йилгача кутишга тўғри келди. Буни Наполеон 1806 йилда Германияни маъмурий-ҳудудий жиҳатдан қайта ташкил қилган вақтда Франкфурт

⁴ Эмансипация – жабр-зулм ва қарамликдан қутулиш, озод бўлиш.

буюк герцоги қилиб тайинланган Карл вон Дальберг амалга оширди. Ўшанда Майер Амшел ўғлига шундай деган эди: “Энди сен фуқаросан”.

Аммо бу ходисалар яхудийлар эмансипацияси учун курашга яқун ясамади. Кейинчалик Наполеоннинг маглубиятидан кейинги сиёсий тартибни шакллантирган 1815 йилги Вена конгрессида яхудийларнинг ҳуқуқлари яна чеклаб қўйилди. Бироқ бу сафар Ротшильдлар геттога қайтмади. Тез орада Майер Амшел ва унинг ўғиллари XIX аср Европасидаги энг йирик банк эгаси бўлиб олдилар. Бу банкнинг Франкфурт, Лондон, Париж, Неапол ва Венада филиаллари бор эди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Даставвал Франция инқилобий кўшинлари, кейинроқ эса Наполеон армияси континентал Европанинг катта қисмини ишғол қилди. Улар босиб олган ҳудудларнинг қарийб ҳаммасида ўрта асрлар анъаналари қолдиқлари бўлган мавжуд институтлар қироллар, шахзодалар ва зодагонларга хизмат қилар, шаҳар ҳамда кишлоқларда савдо-сотикни чекларди. Бу жойларнинг аксариятида крепостнойлик ва феодализм Франциянинг ўзидагидан ҳам анча кучлироқ эди. Шаркий Европада, шу жумладан, Пруссия ҳамда Австрия-Венгрия империясининг Венгрия қисмида крепостнойлар ерга боғлаб қўйилганди. Ғарбда эса феодализмнинг бундай шафқатсиз кўриниши аллақачон бекор қилинган бўлса-да, деҳқонлар зиммасида заминдор хўжайинлари фойдасига турли хил мажбурий тўловлар, солиқлар ва меҳнат мажбуриятлари бор эди. Масалан, Нассау-Узинген графлигида деҳқонларга 230 турдаги тўлов, мажбуриятлар ва хизматлар юкланганди. Йиғимлар орасида ҳайвон сўйилганда тўланадиган “қон ушри”⁵ солиғи ҳам бор эди. Шунингдек, асалари ушри ва шам ушри каби солиқ турлари мавжуд эди. Мол-мулкнинг бир қисми сотилганда

⁵ Ушр (арабча – ўндан бир улуш) – ислом шариатида ҳосилнинг камбағаллар учун ажратиладиган ўндан бир қисми. Ўрта асрларда Европа мамлакатларида даромаднинг ўндан бир қисми черков фойдасига ундирилган.

ёки сотиб олинганда ҳам заминдорга солиқ тўланарди. Бу ўлкаларда шаҳарлардаги иқтисодий фаолиятнинг барча шакллари нозорат қилувчи гильдиялар Франциядагидан ҳам кучлироқ эди. Германия ғарбидаги Кёльн ва Ахен шаҳарларида эса йигирув ва тўқув дастгоҳларини жорий қилишга гильдиялар томонидан тақиқ қўйилганди. Швейцариядаги Берн, Италиядаги Флоренция ва бошқа кўплаб шаҳарлар бир неча бадавлат оилалар томонидан нозорат қилинарди.

Буюк француз инқилоби етакчилари, шунингдек, Наполеон Бонапарт инқилобни бу ўлкаларга ёйди – авторитаризм йўқ қилинди, ерга нисбатан феодал муносабатларга барҳам берилди, гильдиялар тугатилди ва қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили жорий қилинди. Қонун олдида ҳамманинг тенг бўлиши қонунчиликнинг энг муҳим тушунчаси бўлиб, уни кейинги бобда батафсил муҳокама қиламиз. Шундай қилиб, Буюк француз инқилоби нафақат Францияни, балки Европанинг қолган деярли барча қисмини инклюзив институтларга ва улар олиб келадиган иқтисодий ўсишга тайёрлади.

Аввал айтиб ўтганимиздек, Франциядаги ўзгаришлардан ташвишга тушган Европа давлатлари кирол Людовик XVI ни озод қилиш баҳонасида, аслида эса инқилобни тор-мор қилиш илинжида, Францияга ҳужум қилиш учун 1792 йилда Австрия атрофида бирлашганди. Инқилоб тўплаган муваққат кўшин тез орада парчалашиб кетиши кутилган эди. Аммо дастлабки бир қатор мағлубиятлардан сўнг янги ташкил қилинган Франция Республикаси кўшинлари мудрофаа жанглирида зафар куча бошлади. Франция армиясида ташкилий жиҳатдан ҳал қилиниши лозим бўлган жиддий муаммолар бор эди. Аммо французлар бир янгилик – умумий-ҳарбий мажбурият борасида бошқа мамлакатлардан олдинда эдилар. 1793 йилнинг августида умумий-ҳарбий мажбурият жорий қилиниши Францияга улкан армия йиғиш

хамда ҳали Наполеоннинг тенгсиз ҳарбий маҳорати юзага чиқмасдан бурун ҳам мутлақ етакчиликка яқин бўлган ҳарбий устунликка эришиш имконини берди.



17-ҳарита. Наполеон империяси.

Дастлабки ҳарбий муваффақиятлар Франция раҳбариятини ёш республика билан унга душман бўлган Пруссия ва Австрия монархлари ўртасида буфер зона яратиш мақсадида мамлакат сарҳадларини кенгайтиришга ундади. Тез орада французлар Австрия Нидерландияси (ҳозирги Бельгия) ва Бирлашган Вилоятлар Республикасини (ҳозирги Нидерландия) ишғол қилди. Французлар ҳозирги Швейцариянинг кўп қисмини ҳам забт этди. 1790-йилларда Франция мана шу уч ўлкани назорат қиларди.

Аввалига Германия Францияга қарши жон-жаҳди би-

лан курашди. Аммо 1795 йилга келиб, французлар Германиянинг ғарбий қисми, яъни Рейн дарёсининг чап соҳилида жойлашган Рейн вилояти устидан назоратни қўлга олди. Пруссияликлар бунини Базел сулҳи асосида тан олишга мажбур бўлди. 1795–1802 йилларда французлар Германиянинг фақат Рейн вилоятини назорат қиларди ва бу вилоят 1802 йилда расман Францияга қўшиб олинди.

1790-йилларнинг иккинчи ярмида Италия Австрия ва Франция ўртасидаги урушнинг асосий ўчоғига айланди. 1792 йилда Франция Савойя вилоятини қўшиб олди, аммо Италиянинг бошқа ҳудудларида Наполеоннинг 1796 йил апрелдаги ҳужумига қадар ҳеч ким ғалабага эришмади. Европадаги биринчи йирик юриши натижасида Наполеон 1797 йилга келиб деярли бутун Шимолий Италияни босиб олди. Фақат Венеция Австрия назоратида қолган эди. Австрия билан 1797 йил октябрида имзоланган Кампо Формио шартномаси Биринчи иттифоқ урушига яқун ясади. Ушбу сулҳга кўра Шимолий Италиянинг Франция бошқарувидаги бир қанча республикалари тан олинди. Аммо шу келишувдан сўнг ҳам французлар Италиядаги ҳудудларини кенгайтиришда давом эгди ва Папа вилоятини ишғол қилиб, 1798 йилнинг мартида Рим Республикасини тузди. 1799 йилнинг январида эса Неапол забт этилди ва Партенопия Республикаси ташкил этилди. Австрия назоратида қолган Венецияни истисно қилганда, французлар бутун Италия устидан ё Савойя вилояти сингари бевосита, ёки Цизалпин, Лигурия, Рим ва Партенопия республикалари каби вассал давлатлар ташкил этиш йўли билан назорат ўрнатганди.

Кейинчалик, 1798–1801 йиллардаги Иккинчи коалицияга қарши уруш даврида бу ҳудудлар қўлдан-қўлга ўтиб турди ва охир-оқибат Франция назоратида қолди. Франциянинг инқилобий қўшинлари ўзлари эгаллаган ерларда кескин ўзгаришлар амалга оширишни бошлади-

лар. Улар крепостнойликнинг охирги қолдикларини ва ерга эгалик қилишнинг феодал муносабатларини бекор қилиб, қонун олдида ҳамманинг тенглиги тамойилини жорий қилди. Рухонийлар ўзларининг махсус мавқелари ва ҳокимиятларидан маҳрум қилинди, шаҳарларда эса гильдияларга барҳам берилди ёки ҳеч бўлмаганда, анча-мунча кучсизлаштирилди. Бу ўзгаришлар Австрия Нидерландияси ва Бирлашган Вилоятлар республикасида ушбу ўлкаларни 1795 йилда Франция босиб олиб, Батавия Республикасини ташкил қилганидан кўп ўтмай юз берди. Бу ерда ҳам Франциядаги сиёсий институтларга ғоят ўхшаш институтлар жорий қилинди. Швейцарияда ҳам вазият шундай эди: гильдиялар, феодал ер эгалари ва черков маҳв этилди, феодал имтиёзлар олиб ташланди, гильдиялар бекор қилиниб, уларнинг мулки мусодара қилинди.

Француз инқилобий кўшивлари бошлаб берган жараёнларни у ёки бу кўринишда Наполеон давом эттирди. Наполеон аввало ўзи забт этган ўлкаларда қаттиқ назорат ўрнатишга эътибор қаратди. Бунинг учун у айрим ҳолларда маҳаллий элита билан муроса қилар, баъзан эса Испания ва Польшадаги қисқа ҳукмронлиги даврида бўлгани сингари, ўз оиласи ёки яқинларини раҳбарликка тайинларди. Аммо Наполеон инқилоб келтирган ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштиришни ҳам чин дилдан истарди. Энг муҳими, у Рим ҳуқуқи ва унинг қонун олдида тенглик ғояларини қонунчиликка киритди. Бу қонунлар “Наполеон кодекси” номини олди. Наполеон бу кодексни ўзидан қолажак муҳим мерос деб билди ва уни ўзининг ҳукмронлиги остидаги барча ҳудудларга жорий қилишни хоҳларди.

Албатта, Буюк француз инқилоби ва Наполеоннинг ислохотлари натижалари орқага қайтарилиши эҳтимолдан холи эмас эди. Баъзи жойларда, масалан, Герма-

ниянинг Ҳанноверида Наполеоннинг мағлубиятидан ҳеч қанча вақт ўтмай эски элита қайта тикланиб, французлар эришган ютуқларнинг аксарияти йўқ қилинди. Аммо бошқа кўп жойларда феодализм, гильдиялар ва дворянлар батамом йўқ қилинди ёки заифлаштирилди. Чунончи, французлар бошқаруви тугагандан кейин ҳам кўп ҳолларда Наполеон кодекси амалда қолди.

Умуман олганда, Франция кўшинлари Европага кўп кулфат келтирди, аммо французлар мавжуд вазиятни тубдан ўзгартириб юборди. Европанинг кўп жойларида феодал муносабатлар, гильдиялар ҳукмронлиги, монарх ва шахзодаларнинг мустабид бошқаруви, руҳонийларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий қудрати ҳамда кишиларга уларнинг келиб чиқишига қараб нотенг муносабатда бўлишдек эски тузумнинг асослари ўтмишда қолди. Бу ўзгаришлар инклюзив иқтисодий институтларни юзага келтирди, ушбу институтлар эса ўз навбатида саноатлашувнинг бу ўлкаларда тарқалишига имкон берди. XIX аср ўрталарига келиб, Франция забт этган қарийб барча ҳудудлар шиддат билан саноатлашаётган эди. Французларга қарам бўлмаган Австрия-Венгрия ва Россияда, шунингдек, Францияга вақтинча ва қисман қарам бўлган Польша ва Испанияда эса ҳамон турғунлик давом этарди.

ЗАМОНАВИЙЛИККА ИНТИЛИБ

1867 йилнинг кузида феодал Япониянинг Сацума қироллиги етакчи мулозим Окубо Тошимичи пойтахт Эдодан (ҳозирги Токио) Ямагучи шаҳрига сафар қилади. 14 октябрь куни у Чйошу қироллиги раҳбарлари билан учрашди. Унинг таклифи шундай эди: улар ўз кўшинларини бирлаштириб, пойтахт Эдо сари юриш қилади ва Япония ҳукмдори *сёгун* ҳокимиятини ағдаради. Бу вақтга келиб, Окубо Тошимичининг иттифоқчилари сафида Тоса ва Аки қиролликлари етакчилари бор эди. Чйошунинг

кудратли ҳокимлари розилиги олингач, махфий “Сатчо иттифоқи” ташкил қилинди.

1868 йилда Япония иктисодий жиҳатдан ривожланмаган бўлиб, мамлакатни 1600 йилдан бери Токугава сулоласи бошқарарди. Бу сулоланинг етакчиси 1603 йилда сёгун (кўмондон) унвонини олганди. Япония императори ҳокимиятдан четлатилиб, унинг роли фақат расмий характерга эга эди. Токугава сёгунлари феодал дворянлар табақасининг ҳукмрон гуруҳи бўлиб, маҳаллий феодаллар ўз князликларини бошқарар ва улардан солиқ ундирарди. Сацума князлигини бошқарган Шимадзу оиласи шундай феодаллардан бири эди. Жамиятни феодаллар ўзларининг ҳарбий таянчи бўлган самурайлар ёрдамида бошқарадиган мамлакат ўзининг касб танлаш бўйича катъий тақиқлари, савдодаги чекловлари ва деҳқонларга солинган оғир солиқлари билан ўрта аср Европа жамиятларига ўхшарди. Сёгун мамлакатни Эдодан бошқарар, ташки савдони тўлиқ назорат қилар, мамлакатга чет элликлар кириши тақиқланганди. Сиёсий ва иктисодий институтлар экстрактив бўлиб, мамлакат кашшоқ эди.

Аммо сёгун ҳокимияти ҳам мутлақ чекланмаган эмасди. Токугава сулоласи 1600 йилда мамлакатни эгаллаб олган бўлса ҳам, барчани назорат остига ололмади. Мамлакат жанубидаги Сацума князлиги анча автоном бўлиб, Рюкю ороллари орқали ташки дунё билан мустақил савдо қила оларди. Окубо Тошимичи 1830 йилда Сацума пойтахти Кагошимада туғилган ва отаси каби самурай бўлган эди. Сацума раҳбари Шимадзу Нариакира унинг салоҳиятини анча аввал пайқайди ва Тошимичи мансаб поғоналаридан тез кўтарилади. Ўша пайтдаёқ Шимадзу Нариакира Сацума кўшинлари ёрдамида сёгунни ағдариш режасини ишлаб чиққанди. У Осиё ва Европа билан савдо-сотикни кенгайтириш, эски феодал иктисодий институтларни тугатиш ва Японияда замонавий давлат

қуришни хоҳларди. 1858 йилда Шимадзу Нариакира вафот этиши билан унинг режалари бир муддат тўхтаб қолди. Унинг вориси Шимадзу Ҳисамицу эса бошида эҳтиёткорроқ иш тутди.

Окубо Тошимичи Япониянинг феодал сёгунлик тузумини ағдариш кераклигига тобора кўпроқ амин бўлиб борарди, у охир-оқибат Шимадзу Ҳисамицуни ҳам бунга ишонтирди. Ўз режаларининг кўллаб-қувватланишига эришиш мақсадида улар буни императорнинг ҳокимиятдан четлатилишидан норозилик атрофида амалга оширишга қарор қилдилар. Окубо Тошимичи Тоса князлиги билан имзолаган шартномада: *“Мамлакатда иккита ҳукмдор бўлмайди, уйнинг иккита эгаси бўлмайди, ҳукумат бир ҳукмдорга топширилади”*, деб қайд этилганди. Лекин асл мақсад фақат император ҳокимиятини тиклашгина бўлмасдан, сиёсий ва иқтисодий институтларни бутунлай ўзгартиришдан иборат эди. Тоса номидан шартномани имзолаганлардан бири Сакамото Рёма эди. Сацума ва Чйошу ўз кўшинларини ҳаракатга келтирганда эса, Сакамото Рёма сёгунга саккиз банддан иборат талаблар дастурини тақдим этди ва фуқаролик урушининг олдини олиш учун истеъфога чиқишини талаб қилди. Дастур кескин ўзгаришларни талаб қиларди. Гарчи биринчи бандда *“мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини император девонига қайтариш ва барча қарорлар девон томонидан чиқарилиши”* белгиланган бўлса-да, ундан император ҳокимиятини қайта тиклашдан ташқари бошқа талаблар ҳам ўрин олганди. Дастурнинг кейинги бандлари куйидагича эди:

2. *Иккита қонун чиқарувчи орган – юқори ва қуйи палата ташкил этилиб, ҳукумат сиёсати умумий фикрга асосланиши керак.*

3. *Заминдорлар, зодагонлар ва оддий аҳоли орасидан лаёқатли эркаклар кенгашда ишлашлари керак ва ўтмишининг ўз функцияларини йўқотган анъанавий идо-*

ралари бекор қилиниши керак.

4. Ташқи ишлар умумий мафқура асосида ишлаб чиқилган тегишли тартибга мувофиқ амалга оширилиши керак.

5. Илгариги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар бекор қилиниб, янги ва талабга жавоб берадиган кодекс ишлаб чиқилиши керак.

Сёгун Йошинобу истеъфога чиқишга рози бўлди ва 1868 йил 3 январда Мэйдзи ислохотлари эълон қилинди; император Комей ва бир ойдан сўнг у вафот этгач, ўғли Мэйдзи тахтга қайтарилди. Сацума ва Чёюшу қўшинлари Эдо ва империянинг пойтахти Кётони эгаллаб олган бўлса-да, улар Токугавалар ҳокимиятни қайтариб олиш ва сёгунликни қайта тиклашга уринишларидан қўрқарди. Окубо Тошимичи эса Токугаваларни бутунлай йўқ қилишни истарди. У императорни Токугава ҳокимлигини тугатиш ва ерларини мусодара қилишга кўндирди. 27 январь кuni собиқ сёгун Йошинобу қўшинлари Сацума ва Чёюшу кучларига ҳужум қилиши билан фуқаролар уруши бошланиб кетди. Ёзгача давом этган қуроли тўқнашувлар натижасида Токугавалар узил-кесил тор-мор қилинди.

Мэйдзи ислохотлари кетидан Японияда институционал ўзгаришлар юз берди. 1869 йилда феодализм тугатилди. Уч юзта феодал ер-мулк ҳукуматга топширилиб, ҳукумат тайинлайдиган губернатор бошқарувидаги префектураларга айлантирилди. Марказлашган солиқ тизими жорий қилиниб, феодал бошқарув тузуми ўрнини замонавий маъмурий бошқарув эгаллади. 1869 йилда барча ижтимоий синфларнинг қонун олдида тенглиги тан олинди, ички миграция ва савдога оид чекловлар бекор қилинди. Самурайлар синфи ҳам тугатилди, оқибатда ҳукумат бир қанча исёнларни бостиришига тўғри келди. Ерга нисбатан мулк ҳукуки жорий қилинди ва аҳолига ҳар қандай касб-хунар билан эркин шуғулланишга руҳсат

берилди. Давлат инфратузилма яратиш билан жиддий шуғулланди. Мустабид тузумларнинг темир йўлларга бўлган муносабатидан фарқли ўлароқ, 1869 йилда Япония ҳукумати Токио ва Осака ўртасида пароходлар қатновини ташкил этди. Токио ва Йогогама ўртасидаги биринчи темир йўлни қурди. Япония, шунингдек, ишлаб чиқариш саноатини ривожлантиришни бошлади. Окубо Тошимичи молия вазири сифатида саноатлаштириш ҳаракатларини назорат қилди. Бу борада Сацума князлиги раҳбари етакчи эди – у кулолчилик, тўпчилик ва пахтадан йигирилган ип ишлаб чиқариш заводларини қурди ҳамда 1861 йилда инглиз тўқимачилик техникасини олиб кириб, Японияда биринчи замонавий пахта йигириш фабрикасини ташкил қилди. Шунингдек, у иккита замонавий кемасозлик заводини ҳам қурди. 1890 йилга келиб Япония Осиёда биринчи бўлиб ёзма конституцияни қабул қилди. Мамлакатда сайланадиган парламент – Диет ва мустақил суд тизимига эга конституциявий монархия тузуми жорий қилинди. Ушбу ўзгаришлар Япониянинг саноат инкилобидан фойда топган Осиёдаги биринчи мамлакат бўлишида ҳал қилувчи омиллар бўлди.

XIX аср ўрталарида Хитой ҳам, Япония ҳам абсолютист тузумлар ҳукм сурадиган камбағал мамлакатлар эди. Хитойдаги мустабид тузум ҳам асрлар давомида ўзгаришдан қўрқиб келди. Гарчи Хитой ва Япония кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да – аввалроқ Хитой ҳукумати юргизган сиёсатга ўхшаб, Токугава сёгонлари ҳам XVII асрда ташқи савдога тақиқ қўйган, иктисодий ва сиёсий ўзгаришларга қаршилик қилганди – улар орасида сезиларли сиёсий тафовутлар ҳам мавжуд эди. Хитой мутлақ ҳукмрон император бошқарадиган марказлашган бюрократик империя эди. Тўғри, император ўз ҳокимиятига қарши норозиликларга дуч келган бўлиб, улардан энг асосийси исёнлар эди. 1850–1864 йиллардаги Тайпин қўзғолони оқибатида Хитойнинг жанубий қисм-

лари вайрон қилинди, миллионлаб одамлар қуролли тўқнашувларда ёки оммавий очарчиликда ҳалок бўлди. Бироқ императорга қаршилик ҳаракати яхши уюшмаган, тартибга солилмаганди.

Япония сиёсий институтларининг тузилиши эса бошқачароқ эди. Сёгунлар императорни ҳокимиятдан четлатган бўлса-да, гувоҳ бўлганимиздек, Токугавалар мутлақ ҳокимиятга эга эмасди. Айрим князликлар, хусусан, Сацума мустақилликни сақлаб қолган, ҳатто ўз номидан ташқи савдо билан шуғулланиш имконига эга эди.

Францияда бўлгани каби Хитой ва Япония учун ҳам Британиядаги саноат инқилобининг энг муҳим оқибати ҳарбий жиҳатдан заифлашиш бўлди. 1839–1842 йиллардаги Биринчи афюн урушида Британиянинг ҳарбий-денгиз кучлари Хитойни маҳв этди. 1853 йилда коммодор⁶ Мэтью Перри бошчилигидаги АҚШ ҳарбий кемаларининг Эдо кўрфазига кириши Япония учун ҳам худди шундай хавф туғдирди. Шимадзу Нариакира айнан иқтисодий жиҳатдан орқада қолиш ҳарбий қолоқликка сабаб бўлишини англади, бу унинг сёгунликни ағдариш ва охир-оқибат Мэйдзи ислоҳотларига олиб келган ўзгаришларни амалга ошириш режасига туртки бўлди. Сацума князлигининг раҳбарлари иқтисодий ўсишга – эҳтимол, Япониянинг мавжудлигини сақлаб қолишга ҳам – фақат институционал ислоҳотлар орқали эришиш мумкинлигини тушуниб етди. Аммо сёгун бундай ўзгаришларга қарши эди, чунки унинг ҳокимияти мавжуд институтларга боғлиқ эди. Ислоҳотларни амалга ошириш учун эса сёгунни ағдариш керак эди. Шундай қилинди ҳам. Хитойда ҳам вазият худди шундай эди, аммо дастлабки сиёсий институтлардаги фарқлилик им-

⁶ Коммодор (инглизча “Commodore”) – ҳарбий-денгиз кучлари офицерлари таркибига кирувчи ҳарбий унвон. Коммодор капитандан юқори, контр-адмирал даражасидан куйи турувчи зобит ҳисобланади.

ператорни ағдаришни анча қийинлаштирди, бунга фақат 1911 йилдагина эришилди. Институтларни ислох қилиш ўрнига хитойликлар замонавий қурол-яроғ сотиб олиш орқали Британияга қарши курашишга ҳаракат қилди. Японлар эса ўзларининг қурол ишлаб чиқариш саноатини барпо этди.

Мазкур бошланғич тафовутлар натижасида Япония ва Хитой XIX асрнинг муаммоларига турлича ёндашди. Натижада иккала мамлакат саноат инқилоби юзага келтирган бурилиш нуктаси қаршисида кескин ажралиб кетди. Япония институтлари ўзгартирилиб, иқтисодиёт тез суръатлар билан ривожланаётган бир пайтда, Хитойда институционал ўзгаришларни амалга оширишга интилаётган кучлар етарлича кучли эмасди ҳамда экстрактив институтлар фаол сақланиб қолди. 1949 йилги Мао Цзэдуннинг коммунистик инқилоби туфайли вазият янада ёмонлашди.

ДУНЁДАГИ ТЕНГСИЗЛИК ИЛДИЗЛАРИ

Бу ва бундан аввалги учта бобда Англияда инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар қай тарика пайдо бўлиб, саноат инқилобига туртки бўлгани, айрим мамлакатлар саноат инқилобидан фойдаланиб, ривожланиш йўлига киргани, бошқалари эса саноатлашишга қаттиқ қаршилиқ қилиб, орқада қолгани ҳақида ҳикоя қилдик. Мамлакатнинг саноатлашишни бошлаши ёки бошламаслиги асосан унинг институтларига боғлиқ. Англиядаги Шонли инқилобга ўхшаш трансформацияни бошидан кечирган АҚШ XVIII аср охирига келиб аллақачон ўзининг инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтларини шакллантириб бўлганди. Шунинг учун АҚШ Британияда пайдо бўлган янги технологияларни ўзлаштирган биринчи мамлакат бўлди. Тез орада Қўшма Штатлар Британияни қувиб ўтиб, саноатлашиш ва янги технологиялар борасида пешкадам бўлиб олди. Австра-

лия ҳам инклюзив институтлар сари шу йўлдан борди, фақат бу кечроқ ва бироз эътибордан панада юз берди. Австралияликлар ҳам худди инглизлар ва америкаликлар сингари инклюзив институтларга эришиш учун курашишга мажбур бўлди. Исталган институтлар шакллангач, Австралия ҳам ўзининг иқтисодий ўсиш жараёнини бошлади. Австралия ҳам, АҚШ ҳам жадал саноатлашди ва шитоб ривожланди, чунки бу мамлакатлардаги нисбатан инклюзив институтлар янги технологиялар, инновациялар ва бунёдкор бузғунчилик йўлига тўғанок бўлмади.

Европага тегишли бошқа мустамлакаларнинг аксариятида эса бундай бўлмади. Улардаги воқеалар ривожини Австралия ва АҚШдаги жараёнларга тескари тус олди. Гарчи сиёсий ҳуқуқлари ва инклюзив институтлар учун фуқаролари қаттиқ курашишига тўғри келган бўлса-да, эксплуатация қилиш мумкин бўлган маҳаллий аҳоли ва ресурслар танқислиги Австралия ва АҚШда мустамлакачиликнинг бошқача шаклда бўлишига олиб келди. Молукка ва Осиёдаги бошқа кўплаб Европа мустамлакаларида, Кариб оролларида ва Жанубий Америкада эса бундай курашда ғолиб бўлиш учун аҳолининг имконияти оз эди. Бу ўлкаларда Европа мустамлакачилари зиявор ва шакардан тортиб, кумуш ва олтингача бўлган кимматбаҳо ресурсларни қўлга киритиш учун янги турдаги экстрактив институтларни жорий қилди ёки мавжуд экстрактив институтлардан фойдаланди. Кўп жойларда улар шундай институционал ўзгаришларни амалга оширдик, бу ўзгаришлар инклюзив институтлар пайдо бўлиши эҳтимолини йўққа чиқарди. Айрим мустамлакаларда эса истилочилар энди пайдо бўлаётган саноат ёки мавжуд инклюзив иқтисодий институтларга чек қўйди. Натижада бу ўлкаларнинг кўпчилиги шундай аҳволга тушдики, XIX аср ва ҳатто XX асрда ҳам саноатлашув кузатилмади.

Европанинг қолган жойларидаги вазият ҳам Австралия ва АҚШдаги ҳодисалардан биров фарқ қиларди. Британияда саноат инқилоби жадаллашаётган XVIII аср охирида Европанинг аксарият давлатлари абсолют монархия тузумига эга бўлиб, монархлар ва зодагонлар асосан ер-мулклари ҳамда савдо имтиёзлари орқасидан даромад топарди. Саноатлашув жараёни келтириб чиқарадиган бунёдкор бузгунчилик ҳукмдорларнинг савдодан келадиган фойдаларини камайтириб, ресурслар ва ишчи кучини уларнинг ерларидан бошқа жойларга йўналтирди. Зодагонлар синфи саноатлашишдан иктисодий зарар кўрди. Янада аҳамиятлиси, улар сиёсий жиҳатдан ҳам ютқазди, негаки саноатлашув жараёни беқарорликни юзага келтирди ва турган гапки, элитанинг сиёсий ҳокимиятдаги яккаҳокимлигига раҳна солди.

Аммо Британиядаги институционал ўзгаришлар ва саноат инқилоби Европа давлатлари учун янги имконият ва муаммолар туғдирди. Гарчи ГАРбий Европада абсолютист тузумлар ҳукмрон бўлса-да, Британияга олдинги мингйилликда таъсир кўрсатган институционал силжишнинг аксари минтақа учун ҳам хос эди. Аммо Шарқий Европа, Усмонли империяси ва Хитойда вазият мутлақо ўзгача эди. Бу тафовутлар саноатлашишнинг ёйилишида муҳим роль ўйнади. Худди “қора ажал” ва трансатлантик савдонинг кенгайиши сингари саноатлашиш туфайли юзага келган бурилиш нуктаси ҳам Европанинг кўплаб мамлакатларида институтлар масаласидаги доимий зиддиятни кучайтириб юборди. Бунда 1789 йилги Буюк француз инқилоби асосий омил бўлди. Францияда абсолютизмнинг тугатилиши инклюзив институтлар томон йўл очди ва натижада Франция саноатлашиш ва жадал иктисодий ўсиш жараёнини бошлади. Очиги, Буюк француз инқилобининг фойдаси фақат шундангина иборат бўлмади. Франция бир қатор қўшни мамлакатларни

босиб олиш ва уларнинг экстрактив институтларини мажбурий ислоҳ қилиш орқали инқилоб институтларини ёйди. Шу тариқа инқилоб нафақат Францияда, балки Бельгия, Нидерландия, Швейцарияда ҳамда Германия ва Италиянинг айрим жойларида саноатлашиш учун замин яратди. Шарқда эса вазият “қора ажал”дан кейинги ҳолатга ўхшаш эди: феодализм заифлашиш ўрнига баттар кучайди. Австрия-Венгрия, Россия ва Усмонлилар салтанати иқтисодий жиҳатдан янада орқада қолди, аммо уларнинг авторитар ҳукмдорлари Биринчи жаҳон урушига қадар ҳокимиятда қолишнинг уддасидан чиқди.

Дунёнинг бошқа жойларида эса абсолютизм Шарқий Европадаги сингари чидамли бўлиб чиқди. Айниқса, Хитойда Мин ва Цин сулоалари ўртасидаги ҳокимият алмашинуви барқарор аграр жамият қуриш ва халқаро савдога қарши туришга аҳд қилган давлат барпо қилинишига олиб келди. Аммо Осиёда ҳам муҳим институционал тафовутлар бор эди. Хитой саноат инқилобига Шарқий Европа каби муносабатда бўлди, Япония эса Ғарбий Европанинг йўлини тутди. Худди Франциядаги сингари Япония ҳам тизимни инқилоб йўли билан ўзгартирди, унга Сацума, Чйюшу, Тоса ва Аки князликлари ҳукмдорлари бошчилик қилди. Улар сёгун ҳокимиятини кулатиб, Мэйдзи ислохотларини амалга оширдилар ва Японияни институционал ислохотлар ва иқтисодий ўсиш йўлига олиб чиқдилар.


Биз ташқи дунёдан узилган Эфиопияда ҳам абсолютизм чидамли бўлиб чиққанини кўргандик. XVII асрда Англиядаги инклюзив институтларнинг шаклланишини таъминлаган халқаро савдо кул савдоси орқали Ғарбий ва Марказий Африканинг катта қисмини ғоят экстрактив институтлар таъсирига тушириб қўйди. Бу баъзи жойларда жамиятни хароб қилган бўлса, бошқаларида экстрактив қулдорлик давлатлари пайдо бўли-

шига олиб келди.

Биз тасвирлаган институционал муносабатлар барибир қайси мамлакатларнинг XIX асрдан бошлаб улкан имкониятлардан фойдаланиб, олдинга юргани, қайсилари эса, аксинча, бу имкониятларни бой берганини белгилаб берди. Бугунги кундаги глобал тенгсизликнинг илдиэларини ана шу фаркланишдан топиш мумкин. Айрим истисноларни хисобга олмаганда, ҳозирги бой мамлакатлар асосан XIX асрдан эътиборан саноатлашиш ва технологик ўзгаришлар жараёнига қадам қўйган бўлиб, камбағал мамлакатлар бундан четда қолганди.

11

ИЖОБИЙ АЛОҚАДОРЛИК
ЗАНЖИРИ



“ҚОРАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН”

Лондоннинг шундоқкина гарбида жойлашган Виндзор қалъаси Англиядаги энг улуғвор қироллик қошоналаридан бири ҳисобланади. XVIII аср бошларида қаср буғулар билан тўла улкан ўрмон билан ўралган эди, аммо бугун улар санокли қолган. 1722 йилда ўрмон кўриқчиларидан бири баптист Нан қонли тўқнашув ичида қолади. У 27 июнь куни кундалигига шундай ёзганди:

Қоралар тунда келиб, менинг хонам деразасига уч марта иккитадан ўқ узди. Мен уларга ўттизинчи санада Кроуторн қишлоғида 5 гвинея¹ тўлашга рози бўлдим.

Наннинг кундалигидаги бошқа бир қайдда эса шундай дейилади: “Янги қутилмаган совга. Ниқоб кийган бир киши пайдо бўлиб, вайронагарчилик ҳақида огоҳлантирди”.

Нанга таҳдид солган, ўқ узган ва ундан пул талаб қилган бу сирли “қоралар” ким эди? Қоралар кечалари ташқи кўринишини яшириш учун юзларини “қорага бўяган” маҳаллий аҳоли вакилларида иборат гуруҳлар эди. Улар ўша даврда жанубий Англия бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, буғулар ва бошқа ҳайвонларни ўлдирар, пичан гарамлари ва омборларга ўт қўяр, тўсиклар ва балиқчилик ҳавзаларини бузарди. Бир қарашда бу шунчаки безориликка ўхшар, аслида эса ундай эмасди. Қирол ёки зодагонлар синфининг бошқа аъзоларига қарашли ерларда буғуларни ноқонуний овлаш (браконьерлик) анчадан бери давом этарди. 1640-йиллардаги фуқаролар уруши пайтида Виндзор қалъасидаги буғуларнинг ҳаммаси кирилиб кетганди. 1660 йилда монархия қайта тикланиб, Чарльз II тахтга ўтиргандан сўнг ўрмонга яна буғулар олиб келинади. Аммо “қоралар” буғуларни фақат ейиш учунгина овламасди; улар аёвсиз бузғунчилик билан ҳам шуғуullanарди. Аммо нима мақсадда?

¹ гвинея (инглизча “гуинея”) – 1663-1813 йилларда ишлатилган инглиз олтин тангаси.

1688 йилги Шонли инқилобнинг энг муҳим асосларидан бири парламент аъзолари манфаатларининг плюралистик хусусияти эди. Оранжлик Уильям ва кейинчалик 1714 йилда киролича Аннадан ҳокимиятни мерос олган ҳанноверлар сулоласи монархлари билан иттифоқчи бўлган савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар, майда ер эгалари ва зодагонлардан ҳеч бири ўз истагини ўтказиш учун етарли даражада кучли эмасди.

XVIII асрда Англияда стюартлар ҳокимиятини тиклашга уринишлар давом этди. 1701 йилда Жеймс II вафот этиши билан унинг ўғли, “Катта даъвогар” – Жеймс Френсис Эдуард Стюарт Франция, Испания, Рим папаси ҳамда стюартлар сулоласининг Англия ва Шотландиядаги тарафдорлари – якобитлар томонидан Англия тожининг қонуний меросхўри сифатида тан олинади. 1708 йилда “Катта даъвогар” француз кўшинлари ёрдамида тахтни қайтариб олишга уриниб кўрди, аммо бу уриниш муваффақиятсиз чиқди. Келгуси бир неча ўн йил давомида эса якобитлар кўзголони яуз бериб турди, улардан энг йириклари 1715 ва 1719 йилларда бўлиб ўтди. Катта даъвогарнинг ўғли, “Ёш даъвогар” Чарльз Эдуард Стюарт 1745–1746 йилларда тахтни қайтариб олишга уриниб кўрди, аммо унинг кўшинлари Британия кўшинларига мағлуб бўлди.

Аввал кўрганимиздек, Виглар партияси 1670-йилларда янги тижорий ва иктисодий манфаатларни ифода этиш учун ташкил этилган бўлиб, бу партия Шонли инқилобни юзага келтирган асосий тузилма бўлганди. Виглар 1714 йилдан 1760 йилгача парламентда ҳукмронлик қилди. Ҳокимиятни қўлга киритгач, улар ўзларининг янги мавқеларидан фойдаланиб, бошқаларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш, уларнинг ҳақларини тап тортмасдан суиистеъмол қилиш васвасасига тушдилар. Бу жиҳатдан уларнинг стюарт киролларидан фарқи йўқ эди, фақат уларнинг ҳокимияти мутлақ ҳукмронликдан

узоқ эди. Бунга парламентдаги рақиб гуруҳлар, хусусан, вигларга қарши ташкил қилинган Торилар партияси ҳамда парламентни кучайтириш, янги абсолютизмнинг пайдо бўлиши ва стюартлар сулоласи ҳокимиятга қайтишининг олдини олиш мақсадида жорий қилинган институтлар тўсқинлик қилди. Бу институтларни жорий қилиш учун Вигларнинг ўзлари курашганди. Шонли инқилобдан кейин шаклланган плюралистик жамият кўпчилик аҳолининг, ҳаттоки парламентда ўз вакиллариغا эга бўлмаганларнинг ҳам кучайганини англатарди. “Қоралар ҳаракати” эса айнан авом халқ томонидан Вигларнинг ўз мавқеини сунистеъмом қилишига қарши билдирилаётган муносабат эди.

Вигларнинг оддий халқ ҳуқуқларига тажовуз қилиши “қоралар ҳаракати”га олиб келганини Уильям Кадоган мисолида кўриш мумкин эди. 1701–1714 йиллардаги Испания тахти учун урушда ҳамда якобитлар кўзғолонларини бостиришда муваффақият қозонган генерал Кадоган қирол Георг I томонидан 1716 йилда барон, 1718 йилда эса граф унвонлари билан сийланади. У, шунингдек, давлатнинг энг муҳим ишларига раҳбарлик қилган “*Вақтинчалик лордлар адлия кенгаши*”нинг нуфузли аъзоси ва бош қўмондон вазифасини бажарувчи бўлди. Кадоган Виндзордан гарбга томон йигирма мил масофада жойлашган Кавершамда минг акрлик катта мулкни сотиб олади ва у ерда мухташам қаср, кўркам боғ ва 240 акрли майдонда буғулар кўрикхонаси барпо эттиради. Аммо ушбу мулк унинг атрофидаги кишиларнинг ҳақларига тажовуз қилиш орқали қўлга киритилганди. Одамлар ерларидан ҳайдаб чиқарилиб, уларнинг чорва молларини боқиш, торф ва ўтин териш бўйича анъанавий ҳуқуқлари бекор қилинганди. Кадоган “қоралар”нинг ғазабига учради. 1722 йилнинг 1 январиди ва июль ойида унинг боғига қуролланган отлиқ “қоралар” ҳужум қилди. Биринчи ҳужумда 16 бош буғу ўлдирилади.

Бу борада граф Кадоган ёлғиз эмасди. Жуда кўп нуфузли заминдорлар ва сиёсатчиларнинг мулклари ҳам қоралар ҳужумига дучор бўлди.

Виглар партияси бошчилигидаги ҳукумат эса буни шундай қолдира олмасди. 1723 йилнинг майида парламент “Қоралар тўғрисидаги қонун”ни қабул қилди. Бу қонун билан қонунчиликка дорга осиб жазоси қўлланиладиган 50 та янги жиноят тури киритилди. Бу қонун нафақат қурол олиб юришни, балки юзни қорайтиришни ҳам жиноят деб эълон қилди. Кўп ўтмай, қонунга ўзгартириш киритилиб, юзни қорайтирганлик учун ҳам дорга осиб жазоси белгиланди. Виглар элитаси қонунни ижро қилишга иштиёқ билан киришди. Баптист Нан қора ниқоблиларнинг кимлигини аниқлаш учун Виндзор ўрмонида чақимчилар тармоғини яратди. Кўп ўтмай бир қанча киши ҳибсга олинди. Ҳибсдан дорга осибгача бўлган жараён осон кечиши кутилган эди. Охир-оқибат “Қоралар тўғрисидаги қонун” кучга кирган, виглар парламентни, парламент эса мамлакатни бошқарар, “қоралар” бевосита айрим қудратли вигларнинг манфаатларига зид ҳаракат қилишаётганди. Ҳатто давлат қотиби, ўша пайтдаги Бош вазир сэр Роберт Уолпол ҳам бу ишга аралашган эди. У Кадоган сингари Вақтинчалик лордлар адлия кенгашининг нуфузли аъзоларидан бири эди. Уолпол жануби-ғарбий Лондондаги Чарльз I томонидан умумий ердан ажратиб олинган Ричмонд боғига эгалик қиларди. Бу боғ ҳам маҳаллий аҳолининг чорва ҳайвонларини ўтлатиш, қуён овлаш ва ўтин теришдан иборат анъанавий ҳуқуқларига дахл қиларди. Аммо бу ҳуқуқларга барҳам беришда сусткашлик қилинган кўринади, чунки боғда ҳайвонларни ўтлатиш ва ов қилиш Уолпол ўз ўғлини боғ назоратчиси қилиб тайинлагунга қадар давом этди. Энди боғ бегоналар учун ёпиб қўйилиб, уни ўраб турувчи янги девор қурилди ва одамлар учун қопқонлар ўрнатилди. Уолпол буғу овлашни ёқтирар, боғнинг ўртасида, Ҳоутонда ўзи учун

уй ҳам қурдирганди. Тез орада маҳаллий “қоралар”нинг дўшманлиги аланга олди.

1724 йилнинг 10 ноябрида боғдан ташқарида яшовчи Жон Ҳантриж буғу ўғриларига ёрдам бериш ва “қоралар”ни бу ишга ундашда айбланди. Ҳар икки жиноят дорга осиб билан жазоланарди. Ҳантриж ишини тергов қилишга юқоридан шахсан Уолпол ва Кадоган бошчилигидаги Вақтинчалик лордлар адлия кенгаши томонидан киришилди. Ҳантрижнинг жиноятига далил топиш учун бу ҳақида хабар берган Ричард Блэкберн исмли чакимчининг кўрсатмасини олиш мақсадида Уолполнинг шахсан ўзи узоқ йўл босиб келади. Гумонланувчига айблов ҳукми чиқарилиши олдиндан маълумдек эди, аммо амалда ундай бўлиб чиқмади. Саккиз ёки тўққиз соат давом этган суд жараёнидан сўнг суд ҳайъати Ҳантрижни айбсиз деб топди, боиси далиллар гайриқонуний усулда тўпланган эди.

Аммо “қоралар” ва уларга хайрихоҳ кишиларнинг ҳаммасига ҳам Ҳантриж каби омад кулиб боқмаган. Гарчи “қоралар”нинг баъзилари оқланган ёки уларнинг жазolari енгилроғига алмаштирилган бўлса-да, кўпчилик “қоралар” дорга осилди ёки ўша пайтдаги жазо колонияси бўлган Шимолий Америкага сургун қилинди. Қонун эса 1824 йилда бекор қилингунга қадар амалда бўлди. Шунга қарамай, Ҳантрижнинг ғалабаси мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Ҳакамлар ҳайъати Ҳантрижнинг тенги бўлган фуқаролардан эмас, балки Уолполга хайрихоҳ бўлган йирик заминдорлар ва кичик ер эгаларидан таркиб топганди. Аммо вазият энди XVII асрагидек эмасди. Авваллари “Юлдузлар кабинети” суди стюартларнинг чизган чизигидан чиқмас ва қиролларнинг ракибларини қатағон қилиш қуроли сифатида ишлар эди. Бундан ташқари, қирол ўзига манзур бўлмаган қарор чиқариб қўйган судьяларни ишдан олиб ташлай оларди. Энди Виглар ҳам қонун устуворлигига риоя қилишга мажбур эдилар; бу

тамойилга кўра қонунлар ҳаммага бирдек татбиқ қилинар ва ҳеч ким қонундан устун бўлиши мумкин эмасди.

“Қоралар тўғрисидаги қонун” билан боғлиқ ҳодисалар шуни кўрсатадики, Шонли инқилоб қонун устуворлигини юзага келтирган бўлиб, Англия ва Британияда бу тушунча мустахкамрок, элита эса бу механизм билан ўзлари тасаввур қилгандан-да кўпроқ тийиб қўйилганди. Қайд этиш жоизки, “қонун устуворлиги” (rule of law) ва “қонун орқали бошқарув” (rule by law) бир хил тушунчалар эмас. Оддий халқ қаршилигини енгиш учун вигларда шафқатсиз ва зулмкор қонунлар қабул қилиш имкони бўлишига қарамасдан, қонун устуворлиги тамойили туфайли кўшимча чекловларга ҳам қарши курашишга мажбур эдилар. Улар чиқарган қонун (“Қоралар тўғрисидаги қонун”) эса Шонли инқилоб ва ундан кейинги даврда сиёсий институтларда юз берган ўзгаришлар туфайли қиролларнинг “илохий” ҳақ-ҳуқуқлари ва элитанинг имтиёзларини йўқ қилиш орқали ҳаммага берилган ҳуқуқларни поймол қиларди. Қонун устуворлиги ҳам юқори табақа, ҳам оддий халқ бу қонуннинг ижросига қарши чиқишларини таъминлади.

Тарихий нуқтаи назардан “қонун устуворлиги” жуда ғалати тушунча. Нега энди қонунлар барча учун баробар бўлиши керак экан? Модомики, қирол ва аристократия сиёсий ҳокимиятга эга бўлиб, бошқалар ундан маҳрум экан, қирол ва зодагонларга мумкин бўлган ишлар қолганлар учун тақиқланиши ва жазога тортилиши табиийку? Чиндан ҳам, абсолют сиёсий институтлар шароитида қонун устуворлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. У плюралистик сиёсий институтлар ҳамда шундай плюрализмни қўллаб-қувватлайдиган кенг қамровли коалицияларнинг меваси эди. Қонун устуворлиги фақат кўпчилик шахслар ва гуруҳларнинг қарорлар қабул қилишда овозга ҳамда мунозараларда қатнашиш учун сиёсий кучга эга бўлгандагина юзага келади. XVIII

аср бошларига келиб, Британия старлича плюралистик бўлиб бораётгани, виглар партияси раҳбарлари эса қонун устуворлиги тушунчаси мустаҳкамланиб бориши билан қонунлар ва институтлар уларни ҳам чеклаши мумкинлигини англаб етди.

Аmmo нега виглар ва парламентнинг бошқа аъзолари бу чекловларга ён берди? Нега улар ўзларининг парламент ва давлат устидан ҳукмронликларидан “Қоралар тўғрисидаги қонун”нинг сўзсиз ижросини амалга ошириш йўлида фойдаланмадилар, нега улар ўзлари истамаган қарорларни чиқарган судлардан қутулмадилар? Бу саволларнинг жавоби бизга Шонли инқилобнинг моҳиятини очиб беради, яъни у нима сабабдан эскича абсолютизмни янгичаси билан алмаштириб кўя қолмаганини, плюрализм ва қонун устуворлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳамда ижобий алоқадорлик занжирининг динамикасини англашга ёрдам беради. 7-бобда гувоҳ бўлганимиздек, Шонли инқилоб бир элитанинг бошқа бир элита тарафидан ағдарилиши эмас, балки кичик мулкдорлар, савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, виглар ва торилар жамоаларидан таркиб топган йирик иттифокнинг истибдодга қарши исёни эди. Плюралистик сиёсий институтларнинг пайдо бўлиши шу инқилобнинг натижаси бўлди. Қонун устуворлиги ҳам шу жараённинг маҳсули ўлароқ юзага келди. Ҳокимият бир қанча томонлар ўртасида бўлингани сабабли бир томон ҳаддан зиёд қудратга эришиб, охиросида плюрализм асосларига болта уришининг олдини олиш учун қонунлар ва чекловлар уларнинг барчасига татбиқ қилиниши табиий эди. Шундай қилиб, қонун устуворлигининг негизи бўлмиш ҳукмдорларга нисбатан чекловларнинг мавжудлиги тушунчаси стюартларнинг мутлақ ҳокимиятига қарши муҳолифатни ташкил этган коалиция юзага келтирган плюрализм мантиғининг бир қисми эди.

Шунга биноан, қонун устуворлиги тамойили ва монархлар илоҳий ҳуқуқларга эга эмаслиги ғояси амалда стюартлар абсолютизмига қарши асосий аргумент бўлганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Британиялик тарихчи Э.П. Томпсон қайд этганидек, стюартлар сулоласига мансуб монархларга қарши курашда:

Легитимлиги тенглик ва қонунларнинг универсаллигига асосланган, ўзи ҳам қонун устуворлигига риоя қиладиган ҳукмрон синфни шакллантириши учун улкан саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Дарҳақиқат, ҳукмдорлар ўзлари истайдими-йўқми, ўз идаоларининг қулига айланиб қолдилар. Улар ўзлари истаган қоидалар бўйича сиёсий ўйин ўйнадилар, ammo ўша қоидаларни буза олмадилар. Акс ҳолда, бутун ўйин ютқазилган бўларди.

Ўйинни бой бериш эса тизимни ишдан чиқариши ва коалициядаги гуруҳлардан бирининг абсолютизмига йўл очиши ва ҳаттоки стюартлар авторитаризмининг қайтишига олиб келиши мумкин эди. Томпсоннинг таъбири билан айтганда, парламентни янги абсолютизмни юзага келтиришга қаршилиқ қилишининг сабаби шундай эди:

Қонун устуворлигининг йўқ бўлиши ва қирол ваколатларининг тикланиши... уларнинг мол-мулки ва ҳаётларига чанг солиши мумкин эди.

Шунингдек,

Улар (монархга қарши курашаётган ўша зодагонлар, савдогарлар ва ҳоказо) ўзларининг ҳимояси учун танлаган услуб шундай эдики, асл негизига кўра бу услубни ўша тоифанинг ўз манфаатлари учунгина қўллаб бўлмасди. Қонун барча шакллари ва хусусиятларига кўра тенглик ва адолат тамойилларини ифода этиб, барча табақа ва синфларга тааллуқли бўлиши лозим эди.

Мавжуд бўлган кезде, қонун устуворлиги нафақат

абсолютизмни тийиб қўйди, балки ўзига хос ижобий алоқадорлик занжирини юзага келтирди. Қонун ҳаммага бирдек татбиқ қилинар экан, ҳеч бир киши ёки гуруҳ – у хоҳ Кадоган бўлсин, хоҳ Уолпол – қонундан устун бўла олмади: бировнинг мол-мулкани ўзлаштириб олишда айбланган оддий кишининг одил судловга ҳуқуқи бор эди.

Биз инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар қай тариқа пайдо бўлишини кўриб чикдик. Хўш, вақт ўтиши билан уларнинг сақланиб қолиши сабаби нимада? “Қоралар тўғрисидаги қонун” ва унинг ижросига қўйилган чекловлар ижобий занжирга яққол мисол бўлади. Бу ижобий ҳалқалар кетма-кетлигидан иборат шундай қудратли жараёнки, у инклюзив институтларни уларни заифлаштирувчилардан ҳимоя қилади ва айни пайтда янада инклюзивроқ бўлишга олиб борадиган кучларни ҳаракатга келтиради. Ижобий алоқадорлик занжирининг моҳияти шундаки, у қисман инклюзив институтлар қонун устуворлиги билан кафолатланган ҳокимиятнинг ваколатларига чекловлар ҳамда сиёсий ҳокимиятнинг жамиятда плюралистик тарзда бўлинишига асосланишидан келиб чиқади. Бирор гуруҳ ўз иродасини ҳеч бир чекловсиз бошқаларга (ҳатто бошқалар Ҳантриж сингари оддий фуқаролар бўлса ҳам) ўтказиш лаёқатига эга бўлиши бу мувозанатга хавф туғдиради. Модомики, қонун устуворлиги ўз ерларини олиб қўяётган элитага эътироз билдирган деҳқонларга қарши ишда вақтинча бекор қилинар экан, бу қонун келажакда яна ўзгармаслигига қандай кафолат бор? Келаси сафар қонун устуворлиги бузилишига кўз юмилса, аввалги ярим асрда савдогарлар, тадбиркорлар ва майда мулкдорлар қўлга киритган ваколатларни қирол ва зодагонлар қайтариб олишига ким тўсқинлик қила оларди? Аслини олганда, келаси сафар у бузилганда, эҳтимолки, бутун плюрализм лойиҳаси барбод бўлиши мумкин эди, боиси кичик бир гуруҳ кенг коалициянинг ўрнига назоратни қўлга оларди.

Сиёсий тизим бундай таваккалчиликка йўл қўёлмасди. Бу ҳолат плюрализм ва у юзага келтирган қонун устуворлигини Британиядаги сиёсий институтларнинг ажралмас хусусиятига айлантирди. Шу билан бир қаторда, кейинчалик шуни кўрамизки, плюрализм ва қонун устуворлиги ўрнатилган маҳалда, янада кўпроқ плюрализм ва сиёсий жараёнларда кўпчиликнинг иштирок этишига талаб кучайиб боради.

Ижобий занжир фақат плюрализм ва қонун устуворлигининг табиий хусусияти туфайли пайдо бўлиб қолмайди, шунингдек, унга инклюзив сиёсий институтлар инклюзив иқтисодий институтларни қўллаб-қувватлаши ҳам сабаб бўлади. Бу эса даромаднинг бирмунча тенгроқ тақсимланиши, жамиятнинг каттароқ қисми ҳокимиятга эга бўлиши ҳамда сиёсий майдонда барча ўйинчиларга тенг имконият берилишига олиб келади. Бу ҳолат сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олишдан келадиган фойдани камайтириб, экстрактив сиёсий институтларни қайта яратишга бўлган рағбатни йўқотади. Мана шу омиллар Британияда чин маънодаги демократик сиёсий институтлар вужудга келишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қолаверса, плюрализм очикроқ тизимни яратиб, мустақил матбуот тараққий этишига имкон беради. Бу эса инклюзив институтлар бардавом бўлишидан манфаатдор бўлган гуруҳлар учун кутиладиган хавфлардан бохабар бўлиш ва уларга қарши уюшишни осонлаштиради. Англияда 1688 йилдан кейин давлат матбуотни цензура қилишни тўхтатгани гоят муҳим ҳодиса эди. Ушбу бобда АҚШда ҳам матбуот аҳолининг умумий таъсири кучайиши ҳамда институтлар шаклланиш жараёнида ижобий занжирнинг бардавом бўлишида муҳим роль ўйнаганига гувоҳ бўламиз.

Ижобий алоқадорлик занжири инклюзив институтлар яшовчанлигини таъминлаётгани уни муқаррар

ва ортга қайтмас жараёнга айлантормасди. Британияда ҳам, АҚШда ҳам, инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар кўплаб қийинчиликларга дучор бўлганлар. Шонли инқилоб даврида ўрнатилган сиёсий институтларни ағдариб ташлаш учун йўлга отланган “Ёш даъвогар” Чарльз Эдуард Стюарт 1745 йилда ўз армияси билан Лондондан атиги 100 мил наридаги Дербиғача етиб келади. Аммо у мағлубиятга учради. Инклюзив институтларнинг таназзулига ташқи хавфдан кўра ички таҳдидлар сабаб бўлиши эҳтимоли янада каттароқ эди. Британия сиёсий элитаси сиёсий тизимни эркинлаштиришнинг олдини олиш учун катагонлардан фойдаланишни ҳам ўйлаганди, аммо сўнгги онда бундан воз кечди. Биз буни 1819 йилги Манчестердаги Питерлоо қирғини мисолида кўрдик ва ҳали янада батафсил кўриб чиқамиз. Худди шунингдек, инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар АҚШда ҳам инклюзив институтларни йўққа чиқариши мумкин бўлган жиддий таҳдидларга дуч келди, лекин бу таҳдидлар амалга ошмади. Ва албатта, бу таҳдидларни енгишнинг кафолати йўқ эди. Британия ва АҚШдаги инклюзив институтлар яшаб қолгани ва вақт ўтиши билан кучайиши сабаби нафақат ижобий занжирда, балки тарихнинг шартли йўли туфайли ҳамдир.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСТА ЮРИШИ

“Қоралар тўғрисидаги конун” оддий британияликларга шуни кўрсатиб қўйдикки, улар илгари ўйлаганидан кўра кўпроқ ҳуқуққа эга экан. Улар ўзларининг анъанавий ҳуқуқлари ва иқтисодий манфаатларини судда ҳамда петициялар ва лоббидан фойдаланган ҳолда парламентда ҳимоя қила оларкан. Бироқ бундай плюрализм ҳали тўлақонли демократияга олиб келмаганди. Эркаларнинг кўпчилиги, аёллардан эса умуман ҳеч ким сайловларда қатнаша олмас, мавжуд демократик тузилмаларда адолатсизликлар кўп эди. Буларнинг барчаси ҳали ўзгариши лозим эди. Инклюзив институтларнинг ижобий

занжири нафақат илгари эришилган ютуқларни сақлаб қолади, шу билан бирга янада кенгрок инклюзивликка ҳам йўл очади. XVIII асрда Британия элитасининг сиёсий ҳокимиятни жиддий кийинчиликларсиз сақлаб қолиши эҳтимолдан йирок эди. Мазкур элита қиролнинг илоҳий ҳуқуқларига қарши туриш ҳамда оддий аҳолининг сиёсий жараёнларда қатнашиши учун йўл очиш орқали қудратга келганди, аммо кейинрок бундай ҳуқуқ фақат озчиликка берилди, холос. Борган сари аҳолининг янада кўпроқ қисми сиёсий жараёнда иштирок этиш ҳуқуқини талаб қилиши тайин эди. 1831 йилгача ўтган даврда шундай бўлди ҳам.

XIX асрнинг дастлабки ўттиз йилида Британия ижтимоий норозиликлар кучайиб боришига гувоҳ бўлди. Улар асосан иқтисодий адолатсизликларнинг ортишига жавоб тариқасида ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган омманинг кўпроқ сиёсий ҳуқуқлар учун кураши туфайли эди. 1811–1816 йиллардаги луддитлар исёнлари – ўз даромадларининг камайишига олиб келади, деб ҳисоблаган ишчиларнинг янги технологиялар жорий қилинишига қарши кураши – сиёсий ҳуқуқларини очикойдин талаб қилган кўзғолонларга – Лондоннинг Спа Филдз майдонидаги 1816 йилги намойишлар ҳамда Манчестердаги 1819 йилги Питерлоо қирғинига уланиб кетди. 1830 йилги Свинг исёнлари замирида эса қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнатқашлари турмуш даражаларининг ёмонлашуви ва янги технологияларнинг жорий қилинишига қаршилик ётарди. Айни пайтда Парижда 1830 йилги “Июль инкилоби” юз берганди. Бундай вазиятда Британия элитаси яқдил фикрга кела бошлагандики, унга кўра, омманинг норозилиги чўққига яқинлашиб қолган, ижтимоий талатўпни тинчлантириш ва инкилобнинг олдини олишнинг ягона йўли эса омма талабларини инобатга олиш ҳамда парламент ислоҳоти ўтказиш эди.

Шунинг учун 1831 йилги сайлов асосан ягона масала – сиёсий ислоҳот устида бўлганига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. Сэр Роберт Уолпол давридан салкам юз йил ўтиб, виглар оддий халқнинг хоҳиш-истакларига анчагина кўпроқ қулоқ солди ва сайлаш ҳуқуқини кенгайтиришни ваъда қилди. Лекин сайловчилар сонини оз миқдорда ошириш кўзланган эди, холос. Ҳатто эркаклар учун умумий сайлов ҳуқуқини жорий қилиш масаласи ҳам кўриб чиқилмади. Виглар сайловда ғалаба қозониб, уларнинг раҳнамоси граф Грей Бош вазирга айланди. У кескин ўзгаришларни ёқламасди – бундай қарашдан анча узокда эди. Граф ва у бошчилик қилган виглар партияси ўзгаришларни ёқлашига сабаб улар сайлов ҳуқуқини кенгайтириш адолатдан бўлади, деб ҳисоблагани ёки улар ҳокимиятни бўлишишни истаганлари учун эмасди. Британия демократиясини элита тортиқ қилмаган. Аксинча, демократияни асосан Англия ва Британиянинг бошқа жойларида сўнгги бир неча аср мобайнида давом этиб келган сиёсий жараёнларда тобланган халқ қўлга киритди. Уларга Шонли инқилоб туфайли сиёсий институтларда юз берган ўзгаришлар куч бағишлаганди. Ўзгаришлар юз берди, негаки элитанинг фикрича, бу ўзгаришлар уларнинг ҳокимияти (гарчи бу ҳокимият қандайдир даражада заифлашса-да) бардавом бўлиши учун бирдан-бир чора эди. Буни граф Грей сиёсий ислоҳот борасида парламентда қилган машҳур чиқишида равшан баён қилганди:

Ҳар йили сайланадиган парламент, умумий сайлов ҳуқуқи ва яширин овоз беришга менчалик қарши бўлган бирор киши йўқ. Менинг мақсадим бундай умид ва режаларни ёқлаш эмас, балки уларга чек қўйишдир. Мен илгари сураётган ислоҳотнинг моҳияти муқаррар инқилобнинг олдини олиш, ҳокимиятни сақлаб қолиш ва уни ағдарилшининг олдини олиш учун ислоҳ қилишдан иборат.

Лекин омма нафақат овоз бериш ҳуқуқини, балки ўз манфаатларини ҳимоя қила олиши учун парламентда ўрин олишни ҳам истарди. Буни 1838 йилдан бошлаб умумий сайлов ҳуқуқи учун кураш олиб борган “Чартистлар ҳаракати” аъзолари жуда яхши англарди. Ҳаракат ўз номини “Халқ хартияси” қабул қилиниши ортидан олган, бу ҳужжат эса ўз навбатида “Буюк эркинлик хартияси”га тақлидан шундай номланганди. Чартистлар вакили Ж.Р. Стефенс халқ учун умумий сайлаш ҳуқуқи ҳамда барча фуқаролар овоз беришининг нима сабабдан муҳимлигини шундай тасвирлаганди:

Умумий сайлов ҳуқуқи масаласи... бу пичоқ ва вилка масаласи, нон ҳамда пишлоқ масаласидир... Умумий сайлов ҳуқуқи ҳақида гапирар эканман, айтмоқчи-манки, бу юртдаги ҳар бир меҳнаткаш устида яхши пўстин, бошида яхши шляпа, оиласининг бошпанаси учун яхши том ва дастурхонида яхши таомга эга бўлишга ҳақли.

Британия халқи ҳуқуқларини кенгайтириш ҳамда меҳнаткашлар учун пўстин, шляпа, бошпана ва яхши таомни кафолатлашнинг энг ишончли йўли умумий сайлов ҳуқуқи эди. Стефенс эса буни яхши тушунганди.

Охир-окибат граф Грей “Ислоҳотлар тўғрисидаги биринчи қонун”ни қабул қилишга ҳамда умумий сайлов ҳуқуқи сари бирон-бир муҳим кадам ташламай туриб инкилобий тўлқинларни бартараф қилишга муваффақ бўлди. 1832 йилги ислоҳот фақат сайловчилар сонини икки баравар кўпайтиришдан иборат бўлди – овоз бериш ҳуқуқи берилган кишилар сонининг мамлакатдаги жами эркаклар сонига нисбатан улуши 8 фоиздан 16 фоизга, барча аҳолига нисбатан эса 2 фоиздан 4 фоизгача оширилди. Шунингдек, “қаровсиз шаҳарлар”дан ҳам воз кечилди ва Манчестер, Лидс, Шеффилд каби янги саноат шаҳарлари вакилларига парламентда алоҳида ўринлар ажратилди. Шунга қарамай, кўплаб масалалар ҳал қилинмай қолди.

Шу сабабли тез орада яна сайлаш ҳуқуқини кенгайтиришга талаблар ва ижтимоий норозиликлар кучайди. Буларга жавобан эса ислоҳотлар янада жадаллашди.

Британия элитаси нима сабабдан талабларга ён берди? Нега граф Грей кичик бир ўзгаришни мавжуд тизимни саклаб қолишнинг ягона йўли деб топди? Нима учун улар икки зарардан бирини, яъни ислоҳот ёки инқилобдан нисбатан энгилроғини қабул қилдилар? Ҳеч қандай реформасиз ҳокимиятни саклаб қолса бўлмасмиди? Улар Жанубий Америкада испан конкистадорлари, кейинроқ Австрия-Венгрия ва Россия империяларида ислоҳотлар ўтказишни талаб қилиш бошланган маҳалда бу салтанатлар императорлари, Кариб ҳавзаси ва Ҳиндистонда эса Британиянинг ўзи амалга оширган воситани – норозиликларни бостириш учун куч ишлатишни қўллай олмасмиди? Бунинг жавобини ижобий занжирдан топамиз. Британияда аллақачон содир бўлган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар бу талабларни бостириш учун куч ишлатишни элита учун ёқимсиз ва тобора имконсиз ишга айлантирганди. Э.П. Томпсон ёзганидек:

1790–1832 йиллардаги курашлар бу мувозанат ўзгарганидан дарак берганда, Англия ҳукмдорлари кўрқинчли танловларга рўбарў бўлди. Улар ё қонун устуворлигидан воз кечиши, ўзларининг мураккаб конституциявий тузилмаларини бекор қилиши, ўз сўзларидан қайтиши ва мамлакатни куч билан бошқариши, ёки ўзлари яратган қонунларга бўйсунуши ҳамда уларнинг устунлигини тан олиши лозим эди... Дастлаб улар биринчи йўналишда ишончсиз қадамлар ташладилар. Бироқ, алалоқибат, улар ўзлари ҳақидаги тасаввурларни йўққа чиқармадилар, 150 йиллик конституциявий қонунчиликни инкор қилмадилар, аксинча, қонун олдида бош эгдилар.

Бошқача айтганда, “Қоралар тўғрисидаги қонун” даврида Британия элитасини қонун устуворлиги деб аталган

тузилмани қулатиш фикридан қайтарган куч бу сафар ҳам уларни бутун тизимни издан чиқариши мумкин бўлган зулм ва зўравонликдан воз кечишга мажбур қилди. Модомики, “Қоралар тўғрисидаги қонун”ни амалга оширишга уриниш билан қонун устуворлигини писанд қилмаслик оқибатида Шонли инқилобда савдогарлар, тадбиркорлар ва майда ер эгалари барпо қилган тизимга путур етказилган экан, 1832 йилда зўравон диктатура ўрнатиш бу тизимни буткул қулатган бўларди. Ҳақиқатан, ўша пайтда парламентни ислоҳ қилиш талабида ўтказилган намоёишлар ташкилотчилари қонун устуворлигининг аҳамиятидан ва унинг Британия сиёсий институтлари учун рамзий маъно касб этишидан яхши хабардор эди. Улар ўз қарашларини ўтказиш учун иборанинг шу жиҳатидан фойдаландилар. Парламентни ислоҳ қилиш талабини илгари сурган илк ташкилотлардан бирининг номи “Хэмпден клуби” бўлиб, бу ном “кема ҳақи” солиғи масаласида қирол Чарльз I га биринчи бўлиб қарши чиққан парламент аъзоси Жон Хэмпден шарафига қўйилганди. Мазкур муҳим воқеа стюартлар сулоласининг мутлак ҳокимиятига қарши биринчи йирик норозилик ҳаракати бошланишига олиб келганини 7-бобда кўрган эдик.

Инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар орасида шундай ҳаракатларни қилишга чорлайдиган ўзига хос ижобий боғланиш бор эди. Инклюзив иқтисодий институтлар инклюзив бозорларнинг пайдо бўлишига, ресурсларнинг самаралироқ тақсимланишига, билим ва ҳунар эгаллашга бўлган иштиёқнинг ортишига ва технологик янгиликларга сабаб бўлди. 1831 йилда Британияда буларнинг барчаси амалда эди. Омманинг талабларини бостириш ҳамда инклюзив сиёсий институтларни йўқ қилишга уриниш эришилган ютуқларни чиппакка чиқариши, жамиятнинг янада кенгрок демократлашуви ва инклюзивлашишига қарши элита вакиллари эса бу талатўпда ютқазганлар сафида бўлишлари мумкин эди.

Ижобий занжирнинг яна бир жиҳати шундаки, инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтлар шароитида ҳокимият бошқаруви камроқ марказлашган бўлади. 8-бобда кўрганимиздек, Австрия-Венгрия ва Россияда саноатлашув ҳамда ислоҳотлардан император ва зодагонлар кўп нарса йўқотиши тайин эди. Уларга қарама-қарши ўларок, XIX аср бошларига келиб, инклюзив иқтисодий институтлар туфайли Британияда дов анча кичикроқ эди: крепостнойлик аллақачон йўқликка учраган, меҳнат бозорида мажбурий ишлатиш нисбатан камроқ ва бизнес бошлашга тўсиқлар билан ҳимояланган монополиялар оз эди. Шу боис британ элитаси учун ҳокимиятни ушлаб қолишнинг қиймати анча пастроқ эди.

Ижобий алоқадорлик занжири қонуниятидан шу келиб чиқадики, ўша инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро ижобий боғланиш туфайли куч ишлатиш тобора имконсиз бўлиб боради. Инклюзив иқтисодий институтлар экстрактив институтларга қараганда ресурсларнинг анча адолатлироқ шаклда тақсимланишига олиб келади. Шу тариқа инклюзив институтлар кўпчилик аҳолига ҳуқуқ ва имкониятлар беради, натижада ҳатто ҳокимият учун кураш борасида ҳам имкониятлар нисбатан тенглашади. Бу эса кам сонли элита учун аҳоли ёки ҳеч бўлмаганда унинг бир қисми талабларига ён беришдан кўра оммавий норозиликларни бостиришни қийинлаштиради. Боз устига, Британиянинг инклюзив институтлари саноат инкилобига туртки бериб улгурган ва мамлакатда урбанизация даражаси юқори эди. Дехқонлар ёки крепостнойлардан кўра шаҳарларда истиқомат қиладиган, тартибли, қисман уюшган ва ўзига ишонган одамларга қарши зўравонлик ишлатиш мушкулроқ эди.

Шундай қилиб ижобий боғлиқлик занжири Британияга 1832 йилда “Ислоҳотлар тўғрисидаги биринчи акт”ни олиб келди. Аммо бу ҳали бошланиши эди, ҳолос. Ҳақи-

кий демократиягача ҳали узоқ йўлни босиб ўтиш лозим эди, негаки 1832 йилда ҳукмрон элита мажбур бўлгандагина ён берди. Парламент ислоҳоти масаласи Чартистлар ҳаракати томонидан кўтарилди; уларнинг 1838 йилги “Халқ хартияси”да шундай талаблар кўзда тутилганди:

- *21 ёшга тўлган, ақли расо ва жинояти учун жазо ўтамаётган ҳар бир эркак учун овоз бериш ҳуқуқи.*

- *Бюллетенлар – овоз бериш жараёнида сайловчининг ҳимояси учун.*

- *Парламент аъзолари учун ҳеч қандай мулк талаби бўлмаслиги – шу тариқа сайлов округларига ўзлари истаган кишини – у хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал – сайлашларига имкон бериш.*

- *Парламент аъзоларига маош тўлаш – шу тариқа ҳалол савдогар, ишчи ёки бошқа ҳар қандай кишига ўзи яшайдиган ҳудуд манфаатларини тамсил этиши учун ишидан воз кечган пайтда ўз округи учун хизмат қилиш имконини бериш.*

- *Сайлов округлари тенглиги – аҳолиси кам бўлган ҳудудлар аҳоли кўп яшайдиган ҳудудларнинг овозларини босиб кетишининг олдини олиш мақсадида, парламентда ажратилган ўринлар сони сайловчилар сонига мутаносиб бўлишини таъминлаш.*

- *Парламентни ҳар йили сайлаш – ҳамонки, ҳар 7 йилда бўладиган сайловларда овозларни сотиб олиш мумкин экан (бюллетенлар қўлланилган тақдирда ҳам), ҳар 12 ойда ўтказиладиган сайловда (умумий сайлов ҳуқуқи амал қилган тақдирда) овозларни сотиб олиш учун маблағ етказиш, шунингдек, бир йилгагина сайланадиган депутатлар учун ҳозиргидек ўзлари сайланган округларига қарши чиқиш ва уларнинг ишончини суиистеъмом қилиш имконсиз бўлгач, порахўрлик ва кўрқитиш кабиларни назорат қилишнинг энг самарали механизми шудир.*

“Бюллетен”лардан мурод яширин овоз бериш тизими бўлиб, овозларнинг сотиб олиниши ва сайловчиларга

тазийк ўтказишга имкон берадиган ошкора овоз бериш амалиётига барҳам беришни назарда тутарди.

Чартистлар ҳаракати бир талай оммавий намоёнлар ташкиллаштирди, бу пайтда эса парламентда мунтазам равишда бўлажак ислохотлар эҳтимоли муҳокама қилинди. Гарчи 1848 йилдан сўнг Чартистлар ҳаракати парчаланиб кетган бўлса-да, унинг ишини 1864 йилда ташкил этилган “Миллий ислохотлар уюшмаси” ва 1865 йилда ташкил топган “Ислохотлар лигаси” давом эттирди. 1866 йилнинг июлида ислохот тарафдорлари Хайд паркида ўтказган йирик норозилик намоёнлари ислохотлар масаласини яна бир бор сиёсий майдонда кун тартибига олиб чиқди. Босимлар ўз натижасини бериб, 1867 йилда “Ислохотлар тўғрисидаги иккинчи қонун” қабул қилинишига олиб келди. Бу қонун билан сайловчиларнинг умумий сони икки баробар кўпайди ва барча шаҳар округларида ишчилар синфи сайловчиларнинг аксариятини ташкил қиладиган бўлди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, “ҳадя бериш” (сайловчиларга пул, озиқ-овқат ёки ичкилик улашиш эвазига овозлар сотиб олиш) сингари коррупциялашган сайлов амалиётларига барҳам бериш мақсадида, энди яширин овоз бериш йўлга қўйилди. 1884 йилги “Ислохотлар тўғрисидаги учинчи акт” билан сайловчилар сони яна икки барабар кўпайди, шу тариқа эркакларнинг 60 фоизи сайлаш ҳуқуқига эга бўлди. Биринчи жаҳон урушидан кейин, 1918 йилда қабул қилинган “Халқ вакиллари тўғрисидаги қонун” 21 ёшга тўлган барча эркакларга ҳамда 30 ёшга тўлган, ўзи ёки эри солиқ тўловчи бўлган аёлларга сайлаш ҳуқуқини берди. Ниҳоят, 1928 йилда барча аёллар эркаклар билан бир хил шартларда овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритдилар. 1918 йилги қонун шартларига уруш даврида келишилган бўлиб, бу урушда иштирок этиш ва қуроқлар ишлаб чиқариш учун ишчилар синфига муҳтож бўлган ҳукуматнинг уларга ён бериши эди. Қолаверса, ҳукумат

Россиядаги Октябрь инқилобининг таъсири тарқалиши мумкинлигини ҳам ҳисобга олган бўлса, ажабмас.

Инклюзив сиёсий институтларнинг босқичма-босқич тараққий этиб бориши билан бир пайтда иқтисодий институтлар ҳам тобора инклюзивлик сари эврилиб борди. “Ислохотлар тўғрисидаги биринчи қонун”нинг муҳим натижаларидан бири 1846 йилда “Дон қонунлари”нинг бекор қилиниши бўлди. 7-бобда қайд этилганидек, “Дон қонунлари” бошоқли ва донли экинлар импортини чеклаган, уларнинг нарҳини баланд тутиб, йирик заминдорларга катта даромад келтирганди. Манчестер ва бирменгемлик янги парламентарийлар дон-дуннинг арзон бўлиши ва иш ҳақининг пасайишидан манфаатдор эди. Улар ғалаба қозонди, ер эгалари эса қақшатқич мағлубиятга учради.

Бутун XIX аср давомида электоратда ва сиёсий институтларнинг бошқа жиҳатларида юз берган эврилишлар навбатдаги ислохотларга уланиб кетди. 1871 йилда Либерал партиядан бўлган Бош вазир Гладстон давлат хизматини жамоатчилик назорати учун очиб, давлат ишида меритократияни жорий қилади. Шу тариқа тюдорлар сулоласи даврида бошланган сиёсий марказлаштириш ва давлат институтларини ташкил этиш иши давом эттирилди. Бу даврда либерал ва торилар партиялари тузган ҳукуматлар меҳнат бозорига доир бир талай қонун ҳужжатлари қабул қилди. Чунончи, иш берувчиларга ишчиларнинг бошқа ишга ўтишини чеклаш ҳуқуқини берувчи “Хўжайинлар ва хизматчилар тўғрисида”ги қонунлар бекор қилиниши билан меҳнат муносабатларида ишчилар фойдасига ўзгариш бўлди. 1906–1914 йилларда Х.Х. Асквит ва Дэвид Ллойд Жорж бошчилигидаги Либераллар ҳукумати янги ижтимоий хизматлар – тиббий ва ишсизлик суғуртаси, бюджетдан бериладиган пенсия ва энг кам иш ҳақини жорий қилиб, даромадни қайта тақсимлашга йўналтирилган солиқ

тизими йўлга қўйилди. Мана шундай молиявий ўзгаришлар самараси ўларок, солиқларнинг ишлаб чиқарилган жами маҳсулотдаги улуши XIX асрнинг сўнгги учта декадасида икки баравардан кўпроққа ортган бўлса, XX асрнинг дастлабки ўттиз йилида яна икки баробар кўпайди. Шу билан бирга, солиқ тизими янада “прогрессив”лашиб бордики, бойроқ кишилар кўпроқ солиқ тўлайдиган бўлди.

Айни пайтда, илгари асосан элита учун мавжуд бўлиб, диний тузилмалар бошқарган ва камбағаллардан тўлов талаб қилинган таълим тизимидан омманинг фойдаланиш имконияти тобора ортиб борди. 1870 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун” орқали ҳукумат биринчи марта умумий таълимни тизимли шаклда ташкил этишни бўйнига олди. 1891 йилда таълим олиш бепул бўлди, 1893 йилдан бошлаб болаларнинг 11 ёшгача мактабда ўқиши мажбурий қилинди. 1899 йилга келиб, мажбурий таълимни камида 12 ёшгача олиш шарт қилиб белгиланди ҳамда мухтож оилаларнинг фарзандлари учун махсус таъминот жорий қилинди. Мазкур ўзгаришлар натижаси ўларок, ўн ёшдаги болаларнинг мактабда таълим олиш кўрсаткичи 1870 йилги 40 фоиздан 1900 йилда 100 фоизга етди. Ниҳоят, 1902 йилда “Таълим тўғрисидаги қонун” қабул қилиниши мактаблар учун ресурсларнинг анчагина кенгайишига ва ўрта мактаблар ташкил этилишига олиб келди. Кейинчалик бу мактаблар Британияда ўрта таълим учун пойдевор бўлди.

Дарҳақиқат, инклюзив институтлар ижобий занжирининг намунаси бўлган Британия мисолида “босқичма-босқич ижобий занжир”нинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Сиёсий ўзгаришлар, шубҳасиз, инклюзив сиёсий институтлар томон эврилиш ҳам бўлиб, кенг халқ оммасининг талаблари натижаси эди. Лекин бу ўзгаришлар босқичма-босқич амалга ошди. Ҳар ўн йилда демократия томон дам кичикроқ, дам каттароқ янги одим ташлаб борилди. Ҳар сафарги уриниш зиддиятли кечди,

натижасини эса ҳар сафар олдиндан билиш имконсиз эди. Аммо ижобий занжир шундай кучларни юзага келтирдик, улар элитанинг ҳокимиятга ёпишиб олиш имкониятларини камайтирди. У, шунингдек, қонун устуворлигига куч багишлаб, элита бир вақтлар стюартлардан талаб қилган ҳуқуқларни сўраётган намоёнчиликларга қарши куч ишлатишни қийинлаштириб қўйди. Ўзаро низонинг ҳақиқий инқилобга айланиб кетиш эҳтимоли камайиб, зиддиятларнинг инклюзивлик фойдасига ҳал бўлиш эҳтимоли янада ортиб борди. Бу каби босқичма-босқич эврилишнинг фойдаси катта. Элита учун мавжуд тизимнинг бутунлай кулашидан кўра шуниси хатарсизроқ. Ҳар бир қадам кичик бўлиши мумкин, аммо улкан можаро келтириб чиқаргандан кўра майда талабларга ён берган маъқул. Шунга кўра, “Дон қонунлари” қандай қилиб жиддий можароларсиз бекор қилинганини қисман бўлса-да, тушуниш мумкин. 1846 йилга келиб, заминдорлар парламент фаолиятини назорат қила олмай қолгандилар. Бу “Ислоҳотлар тўғрисидаги биринчи қонун”нинг оқибати эди. Аммо, айтайлик, 1832 йилда сайловчилар кўлами (электорат)ни кенгайтириш, “қаровсиз шаҳарлар”ни ислоҳ қилиш ва “Дон қонунлари”ни бекор қилиш каби масалалар бир вақтда кун тартибида бўлганда, ер эгалари анча жиддийроқ қаршилиқ қилган бўлар эди. Аввалига кичикроқ сиёсий ислоҳотлар ўтказилиб, “Дон қонунлари”ни бекор қилиш кун тартибига кейинроқ чиққани вазиятни юмшатганди.

Босқичма-босқич ўзгаришлар бутунлай номаълум вазиятга тушиб қолишдан ҳам асради. Бирор тузумнинг куч билан ағдарилиши йўқ қилинган тартиб ўрнида бутунлай янги тартиб қурилиши демакдир. Шундай ҳолат Буюк француз инқилоби билан юз берган, дастлабки демократия тажрибаси катагонларга сабаб бўлган ва икки марта монархиянинг қайта тикланишига олиб келган. Ниҳоят, 1870 йилдагина учинчи республика тузуми ўр-

натилиши билан тугагани. Шундай вазият Россиядаги Октябрь инқилоби билан ҳам содир бўлди; кўпларнинг Чор Россиясидан кўра адолатлироқ тартиб ўрнатишга бўлган истаклари битта партиянинг диктатурасига – аввалгисидан-да шафқатсизроқ, зўравонроқ ва золивроқ тузумнинг ўрнатилишига олиб келди. Бу мамлакатларда босқичма-босқич ислохотларни амалга ошириш жуда кийин эди, чунки уларда плюрализм йўқ бўлиб, ғоят экстрактив эди. Британияда босқичма-босқич эврилишни амалга оширса бўладиган ва мақбул танловга айланган омил Шонли инқилоб туфайли пайдо бўлган плюрализм ва у юзага келтирган қонун устуворлиги бўлди.

Француз инқилобига қаттиқ қарши чикқан консерватив инглиз файласуфи Эдмунд Бёрк 1790 йилда шундай ёзган эди:

Бирор ким йиллар давомида жамиятнинг умумий манфаатларига етарлича жавоб бериб турган иморатни қулатиб ёки самара берадиган ҳеч қандай модел ва синалган намуна бўлмай туриб, уни қайта қуриб кўрмоқчи экан, бундан ғоятда эҳтиёт бўлмоқ керак.

Умуман олганда, Бёрк ноҳақ эди. Буюк Француз инқилоби туфайли нафақат Францияда, балки Ғарбий Европанинг аксарият қисмида пойдевори чирик иморатлар қулатилиб, инклюзив институтлар учун йўл очилди. Шунга қарамадан, Бёркнинг хавотири бутунлай хато эди, дейиш тўғри эмас. Британияда 1688 йилда бошланган ва Бёркнинг ўлимидан ўттиз йил ўтиб ўз чўққисига чикқан сиёсий ислохотлар самаралироқ бўлди, негаки ўзгаришларнинг босқичма-босқич юз бергани ислохотларни янада кучли, қаршиликларга чидамли ва охиروқибат мустаҳкам қилди.

ТРЕСТЛАРНИ ПАРЧАЛАШ

АҚШдаги инклюзив институтларнинг илдишлари муштамлақачилик даврида Виржиния, Мэриленд ҳамда Жанубий

ва Шимолий Каролинада юз берган курашларга бориб тақалади. Бу институтлар мамлакат конституциясида ўз-ро тийиб туриш механизмлари ва ҳокимиятнинг бўлиниши билан мустаҳкамлаб қўйилди. Аммо конституция инклюзив институтлар тараққиётига қўйилган сўнгги нукта бўлмади. Худди Британияда бўлгани сингари бу институтлар ижобий боғлиқлик занжири жараёни билан мустаҳкамланиб борди.

XIX аср ўрталарига келиб, Қўшма Штатларда барча оқ танли эркаклар овоз бериш ҳуқуқига эга эди (аёллар ва қора танлилар сайловда иштирок этолмасдилар). Иқтисодий институтлар ҳам янада инклюзивлашиб борди. Чунончи, 1862 йилда “Фермерлар ҳақидаги қонун” қабул қилиниши билан мамлакатнинг гарбий чегарасидаги ерларни сиёсий элита бўлишиб олмади, балки ўша ерларда жойлашиш истагида бўлган аҳолига берилди. Шунга қарамай, худди Британияда бўлганидек, АҚШда ҳам инклюзив институтлар олдида тўғаноқлар бўлмаган даврнинг ўзи йўқ эди. АҚШда фуқаролар урушининг тугаши шимолда иқтисодиётнинг шитоб ўсишига олиб келди. Темир йўллар, саноат ва савдо-сотик кенгайиши билан бир қаторда кишилар ўта катта бойлик орттирди. Иқтисодий муваффақиятлардан рухланиб, бу бадавлат кишилар ва уларнинг компаниялари тобора худбинлашиб борди. Улар монополияларни мустаҳкамлаш, ҳар қандай эхтимолий рақобатчининг бозорга киришига халал бериш ёхуд тенг шартларда иш юритишни қийинлаштирадиган шафқатсиз чоралари туфайли “ўғри баронлар” номини олди. Уларнинг энг номдор вакилларида бири Корнелиус Вандербильт бўлиб, унинг куйидаги сўзлари машҳурдир: *“Ҳокимият менда экан, қонун билан нима ишим бор?”*

Ўғри баронлардан яна бири 1870 йилда “Standard Oil Company”га асос солган Жон Д. Рокфеллер эди. У қисқа муддат ичида Кливленддаги рақобатчиларини йўқ қилиб, нефт ва нефт маҳсулотларини ташиш ва

сотишни монополлаштиришга уринади. 1882 йилга келиб, Рокфеллер улкан монополия, ўша давр тили билан айтганда, трест яратади. 1890 йилга келиб, “Standard Oil” ширкати АҚШда қайта ишланган нефтнинг 88 фоизини назорат қиларди. 1916 йилда эса Рокфеллер дунёдаги биринчи миллиардерга айланди. Ўша давр карикатураларида “Standard Oil” нафақат нефт саноатини, балки Капитолий тепалигини² ҳам чирмаб олган саккизоёқ кўринишида тасвирланади.

Деярли фақат ёмон ном қолдирганлардан яна бири “J.P. Morgan” номли замонавий банк конгломератининг асосчиси Жон Пирпонт Морган эди. Кейинчалик, ўтган бир неча ўн йиллар давомидаги бирлашишлардан сўнг у охир-оқибат “JPMorgan Chase”га айланди. 1901 йилда Эндрю Карнеги билан бирга Морган капитал қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган биринчи корпорация – “U.S. Steel Company”га асос солди ва бу компания узок вақтгача дунёдаги энг йирик металлургия корпорацияси бўлиб келди. 1890-йилларда иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида йирик трестлар пайдо бўла бошлади. Аксар трестлар ўз соҳаларида бозорнинг 70 фоизидан кўпроқ қисмини назорат қиларди. Улар орасида “Du Pont”, “Eastman Kodak” ва “International Harvester” каби бир қанча номдор брендлар бор эди. Тарихан АҚШнинг шимолий ва марказий штатлари бозорларида рақобат нисбатан кучли бўлиб, уларда тенг ҳуқуқлилик мамлакатнинг бошқа қисмлари, айниқса, жанубий штатларга нисбатан яхшироқ таъминланганди. Лекин бу даврда рақобат монополияга йўл берди ва даромадлар бўйича тенгсизлик кескин ортиб борди.

АҚШнинг плюралистик сиёсий тизими бундай тажовузларга қарши курашишга қодир бўлган жамият қатламларини шакллантириб бўлганди. “Ўғри барон-

² Капитолий тепалиги – АҚШ Конгрессининг ҳар икки палатаси – Вакиллар палатаси ва Сенат бинолари жойлашган жой; АҚШ парламенти рамзи.

лар”нинг монополистик хатти-ҳаракатлари қурбони бўлганлар ёки монополистларнинг ўз соҳаларида худбинларча ҳукмронлигидан норози бўлганлар уларга қарши уюша бошладилар. Улар аввалига *Популистлар*, кейинчалик эса *Прогрессивлик* ҳаракатларини туздилар.

Популистлар ҳаракати 1860-йиллар охиридан бошлаб АҚШнинг марказий штатларига зарар келтирган давомли аграр инқироз туфайли вужудга келганди. 1867 йилда “Фермерликни қўллаб-қувватлаш миллий жамияти” ташкил этилди ва фермерларни адолатсиз ва таҳқирловчи бизнес фаолиятларига қарши сафарбар қила бошлади. 1873–1874 йилларда ҳаракат аъзолари марказий штатлардаги 11 та қонун чиқарувчи органда кўпчилик ўринларни эгаллади. Қишлоқ аҳолисининг норозилиги “Халқ партияси” ташкил этилган 1892 йилда чўққисига чиқди. Партия 1892 йилги президентлик сайловида умумий овознинг 8.5 фоизини қўлга киритди. Кейинги иккита сайловда эса улар Демократик партиянинг мағлуб бўлган номзоди, уларнинг ғояларини ўзиники қилиб олган Уильям Женнингс Брайннинг тарафида бўлдилар. Эндиликда Рокфеллер ва бошқа “ўғри баронлар”нинг сиёсатдаги таъсирини чеклаш мақсадида трестларга қарши бирламчи муҳолифат шаклланганди.

Мазкур сиёсий ҳаракатлар сиёсий қарашларга, сўнгра қонунчиликка, айниқса, давлатнинг монополияни назорат қилишдаги роли масаласидаги қонунларга таъсир кўрсата бошлади. Дастлабки муҳим ҳужжат 1887 йилда қабул қилинган “Штатлараро савдо тўғрисидаги қонун” бўлиб, унга асосан Штатлараро савдо комиссияси ташкил этилди ва шу тариқа саноатни федерал даражада тартибга солиш бошланди. Шундан кўп ўтмай, 1890 йилда “Трестларга қарши Шерман қонуни” қабул қилинди. Ҳозирга қадар АҚШнинг монополияларга қарши кураш бўйича қонунчилигининг ажралмас қисми ҳисобланган ушбу қонун “ўғри баронлар”нинг трестларига қарши ҳужумларга асос бўлди. Трестларга қарши асосий ишлар

эса ислохотлар қилиш ва “ўғри баронлар”нинг қудратини чеклашга ваъда берган президентлар – Теодор Рузвельт (1901–1909), Уильям Тафт (1909–1913) ва Вудро Вильсон (1913–1921) даврида амалга оширилди.

Трестларга қарши кураш ва саноатни федерал даражада тартибга солиш жорий этилишининг орқасида турган сиёсий куч фермерларнинг овози эди. 1870-йилларда фермерлар ташкилотлари томонидан темир йўлларни тартибга солиш борасида алоҳида штатлардаги илк уринишлар бўлди. Дарҳақиқат, Шерман қонуни қабул қилинишидан олдин трестлар масаласида Конгрессга юборилган 59 аризанинг қарийб ҳаммаси қишлоқ хўжалигига асосланган штатлардан ҳамда “Фермерлар уюшмаси”, “Фермерлар иттифоқи”, “Фермерларнинг муштарак манфаатлари уюшмаси”, “Чорвадорликни қўллаб-қувватловчилар жамияти” каби ташкилотлардан келганди. Фермерлар саноатда монополистларнинг фаолиятига қарши курашда умумий манфаат борлигини англагандилар.

Демократларнинг соясида таъсир доираларига жиддий путур етган популистларнинг қолдиқларидан улар билан жуда кўп умумий мавзуларни кўтариб чиққан ранг-баранг ислохотчилар ҳаракати – прогрессивистлар пайдо бўлди. Прогрессивизм ҳаракати дастлаб Уильям МакКинли даврида вице-президент бўлган ва 1901 йилда МакКинли ўлдирилгач, президентликни эгаллаган Теодор Рузвельт шахси атрофида бирлашди. Федерал ҳукуматга кўтарилишидан олдин Рузвельт Нью-Йоркнинг муросасиз губернатори бўлган ҳамда сиёсий коррупция ва “машина сиёсати”³ йўқ қилиш учун астойдил меҳнат қилган эди. Конгрессда қилган биринчи мурожаатида Рузвельт

³ Машина сиёсати (инглизча “*machine politics*”) – XIX аср охири – XX аср бошларида АҚШнинг бир қатор йирик шаҳарларида ҳокимиятда бўлган гуруҳлар фаолиятини характерловчи атама. Ҳукмрон гуруҳларнинг ўзлари мансуб бўлган сиёсий ташкилот (“*political machine*” – сиёсий машина) ёрдамида давлат мансабларини эгаллаш ёки қонунларни қабул қилишдан иборат коррупцион схемалари шундай аталган.

ўз эътиборини трестларга қаратади. Унинг фикрича, АҚШ таракқиётининг асоси бозор иктисодиёти ва тадбиркорларнинг зукколигида эди, аммо айни пайтда:

Асосли ва жиддий нуқсонлар бор... Америкаликлар онгида кенг тарқалган бир тушунча бўлиб, унга кўра, трестлар номини олган йирик корпорациялар муайян хусусиятлари ва тенденциялари билан умумий фаровонлик учун зарарлидир. Бу ҳасад ёки ноҳолисликдан ёхуд юртимизни савдо-сотиқда ҳукмронлик учун қурашаётган давлатлардан юқорига олиб чиққан улкан саноат ютуқларидан фахр туйғуси етишмаслигидан келиб чиқмаган. Бундай қарашнинг негизда ўзгарган ва ўзгараётган тижорат шартларининг янгича усулларга мувофиқ келиши заруратини тўғри англамаслик ёхуд дунёнинг таракқиёти буюк ишлар қилинишини тақозо қилаётган бир пайтда, улкан ютуқларга эришишга уриниб кўриш учун сармояни жамлаш зарурлигини билмаслик ётмайди. Бу қараш сармояни жамлаш ва бир мақсадга йўналтиришини тақиқлаш эмас, балки уни назорат қилиш ва асосли чекловлар доирасида тартибга солиш керак, деган комил ишонч устига қурилган ва менинг назаримда, бу фикр тўғридир.

У шундай давом этади:

“Ижтимоий юксалишга эришмоқчи бўлганларнинг мақсади бизнес оламини фирибгарлик жинойатидан халос қилиш билан бир қаторда, барча аҳолини зўравонликдан ҳам қутқариш бўлиши керак”.

Нутк сўнгида президент шундай хулоса қилади:

Барча аҳолининг манфаати учун давлат иштатларнинг бу масаладаги ваколатларига дахл қилмаган ҳолда иштатлараро бизнес фаолияти билан шугулланаётган барча корпорациялар устидан тартиб ва назоратни қўлга олиши лозим. Бу корпорация даромадининг бир қисмини ўз фаолиятларида айрим монополистик

элементлар мавжудлиги ёки унга майл борлиги туфайли қўлга киритадиган шароитда, айниқса, долзарбдир.

Рузвельт Конгрессга йирик корпорацияларнинг фаолиятини тафтиш қилиш ваколатига эга бўлган федерал агентлик ташкил этишни ҳамда, агар лозим бўлса, бундай агентликни тузиш учун конституцияга ўзгартириш киритишни таклиф қилди. 1902 йилда Рузвельт Шерман қонунидан фойдаланиб, “Northern Securities Company”ни тарқатиб юборди. Бу эса “J.P. Morgan”нинг манфаатларига таъсир қиларди. Кейинчалик “Du Pont”, “American Tobacco Company” ва “Standard Oil Company”га қарши даъволар қўзғатилди. Президент Рузвельт “Штатлараро савдо тўғрисидаги қонун”ни 1906 йилда “Хепберн қонуни” билан мустаҳкамлаб, Штатлараро савдо комиссиясининг ваколатларини кенгайтди. Хусусан, темир йўл компанияларининг молиявий ҳисоботларини текширишга рухсат берилди ва комиссиянинг ваколат доираси бошқа жабҳаларда ҳам кенгайтирилди. Рузвельтнинг давомчиси Уильям Тафт эса трестларни янада кучлироқ сабот билан таъқиб қилди. 1911 йилда “Standard Oil”нинг бўлиб ташланиши бу жараённинг чўққиси бўлди. Бундан ташқари, Тафт бошқа муҳим ислохотларни ҳам ўтказди, хусусан, 1913 йилда конституцияга ўн олтинчи ўзгартириш киритилиши билан федерал даромад солиғи жорий қилинди.

Прогрессивлар ислохотлари 1912 йилда Вудро Вильсоннинг сайланиши билан ўз чўққисига чикди. Президент Вильсон 1913 йилда ўзининг “Янги эркинлик” китобида шундай ёзганди:

Агар монополия сақланиб қоладиган бўлса, монополистлар мудом ҳукумат бошқарувида ўтиради. Мен монополия ўзини ўзи чеклашига ишонмайман. Агарда бу мамлакатда АҚШ ҳукуматини қўлга оладиган даражада қудратли кишилар бўлса, улар уни қўлга киритиши ҳаракатидалар.

Вильсоннинг саъй-ҳаракатлари билан 1914 йилда Шерман қонунини янада такомиллаштирган “Трестларга қарши Клейтон қонуни” қабул қилинди ва қонун талабларини ижро қилиш учун Федерал савдо комиссияси тузилди. Бундан ташқари, луизианалик конгрессмен Арсен Пужо раҳбарлигидаги “Пужо қўмитаси” “пул трести” – монополиянинг молиявий секторга тарқалиши бўйича ўтказган текширувлар туртки бўлиб, президент Вильсон молия соҳаси назоратини кучайтиришни бошлади. 1913 йилда молиявий сектордаги монополистик хатти-ҳаракатларни назорат қилувчи Федерал захира кенгаши⁴ ташкил қилинди.

Бозорлар мавжудлигининг ўзиёқ инклюзив институтларни кафолатламаслигини – биз буни 3-бобда таъкидлаган эдик – XIX аср охири ва XX аср бошларида “ўғри баронлар” ва уларнинг монопол трестлари пайдо бўлиши ҳам буни тасдиқлайди. Бозорларни бир нечта компания назорат қилиши, бу фирмалар ҳаддан ортиқ нархлар қўйиши ҳамда самаралироқ рақобатчилар ва янги технологияларнинг кириб келишига ғов бўлишлари мумкин. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бозорлар инклюзив бўлишдан тўхтаб, бора-бора иқтисодий ва сиёсий куч эгаларига қарам бўлиб қолиши мумкин. Инклюзив иқтисодий институтлар шунчаки бозорни эмас, балки аҳолининг кўпчилиги учун тенг имкониятлар ва иқтисодий шароитларни вужудга келтирадиган инклюзив бозорни такозо қилади. Элитанинг сиёсий ҳокимиятига таянган кенг қамровли монополия эса унинг акси ҳисобланади. Аммо монопол трестларга қарши кураш яна шуни кўрсатадики, инклюзив сиёсий институтлар инклюзив бозорлардан узоклаштирувчи хатти-ҳаракатларга қарши кучни ярата олади. Мана шу ижобий занжирнинг амалда ишлаши демакдир. Инклюзив иқтисодий институтлар инклюзив сиёсий институтлар равнақ топиши учун замин

⁴ Федерал захира кенгаши (инглизча Federal Reserve Board) – АҚШ Марказий банкининг бошқарув органи.

ярагади, ўз навбатида, инклюзив сиёсий институтлар ҳам инклюзив иқтисодий институтлардан узоқлашиши олдини олади. АҚШда трестларнинг парчаланиши биз аввал Мексикада кўрган жараёндан фарқли ўларок, ижобий занжирнинг мана шу жиҳатини акс эттиради. Мексикада Карлос Слимнинг монополиясини чеклашга қодир сиёсий тузилма йўқ бўлган бир пайтда, трестлар, монополиялар ва картелларни чеклаш ва бозорларнинг инклюзив бўлиб қолишини таъминлаш учун ўтган бир аср давомида АҚШда Шерман ва Клейтон қонунларидан такрор-такрор фойдаланилди.

АҚШнинг XX аср биринчи ярмидаги тажрибаси жамиятнинг кенг қатламлари кучайиши ва шу орқали ижобий занжир ишлашида эркин матбуотнинг ўрни бекиёслигини ҳам намоён этди. 1906 йилда Рузвельт хира журналистлар учун “ахлат титувчилар” (muckraker) деган иборани ўйлаб топади, бу сўз инглиз ёзувчиси Жон Буньяннинг “Зиёратчининг сафари” асаридagi адабий қаҳрамон – хаскаш кўтарган одамга таклидан олинган эди. Бу ном хиралик билан, айна пайтда аёвсиз тарзда “ўғри баронлар”нинг қилмишларини, шунингдек, маҳаллий ва федерал сиёсий доирадаги коррупцияни фош этувчи журналистларга нисбатан ишлатила бошланди. Энг номдор “ахлат титувчи” Айда Тарбелл бўлса керак. Унинг 1904 йилда ёзилган “‘Standard Oil’ компанияси тарихи” китоби жамоатчилик фикрини Рокфеллер ва унинг бизнес манфаатларига қарши томонга ўзгариш ҳамда 1911 йилда ушбу компаниянинг парчаланишида муҳим роль ўйнади. Яна бир атоқли “ахлат титувчи” – ҳуқуқшунос ва ёзувчи Луи Брэндайс бўлиб, у кейинчалик президент Вудро Вильсон томонидан Олий суд судяси этиб тайинланади. Брэндайс ўзининг “Бировларнинг пули ва банкирлар уни қандай ишлатади?” китобида бир қанча молиявий можароларнинг тафсилотини баён қилади. У Пужо кўмитасининг энг нуфузли аъзоларидан бири эди. Газета магнати Уильям Рэндольф Ҳерст ҳам “ахлат титувчи”

сифатида бу жараёнларда муҳим ўрин тутди. Унинг “The Cosmopolitan” журналида 1906 йилда босилиб чиққан, Дэвид Грехам Филлипснинг “Сенатнинг хиёнати” номли мақолалар тўплами сенатга тўғридан-тўғри сайловлар ўтказиш учун кампания бошланишига туртки бўлди. Шу тариқа прогрессивларнинг асосий ислохотларидан яна бирини амалга ошириш учун 1913 йилда АҚШ конституциясига ўн еттинчи бор ўзгартириш киритилди.

“Ахлат титувчилар” сиёсатчиларни трестларга қарши амалий ҳаракат қилишга мажбурлашда муҳим роль ўйнади. “Ўғри баронлар” “ахлат титувчилар”ни ёмон кўрар, аммо АҚШнинг сиёсий институтлари шундай йўлга қўйилган эдики, улар учун журналистларни тўхтатиш ёки уларнинг овозини ўчириш имконсиз эди. Инклюзив сиёсий институтлар эркин матбуотнинг тараққий этишига имкон берди, эркин матбуот эса, ўз навбатида, инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларга қарши хатарларнинг кенг жамоатчиликка ёйилиши ва бу хатарларга қаршилиқ қилинишига кўмаклашди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, экстрактив сиёсий институтлар, абсолютизм ёки диктатура шароитида бундай эркинлик имконсиз бўлиб, экстрактив режимлар биринчи навбатда ростакам муҳолифатнинг пайдо бўлишига йўл қўймайди. Эркин матбуотда тарқалган маълумотлар XX асрнинг биринчи ярмида АҚШнинг сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Бундай ахборот тарқалмаганда, Америка жамоатчилиги “Ўғри баронлар”нинг асл куч-қудрати ва қилмишларидан беҳабар қолган ва трестларга қарши оёққа турмаган бўларди.

СУДНИ ҚЎЛГА ОЛИШ

Буюк депрессиянинг⁵ авж палласида – 1932 йилда Демократик партия номзоди, Теодор Рузвельтнинг қариндоши Франклин Делано Рузвельт президентликка сайланди. У иқтисодий инқирозга қарши курашиш йўлида

⁵ 1920-йиллар охири ва 1930-йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози.

бир қатор дадил чораларни амалга ошириш учун кўпчилик овоз билан ҳокимиятга келди. Рузвельт президентликка қасамёд қилган 1933 йилнинг бошида меҳнатга лаёқатли аҳолининг чорак қисми ишсиз бўлиб, кўпчилик қашшоқлик гирдобида қолган эди. Инқироз бошланган 1929 йилдан бери саноат ишлаб чиқариши 50 фоиздан кўпроқ қисқарган, инвестициялар тўхтаб қолганди. Бундай вазиятга қарши курашиш учун Рузвельт олиб борган тадбирлар умумий қилиб “Янги курс” номини олди. Рузвельт сайловда 57 фоиз овоз билан ишончли ғалабага эришган, Демократик партия эса “Янги курс” қонунларини қабул қилиш учун Вакиллар палатасида ҳам, Сенатда ҳам кўпчилик ўринга эга бўлган эди. Шунга қарамай, айрим қонун лойиҳалари конституциявий масалаларга тааллуқли бўлиб, Олий судга бориб такалди. Олий судда эса Рузвельтнинг ваколатлари ўтмас эди.

“Янги курс”нинг асосий устунларидан бири “Миллий саноатни тиклаш тўғрисидаги қонун” эди. Актнинг биринчи моддаси саноатни қайта тиклаш масаласига бағишланганди. Президент Рузвельт ва унинг жамоаси фикрича, ишлаб чиқаришда рақобатни чеклаш, ишчиларга қасаба уюшмалари тузишда кўпроқ ҳуқуқлар бериш ва иш шароитларини назорат қилиш сингари чоралар қайта тикланиш учун зарур эди. Иккинчи модда билан Жамоат ишлари бошқармаси ташкил қилиниб, бу ташкилотнинг инфратузилмавий лойиҳалари сирасига Филадельфиядаги “Ўттизинчи кўча” темир йўл вокзали, “Трайборо” кўприги, “Қатта Кули” тўғони ҳамда Флоридадаги Кий Вест оролини китъа билан боғлайдиган Денгизорти шоссеси каби иншоотлар қиради. Рузвельт 1933 йил 16 июнь куни бу қонунни имзолаши билан “Миллий саноатни тиклаш тўғрисидаги қонун” қучга қиради. Бироқ тез орада янги қонун суд даъволарига дуч келди. 1935 йилнинг 27 май куни Олий суд бир овоздан қонуннинг биринчи моддасини конституцияга зид деб топди. Суд қарори жиддий қайд этганидек:

Фавқулодда вазиятлар фавқулодда ечимларни талаб қилиши мумкин. Лекин... фавқулодда ҳолатлар туфайли янги конституциявий ваколатлар юзага келмайди ёки кенгайтирилмайди.

Суд қарори чиқишидан олдин Рузвельт ўз дастурининг кейинги қисмига ўтган ва “Ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги акт”ни имзолаган эди. Ушбу қонун билан АҚШда замонавий ижтимоий ҳимоя тизими – ёшга доир пенсия, ишсизлик нафақаси, вояга етмаган фарзанди бор оилаларга ёрдам пули, аҳоли саломатлигини сақлаш тизими ва ногиронлик нафақалари жорий қилинди. У, шунингдек, “Миллий меҳнат муносабатлари тўғрисидаги қонун”ни ҳам имзолади. Бу қонун билан ишчиларнинг касаба уюшмалари тузиш, жамоавий музокараларда иштирок этиш ва иш берувчиларга қарши иш ташлашлар уюштириш бўйича ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди. Мазкур чоралар ҳам Олий судда даъволар билан юзлашди. Судлашувлар орқали қонунлар қийинчиликка дуч келаётган бир пайтда, 1936 йилда Рузвельт 61 фоиз овоз билан ишончли ғалабага эришиб, қайта сайланди.

Рекорд даражадаги рейтингга эришган Рузвельтнинг энди ўз сиёсий дастурига Олий суднинг аралashiшига йўл қўйиш нияти йўқ эди. У режаларини ўзининг радиодаги “Камин олдидаги суҳбатлар” номли мунтазам чиқишларидан бирида, 1937 йилнинг 9 март кунги жонли эфирда маълум қилади. Рузвельт ўз нутқини биринчи президентлик даврида энг муҳим чора-тадбирларни Олий суд чиппакка чиқаришига бир баҳя қолганини таъкидлаш билан бошлайди ва шундай давом этди:

Тўрт йил муқаддам ўша март оқшомида сизларга радио орқали илк бор қилган мурожатимни эслайман. Ўша пайтда биз улкан молиявий инқирознинг қоқ марказида эдик. Ҳеч қанча вақт ўтмай, Конгресснинг ваколатлари ёрдами билан халқимиздан қўлларидаги олтинни ўз қийматида АҚШ ҳукуматига топшириш-

ни сўрадик. Бугунги тикланган аҳволимиз ўша сиёсат қанчалик тўғри бўлганини исботлайди. Бироқ салкам икки йил ўтиб, бу сиёсатнинг конституциявийлигини аниқлаш Олий судга оширилганда, уни 5 та ёқловчи ва 4 та қариши овоз билан аранг сақлаб қолдик. Битта овоз ўзгариши билан ушбу буюк мамлакат амалга оширган барча буюк ишлар чиппака чиққан бўлар эди. Тўрт судянинг фикрича, хусусий шартномаларда белгиланган шартни талаб қилиш ҳуқуқи конституциянинг қудратли давлат қуришидек муҳим вазифаларидан ҳам муқаддасроқ экан.

Шубҳасиз, бунга бошқа йўл кўйиб бўлмас эди.

Рузвельт сўзида давом этди:

Ўтган пайшанбада Американинг бошқарув шаклини учта отдан иборат жамоага қиёслаган эдим. Бу отларни конституция Америка халқига унинг даласини шудгор қилиш учун берган. Ҳақиқатан ҳам, бу уч от ҳокимиятнинг учта тармоғи – Конгресс, ижроия ва суд ҳокимиятидир. Бугун бу отлардан иккитаси – Конгресс ва ижро этувчи ҳокимият омочни биргалликда тортмоқда, учинчиси эса йўқ.

Сўнгра Рузвельт аслида АҚШ конституциясида Олий судга қонунларнинг конституцияга мувофиқлигини сўроқ остига олиш ҳуқуқи берилмагани, бу вазифани 1803 йилда суднинг ўзи қўлга киритганини эслатади. Шу пайтгача судья Бушрод Вашингтон қайд этганидек, Олий суд “қонуннинг конституцияга зидлигини шак-шубҳасиз исботланмангунча уни кучда қолдирмоғи зарур”, деб ҳисобланган эди. Сўнгра Рузвельт айбловга ўтади:

Охирги тўрт йилда шак-шубҳасиз конституцияга зид бўлмаган қонунларни тан олишдан иборат соғлом қоида четга суриб қўйилди. Суд тизими судлов органи сифатида эмас, балки сиёсий орган сифатида ҳаракат қилмоқда.

Рузвельт бу вазиятни ўзгартиришга сайловчилар ўзи-

га ҳуқуқ берганини даъво қилиб, “ўтказилажак ислоҳотлар бўйича мулоҳаза қилгандан сўнг, чиндан ҳам, конституцияга хос бўлган ягона йўл бу барча судларга янги қон олиб кириш” эканлигини маълум қилди. Бундан ташқари, Рузвельтнинг таъкидлашича, Олий суд судьяларининг вазифалари ҳаддан ортиқ кўпайиб кетган ва кекса судьялар учун юкламалар ҳаддан зиёд оғирлик қилади – айнан ўша қартайган судьялар унинг ташаббуси билан чиққан қонунларни барбод қилаётганди. Кейин Рузвельт барча судьяларни етмиш ёшда мажбурий нафақага чиқаришни ва ўзига (президентга) олти нафаргача янги судьяни тайинлаш ваколати берилишини таклиф қилади. Рузвельт томонидан таклиф қилинган “Суд тизимини қайта ташкил этиш тўғрисидаги билл” қабул қилинганда, илгари нисбатан консервативроқ ҳукуматлар томонидан тайинланган ва “Янги курс”га бор кучи билан қаршилик қилган судьяларни ишдан олиш мумкин бўларди.

Гарчи Рузвельт режасини амалга ошириш учун кўпчиликнинг қўлловини олишга моҳирлик билан уринган бўлса-да, оммавий сўровномалар аҳолининг фақат 40 фоизи бу ташаббусни ёқлашини кўрсатди. Бу пайтга келиб, Луис Брендэйс Олий суд судяси эди. Брендэйс Рузвельтнинг аксар қонунчилик ташаббусларига хайрихоҳ бўлса-да, президентнинг Олий суд ваколатларини камайтиришга уриниши ҳамда унинг судьяларнинг вазифалари ҳаддан ошиб кетганига оид фикрларига қарши чиқди. Рузвельтнинг Демократик партияси Конгресснинг ҳар икки палатасида катта устунликка эга эди. Бирок Вакиллар палатаси Рузвельтнинг ташаббусини қўллашдан бош тортди. Шундан сўнг Рузвельт қонунни Сенатдан ўтказишга уринади. Лойиҳа Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборилади. Сўнгра қўмигада қонун бўйича хилма-хил фикрлар ўрганилиб, баҳс-мунозараларга бой мажлислар бўлиб ўтади. Охир-оқибат қонун лойиҳаси салбий ҳулоса билан Сенатга юборилади. Унда қонун лойиҳаси “конституцион принципларнинг керак-

сиз, беҳуда ва ўта хавfli бузилиши... бирор прецедент ёки асосга эга эмас” деб баҳоланганди. Сенатда 70 га 20 нисбатда тасдиқдан ўтмаган қонун лойиҳаси қайта ёзиш учун кўмитага қайтарилди. Рузвельтнинг “судни кўлга олиш” бўйича таклифлари олиб ташланди. У Олий суд томонидан президент ҳокимиятига нисбатан кўйилган чекловларни йўқота олмади. Рузвельтнинг ваколатларига нисбатан чекловлар сақлаб қолинишига қарамай, мурасага эришилди – “Ижтимоий ҳимоя тўғрисидаги” ва “Миллий меҳнат муносабатлари тўғрисида”ги қонунларни суд конституцияга мувофиқ деб топди.

Мазкур ҳодисадан олинган сабоқ эса зикр этилган иккала қонуннинг қабул қилинишидан ҳам муҳимроқ эди. Инклюзив сиёсий институтлар нафақат инклюзив иқтисодий тамойиллардан четга чиқишга монелик қилади, балки ўзининг давомийлигига хавф соладиган тажовузларга ҳам қарши туради. Демократик партия устунлик қилган Конгресс ва Сенат судни ўз одамлари билан тўлдириш ва “Янги курс” қонунларининг барчасини сақлаб қолишдан бевосита манфаатдор эди. Аммо конгрессменлар ва сенаторлар шуни англадики, модомики президент суд ҳокимиятининг мустақиллигига дахл қила олар экан, бу тизимдаги кучлар мувозанатига ҳам раҳна солиши муқаррар эди. Чунки айнан ўша мавжуд тизим уларни президентдан ҳимоя қилар ва плюралистик сиёсий институтлар давомийлигини таъминларди. Бу вазият XVIII аср бошида Британия сиёсий элитаси ҳам қонун устуворлиги поймол қилиниши улар монархиядан тортиб олган ваколатларни хавф остига кўйиши мумкинлигини тушуниб етганига ўхшаш эди.

Дейлик, Рузвельт қонун чиқарувчи органда кўпчилик ўринга эга бўлиш ортикча мураса ва вақт талаб қилишини баҳона қилиб, мамлакатни фармонлар орқали бошқаришга қарор қилиши, шу тариқа плюрализм ва Америка сиёсий тизимини буткул хатарга кўйиши мумкин эди. Конгресс буни ёқламаслиги тайин бўлиб, чунки Рузвельт

халққа муурожаат қилиши ва Конгрессни инқирозга қарши курашиш учун зарур бўлган чора-тадбирларга тўсқинлик қилишда айблаши мумкин эди. У Конгрессдан қутулиш учун полицияни ишга солиши ҳам мумкин эди. Бунга ишониш қийин дейсизми? Айнан шундай ҳолат 1990-йилларда Перу ва Венесуэлада содир бўлган. Президентлар Фухимори ва Чавес уларга халқ берган мандатдан фойдаланиб, ўзлари билан ҳамкорлик қилишни истамаган парламентларни тарқатиб юборган. Кейин эса конституциялар қайта ёзилиб, президентлик ваколатлари янада кенгайтирилган. Плюралистик сиёсий институтлар шароитида ҳокимиятни бўлишиб олган кишиларнинг орқага қайтишдан ҳадиксираши Уолполни 1720-йилларда Британия суд ҳокимиятини чеклашдан тийган эди. АҚШ Конгрессини Рузвельтнинг суд ислохотини қўллаб-қувватлашдан қайтарган ҳам шу хавотир эди. Шу зайдда Рузвельт ижобий занжирнинг кучига дуч келган эди.

Аммо бу қонуният ҳар доим ҳам, айниқса, асосан экстрактив бўлиб, айрим инклюзив хусусиятларга эга бўлган жамиятларда амал қилавермайди. Бунинг тасдиғини Рим ва Венеция мисолида кўрдик. Яна бир мисолни Рузвельтнинг суд ҳокимиятини қўлга олишга муваффақиятсиз уринишини Аргентинадаги худди шундай ҳаракат билан солиштиришда кўриш мумкин. Аргентинада ҳам худди шундай кураш юз берди, фақат бу сафар асосан экстрактив бўлган иктисодий ва сиёсий институтлар шароитида содир бўлди.

Аргентинада 1853 йилги конституция билан Олий суд ташкил қилинди. У ўз вазифасига кўра АҚШнинг Олий судига ўхшарди. 1887 йилги қонун билан Аргентина суди ҳам АҚШ Олий суди сингари муайян қонунларнинг конституцияга мувофиқлиги бўйича қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлди. Назарий жиҳатдан, Олий суд Аргентинадаги инклюзив сиёсий институтларнинг муҳим элементи сифатида шаклланиши мумкин эди. Бирок

сиёсий ва иқтисодий тизимнинг қолган механизмлари бағоят экстрактив бўлиб, мамлакатда на ҳокимиятнинг жамиятдаги кенг қатламлар бўйлаб тақсимланиши, на плюрализм мавжуд эди. АҚШда бўлгани сингари Аргентинада ҳам Олий суднинг конституциявий ваколати таъкибга учрайди. 1946 йилги демократик сайловларда Хуан Доминго Перон Аргентина президенти сифатида сайланади. Перон истеъфодаги полковник бўлиб, дастлаб 1943 йилги ҳарбий тўнтаришдан кейин меҳнат вазири лавозимига тайинлангач, танилганди. Бу лавозимда у касаба уюшмалари ва ишчилар ҳаракатлари билан сиёсий коалиция қуради, бу эса унинг президентлик учун сайлов пойгасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Пероннинг ғалабасидан ҳеч қанча вақт ўтмай, унинг Депутатлар палатасидаги тарафдорлари Суднинг беш аъзосидан 4 нафарини бўшатишни таклиф қилди. Судга бир қанча айбловлар ёпиштирилганди. Улардан бири 1930 ва 1943-йиллардаги ҳарбий тўнтаришларнинг конституцияга зид равишда суд томонидан қонуний деб эътироф этилишига оид эди. Бу биров ғалати айблов эди, негаки Перон иккинчи тўнтаришнинг асосий иштирокчиларидан бири бўлганди. Яна бир айблов АҚШ Олий суди сингари Аргентина суди томонидан қонунларнинг бекор қилинишига дахлдор эди. Хусусан, Перон президентликка сайланишидан олдин суд Пероннинг Миллий меҳнат муносабатлари бошқармасини конституцияга зид деб топганди. Рузвельт 1936 йилги сайлов кампаниясида Олий судни қаттиқ танқид қилгани каби Перон ҳам ўзининг 1946 йилги сайлов кампанияси даврида шундай қилди. Судьяларни истеъфога чиқариш ташаббуси кўрсатилгандан 9 ой ўтиб, Депутатлар палатаси 3 нафар судьяни ишдан олди, тўртинчиси эса аллақачон истеъфога чиққанди. Сенат ҳам бу ишни маъқуллади. Шундан сўнг Перон 4 нафар янги судьяни тайинлади. Суднинг заифлаштирилиши Перонни сиёсий чекловлардан халос қилди. Энди у ўзидан олдинги ва

кейинги даврда ҳукм сурган ҳарбий диктатуралар сингари чекланмаган ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин эди. Чунончи, янги тайинланган судьялар Перонга қарши асосий муҳолиф партия – Радикал партия раҳбари Рикардо Балбиннинг Перонга нисбатан ҳурматсизлик учун жазога тортилишини конституцияга мувофиқ деб топади. Энди Перон мамлакат диктатори бўлиши мумкин эди.

Перон Олий суд жиловини қўлга олгандан бери Аргентинада ҳар қандай янги президент учун Олий суд аъзоларини тайинлаш оддий ҳолга айланди. Шу тариқа ижроия ҳокимиятни бирмунча тийиб туриши мумкин бўлган сиёсий институт йўқ қилинди. Перон 1955 йилда навбатдаги тўнтариш натижасида ҳокимиятдан ағдарилди, бунинг ортидан узоқ йиллар ҳарбий ва ноҳарбий (фуқаролик) ҳукуматлар ўртасидаги кўпдан-кўп ҳокимият алмашинувлари давом этди. Ҳарбий диктатуралар ҳам, ноҳарбий ҳукуматлар ҳам ўз судьяларини тайинларди. Лекин Олий суд аъзоларини тайинлаш фақат ҳарбий ва ноҳарбий ҳукуматлар алмашинувига хос бўлмади. 1990 йилда Аргентинада ҳукуматлар ниҳоят, демократик йўл билан алмашди – бир демократик ҳукумат ўрнини бошқаси эгаллади. Бироқ бу пайтга келиб, Олий суд масаласида демократик ҳукуматларнинг тутган йўли ҳарбий диктатура режимлариникидан кўп ҳам фарқ қилмади. Янги сайланган президент *Перонист*лар партияси вакили Карлос Саул Менем эди. Амалдаги Олий Суд аъзолари эса демократик бошқарув йўлга қўйилгандан кейин – 1983 йилда Радикал партиядан бўлган президент Раул Альфонсин томонидан тайинланганди. Ҳукумат демократик йўл билан алмашгани учун Менемнинг ўз судьяларини тайинлашига эҳтиёж йўқ эди. Аммо сайлов арафасидаёқ Менем асл юзини намойиш қилиб бўлган эди. У мунтазам равишда, аммо муваффақиятсиз тарзда судьяларни истеъфога чиқишга ундаб (ёки таҳдид қилиб) келди. У очикчасига судья Карлос Файтга элчи бўлишни таклиф ҳам қилади. Бунинг учун Менем танбех эшитади

ва судья Файт унга ўзининг “Қонун ва ахлоқ” номли китобига “*Ҳазир бўлинг, бу китобни мен ёзганман!*” дея дастхат ёзиб жўнатади. Шунга қарамай, ҳокимиятга келганидан уч ой ўтар-ўтмас Менем Депутатлар палатасига Олий суд аъзоларини беш нафардан тўққиз нафарга оширишни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини юборади. Менем ҳам Рузвельт 1937 йилда рўқач қилган баҳоналардан бирини дастак қилди: судьялар кўп ишлаб юборишаётган экан. Қонун тез фурсатда Сенат ва Депутатлар палатаси тасдиғидан ўтди. Менем 4 нафар янги судьяни тайинлашга эришди. Энди президент одамлари Олий судда кўпчилик ўринни қўлга киритди.

Менемнинг Олий суд устидан ғалабаси биз аввалроқ зикр қилган ортга қайтиш жараёнини бошлаб берди. Кейинги кадам конституцияни таҳрир қилиш ва Менемга президентликка қайта сайлана олиши учун ваколат муддати бўйича чекловларни олиб ташлашдан иборат бўлди. Қайта сайлангач, Менем конституцияни яна ўзгартириш пайига тушди. Бироқ бу галги ўзгартиришни Аргентинанинг сиёсий институтлари эмас, Менемнинг Перонистлар партияси ичидаги унинг яккахукмронлигига қарши гуруҳлар тўхтатди.

Аргентина мустақилликка эришгандан бери Лотин Америкасини қийнаб келган институционал муаммоларнинг аксариятини бошдан кечирди. Бу мамлакат ижобий эмас, зарарли занжир сиртмоғига тушиб қолган. Натижада ижобий ўзгаришлар, жумладан, мустақил суд тизимини яратиш сари илк кадамлар қўйилмай қолди. Плюрализм мавжуд бўлса, ҳеч бир гуруҳ бошқасининг ҳокимиятини ағдаришни истамайди ёки бунга ҳадди сигмайди. Негаки унинг ўзи ҳам ҳокимиятига хавф туғилишидан чўчийди. Айни пайтда ҳокимиятнинг кенг тақсимланиши бундай тўнтаришни мушкул вазифага айлантиради. Олий суд ваколатга эга бўлиши учун жамиятнинг кенг қатламлари уни қўллаб-қувватлаши ва суднинг мустақиллигига раҳна соладиган ҳаракатларга

қарши туриши керак. АҚШда айнан шундай бўлди, Аргентинада эса йўқ. Аргентинада қонуннавислар судни заифлаштиришни ёқладилар, ваҳоланки, бу уларнинг ҳам мавқеига хавф туғдиришидан бохабар эдилар. Бойси экстрактив институтлар шароитида Олий суд ваколатларини пасайтиришдан кўп нарса ютиш мумкин ва кутилажак фойда таваккал қилишга арзийди.

ИЖОБИЙ АЛОҚА ВА ИЖОБИЙ ЗАНЖИР

Инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бундай институтлар кўпинча иқтисодий ўсишга ва сиёсий ўзгаришларга тўсқинлик қиладиган элита билан унинг иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятини чеклашни истайдиган тоифа ўртасидаги кураш натижасидир. Инклюзив институтлар бурилиш нуқталарида – Англиядаги Шонли инқилоб, Шимолий Америкадаги Жеймстаун колонияси ташкил қилинишини эсланг – бир қатор омиллар бошқарув элитаси қудратини заифлаштириб, уларнинг рақиблари кучайишига сабаб бўлган ҳамда плюралистик жамият куришга иштиёқ туғдирган бир паллада вужудга келади. Сиёсий курашнинг оқибатини эса ҳеч қачон олдиндан кўриб бўлмайди, ҳаттоки бугун бизга кўплаб тарихий ҳодисаларнинг натижаси олдиндан маълум бўлиб кўринса ҳам, аслида воқеалар ривожини шароитга боғлиқ. Шунга қарамай, инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар жорий этилган чоғда улар ижобий занжирни, демакки, ижобий алоқа жараёнини юзага келтиришга мойил бўлади, бу эса институтларнинг бардавом бўлиши ва ҳатто янада кенгайишига олиб келади.

Ижобий занжир бир қатор механизмлар ёрдамида ишлайди. Биринчидан, сиёсий институтларнинг плюралистик характери ҳокимиятнинг бирор диктатор, иқтидордаги бирор гуруҳ ёки эзгу мақсаддаги президент томонидан эгаллаб олинишини анча қийинлаштиради. Буни Франклин Рузвельт ўз ҳокимиятига Олий суд

қўйган чекловларни олиб ташлашга уринганда, Сэр Роберт Уолпол эса “Қоралар тўғрисидаги акт”ни ижро этишга уринганда ҳис этган эдилар. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳокимиятнинг бир киши ёки кичик гуруҳ қўлида тўпланиши плюралистик сиёсий институтларнинг асосларига путур етказган бўларди. Плюрализмнинг ҳақиқий ўлчови эса унинг ана шундай ҳаракатларга қаршилиқ кила олиш қобилияти билан белгиланади. Плюрализм, шунингдек, қонун устуворлигини – қонунлар ҳамма учун бир ҳилда қўлланилиши керак, деган тамойилни ҳам ўзида мужассам этади. Табиийки, мутлақ монархия шароитида бу тамойил қўлланилиши имконсиздир. Аммо қонун устуворлиги, ўз навбатида, қонунларни бир гуруҳ бошқа гуруҳнинг ҳуқуқларига тажовуз қилиш учун ишлата олмаслигини ҳам англатади. Бундан ташқари, қонун устуворлиги тамойили сиёсий жараёнларда иштирок этувчиларни кўпайтириб, янада кўпроқ инклюзивлик сари йўл очиб беради, чунки у одамлар нафақат қонун олдида, балки сиёсий тизимда ҳам тенг бўлиши керак, деган ғояни илгари суради. Айнан мана шу тамойил XIX асрда Британия сиёсий тизимида кўпроқ демократия талаб қилаётган кучларга қаршилиқ қилишни қийинлаштирди ва секин-аста сайлаш ҳуқуқи вояга етган барча аҳолига берилишига олиб келди.

Иккинчидан, илгари бир неча бор кўриб ўтганимиздек, инклюзив сиёсий институтлар инклюзив иқтисодий институтларни қўллаб-қувватлайди, айни пайтда улар инклюзив иқтисодий институтлардан шундай дастак олади. Бу ижобий занжирнинг яна бир механизмини вужудга келтиради. Инклюзив иқтисодий институтлар қуддорлик ва крепостнойлик каби ғоят экстрактив иқтисодий муносабатларни йўқ қилади, монополияларнинг ҳукмронлигини заифлаштиради ва динамик иқтисодиётни юзага келтиради. Буларнинг бари қисқа муддатга бўлса-да, сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олиш орқали қўлга киритиладиган иқтисодий ман-

фаатлар доирасини торайтиради. Дарҳақиқат, XVIII асрга келиб, Британиядаги иқтисодий институтлар етарлича инклюзив бўлиб улгургани сабабли элитанинг ҳокимиятни ушлаб туришдан оладиган фойдасидан кўра тобора кўпроқ демократия талаб қилаётганларни оммавий қатағон қилиш орқали йўқотадиган нарсаси кўпроқ эди. Ижобий занжирнинг бу хусусияти XIX асрда Британиядаги демократиянинг оҳиста юришини элита учун хатарсизроқ ва эришиш мумкин бўлган маррага айлантирди. Бунга қарама-қарши ўлароқ, абсолютист режимлар ҳукм сурган Австрия-Венгрия ва Россия империяларида иқтисодий институтлар ҳали беҳад экстрактив бўлиб, охир-оқибат XIX асрдаги сиёсий инклюзивлик талаб қилинган чақириқлар қатағонга учради. Боиси элитанинг ҳокимиятни бўлишишдан йўқотадиган нарсаси жуда кўп эди.

Ниҳоят, инклюзив сиёсий институтлар эркин оммавий ахборот воситаларининг тараққий этишига имкон беради. Эркин матбуот кўп ҳолларда инклюзив институтларга нисбатан таҳдидлар тўғрисида ахборот беради ва муҳолифатни бу таҳдидларга қарши курашишга сафарбар қилади. XIX асрнинг охириги чораги ва XX асрнинг биринчи чорагида “ўғри баронлар”нинг иқтисодий қудрати ортиб бориши АҚШдаги инклюзив иқтисодий институтларга таҳдид тугдирганда, эркин матбуот айнан шу вазифани бажарганди.

Доимий зиддиятли кураш натижаси номаълум бўлишига қарамай, ижобий занжир ана шу механизмлар ёрдамида инклюзив институтларнинг бардавом бўлиши, қаршилиқларга бардош бериши ва кенгайиб бориши учун худди Британия ва АҚШда бўлгани сингари қудратли бир тенденция ҳосил қилади. Афсуски, экстрактив институтлар ҳам ўзларини саклаб қолиш учун етарлича қудратли кучларни – зарарли занжирни юзага келтира олади. Бунга кейинги бобда гувоҳ бўламиз.

12

ЗАРАРЛИ АЛОҚАДОРЛИК
ЗАНЖИРИ

1. The first part of the document discusses the importance of maintaining accurate records of all transactions and activities. It emphasizes that this is crucial for ensuring transparency and accountability in the organization's operations.

2. The second part of the document outlines the various methods and tools used to collect and analyze data. It highlights the need for consistent data collection procedures and the use of advanced analytical techniques to derive meaningful insights from the data.

3. The third part of the document focuses on the role of technology in data management and analysis. It discusses how modern software solutions can streamline data collection, storage, and analysis processes, thereby improving efficiency and accuracy.

4. The fourth part of the document addresses the challenges associated with data management, such as data quality, security, and privacy. It provides strategies to mitigate these risks and ensure that the data remains reliable and secure throughout its lifecycle.

5. The fifth part of the document concludes by summarizing the key findings and recommendations. It stresses the importance of a data-driven approach in decision-making and the need for continuous monitoring and improvement of data management practices.

ЭНДИ ПОЕЗДДА БОГА БОРОЛМАЙСИЗ

1896 йилда Ғарбий Африкадаги Сьерра-Леоне халқи Британия мустамлакасига айланди. Пойтахт Фритаун шаҳри дастлаб XVIII аср охирларида ватанига қайтарилган ва озод қилинган куллар учун бошпана сифатида ташкил этилганди. Аммо Фритаун Британия мустамлакаси бўлганда, Сьерра-Леоненинг ички ҳудудлари хали ҳам кўплаб майда Африка қиролликларидан иборат эди. Бора-бора британияликлар XIX асрнинг иккинчи ярмида Африка ҳукмдорлари билан узок муддатли шартномалар тузиш орқали ўз ҳукмронлигини мамлакат ичкарасига кенгайтириб борди. 1896 йилнинг 31 августида Британия ҳукумати ушбу шартномаларга асосланиб, мустамлакани протекторат деб эълон қилди. Британияликлар нуфузли ҳукмдорларни танлаб олиб, уларга янги унвон – “олий сардор” (*Paramount chief*) мақомини бердилар. Масалан, Шарқий Сьерра-Леонеда, замонавий усулда олмос қазиб олинадиган Коно туманида, улар қудратли жангари қирол – Сулукуга дуч келдилар. Қирол Сулуку Олий Сардор Сулуку деб эълон қилинди, Сандор ўлкаси эса протекторатнинг маъмурий бирликларидан бирига айланди.

Сулуку каби қироллар Британия маъмурияти билан шартномалар тузган бўлса-да, улар бу шартномалар мустамлакани ўрнатиш учун карт-бланш¹ сифатида талкин қилинишини англамаганди. 1898 йилнинг январида британияликлар ҳар бир хонадондан беш шиллингдан йиғилган “чайла солиғи” ундиришга уринганида эса маҳаллий сардорлар қаршилик ҳаракатини бошлаб юборди ва уруш “Чайла солиғига қарши кўзғолон” номини олди. Исён мамлакат шимолида бош-

¹ Карт-бланш (французча “carte blanche” – бўш варақ, шартлари ёзилмасдан имзоланган бўш шартнома) – чекланмаган ҳокимият, ваколат ёки эркинлик.

ланди, аммо жанубда, айниқса, асосан *Менде* халқи истиқомат қиладиган Менделенд ўлкасида қаршилик кучлироқ бўлди ва узоқроқ давом этди. Кўзғолон тез орада мағлубиятга учради, бироқ у британияликларни Сьерра-Леоненинг чекка худудларини назорат қилиш муаммоларидан хабардор қилди. Инглизлар аллақачон Фритаундан мамлакатнинг ичкарасига томон темир йўл қуришни бошлаб юборганди. Қурилиш ишлари 1896 йил мартида бошланган бўлиб, кўзғолон давом этаётган 1898 йилнинг декабрида темир излар Сонго шаҳригача етиб борганди. Британия парламентининг 1904 йилги ҳужжатларида шундай қайдлар учрайди:

Сьерра-Леонедаги темир йўлга келадиган бўлсак, маҳаллий аҳолининг 1898 йил февралда бошланган кўзғолони қурилиш ишлари бутунлай тўхтаб қолишига ва ишчиларнинг маълум муддатга тарқалиб кетишига сабаб бўлди. Исёнчилар темир йўлга ҳамла қилди, натижада барча ишчиларни Фритаунга олиб кетишга тўғри келди... Ҳозирда Фритаундан 55 мил узоқликда, темир йўл бўйида жойлашган Ротифунк шаҳри ўша пайтда тўлиқ исёнчиларнинг қўлида эди.

Аслида 1894 йилги темир йўл линияси лойиҳасида Ротифунк йўқ эди. Йўналиш кўзғолон бошлангандан кейин ўзгартирилиб, темир йўл линияси шимоли-шарққа бориш ўрнига, жанубга юз бурган, Ротифунк орқали Менделенддаги Бо шаҳри сари кетганди. Британияликларга кўзғолоннинг маркази бўлган Менделендга ва бошқа ғалаёнлар кўзғалган тақдирда, ўлканинг овлоқ жойларидаги эҳтимолий низо нукталарига тезкор олиб борадиган йўл керак эди.

1961 йилда Сьерра-Леоне мустақилликка эришгандан сўнг Британия ҳокимиятни Милтон Маргаи ва унинг “Сьерра-Леоне Халқ партияси”га (СЛХП) топширди, бу партия асосан жанубда, хусусан, Менделендда ва мамлакат шарқида қўллаб-қувватланди. 1964 йилда Бош

вазир Милтон Маргайнинг ўрнини унинг укаси Альберт Маргай эгаллади. 1967 йилги кескин курашлар билан ўтган сайловда СЛХП Сиака Стивенс бошчилигидаги мухолиф партия – “Умумхалқ конгресси партияси”га (УКП) мағлуб бўлади. Стивенс мамлакат шимолида яшовчи *лимба* халқига мансуб бўлиб, УКП олган овозларнинг асосий қисми шимолда истиқомат қилувчи *лимба, темне ва локо* элатлари хиссасига тўғри келарди.

Гарчи жанубга борадиган темир йўл лойиҳаси дастлаб инглизлар томонидан Сьерра-Леонени бошқариш учун ишлаб чиқилган бўлса-да, 1967 йилга келиб, темир йўл иқтисодий аҳамият касб этган, у орқали мамлакатнинг асосий экспорт моллари – қаҳва, какао ва олмос ташиларди. Қаҳва ва какао етиштирувчи деҳқонлар менде халқига мансуб бўлиб, темир йўл Менделендни дунё билан боғловчи кўприк эди. 1967 йилги сайловда Менделенд аҳолиси асосан Альберт Маргайга овоз берганди. Стивенс эса Менделенднинг экспортини қўллаб-қувватлашдан кўра ҳокимиятни сақлаб қолишдан кўпроқ манфаатдор эди. Унинг мулоҳазаси оддий эди: менде халқи учун манфаатли бўлган ҳар қандай нарса СЛХП учун ҳам фойдали бўлар, Стивенс учун эса зарар эди. Шунинг учун у Менделендга борадиган темир йўл катновини тўхтатиб қўйди. Шундан сўнг, у темир изларни, поезд ва вагонларни ҳам сотиб юбориб, вазиятни ўнглаб бўлмайдиган ҳолга келтирди. Агар сиз Фритаундан шарк томонга машинада йўлга чиқсангиз, Ҳастингс ва Ватерлоо темир йўл вокзалларининг харобалари олдидан ўтасиз. Энди Бога поездлар катнамайди. Албатта, Стивенснинг кескин сиёсати Сьерра-Леоне иқтисодиётининг энг жадал тармоқларидан айримларига жиддий зарар етказди. Африканинг мустақилликдан кейинги кўплаб раҳбарлари сингари ҳокимиятини кучайтириш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ўртасида танлов юзага келганда, Стивенс ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлини танлади ва ҳеч қа-

чон бу йўлдан қайтмади. Бугун Бога поездда боролмайсиз, боиси темир йўллар Россияга инқилоб олиб келишидан чўчиган Николай I сингари Стивенс ҳам темир йўллар унинг мухолифларини кучайтиришига ишонган эди. Экстрактив институтлар билан бошқарган бошқа кўплаб ҳукмдорлар сингари у ҳам ўзининг сиёсий ҳокимиятига таҳдид бўлишидан кўркди ва кийинчиликларни бартараф этиш учун иқтисодий ўсишни қурбон қилишни ихтиёр этди.

Бир қарашда Стивенснинг бошқарув усули Британия мустамлакачилариникидан фарқ қилади. Аммо аслида Британия мустамлакачилиги ва Стивенс режими ўртасида етарли даражада боғлиқлик бор эдики, у зарарли алоқа занжирининг моҳиятини очиб беради. Стивенс Сьерра-Леонени ўз халқидан ресурсларни худди британияликлар қўллаган усулда тортиб олиш йўли билан бошқарди. У 1985 йилда ҳам ҳали ҳокимиятда эди, аммо бунинг сабаби халқ томонидан қайта-қайта сайлангани эмас, балки 1967 йилдан бошлаб сиёсий рақибларини, хусусан, СЛХП аъзоларини ўлдириш, таъқиб қилиш билан зўравон диктатура ўрнатгани эди. У 1971 йилда президентликка сайланди, 1978 йилдан бошлаб Сьерра-Леонеда фақат битта сиёсий партия – Стивенснинг “Умумхалқ конгресси партияси” бор эди. Шу тариха Стивенс ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олишга эришди, аммо буларнинг бари мамлакатнинг чекка худудлари кашшоқлашиши ҳисобига бўлди.

Мустамлакачилик даврида британияликлар Сьерра-Леонени бошқариш учун Африкадаги кўплаб бошқа мустамлакалар сингари билвосита бошқарув тизимидан фойдаланди. Бу тизим солиқларни йиғиш, судловни амалга ошириш ва тартиб сақлашга жавобгар бўлган олий сардорлар ёрдамига таянарди. Инглизлар юргизган сиёсат какао ва қаҳва етиштирувчи фермерларни ажратиб қўймас, балки уларни ўз махсулотини мустамлакачи ҳукумат

гўёки маҳаллий фермерларга кўмаклашиш мақсадида ташкил қилган савдо ташкилотига сотишга мажбур қиларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари кескин ўзгариб турарди. Какаонинг нархи бир йил жуда юқори бўлса, келаси йили нархлар тушиб кетиши мумкин эди. Шунга қараб фермерларнинг даромади ҳам турлича бўларди. Савдо ташкилотлари учун баҳона шундан иборат эдики, нархлардаги кескин ўзгаришлар фонида мувозанат сақлаш фермерларнинг эмас, уларнинг зиммасида эди. Дунё бозорида нархлар юқори бўлган кезларда ташкилот сьерра-леонелик фермерларга жаҳондаги нархдан пастроқ пул тўларди. Дунё бозорларида нархлар тушиб кетганда эса аксинча бўларди. Умуман олганда, бу яхши гоյ бўлиб туюлади. Аммо амалда вазият мутлақо бўлакча эди. Сьерра-Леоненинг “Истеъмол моллари савдо идораси” 1949 йилда ташкил этилади. Албатта, ташкилот фаолият олиб бориши учун даромад манбаи керак эди. Маблағни қўлга киритишнинг табиий усули эса шундай эди: фермерларга, йил қандай келишидан қатъи назар, улар топадиган даромаддан камроқ тўланади. Сўнг ортиб қолган маблагни ташкилот харажатлари ва бошқарув учун сарфлаш мумкин бўларди. Кўп ўтмай, фермерларга бозор нархидан биров камроқ эмас, анча камроқ тўланадиган бўлди. Мустамлакачи ҳукумат савдо ташкилотидан фермерлардан оғир солиқларни ундириш учун фойдаланарди.

Кўпчилик тропик Африка мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейин уларда мустамлака бошқарувининг энг ёмон амалиётларига чек қўйилишини ҳамда фермерларга оғир солиқлар солиш учун фойдаланилган савдо идораларига барҳам берилишини кутганди. Бирок ундай бўлмади. Аксинча, савдо ташкилотлари ёрдамида фермерларни талон-тарож қилиш янада кучайди. 1960-йилларнинг ўрталарига келиб, савдо идораси пальма ёнгоги учун фермерларга тўлайдиган пул дунё бозо-

ридаги нархнинг 56 фоизини ташкил қилган бўлса, какао учун 48 фоиз, қахва учун эса 49 фоиз ҳақ тўланарди. Стивенс 1985 йилда ҳокимиятдан кетиб, ўрнига ўз издоши Жозеф Момони президентликка қолдирган вақтда бу кўрсаткичлар мос равишда 37, 19 ва 27 фоизга тушганди. Аянчли туюлиши мумкин, лекин барибир бу рақамларга кўра фермерлар Стивенс даврида ўз даромадларининг бор-йўғи 10 фоизигагина эга бўлган, 90 фоиз даромад эса Стивенс ҳукумати томонидан ўзлаштириб олинган, шунга қарамай, бу йўллар, таълим каби ижтимоий шароитларни таъминлаш ўрнига ўзи ва ҳамтовоқлари учун бойлик орттириш, сиёсий тарафдорларни сотиб олиш билан шуғулланган йиллардан яхшироқ эди.

Билвосита бошқарувнинг бир қисми сифатида британияликлар, шунингдек, “олий сардор” лавозимини умрбод эгаллаб туриш шартини ҳам белгилаб қўйдилар. Сардор бўлиш ҳуқуқига эга бўлиш учун номзод тан олинган “ҳукмрон сулола” аъзоси бўлиши керак эди. Вақт ўтиши билан сардорлик учун ҳукмрон сулолалар рўйхати кенгайиб борди, бироқ сардорлик асосан муайян ҳудуддаги XIX аср охирларида Британия билан шартномалар тузган қироллар ва оқсуяк оилалар авлодига мансуб эди. Сардорлар сайлов йўли билан лавозимга қўйилар, аммо бу сайлов демократик эмасди. Олий сардор ким бўлишини “Қабилалар кенгаши” деб номланган бошқарув органи ҳал қиларди. Унинг аъзолари кичик қишлоқ оқсоқоллари бўлиб, улар олий сардорлар, қишлоқ оқсоқоллари ёхуд Британия расмийлари томонидан тайинланарди. Бундай мустамлакага хос бошқарув институти мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг тугатилиши ёки ҳеч бўлмаганда ислоҳ қилинишини кутиш мумкин эди. Бироқ худди савдо идораси сингари бу институт ҳам бекор қилинмади ва фаолиятини ўзгаришсиз давом эттирди. Олий сардорлар эса бугунги кунда ҳам солиқларни йиғишга масъул бўлиб қолмоқда. Ҳозир чайла солиғи

йўқ, лекин унинг давомчиси бўлган *жон солиги* мавжуд. 2005 йилда Сандордаги Қабилалар кенгаши янги олий сардорни сайлади. Сайловда мамлакатдаги ягона ҳукмрон сулола – Фасулуку хонадони вакилларигина номзод бўла оларди. Мазкур сайловда кирол Сулукунинг зурриёти – Шеку Фасулуку голиб чиқди.

Савдо идораларининг фаолияти ҳамда ер эгалигининг анъанавий шаклларининг ўзиёқ Сьерра-Леоне ҳамда тропик Африканинг кўплаб мамлакатларида ҳосилдорлик нега жуда пастлигини тушуниб етиш учун етарли бўлади. XX асрнинг 80-йилларида америкалик сиёсатшунос Роберт Бейтс Африкада деҳқончиликнинг камҳосиллиги сабабини ўрганишга бел боғлайди. Ваҳоланки, иқтисод дарсликларига кўра, қишлоқ хўжалиги соҳаси иқтисодиётнинг энг илғор соҳаси бўлиши керак эди. У бир нарсани аниқлади: гап жуғрофий жойлашув ёхуд бошқа, биз 2-бобда тилга олган, унумдорлик паст бўлишига сабаб бўлади, дея иддао қилинган омилларда эмас экан. Аксинча, унинг сабаби савдо ташкилотларининг нархни белгилаш амалиётлари деҳқонларда сармоя қилишга, ўғитлардан фойдаланишга ёки тупроқни муҳофаза қилишга рағбат уйғотмаслигида экан.

Савдо идораларининг нарх сиёсати қишлоқ жойларининг манфаатларига бунчалик номувофиқлиги сабаби қишлоқларда сиёсий ҳокимият йўқлигида эди. Бу нарх сиёсати бошқа асосий омиллар билан бирга мулк ҳуқуқининг поймол бўлиши ва инвестиция учун рағбатларнинг йўқолишига сабаб бўлди. Сьерра-Леонеда қабила сардорлари нафақат қонунлар ва уларнинг ижросини таъминлаш, судлов ҳамда солиқларни ундириш билан шуғуланардилар, балки улар “ернинг соҳиблари” ҳам ҳисобланарди. Гарчи айрим оилалар, уруғлар ва сулолалар ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш бўйича анъанавий ҳуқуқларга эга бўлса-да, амалда қайси ерда ким деҳқончилик қилишини ҳал қилиш сардорларнинг қўлида

эди. Фақат сардорга яқин бўлган кишилар ёки ҳукмрон оила аъзоларигина ерга эгалик ҳуқуқлари дахлсизлигидан хавотирланмасликлари мумкин эди. Ерни сотиш, сотиб олиш ёки қарз учун гаровга қўйиш тақиқланганди. Ҳукмрон оила аъзоси бўлмаганларга эса қаҳва, какао ёки пальма сингари кўп йиллик ўсимликларни экиш ман этилган эди, негаки бу де-факто ер эгасига айланиб қолишни англатарди.

Британия Сьерра-Леонеда ўрнатган экстрактив институтлар ва бошқа мустамлакаларда, масалан, Австралияда йўлга қўйилган инклюзив институтлар ўртасидаги тафовутни минерал ресурслар қандай бошқарилганига қараб ҳам яққол кўриш мумкин. 1930 йилда Сьерра-Леоненинг Коно округида олмос топилади. Олмос захираси аллювиал (очиқ дарё ҳавзасида) бўлиб, чуқур шахталарга эҳтиёж йўқ эди. Шу боисдан олмос қазиб олишнинг дастлабки усули уни дарёда ювишдангина иборат эди. Баъзи социологлар уларни “демократик олмослар” деб атади, негаки кўплаб одамлар уни қазиб олишда иштирок эта олар, улар учун инклюзив имкониятлар яратиларди. Аммо Сьерра-Леонеда бундай бўлмади. Олмосни ювиш йўли билан қазиб олишнинг демократик хусусиятини инкор этган Британия ҳукумати бутун протекторат бўйлаб “Sierra Leone Selection Trust”нинг монополиясини ўрнатади ва трест бошқарувини Жанубий Африканинг олмос қазиб олувчи “De Beers” йирик компаниясига топширади. 1936 йилда “De Beers”га хусусий армия – “Олмос муҳофазаси кучлари”ни ташкил этишга ҳам рухсат берилади. Бу қўшин Сьерра-Леонедаги мустамлакачи ҳукумат армиясидан ҳам каттароқ эди. Шунга қарамасдан, аллювиал олмослар жуда кенг тарқалгани туфайли уни қазиб олишни назорат қилиш мушкул эди. 1950-йилларга келиб, “Олмос муҳофазаси кучлари” йирик тўқнашувлар ва тартибсизликлар манбаига айланган минглаб ноқонуний олмос қазиб олувчилар билан олишишга

мажбур бўлди. 1955 йилда Британия ҳукумати трест аъзоси бўлмаган, лицензияли кончилик компанияларига айрим олмос конларини очади, аммо Эенгема, Коиду, Тонго каби энг бой конлар трест ихтиёрида қолдирилганди. Сьерра-Леоне мустақилликка эришгандан кейин вазият янада ёмонлашди. 1970 йилда Сиака Стивенс трестни муваффақиятли тарзда миллийлаштириб, даромадининг 51 фоизи ҳукуматга, тўғрироғи, Стивенсга тегишли бўлган “National Diamond Mining Company (Sierra Leone) Limited”ни (“Сьерра-Леоне олмос казиб олиш миллий компанияси”) ташкил қилади. Бу Стивенснинг мамлакатдаги олмос казиб олиш устидан назоратни қўлга олиш режасининг илк босқичи эди.

Австралияда XIX асрда олмос эмас, олтин ҳамманинг диққатини тортди. Олтин конлари 1851 йилда Янги Жанубий Уэльсда ва янги ташкил қилинган Виктория штатида топилган эди. Сьерра-Леоне олмослари сингари Австралиядаги олтин ҳам аллювиал бўлиб, уни казиб олиш масаласини ҳал қилиш лозим эди. Жеймс Макартур – биз илгари танишган чорвадор бойларнинг атоқли етакчиларидан Жон Макартурнинг ўғли – сингари элитанинг айрим вакиллари олтин конлари аτροφини тўсиқ билан ўраб олишни ва монопол ҳуқуқни аукционга кўйишни таклиф қилди. Улар “Sierra Leone Selection Trust”нинг Австралияча муқобилини яратишни истардилар. Бироқ Австралиядаги аксар одамлар олтин казиб олинадиган ҳудудлар ҳамма учун очиқ бўлишини талаб қилди. Бу курашда инклюзив модел галаба қозонди ва Австралия ҳукумати монополия ўрнатмади, кончилик фаолияти билан шуғулланиш учун йиллик лицензияга эга бўлган ҳар кимга олтин излаш ва казиб олишга рухсат берилди. Тез орада олтин изловчилар номини олган саргузашт ишқибозлари Австралия сиёсий доираларида, айниқса, Виктория штатида қудратли кучга айланди. Улар

умумий сайлов ҳуқуқи ва махфий овоз бериш тартиби каби масалаларни кўтаришда муҳим роль ўйнадилар.

Биз юқорида Африкага европаликлар босқини ва китъада мустамлака бошқаруви ўрнатилишининг икки зарарли оқибатини кўргандик. Даставвал Атлантикада куллар савдосининг бошланиши Африкадаги сиёсий ва иқтисодий институтларнинг тадрижий ривожланиши экстрактив йўналишда кетишига туртки берган бўлса, иккинчидан, колониал қонунлар ва институтлар ёрдамида Африканинг европаликлар билан рақобат қилиши мумкин бўлган тижорий кишлок хўжалиги йўқ қилинди. Албатта, Сьерра-Леонеда кулдорлик жуда кучли эди. Европа истилоси чоғида мамлакатнинг ички қисмларида кучли марказлашган давлат йўқ бўлиб, кичик, ўзаро душман бўлган кўплаб қиролликлар бир-бирларига ҳужум қилиб, ўша қиролликнинг эркагу аёл аҳолисини асир оларди. Кул тутиш кенг тарқалган бўлиб, аҳолининг тахминан 50 фоизи кул сифатида ишлатиларди. Касалликлар кенг тарқалган иқлим туфайли Жанубий Африкада бўлгани сингари Сьерра-Леонеда ҳам оқ танлиларнинг кенг қамровли ўрнашиб қолиши имконсиз эди. Шунга кўра африкаликларга қарши оқ танли рақобатчилар йўқ эди. Бундан ташқари, Йоханнесбург даражасидаги қончилик саноатининг йўқлиги, қолаверса, оқ танлиларнинг ерларида африкалик меҳнаткашларга бўлган талаб мавжуд эмаслиги сабабли Сьерра-Леонеда Жанубий Африкадаги апартеид тартиби намунасидаги экстрактив меҳнат бозорига хоҳиш бўлмади.

Аммо бошқа механизмлар ҳам амалда эди. Сьерра-Леоненинг какао ва қаҳва етиштирувчи деҳқонлари оқ танлилар билан рақобатга учрамас, лекин улар ишлаб топган даромад давлат монополияси бўлган савдо идорасининг чўнтагига кетарди. Сьерра-Леоне билвосита бошқарув тартибидан ҳам азият чекарди. Африканинг Британия ҳукумати билвосита бошқарув услубини

танлаган кўп жойларида халқларни бўйсундириш учун марказлашган ҳокимият мавжуд эмасди. Чунончи, XIX асрда Британия Шарқий Нигериядаги игбо халқини истило қилганда қабиланинг сардорлари ҳам йўқ эди. Шунда британияликлар сардорларни, ваколатли сардорлар бошқарувини йўлга қўйди. Сьерра-Леонеда эса Британиянинг билвосита бошқаруви мавжуд маҳаллий институтлар ва бошқарув тизимига асосланди.

Шунга қарамай, 1896 йилда олий сардор сифатида тан олинган шахсларнинг тарихий ваколатларидан қатъи назар, билвосита бошқарув ҳамда олий сардорлар ҳокимиятини ўйлаб топган кучлар Сьерра-Леоненинг мавжуд сиёсатини бутунлай ўзгартириб юборди. Биринчидан, илгари мавжуд бўлмаган ижтимоий табақаланиш тартиби – ҳукмрон оилалар пайдо бўлди. Тез-тез ўзгариб турган ва кўпчиликнинг кўллаб-қувватлашига эришиш талаб қилинган сардорлар ўрнини авлоддан-авлодга мерос ўтадиган аристократия эгаллади. Аввалги тартиб ўрнида ҳокимиятда умрбод қоладиган, Фритаун ё Британиядаги ҳомийлари олдида қарздор бўлган ва кўл остидагиларга деярли ҳисобдор бўлмаган сардорлар бошқарадиган қагтикқўл сардорлар ҳокимияти вужудга келди. Британияликлар институтларни бошқача йўллар билан ўзгартиришдан, масалан, қонуний сардорларни ўзларига хайрихоҳроқ бошқа кишиларга алмаштиришдан ҳам мамнун бўлардилар. Дарҳақиқат, мустақил Сьерра-Леоненинг дастлабки икки бош вазири мансуб бўлган Маргаилар оиласи чайла солигига қарши кўзғолон пайтида ўша пайтдаги сардор Нямага қарши Британия тарафида тургани учун Қуйи Банга вилоятида ҳокимиятни кўлга киритган эди. Няма ағдарилиб, сардорлик Маргаилар оиласига насиб этди, улар 2010 йилга қадар бу вазифани ҳеч кимга бермадилар.

Мустамлака давридаги ва мустақил Сьерра-Леоне ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қайд этиш жоиз. Британия мустамлакачилари савдо идораларини ташкил

килиб, улардан фермерларга солиқ солиш мақсадида фойдаланганди. Постколониал ҳукуматлар эса худди шундай талон-тарож сиёсатини янада оғирроқ шаклда давом эттирди. Британияликлар олий сардорлар ёрдамида билвосита бошқарув тизимини йўлга қўйганди. Мустақил Сьерра-Леоне ҳукуматлари эса мазкур колониал институтдан воз кечмади, балки улар ҳам бу тизимдан қишлоқ аҳолисини бошқариш учун фойдаланди. Британия мустамлакачилари олмос қазиб олишда монополия ўрнатиб, африкалик кончиларни бу соҳадан нари тутишга урингандилар. Мустақил ҳукуматлар ҳам худди шу сиёсатни давом эттирди. Дарҳақиқат, Британия ҳукумати темир йўл Менделендни бошқаришда фойдали деб ҳисоблаган бўлса, Сиака Стивенснинг муносабати аксинча бўлди. Британия мустамлакачилари ўз армиясига ишонар, мабодо ғалаён кўтариладиган бўлса, уни бостириш учун Менделендга қўшин жўнатиши мумкин эди. Ўз навбатида, Стивенс бундай йўл тутмади. Африканинг бошқа мамлакатлари сингари, Сьерра-Леонеда ҳам қудратли қўшин Стивенс ҳукумати учун хавф туғдириши мумкин эди. Айнан шунинг учун у армияни кучсизлантириб, сон жиҳатдан қисқартирди ва фақат ўзига содиқ бўлган ҳарбийлашган бўлинмалар ташкил қилиш билан зўравонликни хусусий қўлларга топширди. Оқибатда Стивенс мамлакатдаги жуда заиф давлат ҳокимиятининг кулашини тезлаштирди. Армиянинг ўрнига дастлаб “Ички хавфсизлик бўлими” (Internal Security Unit – ISU) ташкил қилинди, Сьерра-Леоненинг жафокаш халқи унинг қисқартмасини “I Shoot You” – “Сени отиб ташлайман” деб талкин қиларди. Сўнгра “Махсус хавфсизлик дивизияси” (Special Security Division – SSD) пайдо бўлди ва халқ тилида “Siaka Stevens’s Dogs” – “Сиака Стивенснинг итлари” номини олди. Алалоқибат, айнан ҳукумат суяниши мумкин бўлган армиянинг йўқлиги туфайли режим кулади. 1992 йилнинг 29 апрелида капитан Валентин Страссер бошчилигидаги

агиги 30 нафар аскардан иборат гуруҳ Умумхалқ конгресси партиясини ҳокимиятдан ағдариб ташлади.

Сьерра-Леоненинг тараққиёти ёки тараққиётга эришолмаганини зарарли алоқадорлик занжирининг оқибати сифатида тушуниш мумкин. Аввалига Британия мустамлакачилик маъмурияти экстрактив институтларни ташкил қилиб берди, сўнг мустақил Сьерра-Леоненинг маҳаллий сиёсатчилари мавжуд тартибларни сақлаб қолишдан бахтиёр бўлдилар. Сьерра-Леоне тажрибаси тропик Африканинг барча давлатларига ғоят ўхшаш эди. Гана, Кения, Замбия ва Африканинг кўплаб бошқа мамлакатлари мустақилликка эришгандан сўнг уларнинг барчасида бир хил умидлар уйғонганди. Аммо санаб ўтилган барча мамлакатларда экстрактив институтлар зарарли алоқа занжирлари таъсирида қайта ўрнатилди ва вақт ўтган сари тобора ҳалокатлироқ, янада кўпроқ зарарли бўлиб борди. Чунончи, барча мамлакатларда Британия ташкил қилган савдо идоралари ва билвосита бошқарув усули сақланиб қолди.

Зарарли алоқаларнинг ўзаро занжири юзага келишининг табиий сабаблари мавжуд. Экстрактив сиёсий институтлар экстрактив иқтисодий институтларга олиб келади, бу эса озчиликнинг кўпчилик ҳисобига бойишини таъминлайди. Шу тариқа экстрактив институтлардан манфаат олаётган тоифа ўзининг (хусусий) армиялари ва профессионал ёлланма кўшинларини ташкил қилиш, судяларни сотиб олиш ҳамда ҳокимиятни сақлаб қолиш мақсадида сайловларга таъсир ўтказиш учун ресурсларга эга бўлади. Улар мавжуд тизимни ҳимоя қилишдан беҳад манфаатдор эди. Шундай қилиб, экстрактив иқтисодий институтлар экстрактив сиёсий институтлар яшаб қолиши учун замин ҳозирлайди. Экстрактив сиёсий институтлар амал қиладиган мамлакатларда ҳокимиятга эга бўлиш жуда муҳим саналади, боиси ҳокимият ўз соҳибига бойлик келтиради ва унинг соҳиби ҳеч кимга ҳисоб бермайди.

Экстрактив сиёсий институтлар амалда бўлганда, шунингдек, ҳокимиятни сунистеъмол қилиш ҳолатларига чеклов қўйилмайди. Ҳар қандай ҳокимият коррупциялашиши мунозарали масала, аммо Лорд Актон куйидаги фикрни айтганда, ҳеч шак-шубҳасиз ҳақ эди: *“Чексиз ҳокимият чексиз даражада коррупциялашади”*. Аввалги бобда ҳатто Франклин Рузвельт ҳам ўзининг президентлик кудратидан фойдаланиб, жамият учун фойдали бўлади, деган фикрда Олий суднинг чекловларидан қутулишни истагани, аммо АҚШнинг инклюзив сиёсий институтлари унинг ўз ваколатлари чегарасидан чиқишига йўл қўймаганини кўрган эдик. Экстрактив сиёсий институтлар шароитида эса ҳокимиятдан фойдаланишни назорат қилиш учун чеклов жуда кам бўлганидан ҳокимият тубанлашиб, коррупциялашиб бориши мумкин. 1980 йилда Сьерра-Леоне марказий банкининг ўша пайтдаги раҳбари Сем Бангура Сиака Стивенснинг сиёсатини исрофгарчиликда айблаган эди. Кўп ўтмай, уни ўлдириб, марказий банкнинг энг юқори қаватидан, буни қарангки, Сиака Стивенс номидаги кўчага улоқтириб ташлашади. Шундай қилиб, экстрактив сиёсий институтлар зарарли ҳалқалардан иборат занжирни юзага келтиришга мойил бўлади, негаки улар давлат ҳокимиятини куч билан эгаллаб олиш ва уни сунистеъмол қилишни мақсад қилганларга қарши ҳимояни таъминламайди.

Зарарли ҳалқалар занжирига хос яна бир механизм шундан иборатки, чекланмаган ҳокимият ва жуда катта иқтисодий тенгсизликни вужудга келтирган экстрактив институтлар туфайли сиёсий ҳокимият учун курашга тикилган дов катталашиб боради. Ким давлатга хўжайинлик қилса, ўшалар чекланмаган ҳокимиятдан ва у келтиражак бойликлардан манфаат кўргани учун ҳам экстрактив институтлар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг имтиёзларидан фойдаланиш учун курашишга рағбат пайдо қилади. Бундай кураш қандай юз берганини Майя шаҳар-

давлатлари ва Қадимги Рим мисолида аввал кўрган эдик. Шуларни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Африканинг кўп мамлакатларида мустамлакачилардан мерос қолган экстрактив институтлар туфайли ҳокимият учун кураш ва фуқаролар урушлари бошланиб кетганига ажаблан-маса ҳам бўлади. Бу урушлар Англиядаги фуқаролар уруши ва Шонли инқилобдаги курашлардан бутунлай фарқ қилади. Улар сиёсий институтларни ислоҳ қилиш, ҳокимият фаолиятига чеклов қўйиш ёки плюрализм-ни шакллантириш учун эмас, балки ҳокимиятни қўлга олиш ва бир гуруҳнинг бошқалар ҳисобига бойиши учун курашдилар. Ангола, Бурунди, Чад, Кот-д'Ивуар, Конго Демократик Республикаси, Эфиопия, Либерия, Мозамбик, Нигерия, Конго Браззавил Республикаси, Руанда, Сомали, Судан, Уганда ва, албатта, Сьерра-Леонеда бу низолар қонли фуқаролик урушларига айланиб кетиб, иктисодий вайронагарлик ва инсонлар бошига мислсиз кулфатлар тушишига, қолаверса, давлатларнинг таназзулига сабаб бўлди. Буни ҳали кейинги бобда янада батафсилроқ ўрганиб чиқамиз.

ЭВРИЛИШ:

ЭНКОМИЕНДА ЎРНИГА ЕРЛАРНИ ТОРТИБ ОЛИШ

1993 йилнинг 14 январида Рамиро де Леон Карпио Гватемала президенти сифатида қасамёд қилди. У Ричард Эйткенхед Кастильони ўзининг молия вазири, Рикардо Кастилло Синибалдини эса тараққиёт вазири этиб та-йинлади. Бу уч кишини бир умумий жиҳат ўзаро боғлаб турарди: ҳаммалари XVI асрнинг бошларида Гватемалага келган испан конкистадорларининг авлодлари эди. Де Леоннинг ажлодларидан таниклисис Хуан де Леон Кар-дона бўлса, Кастильолар Мексика истилоси ҳақидаги энг машхур эсдаликлардан бирини ёзган Бернал Диас дел Кастильога қариндош эдилар. Эрнан Кортесга қилган хизматлари учун Диас дел Кастильо бугунги Гвате-маладаги Антигуа, ўша пайтдаги Сантьяго де лос Кабал-

лерос шаҳри губернатори этиб тайинланади. Кастильо ва Де Леон ҳам бошқа конкистадорлар, жумладан, Педро де Альварадо сингари ўз сулоаларига асос солдилар. Гватемалалик социолог Марта Касаус Арзу мамлакатдаги энг асосий 22 та оиладан иборат элитанинг улардан ташқари яна 26 оила билан никоҳ ришталари орқали боғланганини қайд этади. Унинг генеалогик ва сиёсий тадқиқоти шуни кўрсатадики, бу оилалар 1531 йилдан бери Гватемаладаги иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни назорат қилади. Бу элита таркибига кирган оилаларга оид кенгроқ тадқиқот шуни кўрсатадики, 1990-йилларда бу оилалар аҳолининг бор-йўғи бир фоизини ташкил қилган.

Сьерра-Леоне ва тропик Африканинг бошқа кўп мамлакатларида зарарли занжир ҳалқаларини мустамлакачи ҳукуматлар ўрнатган ҳамда мустақиллик даврида янги ҳукмдорлар эга чиққан экстрактив институтлар ташкил қилган эди. Гватемалада эса Марказий Американинг аксарият мамлакатларида бўлгани сингари зарарли занжирнинг оддийроқ, янада очикроқ шаклини кўриш мумкин: иқтисодий ва сиёсий иқтидор эгалари ўз ҳокимиятлари давомийлигини таъминлаш учун институтларни ўзлари ташкил қилади ва бу борада муваффақият қозонаверадилар. Зарарли ҳалқалар занжирининг бундай тури экстрактив институтларнинг бардавом бўлишига ва ҳокимиятдаги элитанинг ҳам ўз мавқеини сақлаб қолишига, шу билан бир қаторда, таракқиётдан ортида қолишда ҳам давом этишга сабаб бўлади.

Европа истилоси даврида Гватемалада аҳоли зич жойлашган, худудда чамаси 2 миллион атрофидаги майялар истиқомат қиларди. Американинг бошқа жойларидаги сингари Гватемалада ҳам касалликлар ва аҳолининг эксплуатация қилиниши ўлим кўрсаткичининг юқори бўлишини таъминлади. Шундай қилиб Гватемалада XX асрнинг 20-йилларига келибгина аҳолининг умумий сони ўша пайтдаги кўрсаткичга қайтди. Испания империясининг барча мустамлака худудларида ерли аҳоли

энкомиенда тартибига мувофиқ конкистадорларга бўлиб берилган эди. Мексика ва Перунинг истило қилиниши ҳақида зикр қилганимиздек, энкомиенда мажбурий меҳнатга асосланган тизим бўлиб, кейинчалик мажбурий меҳнатга асосланган бошқа ўхшаш институтлар, хусусан, “репартименти”га алмашган, бу тизим Гватемалада “мандаменти” деб аталарди. Конкистадорлар ва айрим маҳаллий кишиларнинг авлодларидан таркиб топган элита нафақат мажбурий меҳнатнинг турли-туман кўринишларидан фойда оларди, балки “Consulado de Comercio” (Савдо кенгаши) деб номланган савдогарлар гильдияси ёрдамида савдо-сотикни назорат қилар ва уни монополияга айлантирганди. Гватемала аҳолисининг аксарияти тоғларда, соҳилдан анча олис ҳудудларда истиқомат қиларди. Транспорт харажатларининг қимматлиги экспортнинг кенгайишини чеклаб қўйган, аввалига ернинг қадри унча юқори эмасди. Ер майдонларининг асосий қисми маҳаллий аҳоли кўлида бўлиб, “эхидолар” деб аталган йирик майдонларига жамоавий шаклда эгалик қилинарди. Қолган ерлар асосан бўш бўлиб, ҳукумат тасарруф қиларди. Савдо-сотикни назорат қилиш ва солиққа тортишдан келадиган даромад ердан олинадиган фойдадан кўра кўпроқ эди.

Худди Мексикадаги сингари Гватемала элитаси ҳам Кадис конституциясини нафрат билан кутиб олди ва бу уларни Мексиканинг йўлини тутиб, мустақиллик эълон қилишга ундади. Мексика ва Марказий Америка Федерациясининг қисқа муддатли иттифокидан сўнг, 1839–1871 йиллардаги Рафаэль Каррера диктатураси даври ҳукм суриб, Гватемалани мустамлакачи элита идора қиларди. Бу даврда конкистадорлар ва маҳаллий элитанинг авлодлари мустамлака давридаги экстрактив иқтисодий институтларни ўзгаришсиз сақлаб қолди. Мустақилликдан кейин Савдо кенгаши ҳам ўзгаришга учрамади. Бу ташкилот киролик идораси бўлишига қарамай, фаолиятини республика ҳукумати даврида ҳам муваффақиятли давом эттирди.

Шунинг учун ҳам мустақиллик эълон қилиниши, худди Мексикадаги сингари шунчаки аввал мавжуд бўлган ҳукмрон элита томонидан амалга оширилган тўнтариш эди. Улар одатдагидек ўзлари яхшигина фойда кўриб келган экстрактив иқтисодий институтлар билан ишлашда давом этдилар. Қизиги шундаки, бу даврда савдо кенгаши мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига бошчилик қилди. Бироқ мустақилликдан аввалги даврда бўлганидек, кенгашнинг ўз манфаатлари бор бўлиб, улар мамлакат манфаатлари билан бир хил эмасди. Унинг вазифаларидан бири инфратузилмани ривожлантириш, хусусан, портлар ва йўллар қуриш эди, аммо Австрия-Венгрия, Россия ва Сьерра-Леоне мисолида кўрганимиз каби бу кўпинча бунёдкор бузғунчиликни олиб келиши ва мавжуд тартибга хавф солиши мумкин эди. Шу сабабдан кенгаш инфратузилмани ривожлантириш ўрнига кўпинча унга қаршилик қилди. Мисол учун, Тинч океанига туташ Сучитепекс соҳилбўйига порт қуриш лойиҳаси таклиф қилинган эди. Ўша пайтда қулай портлар факат Кариб денгизи соҳилида бўлиб, уларни кенгаш назорат қиларди. Кенгаш Тинч океани соҳилида тайинли ишни амалга оширмади, негаки Тинч океанида порт ишга тушиши Масането ва Кесальтенанго каби тоғли худудларнинг маҳсулотларини олиб келишни анча осонлаштиради, бу товарларнинг янги бозорларга кириб бориши кенгашнинг ташқи савдони монополия қилишдек ҳуқуқига чанг солган бўларди. Кенгаш масъул бўлган бутун мамлакат бўйлаб қуриладиган йўллар масаласида ҳам шу мантикка асосланиб йўл тутилди. Афтидан, кенгаш рақобатчи гуруҳларнинг кучаймаслиги ва унинг монополиясига хавф туғилмаслиги учун йўллар қуришни ҳам рад этган бўлса керак. Йўлларни қуришга бўлган талаб Ғарбий Гватемаладан ва Лос Альтос вилоятидаги Кесальтенанго шахридан чиқарди. Аммо агар Лос Альтос ва Сучитепекс соҳилини боғловчи йўл яхшиланса, бу савдогарлар

синфини вужудга келтириши, улар эса кенгашнинг пойтахтлик савдогарларига рақобат туғдириши мумкин эди. Шу сабабдан йўл қурилмай қолди.

Мана шундай элитанинг ҳукмронлиги оқибатида Гватемала XIX асрнинг ўртасида – дунёнинг бошқа жойларида шитоб эврилишлар юз бераётган бир вақтда, даврлар ўртасида қотиб қолди. Аммо дунёдаги ўзгаришлар охир-окибат Гватемалага барибир ўз таъсирини кўрсатди. Паровозлар, темир йўллар, янгича, анча тезкорроқ кемалар сингари технологик инновациялар туфайли транспорт харажатлари камайиб бораётган эди. Қолаверса, Фарбий Европа ва Шимолий Америкадаги аҳолининг даромадлари ошиб бориши туфайли Гватемала каби мамлакатлар ишлаб чиқариши мумкин бўлган кўплаб маҳсулотларга нисбатан оммавий талаб ортиб бораётган эди. XIX аср бошида индиго, кошениль сингари табиий бўёқлар экспорт учун ишлаб чиқарилар, аммо қахва етиштириш анча фойдалироқ эди. Гватемалада қахва етиштириш учун қулай ер майдонлари жуда кўп бўлиб, кенгаш ёрдамисиз бу ўсимликни парваришлаш кенг тарқала бошлади. Дунё бозорларида қахванинг нархи кўтарилиб, халқаро савдо тобора кенгайиб борар экан, қахвадан катта даромад олиш мумкин бўлиб қолди ва Гватемала элитасининг бу ўсимликка кизиқиши ортди. 1871 йилда ниҳоят диктатор Карреранинг узок давом этган бошқаруви ўзини либераллар деб номлаган гуруҳ томонидан ағдариб ташланади. Улар бу номни дунёда кенг тарқалган шу номдаги ҳаракатдан олган эдилар. Либерализмнинг маъноси эса вақт ўтиши билан ўзгариб борди. XIX аср АҚШ ва Европа жамиятларида бу истилоҳ бугунги *либертарианизм* тушунчасига ўхшаш маънода ишлатилган бўлиб, бу ҳаракат фуқароларнинг эркинлиги, ҳукумат ваколатларини чеклаш ва эркин савдо тарафдори эди. Гватемалада эса сал бошқачароқ бўлди. Аввалига Мигел Гарсия Гранадос-и-Савала, 1873 йилдан кейин эса Хусто Руфино Барриос етакчилик қилган

Гватемала либералларининг кўпчилиги либерал караш-даги янги кишилар эмасди. Барибир аввалги ҳукмрон оилалар ҳокимиятда қолди. Улар экстрактив сиёсий институтларни сақлаб қолиб, қаҳвадан келадиган фойда учун иқтисодиётни қайта қурдилар. 1871 йилда улар кенгашни бекор қилдилар, аммо иқтисодий вазият энди ўзгарган эди. Экстрактив иқтисодий институтларнинг бор эътибори энди қаҳва етиштириш ва унинг экспортига йўналтирилди.

Қаҳва етиштириш учун эса ер ва ишчи кучи лозим эди. Қаҳва етиштирувчи хўжаликлар ташкил қилиш мақсади-да либераллар зудлик билан ерни хусусийлаштириш режасини ишлаб чиқди, аслида эса илгари жамоа ёки ҳукумат тасарруфида бўлган ер майдонларини тортиб олиш бошланди. Гарчи уларнинг ҳаракати каттик қаршиликка учраган бўлса-да, Гватемаладаги беҳад экстрактив сиёсий институтлар ва марказлашган сиёсий ҳокимият эвазига яқунда элита зафар қучди. 1871–1883 йиллар давомида умумий майдони қарийб бир миллион акрга тенг бўлган ерлар – асосан маҳаллий аҳолининг жамоа хўжаликларига тегишли бўлган ер майдонлари ҳамда кўрик ерлар элита ихтиёрига ўтди. Ана шундан сўнгра қаҳва етиштириш жадаллашиб кетди. Катта майдонлардан иборат ер мулкларни ташкил қилиш кўзланган эди. Хусусийлаштирилган ерлар одатдагидек анъанавий элита аъзоларига ёки уларга алоқадор бўлган оилаларга сотилди. Либерал давлатнинг мажбурлаш кучидан фойдаланиб, мажбурий меҳнатнинг турли-туман шакллари жорий қилиш ва мавжуд тартибларни мустаҳкамлаш орқали йирик заминдорларга арзон ишчи кучи билан кўмак берилди. 1876 йилнинг ноябрида президент Барриос Гватемаланинг барча губернаторларига шундай фармон берган эди:

Мамлакатда бугунги кунда сермахсул элементларнинг тараққиёт томон илдамлаётган ҳаракатидан четда қолаётган сон-саноксиз ишчилар ёрдамида ўз-

лаштириши орқали ишга тушириши лозим бўлган жуда кўп ер майдонлари борлигини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги экспортига барча кўмакларни кўрсатиши буюрилади:

1. Тасарруфингиздаги ҳиндулар манзилгоҳларидан ўз ҳудудингиздаги ер эгалари ўзлари истаган миқдордаги, хоҳ 50 нафар бўлсин, хоҳ 100 нафар, ишчи кучи билан таъминлансин.

Репартименто, яъни мажбурий меҳнат тартиби мустақилликдан кейин бекор қилинмаган бўлиб, эндиликда кўлами ва давомийлиги жиҳатдан янада кучайтирилган эди. Бу тартиб 1877 йилда 177-сонли қарор билан қонунийлаштирилиб, иш берувчилар ўз ҳудудларидан 15 кунга, бошқа ҳудудлардан эса 30 кунга 60 нафаргача ишчини ҳукуматдан сўраши мумкин бўлди. **Агар иш берувчи истаса, яна кўпроқ ишчини сўраши ҳам мумкин эди.** Ишчилар мажбуран ишга жалб қилинар, зотан улар ўз меҳнат **дафтарчаларида** бундай хизматни яқинда коникарли тарзда ўтаганларига оид қайдни тез-тез кўрсатишлари лозим эди. Барча қишлоқ меҳнаткашлари либрета деб аталадиган меҳнат дафтарчаларини олиб юриши шарт бўлиб, унда ишчининг кимга ишлаши, мажбурий меҳнат қарзлари бўйича қайдлари белгиланган бўларди. Кўпчилик ишчилар иш берувчилари олдида қарздор бўлар, қарздор ходим эса иш берувчининг рухсатисиз иш жойини тарк эта олмасди. 177-сонли қарордаги яна бир нормага кўра, репартиментога жалб қилинишдан қутулишнинг ягона йўли ишчининг бирор иш берувчи олдида қарздорлигини кўрсатиши эди. Ишчилар мушкул аҳволда қолди. Булардан ташқари, дайдиликни тақиқловчи яна бир қатор қонунлар ҳам қабул қилиниб, унга кўра, иши борлигини исботлаб беролмаган ҳар қандай одам зудлик билан репартименто мажбуриятига ёки йўл қурилишидаги бошқа мажбурий ишларга йўлланар, ёхуд далада ишлашга мажбурланарди. XIX–XX асрларда Жанубий Африкада бўлгани сингари

Гватемалада ҳам 1871 йилдан кейин юргизилган ер сиёсати маҳаллий халқларнинг анъанавий иқтисодини ўлдириш ва уларни арзимаган ойлик эвазига ишлашга мажбурлашга қаратилганди. Репартименти тартиби XX асрнинг 20-йилларига қадар давом этди, либрета тартиби ва дайдиликка қарши барча қонунлар 1945 йилгача амалда бўлди. Ўша вақтга келибгина Гватемала демократиянинг қисқа муддатли дастлабки эпкинени ҳис этди.

1871 йилдан олдин ҳам, ундан кейинги даврда ҳам ҳукмрон элита Гватемалани ҳарбий куч ёрдамида идора қилди. Улар қаҳва васвасаси бошлангандан кейин ҳам шу залда давом этдилар. 1931–1944 йилларда Гватемалада президент Хорхе Убико ҳукмронлик қилди. 1931 йилги президентлик сайловида Убиконинг бир ўзи номзод бўлди, ахир мамлакатда унга ракиб бўлишни истайдиган даражадаги тентак одам топилмасди. Худди Савдо кенгаши сингари Убико ҳам бунёдкор бузғунчиликка туртки берадиган, ўзининг ва ҳукмрон элитанинг сиёсий ҳокимиятига, даромадларига хавф соладиган ишларни қилишга рўйхушлик бермади. Шу сабабли Убико Австрия-Венгрия императори Франциск I ва Россия подшоси Николай I сингари саноатга қарши турди: саноат ишчилари муаммо туғдириши мумкин эди. Қағонлар васвасасида қабул қилинган яна бир мисли кўрилмаган қонун *obreros* (меҳнаткашлар), *sindicatos* (касаба уюшмалари) ва *huelgas* (иш ташлашлар) сингари сўзларни ишлатиш тақиқланди. Бу сўзлардан фойдаланганлар озодликдан маҳрум қилиниши мумкин эди. Президент ҳокимияти кучли бўлса ҳам, элитанинг таъсири ундан қолишмасди. 1944 йилда ҳукуматдан норози университет талабалари бошлаган намоийшлар самараси ўлароқ, Убико режимига муҳолифат юзага чиқди. Оммавий норозилик кучайиб бориб, 24 июнь куни 311 кишилик гуруҳ ҳукуматни қораловчи очик хат – “Меморандум 311”ни имзолади. Улардан кўпчилиги элита вакиллари эди. Убико 1 июль куни истеъфога чиқди. Гарчи унинг ўрнини

1945 йилда демократик ҳукумат эгаллаган бўлса-да, бу ҳукумат ҳам 1954 йилги тўнтариш чоғида ағдариб ташланди. Мамлакат қонли фуқаролар уруши гирдобига тортилди. Гватемалада 1986 йилга келибгина демократик тузум қайта тикланди.

Экстрактив сиёсий ва иқтисодий тартибларни жорий қилишдан испан конкистадорларида пушаймонлик ҳисси бўлмаган. Айнан шунинг учун улар ҳар қандай йўл билан Янги дунёга борарди. Лекин улар жорий қилган кўп институтлар вақтинчалик бўлиши кўзда тутилганди. Масалан, энкомиенда ишчи кучи устидан берилган вақтинчалик ҳуқуқ эди. Испанларда яна тўрт юз йил давом этадиган тузум қуриш бўйича мукамал ишлаб чиқилган режанинг ўзи бўлмаган. Умуман олганда, истилочилар ўрнатган институтлар бир истиснони ҳисобга олмаганда вақт ўтиши билан сезиларли эврилишларга учради: фақат зарарли ҳалқалар занжирининг натижаси бўлган институтларнинг экстрактив хусусияти ўзгармай қолди. Бошқалар ҳақини талон-тарож қилишнинг сирти ўзгарди, аммо институтларнинг экстрактив табиати ҳам, элитанинг таркиби ҳам ўша-ўшалигича қолди. Гватемалада энкомиенда, репартиemento ва савдо-сотик монополияси ўрнига меҳнат дафтарчаларига қарамлик пайдо бўлиб, ерлар хусусий эгалари фойдасига олиб кўйилди. Аммо туб аҳоли саналган майяларнинг аксариятини таълим олиш ва бошқа ҳуқуқлардан маҳрум қилиб, уларни ижтимоий хизматлардан фойдалана олмайдиган арзон ишчи кучи сифатида ишлатиш давом этди.

Марказий Американинг аксарият мамлакатларида бўлгани сингари Гватемалада ҳам зарарли алоқалар занжирининг кўп учрайдиган шакли амал қилиб, экстрактив сиёсий институтлар экстрактив иқтисодий институтларни кўмак билан таъминлаб келдилар, экстрактив иқтисодий институтлар эса ўз навбатида экстрактив сиёсий институтлар ва элитанинг ҳокимияти бардавом бўлиши учун шароит яратиб берди.


ҚУЛЛИК ЎРНИГА ЖИМ КРОУ ҚАРАМЛИГИ

Гватемалада бир элитанинг мустаҳкам ҳокимияти негизида экстрактив институтлар мустамлака давридан ҳозирга қадар сақланиб қолди. Институтлардаги ҳар қандай ўзгариш вазият тақозосига кўра янги шароитларга мослашиш натижаси бўлиб, буни қаҳва бозори кучайиб кетиши таъсирида элитанинг ерни эгаллаб олишида кўрдик. АҚШнинг жанубий штатларидаги институтлар ҳам фуқаролар урушидан олдин шундай экстрактив эди. Иктисодий ва сиёсий ҳокимият жанубнинг ўзига хос элиталари – йирик ер майдонлари ва кўп сонли қулларга эга бўлган плантация хўжайинларига тегишли эди. Қулларда на сиёсий, на иктисодий ҳуқуқлар мавжуд бўлиб, ҳақиқатда уларда ҳақ-ҳуқуқ деган нарсанинг ўзи йўқ эди.

XIX аср ўрталарига келиб, жанубнинг экстрактив иктисодий ва сиёсий институтлари уни шимолга қараганда сезиларли қашшоқлаштирди. Жанубда саноат ривожланмаган, инфратузилма учун эса жуда кам маблағ сарфланарди. 1860 йилда жанубий штатларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати Пенсильвания, Нью-Йорк ва Массачусетсникидан камроқ эди. Жанубда аҳолининг атиги 9 фоизи шаҳарларда яшар, шимоли-шарқий штатларда эса бу кўрсаткич 35 тага етганди. Шимолда темир йўлларнинг зичлиги (темир излар узунлигининг ер майдонига нисбати) жанубий штатларга қараганда уч баравар катгароқ эди. Сув каналлари бўйича кўрсаткич ҳам бундан кам эмасди.

18-харитада қулдорликнинг кўлами акс этган бўлиб, 1840 йилда АҚШнинг турли ҳудудларидаги аҳоли сонига қулларнинг улуши қанча бўлганини кўриш мумкин. Жанубдаги айрим ҳудудларда қулдорлик тузуми ҳукмрон бўлганини пайқаш қийин эмас, чунончи, Миссисипи дарёси атрофларида аҳолининг ҳатто 95 фоизгача қисмини қуллар ташкил этарди. 19-харитадан эса бу ҳолатнинг қандай оқибатлар келтирганини кўришимиз

мумкин, унда ишлаб чиқаришда банд ишчиларнинг барча меҳнаткашларга нисбатан улуши 1880 йилги кўрсаткичларда ифодаланган. Гарчи бу кўрсаткичлар XX аср мезонларига кўра унча юқори бўлмаса ҳам, шимолий ва жанубий штатлар ўртасидаги яққол фарқни кўриш қийин эмас. Шимоли-шарқий ҳудудларнинг аксариятида меҳнаткашларнинг 10 фоиздан ортиғи ишлаб чиқаришда банд бўлган бўлса, бунга қарама-қарши ўларок, аксарият жанубий штатларда, айниқса, қуллар асосий ишчи кучи саналган ҳудудларда бу кўрсаткич қарийб нолга тенг.




18-харита. 1840 йилда АҚШ ҳудудларидаги қўлдорлик даражаси.

Американинг жанубий штатлари ўз ихтисослашган соҳаларида ҳам янгиликка унчалик ўч эмасди: маккажў-хори ва буғдой билан боғлиқ янгиликларга берилган патентларнинг ўртача йиллик кўрсаткичи 1837–1859 йилларда мос равишда 12 ва 10 тани ташкил қилган бўлса, жанубий ҳудудларнинг энг асосий маҳсулоти бўлган пахта етиштириш соҳасида олинган патентлар йилига бир донадан ошмасди. Саноатлашиш ва иқтисодий ўсишнинг яқин орада бошланиши аломати кўринмасди. Аммо фуқаролар урушидаги мағлубият ортидан фундаментал иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар бошланди. Қуллик бекор қилинди ва қора танлиларга сайлаш ҳуқуқи берилди.

Бундай муҳим ўзгаришлар туфайли жанубий штатлардаги экстрактив институтларнинг кескин трансформацияси учун йўл очилиши, уларнинг инклюзив институтлар сари бурилиши ва бу ҳудудларни иқтисодий юксалиш йўлига олиб чиқиши лозим эди. Аммо зарарли алоқадорлик занжирининг бошқа бир кўриниши бўй кўрсатиши туфайли улардан ҳеч бири бўлмади. Жанубий штатларда қулдорлик ўрнига экстрактив институтларнинг бошқа бир шакли – *Жим Кроу* пайдо бўлди. Жим Кроу атамаси, айтишларича, XIX аср бошларида оқ танли актёрлар томонидан “юзларини қорага бўяб” ижро этилган “Сакра, Жим Кроу” номли сатирик кўшиқдан олинган бўлиб, 1865 йилдан кейин жанубий штатларда қабул қилинган, ирқий камситишга асосланган қонунлар тўпламини англата бошлаган. Бу қонунлар қарийб бир аср давомида, токи навбатдаги кучли тўлқин – инсон ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатлари бош кўтаргунга қадар амалда бўлди. Айни пайтда қора танлиларни ҳокимиятдан узоқ тутиш ва уларни таъқиб қилиш давом этди. Плантацияга ўхшаш хўжаликларга асосланган кишлоқ хўжалигида меҳнат учун кам ҳақ тўлаш, деярли таълим кўрмаган арзон ишчи кучидан фойдаланиш давом этиб, жануб аҳолисининг даромадлари АҚШдаги ўртача даромадга нисбатан анча

орқада қолиб кетди. Экстрактив институтларнинг зарарли занжири ўша пайтда кўпчилик кутгандан кўра кучлироқ бўлиб чиқди.



19-харита. АҚШ ҳудудларида ишлаб чиқаришда банд бўлган аҳоли, 1880 йил.

Қуллик бекор қилинган, қора танлиларга овоз бериш ҳукуки берилган бўлса ҳам, жанубнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўналиши ҳеч ўзгармади, чунки қора танлиларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва иқтисодий мустақиллиги заиф эди. Жанублик заминдорлар урушни бой

бердилар, аммо тинч пайтда ғалабани илиб кетдилар. Улар ҳамон яхши уюшган, ҳамон ер майдонларига эгалик қилардилар. Уруш пайтида, агарда куллик бекор қилинадиган бўлса, озод қилинган қулларга 40 акрдан ер ва хачир берилиши ваъда қилинганди, ҳатто айримлар генерал Уильям Т. Шерманнинг донғи чиққан ҳарбий юришлари даврида уни қўлга киритганди ҳам. Бироқ 1865 йилда президент Эндрю Жонсон Шерманнинг қарорларини бекор қилди ва умид қилинган ерларни бўлиб бериш ислоҳоти амалга ошмай қолди. Конгрессдаги мазкур масала бўйича муҳокама пайтида Конгресс аъзоси Жорж Вашингтон Жулиан шундай деганди: *“Агар қишлоқ хўжалигида аристократлар ҳокимиятига асосланган эскича хўжалик шакли сақланиб қолса, Конгресснинг кулликни бутунлай бекор қилиш тўғрисидаги актидан нима фойда?”* Бу жанубдаги эскича ижтимоий тартиботни ва эски заминдорлар элитаси ҳукмронлигини “сақлаб қолиш” жараёнининг ибтидоси эди.

Социолог Жонатан Винер жанубий Алабамадаги энг асосий пахта етиштирувчи Блэк Белт минтақасининг бешта ҳудудидаги заминдор элиталар тарихини ўрганган. АҚШнинг аҳоли рўйхати бўйича маълумотлари асосида оилаларни кузатиб, камида 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги кўчмас мулкка эга бўлганларни ҳисобга олган ҳолда, Винер 1850 йилда мавжуд заминдор элитага мансуб 236 оиладан, 1870 йилда 101 таси ўз мавқеини сақлаб қолганини аниқлайди. Қизиғи шундаки, элитанинг ўз мавқеини сақлаб қолиш кўрсаткичи фуқаролар урушидан олдинги даврдагига ғоят ўхшаш: 1850 йилда 236 заминдор оила мавжуд бўлган, ўн йил ўтиб улардан фақат 110 таси сақланиб қолган. Шунга қарамай, 1870 йилда энг катта ер-мулкларга эга бўлган 25 заминдордан 18 таси (72 фоизи) 1860 йилда ҳам элитага мансуб оила вакиллари бўлган, шулардан 16 таси 1850 йилги элита таркибида мавжуд бўлган. Фуқаролар урушида 600 минг кишидан

ортиқ қурбон берилгани ҳолда, заминдор элита вакиллари жуда кам йўқотишга учраган. Плантация хўжайинлари томонидан ва уларнинг манфаатларини кўзлаб ёзилган қонунга кўра, ҳар 20 нафар кул учун бир нафар кулдор ҳарбий хизматдан озод қилинарди. Юз минглаб кишилар жанубнинг плантацияга асосланган иқтисодий тартибини сақлаб қолиш учун қурбон бўлган бир пайтда, кўплаб йирик кулдорлар ва уларнинг фарзандлари урушни айвонларида ўтирганча кузатиб, жонларини асраб қолдилар ва шу тариқа плантация иқтисодиётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Уруш тугагандан сўнг бой заминдорлар ишчи кучлари устидан назоратни қўлга олди. Гарчи куллик бекор қилинган бўлса-да, далиллар шуни кўрсатадики, жанубнинг арзон ишчи кучига боғлиқ плантация типигаги хўжаликларга асосланган иқтисодий тизими сақланиб қолди. Бу турли йўллар билан амалга оширилди. Бу йўллар сирасига маҳаллий сиёсий ҳокимият ва куч ишлатиш кабилар киради. Натижада жанубий штатлар, афроамерикалик олим В.Е.Б. Дюбуа таъбири билан айтганда, *“қора танли аҳолини қўрқитиш мақсадида қуролланган лагер”*га айлантирилди.

1865 йилда Алабама штатининг қонун чиқарувчи органи “Қора танлилар кодекси”ни қабул қилади ва у қора танли ишчиларга тазйиқ ўтказиш учун энг муҳим қонуний асосга айланди. Гватемаладаги “177-сонли қарор”га ўхшаб, Алабаманинг “Қора танлилар кодекси”да ҳам дайдиликка оид ҳамда ишчиларнинг бошқа иш берувчиларга ёлланишини тақиқловчи нормалар мавжуд эди. Бу ишчиларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишини тўхтатиш ва меҳнат бозорида рақобатни су-сайтириш мақсадида қилинган бўлиб, жанублик плантаторларни арзон ишчи кучининг ишончли захираси билан таъминлаш кўзланганди.

1865 йилда фуқаролар уруши тугаши билан бошлан-

ган қайта қуриш даври 1877 йилда ниҳоясига етди. Шимоллик сиёсатчилар иттифоқчилар армияси ёрдами билан жанубда ҳам айрим ижтимоий ўзгаришлар лойиҳаларини амалга оширдилар. Аммо элитанинг тизимли қаршилиги, жанубдаги тузумни сақлаб қолиш учун курашаётган, ўзларини “халоскорлар” деб атаганларни қўллаб-қувватлаши оқибатида эскича тартиб қайта ўрнатилди. 1877 йилги президентлик сайловида Ратерфорд Ҳейсга сайловчилар кенгашида (*electoral college – электорал ҳайъат ёки сайловчилар кенгаши*) жанубий штатларнинг қўллаб-қувватлови зарур бўлиб қолди. Бугун ҳам амалда бўлган мазкур кенгаш АҚШ конституцияси томонидан жорий қилинган бўлиб, президентни сайлашда билвосита сайлов тизимининг энг муҳим бўғини саналади. Фуқаролар президентни бевосита сайламайди, балки улар сайловчилар кенгашида президентни сайлайдиган сайловчиларни сайлайдилар. Сайловчилар кенгашидаги қўллаб-қувватлаш эвазига жанубликлар иттифоқ кўшинларини жанубдан олиб кетиш ва минтақани ўз қўлларига қайтаришни талаб қилдилар. Ҳейс бунга рози бўлди. Жанубликларнинг ёрдами билан Ратерфорд Ҳейс президентликка сайлангач, аскарларни жанубдан қайтариб олди. 1877 йилдан кейинги давр фуқаролар урушидан аввалги заминдор элитанинг чин маънодаги қайта юзага келиши билан ёдда қолди. Жанубнинг қайта тикланиши янги жон солиғи ва овоз бериш учун саводхонлик синовлари жорий қилиниши билан бирга юз берди. Бу эса қора танлиларни ва кўпинча камбағал оқ танли аҳолини ҳам тизимли равишда сайлов ҳукукидан маҳрум қилди. Бу ҳаракатлар амалга ошиб, демократлар партиясининг яккаҳоқимлиги ўрнатилди ва сиёсий ҳоқимият асосан заминдорлар қўлида жамланди.

Жим Кроу конунлари алоҳида, айтиш мумкинки, паст табақали мактабларни ташкил қилди. Масалан, 1901 йилда Алабама штатида бу мақсадга эришиш учун

конституция қайта ёзилди. Ҳайратланарлиси шундаки, ҳатто бугунги кунда ҳам мавжуд бўлган Алабама конституциясининг 256-моддасида, гарчи унга амал қилинмаса-да, шундай дейилган:

Қонун чиқарувчи органнинг давлат мактабларини ташкил этиши ва уларга замхўрлик қилиш вазифаси; давлат мактаблари учун маблағларни тақсимлаш; оқ танли ва бошқа ирққа мансуб болалар учун алоҳида мактаблар.

Қонун чиқарувчи орган бутун штат бўйлаб етти ёшдан йигирма бир ёшгача бўлган болалар учун давлат мактабларининг эркин тизимини йўлга қўяди, ташкил этади ва уларга замхўрлик қилади. Давлат мактаблари учун маблағлар барча ҳудудларга мактаб ёшида бўлган мактаб ўқувчиларининг сонига кўра тақсимланади. Маблағлар ҳудудлардаги округ ва шаҳарларнинг мактабларига шундай тақсимланиши керакки, иложи борича округ ва шаҳарларнинг ҳар бир мактабида тенг миқдордаги ўқув даврини таъминлаш мумкин бўлсин. Оқ танли ва бошқа рангдаги болалар бир-биридан алоҳида мактаблар билан таъминланади, бир ирққа мансуб боланинг бошқа ирққа ажратилган мактабларга бориши тақиқланади.

2004 йилда 256-моддани конституциядан олиб ташлаш бўйича таклиф штатнинг қонун чиқарувчи органида кичик фарқ билан қабул қилинмай қолди.

Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, Алабамадаги “Қора танлилар кодекси”, турли-туман Жим Кроу қонунлари ҳамда “Ку-Клукс-Клан”нинг¹ ҳаракатлари – улар кўпинча элита томонидан молиявий ва ғоявий қўллаб-қувватланарди – фуқаролар урушидан кейинги даврда жанубий штатларни оқ танлилар ва қора танлилар бошқа-бошқа ҳаёт кечирадиган, ҳақиқий апартеидча

¹ Ку Клукс Клан (инглизча Ku Klux Klan ёки КKK) – АКШда фуқаролар урушидан кейин қора танлиларни таъкиб қилиш мақсадида тузилган, ашадий ирқчи, террорчи ташкилот.

жамиятларга айлантирди. Худди Жанубий Африкадаги сингари бу қонун ва тадбирлар қора танли аҳоли ва ишчи кучи устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганди.

Вашингтондаги жанублик сиёсатдонлар ҳам жанубнинг экстрактив институтлари сақланиб қолиши учун тер тўқдилар. Чунончи, улар жанубдаги элитанинг қора танли ишчилар устидан ҳукмронлигига дахл қиладиган бирор федерал лойиҳа ёхуд ижтимоий объект қурилиши тасдиқланмаслигига эришардилар. Оқибатда XX асрда ҳам жанубий штатлар сифатсиз таълим ва қолоқ технологияга эга бўлган, қўл меҳнати ва хачирлар кучидан фойдаланишга асосланган, механик қурилмалар деярли ишлатилмайдиган, аҳолиси асосан қишлоқда яшайдиган ҳудудлигича қолди. Гарчи шаҳарликларнинг аҳоли сонига улуши ошган бўлса-да, кўрсаткичлар шимолдагига қараганда анча орқада эди. Мисол учун, 1900 йилда жанубда аҳолининг 13.5 фоизи шаҳарлашган бўлса, шимоли-шарқий штатларда бу кўрсаткич 60 фоизга етганди.

Умуман олганда, АҚШнинг жанубий штатларидаги заминдор элита ҳокимиятига, плантациялар хўжалигига, арзон ва таълим кўрмаган ишчи кучига асосланган экстрактив институтлар XX асрда ҳам сақланиб қолди. Бу институтлар фақат Иккинчи жаҳон урушидан кейин заифлаша бошлади. Ана шундан сўнг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракатлари бу тизимнинг сиёсий таянчини йўқ қилди. Фақат 1950–1960-йилларда бу институтларнинг қулаши туфайли жанубий штатлар шимолга шитоб яқинлаша бошлади.

АҚШнинг жанубий штатлари тажрибаси зарарли ҳалқалар занжирининг бошқа бир, кучлироқ жиҳатини ошқор қилади: бу ерда ҳам Гватемаладаги сингари жанублик плантаторлар элитаси иқтидорда қолди ҳамда ўз ҳокимиятининг бардавомлигини таъминлаш учун иқтисодий ва сиёсий институтларни қуриб олди. Аммо

Гватемаладан фарқли ўларок, элита фуқаролар урушидаги мағлубият туфайли жиддий синовлар билан юзлашди — куллик бекор қилиниб, қора танлиларнинг сиёсий ҳуқуқлардан бағамом, конституциявий маҳрумлиги йўқ қилинди. Бирок мақсадга етишнинг бошқа йўллари ҳам бор экан: ҳамонки плантаторлар элитаси ўзининг жуда катта ер-мулклари назоратини сақлаб қолган ва яхши уюшган экан, улар энди ўз мақсадларига эришиш учун янгича институтларни — қулдорлик ўрнига Жим Кроу қонунларини жорий қилишга муваффақ бўлдилар. Зарарли алоқа занжири кўпчилик, шу жумладан, Авраам Линкольн ўйлагандан ҳам кўра кучлироқ бўлиб чиқди. Бу занжир экстрактив иқтисодий институтларни пайдо қиладиган экстрактив сиёсий институтларга таянади, айна пайтда иқтисодий институтлар экстрактив сиёсий институтларга кўмак беради, негаки мол-давлат ва иқтисодий қудрат сиёсий ҳокимиятни сотиб олади. 40 акрдан ер майдони ва ҳачир ажратиш масаласи кун тартибидан олингач, жанублик заминдор элита вакилларининг иқтисодий қудрати ўзгармай қолди. Ҳеч ажабланмай ва таассуф билан айтиш мумкинки, юқорида қайд этилганларнинг жанублик қора танли аҳоли ҳаёти ҳамда жанубий штатларнинг иқтисодий тараққиётидаги ўрни бир хил бўлди.

ОЛИГАРХИЯНИНГ ТЕМИР ҚОНУНИ

Эфиопияда Сулаймонийлар сулоласи ҳукмронлиги 1974 йилги ҳарбий тўнтаришга қадар давом этди. Тўнтаришга марксчи армия зобитларининг “Дерг” гуруҳи бошчилик қилди. “Дерг” ҳокимиятдан ағдарган режим гўё бир неча аср мукаддам қотиб, замондан анча ортда қолгандай эди. Император Ҳайле Селассие кунни XIX аср охирида император Менелик II томонидан қурдирилган подшо саройи ҳовлисига чиқиш билан бошларди. Сарой ташқарисида эса бир тўп амалдорлар таъзим қилиб, императорнинг эътиборини тортишга ноилож тириш-

ганча, унинг келишига мунтазир турардилар. Император қабуллар залида подшолик тахтида ўтириб нутқ сўзларди (Селассие паст бўйли киши бўлиб, оёқлари ҳавода муаллақ қолмаслиги учун унга ҳар доим махсус ёстикбон эргашиб юрар, подшо қаерга борса, керакли ёстикни унинг оёғи остига қўйиш ёстикбоннинг вазифаси саналарди. Ёстикбон ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши учун 52 та ёстикни сақлаб туришига тўғри келарди). Селассиега бир қанча беҳад экстрактив институтлар мерос қолган бўлиб, мурувват ва марҳаматлар қилиш, ўзига нисбатан садокат қилмаганларни эса шафқатсиз жазолаш билан мамлакатни ўзининг шахсий мулки каби бошқарарди. Сулаймонийлар сулоласи даврида Эфиопияда айтарли иқтисодий тараққиёт бўлмади.

Даставвал “Дерг” мамлакатдаги турли ҳарбий бўлинмаларнинг 108 нафар аъзосидан таркиб топганди. Ҳарэр вилоятидаги учинчи дивизия вакили майор Менгисту Ҳайле Марям эди. Гарчи 1974 йилнинг 4 июлидаги илк баёнотларида “Дерг” зобитлари императорга содиклик изҳор қилган бўлсалар-да, кўп ўтмай улар ҳукумат аъзоларини ҳибсга ола бошлади, бу қанчалик қаршилик юзага келтиришини текшириб кўриш учун эди. Улар Селассие ҳокимияти тарафдорлари заифлигини англашлари билан императорнинг ўзига ҳамла қилиб, 12 сентябрда уни ҳибсга оладилар. Шундан сўнг катағонлар бошланади. Қисқа муддат ичида аввалги режим даврида муҳим мансабларни эгаллаган кўплаб сиёсатчилар йўқ қилинди. Декабрга келиб, дергчилар Эфиопияни социалистик давлат деб эълон қилдилар. Селассие 1975 йилнинг 27 августида вафот этди, эҳтимол, унга суиқасд қилингандир. 1975 йилда “Дерг” барча мулкларни, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқлардаги ер майдонларини ҳамда хусусий мулкларнинг кўпчилигини миллийлаштирди. Ҳукуматнинг беҳад авторитар сиёсати мамлакат бўйлаб муҳолиф кайфият кўзгалишига олиб

келди. Эфиопия худудининг катта қисми XIX аср охири – XX аср бошларидаги европалик мустамлакачиларнинг босқини даврида бирлаштирилган бўлиб, буни биз аввал зикр қилган, Адова жангида зафар кучган император Менелик II амалга оширган эди. Бу худудлар жумласига шимолдаги Эритрея ва Тиграи, Шарқдаги Огаден кирарди. Сомали армияси аҳолиси сомализабон бўлган Огаденга хужум қилган бир пайтда, “Дерг”нинг шафқатсиз режимига қарши Эритрея ва Тиграйда мустақиллик ҳаракатлари вужудга келади. Айни пайтда “Дерг”нинг ўзи ҳам парчаланиб, бир неча қисмга бўлиниб кетади. Майор Менгисту улар орасида энг шафқатсизи ва энг ақллиси бўлиб чиқди. 1977 йил ўрталарига келиб, у ўзининг асосий ракибларини маҳв этади ва ҳокимиятни тўлалигича қўлга олади. Мавжуд режим фақат ўша йилнинг ноябрида Совет Иттифоқи ва Кубадан келган сон-саноксиз қурол-яроғ ва ҳарбий кўшинлар ёрдами билангина сақлаб қолинган эди.

1978 йилда ҳукумат Ҳайле Селассие тахтдан ағдарилганининг тўрт йиллиги муносабати билан мамлакат миқёсида байрам тантаналарини ташкил этади. Бу вақтга келиб, Менгисту “Дерг”нинг яккаю ягона раҳнамози бўлиб қолганди. Менгисту император Селассиенинг монархия ағдарилгандан бери бўшаб қолган мухташам саройини Эфиопияни бошқариш учун ўзига қароргоҳ сифатида танлаганди. Байрам намойишидаги парадни томоша қилар экан, у аввалги императорлар сингари тилла суви юритилган курсида ўтирарди. Расмий тадбирлар яна мухташам саройга қайтган, Менгисту император Ҳайле Селассиедан қолган тахтда савлат тўкиб ўтирарди. Менгисту бир муддат тушкунлик давридан сўнг ўзини XIX аср ўрталарида Сулаймонийлар сулоласини қайта тиклаган император Теодрос билан солиштира бошлайди.

Унинг вазирларидан бири Давит Волде Гиоргис ўз эсдаликларида шундай ёзади:

Инқилоб аввалида барчамиз ўтмиш билан боғлиқ

ҳар қандай нарсани истисносиз рад этардик. Биз на машина ҳайдар, на костюм киярдик; бўйинбоғ тақим жиноят ҳисобланарди. Кишини ўзига тўқ ва бадавлат қилиб кўрсатадиган ҳар қандай буюмдан, бойлик ва ҳашамат аломати бўлган ҳар бир нарсадан эскилик сарқити сифатида воз кечилганди. Кейинчалик, чамаси, 1978 йилда буларнинг бари ўзгара бошлади. Аста-секин материализм қабул қилиниб, кейин эҳтиёжга айлантирилди. Ҳукуматдаги барча катта амалдорлар ва Ҳарбий кенгаш аъзоларининг эгини Европанинг энг зўр дизайнерлари тиккан сўнги урфдаги либослар эгаллади. Бизда ҳамма нарсанинг энг яхшиси бўларди: энг ҳашаматли уйлар, энг яхши машиналар, энг зўр виски, шампан винолари ва энг лаззатли таомлар... Бу эса инқилоб олға сурган гояларга бутунлай қарама-қарши эди.

Гиоргиснинг ёдномаларида яккахоким бўлиб олгандан сўнг Менгисту қанчалик ўзгаргани ҳам аниқ тасвирланади:

Менгистунинг асл қиёфаси – бераҳм, шафқатсиз ва авторитар табиати намоён бўлди. У ўзимиздан бўлгани учун кўпчилигимиз у билан гаплашганда қўлимиз чўнтакда бўлишига ўргангандик, энди эса унинг қаршисида диққат ва эътибор билан ҳурмат сақлаганча қаддимизни тик тутадиган бўлдик. Унга мурожаат қилишда биз одатий “ante” – сен сўзини ишлатардик, энди эса унга расмий тарзда “ersiwo” – сиз деб мурожаат қиладиган бўлдик. У Менелик саройидаги каттароқ ва ҳашаматлироқ кабинетга кўчиб ўтди. У император уловларидан ҳам фойдаланишини бошлади. Биз тенглик ҳукм сурадиган инқилобни истаган эдик, у эса янги императорга айланди.

Хайле Селассие ва Менгисту ёхуд Сьерра-Леонедаги Британия мустамлакачи губернаторлари ва Сиака Стивенслар ўртасидаги ҳокимият алмашинувида куза-

тилган зарарли алоқалар занжири мисоли шундай ноода-тий ва қайсидир даражада ғалатидирки, уни махсус ном билан аташ мумкин. 4-бобда зикр этилганидек, немис социологи Роберт Михелс уни “олигархиянинг темир қонуни” деб номлаганди. Михелснинг фикрича, олигархияларнинг, шу жумладан, барча иерархик тузилмаларнинг ички мантиғи шундан иборатки, улар фақат бир гуруҳ иқтидорда бўлган чоғдагина эмас, балки мутлақо янги гуруҳ ҳокимиятга келганда ҳам ўз-ўзини тиклайверади. Афтидан, Михельс Карл Марксга тегишли бўлган куйидаги фикрдан беҳабар бўлган: *“Тарих такрорланиб туради – аввалига трагедия кўринишида, иккинчи бор эса фарс² шаклида”*.

Африканинг мустакил давлатлари етакчилари нафақат саройларга кўчиб ўтдилар, аввалги тузум амалдорлари хизматидан фойдаландилар, бозорларни эгаллаб олиш ва ресурсларни талон-тарож қилишда ўзлари ағдарган мустамлакачилар ва императорлар тузумининг изидан юрдилар, балки аҳволни баттар ёмонлаштирдилар. Дарҳақиқат, мустамлакачиликка қарши ҳақиқий курашчи бўлган Стивенс ҳам британияликлар сингари менде халқини бошқариш муаммосига дуч келгани, у ҳам Британия ҳукумати мамлакатни бошқариш учун ваколат бериб қўйган сардорлар ҳокимиятига суянгани, иқтисодий соҳада эскича усуллардан фойдаланиб, аввалгидай савдо идоралари ёрдамида фермерларни талон-тарож қилгани, олмос қазиб олишни илгаригидай монополиялар тасарруфида қолдиргани бемаъниликдан ўзга нарса эмасди. Заирда (Конгонинг 1971–1997 йиллардаги номи) халққа эркинлик бериш, Мобуту режимининг халқни бўғиб олган, қашшоқликка ботирган коррупция ва зулмига барҳам бериш сингари ваъдалар билан армияни Мобуту диктатурасига қарши кўзғатган Лоран Кабила худди ўшандай коррупцияга ботган ва, айтиш

² Фарс (французча “farse” – қийма) – ақлга сиймайдиган воқеаларга, майнабозчиликка, кўпол ҳазилларга асосланган ҳажвий асар.

мумкинки, янада даҳшатлироқ бўлган режим ўрнатганини чиндан ҳам, фарс, жуда аянчли фарс дейиш мумкин. Сўнг Кабиланинг ўзи Мобутунинг собиқ ахборот вазири Доминик Сакомби Инонго ёрдамида Мобуту сингари шахсга сиғиниш режимини жорий қилишни бошлагани ҳам фарсга хос эди. Мобуту режимининг ўзи эса қирол Леополд бир аср муқаддам Озод Конго давлатида қурган, аҳолини эксплуатация қилишдан иборат тузум андазасида бунёд бўлгани ҳам айнан фарснинг белгисидир. Марксчи зобит Менгистунинг ўзини императордек кўриб саройда яшай бошлаши, ўздан олдинги Хайле Селассие ва бошқа императорларга ўхшаб ўзи ва мулозимларининг давлатини орттириб бориши ҳам фарснинг айнан ўзидир.

Буларнинг барчаси фарс эди, аммо хақиқий трагедиядан ҳам кўра мудҳишроқ эдики, у фақат барча умидлар йўққа чиққани билангина характерланмайди. Африканинг бошқа кўплаб ҳукмдорлари сингари Стивенс ва Кабила ҳам дастлаб ўз рақибларини, сўнг бегуноҳ фуқароларини йўқ қила бошлади. Менгисту ва “Дерг” юргизган сиёсат Эфиопиянинг серунум ерларига сурункали очарчиликлар олиб келди. Тарих яна, аммо бу сафар жуда нохуш бир тарзда такрорланаётганди. Волло вилоятидаги 1973 йилги қаҳатчиликка императорнинг лоқайд муносабати охир-оқибат Хайле Селассие ҳукмронлигига қарши муҳолифатга катта куч бағишлаган эди. Селлассиеку бор-йўғи фожиага бефарқлик қилган эди. Менгисту эса очарчиликни ўз рақибларининг қудратини пасайтириш учун сиёсий қурол деб билди. Тарих нафақат ўзида фарс ва трагедия белгиларини мужассам қилди, айти пайтда Эфиопия ва тропик Африканинг жуда кўп мамлакатлари аҳолиси учун шафқатсизлик кўрсатди.

Зарарли алоқа занжирининг асосий жиҳати бўлмиш олигархиянинг темир қонуни моҳияти шундаки, кескин ўзгаришларни ваъда қилиб эски ҳукмдорларни ағдарган янги ҳокимият эгалари ҳеч нарсани ўзгартирмайдилар,

балки аввалгилари ишини такрорлайдилар. Гоҳида олигархиянинг темир конунини зарарли занжирларнинг бошқа шаклларига қараганда тушуниш мушкулроқ бўлади. АҚШнинг жанубий штатлари ва Гватемалада экстрактив институтларнинг сақланиб қолиши сабаби аён. Асрлар давомида иқтисодий ва сиёсий ҳокимият бошқарувидагилар ўзгармай келган. Ҳатто мушкулотларга учраган чоғларида ҳам, АҚШдаги фуқаролар урушидан кейинги жанублик плантаторлар бунга мисол, уларнинг ҳокимияти сақланиб қолган ва улар яна ўзлари фойда кўрадиган шаклдаги экстрактив институтларни қайта йўлга қўйиб олишга муваффақ бўлганлар. Аммо ҳокимиятга кескин ўзгаришлар номи билан келганларнинг эскича тартиб қуришларини қандай тушуниш мумкин? Бу саволнинг жавобидан яна бир бор маълум бўладики, зарарли алоқалар занжири у биринчи бор кўринганидан кўра кудратлироқ кучдир.

Барча кескин ўзгаришлар ҳам муваффақиятсизликка учраши муқаррар, деб бўлмайди. Шонли инқилоб ҳам кескин эврилиш эди ва у, эҳтимол, охирги икки мингйилликдаги энг муҳим сиёсий инқилоб бўлиб чиқди. Буюк француз инқилоби эса ўзининг талатўплари, чексиз зулм-зўравонликлари ва Наполеон Бонапартнинг сиёсий саҳнадаги муваффақиятлари билан Шонли инқилобдан ҳам кескинроқ ходиса эди, аммо у эски тузумни қайта тикламади.

Шонли инқилоб ва Буюк француз инқилобларидан сўнг янада инклюзивроқ бўлган сиёсий институтларнинг пайдо бўлишини учта асосий омил белгилади. Биринчиси бунёдкор бузғунчилик жараёни ўз кучини кўрсатишини истаган, ундан ўзлари манфаатдор бўлган янги савдогарлар ва ишбилармонлар бўлиб, улар инқилобчи кучларнинг энг асосий фигураларидан ҳисобланардилар. Мазкур янги мулкдорлар уларни ютиб юбориши мум-

кин бўлган бошқа бир экстрактив институтларнинг қайта ўрнатилишини хоҳламасди.

Иккинчиси кенг қамровли коалиция бўлиб, зикр этилган ҳар иккала инқилобда ҳам шаклланиб бўлган эди. Масалан, Шонли инқилоб кичик бир гуруҳ ёки кам сонли манфаатдорлар амалга оширган тўнтариш эмас, балки савдогарлар, саноатчилар, майда мулкдорлар ва турли-туман сиёсий гуруҳлар илгари сурган ҳаракат эди. Буюк француз инқилобининг ҳаракатлантирувчи кучлари тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин.

Учинчи омил эса Англия ва Франциянинг сиёсий институтлари тарихи билан боғлиқ. Ўша институтлар томонидан янгича, янада инклюзивроқ тузумлар тараққий этиши учун пойдевор қурилганди. Ҳар иккала мамлакатда ҳам парламентлар чақириш ва ҳокимиятнинг бўлиниши бўйича тажриба мавжуд бўлиб, илдишлари Англияда “Буюк эркинлик хартияси”га, Францияда эса “Оқсоқоллар кенгаши”га бориб тақаларди. Қолаверса, ҳар икки инқилоб шундай бир мустабид даврда содир бўлдики, ўша пайтда ҳукмдорнинг ҳокимияти заифлашган ёки мустабид режим ўз қудратини янада оширишдан умидвор бўлаётганди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам мавжуд сиёсий институтлар янги ҳукмдорлар ёки кичик бир гуруҳнинг давлат ҳокимиятини эгаллаб, мавжуд бойликларга эга чиқишига, ваколати чексиз ва мустаҳкам бўлган сиёсий тартиб ўрнатишига осонликча йўл қўймасди. Буюк француз инқилоби ортидан Робеспьер ва Сен-Жюст бошчилигидаги кичик гуруҳ ҳокимиятни қўлга олиши ҳалокатли оқибатларни келтириб чиқарди, аммо бу вақтинчалик ҳодиса бўлиб, янада инклюзивроқ институтлар сари элтувчи йўлдан тойишга сабаб бўлолмади. Буларнинг барчаси узоқ асрлардан бери беҳад экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ҳукм сурган, ҳукмдорларнинг ваколатларига ҳеч қандай чеклов бўлмаган мамлакатлардаги вазиятнинг акси ҳисобланади.

Мазкур мамлакатларда инклюзив иқтисодий институтларга эришиш йўлида мавжуд тузумларга қаршилиқ ғоясини қўллаб-қувватлайдиган ва бу ҳаракатга ҳомийлик қиладиган янги, пулдор савдогарлар ва тадбиркорлар синфи ҳам, барча аъзоларининг ваколатларига чеклов қўя оладиган кўпчилик иттифоқи ҳам, янги ҳукмдорларни ҳокимиятни қўлга олиш ва ундан ўз манфаати учун фойдаланиш истагидан тўсадиган сиёсий институтлар ҳам йўқ эди.

Оқибатда эса Сьерра-Леоне, Эфиопия ва Конгода зарарли алоқадорлик занжири ўз-ўзини сақлаб қолиш учун кучайгани сари инклюзив институтлар томон қадам ташланиши эҳтимоли камайиб борди. Бу мамлакатларда иқтидордагиларнинг ҳокимиятини чеклаш, назорат қилишга қодир анъанавий ёки тарихий институтлар ҳам мавжуд эмасди. Бундай институтлар Африканинг айрим жойларида мавжуд эди, уларнинг айримларида, масалан, Ботсванада ҳатто мустамлака даврида ҳам сақланиб қолди. Аммо Сьерра-Леонеда мамлакатнинг бутун тарихи давомида бу институтлар аҳамият қозонолмади, улар токи мавжуд экан, билвосита бошқарувнинг таъсиридан чиқа олмади. Британиянинг Африкадаги Кения ва Нигерия сингари бошқа мустамлакалари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Эфиопиядаги муштабид қироллик тузумида эса бундай институтлар умуман йўқ эди. Конгодаги анъанавий институтлар Бельгиянинг мустамлака бошқаруви ва Мобутунинг автократик ҳукумати томонидан йўқ қилинди. Шу билан бирга, бу мамлакатларнинг ҳеч бирида янгича тузум ўрнатилиши тарафдори бўлган, мулк ҳукуқи муҳофаза қилинишини ва эскича экстрактив институтларга барҳам беришни талаб қиладиган янги савдогарлар, ишбилармон ва тадбиркорлар ҳам йўқ эди. Очиги, мустамлака тузумининг экстрактив иқтисодий институтлари туфайли тадбиркорлик ва бизнес фаолияти деярли йўқ қилинганди.

Халқаро ҳамжамият мустамлакачилик зулмидан озод бўлган Африка давлатлари режалаштириш сиёсати ва хусусий соҳани ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишга эришиши мумкин, деб ўйлайди. Аммо бу ўлкаларда хусусий секторнинг ўзи йўқ эди – қишлоқ хўжалиги соҳаси бундан мустасно бўлиб, янги ҳукуматда уларнинг ўрни йўқ, шунинг учун ҳам улар дастлабки ўлжа бўлдилар. Энг асосийси, эҳтимол, зикр этилган мамлакатлардан аксариятида ҳокимиятни сақлаб туришдан улкан фойда бор эди. Бундай катта фойда орттириш имконияти эса Стивенс сингари яккаҳоқим бўлиш орзусидаги энг разил кимсаларни ўзига мафтун қилиб, ҳокимиятни қўлга олган пайтда уларнинг энг тубан қирраларини намоён қилди. Зарарли занжирнинг ҳалқаларини узишга қодир бирор куч ҳам топилмади.

САЛБИЙ АЛОҚАДОРЛИК ВА ЗАРАРЛИ АЛОҚАДОРЛИК ЗАНЖИРИ

Бой мамлакатларнинг муваффақияти сири шундаки, улар асосан охирги уч юз йилликдаги қайсидир бир паллада инклюзив институтларни йўлга қўйишга муяссар бўлган. Бу институтлар ижобий алоқадорлик жараёни орқали сақлаб қолинган. Гарчи бошланишига фақат чекланган даражада инклюзивлик мавжуд бўлган ва баъзан у ҳали мўрт бўлса-да, бу институтлар ижобий алоқадорлик занжирини юзага келтирувчи динамикани вужудга келтиради ва секин-аста уларнинг инклюзивлиги ошиб боради. Англия 1688 йилги Шонли инқилобдан кейиноқ демократик бўлиб қолмади. Мутлақо! Аҳолининг кичик бир гуруҳигина бошқарувда вакилларига эга бўла олди, аммо энг муҳими, жамият плюрализмга қадам қўйганди. Плюрализм мустаҳкамланиб бўлгач, институтларнинг тобора инклюзивлашиб бориши тенденцияси бошланди, ҳолбуки, бу машаққатли ва мавҳум бир жараён эди.

Бу борада Англия ижобий занжирнинг ҳақиқий намунаси бўлди: инклюзив сиёсий институтлар ҳокимият-

ни чегаралар ва унинг эгаллаб олинishi йўлига тўсиқ кўярди. Инклюзив сиёсий институтлар, шунингдек, инклюзив иқтисодий институтларни юзага келтиришга ҳам мойил бўлади, улар эса ўз навбатида инклюзив сиёсий институтларнинг бардавом бўлиши эҳтимолини оширади.

Инклюзив иқтисодий институтлар шароитида бойликлар кичик гуруҳнинг қўлида тўпланиб қолмайди. Демак, улар энди ўз иқтисодий қудратларидан сиёсий ҳокимият мувозанатини ўз фойдасига оширишда фойдалана олмайдилар. Бундан ташқари, инклюзив иқтисодий институтлар ҳукм сураб экан, сиёсий ҳокимиятга эгалик қилишдан олинadиган фойда чекланган бўлади, шу сабабли бирор гуруҳ ёки бирор шуҳратпараст, мансабпараст кимсанинг давлат ҳокимиятини қўлга олишга бўлган рағбати камаяди. Муайян омилларнинг бурилиш нуқтасида ўзаро уйғунлашуви, шу жумладан, мавжуд институт ва имтиёзлар ҳамда уларга қарама-қарши ўлароқ шу бурилиш нуқтасида пайдо бўлган чақириқларнинг ўзаро тўқнашуви кўпинча инклюзив институтларнинг юзага келишига хизмат қилади. Буни Англия мисолида яққол кўриш мумкин. Аммо инклюзив институтлар юзага келган пайтда уларни сақлаб қолиш учун ўша омилларнинг жам бўлиши шарт бўлмайди. Ижобий алоқа занжири институтларнинг бардавом бўлиши учун етарли бўлиб, у кўпинча жамиятнинг кўпроқ инклюзивлик сари эврилишига туртки беради.

Ижобий занжирлар инклюзив институтларнинг сақланиб қолишини таъминлагани сингари, зарарли занжир ҳам экстрактив институтларни сақлаб қолиш учун қудратли кучларни юзага келтиради. Тарих бу – тақдири азал олдиндан ҳал қилинган дегани эмас. Зарарли занжирни ҳам узишнинг иложи бор. Бунга 14-бобда ҳали гувоҳ бўламиз. Аммо бу занжир жуда қудратли. Улар номақбул ҳалқаларнинг мустаҳкам занжирини ҳосил қилади. Бу занжир экстрактив иқтисодий институтларни

шакллантирадиган экстрактив сиёсий институтларнинг узвий алоқасидан иборат бўлиб, ўз навбатида экстрактив иқтисодий институтлар экстрактив сиёсий институтларнинг давом этиши учун шароит яратади. Бунинг ёрқин мисолини Гватемала намунасида кўрдик. Мустамлака даврида ҳам, мустақилликка эришгандан кейин ҳам тўрт асрдан кўпроқ вақт давомида Гватемалада айни бир элита ҳукмронлик қилди. Экстрактив институтлар элитани бойитади, бу бойликлар эса элитага ҳокимиятни сақлаб туриши учун имконият яратади.

Зарарли занжирнинг худди шу каби алоқаси АҚШ жанубида плантацияларга асосланган иқтисодиёт давом этганида очик намоён бўлди. Бундан ташқари, унда зарарли занжирнинг оғир пайтда ҳам яшовчанлигини кўриш мумкин. Фуқаролар урушидаги мағлубиятдан сўнг АҚШнинг жанубий штатлари плантаторлари иқтисодий ва сиёсий институтлар устидан ҳукмронликни бой берди. Плантация иқтисодиётининг асоси бўлган кулдорлик бекор қилинди, қора танлиларга бир хил сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар берилди. Аммо фуқаролар уруши плантация эгалари бўлган элита ҳокимиятини ёки унинг иқтисодий пойдеворини кулатмади, улар тизимни янгидан, бошқачароқ шаклда, аммо сиёсий ҳокимиятларини сақлаб қолган тарзда қуришга ва ўз мақсадларига эришишга муваффақ бўлдилар: плантациялар учун кўп сонли арзон ишчи кучи сақлаб қолинди.

Зарарли алоқадорлик занжирининг ушбу шакли – экстрактив институтлар иқтидорда бўлган ва уларнинг мавжудлигидан фойда кўрадиган элита ўзгармай қолиши туфайлигина давом этадиган шакли унинг ягона тури эмас. Аввало, зарарли занжирнинг янада мураккаброк, аммо ҳақиқатга яқинроқ ва хатарлироқ бўлган яна бир шакли кўп мамлакатларнинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёт йўлига асос бўлган. Уни тропик Африканинг кўп ўлкалари тажрибасида, айниқса, Сьерра-Леоне ва Эфиопия

мисолларида кўриш мумкин. Социолог Роберт Михельс олигархиянинг темир қонуни, деб атаган ушбу феноменда экстрактив институтлар амалда бўлган ҳукуматни ағдариб, устунликка эришиши ушбу экстрактив институтларни бошқаражак янги хўжайинларнинг келишидан дарак беради.

Зарарли занжирнинг бу турининг мантиғини тушуниш учун пунчаки ортга қараш кифоя: экстрактив сиёсий институтлар ҳукмфармолик қилишга деярли чеклов қўймайди, шунинг учун ҳам аввалги диктаторларни ағдариб, давлат ҳокимиятини қўлга олганларнинг ваколатлардан фойдаланиб, уни суиистеъмом қилишларига тўсқинлик қиладиган институтлар бўлмаслиги табиийдир. Экстрактив иқтисодий институтлар эса ҳокимиятга эгалик қилиш, бошқаларнинг мол-мулкани талон-тарож қилиш ва монополиялар ўрнатиш орқали ғоят катта фойда ва бойлик орттириш имконияти демакдир.

Албатта, олигархиянинг темир қонуни физика қонунларига ўхшаш табиат қонуни эмас. Бу қонун босиб ўтиш муқаррар бўлган йўлни чизиб бермайди, бунинг мисолини Англиядаги Шонли инқилоб ёки Япониядаги Мэйдзи ислохотлари мисолида кўрдик.


Биз инклюзив институтлар томон муҳим бурилишга гувоҳ бўлган мазкур ҳодисалардаги ҳал қилувчи омил эса мустабид тузумга қарши тура оладиган ва абсолют институтларни анчагина инклюзиврок, плюралистикрок характердаги институтлар билан алмаштирадиган кенг қамровли коалициянинг кучайиши ҳисобланади. Кўпчилик иттифоқи амалга оширган инқилоб плюралистик сиёсий институтларнинг юзага келиш эҳтимолини хийла оширади. Сьерра-Леоне ва Эфиопиядаги олигархиянинг темир қонуни рўёби эса фақат мавжуд институтларнинг ғоят экстрактивлиги билан боғлиқ эмас. Балки Сьерра-Леонедаги мустақиллик ҳаракати ва Эфиопиядаги “Дерг” тўнтаришини кенг қамровли коалиция эмас, аксинча,

бошқаларни талон-тарож қилиш мақсадида ҳокимиятга интиланган шахслар ва гуруҳлар амалга оширган эди.

Шу билан бирга, зарарли алоқадорлик занжирининг янада ҳалокатлироқ бир кўриниши ҳам мавжуд бўлиб, унинг мисолини 5-бобда Майя шаҳар-давлатлари тарихи бўйича қилган мулоҳазамизда баён этгандик. Экстрактив институтлар жамиятда жуда катта тенгсизлик ҳосил қилиб, ҳокимият тепасидагилар учун улкан бойлик ва чекланмаган ҳокимият тақдим қилар экан, давлат ҳамда унинг институтларини қўлга олиш мақсадида ҳокимият учун курашадиганлар ҳам кўпроқ бўлади. Шунинг учун экстрактив институтлар нафақат янада экстрактивроқ бўлиши муқаррар бўлган кейинги ҳукумат ҳокимиятга келиши учун замин ҳозирлайди, балки улар давомли ички низолар ва фуқаролар урушларига ҳам олиб келиши мумкин. Ички урушлар эса аҳоли бошига кўпроқ кулфат келтириб, давлат эришган бирмунча марказлашган ҳокимиятни барбод қилади. Бу эса кўпинча қонунсизлик жараёнини бошлаб юбориб, давлатнинг лаёқатсизлиги-ю, сиёсий талатўпларга уланиб кетиши ва иқтисодий тараккиёт учун барча умидларни пучга чиқариши мумкин. Буни кейинги бобда кўраимиз.

13

НЕГА ЗАМОНАМИЗДА
МАМЛАКАТЛАР ИНҚИРОЗГА
УЧРАЙДИ?



ЗИМБАБВЕДА ЛОТЕРЕЯНИ ҚАНДАЙ ЮТИШ МУМКИН?

2000 йил, январь. Зимбабве пойтахти Хараре шаҳри. Маросим бошловчиси Фалло Чававага акцияларининг бир қисми давлат тасарруфида бўлган Зимбабве банк корпорацияси (Зимбанк) томонидан ташкиллаштирилган миллий лотереянинг ғолибини аниқлаш вазифаси юклатилганди. Лотереяда 1999 йилнинг декабрида ўз ҳисоб рақамларида 5 минг Зимбабве доллари ва ундан ортиқ маблағга эга бўлган барча мижозлар иштирок этиши мўлжалланганди. Ғолиб номи ёзилган чиптани ўқиган Чавава хайратдан донг қотиб қолади. Зимбанк эълон қилган баёнотда шундай дейилган эди: *“Тадбир бошловчиси Фалло Чавава 100 минг долларли мукофот чекини қўлга олиб, унда Р.Г. Мугабе жанобларининг номлари ёзилганини кўрган пайтда ўз кўзларига ишонмади”*.

1980 йилдан бери Зимбабвени ўзи истаганча ва кўпинча шафқатсизлик билан идора қилиб келган президент Роберт Мугабе 100 минг Зимбабве доллари миқдоригадаги ютукни қўлга киритганди. Бу мамлакатнинг аҳоли жон бошига йиллик ўртача даромадидан беш баравар каттароқ маблағ эди. Зимбанкнинг билдиришича, тенг имкониятга эга бўлган минглаб иштирокчилар орасидан Мугабенинг номига ютуқ чиққан. Мана буни омад деса бўлади! У ҳақиқатан бу пулга мухтож эди, дейиш ўринсиз. Гап шундаки, Мугабе яқиндагина ўзи ва ҳукумат аъзоларининг маошларини 200 фоизга оширганди.

Лотерея ютуғи фақат Зимбабведаги экстрактив институтларнинг яна бир намунаси эди. Буни коррупция деб аташингиз мумкин, аммо бу Зимбабведаги институционал муаммонинг бир белги-аломати, холос. Агар истаса, Мугабе лотереяни ҳам ютиб олиши мумкинлиги шуни кўрсатадики, Зимбабведаги ҳар қандай ишнинг назорати буткул унинг ихтиёрида экан. Шу билан бирга, бутун дунё

мамлакатнинг экстрактив институтлари қандай даражада эканлиги бўйича тасаввурга эга бўлди.

Бугунги кунда мамлакатлар инкирозга учрашининг энг кўп учрайдиган сабаби – ўша мамлакатларда экстрактив институтлар амал қилади. Мугабе бошқарувидаги Зимбабве мисолида бунинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатларини яққол кўриш мумкин. Гарчи Зимбабве ҳукумати эълон қиладиган статистик маълумотлар унчалик ишончли бўлмаса-да, ҳатто энг яхшиси ҳам шуни кўрсатадики, 2008 йилда мамлакат аҳолисининг ўртача даромади Зимбабве мустақилликка эришган 1980 йилги ўртача даромаддан икки барабар камроқ бўлган. Қанчалик ҳайратланарли туюлмасин, бу кўрсаткич Зимбабведаги турмуш даражасининг пасайиш кўламини тўлиқ акс эттира олмайди. Давлат инкирозга учраб, энг бирламчи ижтимоий шароитларни таъминлашга ҳам деярли қодир бўлмай қолган. 2008–2009 йилларда соғлиқни сақлаш тизимидаги инкироз мамлакат бўйлаб вабо тарқалишига олиб келган. 2010 йил 10 январь ҳолатига кўра, мамлакатда 98 741 киши вабога чалинган бўлиб, шулардан 4 293 киши ўлган. Бу охириги 15 йилда Африкада юз берган энг ҳалокатли вабо эпидемияси ҳисобланади. Айни пайтда ишсизлар сони мисли кўрилмаган даражага етди. 2009 йилнинг бошида БМТнинг Гуманитар кўмак ишларини мувофиқлаштириш идораси эълон қилган ҳисоботга кўра, ишсизлик даражаси ақл бовар қилмайдиган кўрсаткичга – 94 фоизга етган.

Тропик Африканинг аксарият мамлакатлари сингари Зимбабвенинг ҳам иқтисодий ва сиёсий институтлари илдизи колониал даврга бориб тақалади. 1890 йилда Сесил Родснинг “*Британия Жанубий Африкаси компанияси*” (British South Africa Company) ҳозирги Матабелелендда жойлашган Ндебеле киролиги ва қўшни Машоналендга ҳарбий экспедиция жўнатади. Британиянинг ҳарбий қурооллардаги устунлиги туфайли қисқа муддат ичида маҳаллий кучлар қаршилиги енгилиб,

1901 йилда бугунги Зимбабве худудлари мустамлакага айлантирилади ва у Сесил Родс шарафига Жанубий Родезия деб аталади. Энди худуд “Британия Жанубий Африкаси компанияси”нинг хусусий мулкига айланди, Родс эса қимматбаҳо металл излаш ва қазиб олиш орқали пул ишлашни кўзлаганди. Бу ерда корхоналар ишга туширилмади, аммо серунум ер майдонлари оқ танлиларни ўзига жалб қила бошлаганди. Тез орада кўчманчилар ер майдонларининг аксариятини эгаллаб олди. 1923 йилга келиб, улар “Британия Жанубий Африкаси компанияси” бошқарувидан озод қилинди. Британия ҳукумати эса уларга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини беришга рози бўлди. Шундан кейин содир бўлган ҳодисалар ўн йилча муқаддам Жанубий Африкада юз берган воқеаларни ёдга солади. 1913 йилги “Маҳаллий аҳолининг ерлари тўғрисида”ги қонун Жанубий Африкада қўш иктисодиётни юзага келтирганди. Родезияда ҳам 1923 йилдан кейин тез орада худди шунга ўхшаш қонунлар қабул қилинди ва Жанубий Африка намунасидан илҳомланган ҳолда оқлар устунлигига асосланган апартеид тартиби жорий қилинди.

XX асрнинг 50-йиллари охири ва 60-йиллар бошларида Европанинг мустамлакачи империялари қулаши ортидан 1965 йилда Родезиянинг Ян Смит бошчилигидаги, аҳолининг чамаси 5 фоизини ташкил этадиган оқ танлилардан иборат элитаси Британиядан мустақиллик эълон қилади. Родезиянинг мустақиллигини бир нечта давлатгина тан олади ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти унга қарши иктисодий ва сиёсий санкциялар жорий қилади. Қора танли аҳоли вакиллари эса қўшни Мозамбик ва Замбиядан туриб партизанлар урушини бошлайдилар. Халқаро ҳамжамиятнинг босими ҳамда икки асосий гуруҳ – Мугабе бошчилигидаги “Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи” (ЗАМИ) ва Жошуа Нкомо етакчилигидаги “Зимбабве африка халқлари ит-

тифоқи”нинг (ЗАХИ) исёнлари натижаси ўларок, ок танлилар ҳокимиятига чек қўйиш бўйича келишувга эришилиб, 1980 йилда Зимбабве давлати ташкил этилди.

Мустақилликка эришгандан сўнг кўп ўтмай Мугабе авторитар бошқарув ўрнатди. Мугабе айрим рақибларини шафқатсизлик билан йўқ қилган бўлса, айримларини ўз томонига оғдириб олди. Зўравонликнинг энг ашаддий шакллари ЗАХИ тарафдорларининг маркази бўлган Матабелеленда содир этилиб, 80-йилларнинг бошларида бу ерда камида 20 минг киши ўлдирилади. 1987 йилга бориб, ЗАХИ ҳаракати ЗАМИ билан бирлаштирилиб, ЗАМИ-ВФ (“Зимбабве африкаликлар миллий иттифоқи – Ватанларварлик fronti”) ташкил қилинди ва Жошуа Нкомо сиёсатдан четлатилди. Мугабе мустақиллик келишувининг бир қисми сифатида ўзига мерос қолган конституцияни ўзгартириб, президентга айланди (у аввал бош вазир сифатида ҳокимиятга келган эди) ва ок танлиларнинг мустақиллик келишувида белгилаб қўйилган сайлаш ҳуқуқларини бекор қилди. Охир-оқибат 1990 йилда Сенатдан ҳам бирийўла қутулиб, қонун чиқарувчи органда ўзи тайинлайдиган лавозимларни жорий қилди. Буларнинг натижаси шу бўлдики, Зимбабве Мугабе раҳбарлигидаги амалда бир партияли давлатга айланди.

Мустақилликка эришгач, Мугабе ок танлилар ҳукумати жорий қилган экстрактив иқтисодий институтлар тўпламини мерос қилиб олди. Булар сирасига нарх-наво ҳамда ташқи савдони тартибга солиш бўйича турли қарор ва тартиблар, давлат тасарруфидаги саноат корхоналари, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш бўйича мажбурий савдо кенгашлари кабилар кирарди. Давлатнинг ходимларни ишга ёллаш қўлами жадал кенгайиб бориб, иш жойлари ЗАМИ-ВФнинг тарафдорларига берилди бошлади. Ҳукуматнинг иқтисодий соҳани бошқаришдаги қаттиққўл тартиблари ЗАМИ-ВФ элитаси манфаатларига

мос келар, чунки бу тартиб-қоидалар бор экан, партиянинг сиёсий ҳокимиятига хавф солиши мумкин бўлган африкалик эркин тadbиркорлар синфи пайдо бўлиши мушкул эди. Бу ҳолат биз 2-бобда муҳокама қилганимиз – 1960-йилларда Ганада ҳукм сурган вазиятга жуда ўхшаш эди. Қизиги шундаки, оқ танлилар барибир асосий бизнес эгалари бўлиб қолди. Бу даврда оқ танлилар кудратининг асосий иқтисодий манбаларига, хусусан, ғоят сердаромад бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти соҳасига дахл қилинмади. Аммо бу ҳолат Мутабенинг халқ орасидаги нуфузи пасайгунга қадар давом этди.

Бора-бора бозорни тартибга солиш ва унга ара-лашишдан иборат йўлнинг келажаги йўқлиги аён бўл-гач, оғир молиявий инқироздан сўнг 1991 йилда Жа-хон банки ва Халқаро валюта жамгармаси кўмаги билан институционал ўзгаришлар жараёни бошланди. Иқтисодий вазиятнинг тушкунлашуви охир-окибатда ЗАМИ-ВФ партиясининг яккаҳоқимлигига қарши жид-дий сиёсий муҳолифат – “Демократик ўзгаришлар ҳара-кати”нинг пайдо бўлишига олиб келди. 1995 йилги пар-ламент сайловлари рақобатдан узоқ руҳда ўтди. ЗАМИ-ВФ партияси 81 фоиз овоз билан ғалаба қозониб, 120 та ўриндан 118 тасига эга чиқди. Ана шу парламентнинг 55 нафар аъзосига сайловда рақиб номзод ҳам кўрсатилма-ганди. Келгуси йили ўтказилган президентлик сайловида эса қонунбузарликлар ва қаллобликлар янада кўпроқ кузатилди. Мугабе 93 фоиз овоз билан ғолиб бўлди, аммо унинг рақиблари – Абел Музорева ҳамда Ндаба-нинги Ситоле ҳукуматни сайловчиларга босим ўтказиш ва овозларни қалбакилаштиришда айблаб, сайлов арафа-сида ўз номзодларини қайтариб олганди.

2000 йилга келиб эса мамлакатдаги коррупцияга қа-рамай, ЗАМИ-ВФнинг таъсири пасая бошлаганди. Бу сафар партия жами овозларнинг атиги 49 фоизини қўлга киритиб, парламентда бор-йўғи 63 та ўринни эгаллади.

Демократик ўзгаришлар ҳаракати тарафидан жуда катта рақобат юзага келтирилди ва партия пойтахт Ҳараре учун ажратилган барча ўринларни ютиб олди. 2002 йилги президентлик сайловида эса Мугабе 56 фоиз овоз билан аранг ғалаба қозонди. Ҳар иккала сайлов ҳам куч ишлатиш, кўрқитиш ва овозларни сохталаштириш ҳисобига ЗАМИ-ВФ партиясининг фойдасига ҳал бўлди.

Сиёсий қудрати дарз кетишига Мугабенинг жавоб ҳаракатлари катагонларга зўр бериш ва давлат имкониятларидан фойдаланиб сиёсий тарафдорларни сотиб олишдан иборат бўлди. У оқ танли заминдорларга қарши тўлиқ микёсдаги ҳужумларга туртки берди. 2000 йилдан бошлаб, ер майдонларини эгаллаб олиш ва тортиб олишдан иборат сон-саноксиз ҳужумларни рағбатлантириб, қўллаб-қувватлаб турди. Бу босқинчилик ҳаракатларига кўпинча уруш фахрийлари уюшмалари – мустақиллик урушининг собиқ жангчиларидан таркиб топган гуруҳлар бошчилик қиларди. Тортиб олинган ер майдонларининг бир қисми ана шу кишиларга берилди, аммо ерларнинг катта қисми барибир ЗАМИ-ВФ партияси раҳбарлари кўлига ўтди. Мугабе ва унинг партияси тарафидан мулк дахлсизлигининг бузилиши қишлоқ хўжалигида унумдорликнинг пасайишига олиб келди. Мамлакат иқтисоди барбод бўлган экан, овозларни сотиб олиш учун ҳукумат ихтиёрида қолган ягона йўл пул босиб чиқаришдан иборат бўлиб, мазкур чора мисли кўрилмаган гиперинфляцияни келтириб чиқарди. 2009 йилнинг январида бошқа хорижий валюталарни, хусусан, Жанубий Африка рандини ишлатишга руҳсат берилди ва қийматсиз қоғозга айланиб қолган Зимбабве доллари муомаладан чиқарилди.

Зимбабведа 1980 йилдан кейин юз берган жараёнлар тропик Африка мамлакатларининг мустақилликдан кейинги тарихи учун одатий ҳол. Зимбабвега 1980 йилда гоят экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар мерос қолди.

Дастлабки 15 йилда бу институтлар деярли ўзгармади. Сайловлар ўтказилгани билан сиёсий институтлар инклюзив бўлолмади. Тўғри, иқтисодий институтлар бироз ўзгарди. Мисол учун, энди қора танлилар очик-ойдин камситилишига йўл қўйилмасди. Аммо умуман олганда, институтлар экстрактивлигича қолди, ягона тафовут шунда эдики, бойликларни ўзлаштириб олаётган Ян Смит ва ок танлилар ўрнига Роберт Мугабе ва унинг ЗАМИ-ВФдаги партиядошлари чўнтаklarини қаппайтиришни бошладилар. Вақт ўтгани сари институтлар аввалгидан ҳам экстрактивроқ бўлиб борди ва Зимбабве халқининг даромади камайиб кетди. Зимбабведаги иқтисодий ва сиёсий таназзул олигархия темир қонунининг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Бу сафар Ян Смитнинг экстрактив зўравон режими ўрнини Роберт Мугабенинг экстрактив, коррупцияга ботган ва шафқатсиз ҳокимияти эгаллади. Мугабенинг 2000 йилги лотереядаги ёлғондакам ғалабаси эса бор-йўғи беҳад коррупциялашган ва тарихан шаклланган айсбергнинг учи эди, холос.

Экстрактив иқтисодий институтлар одамларни улар учун зарур бўлган пул жамғариш, сармоя тикиш ва янгиликлар яратиш кабиларга рағбатлантирмагани учун ҳам бугунги кунда давлатлар инқирозга юз тутмоқда. Экстрактив сиёсий институтлар эса мавжуд тартибдан фойда кўрадиганларнинг ҳокимиятини мустаҳкамлаш орқали ана ўша иқтисодий институтларга дастак берадилар. Экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар, гарчи уларнинг шакллари ҳар хил вазиятларда турлича бўлса-да, ҳар доим бу таназзулнинг бош сабаби бўлиб қолади. Кўпчилик вазиятларда, хусусан, биз муҳокама қилмоқчи бўлган Аргентина, Колумбия ва Миср мисолида кўриш мумкинки, таназзулнинг сабаби иқтисодий фаолликнинг етишмаслигида бўлиб, ҳукмдорлар ресурсларни ўзлаштириб олишдан ёки мустақил иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай тури билан шуғулланишга ғов бўлишдан ўзларини бағоят мамнун ҳис қилардилар. Акс ҳолда,

уларга ва иқтисодий манфаатдор элитага хатар туғилиши мумкин эди. Зимбабве ва Сьерра-Леоне сингари ўзига хос мисолларда эса – биз ҳали уларга яна тўхталамиз – экстрактив институтлар давлатнинг буткул таназзулига замин яратиб берди, уларда нафақат қонун ва тартиб йўқ қилинди, балки энг бирламчи иқтисодий рағбатлар ҳам маҳв этилди. Ангола, Камерун, Чад, Конго Демократик Республикаси, Ҳаити, Либерия, Непал, Сьерра-Леоне, Судан ва Зимбабвенинг яқин тарихидан маълумки, бунинг оқибати иқтисодий тушкунлик, фуқаролар урушлари, аҳолининг саргардонлиги, очарчилик ва эпидемиялардан иборат бўлди. Бугунги кунда мазкур мамлакатларнинг аксарияти 1960-йиллардагига қараганда қашшоқроқдир.

БОЛАЛАРНИНГ САЛИБ ЮРИШИ

1991 йилнинг 23 апрель куни Фодей Санко бошчилигидаги қуроолланган гуруҳ Либерия – Сьерра-Леоне чегарасини кесиб ўтиб, чегарадан жанубдаги Кайлахун шаҳрига ҳужум қилади. Сьерра-Леоне армиясининг собиқ капитани, Санко 1971 йилда Стивенс Сиака ҳукуматига қарши муваффақиятсиз тўнтаришда қатнашгани учун қамоққа ташланганди. Озодликка чиққач, у Ливиядан қўним топган, Ливия диктатори полковник Қаддофий ташкил қилган Африка инқилобчиларини тайёрлаш лагерига қўшилган эди. Ўша ерда у Либерия ҳукуматини ағдариш режасини тузаётган Чарльз Тейлор билан танишади. Тейлор 1989 йилнинг мавлуд (рождество) байрами арафасида Либерияга ҳужум қилганда, Санко у билан бирга эди. Санко билан бирга Сьерра-Леонегга ҳужум қилган қуроолли гуруҳ ҳам Тейлорнинг одамларидан иборат бўлиб, улар асосан либерияликлар ва буркина-фасоликлар эди. Улар ўзларини “Бирлашган инқилобий фронт” (БИФ) деб номлаб, Умумхалқ конгресси партиясининг коррупцияга ботган, золим ҳукуматини ағдариб ташлаш учун келганини эълон қилдилар.

Аввалги бобда баён қилганимиздек, Зимбабведаги

Роберт Мугабе ва унинг ЗАМИ-ВФ партияси сингари, Сиака Стивенс ва унинг Умумхалқ конгресси партияси ҳам Сьерра-Леоненинг мустамлака давридан қолган экстрактив институтларини қўлга олиб, уларни янада экстрактивлаштирганди. 1985 йилга келиб, саратонга чалинган Стивенснинг ўрнини Жозеф Момо эгаллар экан, мамлакатнинг иқтисоди чўкаётган эди. Айтишларича, Стивенс куйидаги нақлни ҳеч бир истехзосиз такрорлашни ҳуш кўраркан: “*Сигир боғлаб қўйилган жойда ўтлайди*”. Бир пайтлар Стивенсни бокқан жойда энди Момо қорин тўйдиарди. Йўллар вайрон қилинган, мактаблар эса ёпилганди. 1987 йилда ахборот вазири телеузаткични сотиб юборгач, миллий телевидение фаолияти тўхтади. 1989 йилда эса Фритаундан ташқарига радиотўлқинларни узатадиган радиоминора қулаб тушгач, пойтахтдан ташқарига радиотўлқинлар узатиш ҳам тўхтаб қолди. 1995 йилда пойтахт Фритаун шаҳрида чоп этилган мақола ҳақиқатни очиқ-ойдин ёритган эди:

Момо ҳукмронлигининг охирига келиб, унинг давлат хизматчилари, ўқитувчилар ва ҳатто олий сардорларга маош тўлашга ҳам қурби етмай қолди. Марказий ҳокимият қулаб, чегарада бизга ҳамла қилиш бошланди, исёнчилар ва автомат қуроқлар Либериядан чегара орқали оқиб кира бошлади. Миллий муваққат бошқарув кенгаши, исёнчилар ва аскарлар (исёнчиларга қўйилган аскарлар) – уларнинг барчаси бошбошдоқликка олиб келдики, ҳукумат бўлмаган жойда бундан бошқасини кутиш мумкин ҳам эмас. Булардан ҳеч бири муаммоларимизнинг сабаби эмас, балки уларнинг симптомларидир.

Момо даврида давлатнинг таназзулга учраши Стивенснинг бениҳоя экстрактив институтлари ҳосил қилган зарарли алоқадорлик занжирининг маҳсули бўлиб, 1991 йилда Бирлашган инқилобий фронтга чегарани кесиб ўтишга монелик қиладиган куч қолмаганини анг-

латарди. Давлатнинг уларга қарши туришга қурби етмасди. Стивенс аллақачон армияни йўқ қилган, чунки ҳарбийлар уни ҳокимиятдан ағдариб ташлашидан қўрқарди. Шу сабабли мамлакатнинг аксарият қисмини алғов-далғов қилиш кичик бир қуролли гуруҳга машаққат туғдирмади. Уларнинг “Демократия сари йўл” деб номланган манифести ҳам бўлиб, у қора танлилардан чиққан донишманд Франц Фаноннинг куйидаги сўзлари билан бошланарди: “*Ҳар бир авлод йўқлик қаъридан ўз миссиясини топиши, уни адо этмоғи ёки ундан воз кечмоғи лозим*”. Манифестнинг “*Нима учун курашяпмиз?*” номли бўлими шундай бошланарди:

Биз курашни давом эттирамиз, чунки давлат сабабчи бўлган, автократик бошқарув ва милитаризм йиллари давомида бизга етказилган қашшоқлик ва таҳқирланишнинг доимий қурбонлари бўлишдан чарчадик. Биз босиқлик билан ҳаракат қиламиз ва музаффар тарзда тинчликка эришажак кунни сабр билан кутамиз. Биз тинчлик тарафдоримиз, лекин тинчликнинг қурбонлари бўлишни истамаймиз. Биз мақсадимизни ҳақ деб биламиз ва Худо/Аллоҳ янги Сьерра-Леонени қуриш йўлидаги курашда бизни ёлғиз қўймайди.

Гарчи Санко ва унинг Бирлашган инқилобий фронтдаги сафдошлари аламзадалик билан ишга киришган ва Умумхалқ конгресси партиясининг экстрактив институтларидан безор бўлган халқнинг норози кайфияти уларни аввалбошдан бу ҳаракатга қўшилишга руҳлантирган бўлса-да, орадан кўп ўтмай, вазият ўзгариб, назоратдан чиқиб кетди. Бирлашган инқилобий фронтнинг “миссияси” мамлакатни азоб-уқубатларга дучор қилди. Сьерра-Леоне жанубидаги Геома шаҳрида истиқомат қилган ўсмир шундай гувоҳлик беради:

Улар бизни бир жойга тўплашди. Дўстларимиздан

айримларини танлаб олиб ўлдиришди, икки кишини. Улар сардорларнинг фарзандлари эди. Уларнинг уйларидан аскарларнинг этиклари ва буюмлари топилганди. Уларни аскарларни яширишда айблаб отиб ташлашди. Бошқа сабаб йўқ эди. Сардорлар ҳам ҳукумат вакиллари сифатида ўлдирилди. Улар аллакимни янги сардор сифатида тайинлашди. Улар бизни УКПдан озод қилиш учун келганларини таъкидлашарди. Бир муддат ўтиб, энди улар кимни ўлдиришни танлаб ўтиришмади, одамларни ўққа туттишди.

Босқинчиликнинг илк йилидаёқ Бирлашган инқилобий фронт суянган барча ақлий ғоялар буткул ўчирилди. Санко тобора кучайиб бораётган зулм тўлқинини танқид қилганларни ўлим билан жазоларди. Тез орада Бирлашган инқилобий фронтга кўнгилли тарзда қўшилувчилар камайиб кетди. Энди улар одамларни, хусусан, болаларни ўз сафларига мажбуран қўшишни бошладилар. Чиндан ҳам, барча урушаётган тарафлар, жумладан, армия ҳам шундай қиларди. Агарда Сьерра-Леоненинг фуқаролар уруши яхшироқ жамият қуриш учун салиб юриши бўлса, охир-оқибатда у болаларнинг салиб юришига айланиб кетди. Ўзаро низо тобора кучайиб, кирғинбаротлар, оммавий зўрлашлар, қўллар ва қулоқларни кесиб олиш сингари инсон ҳуқуқларига дахл қилувчи кенг масштабдаги жиноятлар ортиб борди. Худудларда назоратни қўлга кiritган пайтда исёнчилар иқтисодий эксплуатация билан ҳам шуғулланди. Улар, айниқса, олмос қазиб олинадиган минтақаларда одамларни конда ишлашга мажбурлашар, умуман олганда, аҳолини мажбурий ишлатиш ҳамма жойда кенг тарқалганди.

Шафқатсизликлар, оммавий кирғинлар ва мажбурий меҳнат борасида Бирлашган инқилобий фронт ёлғиз эмасди. Ҳукумат ҳам исёнчилардан қолишмади. Қонунсизлик

ва бошбошдоқлик шундай даражага етдики, одамлар ким ҳукумат аскар-ю, ким исёнчи, ажратолмай қолди. Ҳарбий интизом буткул издан чиққан эди. Уруш 2001 йилда ниҳоясига етди. Бу вақтга келиб тахминан 80 минг одам қурбон бўлган, мамлакат буткул харобага айланганди. Йўллар, уйлар ва бинолар бутунлай вайрон бўлди. Агар йўлингиз тушиб, мамлакат шарқидаги асосий олмос ишлаб чиқарувчи худуд ҳисобланган Койду шахрига борсангиз, ёниб кул бўлган, деворлари ўқдан илма-тешик бўлиб кетган қатор-қатор уйларни кўришингиз мумкин.

1991 йилга келиб, Сьерра-Леонеда давлат бутунлай заволга учради. Қирол Шяам Бушонгда нималар қилганини эсланг: у ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва жамиятнинг қолган аъзолари меҳнати билан яратилган маблағларни ўзлаштириш учун экстрактив институтларни жорий қилган эди. Шунга қарамасдан, ҳатто марказий ҳокимиятни унинг қўлида жамлаган экстрактив институтлар ҳам қўшнилардаги вазият – Касаи дарёсининг нариги соҳилида истиқомат қилган леле халқининг қонун ва тартиблари, марказлашган ҳокимият ҳамда мулк ҳуқуқлари таъминланмаган жамияти билан солиштирганда, афзалроқ эди. Тартиб ва марказий ҳокимиятга эришолмаслик сўнги бир неча ўн йилликда аксар Африка мамлакатларининг аччиқ қисматига айланиб, бунинг сабаби қисман тропик Африка мамлакатларининг кўпчилиги сиёсий марказлашув жараёнидан тарихан кечиккани билан боғлиқ. Шу билан бирга, экстрактив институтларнинг зарарли алоқадорлик занжири бу минтақада мавжуд ҳар қандай марказий ҳокимиятга акс таъсир кўрсатиб, давлатнинг таназзули учун замин ҳозирлади.

1991–2001 йиллардаги 10 йиллик қонли фуқаролар уруши даврида Сьерра-Леоне инқирозга учраган давлатнинг типик намунасини кўрсатди. Инқироз муқаддасида мамлакат зарарли ва самарасиз бўлган

экстрактив институтлардан чарчаганди. Давлатларнинг таназзули жуғрофий ўрни ёки маданий омиллар туфайли юз бермайди, аксинча, таназзул экстрактив институтлар меваси ҳисобланади. Экстрактив институтлар сиёсий ҳокимият ва бойликларни давлатни бошқараётган кучлар қўлида тўплаб, бошбошдоқлик, ички низолар ва фуқаролик уруши учун замин ҳозирлайди. Бундан ташқари, экстрактив институтлар энг муҳим ижтимоий соҳаларга маблағ ажратишга лоқайдлик билдириб, худди Сьерра-Леонеда бўлгани сингари давлатнинг аста-секин завоқ топишига бевосита ҳисса қўшади.

Халқни талон-тарож қилиб, қашшоқлаштирадиган, иқтисодий тараққиёт йўлига ғов бўладиган экстрактив институтлар Африка, Осиё ва Жанубий Америкада кўп учрайди. Сьерра-Леонеда фуқаролар урушини бошлашга кўмаклашар экан, Чарльз Тейлор бир вақтнинг ўзида Либерияда ҳам қонли низони келтириб чиқарганди, бу эса давлатнинг таназзулга учрашига олиб келди. Фуқаролар уруши ва давлатнинг таназзулига етаклаган экстрактив институтлар модели Африканинг ҳамма ерида, жумладан, Ангола, Кот д'Ивуар, Конго Демократик Республикаси, Мозамбик, Конго Республикаси, Сомали, Судан ва Угандада учрайди. Майя шаҳар-давлатларининг бениҳоя экстрактив институтлари қарийб минг йил муқаддам ички низоларни келтириб чиқаргани каби ҳар қандай экстрактив институтлар бошбошдоқлик учун шароит яратиб беради. Бошбошдоқлик эса давлатнинг кулашига олиб келади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда мамлакатлар инқирозга учрашининг яна бир сабаби – давлатнинг таназзулга юз тутишидир. Бу эса, ўз навбатида, ўн йиллар давомида экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ҳукмронлик қилгани самарасидир.

ДАВЛАТ КИМ?

Зимбабве, Сомали ва Сьерра-Леоненинг бошига тушган ишлар, гарчи Африканинг барча, Осиёнинг эса айрим кашшоқ мамлакатлари учун хос ҳолат бўлса-да, ақл бовар қилмас ҳодисаларга ўхшайди. Лотин Америкаси мамлакатларида давлат инқирозга учрамаганми? Ростдан ҳам уларнинг президентлари лотереяда ютадиган даражада сурбет бўлмаганми?

Колумбияда Анд тоғлари бора-бора шимолдаги бепоён сохилбўйи текисликларига уланиб кетиб, Кариб денгизи билан туташади. Колумбияликлар бу ерни “*tierra caliente*” – “иссиқ ўлка” деб атайдилар ва уни Анд тоғларидаги “*tierra fria*” – “совуқ ўлка”дан фарқлайдилар. Сўнгги 50 йил давомида аксарият сиёсатшунослар ва халқаро ҳамжамият Колумбияни демократик мамлакат деб билиб келган. Бу мамлакат билан эркин савдо тўғрисидаги бўлажак битимга келишишдан ва унга ҳар қандай ёрдам, хусусан, ҳарбий кўмак кўрсатишдан АҚШ ҳукумати мамнун бўларди. Ҳарбий ҳукуматнинг қисқа муддатли бошқарувидан сўнг 1958 йилдан бошлаб сайловлар мунтазам ўтказилар, 1974 йилга қадар мавжуд бўлган келишувга кўра, сиёсий ҳокимият ва президентлик лавозими иккита маҳаллий партия – консерваторлар ва либераллар ўртасида алмашилиб турарди. Бу келишув – “Миллий фронт” Колумбия халқи томонидан референдум орқали тасдиқланган бўлиб, буларнинг барчаси демократия учун етарлидек эди гўё.

Бироқ демократик сайловлар бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлишига қарамай, Колумбияда инклюзив институтлар мавжуд эмас. Аксинча, мамлакат ўтмишига инсон ҳуқуқларининг бузилиши, судсиз жазога тортишлар, тинч аҳолини катағон қилиш ва фуқаролар уруши сингари аянчли ҳодисалар қора доғ бўлиб тушади. Буларнинг ҳеч бирини демократиядан кутиб бўлмайди. Колумбиядаги фуқаролар уруши Сьерра-Леонедаги давлат ва жамият

таназзулга учраган ҳамда бошбошдоқлик ҳукм сурган урушдан фарқ қилади. Аммо у барибир фуқаролар уруши бўлиб, анча кўпроқ талафотларга сабаб бўлган эди. 1950-йиллардаги ҳарбийлар бошқарувининг ўзи қисман испанчада “*La Violencia*” – “Зўравонлик” номини олган фуқаролар урушига қарши жавоб эди. Ўша пайдан бери аксарияти инқилобчи коммунистлар ҳисобланган бир қанча исёнчи гуруҳлар одамларни ўғирлаш ва ўлдириш билан кишлоқларнинг тинчини бузиб келарди. Колумбия кишлоқларида бундай нохуш қисматдан омон қолиш учун “вакцина” деб номланган солиқ тўлашга тўғри келарди. Яъни одамлар ўзларини суиқасд ёки ўғирлаб кетишларидан ҳимоя қилиш учун қуролли зўравонлардан иборат тўдаларга ҳар ой товон тўлаб туришлари шарт эди.

Колумбиядаги қуролли гуруҳларнинг ҳаммаси ҳам коммунистлар эмас. 1981 йилда мамлакатдаги асосий коммунистик партизан гуруҳи бўлмиш “Колумбия инкилобий қуролли кучлари” “иссиқ ўлка”нинг шимоли-шарқий қисмидаги Антиокия департаменти (вилояти), Амальфи шаҳарчасида яшовчи чорвадор фермер Хесус Кастаньони ўғирлаб кетади. Ўғрилар 7.5 минг доллар товон талаб қилади, бу Колумбиянинг кишлоқ жойларида истиқомат қиладиган аҳолиси учун анчагина йирик сума ҳисобланарди. Унинг оиласи фермани гаровга қўйиб, талаб қилинган маблағни йиғади, аммо барибир Кастаньонинг жасади дарахтга осилган ҳолда топилади. Кастаньонинг ўғиллари Карлос, Фидел ва Висенте учун пичоқ бориб суякка қадалган эди. Улар қасос олиш ва “Колумбия инкилобий қуролли кучлари” аъзоларини овлаш учун “Лос Тангуерос” ҳарбийлашган гуруҳини ташкил қилишди. Ака-укалар яхши ташкилотчи эдилар, улар тузган гуруҳ тез ўсиб, улардан бошқа шунга ўхшаш қуролланган, вужудга келиш сабаблари ўхшаш бўлган гуруҳлар билан умумий манфаатлар пайдо бўлади. Кўплаб худудлардаги колумбияликлар сўл партизанлар ва уларга

қарши ҳарбийлашган ўнглар қўлидан кўп азоб кўради. Заминдорлар ўзларини сўл партизанлардан ҳимоя қилиш йўлида фойдаланар, аммо ҳарбийлашган гуруҳлар ҳам наркотиклар савдоси, талончилик, одамларни ўғирлаш ва ўлдириш билан шуғулланарди.

1997 йилга келиб, ҳарбийлашган гуруҳлар ака-ука Кастаньолар бошчилигида ҳарбийлашган тўдаларни бирлаштирган уюшма – “Колумбия ўз-ўзини мудофаа қилиш бирлашган қўшинлари”ни ташкил қилишга муваффақ бўлди. Ташкилот фаолияти мамлакатнинг кўп жойларига, жумладан, “иссиқ ўлка”даги Кордоба, Сукре, Магдалена ва Сесар департаментларида тарқалади. 2001 йилга келиб, бирлашган қўшинлар ихтиёрида камида 30 минг қуроли жангчи бўлиб, бир қанча гуруҳлардан иборат эди. Кордобадаги Кататумбо ҳарбийлашган гуруҳига Салваторе Манкузо бошчилик қиларди. Унинг қудрати ўсиб борар экан, ташкилот сиёсат билан шуғулланишдек стратегик қарорни қабул қилади. Ҳарбийлар ва сиёсатчилар бир-бирларининг кўнгилларига йўл топди. Ҳарбий ташкилотнинг бир қанча раҳбарлари Кордобадаги Санта Фе де Ралито шаҳрида атоқли сиёсатчилар билан учрашув ташкил қилдилар. Учрашувда “мамлакатни қайта қуриш”га чақирилган янги ҳужжат – пакт қабул қилиниб, Колумбия ўз-ўзини мудофаа қилиш бирлашган қўшинларининг “Хорхе 40” (Родриго Товар Пупонинг лақаби), Адольфо Паз (Диего Фернандо “Дон Берна” Муриллонинг лақаби) ва Диего Вецино (асл исми Эдвар Кобо Теллес) каби етакчилари ҳамда Уильям Монтес, Мигел де ла Эсприелла каби сенаторлар томонидан имзоланади. Бу вақтга келиб, бирлашган қўшинлар Колумбиянинг катта ҳудудларини назорат қилар, шу сабабли 2002 йилги сайловда Конгресс ва Сенатга ким сайланишини ҳал қилиш улар учун мушкуллик туғдирмасди. Мисол учун, Сукре департаментидаги Сан Онофре шаҳрида сайловни ташкиллаштириш билан ҳар-


бийлашган қўшин етакчиларидан Кадена (испанча “зан-жир”) шуғулланди. Гувоҳлардан бири шундай ҳикоя қилади:

Кадена жўнатган юк машиналари Сан Онофредаги маҳаллалар, аҳоли мавзелари ва қишлоқларда юриб, одам таширди. Айримларнинг айтишича, 2002 йилги парламент сайловида одамлар овоз бериши лозим бўлган Сенатга номзод Хаиро Мерлано ва Конгрессга номзод Муриел Бенито Реболлони кўрсатиш учун минглаб деҳқонларни План Парехо мавзесига олиб боришган.

Кадена шаҳар кенгаши аъзоларининг исмлари ёзилган қозғаларни халтачага солди-да, иккитасини чиқарди ва агарда Муриел ғалаба қозонмайдиган бўлса, ўша икки кишини ва бошқаларни таваккалига танлаб бирма-бир ўлдиришини айтди.

Афтидан, бу таҳдид иш берган: номзодларнинг ҳар бири бутун Сукре департаментида 40 мингтадан овоз йигди. Сан Онофре мэри ҳам Санта фе де Ралитодаги келишувни имзолаганлар қаторида бўлганидан ҳайрон қолмаса ҳам бўлади. 2002 йилги сайловда сайланган конгрессменлар ва сенаторларнинг тахминан учдан бири ҳарбийлашган бўлинмалар кўмаги билан ғалаба қозонди. 20-харида Колумбиянинг ҳарбий бирлашма назорати остида бўлган ҳудудлари тасвирланган бўлиб, унда бу ташкилотнинг таъсири канчалик кенг тарқалганини кўриш мумкин. Салваторе Манкузонинг ўзи ҳам бир интर्वьюсида шундай дейди:

Конгресс аъзоларининг 35 фоизи “Ўз-ўзини мудоффа қилиш бўлинмалари” назоратида бўлган штатлардан сайланганди. Бу штатларда биз солиқ йиғардик, судлов билан шуғулланардик, музофотнинг ҳарбий ва ҳудудий назорати ихтиёримизда эди. Ким сиёсат билан шуғулланишини истаса, у ердаги сиёсий вакилларимиз билан келишиши лозим эди.



20-харита. Колумбияда ҳарбийлашган бўлинмаларнинг жойлашуви, 1997–2005 йиллар.

Ҳарбийлашган гуруҳ қўлга киритган сиёсий ҳокимиятнинг иктисодий институтлар ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига таъсирини тасаввур қилиш кийин эмас. Колумбия ўз-ўзини мудофаа қилиш бирлашган қўшинларининг таъсир доираси кенгайиши тинч йўл билан амалга оширилмасди. Бу гуруҳ нафақат Колумбия

инкилобий қуроли кучларига қарши қурашарди, балки бегуноҳ фуқароларни ҳам ўлдирарди, шу боис юз минглаб кишилар қўрқув ва ўлим хавфи туфайли уйлари тарк этди. Норвегия қочқинлар кенгашининг Ички қочқинликни кузатиш маркази маълумотига кўра, 2010 йил бошларида Колумбияда тахминан 4.5 миллион киши қочқинга айланган бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг 10 фоизини ташкил қилган. Манкузо эътироф этганидек, ҳарбийлашган гуруҳлар ҳукуматни ва унинг барча функцияларини қўлга олганди, фақат солиқларни йиғиб олиш жараёни ўз чўнтақларини тўлдириш мақсадида талон-тароҷ қилишдан иборат эди. Ҳарбийлашган гуруҳ раҳбари Мартин Ланос (асл исми Эктор Герман Буитраго) ва шимолий Колумбиянинг Касанаре департаментидаги Таурамена, Агуацул, Мани, Виллануева, Монтеррей ва Сабаналарга муниципалитетлари мэрлари ўртасида имзоланган келишувга кўра, мэрлар “Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари” буйруғига кўра риюя қилиши керак бўлган қондалар орасида қуйидагилар санаб ўтилганди:

9. *Муниципалитет бюджетининг 50 фоизини “Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари” ихтиёрига бериши.*

10. *Муниципалитет имзолаган ҳар бир шартноманинг 10 фоиз улушини “Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари”га тақдим қилиши.*

11. *“Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари” чақирган барча йиғилишларга мажбурий тарзда кўмак кўрсатиши.*

12. *Ҳар қандай инфратузилма лойиҳасида “Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари”нинг иштирокини таъминлаши.*

13. *“Касанаренинг ҳарбийлашган деҳқонлари” томонидан ташкил этилган янги сиёсий партиёга қўшилиши.*

14. Бошқарув дастурини ижро этиши.

Касанаре колоқ департамент эмас. Аксинча, у Колумбия департаментлари ичида аҳоли даромадлари энг юқори бўлган ҳудуд ҳисобланади. Негаки Касанареда энг муҳим нефт захиралари бўлиб, бу ресурслар қуролли гуруҳни ўзига жалб қилиши тайин эди. Ҳокимият-ни қўлга олган ҳарбийлашган гуруҳлар аҳоли мулкани талон-тарож қилишни тизимли шаклда кучайтириб борди. Айтишларича, Манкузонинг ўзи шаҳар ва қишлоқ жойларида 25 миллион долларлик мулкка эгалик қилган. Колумбия ўз-ўзини мудофаа қилиш бирлашган қўшинлари томонидан олиб қўйилган ер майдонлари эса жами қишлоқ ерларининг нақ 10 фоизини ташкил қилади.

Колумбияни қулаш арафасида турган танг аҳволдаги давлат деб бўлмайди. Аммо у етарлича марказлашмаган, ҳукумат мамлакатнинг барча ҳудудлари устидан тўлиқ назоратга эга бўлмаган давлат саналади. Гарчи давлат Богота ва Барранкилла сингари йирик шаҳарларда хавфсизлик ва ижтимоий хизматлар таъминотини йўлга қўйишга муваффақ бўлган эса-да, мамлакатнинг шундай ҳудудлари борки, у ерда ижтимоий хизматлар рисоладагидек эмас, қонун ва тартибга амал қилиш эса деярли издан чиққан. Ҳукумат қолиб, бошқа гуруҳлар ва Манкузо сингари кишилар сиёсий ҳокимият ва иқтисодий ресурсларни назорат қилади. Мамлакатнинг айрим ҳудудларида иқтисодий институтлар бирмунча яхши ишлайди, ўша жойларда инсон капитали ва тадбиркорлик лаёқати юқори даражада. Бошқа жойларда эса институтлар бениҳоя экстрактив бўлиб, давлат ҳокимиятининг энг қуйи даражасини ҳам таъминлашдан ожиз.

Бунга ўхшаш вазият қандай қилиб бир неча ўн йиллар, ҳатто юз йиллар давом этиши мумкинлигини тушуниш мушкул. Аммо, аслида, бу вазият мавжудлигининг ҳам ўз асоси бор – бу зарарли алоқадорлик занжирининг ўзига хос бир туридир. Зўравонлик ва марказлашган

давлат институтлари йўқлиги билан характерланадиган бундай занжир давлатнинг ўз вазифасини бажараётган қисмларини бошқараётган сиёсатчилар билан чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқлик юзага келиши боиси эса давлат бошқаруви даражасидаги сиёсатдонлар мамлакатнинг чекка ҳудудларидаги қонунсизликдан фойдаланади, ҳарбийлашган гуруҳларни эса ҳукумат ўз ҳолига ташлаб қўяди.

Бошқарувнинг бундай модели айниқса 2000-йилларда очиқ-ойдин намоён бўлди. 2002 йилги президентлик сайловида Альваро Урибе ғалаба қозонди. Урибенинг ака-ука Кастаньола билан ўхшашлиги бор эди: унинг ҳам отасини Колумбия инқилобий курулли кучлари ўлдирганди. Урибе аввалги ҳукуматнинг Колумбия инқилобий курулли кучлари билан тинчликка эришиш учун қилган уринишларига қарши ҳаракат бошлади. 2002 йилги сайловда ҳарбийлашган мудофаа қисмлари фаолият олиб борадиган ҳудудларда уни қўллаб-қувватловчилар, бу гуруҳ мавжуд бўлмаган ҳудудлардаги овозлардан 3 фоизга кўпроқ эди. 2006 йилда Урибе қайта сайланар экан, орадаги бу фарқ 11 фоизга етади. Модомики Манкузо ва унинг шериклари Конгресс ва Сенат сайловларида овоз олиб бера олишган экан, улар президент сайловида ҳам шундай қила олардилар. Айниқса, ўзлари билан қатъий ҳамфикр бўлган ва уларга нисбатан кўнгилбўшлик қиладиган президент учун шундай қилардилар. Зеро, 2005 йилнинг сентябрида Салваторе Манкузонинг ўринбосари ва ташкилотнинг Сину ва Сан Хорхе бўлинмалари собиқ раҳбари Хаиро Ангарита “Колумбия халқи тарихидаги энг яхши президентнинг қайта сайланиши” учун хизмат қилишдан ифтихор туйишини маълум қилганди.

Сайлов ўтгач, ҳарбийлашган ташкилотнинг конгрессмен ва сенаторлари Урибе истаган ўзгаришлар учун овоз бердилар. Жумладан, Урибега 2006 йилда қайта сайланишга рухсат берувчи конституциявий ўзгариш

маъкулланди. Урибе биринчи бор сайланган 2002 йилги сайлов пайтида амалда бўлган конституцияга кўра, бир киши иккинчи муддатга президентликка сайлана олмасди. Бунинг эвазига президент Урибе ҳарбийлашган гуруҳлар демобилизациясига доир ғоят энгил қонунни имзолади. Демобилизациядан мурод ҳарбийлашган кўшинларга барҳам бериш эмас, балки Колумбиянинг кўп жойларида ва давлат ишида уни институт сифатида қонунийлаштиришдан иборат эди. Бинобарин, бу ҳудудларда кўшинлар аллақачон бошқарувни қўлга олган ва уларга бу бошқарувни сақлаб қолишга рухсат берилганди.

Колумбияда иқтисодий ва сиёсий институтларнинг кўп жиҳатлари вақт ўтиши билан инклюзивлашиб борди. Аммо муайян асосий экстрактив унсурлар сақланиб қолди. Қонунсизлик ва мулк ҳуқуқлари ҳимоясизлиги мамлакатнинг кўп жойларида кенг тарқалган бўлиб, бу мамлакат ҳудудининг салмоқли қисмида давлат ҳокимиятининг сустиги ва Колумбиядаги марказлашмаган давлатнинг ўзига хос бошқарув шакли натижаси ҳисобланади. Бу олдини олиш имконсиз бўлган вазият эмас. Бу зарарли занжирни акс эттирувчи жараён маҳсулидир: Колумбиядаги сиёсий институтлар сиёсатчиларда мамлакатнинг аксарият ҳудудларида ижтимоий шароитларни, қонунчилик ва тартибни таъминлашга рағбат уйғотмайди. Уларнинг ҳарбийлашган гуруҳлар ва босқинчи тўдалар билан яширин ёхуд ошқора келишувга киришишларининг олдини олиш учун етарлича тийиб туриш механизмлари эса йўлга қўйилмаган.

EL CORRALITO

2001 йил охирларида Аргентина иқтисодий инқироз чангалида қолганди. Уч йилдирки, даромадлар пасаийиб бораётган, ишсизлар сони тобора ортаётган ва ҳукуматнинг ташқи қарзи жуда кўп миқдорда йиғилиб қолганди. 1989 йилдан бошлаб Карлос Менем ҳукумати томонидан гиперинфляцияни тўхтатиш ва иқтисодиётни

барқарорлаштириш мақсадида амалга оширилган сиёсат мамлакатни боши берк кўчага киритиб қўйди. Бу чоратadbирлар бир муддат ўз самарасини берган ҳам эди.

1991 йилда Менем Аргентина песосини АҚШ долларига боғлаб қўйди. Бир песо қонун бўйича бир долларга тенглаштирилди. Айирбошлашда валюта курси ўзгармаслиги ва шу билан ҳикоямиз тамом бўлиши керак эди. Деярли шундай... Ҳукумат чиндан ҳам, қонун ижросини таъминлашига одамларни ишонтириш мақсадида аҳолига АҚШ долларарида банк ҳисоб-рақамлари очишга рухсат берди. Пойтахт Буэнос-Айресдаги дўконларда доллардан фойдаланиш ва шаҳардаги барча банкоматлардан нақд доллар олиш мумкин эди. Мазкур чора иқтисодиётни барқарорлаштиришга ёрдам берган бўлиши мумкин, аммо унинг битта катта камчилиги бор эди. Энди Аргентинанинг экспорт моллари ҳаддан ташқари қиммат ва импорт товарлар жуда арзон бўлиб қолди. Экспорт тўхтаб қолиб, импорт оқиб кела бошлади. Бунинг ягона чораси эса қарз олиш эди. Беқарор вазият юзага келди. Песонинг беқарорлашувидан ташвишга тушган кишилар пулларини доллардаги банк ҳисоб рақамларига қўя бошладилар. Охир-оқибат, мабодо ҳукумат қонунни бекор қилиб, песони девалвация қиладиган бўлса, улар доллардаги жамғармаларини сақлаб қолишлари мумкин бўларди, шундай эмасми? Улар песонинг тақдиридан хавотирга тушганда ҳақ эдилар. Бироқ улар долларга жуда ишониб қолгандилар.

2001 йилнинг 1 декабрида ҳукумат барча банк ҳисобларини дастлаб 90 кунга музлатиб қўйди. Ҳафтасига фақат оз миқдорда нақд пул олишга рухсат берилди. Дастлаб бу чеклов қиймати 250 долларга тенг бўлган 250 песо қилиб белгиланган бўлса, кейин 300 песогача оширилди. Аммо нақд пулни фақат песодаги ҳисоб-рақамлардан олишга рухсат бор эди. Фуқароларга токи ҳисобларидаги долларни песога алмаштиришга рози бўлмас эканлар, доллардаги ҳисоб рақамдан пул ечиш

тақиқланди. Лекин ҳеч ким бундай қилишни истамасди. Аргентиналиклар бу вазиятга “*El Corralito*” – “кичкина кўра” деб ном беришди: омонатчилар чиқиш йўли йўқ бўлган кўрага қамалган сигирларга ўхшаб қолганди. Январь ойида ниҳоят девальвация амалга оширилди: энди аввалгидай бир доллар бир песога тенг бўлмай, тўрт песога тенглаштирилди. Бу жамғармаларини долларда сақлаш кераклигини тушуниб етганларнинг мулоҳазаси тўғри бўлиб чиққанини кўрсатиши керак эди. Бироқ ундай бўлмади, чунки ҳукумат доллардаги ҳисоб рақамларнинг ҳаммасини мажбурий тарзда песога ўтказди, аммо бу аввалги, бир доллар бир песога тенг бўлган айирбошлаш курси бўйича амалга оширилди. Ҳисобиди минг доллар маблағ мавжуд бўлганларнинг жамғармаси тўсатдан 250 долларга айланиб қолди. Шу йўл билан ҳукумат аҳоли жамғармаларининг тўртдан уч қисмини тортиб олганди.

Иқтисодчилар учун Аргентина мураккаб мамлакат. Аргентинани тушуниш қанчалик қийинлигини ифодалаш учун иқтисод бўйича Нобель мукофоти соҳибби Саймон Кузнец ўзининг машҳур мулоҳазасини баён қилганди. Унга кўра, дунёда 4 хил мамлакат бор: ривожланган, ривожланмаган, Япония ва Аргентина. Кузнец бундай фикр билдиришининг боиси шундаки, Биринчи жаҳон уруши арафасида Аргентина дунёдаги энг бой мамлакатлардан бири бўлган. Кейин эса Аргентина Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларига нисбатан муттасил пасайиш жараёнини бошдан кечирган ва ўтган асрнинг 70–80-йилларида бутунлай таназзулга учраган. Сиртдан қараганда, Аргентинанинг иқтисодий тараққиёт йўли мураккаб, аммо мамлакатнинг инқирозига инклюзив ва экстрактив институтлар нуқтаи назаридан қараганимизда, унинг сабаблари аниқроқ намоён бўлади.

Тўғри, 1914 йилга қадар Аргентина 50 йиллик иқтисодий ўсишни бошдан кечирган, аммо бу экстрактив институтлар шароитидаги классик ўсиш намунаси эди.

Ўша пайтда Аргентина кишлок хўжалиги маҳсулотлари экспортига жуда катта сармоя тиккан оз сонли элита томонидан идора қилинарди. Иқтисодиёт мол гўшти, хайвон териси ва дон экспорти ҳисобига дунёда бу маҳсулотлар нархи кескин кўтарилган даврда ўсди. Экстрактив институтлар шароитида ўсишнинг бошқа мисоллари сингари бу ўсиш ҳам бунёдкор бузғунчилик ёки инновацияларсиз кечди. Бу ўсиш барқарор эмас эди. Биринчи жаҳон уруши даврида кучайиб бораётган сиёсий беқарорлик ва қуролли инқилоблар Аргентина элитасини ҳам сиёсий тизимни кенгайтиришга мажбур қилди. Бироқ бу ҳукумат назоратидан ташқаридаги кучларнинг ҳаракатланишига олиб келди ва 1930 йилда биринчи ҳарбий тўнтариш юз берди. Ўша пайтдан то 1983 йилгача бўлган даврда Аргентина диктатура ва демократия ўртасида қўлма-қўл бўлиб, турли-туман экстрактив институтлараро гоҳ олдинга, гоҳ орқага одимлади. Ҳарбий бошқарув даврида оммавий қагафонлар рўй бериб, 1970-йилларда чўккига чикди, камида 9 минг нафар, балки ундан ҳам кўпроқ киши ноқонуний қатл қилинди. Юз минглаб одамлар қамоққа ташланди ва қийноққа солинди.

Нохарбий ҳукуматлар даврида демократияни эслатувчи сайловлар ҳам ўтказилди. Аммо сиёсий тузум инклюзивлик эмасди. Перон ҳокимиятга келган 1940-йиллардан бери демократик Аргентинада у асос солган “Partido Justicialista” ёки Перонистлар партияси ҳукмронлик қилиб келарди. Перонистлар партияси сайловларда улкан сиёсий машина ёрдамида ғалаба қозонар, овозларни сотиб олиш, тарафдорларга лавозим бериш, коррупция, шу жумладан, сиёсий қўллаб-қувватлаш эвазига давлат шартномалари ва иш жойларини сотиш кабилар билан шуғулланарди. Қайсидир маънода бу йўл демократик эди-ю, лекин плюралистик эмасди. Ҳокимият тўлалигича Перонистлар партияси қўлида тўпланган

бўлиб, унинг хатги-ҳаракатларига нисбатан деярли чеклов қўйилмаганди – лоақал армия ҳарбий тўнтаришдан ўзини тийиб турган маҳалда аҳвол шундай эди. Илгари муҳокама қилганимиздек, агарда Олий суд сиёсий жараёнларни ўзгартиришга уринса, бу Олий суднинг ўзи учун жуда қимматга тушарди.

1940-йилларда Перон ишчилар ҳаракатидан сиёсий таянч сифатида фойдаланган эди. 1970–1980-йилларда ҳарбий ҳукуматларнинг қатағонлари билан заифлаштирилган чоғда эса энди унинг партияси бошқаларнинг овозини сотиб олишга ўтди. Иктисодий сиёсат ва институтлар барча учун бир хил шароит яратиш учун эмас, балки партия тарафдорларига бойлик келтирадиган тарзда йўлга қўйилди. 90-йилларда президент Менем қайта сайланишига халал берадиган чекловга дуч келганда ҳам, худди шундай бўлди. У конституцияни ўзгартириб, қайта сайланиш чекловидан халос бўлди. “El Corgalito” воқеаси кўрсатадики, гарчи Аргентинада сайловлар бўлиб, ҳукумат кўпчилик томонидан сайланса-да, у мулк дахлсизлигини поймол қилиб, ўз фуқароларининг мол-мулкларини жазосиз тортиб олиши мумкин. Аргентина президенти ва элитасини тийиб турадиган ҳеч бир чегара йўқ, плюрализм ҳақида эса гап бўлиши мумкин эмас.

Кузнецнинг ва, шубҳасиз, Буэнос-Айресга ташриф буюрган бошқа кўп одамларнинг бошини қотирган нарса шуки, шаҳар Лима, Гватемала ёки Мехико шаҳарларидан бошқачага ўхшайди. У ерда Американинг туб жой аҳолиси бўлган ҳиндуларни ҳам, собиқ қулларнинг авлодларини ҳам кўрмайсиз. Шаҳарда кўпроқ экстрактив институтлар шароитида ўсиш кузатилган “мухташам давр”да қад кўтарган улуғвор иморат ва обидалар кўзга ташланади. Аммо Буэнос-Айресда Аргентинанинг факат бир қисмини кўришингиз мумкин, холос. Мисол учун, Менем буэнос-айреслик эмас. У пойтахтдан шимоли-ғарбдаги

тоғларда, Ла Риоха вилоятининг Аниллако қишлоғида туғилган ва ўша вилоятда уч муддат губернаторлик қилган. Испанлар Америка қитъасини истило қилишни бошлаган пайтда Аргентинанинг бу қисми Инклар империясининг чекка худуди саналар, маҳаллий аҳоли зич яшарди (1-харитага қаранг). Испанлар бу ерда энкомиендаларни ташкил қилди ва бениҳоя экстрактив бўлган иқтисодий тизимда озиқ-овқат етиштириш ва шимолдаги Потосида ўрнашган кончилар учун хачир кўпайтириш йўлга қўйилди. Дарҳақиқат, Ла Риоха Буэнос-Айресдан кўра кўпроқ Перу ва Боливиядаги Потосиларга ўхшарди. XIX асрда Ла Риохада худудни ўз идорасича бошқарган ва кўшини билан Буэнос-Айресга юриш қилган таниқли саркарда Факундо Квируга етишиб чиққан. Аргентинадаги сиёсий институтлар тараққиётига оид ҳикоя Ла Риоха сингари ички вилоятларнинг Буэнос-Айрес билан қандай келишувга келгани ҳақидадир. Бу келишувлар сулҳ сингари эди: Ла Риоха саркардалари Буэнос-Айресни тинч қўйишга рози бўлдилар ва пойтахт бойишда давом этди. Ўз навбатида, бунга жавоб ўларок, Буэнос-Айресда ҳукмрон элита “ички вилоятлар”нинг институтларини ислоҳ қилишдан воз кечди. Шунинг учун Аргентина даставвал Перу ёки Боливиядан бошқа дунёдек тасаввур уйғотади. Аслида, Буэнос-Айреснинг ҳашаматли кўчаларидан чиқишингиз билан Аргентина улардан унча фарқ қилмаслигини кўрасиз. Аргентина Лотин Америкасидаги бошқа экстрактив мамлакатлар билан ғоят ўхшаш институционал тараққиёт йўлини босиб ўтгани сабаби ички вилоятларга берилган имтиёзлар ва уларга нисбатан юритилган сиёсат мамлакатнинг институтларига ўрнашиб олгани билан изоҳланади.

Сайловлар инклюзив сиёсий ёки иқтисодий институтларни олиб келмаслиги Лотин Америкаси учун хос бўлган типик ҳодисадир. Колумбияда ҳарбийлашган бўлинмалар парламентдаги ўринларининг учдан бир қис-

мини ўз фойдаларига ҳал қила олади. Венесуэлада эса худди Аргентинада бўлгани сингари Уго Чавеснинг демократик сайловлар билан сайланган ҳукумати ўз мухолифларини таъқиб қилади, уларни давлат ишларидан бўшатади, мақолалари ҳукуматга ёкмаган газеталар ёпилади ва мол-мулклар мусодара қилинади. Нима қилмасин, Уго Чавес Британиянинг 1720-йиллардаги бош вазири сэр Роберт Уолполдан кўра анча қудратлироқ ва унинг ваколат доираси кенгрок. Зеро, Роберт Уолпол “Қоралар тўғрисидаги қонун” билан Жон Хантрижни жазолай олмаганди. Замонавий Венесуэла ёки Аргентинада Хантрижнинг қисмати анча ёмонроқ бўларди.

Лотин Америкасида вужудга келаётган демократия назарий жиҳатдан элита бошқарувига тамоман зид эди. У оғизда ва амалда ҳуқуқ ва ваколатларни элитадан олиб, қайта тақсимлашга уринса ҳам, унинг илдизлари икки жиҳатга кўра ишончли тарзда экстрактив бошқарувга асосланган. Биринчидан, асрлар давомида экстрактив режимлар шароитида сақланиб келган адолатсизлик янги пайдо бўлган демократик вазиятда сайловчиларни кескин чоралар тарафдори бўлган сиёсатчилар фойдасига овоз беришга ундайди. Аргентиналиклар жуда содда эмас, улар Хуан Перон, Менем ёки Кирчнерс сингари перончи сиёсатчиларни халқ учун жон куйдирадиган ва уларнинг манфаатларини ўзлариникидан устун қўядиган кишилар деб ўйламайдилар. Ёки венесуэлаликлар Уго Чавес тимсолида халоскорни кўришмаган. Аксинча, аргентиналиклар ва венесуэлаликларнинг кўпчилиги бир нарсани эътироф этишади: шунча вақтдан бери бошқа барча сиёсатчилар ва партиялар ҳам уларга фикр билдириш имконини бермаган, йўллар ва мактаблар сингари энг бирламчи ижтимоий шароитларни яратмаган ва уларни маҳаллий элита томонидан эксплуатация қилинишдан ҳимоя қилмаган. Шу сабабли аксар венесуэлаликлар Чавес юргизаётган сиёсатни, гарчи унинг ишлари

коррупция билан чамбарчас боғлиқ ва самарасиз бўлса-да, маъқуллайдилар. Аргентиналиклар ҳам 1940–1970-йилларда Пероннинг худди шундай сиёсатини қўллаб-қувватлаганди. Иккинчиси эса жамият истаган муқобил кишини олдинга чиқарадиган самарали партиявий тизим ўрнига Перон, Чавес сингари зўравонларни сиёсатга жалб қилган ва уларнинг фойдасига ишлайдиган ўша қудратли экстрактив институтлардир. Лотин Америкасидаги Перон, Чавес ва бошқа ўнлаб золим ҳукмдорлари олигархиянинг темир қонунининг бошқа бир кўриниши бўлиб, номидан маълумки, бу темир қонуннинг илдизи элита назорат қиладиган режимлардадир.

ЯНГИЧА АБСОЛЮТИЗМ

2009 йилнинг ноябрида Шимолий Корея ҳукумати икти-содчилар тили билан айтганда, пул ислоҳоти ўтказди. Бундай ислоҳотнинг сабаби одатда оғир инфляциян вазият хисобланади. 1960 йилнинг январида Францияда пул ислоҳоти ўтказилиб, янги франк муомалага киритилган, янги валютанинг бир франки аввалгисининг 100 франкига тенглаштирилган эди. Эски франкдан ҳам фойдаланиш давом этиб, янги франкка тўлиқ ўтиш жараёни секин-аста юз бергани учун нархлар эски валютада ҳам қайд этиларди. Ниҳоят, 2002 йилнинг январида Францияда евро пул бирлиги жорий қилингандан сўнг эски намунадаги франкларни қабул қилиш тўхтатилган. Сиртдан қараганда, Шимолий Кореядаги ислоҳот ҳам шунга ўхшаб кетарди. Французлар каби Шимолий Корея ҳукумати ҳам валютадан иккита нолни олиб ташлашга қарор қилди. Эски намунадаги 100 воннинг қиймати янги пулда 1 вонга тенглаштирилди. Фуқароларга эса эски пулларни янгисига алмаштириш учун бир ҳафта муҳлат берилди. Ваҳоланки, бунинг учун Францияга 42 йил керак бўлганди. Бу ҳали ҳаммаси эмасди: ҳуку-мат алмаштириш мумкин бўлган пул миқдори 100 минг вондан ошиши мумкин эмаслигини ҳам эълон қилди, кўп

ўтмай бу сумма 500 минг вонгача оширилди. Бу пайтда қора бозор курси бўйича юз минг вон тахминан 40 АҚШ долларига тўғри келарди. Бир уриниш билан ҳукумат Шимолий Корея аҳолисининг катта қисмини шахсий жамғармаларидан маҳрум қилди. Биз фуқаролар йўқотган пулнинг миқдорини аниқ билмаймиз, аммо тахмин қилиш мумкинки, унинг миқёси Аргентина ҳукумати 2002 йилда қилган талон-тарождан кўра каттароқ эди.

Шимолий Корея ҳукумати хусусий мулк ва бозор муносабатларига қарши бўлган коммунистик диктатурадир. Лекин қора бозорни назорат қилиш мушкул бўлиб, унда олди-берди нақд пулда амалга оширилади. Албатта, олди-бердида қисман чет эл валютаси, хусусан, Хитой юанидан ҳам фойдаланилади, аммо энг кўп ишлатиладиган валюта – вон. Валюта ислоҳоти ушбу бозорлардан фойдаланган одамларни жазолаш ва, аниқроғи, улар ҳаддан ташқари бадавлат ёки режимга таҳдид соладиган даражада қудратли бўлиб кетмаслиги учун ўйлаб топилганди. Қора бозорлар ҳали ҳаммаси эмас. Шимолий корейликлар ўз жамғармаларини вонда сақлайди, чунки мамлакатда банклар кам бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳукумат тасарруфидадир. Аслини олганда, ҳукумат валюта ислоҳотидан кўпчилик аҳолининг пулларини талон-тарож қилиш мақсадида фойдаланганди.

Гарчи ҳукумат бозор иктисодини номақбул деб ҳисобласа-да, Шимолий Корея элитаси бозорлар келтирадиган қулайликларни хуш кўради. Мамлакат раҳбари Ким Чен Ир кўнгили ёзиши учун ихтиёрида бар, караоке ва мўъжаз кинотеатр билан жиҳозланган етти қаватли сарой мавжуд. Биринчи қаватда жойлашган йирик сузиш ҳавзасида тўлқинлар ҳосил қилувчи қурилма ҳам ўрнатилган бўлиб, давлат раҳбари кичкина моторли сёрфинг тахтасида учишни хуш кўради. 2006 йилда АҚШ Шимолий Кореяга санкциялар жорий қилар экан, ҳукуматнинг нозик жойига зарба беришини яхши билар-

ди. Америка санкцияларига мувофик, Шимолий Кореяга 60 дан ортиқ ҳашамат буюмларини, жумладан, яхталар, гидроцикллар (сувда ҳаракатланадиган мотоцикл), пойга автомобиллари, мотоцикллар, DVD-плеерлар ва диагонали 29 дюймдан каттароқ бўлган телевизорларни экспорт қилиш тақиқланди. Шойи рўмоллар, қимматбаҳо авторучкалар, мўйна ва чармдан тайёрланган жомадонларга чеклов ҳам қўйилди. Ким Чен Ир ва коммунистик партия раҳбарияти айнан мана шу каби буюмларни йиғишга ишқибоз эди. Тадқиқотчилардан бири Франциянинг “Hennessy” компанияси маълумотлари асосида ҳисоб-китоб қилиб, санкциялар жорий қилинишидан олдин Ким Чен Ирнинг коньяклар учун йиллик бюджети 800 минг АҚШ долларига етишини аниқлаган экан.

XX асрда пайдо бўлган янги мустабид тартиб – коммунизм нималигини билмай туриб, аср охирларидаги дунёнинг энг қашшоқ ҳудудларининг аксариятидаги ҳолатни тушуниб етиш имконсиз. Маркс орзу қилган жамият инсонпарварлик ва тенглик муҳитида тараққиётга эришишни кўзда тутарди. Ленин ва унинг коммунистик партияси Маркс ғояларидан илҳомланган бўлса-да, амалда барча нарса ҳам назарияга мувофик келмади. 1917 йилги Большевиклар инқилоби қонли ҳодиса бўлиб, унинг ҳеч бир инсоний жиҳати йўқ эди. Адолатга асосланган тенглик ҳам амалга ошмади, зеро Ленин ва унинг ҳамтовоқлари қилган биринчи иш Большевиклар партияси элитасини яратишдан иборат бўлди. Бу йўлда улар нафақат коммунист бўлмаганларни йўқ қилдилар, балки уларнинг ҳокимиятига хавф солиши мумкин бўлган бошқа коммунистларнинг ҳам баҳридан ўтдилар. Лекин ҳақиқий фожиалар ҳали олдинда эди: даставвал фуқаролар урушида, кейинроқ эса Сталиннинг коллективлаштириш сиёсати ва тез-тез содир бўладиган тозалашлари даврида тахминан 40 миллион киши қурбон бўлди. Шафқатсизлик, репрессия ва қирғин русча коммунизмгагина хос

эмас. Иқтисодий талафотлар ва инсонлар бошига тушган кулфатлар бошқа коммунистик давлатлар – 1970-йилларда қизил кхмерлар бошқарувида бўлган Камбоджа, бугунги Хитой ва Шимолий Корея учун ҳам хос бўлган хусусият эди. Уларнинг барчасида коммунизм шафқатсиз диктатураларга ва инсон ҳуқуқларининг кенг миқёсда поймол қилинишига олиб келди. Инсонлар бошига тушган азоб-укубатлар ва қатағонлардан ташқари барча коммунистик ҳукуматлар хилма-хил экстрактив институтларни йўлга қўйди. Иқтисодий институтлар – хоҳ бозорларга рухсат берилган, хоҳ улар тақиқланган бўлсин – халқдан ресурсларни тортиб олишга қаратилган эди. Мулк ҳуқуқларига нисбатан нафрат туфайли бу институтлар кўпинча фаровонлик ўрнига қашшоқликни келтириб чиқаради. 5-бобда баён этилганидек, СССРда коммунистик тузум дастлаб жадал иқтисодий ўсишга олиб келди, аммо кейинроқ ўсишдан тўхтаб, заволга юз тутди. Хитойда Мао Цзэдун даврида, Камбоджада қизил кхмерлар даврида ва Шимолий Кореяда Ким сулоласи ҳукмронлигида коммунизмнинг оқибатлари янада аянчлироқ бўлиб, коммунистик иқтисодий институтлар иқтисодий таназзул ва очарчиликни келтириб чиқарди.

Ўз навбатида, коммунистик иқтисодий институтлар барча ҳокимият компартия қўлида тўпланган ва чексиз ҳокимиятга қарши ҳеч қандай тўсиқ мавжуд бўлмаган экстрактив сиёсий институтларнинг дастагига эга эди. Гарчи шаклига кўра ҳар хил экстрактив институтлар бўлса-да, коммунистик институтларнинг одамлар ҳаётига таъсири Зимбабве ва Сьерра-Леоненинг экстрактив институтлариники билан бир хил бўлди.

ПАХТА ҚИРОЛИ

Пахта хомашёси Ўзбекистон экспортининг қарийб 45 фоизини ташкил этади ва 1991 йилда Совет Иттифоқи парчаланиб кетиши билан мустақилликка эришган мамлакатнинг энг муҳим қишлоқ хўжалиги маҳсулоти хи-

собланади. Совет даврида Ўзбекистондаги барча ерлар давлат тасарруфидаги 2048 та хўжалик ихтиёрида бўлган. 1991 йилдан кейин бу хўжаликлар тарқатиб юборилиб, ер қайта тақсимланди. Бироқ бу ҳали фермерлар мустақил ишлаши мумкин, дегани эмас эди. Пахта Ўзбекистоннинг биринчи ва ҳозирча ягона президенти ҳисобланган Ислом Каримов¹ ҳукумати учун гоят қадрли экспорт маҳсулоти эди. Мамлакатда фермерлар нима етиштириши ва уни қандай нарҳда сотиши белгилаб қўйиладиган тартиб жорий қилинди. Пахта қимматбаҳо экспорт моли ҳисобланар, фермерларга эса етиштирилган ҳосил учун дунё бозорларидаги нархнинг кичик бир қисми тўланиб, даромаднинг асосий қисми ҳукуматга кетарди. Фермерларга тўланадиган баҳода сотиш учун ҳеч қим пахта етиштиришни истамасди, шунинг учун ҳукумат уларни пахта экишга мажбурларди. Ҳар бир фермер ихтиёридаги ернинг 35 фоизини пахтага ажратишга мажбур эди. Бу жуда кўп муаммоларни келтириб чиқарди, техника етишмаслиги ана шундай муаммолардан бири эди. Мустақиллик арафасида ҳосилнинг тахминан 40 фоизи пахта териш машиналарида йиғиб олинарди. 1991 йилдан кейин эса фермерлар бу машиналарни сотиб олиш ёки борини сақлаб қолишга хоҳиш билдирмадилар, президент Каримов ҳукумати фермерлар учун яратган шароитни ҳисобга олсак, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Бу муаммони ҳал қилиш учун президент Каримов пахта териш машиналаридан кўра арзонроқ ечимни ўйлаб топди: булар мактаб ўқувчилари эди.

Ўқувчилар ёзги таътилдан мактабга қайтадиган сентябрь ойининг бошларида пахта чаноқлари очилиб, ҳосил териш олиш учун тайёр бўлади. Президент Каримов

¹ 2016 йили Ислом Каримов вафотидан сўнг Шавкат Мирзиёев демократик дея халқаро тан олинган сайловларда президентликка сайланди ва кенг кўламли ислохотларни бошлади. Президент Мирзиёев даврида болалар меҳнатига барҳам берилди, инклюзив иқтисодни шакллантириш йўлида қатор чора-тадбирлар кўрилди, банк-молия, солиқ ислохотлари амалга оширилди (*Таҳ. изоҳи*).

хокимларга фармон бериб, мактаблар зиммасига пахта териш бўйича режа юклашни буюради. Сентябрь бошларида 2.7 миллион ўқувчи қатнайдиган мактаблар бўшаб қолади (2006 йилги маълумот). Ўқитувчилар таълим бериш ўрнига, теримчи ёллаш билан машгул бўлади. Икки фарзанднинг онаси бўлган Гулноз исмли аёл ҳолатни шундай тасвирлайди:

Ҳар ўқув йилининг бошида, тахминан сентябрь бошларида, мактабдаги машгулотлар тўхтатилади ва дарслар ўрнига болалар пахта йигим-теримига жўнатилади. Ота-оналардан ҳеч ким розилик сўрамайди ҳам. Уларда (терим мавсумида) дам олиш кунлари ҳам бўлмайди. Агар бола бирор сабаб билан уйда қолса, унинг ўқитувчиси ёки синф раҳбари келиб, ота-онасини айбдор қилади. Улар ҳар бир боланинг зиммасига унинг ёшига қараб 20 килодан 60 килогача кунлик режа юклашади. Агар бола белгиланган режани бажара олмаса, эртасига эрталаб бутун синфнинг олдида изза қилинади.

Терим мавсуми икки ой давом этади. Қишлоқда яшайдиган болаларнинг омадлари бор: улар уйларига яқин бўлган далага бириктирилгани учун уйдан пахтазорга яёв ёки автобусда қатнаши мумкин. Уйлари даладан олисда бўлган ёки шаҳарлик болалар эса дала шийпонлари ёки омборхоналарда трактор ва ҳайвонлар билан тунашига тўғри келади. Бу жойларда ҳожатхона ёки ошхоналар бўлмайди. Болалар тушлик учун овқатларини ўзлари билан олиб келишлари керак бўлади.

Мазкур мажбурий меҳнатнинг асосий бенефициарлари эса ўзбек пахтасининг де факто кироли, президент Каримов бошчилигидаги ўзбек сиёсий элитаси саналади. Мактаб ўқувчиларига меҳнатлари учун ҳақ тўланиши айтилади, лекин... Бир кило пахтанинг халқаро бозордаги нархи 1.40 АҚШ долларини ташкил қилган 2006 йилда болаларга кунига 20-60 килолик режани бажаргани

учун 0,03 доллардан тўланарди. Ҳозирги пайтда пахта ҳосилининг чамаси 75 фоизини болалар теради. Баҳорда мактаблар яна мажбурий чопик, ўтоқ ва ягана учун ёпилади².

Буларнинг барчаси қай тарзда шу ҳолга келиб қолди? Собиқ иттифокнинг бошқа республикалари сингари Ўзбекистон ҳам СССР парчаланганидан кейин ўз мустақиллигини қўлга киритиши, бозор иқтисодиёти ва демократияга қадам қўйиши керак эди. Бироқ аксарият пост-совет республикалари сингари Ўзбекистонда ҳам бу жараёнлар рўй бермади. Сиёсий фаолиятини СССР компартиясида бошлаган, Берлин девори кулатилган ўша 1989 йилда юзага келган қулай вазиятда Ўзбекистоннинг биринчи котиби лавозимини эгаллаган Ислом Каримов ўзини миллатпарвар сифатида қайта кашф қилишга муваффақ бўлди. Хавфсизлик кучларининг ҳал қилувчи кўмаги ёрдамида Ислом Каримов 1991 йил декабрда ўтказилган Ўзбекистон тарихидаги илк президентлик сайловида ғалаба қозонади. Ҳокимиятни қўлга олгач, Каримов мустақил сиёсий муҳолифатни таъқиб қилишни бошлайди. Унинг рақиблиари ҳозир ё камокда, ёки қувғинда бўлиши мумкин. Ўзбекистонда эркин ОАВ ҳам, нодавлат ташкилотлар ҳам йўқ. Тобора кучайиб бораётган зулм 2005 йилда ўз чўққисига чиқиб, Андижонда полиция ва ҳарбийлар томонидан тахминан 750 киши, эҳтимол,

² 2016 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти тавсияси билан мустақил жамоатчилик ташкилотлари Ўзбекистонда мажбурий ва болалар меҳнати бўйича миллий мониторинг ўтказди. Пахта териш мавсумигача ва мавсум давомида болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича бир қанча профилактика ишлари олиб борилди. Сўнгра 2017 йил 4 октябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ, фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорга кўра, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан ҳеч бир шаклда фойдаланишга йўл қўймаслик учун парламент назорати ўрнатилди. Айни вақтда пахта йиғим-терими учун болалар меҳнати ҳамда мажбурий меҳнатдан фойдаланиш тугатилган (Таҳ. изоҳи).

ундан ҳам кўпроқ намойишчилар ўлдирилди.

Хавфсизлик кучлари устидан раҳбарлиги ва матбуот устидан ўрнатилган тотал назоратдан фойдаланиб, давтавал Каримов ўзининг президентлик муддатини референдум орқали 5 йилга узайтириб олган эди. Сўнгра 2000 йилги сайловда 91.2 фоиз овоз билан етти йиллик янги муддатга қайта сайланди. Унинг сайловда номзоди қўйилган ягона рақиби эса Каримовга овоз берганини эълон қилган эди! Халқаро ҳамжамият томонидан адолатсиз дея аталган 2007 йилги сайловда эса у овозларнинг 88 фоизини қўлга киритди. Ўзбекистондаги сайловлар Совет Иттифоқининг гуллаб-яшнаган палласида Иосиф Сталин ташкиллаштирган сайловларга ўхшайди. 1937 йилги сайлов “Нью-Йорк Таймс” мухбири Ҳаролд Денни томонидан обдан ёритилган бўлиб, у совет сайловларининг босим ва ҳаяжонларини етказиш учун Компартиянинг “Правда”сидан олинган репортаж таржимасини тақдим қилган эди:

Тун ярмидан оққан. Ўн иккинчи декабрь, Олий Советга биринчи умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайловлар куни ниҳоясига етди. Овоз бериш натижалари эълон қилиниши кутилмоқда.

Хонада фақат комиссия аъзоларигина қолди. Хонага сукунат чўккан, чироқлар тантанали нур сочмоқда. Барчанинг диққати ва ҳаяжонли босими марказида комиссия раиси овозларни санашдан олдин барча зарурий расмиятчиликларни амалга оширмоқда – рўйхат бўйича қанча сайловчи борлиги ва улардан қанчаси сайловда овоз бергани текширилмоқда – натижа эса 100 фоиз. 100 фоиз! Қайси мамлакатда, қайси сайловда, қайси номзодга 100 фоизлик натижа қайд этилган?

Асосий иш энди бошланади. Комиссия раиси ҳаяжон билан қутилардаги муҳрни текширмоқда. Кейин комиссия аъзолари текширишади. Муҳрлар бузилмаган

ва энди уларни кесишмоқда. Қўтилар очилди.

Сукунат. Улар – сайлов кузатувчилари ва уни ўтказувчилар диққат билан, жиддий ўтиришибди.

Мана энди конвертларни очиш вақти келди. Комиссиянинг уч нафар аъзоси қайчиларни олишди. Комиссия раиси ўрнидан турди. Овозларни ҳисобловчиларнинг дафтарлари тайёр. Биринчи конверт очилди. Барча нигоҳлар унга қадалган. Комиссия раиси иккита – оқ рангли (Олий Совет номзоди учун мўлжалланган) ва кўк рангли (Миллатлар Советига номзод учун мўлжалланган) бюллетенни қўлига олиб, баланд овозда, дона-дона қилиб ўқиди: “Ўртоқ Сталин”.

Шу заҳоти тантана бузилди. Хонадаги барча ўрнидан сакраб туриб, қувонч ва эҳтирос билан Сталин конституциясига мувофиқ ўтказилган дастлабки умумий, яширин сайловдаги биринчи овозни – конституция муаллифининг исми ёзилган бюллетенни олқишламоқда.

Ана шундай сабрсизлик кайфияти репрессия ва сиёсий қаттиққўллик борасида Сталиннинг муносиб шогирди бўлган Ислон Каримов қайта-қайта сайланган сайловларда ҳам кузатилган бўлиб, унинг сайловлари ўз мантисизлиги билан Сталин уюштирган сайловлар билан рақобат қилганга ўхшайди.

Ислон Каримов бошқарувидаги Ўзбекистон гоят экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтларга эга бўлиб, камбағал мамлакатдир. Аҳолининг тахминан учдан бири қашшоқликда умр кечиради, киши бошига ўртача йиллик даромад минг АҚШ доллари атрофида. Шунга қарамай, ривожланишнинг барча кўрсаткичлари ҳам ёмон эмас. Жаҳон банки маълумотларига кўра, болаларни мактабга қамраб олиш даражаси 100 фоиз... пахта терими даврини ҳисобга олмаганда, албатта. Саводхонлик ҳам жуда юқори, лекин давлат нафақат матбуотни назорат қилади,

балки китобларга ҳам тақиқ қўйиб, интернетни цензура қилади. Кўпчилик аҳоли пахта теримида кунига бир неча цент эвазига ишлаган бир пайтда, Каримовлар оиласи ва 1989 йилдан кейин Ўзбекистоннинг янги иқтисодий ва сиёсий элитасига айланган собиқ коммунистлар мисли кўрилмаган даражада бойликка эришди.

Каримовлар оиласи бизнес манфаатларини унинг кизи Гулнора бошқаради ва президентнинг вориси сифатида кўрилади. Ношаффоф ва ёпиқ мамлакатда Каримовлар оиласи қайси соҳаларни назорат қилиши ва қанча даромад топишини ҳеч ким билмайди. Лекин Американинг “Interspan” компанияси тақдири Ўзбекистон иқтисодиётида сўнгги 20 йилда нималар содир бўлганини яққол кўрсатади. Пахта Ўзбекистондаги ягона қишлоқ хўжалиги маҳсулоти эмас, мамлакатнинг айрим ҳудудлари иклими чой етиштириш учун қулай бўлиб, “Interspan” бу соҳага сармоя тикишга қарор қилади. 2005 йилга келиб компания маҳаллий бозорнинг 30 фоиздан ортигини назорат қиларди, аммо кейин компания бошига мушкулот тушди. Гулнора чой етиштириш соҳаси истиқболли эканини биларди. Кўп ўтмай, “Interspan”нинг маҳаллий ходимларини ҳибсга олиш, калтаклаш ва қийноққа солиш бошланди. Натижада компания фаолият кўрсата олмай қолди ва 2006 йилнинг августида мамлакатдан қувиб чиқарилди. Компаниянинг мол-мулкни Каримовлар оиласининг чойчиликда кенгайиб бораётган бизнеси олиб қўйди. Бу пайтга келиб, Гулноранинг бозордаги улуши бир йил аввалги 2 фоиздан 67 фоизга етди³.

³ Гулнора Каримова 2015 йил август ойида, яъни биринчи президент Ислам Каримов тириклигидаёқ қатор молиявий жиноятларда айбдор деб топилган ва унга 5 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. 2019 йил 5 март куни эса уй қамоғидан умумий режимидаги колонияга ўтказилган. 2020 йил 18 мартда ўтказилган ёпиқ суд мажлисида Гулнора Каримова жиноий уюшма ташкил этиш, товламачилик, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва бошқа жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди. Суд ҳукми билан 13 йилу 4 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди ва

Ўзбекистон кўп жиҳатдан ўтмишнинг, унутилган асрнинг қолдиғига ўхшайди. Ўзбекистон – бир оила ва унинг атрофидаги қорчалонларнинг мустабид ҳокимияти асоратида қолган, мажбурий меҳнатга, тўғрироғи, болаларнинг мажбурий меҳнатига асосланган иқтисодиётга эга мамлакат. Бундан бошқача эмас. Ўзбекистон ҳозирги кунда экстрактив институтлар туфайли таназзулга учраётган мамлакатларнинг намунаси ва, афсуски, у Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон сингари пост-совет республикалари билан жуда кўп умумийликларга эга. Бу мамлакат экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ҳатто XXI асрда ҳам бениҳоя шафқатсиз экстрактив шаклга кириши мумкинлигини кўрсатади.

ҚИЛ УСТИДА ТУРГАН ЎЙИН МАЙДОНИ

XX асрнинг 90-йиллари Мисрда ислохотлар даври бўлди. 1954 йилда ҳарбий тўнтариш йўли билан монархия ағдарилгандан бери Миср социализмсифат мамлакат ўларок идора қилиниб, ҳукумат иқтисодиётда марказий ўрин тутарди. Иқтисодиётнинг кўп соҳалари давлат тасарруфидаги қорхоналар томонидан бошқариларди. Йиллар ўтиб, социализм унсурлари йўқолиб, бозорлар очилди ва хусусий сектор ривожланди. Аммо инклюзив бозорлар пайдо бўлмасдан, бозорни давлат ва 1978 йилда президент Анвар Садат асос солган “Миллий демократик партия”га алоқадор бир ховуч тадбиркорлар назорат қиларди. Ҳусни Муборак ҳукумати даврида тадбиркорлар тобора кўпроқ партия фаолиятида иштирок эта бошлади ва айни пайтда партия ҳам уларга кўпроқ боғланиб борди. 1981 йилда Анвар Садат ўлдирилиши ортидан президентликка сайланган Ҳусни Муборак Миллий демократик партия кўмагида мамлакатни бошқариб, муқаддимада баён қилганимиздек, 2011 йилнинг феввалида жазо муддатини 2015 йил, 21 августдан бошлаб ҳисоблаш белгиланди (Таҳ. изоҳи).

оммавий норозиликлар ва харбийлар томонидан ҳокимиятдан қулатилди.

Энг йирик ишбилармонлар ўзларининг бизнес манфаатларига бевосита алоқадор жабҳаларда энг муҳим ҳукумат мансабларига тайинланган эдилар. “Unilever АМЕТ” (“Unilever” компаниясининг Африка, Яқин Шарқ ва Туркиядаги бўлими)нинг собиқ президенти Рашид Муҳаммад Рашид ташқи савдо ва саноат вазири; Мисрдаги энг йирик саёҳат фирмаларидан бири – “Gagana Travel Company” хўжайини ва бош директори Муҳаммад Зухайр Ваҳид Гарана туризм вазири; Мисрдаги пахта экспорти билан шуғуланувчи энг йирик ширкат – “Nile Cotton Trade Company” асосчиси Амин Аҳмад Муҳаммад Усмон Абаза кишлок хўжалиги вазири эди.

Иқтисодиётнинг кўп соҳаларида тадбиркорлар давлат аралашуви ёрдамида янги ўйинчиларнинг кириб келишини чеклашга эришганди. Бу соҳалар сирасига ОАВ, темир ва пўлат, автомобил саноати, спиртли ичимликлар ва цемент ишлаб чиқариш кирарди. Ҳар бир соҳада сиёсатга бевосита алоқадор тадбиркорлар ва компанияларни ҳимоя қилиш учун янги ўйинчилар олдига улкан тўсиқлар қўйилган бўлиб, яккахокимлик ўрнатилганди. Аҳмад Эз (темир ва пўлат), Савирислар оиласи (мультимедиа, ичимликлар ва телекоммуникациялар) ва Муҳаммад Нусайр (ичимликлар ва телекоммуникациялар) каби ҳукуматга яқин йирик бизнесменлар нафақат давлатдан ҳимоя оларди, балки давлат шартномалари ва йирик банк кредитларини ҳеч қандай гаров қўймасдан қўлга киритарди.

Аҳмад Эз бир вақтнинг ўзида мамлакатдаги энг йирик пўлат компанияси, Миср пўлатининг 70 фоизини ишлаб чиқарувчи “Ezz Steel” ширкати раҳбари ҳамда Миллий демократик партиянинг юқори мартабали аъзоси, Халқ ассамблеясининг бюджет ва режалаш қўмитаси раиси ҳам бўлиб, президентнинг ўғли Жамол Муборакнинг яқин кишиларидан эди.

1990-йилларда Мисрда халқаро молия институтлари ва иқтисодчилар кўмагида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар бозорларни эркинлаштириш ва иқтисодиётда давлат ролини қискартиришга қаратилганди. Барча жабҳалардаги бундай реформаларнинг асосини давлат тасарруфидаги корхоналарни хусусийлаштириш ташкил қиларди. Мексикадаги хусусийлаштириш сиёсати рақобатни ошириш ўрнига давлат тасарруфидаги монополияларни хусусий монополияларга айлантириб, Карлос Слим сингари ҳукуматга яқин тадбиркорларни бойитиш жараёнига айланиб кетган эди. Мисрда ҳам худди шундай бўлди. Ҳукуматга яқин бизнесменлар Мисрнинг хусусийлаштириш дастури ижросида қатта таъсирга эга бўлдики, натижада бу жараён мамлакатнинг бадавлат бизнес элитаси, Миср аҳлининг таъбири билан айтганда, “китлар” фойдасига бўлди. Хусусийлаштириш бошланган кезде бу “китлар”дан 32 нафари мамлакат иқтисодиётини назорат қиларди.

Улардан бири “Luxor Group” раҳбари Аҳмад Заят эди. 1996 йилда ҳукумат Мисрдаги пиво ишлаб чиқариш бўйича монопол компания – “Al Ahram beverages”ни (АБС) хусусийлаштиришга қарор қилади. Кўчмас мулк бизнеси билан шуғулланувчи Фарид Саъд бошчилигидаги “Миср молия компанияси” ҳамда 1995 йилда ташкил қилинган Мисрдаги биринчи венчур капитал компаниясининг консорциумидан таклиф тушади. Консорциум таркибига собиқ туризм вазири Фуад Султон, Муҳаммад Нусайр ва яна бир йирик бизнесмен Муҳаммад Ражаблар кирарди. Гуруҳ ҳукмрон доиралар билан яқин алоқаларга эга эди, аммо муносабатлар етарлича яхши бўлмаган кўринади. Уларнинг 400 миллион Миср жунайҳига тенг таклифи жуда кам деб, қабул қилинмади. Заятнинг алоқалари яхшироқ эди. Аммо Заятнинг компанияни сотиб олишга пули йўқ бўлиб, Карлос Слим фойдаланган схемани бироз янгичароқ усулда ишга солди. АБСнинг акциялари

илк маротаба Лондон фонд биржасига кўйилди ва “Luxog Group” акцияларнинг 74.9 фоизини, ҳар бир акцияни 68.5 фунтдан сотиб олди. Уч ойдан сўнг акциялар иккига бўлиниб, “Luxog Group” уларнинг ҳар бирини 52.5 жунайҳдан пулади ва даромадини 36 фоизга ошириб олди. Шу тариқа Заят бир ойдан кейин АБСни 231 миллион жунайҳга сотиб олиш учун пул жамғаришга муваффақ бўлади. Бу пайтда АБС йилига 41.3 миллион жунайҳ даромад олаётган бўлиб, 93 миллион жунайҳлик нақд пул захирасига эга эди. Компания арзон-гаровга сотиб олинди. 1999 йилда янги хусусийлаштирилган АБС энди ўзининг пиво ишлаб чиқаришдаги монополиясини виночилик соҳасига ҳам татбиқ қилиб, хусусийлаштирилган монопол компания – “Gianaclis”ни сотиб олади. “Gianaclis” импорт қилинган винога кўйилган уч минг фоизлик тарифлар оғушидаги жуда сердаромад компания эди. Компания ҳар бир сотган маҳсулотидан 70 фоиз фойда оларди. 2002 йилда монополия эгалари ўзгарди, Заят АБСни “Heineken”га 1.3 миллиард жунайҳ эвазига сотиб юборди. Компания 5 йилда 563 фоиз фойда келтирди.

Муҳаммад Нусайр доим ҳам мағлуб тарафда бўлавермаган. 1993 йилда у Мисрда “Coca-cola”ни қадоқлаш ва сотиш бўйича монопол ҳуқуққа эга бўлган, хусусийлаштирилаётган “El Nasr Bottling Company”ни сотиб олади. Нусайрнинг ўша пайтдаги давлат бизнес сектори вазири Атиф Ибайд билан алоқалари унга жуда кичик рақобат билан савдо қилиш имконини берди. Икки йилдан кейин Нусайр компанияни уч баравардан кўпроқ фойда эвазига сотиб юборди. Яна бир мисол эса 90-йиллар охирида давлатнинг кино саноатига хусусий секторнинг аралашуви билан боғлиқ. Бу сафар ҳам сиёсий алоқалар туфайли кино саноатини сотиб олиш ва уни бошқариш бўйича таклиф беришга икки оила муваффақ бўлди – улардан бири савирислар оиласи эди.

Бугунги кунда Миср камбағал мамлакат. Тўғри, жа-

нуброкда, тропик Африкада жойлашган мамлакатларчалик қашшоқ бўлмаслиги мумкин, бироқ аҳолининг тахминан 40 фоизи қашшоқликда ва кунига 2 доллардан камроқ даромад эвазига кун кечиради. Қизиқ томони шундаки, аввал тилга олганимиздек, XIX асрда Миср Муҳаммад Али ҳукмронлиги даврида институционал ўзгариш ва иқтисодийни модернизациялаш борасида дастлабки муваффақиятларга эришганди. Ўша пайтда бир муддат экстрактив иқтисодий ўсишга эришилган, сўнг Британия империяси Мисрни босиб олганди. Британиянинг мустамлака даврида пайдо бўлган бир қанча экстрактив институтлардан 1954 йилдан кейин ҳам ҳарбий ҳукуматлар фойдаланишда давом этди. Муайян даражада иқтисодий ўсиш ва таълимга инвестиция қилиш кузатилди, аммо аҳолининг аксарият қисми иқтисодий имкониятлардан мосуво эди, янги элита эса ҳукумат билан алоқалари эвазига бойлик орттиришга эришди.

Мисрнинг экстрактив иқтисодий институтларини экстрактив сиёсий институтлар дастаклаб турди. Президент Хусни Муборак ўз ўғли Жамол Муборакни тайёрлаш орқали сулолавий сиёсий ворисликни бошламоқчи бўлганди. 2011 йил бошларида “Араб баҳори” номини олган оммавий тартибсизликлар ва намоёнлар туфайли Муборакнинг зolim бошқаруви қулаши билан бу режа чиппакка чиқди. Жамол Абдул Носир президентлиги даврида иқтисодий институтларнинг инклюзив жиҳатлари намоён бўла бошлаган, давлат таълим тизимини йўлга қўйиб, ундан аввалги қирол Форук даврида бўлмаган имкониятлар билан таъминлаганди. Аммо бу экстрактив сиёсий институтлар ва айрим инклюзив жиҳатларга эга бўлган иқтисодий институтларнинг заифҳол боғланиши намунаси эди.

Бунинг Хусни Муборак бошқаруви даврида юзага чиққан муқаррар натижаси эса иқтисодий институтлар тобора экстрактив бўлиб боргани ва мамлакатдаги сиёсий

хокимиятнинг тақсимотига таъсир кўрсатгани билан изоҳланади. Қайсидир маънода “Араб баҳори” бу ҳолатга нисбатан билдирилган реакция бўлди. Нафақат Миср, балки Тунис учун ҳам шундай дейиш мумкин. Туниснинг экстрактив сиёсий институтлар бошқарувидаги 30 йиллик иқтисодий ўсиши президент Зайнул Обидийн ибн Али ва унинг оиласи иқтисодиётни тобора ютиб юборишни бошлаган кезде орқага кетди.

НЕГА МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛГА УЧРАЙДИ?

Мамлакатлар иқтисодий таназзулга экстрактив институтлар туфайли юз тутади. Бу институтлар қашшоқ мамлакатларни қашшоқликда ушлаб туради ва уларнинг иқтисодий тараққиёт йўлига чиқиб олишларига халал беради. Бугунги кунда бунинг ҳақлигини Африкадаги Зимбабве ва Сьерра-Леоне, Жанубий Африкадаги Колумбия ва Аргентина, Осиёдаги Шимолий Корея ва Ўзбекистон ҳамда Яқин Шарқдаги Миср мисолида кўриш мумкин. Бу мамлакатлар ўртасида сезиларли тафовутлар мавжуд. Айримлари тропик минтақадан бўлса, бошқалари мўътадил иқлимли ўлкалар. Айримлари Британиянинг, баъзилари эса Япония, Испания ёки Россиянинг мустамлакаси бўлишган. Уларнинг тарихи, тили ва маданияти бир-биридан бутунлай фарқ қилади. Уларнинг ҳаммасини боғлаб турадиган умумий жиҳат эса экстрактив институтлар ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг барчасида институтларнинг илдизи иқтисодий институтларни жамиятнинг аксарият аъзолари ҳисобига ўзларига бойлик орттириш ва ҳокимиятни сақлаб туришга мослаб қурган элитага бориб тақалади. Мамлакатларнинг ҳар хил ўтмишга ва турлича ижтимоий тузилишга эгаллиги элитанинг табиати ва экстрактив институтлар хусусиятларида турфа хилликни келтириб чиқарган. Аммо зикр этилган экстрактив институтларнинг бардавом бўлиши доим зарарли алоқадорлик занжири билан боғлиқ. Бу институтларнинг мамлакат фуқароларини

кашшоқлаштиришдаги ўрни эса бир хил, фақат уларнинг кўлами бир-биридан фарқ қилади.

Масалан, Зимбабведа 1970-йилларда мустамлакачиликка қарши курашга раҳбарлик қилган Роберт Мугабе ва ЗАМИ-ВФ партияси етакчи аъзолари элитани ташкил қилади. Шимолий Корея элитаси эса Ким Чен Ир ва Коммунистик партия атрофида йиғилган тўдадан иборат. Ўзбекистонда элитани президент Ислоҳ Каримов, унинг оиласи ва совет давридан қолган ҳаммаслаклари шакллантиради. Бу элита гуруҳлар ростдан ҳам бир-бирига ўхшамайди, ўртадаги тафовут эса элита бошқарётган турфа хил мамлакатлар ва иқтисодиётлар билан бирга экстрактив институтларнинг муайян шакллари ҳам бир-биридан фарқ қилишини англатади. Мисол учун, Шимолий Корея коммунистик инқилоб натижасида вужудга келгани туфайли у компартиянинг якка-хукмронлигига асосланган бир партияли сиёсий тизим кўринишини олган. Гарчи Мугабе 1980-йилларда Матабелеленддаги ўз муҳолифларидан қутулиш учун Шимолий Корея армиясини Зимбабвега таклиф қилган бўлса-да, экстрактив институтларнинг бундай модели Зимбабведа қабул қилинмайди. Ҳокимиятга мустамлакачиликка қарши кураш натижасида келгани туфайли Мугабе ўз ҳокимиятини сайловлар орқали хаспўшлашга мажбур эди. Ҳолбуки, у маълум муддат мобайнида конституция билан белгиланган бир партияли давлатни куришга муваффақ бўлди ҳам.

Бунга қарама-қарши ўлароқ, Колумбия сайловлар ўтказиш бўйича узоқ йиллик тарихга эга. Бу Испаниядан мустақилликка эришгандан сўнг либерал ва консерватив партия ўртасида ҳокимиятни бўлиб олиш усули ўлароқ тарихан пайдо бўлган тажриба эди. Элиталарнинг нафақат табиати, балки уларнинг сони ҳам турлича бўлади. Ўзбекистонда Ислоҳ Каримов совет давлатидан қолган қолдиқлар устидан назоратни қўлга олишга муваффақ

бўлди. Бу унга муқобил элита қаршилигини бостириш ва уларни йўқ қилиш учун қудратли қуролга эга бўлиш имконини берди. Колумбияда эса марказлашган давлат ҳокимиятининг йўқлиги сон-саноксиз тарқоқ элитани пайдо қилди – умуман олганда, улар шунчалик кўп эдики, баъзан ўзаро бир-бирларини йўқ қиларди. Лекин элита ва сиёсий институтларнинг турфа хиллигига қарамадан, бу институтлар кўпинча уларни юзага келтирган элитанинг ҳокимиятини мустаҳкамлашга муваффақ бўлади. Гоҳида эса бу институтлар бошланишига туртки берган ўзаро кураш Сьерра-Леонедаги сингари давлатнинг қулашига олиб келади.

Ўтмиш ва ижтимоий тузилишдаги тафовутлар элитанинг шахсияти ва экстрактив сиёсий институтларнинг хусусиятларида фарқларни юзага келтиргани сингари, элита жорий қилган экстрактив иқтисодий институтларнинг хусусиятлари ҳам турлича бўлади. Шимолий Кореяда бошқаларни хонавайрон қилиш воситалари коммунистик инструментлардан мерос қолган: хусусий мулкнинг бекор қилиниши, давлат тасарруфидаги кишлоқ хўжалик субъектлари ва давлат назорат қиладиган sanoat корхоналари.

Мисрда эса вазият 1952 йилда полковник Абдул Носир яратган социалистик ҳарбий режим давридан бери ўзгармаган. Жамол Абдул Носир совуқ урушда СССР тарафида турди, хорижий сармояларни, хусусан, Британия эгалик қилган Сувайш каналини тортиб олди ва иқтисодиётнинг аксар қисмини давлат тасарруфига ўтказди. Аммо 1950–1960 йиллардаги Мисрдаги вазият 1940-йиллардаги Шимолий Кореядаги вазиятдан катта фарқ қилади. Шимолий Кореяда янада кескинроқ коммунистик иқтисодий тартиб ўрнатиш осонроқ эди, зеро бу ерда японларга тегишли бўлган мулкларни мусодара қилиш ва Хитой инқилобига хос иқтисодий модел қуриш мумкин эди.

Аксинча, Миср инкилоби кўпроқ бир гуруҳ ҳарбий зобитларнинг тўнгаришидан иборат бўлди. Шунинг учун совуқ урушда тарафларни ўзгартириб, Миср энди Ғарб томонга ўтганда, ҳарбий ҳукумат учун талон-тарож шаклини марказлашган буйруқбозликдан таниш-билишлар капитализмига ўзгартириш нисбатан осон, ҳатто кулай ҳам бўлди. Шунга қарамай, Мисрнинг Шимолий Кореяга қараганда яхшироқ иқтисодий кўрсаткичларга эришгани Мисрдаги институтларнинг экстрактив табиати нисбатан чекланганроқ бўлгани натижаси эди. Бир томондан, Шимолий Кореянинг Коммунистик партияси сингари зулмкор ҳокимиятга эга бўлмаган Миср ҳукумати ўз фуқароларини тинчлантиришга мажбур бўлганди, Шимолий Корея эса бундай йўл тутмади. Бошқа томондан, ҳатто таниш-билишлар капитализми ҳам сармоя тикиш учун лоақал ҳукуматга яқин кишиларда қандайдир хоҳиш-истак уйғотади, Шимолий Кореяда бундай имконият ҳам мутлақо йўқ эди.

Ғарчи зикр этилган жиҳатларнинг барчаси муҳим ва қизиқарли бўлса-да, энг асосий сабоқ умумий маънода бўлиб, барча келтирилган мисоллардан очик-ойдин кўриниб турибдики, экстрактив сиёсий институтлар пул ва ҳокимиятни элитага етказиб берадиган экстрактив иқтисодий институтларни вужудга келтирган.

Мазкур турли мамлакатлардаги талон-тарож кўлами фарқ қилиши тайин ва у тараққиёт йўлида жиддий оқибатлар келтириб чиқаради. Мисол учун, Аргентинада конституция ва сайловлар плюрализмни вужудга келтириш учун етарли самара бермаган бўлиши мумкин, ammo улар Колумбиядагига қараганда яхшироқ ишлади. Аргентинада давлат, ҳеч бўлмаганда, зўравонликни монополия қила олди. Қисман шунинг натижаси ўлароқ, Аргентинада киши бошига даромад Колумбиядаги кўрсаткичдан икки баравар юқори. Ҳар иккала мамлакатнинг сиёсий институтлари элитани тийиб туриш

борасида Зимбабве ва Сьерра-Леонега қараганда яхшироқ натижага эришган, оқибатда бугунги Зимбабве ва Сьерра-Леоне Аргентина ва Колумбиядан кўра анча қашшоқроқ бўлиб қолмоқда.

Зарари алоқадорлик занжири яна шуни кўрсатадики, экстрактив институтлар Сьерра-Леоне ва Зимбабведаги сингари давлатнинг қулашига олиб борса-да, бу ҳали мазкур институтлар ҳукмронлигига чек қўйилганини билдирмайди. Илгари гувоҳ бўлганимиздек, фуқаролар уруши ва инқилоблар бурилиш нуқталарида юз беришига қарамасдан, муқаррар институционал ўзгаришга олиб келмайди. Сьерра-Леонеда 2002 йилда уруш тугагандан бери содир бўлган ҳодисалар бунинг яққол тасдиғидир.

2007 йилги демократик сайловда Сиака Стивенснинг Умумхалқ конгресси партияси яна ҳокимиятга қайтди. Гарчи янги сайланган президент Эрнест Бай Короманинг УҚП тузган аввалги ҳукуматларга алоқаси бўлмаса-да, унинг ҳукумати аъзоларидан кўпчилиги аввалги ҳукуматларга бегона эмасди. Ҳаттоки Стивенснинг ўғилларидан икки нафари – Бокари ва Женго АҚШ ва Германияга элчи қилиб тайинланди. Қайсидир маънода бу Колумбияда юз берган ҳолатнинг бир шаклига ўхшайди. Колумбияда мамлакатнинг кўп ҳудудларида давлат ҳокимиятининг заифлиги йиллар ўтиши билан сақланиб келди, негаки шундай бўлишидан сиёсий элитанинг бир қисми манфаатдор эди. Аммо айна пайтда давлатнинг энг муҳим институтлари бу тартибсизлик ялпи бошбошдоқликка айланиб кетиши олдини олишга қурбн етадиган даражада қудратли эди. Сьерра-Леонеда бўлса қисман иқтисодий институтларнинг экстрактив хусусияти, қисман эса мамлакатнинг беҳад экстрактив сиёсий институтлардан иборат ўтмиши туфайли мамлакат нафақат иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечирди, балки бошбошдоқлик ва маълум даражадаги тартиб орасида аросатда қолди. Аммо барибир кўп йиллик

натижа ўша-ўша: давлат йўқ хисобида, институтлар эса экстрактивлигича қолган.

Қайд қилинган барча мисолларда мамлакатлар узок йиллар давомида, ҳеч бўлмаганда, XIX асрдан бери экстрактив институтларга эга бўлган. Уларнинг барчаси зарarli алоқадорлик занжирининг домига тушиб қолган. Колумбия ва Аргентинада уларнинг илдишлари Испания мустамлакачилик даврининг институтларига бориб тақалади. Зимбабве ва Сьерра-Леонеда эса бундай институтлар XIX аср охирларида, Британиянинг мустамлакачилик бошқаруви даврида бошланган. Сьерра-Леонеда оқ танли кўчманчиларнинг йўклиги туфайли сиёсий ҳокимиятнинг аввалги экстрактив тузилмалари ўрнида янгича режим барпо қилинди ва янада кучайтирилди. Бу тузилмаларнинг ўзи эса сиёсий ҳокимиятнинг йўқлиги ҳамда қул савдосининг дахшатли таъсири билан характерланадиган кўп йиллик зарarli алоқадорлик занжири натижаси эди. Зимбабведа эса экстрактив институтларнинг янгича шакли кўпроқ йўлга қўйилганди, негаки “Британия Жанубий Африкаси компанияси” қўш иқтисодиётни юзага келтирганди. Ўзбекистонга келсак, у Совет Иттифоқининг экстрактив институтларини мерос қилиб олди ва худди Миср сингари уларни танишбилишчилик капитализмига айлантиришга муваффақ бўлди. СССРнинг экстрактив институтлари эса кўп жihatдан чор ҳукуматининг давоми бўлиб, бу модел олигархиянинг темир қонунига асосланади. Зарarli алоқадорлик занжирининг хилма-хил шакллари дунёнинг турли бурчакларида юз беравергани туфайли сўнгги 250 йилда дунёда тенгсизлик юзага келди ва шунча вақтдан бери сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда турли мамлакатлардаги иқтисодий ва сиёсий таназзулнинг ечими эса улардаги экстрактив институтларни инклюзив институтларга ўзгартиришдан иборатдир. Зарarli занжир мавжуд экан, бу осон бўл-

майди. Аммо бу имконсиз иш эмас. Олигархиянинг темир қонуни ҳам муқаррар ҳодиса эмас. Ё институтлардаги аввалдан мавжуд бўлган инклюзив элементлар ёки мавжуд режимга қарши курашга олиб борадиган кенг қамровли коалиция мавжудлиги ёхуд шунчаки тарихнинг тасодифий ўзгариши зарарли занжир ҳалқаларини узиши мумкин. Сьерра-Леонедаги фуқаролар уруши сингари 1688 йилги Шонли инқилоб ҳам ҳокимият учун кураш эди. Аммо бу кураш ўз табиатига кўра Сьерра-Леонедаги фуқаролар урушидан тамомила фарқ қилади. Эҳтимол, Шонли инқилобда қирол Жеймс II ни тахтдан ағдариш учун курашган айрим парламентарийлар фуқаролар урушидан кейин Оливер Кромвел сингари ўзларини янги мустабид ролида тасаввур қилган бўлиши мумкин. Аммо парламент қудратли бўлиб улгурган, турли иқтисодий манфаатлар ва хилма-хил дунёқарашларга эга бўлганлардан иборат кенг коалициядан ташкил топгани туфайли 1688 йилда олигархиянинг темир қонунини ўрнатиш имконсиз бўлиб қолди. Шу билан бирга, омад Жеймс II тарафида эмас, парламент тарафида бўлгани ҳам ёрдам берди. Кейинги бобда биз экстрактив институтлар билан боғлиқ узок йиллик тажрибасига қарамай, кескин ўзгаришлар қилиб, институтларини яхшироқларига алмаштиришга муваффақ бўлган мамлакатлардан мисолларни кўриб чиқамиз.

14

ҚОБИҚНИ ЁРИБ ЧИҚИШ

1. The first part of the document discusses the importance of maintaining accurate records of all transactions. It emphasizes that proper record-keeping is essential for the integrity of the financial system and for the ability to detect and prevent fraud.

2. The second part of the document outlines the various methods used to collect and analyze data. It describes the use of statistical techniques to identify trends and anomalies in the data, and the importance of using reliable sources of information.

3. The third part of the document discusses the role of the auditor in the process. It explains that the auditor's primary responsibility is to provide an independent and objective assessment of the financial statements. This involves a thorough review of the records and a comparison of the results with the applicable accounting standards.

4. The fourth part of the document discusses the importance of transparency and accountability in the financial system. It explains that transparency allows stakeholders to make informed decisions based on the available information, and accountability ensures that those responsible for the system are held to a high standard of performance.

5. The fifth part of the document discusses the role of the government in the financial system. It explains that the government has a responsibility to ensure that the system is fair and equitable, and to provide a framework of laws and regulations that govern the system.

6. The sixth part of the document discusses the role of the private sector in the financial system. It explains that the private sector is responsible for providing the services and products that are needed by the economy, and for ensuring that these services and products are provided in a safe and sound manner.

7. The seventh part of the document discusses the role of the public in the financial system. It explains that the public has a responsibility to ensure that the system is used in a responsible and ethical manner, and to provide feedback to the system when necessary.

8. The eighth part of the document discusses the role of the media in the financial system. It explains that the media has a responsibility to provide accurate and unbiased information about the system, and to hold those responsible for the system to account.

9. The ninth part of the document discusses the role of the academic community in the financial system. It explains that the academic community has a responsibility to conduct research and to provide a critical analysis of the system, and to disseminate this information to the public.

10. The tenth part of the document discusses the role of the international community in the financial system. It explains that the international community has a responsibility to ensure that the system is used in a way that is consistent with the principles of international law and ethics, and to provide support and assistance to those who are in need.

АФРИКАЛИК УЧ САРДОР

1895 йилнинг 6 сентябрь куни “Танталлон қасри” (“Tantallon Castle”) номли океан лайнери Англиянинг жанубий соҳилидаги Плимут портига кириб келади. Уч нафар африкалик қабила сардори – Нгвата оқсоқоли Кҳама, Нгвакетсе етакчиси Батохоен ва Квена бошлиғи Себеле кемадан тушиб, 8:10 да йўлга чиқадиган тезюарар поездга ўтириб, Лондонга, “Паддингтон” вокзалига йўл оладилар. Учала сардорни Британияга битта вазифа бошлаб келган эди: ўзлари мансуб бўлган қабила ҳамда Цвана халқининг яна беш қабиласи ерларини Сесил Родс хужумидан кутқариб қолиш. Бечуаналендни ташкил қилган саккиз Цвана давлатидан учтаси Нгвата, Нгвакетсе ва Квена бўлиб, бу ўлка 1966 йилда мустақилликка эришган, сўнг Ботсвана номини олади.

XIX асрда бу қабилалар кўп йиллардан бери европаликлар билан савдо-сотик қиларди. 1840-йилларда атоқли шотланд миссионери Давид Ливингстон Бечуаналендга кўп бор сафар қилади ва Квена подшоси Сечеленинг насроний динини қабул қилишига эришади. Инжилнинг Африка тилларидаги биринчи таржимаси айнан Цвана халқининг сетсвана тилига қилинган эди. 1885 йилда Британия Бечуаналендни ўз протекторати деб эълон қилади. Цвана халқига бу маъқул келди, чунки улар Британия протекторати бўлиш уларни бошқа европаликларнинг истилосидан ҳимоя қилади, деб ҳисоблагандилар. Улар, айниқса, 1835 йилги “Буюк трек” вақтида Британия истилосидан қочиб, қитъа ичкарасига кўчиб келган бурлар билан олишиб келди. Бошқа томондан, Британия ҳукумати ҳудудни назорат қилиш орқали бу ҳудудда бурлар экспанциясига чек қўйиш ва жануби-ғарбий Африка, бугунги Намибия ҳудудларини босиб олган немисларнинг бўлажак хужумларини тўх-

татишни истарди. Аммо британияликлар бу худудни тўла-тўқис мустамлака қилишни фойдасиз деб ҳисоблади. 1885 йилда олий комиссар Рей Британия ҳукуматининг ёндашувини аниқ-равшан баён қилганди:

Бизнинг бу мамлакатда ички вилоятларга олиб борадиган йўллардан бўлак шимолдаги Молопедан (Бечуаналенд протекторати) ерларига қизиқишимиз йўқ. Шу тариқа ҳозирга қадар бошқарув ва ерларни забт этиш борасида арзимаган ҳаракат билан протекторатнинг ўша қисмини фитначилар ёки ташқи кучлар томонидан эгаллашининг олдини олишга муваффақ бўлдик.

Бирок 1889 йилда Цвана халқи учун вазият ўзгарди: Сесил Родснинг “Британия Жанубий Африкаси компанияси” Жанубий Африкадан шимолга томон сарҳадларини кенгайтириб, бугунги Замбия ва Зимбабве ерларини босиб олгач, Шимолий ҳамда Жанубий Родезия колониялари ташкил қилинди. Учала сардор Лондонга сафар қилган 1895 йилга келиб, Сесил Родс Родезиянинг жануби-гарбидаги Бечуаналендга кўз тика бошлаганди. Бу худуд Родснинг кўлига ўтган тақдирда, фалокат ва эксплуатацияга дучор бўлишларини сардорлар фаҳмларди. Ҳарбий йўл билан Родснинг енгилари имконсиз бўлсада, улар кўлларидан келадиган ҳар қандай усулда унга қарши курашишга бел боғладилар. Улар икки зарардан енгилроғини – Родснинг мустамлакаси бўлишдан кўра Британия қарамоғида кўпроқ ҳокимиятга эга бўлишни танладилар. Лондон миссионерлик жамияти кўмагида улар қиролича Виктория ва ўша пайтдаги мустамлака ишлари вазири Жозеф Чемберлендан Бечуаналендни бошқариш бўйича кўпроқ ваколатлар бериш ҳамда ўлкани Родсдан ҳимоя қилишни сўраш учун Лондонга борадилар.

Даставвал 1895 йилнинг 11 сентябрь куни улар Чемберлен билан учрашди. Аввал Себеле сўз олди, кейин Батохоен, охирида эса Кҳама гапирди. Чемберлен қабил

лаларни Родсдан ҳимоялаш учун Британия ҳокимиятини ўрнатиш лозим, деб ҳисоблашини билдирди. Ўз навбатида, сардорлар дарҳол ўз илтимосларининг кўпчилиги томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш учун мамлакат бўйлаб сафарга отланишди. Улар Лондон яқинидаги Виндзор ва Ридингга, жанубий соҳилдаги Саутхемптонга, Англиянинг марказий қисмларида жойлашган, Чемберленнинг сиёсий таянчи бўлган Лестер ва Бирмингемга ташриф буюриб, нутқлар қилди. Кейин шимолдаги Йоркшир, Шеффилд, Лидс, Ҳалифакс ва Бредфорд каби саноат шаҳарларига бордилар. Ғарб томон юриб, Бристолга, ундан эса Манчестер ва Ливерпулга ҳам ўтдилар.

Айни пайтда Чемберленнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, Жанубий Африкада Сесил Родс Трансваал Бурлар Республикасига қарши курали ҳужум – “Жеймсон босқини”ни уюштиришга ҳозирлик кўраётганди. Бу ҳодисалар, афтидан, аввал бошқача фикрда бўлган Чемберленда мушкул аҳволда қолган сардорларга нисбатан хайрихоҳлик уйғонишига сабаб бўлгандир, эҳтимол. 6 ноябрь куни улар Лондонда яна учрашишди. Сардорлар тилмоч орқали у билан суҳбатлашди:

Чемберлен: Мен сардорлар тасарруфидаги ерлар, темир йўл ва сардорлар ҳукмронлик қиладиган ерларда жорий этилажак қонунлар ҳақида гаплашмоқчиман... энди харитага назар ташлайлик... Биз темир йўл учун зарур бўлган ернигина оламыз, ундан ортигини эмас.

Кҳама: Шунга айтмоқчиманки, агар жаноб Чемберлен ерни ҳам қўлга киритишни истаса, бундан мамнун бўлардим.

Чемберлен: Ундай бўлса, унга айтинг: мен темир йўлни ўзим юборадиган одамнинг кўз ўнгида қурдираман. Бунинг учун қанча ер керак бўлса, ҳаммасини оламан ва олинган ернинг қийматича компенсация тўлайман.

Кҳама: Темир йўл қаердан ўтишини билмоқчиман.

Чемберлен: Темир йўл унинг еридан ўтади, лекин атрофи ўралган бўлади. Биз ундан бошқа ер олмаймиз.

Кҳама: Менга келсак, ишончим комилки, сиз буни амалга оширишда менга нисбатан одилона муносабатда бўласиз.

Чемберлен: Мен сизнинг манфаатларингизни ҳимоя қиламан.

Эртаси куни Мустамлака ишлари вазирлигида Эдуард Фейрфилд Чемберленнинг мустамлака режасини батафсилроқ тушунтиради:

Учала сардорнинг ҳар бири – Кҳама, Себеле ва Батоҳоен ўзлари истиқомат қилиб келаётган мамлакатга ҳозирги чегаралар доирасида қироличанинг ҳимояси остида ҳукмронлик қилади. Қиролича улар билан бирга яшайдиган вакилларни тайинлайди. Сардорлар ўз қабилаларини ҳозирги пайтда қандай идора қилса, шундай бошқаришда давом этишади.

Африкалик уч сардорнинг ўзидан илгорлик қилиб қолишига Родснинг реакциясини тахмин қилиш қийин эмас. У қўл остидагилардан бирига шундай мазмунда телеграмма жўнатади: “Мени маҳаллий аҳолидан бўлган уч мунофиқ доғда қолдириб кетишига йўл қўймайман”.

Аслида, сардорларда Родсдан ва кейинчалик Британиянинг билвосита бошқарувидан ҳимоя қилиш учун арзигулик нимадир бор эди. XIX асрга келиб, Цвана қабилалари бир қатор муҳим сиёсий институтларни шакллантиришга улгургандилар. Булар сирасига тропик Африка билан таққослаганда сиёсий марказлашувнинг ноодатий даражаси ва плюрализмнинг илк, ибтидоий кўриниши сифатида баҳолаш мумкин бўлган жамоавий тарзда қарор қабул қилиш тартиби кабилар кирарди. Баронларга сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнида қатнашиш имконини берган ва инглиз қиролларининг хатти-ҳаракатларига айрим чекловлар қўйган Буюк эр-

кинлик хартияси сингари, Цвананинг сиёсий институтлари, хусусан, кготла тартиби, сиёсий ўйинчилар сонининг кенгайишига туртки бериб, сардорларни тийиб туришга хизмат қиларди. Жанубий африкалик антрополог Исаак Шапера кготланинг қандай ишлашини куйидагича тасвирлайди:

Қабила сиёсатиға тааллуқли барча масалалар сардорнинг кготласида (кенгаи жойида) ўтадиган эркакларнинг умумий йигинида ҳал қилинади. Бундай йигилишлар тез-тез бўлиб туради. Муҳокама қилинадиган мавзулар орасида қабилалараро низолар, сардор ва унинг қариндошлари ўртасидаги келишмовчиликлар, янги йигимлар ундириши, янги жамоат ишларини уюштириши, сардорнинг янги фармонларини эълон қилиши қабила бор. Қабила йигини сардорнинг хоҳиш-истакларини бекор қила оладими, йўқми – номаълум. Ҳар ким гапириши мумкин бўлгани учун бу йигинлар сардорга одамларнинг фикрларини билиб олиш имконини берса, халққа ўз шикоятларини изҳор қилишга шароит яратиб беради. Агарда вазият тақозо қилса, сардор ва унинг маслаҳатчиларига жиддий танбеҳ берилиши мумкин, одамлар ўз фикрини очиқ ва ошкора изҳор қилишдан қўрқиши камдан-кам учрайди.

Кготладан ташқари цвана сардорлиги авлоддан-авлодга ўтиши қатъий белгиланмаган бўлиб, ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён қила олган ҳар қандай киши учун бу лавозим очиқ эди. Антрополог Жон Комарофф Цвана давлатларидан яна бири – Ролонгнинг сиёсий тарихини чуқур ўрганган. У сиртдан қараганда, гарчи Цвана халқида сардорлик қандай мерос қолиши бўйича аниқ қоидалар мавжуд бўлгандек туюлса-да, амалда бу қоидалар номуносиб ҳукмдорларни олиб ташлаб, иқтидорли номзодларнинг сардорликка чиқишини таъминлаш учун талқин қилинганини исботлайди. Унинг

тадқиқотлари шуни кўрсатадики, сардорликни эгаллаш муваффақият қозонишдан иборат бўлгани билан ҳаммаси голиб номзодни қонуний ворисдек кўрсатадиган тарзда йўлга қўйилганди. Цвана халқи буни конституциявий монархия белгиси ўлароқ қуйидаги мақол билан ифодаларди: *“кгоси ке кгоси ка морафе” – “Қирол халқнинг марҳамати билангина қиролдир”*.

Лондонга амалга оширилган сафардан кейин цваналик сардорлар ўзларининг Британиядан мустақилликлари ва маҳаллий институтларни сақлаб қолишга уринишда давом этдилар. Улар Бечуаналендда темир йўл қуриш масаласида ён бердилар, аммо иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг бошқа жабҳаларига Британиянинг таъсирини чеклашга эришдилар. Улар темир йўл қурилишига қарши чиқишмади, бу жиҳатдан Австрия-Венгрия ва Россия императорларини темир йўлга қарши чиқишга ундаган сабаблар уларда йўқ эди. Аммо улар бир нарсани яхши фаҳмларди: токи мустамлака бошқаруви остида бўлар экан, темир йўллар Британиянинг бошқа тартиблари сингари Бечуаналендга тараққиёт келтирмасди. Бунинг мисоли Ботсвананинг 1980–1998 йилларда мамлакатни бошқарган биринчи президенти Кветт Масире билан юз берган қуйидаги ҳодисада ҳам яққол кўринади. 1950-йилларда Масире уддабурон фермер эди; у жўхори етиштиришнинг янги усулларини ишлаб чиқиб, Жанубий Африка билан чегарада жойлашган “Vryburg Milling” компаниясидан харидор ҳам топади. У Бечуаналенднинг “Лобатсе” темир йўл вокзали раҳбарига мурожаат қилиб, етиштирилган ҳосилни Врибургга етказиш учун иккита темир йўл вағони сўрайди. Станция раҳбари эса бу илтимосни рад қилади. Шундан сўнг у оқ танли дўстини ишга солади. Станция раҳбари истамай рози бўлади, аммо Масире учун оқ танлиларга белгиланган қийматдан тўрт баробар қимматроқ нарх белгилайди. Масире эса нияти-

дан воз кечаркан, шундай хулоса қилади: “Бечуаналенд-да қора танлиларга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга халал бериб, африкаликларга ерга эркин эғалик қилиш ёки савдо қилиш рухсатномаларини олишга нафақат қонунлар, балки оқ танлилар ҳам тўсқинлик қиларди”.

Умуман олганда, Цвана сардорлари ва халқига омад кулиб боққанди. Очиги, қанчалик мушкул иш бўлмасин, улар Родснинг тажовузидан омон қолишни уйдаладилар. Бечуаналенднинг аҳамияти Британия учун унча катта бўлмаганидан, бу ерда билвосита бошқарув туфайли Сьерра-Леонеда юз берганга ўхшаш зарарли алоқадорлик занжири юзага келмади. Улар, шунингдек, Жанубий Африканинг ички ҳудудларида бўлгани сингари мустамлака босқини юз бериши, оқибатда эса мамлакатни оқ танли кончилар ва фермерлар учун арзон ишчи кучи манбаига айланишининг олдини олдилар. Кўп мамлакатлар учун мустамлакалаштириш жараёнининг илк босқичлари бурилиш нуқтаси бўлади, мазкур ҳал қилувчи даврда юз берган ҳодисаларнинг ўша мамлакатлар икгисодий ва сиёсий тараққиёти қай зайлда кечишига таъсири кучли ҳамда узоқ муддатли бўлади. 9-бобда баён қилганимиздек, Жанубий Африка ва Жанубий Осиё мамлакатлари сингари тропик Африканинг аксарият ўлкалари ҳам мустамлака даврига келиб, экстрактив институтларнинг жорий қилиниши ёки кучайишига гувоҳ бўлди. Цвана халқи эса ҳам шафқатсиз билвосита бошқарув ҳукмронлигидан қутулиб қолди, ҳам Родс уларнинг ерларини босиб олган тақдирда бошларига тушиши мумкин бўлган оғирроқ мусибатдан нари бўлди. Аммо бу шунчаки кўр-кўрона омад эмас, Цвана қабилалари институтларининг тадрижий ривожланиши билан шаклланган институтлар ҳамда мустамлакачилик сиёсати юзага келтирган бурилиш нуқтаси ўртасидаги ўзаро таъсир натижаси эди. Учала сардор ташаббус кўр-

сатиб Лондонга сафар қилиш орқали ўз мақсадларига етдилар. Бунга тропик Африканинг бошқа қабилаларига нисбатан бошқачароқ ҳукмронлик даражасига эга бўлганлари ҳамда Цвана қабилалари эришган сиёсий марказлашган ҳокимият туфайли имкон топдилар. Шу билан бирга, уларнинг қабилавий институтларида муайян даражада плюрализм мавжуд бўлгани сабаб сардорларда тропик Африкага хос бўлмаган ғайриоддий ҳокимият шаклланганди.

Ботсвананинг муваффақиятида мустамлака даврининг охирида юзага келган яна бир бурилиш нуқтаси ҳам муҳим роль ўйнади ва инклюзив институтларни ривожлантиришга имкон берди. Бечуаналенд Ботсвана номи билан мустақилликка эришган 1966 йилда Себеле, Батоҳоев ва Кҳама каби омади чоған сардорлар узок ўтмишда қолганди. Мустамлака йилларида британияликлар Бечуаналендга жуда кам инвестиция киритди. Мустақилликка эришган чоғда Ботсвана жаҳондаги энг қашшоқ мамлакатлардан бири эди. Мамлакатда қаттиқ қопламали йўлларнинг умумий узунлиги 12 кмдан ошмас, университет дипломига эга кишилар 22 нафар, ўрта мактабни тамомлаганлар эса юзтачани ташкил қиларди. Бу ҳам етмагандай, Ботсвана деярли ҳамма томондан оқ танлилар бошқарувидаги мамлакатлар – Жанубий Африка, Намибия ва Родезия билан ўралган бўлиб, бу давлатларнинг барчасида қора танлилар бошқарадиган мустақил Африка мамлакатларига нисбатан адоват бор эди. Ўша пайтда кам сонли кишиларгина Ботсвананинг тараққий этишига ишонарди. Аммо охириги 45 йил давомида Ботсвана дунёдаги энг тез ривожланаётган мамлакатлардан бири бўлди. Бугунги кунда Ботсвана аҳоли жон бошига даромадлари бўйича тропик Африкада биринчиликни эгаллайди. Бу кўрсаткич бўйича Шарқий Европанинг Эстония ва Венгрия мамлакатлари билан

тенглашади, Лотин Америкасидаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган Коста-Рика билан бир даражада туради.

Хўш, Ботсвана қандай қилиб қобиқдан чиқа олди? Мустақилликдан кейин дарҳол инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларни йўлга қўйиш орқали, албатта. Ўшандан бери Ботсвана демократик давлат, мунтазам ва рақобатга асосланган сайловлар ўтказилади, мамлакат бирор марта бўлсин, фуқаролар уруши ёки ҳарбий босқинчиликни бошдан ўтказмади. Хукумат шундай иқтисодий институтларни жорий қилганки, улар мулк дахлсизлигини ҳимоялайди, макроиқтисодий барқарорликни таъминлайди ва инклюзив бозор иқтисодиётининг ривожланишини рағбатлантиради. Дарҳақиқат, мана бу савол кўпчиликка қизиқ: аксарият Африка мамлакатларига хилоф ўларок, Ботсвана барқарор демократия ва плюралистик институтларни йўлга қўйишни, инклюзив иқтисодий институтлар жорий қилишни қандай удалади? Бу саволга жавоб бериш учун мустахлака бошқаруви тугаши билан пайдо бўлган бурилиш нуқтаси Ботсвананинг амалдаги институтларига қандай таъсир қилганини англашимиз лозим.

Тропик Африканинг аксарият ўлкаларида, хусусан, Сьерра-Леоне ва Зимбабведа мустақиллик бой берилган имконият бўлиб, мустахлака давридаги экстрактив институтлар қайта ўрнатилиши билан бирга юз берди. Ботсванада эса мустақилликнинг илк даври анча бошқача кечди, бу асосан Цвананинг тарихий институтлари юзага келтирган вазият билан боғлиқ эди. Бу пайтда Ботсвана Шонли инқилоб арафасидаги Англия билан кўплаб ўхшашликларни намоён қилди. Англияда тюдорлар сулоласи даврида жадал сиёсий марказлашишга эришилган, Буюк эркинлик хартияси қабул қилинган ҳамда лоакал қиролларни тийиб туриш ва плюрализмнинг муайян даражасини таъминлашни истайдиган парламентга эга

бўлиш тажрибаси бор эди. Ботсвана ҳам қайсидир даражада марказлашган давлат ҳамда мустамлака даврида ҳам сақланиб қолган нисбатан плюралистик қабилавий институтларга эга эди. Англияда янги пайдо бўлган кенг камровли коалиция шаклланган бўлиб, у Атлантика савдогарлари, саноатчилар ва тижорий фаолият билан шуғулланувчи майда дворянлардан таркиб топар, у мулк ҳуқуқи яхши таъминланишидан манфаатдор эди. Ботсванада ҳам ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясидан манфаатдор коалиция бўлиб, уни иқтисодиётдаги энг асосий бойлик – чорвага эгалик қилган қабила сардорлари ва элита вакиллари ташкил этарди. Гарчи ерга жамоавий эгалик қилинса-да, цвана қабилаларида чорва хусусий мулк ҳисобланар, элита яхши таъминланган мулк ҳуқуқларини ёқларди. Албатта, буларнинг барчаси тарихнинг шартли йўналиш олишини инкор қилмайди. Агарда парламентдаги етакчилар ва янги қирол Шонли инқилобдан ҳокимиятни босиб олиш мақсадида фойдаланишга уринганда, Англияда ҳаммаси бутунлай бошқача тус олиши ҳам мумкин эди. Худди шундай, Ботсванада ҳам ҳаммаси буткул ўзгача бўлиши мумкин эди. Айниқса, тропик Африканинг мустақилликка эришгандан кейинги даврда ҳукм сурган кўплаб ҳукмдорларига ўхшамаган, сайлов тизимини бузиш ўрнига ҳокимият учун сайловлар орқали курашишга қарор қилган Серетсе Кхамба ёки Кветт Масире каби ҳукмдорларга эга бўлгани Ботсвана халқига омад бениҳоя кулиб боққанидан дарак беради.

Цвана мустақилликка сардорлар ваколатларини тийиб турадиган тарихий институтлар ва уларнинг халқ олдида ҳисобдорлигини маълум даражада белгилаган ҳолда эришдилар. Тўғри, цвана халқи бундай тарихий институтларга эга бўлган Африкадаги ягона қабила эмасди, ammo мустамлака даврида ҳам бу институтлари бузилмай қолгани жиҳатдан цваналар тажрибаси беназирдир.

Мустамлака даврида Британия бошқаруви бу ерда йўқ ҳисобида эди. Бечуаналенд Жанубий Африкадаги Мафкекингдан туриб бошқарилар, пойтахтни Габоронега кўчириш режаси эса фақат 1960-йилларда мамлакатнинг мустақилликка ўтиш жараёнида пайдо бўлди. Пойтахт ва янги иншоотлар қурилиши билан маҳаллий институтлар йўқ қилинмади, аксинча, ҳаммаси мавжуд институтларни ҳисобга олиб қилинди. Габороне қад ростлар экан, лойиҳада янги кюгаларни қуриш ҳам кўзда тутилди.

Мустақиллик ҳам нисбатан тинч йўл билан қўлга киритилди. Мустақиллик ҳаракатига 1960 йилда Кветт Масире ва Серетсе Кхаманг томонидан ташкил қилинган “Ботсвана демократик партияси” бошчилиги қилди. Кхаманг қирол Кхаманг III нинг невараси бўлиб, унинг исми Серетсе “бирлаштирувчи елим” маъносини англатарди. Бу исм унга жуда мос тушганди. Нгвато қабиласи сардорлиги Кхаманг оиласида авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Цвананг сардорларидан кўпчилиги Ботсвана демократик партиясига аъзо бўлди. Ботсванада савдо идоралари йўқ эди, негаки британияликлар бу мустамлакага унча қизиқиш билдирмагандилар. Ботсвана демократик партияси 1967 йилда дарҳол “Ботсвана гўшт комиссияси”ни ташкил қилди. Аммо гўшт комиссияси фермерлар ва чорвадорларни талон-тарож қилиш билан шуғулланмади, аксинча, бу ташкилот чорвачиликнинг тараққий этишида марказий ўрин эгаллади. Комиссия оқсил касаллиги тарқалишини назорат қилиш учун тўсиқлар ўрнатди ва экспортни рағбатлантирди. Бу эса иқтисодий ўсишга ҳисса қўшиб, инклюзив иқтисодий институтларнинг асосларини мустаҳкамлади.

Гарчи дастлаб Ботсвананинг тараққиёти гўшт экспортига таянган бўлса-да, олмослар кашф қилинганда вазият кескин ўзгарди. Ботсванада табиий бойликлардан фойдаланиш тартиби ҳам Африканинг қолган

мамлакатлариникидан яққол фарқ қилади. Мустамлака даврида цвана сардорлари Бечуаналендда маъданларни излашга тўсқинлик қилишга уринганди, чунки европаликлар қимматбаҳо металллар ёки тошларни кашф қилган тақдирларида, сардорларнинг автономияси ниҳоясига етишини улар яхши билишарди. Биринчи йирик олмос кони Нгвато қабиласи ерида, Серетсе Кхаманинг она юртида топилди. Топилма эълон қилинишидан бурун Кҳама қонунларга ўзгартириш киритиб, барча ерости маъданлари қабилага эмас, бутун мамлакатга тегишли бўлишини кафолатлашга эришди. Бу олмосдан келадиган даромад улкан тенгсизлик юзага келишининг олдини олди. Қолаверса, бу давлатни марказлаштириш жараёнини тезлаштирди, зотан, олмосдан келадиган маблағни давлат идоралари ва инфратузилмани барпо этишга, таълимга инвестиция қилишга ишлатиш мумкин эди. Сьерра-Леоне ва тропик Африканинг бошқа кўплаб мамлакатларида олмос захиралари турли-туман гуруҳлар ўртасида низоларни келтириб чиқарган, фуқаролар урушлари бетиним давом этишига кўмаклашган, конларни назорат қилиш устида келиб чиққан урушлар туфайли юз берган қиргинбаротлар эвазига “қонли олмослар” номини олганди. Ботсванада эса олмосдан келадиган даромадни мамлакатнинг фаровонлиги йўлида сарфлашга муваффақ бўлинди.

Ерости бойликларига эгалик борасида қилинган ўзгариш Серетсе Кҳама ҳукумати давлат қурилиши йўлида жорий қилган қатор чора-тадбирлардан бири эди. Мустақилликдан илгари қонун чиқарувчи кенгаш томонидан 1965 йилда қабул қилинган “Сардорлик тўғрисидаги қонун” ҳамда 1970 йилги “Сардорлик тўғрисидаги қонун”га киритилган ўзгартириш билан сиёсий марказлаштириш жараёни давом эттирилди. Сардорларни ер бериш ҳуқуқидан маҳрум қилиш орқали дав-

лат ҳамда сайланган президентнинг устунлиги таъминланди, президентга эса лозим бўлган тақдирда қабила сардорини лавозимидан олиш ваколати берилди. Сиёсий марказлашувнинг яна бир кўриниши мамлакатни бирлаштириш ҳаракати бўлди, чунончи, мактабларда таълим фақат сецвана ва инглиз тилларида берилиши қонун билан белгилаб кўйилди. Бугунги Ботсвана аксарият Африка мамлакатларига хос миллий ва лисоний парчаланишларга учрамаган, бир хил одамлардан иборат мамлакатга ўхшайди. Лекин аслида бу мамлакатдаги турли қабила ва элатлар ўртасидаги низоларни камайтириш мақсадида, мактабларда фақат инглиз тили ва ягона миллий тил – сецвана тилида таълим бериш сиёсати натижаси ҳисобланади. Аҳолининг этник мансублигини аниқлаш бўйича сўров сўнгги марта 1946 йилда ўтказилган бўлиб, ундан Ботсвана аҳолиси сезиларли даражада хилма-хил бўлганини кўриш мумкин. Мисол учун, Нгватода аҳолининг атиги 20 фоизи ўзини тоза нгвато деб ҳисоблаган. Гарчи у ерда бошқа цвана қабилалари ҳам мавжуд бўлса-да, мамлакатда цваналарга мансуб бўлмаган ва сецвана тилини она тили деб билмайдиган жуда кўп одамлар истиқомат қилган. Мана шундай яққол хилма-хиллик мустақиллик давридаги ҳукуматлар кўрган чора-тадбирлар ҳамда Цвана қабилаларининг нисбатан инклюзив институтлари натижасида тартибга солинди. Худди шундай йўл билан Британиядаги хилма-хиллик, айтайлик, инглизлар ва уэльсликлар ўртасидаги муносабат ҳам Британия давлати томонидан тартибга солинганди. Ботсвана давлати ҳам Британиянинг йўлини тутди. Мустақилликка эришгандан бери Ботсванадаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида этник мансублик ҳақида сўралмади, чунки Ботсванада ҳамма цвана миллатига мансуб деб ҳисобланади.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ботсвана ривож-

ланишнинг бемисл кўрсаткичларига эришди. Чунки Серетсе Кхамма, Кветт Масире ва Ботсвана демократик партияси мамлакатни инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар йўлига олиб чиқди. 1970-йилларда олмослар кашф қилинган пайтда, бу топилма фуқаролар уруши бошланишига олиб келмади, балки у ҳукумат учун мустақкам молиявий таянч вазифасини ўтади ва маблағни ижтимоий хизматларга инвестиция қилиш учун ишла-тишга муваффақ бўлинди. Ҳукуматга қарши курашиш ёки уни ағдариш ва давлатни бошқариш учун ҳеч бир рағбат йўқ эди. Инклюзив сиёсий институтлар сиёсий барқарорликни юзага келтирди ва инклюзив иқтисодий институтларни дастаклади. 11-бобда зикр қилинган ижобий алоқадорлик занжиридан бизга таниш бўлган шаклда инклюзив иқтисодий институтлар инклюзив сиёсий институтларнинг муваффақиятини ва мустақкамлигини таъминлади.

Ботсвана кишанларни парчалашга муваффақ бўлди, чунки бу мамлакат мустамлакаликдан мустақилликка эришишда юзага келган бурилиш нуқтасидан фойдаланиб, инклюзив институтларни йўлга қўйди. Ботсвана демократик партияси ва анъанавий элита вакиллари, хусусан, Кхаманинг ўзи ҳам диктатура бошқарувини ўрнатишга ёки уларни жамиятнинг бошқа аъзолари ҳисобига бойитиши мумкин бўлган экстрактив институтларни жорий қилишга ҳаракат қилмадилар. Бу эса яна бир бор бурилиш нуқтаси ва мавжуд институтларнинг ўзаро таъсири натижаси эди. Гувоҳ бўлганимиздек, тропик Африканинг деярли барча ўлкаларидан фарқли ўларок, Ботсванада марказий ҳокимиятнинг қандайдир даражасига эришган қабилавий институтлар мавжуд бўлиб, улар энг муҳим плюралистик белгиларга эга эди. Қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий элитаси хусусий мулк муҳофазасидан кўпроқ манфаатдор бўларди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, тарихнинг шартли

йўли Ботсвананинг фойдасига ишлади. Мамлакат Серетсе Кхамма ва Кветт Масиреларнинг Сиака Стивенс ёки Роберт Мугабе сингари бўлмагани учун ҳам омадли эди. Улар Цвананинг қабилавий институтлари негизида инклюзив институтлар қуриш учун астойдил ва ҳалол меҳнат қилдилар. Буларнинг бари Ботсвананинг инклюзив институтлар томон одимида муваффақият қозониш эҳтимолини оширди, ҳолбуки, тропик Африканинг аксарият қолган мамлакатлари бунга ҳатто уриниб ҳам кўрмади ёки бутунлай муваффақиятсизликка учради.

ЖАНУБДА ЭКСТРАКТИВЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛИШИ

1955 йил, 1 декабрь. Алабаманинг Монтгомери шаҳри. Қамокка олиш учун ордерда жиноят содир бўлган вақт сифатида кечки 6:06 кўрсатилган. Автобус ҳайдовчиси Жеймс Блейк муаммога дуч келиб, полиция чакиради. Воқеа жойига полиция зобитлари Дей ва Миксон етиб боради. Улар ёзган ҳисоботда шундай дейилганди:

Бизга қўнғироқ бўлди, етиб борганимизда, автобус ҳайдовчиси автобуснинг оқ танлилар учун ажратилган қисмида рангли ирқ вакили бўлган аёл ўтириб олгани ва ўз жойига қайтмаётганини айтди. Уни биз ҳам кўрдик. Уни ҳибсга олиш учун ордерга ҳайдовчи имзо чекди. Роза Парксга (қора танли аёл) Монтгомери шаҳар кодексининг 11-бўлим 6-моддаси билан айблов қўйилди.

Роза Паркснинг айби Кливленд мавзесида автобуснинг оқ танлилар учун ажратилган қисмида ўтириб олганида бўлиб, бу Алабаманинг Жим Кроу қонунлари бўйича жиноят ҳисобланарди. Парксга 10 доллар жарима солинди, бундан ташқари, суд харажатлари учун у яна 4 доллар тўлаши керак эди. Роза Паркс унча-мунча одам эмасди. У АҚШ жанубидаги институтларни ислоҳ қилиш учун қурашаётган “Рангли ирқ вакиллари юксалтириш миллий ассоциацияси”нинг Монтгомеридаги бўлими ко-

тиби эди. Унинг ҳибсга олинishi Мартин Лютер Кинг бошчилигида Монтгомери автобусларини бойкот қилиш оммавий ҳаракати бошланишига олиб келди. 3 декабрда Мартин Лютер Кинг ва қора танлилар ҳаракатининг бошқа етакчилари барча қора танли кишиларни шаҳар автобусларига чиқмаслик кераклигига ишонтариб, уюш-қоқлик билан автобусларни бойкот қилиш акциясини ташкил қилди. Бойкот муваффақиятли амалга оширилиб, 1956 йилнинг 20 декабрига қадар давом этди. Бу ҳаракат қора танлиларнинг камситилишига қарши кураш жараёнига туртки бериб, АҚШ Олий суди томонидан Алабама ва Монтгомеридаги автобусларда одамларни ажратиш тартиби конституцияга зидлиги ҳақида қарор чиқарилиши билан якун топди.

Монтгомери атобусларини бойкот қилиш акцияси АҚШ жанубидаги инсон ҳуқуқлари учун курашда ҳал қилувчи палла бўлди. Бу ҳаракат жанубий штатларда ниҳоят кишанларни парчалаб ташлаб, институтларнинг тубдан ислоҳ қилинишига олиб келган кўплаб ҳодиса ва ўзгаришларнинг бир қисми эди. 12-бобда гувоҳ бўлганимиздек, фуқаролар уруши тугаши билан жанубдаги заминдор элита вакиллари урушдан илгари ҳукмрон бўлган экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтларни қайта ташкил этишга муваффақ бўлганди. Гарчи бу институтларнинг айрим инструментлари ўзгарган бўлса-да, мисол учун, қулдорлик энди бекор қилинганди – уларнинг жанубдаги иқтисодий рағбатлар ва таракқиётга салбий таъсири ўша-ўша эди. Жанубий штатлар АҚШнинг қолган ҳудудларига қараганда сезиларли даражада кашшоқроқ эди.

1950-йиллардан бошлаб жанубдаги институтлар минтақани анчагина жадалроқ ривожланиш йўлига олиб чиқа бошлади. Экстрактив институтларнинг АҚШ жанубида охир-оқибат йўқ қилинган тури Ботсвана мустақилликка эришишидан олдинги колониал институтлардан фарқ

қиларди. Бу институтларнинг заволини бошлаб берган бурилиш нуқталари ҳам турлича бўлган, аммо бир қатор умумийликлар ҳам бор эди. 1940-йиллардан бошлаб жанубдаги дискриминация ва экстрактив институтларга чидаб келган Роза Паркс сингари кишилар уларга қарши курашда анча яхши уюшдилар. Айни пайтда АҚШ Олий суди ва федерал ҳукумат ҳам ниҳоят жанубдаги экстрактив институтларни тизимли ислоҳ қилиш учун аралаштишни бошлаганди. Шундай қилиб, қора танли америкаликлар ҳуқуқлари кенгайиши ва заминдор элитанинг чексиз ҳукмронлиги интихоси жанубий штатлардаги ўзгаришлар учун бурилиш нуқтасини юзага келтирди.

Жанубий штатларда фуқаролар урушидан олдин ҳам, ундан кейин ҳам ҳукм сурган сиёсий институтлар Жанубий Африкадаги апартеид тузумидан кўп фарқ қилмас, уларнинг аниқ иқтисодий асоси мавжуд бўлиб, бу плантацияларни арзон ишчи кучи билан таъминлашдан иборат эди. Аммо 1950-йилларга келиб, бу мантиқ анча асоссиз бўлиб қолди. Чунончи, Буюк депрессия ва Иккинчи жаҳон уруши оқибатида қора танлиларнинг жанубдан оммавий кўчиб кетиши давом этаётганди. 1940–1950-йилларда кўчиб кетувчилар сони йилига ўртача 100 минг кишига етди. Айни пайтда секинлик билан бўлса-да, қишлоқ хўжалигида технологик янгиликларнинг жорий этилиши плантация хўжайинларининг арзон ишчи кучига бўлган боғлиқлигига путур етказди. Плантациялардаги аксарият ишчилардан пахта теришда фойдаланиларди. 1950 йилда жанубий штатларда етиштирилган пахтанинг қарийб ҳаммаси қўлда териларди. Аммо пахта теришни механизациялаш туфайли мазкур ишга бўлган талаб камайиб бораётганди. 1960 йилга келиб, Алабама, Луизиана ва Миссисипи каби асосий штатларда ҳосилнинг қарийб ярми техника ёрдамида териб олинди. Қора танлиларни жанубда тутиб туриш кийинлашиб боргани

каби улар энди плантация хўжайинлари учун аввалгидай ахамиятли бўлмай қолди. Шу боис элита учун эскича экстрактив институтларни саклаб қолиш мақсадида астойдил курашишга сабаб жуда кам эди. Бироқ бу улар институтларда юз берган ўзгаришларни бажонидил қабул қилган, дегани эмас. Аксинча, узоқ давом этган ихтилоф юзага чикди. Жанублик қора танли аҳоли ҳамда АҚШнинг инклюзив федерал институтлари ўртасидаги ноодатий иттифок биргаликда шундай қудратли кучни юзага келтирдик, у жанубдаги экстрактив институтларга қарама-қарши, айна пайтда жанублик қора танлиларнинг оқ танлилар билан тенг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари учун хайрихоҳ бўлиб, охир-оқибат АҚШ жанубидаги иқтисодий ўсиш йўлида турган улкан тўсиқларни олиб ташлади.

Ўзгаришлар учун энг муҳим турткини инсон ҳуқуқлари учун ҳаракат берди. Ҳаммаси Монтгомеридаги сингари қора танли аҳолининг экстрактив институтларга қарши чиқиб, ўз ҳуқуқларини талаб қилиши, уларни қўлга киритиш илинжида қаршилиқ кўрсатиш учун ҳаракатга келиши туфайли жанубда уларнинг имкониятлари ошиши билан бошланди. Лекин бу борада улар ёлғиз эмасдилар, негаки АҚШнинг жанубий штатлари алоҳида давлат бўлмаган, жанублик элита эса, айтايлик, Гватемала элитаси сингари мустақил жиловга эга эмасди. Америка Қўшма Штатларининг бир қисми сифатида жанубий штатлар АҚШ конституцияси ва федерал конунларга тобе ҳисобланарди. Жанубдаги фундаментал ўзгаришлар учун ҳаракат ниҳоят АҚШнинг ижроия, конун чиқарувчи ва суд ҳокимияти дастагини қўлга киритган, бунга эса қисман инсон ҳуқуқлари ҳаракати ўз чақириқларини жанубдан ташқарида ҳам эшиттира олгани, шу орқали федерал ҳукуматни ҳаракатга келтиришга эришгани сабаб бўлганди.

Жанубдаги институтларни ислоҳ қилиш учун феде-

рал ҳукуматнинг аралашуви 1944 йилги Олий суд қарори билан бошланган бўлиб, унга мувофиқ, бошланғич сайловларда фақат оқ танлилар номзод бўла олиши конституцияга зид деб топилганди. Аввал таъкидлаганимиздек, 1890-йилларда жон солиғи ва саводхонлик синови жорий қилиниши билан қора танлилар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганди. Бу синовлардан қора танли аҳолини дискриминация қилиш учун мунтазам фойдаланилар, камбағал ва саводсиз оқ танлиларда эса сайлаш ҳуқуқи мавжуд эди. 1960-йиллар бошларида Луизиана штатида юз берган ҳодиса жуда машҳур бўлиб, ўшанда штатнинг конституциясига оид саволга “FRDUM FOOF SPETGH” (Freedom of speech – сўз эркинлиги) дея жавоб берган оқ танли сайловчиликка номзод шахс саводли деб таъминланган. 1944 йилги суд қарори сиёсий тизимни қора танлиларга очиш учун келгуси курашда отилган биринчи ўқ бўлди, бу пайтга келиб суд ҳам сиёсий партиялар устидан оқ танлилар ҳокимиятини сусайтиришнинг аҳамиятини англаб етганди.

Мазкур қарордан кўп ўтмай, 1954 йилда “Браун Маориф бошқармасига қарши” иши бўйича Олий суд чиқарган яна бир қарорда штатдаги мактаблар ва бошқа жамоат жойларида ирқий мансубликка кўра ажратиш конституцияга хилоф деб топилди. 1962 йилда эса суд оқ танли элитанинг сиёсий ҳукмронлиги асосларидан бири бўлган қонун чиқарувчи органдаги номутаносибликни олиб ташлади. Қонун чиқарувчи органда номутаносиблик бўлганда – “Ислохотлар тўғрисидаги биринчи қонун” қабул қилинишидан илгари Англияда “қаровсиз шаҳарлар” бўлгани сингари – парламентда айрим ҳудуд ва округлар аҳоли сонидagi улусларидан кўра анча кўпроқ ўринга эга бўлади. Жанубдаги номутаносибликда плантация хўжайинлари бўлган элитанинг ҳокимияти асоси бўлмиш қишлоқ жойлар шаҳарларга қараганда анча кўпроқ ўрин

ни эгаллаганди. Бунга Олий суд тарафидан 1962 йилги “Бейкер, Каррга қарши” иши бўйича чиқарилган қарор билан чек қўйилди ва “бир киши – бир овоз” тамойилига ўтилди.

Шунга қарамай, токи Олий суднинг барча қарорлари амалда ижро қилинмас экан, улар ҳеч нарсага арзимасди. Дарҳақиқат, 1890-йилларда қабул қилинган жанублик қора танлиларга сайлов ҳуқуқини бериш бўйича федерал қонунлар ижроси амалга оширилмаганди. Негаки қонунларнинг штатда ижросини назорат қилиш заминдор элита ва демократик партия қўлида бўлиб, вазиятнинг шундай давом этиши федерал ҳукуматга ҳам манзур бўлди. Аммо қора танлилар жанублик элитага қарши бош кўтаришни бошлар экан, Жим Кроу қонунларининг бу суянчига путур етди ва жанубдаги институтларга хайрихоҳ бўлмаган аъзолари бошчилик қилаётган Демократик партия ирқий камситишга қарши чиқди. Партиядан ажралиб чиққан жанублик демократлар “Штатлар ҳуқуқлари учун демократик партия” байроғи остида бирлашди ва 1948 йилги президент сайловида кураш олиб борди. Уларнинг номзоди Стром Термонд тўртта штатда ғалаба қозониб, электорал хайъатда 39 та овоз олди. Аммо ягона Демократик партиянинг федерал сиёсатдаги қудрати олдида бу арзимас натижа бўлиб, бу партия жанубий штатлар элитаси томонидан қўлга олинишдан анча йироқ эди. Стром Термонднинг кампаниясида асосий эътибор федерал ҳукуматнинг жанубий штатлардаги институтлар ишига аралаштишга ҳаққи йўқлигига қаратилганди. У ўз позициясини жон-жаҳди билан шундай баён қилганди:

“Сизларга шуни айтмоқчиманки, хонимлар ва жаноблар, армияда жанубликларни сегрегациядан воз кечишга мажбурлашга, негрларнинг театрларимиз, бассейнларимиз, уйларимиз ва черковларимизга киришларига бизни кўндиришга қодир етарлича куч йўқ”.

Тез орада у янглишгани аён бўлди. Олий суд қарорлари жанубдаги таълим муассасаларида сегрегацияни бекор қилди, улар орасида Оксфорддаги Миссисипи университети ҳам бор эди. Узоқ давом этган судлашувлардан сўнг 1962 йилда федерал суд ҳарбий ҳаво кучларининг қора танли ёш фахрийси Жеймс Мередитни Миссисипи университети қабул қилишга мажбурлиги ҳақида қарор чиқаради. Жанубда сегрегация бекор қилинишига қарши курашиш учун 1954 йилда Миссисипининг Индианола шаҳрида ташкил қилинган “Фуқаролар кенгаши” номини олган ҳаракат бу қарорнинг ижросига қаршилик қилишни режаллаганди. Штат губернатори Росс Барнетт 13 сентябрь куни телевидениеда чиқиш қилиб, суднинг сегрегацияни бекор қилиш қарорини тан олмаслигини, университетлар сегрегацияни бекор қилишга рози бўлишдан илгари ёпилишини эълон қилади. Нихоят, губернатор Барнетт, президент Жон Кеннеди ва бош прокурор Роберт Кеннеди иштирокида Вашингтонда ўтказилган музокаралардан сўнг федерал ҳукумат бу қарорни ижро этиш учун куч ишлатишга қарор қилади. АҚШ маршаллари (Адлия вазирлиги қошидаги суд ижрочилари) Мередитни Оксфордга олиб борадиган кун тайин қилинади. Бунга қарши оқ танлилар устунлиги тарафдорлари ҳам уюша бошлайдилар. Мередит келишидан бир кун олдин – 30 сентябрь куни маршаллар университет худудига кириб, асосий маъмурий бинони ўраб олади. Чамаси икки ярим минг кишилик оломон намоийшга келган бўлиб, тез орада ғалаён бошланади. Намойишчиларни тарқатиш учун маршаллар кўздан ёш окизувчи газдан фойдаланади, аммо кўп ўтмай, ўқлар ёмғирида қолишади. Тунги соат 10 га бориб, тартибни сақлаш мақсадида шаҳарга федерал қўшинлар киритилади. Тез орада Оксфордда 20 минг аскар ва 11 минг миллий гвардиячи йиғилди. Умумий ҳисобда 300 киши ҳибсга олинади. Мередит эса университетда

қолишга қарор қилади, бу ерда унинг ҳаётини аскарлар ва маршаллардан иборат 300 киши қўриқлаб туради. Охир-оқибат Жеймс Мередит университетни тамомлади.

Жанубдаги институтларни ислоҳ қилиш жараёнида федерал қонунчилик асосий ўринни эгаллади. 1957 йилда “Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи қонун”ни қабул қилиш жараёнида ўша пайтдаги сенатор Стром Термонд бунинг олдини олиш ёки, ҳеч бўлмаганда, кечиктириш учун 24 соату 18 дақиқалик нутқ сўзлайди. Ўз нутқида у Мустақиллик декларациясидан тортиб, турли хил телефон маълумотномаларигача ҳамма мавзуда сўзлади. Бироқ бундан ҳеч бир наф бўлмади. 1957 йилги биринчи қонундан сўнг 1964 йилда қабул қилинган иккинчи акт штатларнинг сегрегацияга тааллуқли барча қонун ва тартибларини бекор қилди. 1965 йилда қабул қилинган “Сайлов ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун” саводхонлик синовини, жон солиғини ҳамда қора танлиларни сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қиладиган бошқа тартибларни ноқонуний деб эълон қилди. Бу қонун, шунингдек, штатлардаги сайловлар устидан федерал назоратни анча кенгайтirdи.

Бу ходисалар таъсирида жанубдаги иқтисодий ва қонунчилик институтларида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Чунончи, 1960 йилда Миссисипида қора танли сайловчиларнинг бор-йўғи 5 фоизи сайловда қатнаша олган бўлса, 1970 йилда бу кўрсаткич 50 фоизга етди. Алабама ва Жанубий Каролинада эса бу кўрсаткич 1960 йилги 10 фоиздан, 1970 йилда 50 фоизга кўтарилди. Бу тенденциялар натижасида давлат ва маҳаллий миқёсдаги сайловларнинг табиатида ўзгариш бўлди. Энг муҳими, қора танлиларни камситишга мослашган экстрактив институтларнинг ҳукмрон демократик партиядagi сиёсий таянчи кулади. Шундан кейин иқтисодий институтлардаги кетма-кет ўзгаришларга йўл очилди. 1960-йиллардаги институционал ислохотлардан илгари қора тан-

лилар тўқимачилик фабрикаларидаги ишлардан деярли тўлиқ четга суриб қўйилганди. 1960 йилда жанубдаги текстил фабрикаларидаги ишчиларнинг атиги 5 фоизини қора танлилар ташкил қиларди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар бу дискриминацияга ҳам барҳам берди. 1970 йилга келиб, бу кўрсаткич 15 фоизга, 1990 йилда эса 25 фоизга етди. Қора танлиларга қарши иқтисодий дискриминация йўқола бошлаши, улар учун таълим олиш имкониятлари сезиларли яхшиланиши билан жанубий штатлардаги меҳнат бозорида рақобат кучая бошлади. Инклюзив институтлар келиши билан жанубда жадал иқтисодий юксалиш бошланди. 1940 йилда жанубий штатларда аҳоли даромадлари АҚШ аҳолисининг жон бошига ўртача даромадидан икки барабар камроқ эди. Бу кўрсаткич 40-йиллар охири ва 50-йилларда ўзгара бошлади ва 1990 йилга келиб, ўртадаги тафовут йўқ бўлди ҳисоб.

Ботсванадаги сингари АҚШ жанубида ҳам инклюзив сиёсий ва иқтисодий институтларнинг ривожланиши энг асосий омил бўлди. Бунда жанубдаги экстрактив институтлардан зада бўлган қора танлилар орасида норозиликнинг кучайиши ва демократик партиянинг якка-ҳокимлиги сусайиши бир вақтда юз берди. Бу сафар ҳам мавжуд институтлар ўзгаришлар йўналишини чизиб беришди. Бунда жанубдаги экстрактив институтлар АҚШнинг федерал инклюзив институтлари доирасида бўлгани кўл келди ва бу жанублик қора танли аҳолига федерал ҳукуматни ва федерал институтларни охири-оқибат ўз мақсадлари учун сафарбар қилишга имкон берди. Қора танлиларнинг жанубдан оммавий кўчиб кетиши ва пахта етиштиришнинг механизациялашуви туфайли иқтисодий шарт-шароит шундай ўзгардики, оқибатда жанубий штатларнинг элитаси жон-жаҳди билан курашишга унча қизиқиш билдирмади. Бу эса умумий жараённинг энгилроқ кечишига замин яратди.

ХИТОЙДАГИ ҚАЙТА ТУФИЛИШ

1949 йилда Мао Цзэдун бошчилигидаги коммунистик партия ниҳоят Чан Кайши раҳбарлигидаги миллатчилар ҳукуматини ағдариб ташлади. 1 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси тузилгани эълон қилинди. Шундан сўнг беҳад экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар жорий қилинди. Сиёсий жиҳатдан улар “Хитой коммунистик партияси”нинг диктатурасига асосланганди. Ўшандан бери Хитойда бошқа бирорта сиёсий ташкилот тузилишига рухсат берилмади. Мао Цзэдун ўлимига (1976 йил) қадар коммунистик партия ва ҳукумат устидан мутлақ ҳукмронлик қилди. Мазкур авторитар, экстрактив сиёсий институтлар билан ёнма-ён тарзда гоёт экстрактив иқтисодий институтлар шаклланди. Мао Цзэдун дарҳол ерни миллийлаштирди ва хусусий мулкчиликнинг барча шаклларида бирдан воз кечди. Заминдорлар ва жамиятнинг янги тузумга қарши деб танилган бошқа аъзолари йўқ қилинди. Бозор иқтисодиёти бутунлай бекор қилинди. Қишлоқ аҳолиси аста-секин коммунал хўжаликларига бириктирилди. Пул ва маош ўрнига “меҳнат кунига қараб ҳақ тўлаш” тизими жорий қилиниб, иш кунлари давомида жамғарилган балларга маҳсулот сотиб олиш мумкин эди. Сиёсий ва иқтисодий назоратни кучайтириш мақсадида 1956 йилда ички паспорт жорий қилинди ва фуқароларга изнсиз сафар қилиш тақиқланди. Барча саноат корхоналари ҳам миллийлаштирилиб, Мао Цзэдун СССР моделидаги “беш йиллик режалар” орқали саноатни жадал ўстирмоқчи бўлди.

Мао ҳукумати барча экстрактив институтлар ёрдамида ўзлари бошқараётган улкан мамлакатдан ресурсларни тортиб олишни бошлади. Савдо идораларини ишга солган Сьерра-Леоне ҳукумати сингари Хитой коммунистик партияси ҳам гуруч ва дон каби маҳсулотлар савдоси устидан монополия ўрнатди, ундан деҳқонлардан унди-

риладиган оғир солиқ сифатида фойдаланарди. 1958 йилда иккинчи беш йиллик режа бошланиши билан саноатлаштириш дастури “Катта сакраш” номини олди. Мао Цзэдун ховлиларга ўрнатилган кичик домна печлари ёрдамида бир йилда пўлат ишлаб чиқариш икки баравар кўпайишини эълон қилди. Унингча, 15 йилда Хитой пўлат ишлаб чиқаришда Британияни кувиб ўтиши керак эди. Ягона муаммо шунда эдики, бу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ эди. Дастурдаги режаларни амалга ошириш учун металллом топиш керак эди, бунинг учун одамлар қозон-товоқларини, ҳатто кетмон ва омоч сингари қишлоқ хўжалиги асбобларини ҳам эритишларига тўғри келди. Ўз даласи ҳақида қайғуриши лозим бўлган ишчилар омочларни йўқ қилиш орқали пўлат ишлаб чиқарар экан, ўзларини ҳам, мамлакатни ҳам боқа олмайдиган бўлиб қолдилар. Натижада Хитой қишлоқларида дахшатли очарчилик юз берди. Гарчи ўша пайтдаги қурғокчилик таъсири билан қиёслаганда Мао юргизган сиёсат очарчиликка қанчалик сабаб бўлгани мунозарали масала бўлса-да, Катта сакраш 20-40 миллион кишининг ўлимига ҳисса қўшганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Биз очарчиликда қанча одам ҳалок бўлганини аниқ билмаймиз, чунки Мао Цзэдун бошчилигидаги Хитой ҳукумати қурбонлар сонини ҳисоб-китоб ҳам қилмаган. Бу даврда киши бошига аҳоли даромади чорак бараварга камайиб кетди.

Катта сакрашнинг натижаларидан бири шу бўлдики, коммунистик партиянинг етакчи аъзоси, инқилоб даврининг музаффар генералларидан бири, сон-саноксиз “инқилоб душманлари”нинг ўлимига сабаб бўлган “аксилўнгчилар” кампаниясини бошқарган Дэн Сяопиннинг қарашлари эврилишга юз бурди. 1961 йилда Хитой жанубидаги Гуанчжоуда бўлиб ўтган анжуманда сўз олар экан, у шундай дейди: *“Мушукнинг ранги қора ёки оқ*

бўлиши муҳим эмас, сичқон овляяптими, демак, у яши мушук”. Яъни амалга ошириладиган чора-тадбирлар коммунистик бўлиши шарт эмас, Хитойга мамлакат ўз аҳолисини боқа олиши учун ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган чоралар керак эди.

Бирок Дэн Сяопин тез орада ўзининг янгича қараши туфайли мусибатга дучор бўлди. 1966 йилнинг 16 майида Мао Цзэдун коммунистик Хитой жамиятига пугур етказиб, капитализмни қайта қуриш истагида бўлган буржуйлар манфаати инқилобга хавф туғдираётганидан хавотирини маълум қилади. Бу таҳдидга жавобан, у “Буюк пролетар маданий инқилоби” ёки, қисқачаси, маданий инқилоб бошланганини эълон қилди. Маданий инқилоб ўн олтита бандга асосланган бўлиб, улардан биринчиси қуйидагича эди:

Буржуазия ағдариб ташланганига қарамасдан, у ҳамон эскича гоёлар, маданият ва анъаналардан, одамларни йўлдан оздириш, уларнинг онгини эгаллаш ва ўтмишига қайтариш учун синфларни сафарбар қилиш одатидан фойдаланишга уринмоқда. Пролетариат эса бунинг аксини қилиши керак: у мафкура соҳасида буржуазиянинг ҳар қандай чорловига қарши юзма-юз чиқиши, бутун жамиятнинг дунёқарашини ўзгартириш учун пролетариатнинг янги гоёлари, маданияти, анъаналари ва одатларидан фойдаланиши лозим. Ҳозирги вақтда бизнинг мақсадимиз раҳбариятдаги капитализм йўлини тутган одамларга қарши курашиш ва уларни маҳв этиш, буржуазиянинг реакцион илмий етакчилари, буржуазия мафкураси ва бошқа эксплуататор синфларни танқид ва инкор этиш, таълим, адабиёт, санъат ва супертузилманинг социалистик иқтисодиёт асосларига номувофиқ бўлган бошқа барча унсурларини трансформация қилиш, шу тариқа социалистик тизимнинг мустаҳкамланиши ва тараққиётини таъминлашдан иборат.

Кўп ўтмай, маданий инқилоб ҳам худди катта сак-
раш сингари иқтисодиёт ва кўплаб инсонларнинг ҳаётини
барбод қила бошлади. Мамлакат бўйлаб режимни душ-
манлардан тозалаш билан шуғулланувчи, коммунистик
партиянинг ёш, ташаббускор аъзоларидан иборат “қизил
кўриқчилар” бўлинмалари ташкил этилди. Қатағонда
сон-саноксиз кишилар ўлимга ҳукм қилинди, қамокқа
ташланди ёки сургун қилинди. Шафқатсизлик кучайиб
бораётгани ҳақидаги хавотирларга Мао Цзэдун шундай
жавоб берганди: *“Гитлер бундан ҳам ваҳшийроқ эди. Қан-
ча ваҳшийроқ бўлсанг, шунча яхши, шундай эмасми? Қан-
ча кўп одам ўлдирсанг, шунча зўр инқилобчи бўласан”*.

Дэн Сяопин эса иккинчи рақамли капитализм тараф-
дори сифатида 1967 йилда хибсга олиниб, 1969 йилда
трактор заводида ишлаш учун Цзянси вилоятига бадарға
қилинади. 1974 йилда оқланган Дэн Сяопинни бош ва-
зирнинг биринчи ўринбосари этиб тайинлашга Мао
Цзэдунни кўндирган одам бош вазир Чжоу Энлай эди.
1975 йилдаёқ Дэн Сяопин партия қабул қилган учта
ҳужжатни ишлаб чиққан, уларда янгича ривожланиш
йўли белгиланганди. Бу ҳужжатларда олий таълимга янги
кон олиб кириш, саноат ва қишлоқ хўжалигига моддий
рағбатлантиришни қайтариш ва партияни “сўлчилар”дан
тозалаш кўзда тутилганди. Бу пайтда Маонинг соғлиғи
ёмонлашаётган, ҳокимият эса ашаддий сўлчилар қўлида
тўпланаётган эди. Дэн Сяопин ҳокимиятни улардан тортиб
олишни истарди. Маонинг рафиқаси Цзян Цзин ҳамда
унинг уч нафар ҳаммаслаклари “тўртлар тўдаси” номи
билан машхур бўлиб, маданий инқилобнинг ашаддий
тарафдори ва қатағонларнинг сабабчилари эдилар. Улар
мамлакатни коммунистик партия диктатураси остида
худди ўша режа асосида бошқаришни истардилар. 5 ап-
рель куни Тяньмен майдонидаги Чжоу Энлайни хотирлаш
тадбири қутилмаганда ҳукуматга қарши намоёнларга
айланиб кетди. Тўртлар тўдаси намоёнлар учун Дэн

Сяопинни айбдор қилди ва у бирдан барча лавозимларидан озод қилинди. Дэн Сяопин сўлчиларни йўқ қилишга улгурмай, сўлчилар унинг ўзини йўлдан олиб ташлади. Чжоу Эньлайнинг вафотидан кейин Мао Дэн Сяопинни эмас, Хуа Гофенни бош вазир вазифасини бажарувчи этиб тайинлади. 1976 йилги ҳокимиятда бирмунча бўшлиқ кузатилганидан фойдаланган Хуа жуда катта ваколатларни ўз қўлида йиғишга муваффақ бўлди.

Ўша йилнинг сентябрида эса бурилиш нуқтаси рўй берди: Мао Цзэдун вафот этди. Хитой коммунистик партиясида Мао яккаҳоким бўлиб, катта сакраш ва маданий инқилоб, асосан, унинг ташаббуслари эди. Унинг вафоти ҳокимиятда ҳақиқий бўшлиқни юзага келтирди, бу эса сиёсий ўзгаришлар оқибатлари бўйича турлитуман қарашлар ва ақидаларга эга бўлган тоифалар ўртасидаги курашга сабаб бўлди. Тўртлар тўдаси ўзлари ва коммунистик партия ҳокимиятини кучайтирган ҳолда маданий инқилоб сиёсатини давом эттиришни мўлжаллаганди. Хуа Гофен эса маданий инқилобдан воз кечишни истар, аммо ундан бутунлай узоклашиб кета олмасди ҳам, негаки у ўзининг партиядаги сиёсий ҳокимиятига инқилоб оқибатлари ўлароқ эришганди. У Мао Цзэдун гоёларининг тартиблироқ версиясига қайтиш тарафдори бўлди. Хуа Гофен 1977 йилда “Икки қонда” сиёсатини асослаш учун Хитой коммунистик партиясининг “Халқ газетаси” рўзномасида чиққан мақолада бунни шундай ифодалайди: *“Жаноб Мао қабул қилган ҳар қандай сиёсий қарорга қатъий амал қиламиз, Жаноб Мао қолдирган ҳар қандай кўрсатмани огишмай адо этамиз”*.

Дэн Сяопин ҳам худди Хуа Гофен сингари коммунистик режимни бекор қилиб, ўрнига инклюзив бозор механизмларини жорий қилишни истамасди. У ҳам коммунистик инқилоб орқали ҳокимиятга келган киши-

лар билан бир жамоадан эди. Шунга қарамай, Дэн Сяопин ва унинг тарафдорлари сиёсий ҳокимиятни кўлдан бермай туриб ҳам керакли иқтисодий ўсишга эришиш мумкин, деб ҳисобларди. Уларда сиёсий ҳокимиятга дахл қилмайдиган экстрактив сиёсий институтлар шароитида ривожланиш модели бор эди. Боиси хитой халқи турмуш шароитларини яхшилашга бениҳоя муҳтож бўлиб, коммунистик партиянинг асосий муҳолифлари Мао ҳукмронлиги даврида ва маданий инкилобда маҳв этилганди. Бу мақсадга етиш учун улар нафақат маданий инкилобдан, балки Маодан қолган институционал мероснинг аксариятидан ҳам воз кечишни исташарди. Иқтисодий ўсишга фақат инклюзив иқтисодий институтлар сари дадил қадамлар қўйилган тақдирдагина эришиш мумкинлигини улар фаҳмлаган эдилар. Шу сабабли улар иқтисодиётни ислоҳ қилиш ҳамда бозор таъсири ва рағбатни кучайтиришни хоҳлашарди. Шунингдек, улар хусусий мулкчилик соҳаларини кенгайтириш ҳамда жамият ва маъмурий бошқарувда коммунистик партиянинг ролини қисқартириш, синфлар кураши сингари ғоялардан воз кечиш истагида эдилар. Дэн Сяопин жамоаси мамлакатни хорижий сармоя ва халқаро савдо учун очиш, глобал иқтисодиёт билан интеграциялашиш сиёсатини давом эттириш тарафдори эди. Аммо уларнинг ваколати чекланган, чин маънодаги инклюзив иқтисодий институтлар ўрнатиш ва коммунистик партиянинг иқтисодиёт устидан ҳукмронлигини сезиларли сусайтириш масаласини кўриб чиқиш ҳам мушкул эди.

Хуа Гофеннинг қудрати ва унинг бу қудратдан тўртлар тўдасига қарши фойдаланиш истаги Хитой учун халқилувчи аҳамият касб этди. Мао Цзэдуннинг ўлимидан бир ой ўтар-ўтмас Хуа Гофен тўртлар тўдасига қарши тўнтариш қилиб, уларнинг ҳаммасини ҳибсга олдириди.

Шундан сўнг 1977 йилда у Дэн Сяопинни лавозимига қайта тиклади. Воқеаларнинг бундай тус олишида ёки кейинги муҳим ўзгаришлар, масалан, Хуаннинг ўзи Дэн Сяопин томонидан сиёсий курашда маглуб этилиши каби натижалар олдиндан кутилган муқаррар воқеалар эмасди. Дэн Сяопин маданий инқилоб жамоатчилиги тарафидан қораланишини қўллаб-қувватлаб, коммунистик партиянинг барча даражалардаги энг муҳим лавозимларини ўзи сингари маданий инқилоб қурбонлари билан тўлдирди. Хуа Гофен эса маданий инқилобга қарши чиқолмади ва бу унинг кучсизланишига олиб келди. Қолаверса, у марказий ҳокимият учун нисбатан янги шахс эди, унда Дэн Сяопин кўп йиллар давомида ўрнатган алоқалар занжири ва норасмий ришталари камлик қилди. Кўп ўтмай, ўз нутқларида Дэн Сяопин Хуа Гофеннинг сиёсатини танқид қила бошлайди. 1978 йил сентябрда у Хуа Гофеннинг “Икки қоида” сиёсатини очиқойдин қоралайди. У Мао Цзэдуннинг сўзларига қараб сиёсий қарорларни белгилашдан кўра “фактлар асосида ҳақиқатни топиш” тўғри ёндашув бўлади, деган фикрни беради.

Бундан ташқари, Дэн Сяопин усталик билан Хуа Гофенга қарши жамоатчилик босимини юзага келтиришни бошлайди. Шулардан энг йириги 1978 йилги “Демократия девори” ҳаракати бўлиб, бунда одамлар Пекиндаги деворга ўз шикоятларини ёзадилар. 1978 йилнинг июлида Дэн Сяопиннинг тарафдорларидан бири Ху Киаому иқтисодий ислохотнинг айрим асосий тамойилларини эълон қилади. Дастурда корхоналарга кўпроқ рағбат, раҳбариятга эса маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мустақил қарор қабул қилиш имконини бериш каби тушунчалар ўрин олганди. Нархларни ҳукумат белгилаши ўрнига, уни талаб ва таклиф биргаликда шакллантириши, иқтисодиётга давлатнинг аралашуви анча камайти-

рилиши лозим эди. Тўғри, булар кескин ўзгаришларни назарда тутувчи таклифлар эди, аммо Дэн Сяопиннинг ҳам таъсири кучайиб бораётганди. 1978 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида бўлиб ўтган ўн биринчи Партия марказий кўмитасининг учинчи пленумида туб бурилиш юз берди. Хуа Гофеннинг норозилигига қарамай, ўша пайтдан эътиборан партиянинг асосий диққатини синфларга қарши кураш эмас, иқтисодий модернизациялашга қаратишга қарор қилинди. Пленум қарори билан айрим вилоятларда синов тариқасида “хўжаликлар жавобгарлиги тизими” йўлга қўйилиши белгиланди, бу эса қишлоқ хўжалигида жамоавий эгаликка зарба бериб, соҳада иқтисодий рағбат уйғотиш учун қилинган ҳаракат эди. Бир йил ўтиб, марказий кўмита “фактлар асосида ҳақиқат” тушунчаси муҳимлигини эътироф этиб, маданий инқилоб хитой халқи учун улкан фожиа бўлганини эълон қилди. Бу пайтга келиб, Дэн Сяопин партия, армия ва ҳукуматдаги энг муҳим лавозимларга ўз тарафдорларини тайинлашга эришганди. Гарчи марказий кўмитада Хуа Гофеннинг тарафдорларига қарши кураш секинлик билан амалга оширилган эса-да, Дэн Сяопин муқобил ҳокимият базасини яратган эди. 1980 йилга келиб, Хуа Гофен бош вазирликдан бўшашга мажбур бўлди ва унинг ўрнини Чжао Цзиян эгаллади. 1982 йилда эса Хуа Гофен марказий кўмитадан ҳам ҳайдалди. Аммо Дэн Сяопин бу билан чекланиб қолмади. 1982 йилги ўн иккинчи партия конгрессида ва 1985 йил сентябридаги партия миллий конференциясида у партия раҳбарияти ҳамда етакчи кадрларнинг деярли ҳаммасини янгилашга эришди. Энди анча ёшроқ ва ислохотчи кадрлар пайдо бўлди. 1980–1985 йилларда политбюронинг 26 аъзосидан 21 нафари, коммунистик партия секретариатининг 11 аъзосидан 8 нафари, 18 нафар бош вазир ўринбосарларидан эса 10 нафари ўзгарди.

Ана шундан сўнг сиёсий инқилобни такомилга ет-

казган, давлатни ўз қўлларига олган Дэн Сяопин ва унинг ислохотчилари иқтисодий институтларда навбатдаги ўзгаришларни бошлаб юбордилар. Ислохотлар қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошланди: 1983 йилга келиб, Ху Киаому ғояларига асосланган, дехқонларга кўпроқ иқтисодий рағбат берадиган хўжалик жавобгарлиги тизими жорий қилинди. 1985 йилда донни мажбурий давлатга сотиш тартибидан воз кечилди ва унинг ўрнини анчагина ихтиёрий бўлган шартномалар тартиби эгаллади. 1985 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархлари устидан маъмурий назорат сусайтирилди. Шаҳарларда эса давлат корхоналарига кўпроқ ваколатлар берилди, 14 та “очиқ шаҳар” белгиланиб, уларга хорижий инвестицияни жалб қилиш имконияти тақдим қилинди.

Аввалига қишлоқ хўжалиги тараккий эта бошлади. Иқтисодий рағбатлантириш жорий қилиниши қишлоқ хўжалигидаги маҳсулдорликни кескин ўстирди. 1984 йилга келиб, қишлоқ хўжалигида камроқ одамлар банд бўлганига қарамай, галла ҳосилдорлиги 1978 йилгига қараганда 33 фоизга кўпроқ бўлди. Кўпчилик янги ташкил қилинган саноат тармоқларига – шаҳармонанд қишлоқ корхоналарига ишга кирди. 1979 йилда янги фирмалар ташкил қилиш ва давлат корхоналари билан рақобатлашишга рухсат берилиши орқали бундай корхоналарга давлатнинг саноатни режалаш тизимидан алоҳида ривожланишига рухсат берилганди. Секин-аста саноат соҳасида, хусусан, давлат тасарруфидаги корхоналар фаолиятида иқтисодий рағбатлантириш жорий қилинди. Аммо бу босқичда хусусийлаштиришдан ҳали дарак йўқ эди, бунинг учун 90-йиллар ўрталаригача кутишга тўғри келди.

Хитойдаги қайта туғилиш энг экстрактив иқтисодий институтлардан анчагина инклюзивроқ институтлар томон бурилиш билан юз берди. Қишлоқ хўжалиги ва саноат-


да жорий қилинган бозор стимуллари, ундан кейинги хорижий инвестициялар ва технологиялар Хитойни жадал иктисодий ўсиш йўлига олиб чиқди. Кейинги бобда бу ҳақда кенгрок муҳокама қилсак-да, қайд этиш лозимки, бу юксалиш экстрактив сиёсий институтлар шароитида юз берди. Гарчи бу институтлар маданий инқилоб давридаги сингари шафқатсиз бўлмаса ҳам ёки иктисодий институтлар қисман инклюзивлашиб борган бўлса ҳам, барибир шундай бўлди. Шунга қарамай, айтиш лозимки, Хитойнинг иктисодий институтларида содир бўлган ўзгариш радикал характерга эга эди. Хитой сиёсий институтларини ўзгартира олмаган бўлса-да, қобикни синдириб чиқа олди. Ботсвана ва АҚШнинг жанубий штатлари сингари муҳим ўзгаришлар бурилиш нуқтаси, Хитойда айнан Мао Цзэдуннинг ўлиmidан сўнг юз берди. Шу билан бирга, буларнинг барчаси юз бериши шартли, очиғи, якуни чиндан ҳам, номаълум эди. Негаки тўртлар тўдаси ҳокимият учун курашда енгилиши аниқ эмасди. Ахир улар мағлуб бўлмаслиги мумкин эди, Хитой эса сўнгги 30 йилда биз гувоҳ бўлган барқарор иктисодий ўсишни бошдан кечирмаган бўларди. Аммо катта сакраш ва маданий инқилоб сабаб бўлган вайронагарчилик ва кулфатлар ўзгаришлар учун етарли талабни юзага келтирдик, Дэн Сяопин ва унинг шериклари сиёсий курашда зафар қозонишга муваффақ бўлди.

Англиядаги Шонли инқилоб, Буюк француз инқилоби ва Япониядаги Мэйдзи ислохотлари сингари Ботсвана, Хитой ва Жанубий Америка штатлари тажрибаси ҳам тарих муқаррар тақдири азал эмаслигига яққол далил бўлади. Зарарли алоқадорлик занжирига қарамасдан, экстрактив институтлар инклюзивлари билан алмашиши мумкин. Аммо бу ўз-ўзидан содир бўлмайди, осон ҳам эмас. Бир қатор омилларнинг жамланиши, айниқса, ислохотлар учун курашаётган кенг қамровли коалиция ёки

бошқа ўнғай институтлар билан ёнма-ён келган бурилиш нуқталари кўпинча мамлакатнинг янада инклюзивроқ институтлар томон қадам ташлашида муҳим ўрин тутди. Қолаверса, бироз омад ҳам муҳим, чунки тарих доимо шартли йўлдан кетади.

15

ФАРОВОНЛИК ВА
ҚАШШОҚЛИКНИ АНГЛАШ



ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАР

Дунёдаги инсонларнинг турмуш даражалари катта фарк қилади. АҚШдаги энг қашшоқ кишининг ҳам даромади, тиббиёт, таълим, ижтимоий хизматлардан фойдаланиш даражаси, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлари тропик Африка, Жанубий Осиё ёки Марказий Америкада истикомат қиладиган кўпчилик одамларникидан анча юқори. Жанубий ва Шимолий Корея, иккала Ногалес, АҚШ ва Мексика ўртасидаги тафовутлар шуни кўрсатадики, улар нисбатан яқинда пайдо бўлган. 500 йил илгари Мексикада ҳукм сурган ацтеклар шимолдаги ўлкаларга қараганда анча бойроқ эди. Дарҳақиқат, АҚШ XIX асрга келибгина тараққиётда Мексикадан ўзиб кетди. Иккала Ногалес ўртасидаги тафовут эса ундан ҳам кейинроқ юзага келган. Шимолий ва Жанубий Кореяни эса Иккинчи жаҳон урушидан кейин 38-параллел ажратиб ташланмагунча иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан фарқлаб бўлмасди. Худди шундай, биз бугун дунёда гувоҳ бўлаётган улкан иқтисодий тафовутлар охириги 200 йилда пайдо бўлган.

Буларнинг ҳаммаси шундай бўлиши тақдир тақозосими? Тарихан – жуғрофий, маданий ёки миллий мансублик туфайли, сўнгги 200 йил ичида Ғарбий Европа, АҚШ ва Япония каби мамлакатлар тропик Африка ва Лотин Америкаси давлатлари ҳамда Хитойдан шунча бадавлатроқ бўлиши олдиндан маълум эдими? Саноат инқилоби XVIII асрда Британияда бошланиши, сўнг Ғарбий Европага ҳамда Европанинг Шимолий Америка ва Австралиядаги мустамлакаларига тарқалиши муқаррармиди? Тақдир чархпалаги тескари айланиб, Шонли инқилоб ва саноат инқилоби Перуда рўй бериши, сўнг улар Ғарбий Европани истило қилиб, оқ танлиларни кул қилиши мумкинмиди ёки бу тарихий илмий фантастиканинг бир кўриниши холосми?

Бу саволларга жавоб бериш учун, тўғрироғи, улар ҳақида мулоҳаза қилиб кўриш учун – бизга нега айрим мамлакатлар тараққий этган-у, бошқалари таназзулга юз тутгани ва қашшоқлигини тушунтириб бера олувчи назария керак. Бундай назария тараққиёт келтирувчи ва унинг йўлига гов бўлувчи омилларни ҳамда уларнинг тарихий илдизларини аниқлаб бериши лозим. Мазкур китоб ана шундай назарияни илгари суради. Ҳар қандай мураккаб ижтимоий ҳодисага, масалан, дунёдаги юзлаб мамлакатларнинг турли хил иқтисодий ва сиёсий тараққиёт йўллари шаклланишига сон-саноксиз сабаблар бўлиши мумкин. Бу эса кўпчилик социолог олимларни турли замон ва маконларда юзага келган ўхшаш натижалар учун ягона, оддий ва ҳамма учун умумий бўлган назариялардан қочишга ва ҳар хил изоҳларни излашга ундади. Биз эса оддий назарияни таклиф қилдик ҳамда уни Неолит инкилобидан бери дунёдаги иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг асосий манзарасини тушунтириб бериш учун қўлладик. Бизнинг танловимиз бундай назария ҳамма нарсани изоҳлашга қодир, деган содда мулоҳазага эмас, балки баъзида кўплаб қизиқарли маълумотлардан воз кечиш ҳисобига бўлса ҳам, бизга мавжуд ўхшашликларга эътибор қаратиш имконини беради, деган ишончга асослангандир. У ҳолда муваффақиятли назария тафсилотларни тўлиқ такрорламайди, балки бизга бир қатор жараёнлар учун фойдали ва эмпирик йўл билан асосланган изоҳни тақдим этади ва таъсир қилувчи асосий кучларни аниқлаб беради.

Бу мақсадни рўёбга чиқариш учун бизнинг назария икки босқичда ишлайди. Биринчиси экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтларни инклюзив институтлардан фарқлашдан иборат бўлса, иккинчиси инклюзив институтлар нима сабабдан дунёнинг баъзи ҳудудларида пайдо бўлгани ҳолда бошқаларида юзага келмаслиги борасидаги хулосамиздир. Назариямизнинг биринчи бос-

кичи тарихнинг институционал талқинига бағишланса, иккинчиси тарих қай тарика мамлакатларнинг институционал тараққиёт йўлларини шакллантиргани хусусида бўлади.

Назариямиз марказида инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар ҳамда тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик ётади. Иқтисодий ўсиш учун мулк дахлсизлигини муҳофаза қиладиган, рақобатда барча учун тенг шартлар яратадиган, янгича технологиялар ва билимларга сармоя қилишни рағбатлантирадиган инклюзив институтлар озчилик томонидан кўпчиликка тегишли ресурслар таланиши учун мўлжалланган, мулк дахлсизлиги ҳимоясини таъминламайдиган ёки иқтисодий фаолият билан шуғулланишни рағбатлантирмайдиган экстрактив институтларга караганда қулайроқ ҳисобланади. Ўз навбатида, инклюзив иқтисодий институтлар ва инклюзив сиёсий институтлар бир-бирини қўллаб-қувватлайди. Инклюзив сиёсий институтларда сиёсий ҳокимият плюралистик шаклда ва айни пайтда сиёсий марказлашувнинг маълум даражасига эришишга қодир даражада кенг тақсимланган бўлади, бундан мурод эса қонун ва тартибни, мулк дахлсизлигини ҳимоя қилиш асосларини ва инклюзив бозор иқтисодиётини жорий қилиш демакдир. Худди шундай, экстрактив иқтисодий институтлар ҳам экстрактив сиёсий институтлар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу институтлар ҳокимиятни озчилик қўлида тўплаб, элитада ўз фойдаси учун мавжуд экстрактив институтларни сақлаб қолиш ва уларни янада ривожлантиришга рағбат туғдиради ҳамда элита бошқаларни талаш эвазига қўлга киритган ресурсларидан сиёсий ҳокимият тизгинини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланади.

Лекин бу тенденциялардан экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар иқтисодий ўсиш билан тескари алоқада деган маъно келиб чиқмайди. Аксинча, ҳар қандай ҳукмрон элита – иқтисодий ўсишни имкон қадар кўп-

роқ рағбатлантиришни, шу тарика ўзлаштириб олинажак бойлик кўпайишини истайди. Сиёсий марказлашувнинг ақалли минимал даражасига эришган экстрактив институтлар кўпинча муайян даражада иқтисодий ўсишни юзага келтиради. Лекин аҳамиятлиси шундаки, иккита асосий сабабга кўра экстрактив институтлар шароитидаги ўсиш барқарор бўлмайди. Биринчидан, барқарор иқтисодий ўсиш инновацияларни тақозо қилади, инновацияларни эса бунёдкор бузғунчиликдан айириш мумкин эмас. Бунёдкор бузғунчилик рўй берганда, иқтисодиёт соҳасидаги эскилик сарқитлари ўрнини янгиликлар эгаллайди ва бу тан олинган сиёсий мувозанатни издан чиқариши ҳам мумкин. Бунёдкор бузғунчиликдан қўрққани туфайли экстрактив институтлар бошқарган ҳукмрон элита унга қарши туради ва пировардида экстрактив институтлар шароитида эндигина куртак оча бошлаган иқтисодий ўсишнинг умри барибир қисқа бўлади. Иккинчидан, экстрактив институтлар тепасида турганлар жамиятнинг қолган аъзолари ҳисобига катта бойлик орттиришга қодир бўлиши шундан далолат берадики, экстрактив институтлар амал қилган жамиятда сиёсий ҳокимиятни эгаллашга ҳамма беҳад иштиёқманд бўлади ва бу кўплаб гуруҳлар ва шахсларни ҳокимият учун курашга ундайди. Натижада экстрактив институтлар ҳукм сурган мамлакатларни сиёсий беқарорликка етакловчи қудратли кучлар юзага келади.

Экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасидаги боғлиқлик зарарли алоқадорлик занжирини ҳосил қилади ва бу занжир ишга тушганда, экстрактив институтлар ўз мавқеини сақлаб қолиш пайида бўлади. Худди шундай, инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўртасида ҳам уларни ўзаро боғлаб турадиган ижобий алоқадорлик занжири пайдо бўлади. Аммо зарарли занжир ҳам, ижобийси ҳам тугал эмас. Умуман олганда,

гарчи тарихда экстрактив институтлар оддий ҳол бўлган эса-да, айрим мамлакатлар қобикни бузиб чиқа олгани ва инклюзив институтларга ўтганлари учун бугунги кунда ўша юртларда инклюзив институтлар ҳукм сурмоқда. Бизнинг инклюзив институтларга ўтиш жараёнига берадиган изоҳимиз тарихий ёндашувга асосланган, аммо асло натижаси тарихан олдиндан маълум бўлган деган қарашга қурилмаган. Муҳим иқтисодий ўзгариш учун зарур бўлган асосий институционал эврилиш мавжуд институтлар ва бурилиш нуқталарининг ўзаро таъсири натижасида рўй беради. Бурилиш нуқталари бир ёки бир неча мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва сиёсий мувозанатга путур етказувчи муҳим ҳодисалар ҳисобланади. Мисол учун, XIV асрда Европанинг кўп ўлкаларида аҳолининг нақ ярмини ҳаётдан олиб кетган “қора ажал”, аксарият Ғарбий Европа мамлакатлари учун улкан бойлик орттириш имкониятини юзага келтирган Атлантика савдо йўллариининг очилиши, жадал иқтисодий ўсишга замин яратган саноат инқилоби сингари ҳодисалар дунё мамлакатларининг иқтисодий тартибларини издан чиқарувчи ўзгаришлар эди.

Турли мамлакатлардаги мавжуд институтлар ўртасидаги тафовутлар аввалги институционал ўзгаришларнинг натижаси ҳисобланади. Нега мамлакатлар институтларининг тадрижий йўллари бир-биридан фарқ қилади? Бу саволнинг жавобини институтлар эволюциясидан ахтариш керак. Эволюцион ёки генетик силжиш деб аталадиган жараёндаги қутилмаган мутациялар туфайли иккита бир-биридан ажралиб қолган тур вакиллари аста-секин бир-биридан ажралиб боргани сингари иккита бир хил жамият ҳам институтлар борасида бир-биридан оҳиста узоклашиб боради. Барча жамиятларда бойлик ва ҳокимиятга эга бўлиш учун, шу орқали билвосита институтлар учун доимий кураш кечади. Бу курашнинг натижаси эса кўпинча мавҳум бўлади, холбуки олишув юз

берадиган кураш майдони томонлар учун тенг бўлмайди. Бу курашнинг натижаси институтларнинг эволюцияда қайсидир тарафга оғишига олиб келади. Аммо бу жараён-да ҳамма ўзгаришлар бир текисда йигилиб бормайди. Яъни бу қачондир юзага келган кичик тафовутлар вақт ўтиши билан муқаррар катталашиб боради, дегани эмас. Аксинча, 6-бобда муҳокама қилинган Рим империяси мустамлакаси бўлган Британия тарихидан маълумки, кичик тафовутлар пайдо бўлиши, сўнг йўқолиши ва яна тагин юзага чиқиши мумкин. Аммо бурилиш нуқтасига дуч келинган паллада кичик тафовутлар – улар институционал эволюция маҳсули ўларок пайдо бўлиб улгурган бўлади – муҳим аҳамият касб этиб, нисбатан ўхшаш мамлакатларнинг кескин фарқланишига сабаб бўлади.

7- ва 8-боблардан маълумки, Англия, Франция ва Испания ўртасидаги кўплаб ўхшашликларга қарамай, Атлантика океанида савдо йўллари очилишидан иборат бурилиш нуқтаси ана шундай кичик тафовутлар ҳисобига Англияга жуда катта таъсир кўрсатди. Шунга кўра инглиз монархияси ташқи савдонинг ҳаммасини назорат қила олмади, айти пайтда Франция ва Испанияда халқаро савдо-сотик ишлари асосан киролик монополияси остида эди. Бунинг оқибати шу бўлдики, Франция ва Испанияда монарх ва у билан алоқадор бўлган гуруҳлар Атлантикадаги савдо-сотикдан ва истилочилик юришларидан келадиган ҳисобсиз бойликларнинг асосий фойдаланувчилари бўлиб қолди. Англияда эса бурилиш нуқтасида юзага келган иқтисодий имкониятлардан фойдаланган гуруҳлар монархияга қаттиқ қаршилиқ қилди. Гарчи институтларнинг эволюцион силжиши кичик фарқларни юзага келтирса-да, унинг бурилиш нуқталари билан кесишуви институционал фарқланишга олиб келади. Шу тариқа институтлардаги бундай ажралиш

янада каттароқ тафовутларни вужудга келтиради ва навбатдаги бурилиш нуқтаси унга таъсир кўрсатади.

Тарих – муҳим омил, чунки бурилиш нуқталарида ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин бўлган тафовутларни институционал эволюция шарофати билан айнан тарихий жараёнлар келтириб чиқаради. Бурилиш нуқталарининг ўзи бурилиш чорраҳалари ҳисобланади. Ижобий ва зарарли алоқа занжирлари бизни тарихан шаклланган институционал фарқлар моҳиятини англаш учун тарихни ўрганишга ундайди. Аммо биз илгари сураётган назария тарихий детерминизмни (ёки детерминизмнинг бошқа исталган турини) назарда тутмайди. Шунинг учун биз ушбу боб аввалида қўйган саволнинг жавоби – “йўқ”. Яъни Перунинг Ғарбий Европа ёки АҚШдан кўра камбағалроқ бўлиб қолиши учун тарихий заруратнинг ўзи йўқ эди.

Биринчидан, географик ва маданий омил назарияларига зид ўлароқ, Перу ўз жойлашуви ёки маданий хусусиятлари туфайли қашшоқликка маҳкум бўлиб қолмаган. Бизнингча, Перу ўз институтлари дастидан Ғарбий Европа ва АҚШга нисбатан камбағал бўлиб қолган. Бунинг сабабларини англаш учун эса Перудаги институтларнинг тадрижий ривожланиш тарихини тўғри идрок этмоқ керак. Иккинчи бобдан бизга маълумки, бундан 500 йил бурун ҳозирги Перу худудида мавжуд бўлган Инклар империяси Шимолий Америкадаги кичик давлатчаларга қараганда бойроқ, технологик жиҳатдан илғорроқ ва сиёсий марказлашиш даражаси юқорироқ бўлган. Бу худуднинг қай йўсинда истило қилиниши ва бу ердаги мустамлакачилик тартибининг Шимолий Америкадаги колонизация сиёсатидан фарқ қилиши бурилиш нуқтаси бўлди. Аммо бу рўй бериши аввалдан маълум бўлган жараённинг натижаси эмас, балки бурилиш нуқталарида юз берган бир қатор муҳим институционал ўзгаришлар маҳсули бўлиб, у тарихий нуқтаи

назардан қутилмаган бўлади. Камида учта омил туфайли бу ривожланиш йўналиши ўзгариб ва бутунлай бошқача, узоқ муддатли тарихий йўлдан кетиши мумкин эди.

Биринчидан, XV асрдаги Шимолий ва Жанубий Американинг институтлари ўртасидаги тафовут уларнинг қандай шаклда мустамлака қилинишини белгилаб берган. Шимолий Америка тутган институционал таракқиёт йўли Перуниқидан фарқли бўлиб, аҳоли ҳам сийрак бўлганидан европаликларни бу ерга кўчиб келиб жойлашишга ундади, улар эса “Виржиния” компанияси ва инглиз қироллиги юзага келтиришга уринган элитага қарши курашда муваффақият қозондилар. Испан конкистадорлари эса Перуда босиб олиш мумкин бўлган марказлашган, экстрактив давлат ҳамда конлару плантацияларда ишлатиш мумкин бўлган кўп сонли аҳолига дуч келди. Европаликлар босқини бошланган пайтда Американинг келгуси тақдири географик жойлашувга кўра қандай бўлиши ҳали аён эмасди. Бушонг қабиласида қирол Шяам бошчилигида марказлашган давлатнинг пайдо бўлиши ҳам муҳим институционал янгиликнинг, эҳтимолки, сиёсий инқилобнинг маҳсули бўлгани сингари, 5-бобда баён қилинганидек, Перудаги инклар тамаддуни ва бу ҳудудда аҳоли кўплиги йирик институционал инновациянинг натижаси эди. Географик жиҳатдан худди шундай жараён Шимолий Америкадаги Миссисипи водийсида ёки АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида ҳам содир бўлиши мумкин эди. Агар шундай бўлганда эди, европаликлар Анд тоғлари водийсида бўм-бўш ерларга, Шимолий Америкада эса марказлашган давлатларга дуч келишар, тарихда Перу ва АҚШнинг ўрни алмашиб қолган бўларди. Кейин европаликлар Перу атрофидаги ҳудудларга келиб ўрнашишар, кўпчилик кўчиб келганлар ва элита ўртасидаги низо эса Шимолий Америка ўрнига Перуда инклюзив институтларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин эди. Ана шунда

иктисодий тараққиётнинг келгуси траекторияси бошқача давом этган бўларди.

Иккинчиси, коммодор Перрининг кемалари Эдо кўр-фазига кириб келганда Япония қаршилигига дуч келгани сингари Инклар империяси ҳам Европа истилосига қарши тура олиши мумкин эди. Гарчи Инклар империясининг экстрактивлик даражаси Япониядаги Токугавалар режимига нисбатан юқори бўлгани сабабли Перуда Мэйдзи ислохотларига ўхшаш сиёсий инқилобни амалга ошириш ҳеч шубҳасиз имконсиз бўлсада, инкларнинг Европа истилоси қаршисида буткул таслим бўлишига ҳеч бир тарихий зарурат йўқ эди. Улар мустамлакачиларга мағлуб бўлмасликни удалашганда ва ҳатто истило хавфи қаршисида институтларни модернизация қила олганларида эди, Янги дунёнинг бутун тарихи ва у билан бирга бутун дунёнинг тарихи ҳам бошқача бўларди.

Учинчиси ва энг асосийси, дунёни мустамлакага айлантириш тарихий, географик ёки маданий жиҳатдан европаликлар чекига тушгани ҳам муқаррар натижа эмасди. Дунёни Хитой ёки Инклар империяси ҳам забт этиши мумкин эди. Албатта, XV аср нуктаи назаридан қарасак, тарих биз айтгандай рўй бериши имконсиз эди, бинобарин, бу пайтда Ғарбий Европа Америкадан илгарилаб кетган, Хитой эса аллақачон ўз қобигига ўралиб қолганди. Аммо XVI аср Ғарбий Европасининг ўзи бурилиш нукталарида бир-биридан ажралиб борган институционал ўзгариш жараёнининг шартли натижаси эди ва унинг муқаррарлиги ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бир қатор тарихий бурилиш нукталарисиз Ғарбий Европа давлатлари ҳам бирдан олдинга интилмаган, дунёни забт этмаган бўларди. Буларга қулдорлик ўрнини эгаллаб, бу йўлда монархлар ҳокимиятини заифлаштирган феодализмнинг ўзига хос тараққиёт йўли, биринчи мингйиллик охиридаги даврда Европа мустақил ва

савдо-сотик борасидаги мухтор шаҳарлар тараққиётига гувоҳ бўлгани, Мин сулоласи давридаги Хитойдан фарқли ўлароқ, ташқи савдо европалик қиролларга хавф туғдирмагани ва натижада ҳукмдорлар унга барҳам беришга ҳаракат қилмагани, феодал тартибот асосларини ларзага солган “қора ажал”нинг тарқалиши кабиларни мисол келтириш мумкин. Агарда бу ходисалар ўзгача юз берганда, бугун биз анча бошқача дунёда яшаётган бўлишимиз мумкин эди, айтайлик, Перу Фарбий Европа ва АҚШдан кўра бойроқ бўлиши мумкин эди.

Табиийки, кичик фарқлар ва шартли вазиятлар катта роль ўйнагач, назариянинг олдиндан кўра билиш қобиляти чекланган бўлади. Рим империяси қулагандан кейинги кўп асрлик даврни кўя турунг, ҳатто XV ёки XVI асрда ҳам инклюзив институтлар бўйича энг катта ходиса Британияда содир бўлишини санокли кишилар тахмин қилиши мумкин эди. Институтларнинг ўзига хос тадрижий силжиш жараёни ва Атлантика уммонида савдо йўллари очилиши туфайли юзага келган ўзига хос бурилиш нуқтаси буни рўёбга чиқарди. Маданий инқилоб давом этаётган 1970-йилларда Хитойнинг ўз иқтисодий институтларини тез орада кескин ўзгартириб, шиддатли ривожланиш йўлига чиқишига ҳам кўпчилик ишонмасди. Худди шунингдек, беш юз йилдан кейин вазият қандай бўлишини ишонч билан башорат қилиш бугун имконсиз иш. Лекин булар назариямиз камчилиги эмас. Ҳозиргача биз тақдим қилган тарихий далиллар шуни кўрсатадики, тарихий детерминизмга асосланган ҳар қандай ёндашув – у хоҳ географик, хоҳ маданий, хоҳ тарихий омилларга асосланган бўлсин – талабга жавоб бермайди. Кичик тафовутлар ва шартлилик фақат биз илгари сурган назариянинг бир қисми эмас, улар тарихнинг ажралмас бўлакларидир.

Қайси мамлакатлар бошқаларига нисбатан тараққий этиши бўйича аниқ башорат қилиш мушкул бўлса-да, биз

ушбу бобда бир нарсага амин бўлдик – бизнинг назария дунёнинг фаровон ва қолоқ мамлакатлари ўртасидаги улкан тафовутни анча яхши изоҳлаб бера олади. Ушбу боб давомида кейинги бир неча ўн йилликда қандай жамиятлар иқтисодий жиҳатдан кўпроқ юксалиши бўйича йўл-йўриқлар келтирилган.

Биринчидан, зарарли ва ижобий алоқадорлик занжирлари чидамлилиқ ва сусткашлиқни юзага келтиради. Бундан 50, борингки, 100 йилдан кейин ҳам инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларига суянган АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари тропик Африка, Яқин Шарқ, Марказий Америка ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига нисбатан бойроқ, сезиларли даражада бадавлатроқ бўлиш эҳтимоли юқори. Бироқ мана шу келтирилган мисоллар ичида келгуси юз йилликда муҳим институционал ўзгариш бўлиб, айрим мамлакатлар ўз қобиғини ёриб чиқиб, фаровонлашади.

Сомали ва Афғонистон сингари сиёсий марказлаша олмаган мамлакатларнинг, шунингдек, Ҳаити каби таназзулга юз тутган давлатларнинг экстрактив сиёсий институтлар шароитида ҳам иқтисодий ўсишга эришиши ёки инклюзив институтларни йўлга қўйиш учун муҳим ўзгаришларни амалга ошириши эҳтимоли оз. Айниқса, Ҳаитида мамлакат инфратузилмасини вайрон қилган 2010 йилги мудҳиш zilзиладан бир неча ўн йил илгари давлат инқирозга учраганди. Аксинча, муайян даражада сиёсий марказлашган мамлакатлар (экстрактив институтлар шароитида бўлса-да) кейинги ўн йилликларда ривожланиши мумкин. Буларга тропик Африкадаги узоқ йиллик марказлашган давлат қуриш тажрибаси бўлган Бурунди, Эфиопия, Руанда каби мамлакатлар ҳамда мустақилликдан кейин марказлашган ҳокимият барпо этган ёки ҳеч бўлмаганда, сиёсий марказлашув учун тамал тошини қўйган Танзания давлати қиради. Лотин Америкасида эса улар сирасига Бразилия, Чили

ва Мексика сингари нафақат сиёсий марказлашувни уддалаган, балки эндигина куртак очаётган плюрализм сари салмоқли одим ташлаган мамлакатлар киради. Бизнинг назариямизга кўра, Колумбияда барқарор иқтисодий ўсиш бўлиши эҳтимолдан анча узоқ.

Биз илгари сураётган назария яна шуни кўрсатадики, Хитой каби экстрактив сиёсий институтлар шароитидаги ўсиш барқарор ривожланишни кафолатламайди ва холдан тойиши эҳтимолга яқин. Бу мисоллардан ташқари бошқа мавҳумликлар ҳам бор. Масалан, Куба инклюзив институтлар фойдасига ўзгариш қилиши ва йирик иқтисодий трансформацияни бошдан ўтказиши ҳам, экстрактив сиёсий ва иқтисодий институтлар чангалида қолиши ҳам мумкин. Осиёдаги Шимолий Корея ва Бирма (Мьянма) давлатлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Демак, бу назария институтлар қандай эврилиши ва бунинг натижаси ҳақида мулоҳаза қилиш учун дастак беради, аммо эврилишнинг табиати – кичик тафовутлар ва тасодикийлик эса аниқроқ башорат қилишни қийинлаштиради.

Бойлик ва камбағаллик сабаблари борасидаги бу кенг қамровли изоҳимиз сиёсий чора-тадбирлар бўйича тавсия олишда янада хушёр бўлиш талаб этилади. Бурилиш нуқталари таъсири мавжуд институтларга боғлиқ бўлгани сингари жамиятнинг сиёсий қарорларга муносабати ҳам ҳукмрон институтларга боғлиқ. Албатта, бизнинг назариямиз асосан мамлакатлар тараққий қилиши ҳақида – бу уларнинг ўз институтларини экстрактивликдан инклюзивликка ўзгартириши орқали бўлади. Шунингдек, бундай ўзгаришни амалга оширишнинг осон йўриқномаси йўқ. Аввало, зарарли занжир туфайли институтларни ўзгартириш уларни юзага келтиришдан кўра қийинлашади. Айниқса, 12-бобда олигархиянинг темир қонуни мисолида баён қилганимиздек, экстрактив институтлар турли қиёфаларда қайта тиклана олади. Шу

боис 2011 йил февралида оммавий намоишлар орқали президент Хусни Муборак ҳукумати кулагилгани Мисрда инклюзив институтлар шаклланишини кафолатламайди. Аксинча, жўшқин ва умидли демократик ҳаракатларга қарамай, экстрактив институтлар қайта тикланиши мумкин. Иккинчидан, тарих чархпалаги қандай айланиши номаълум экан, бурилиш нуқталари ва мавжуд институционал тафовутларнинг бир нуқтада кесишуви натижасида инклюзив институтлар зафар қозонадими ё экстрактивлари, буни олдиндан билиш мушкул. Ўзгаришни инклюзив институтлар томон оғдириш учун умумий сиёсий чораларни кўриш қаҳрамонлик бўларди. Шу билан бир қаторда, бизнинг назариямиз сиёсий таҳлил учун керакли. Чунки у бизга нотўғри ёндашув ёхуд институтлар ўзгаришини етарлича англамаслик оқибатида берилган янглиш сиёсий тавсияларни аниқлашга ёрдам беради. Бу борада, аксар ҳолларда бўлгани каби энг ёмон хатолардан қочиш оддий ечимларни топиш сингари муҳим ва ҳақиқатга яқинроқдир. Эҳтимол, Хитойнинг сўнгги ўн йилликлардаги муваффақиятли ривожланиш тажрибаси асосида “авторитар режимда ривожланиш”га ундайдиган ҳозирги сиёсий тавсиялар ҳақида мулоҳаза юритганда, бу анчагина ёрқин намоён бўлади. Қуйида биз бундай сиёсий тавсияларнинг нега янглиш эканлигини, Хитойдаги ҳозиргача юз берган ривожланиш экстрактив сиёсий институтлар шароитидаги ўсишнинг бир шакли холослигини ва барқарор иқтисодий ўсишга айланиш эҳтимоли озлигини тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

АВТОРИТАР ТАРАҚҚИЁТ ЖОЗИБАСИ

Дай Гуофанг Хитойда юзага келадиган шаҳарлар тараққиётини анча олдин фаҳмлади. 1990-йилларда Хитойнинг ҳамма ерида янги автомагистраллар, бизнес марказлар, тураржойлар ва осмонўпар иморатлар қад ростлаётганди. Бу жадал ўсиш кейинги ўн йилликда янада каттароқ тезланиш олишини Дай Гуофанг тахмин қил-

ганди. Дай Гуофангнинг фикрича, унинг “Jingsu Tieben Iron and Steel” компанияси арзон ишлаб чиқарувчи сифатида, айниқса, давлат тасарруфидаги самарасиз металлургия корхоналари билан таққослаганда, катта бозорни эгаллаши мумкин эди. Ҳақиқий металлургия гигантини куришни режа қилган Дай Гуофанг Чангжоудаги маҳаллий партия раҳбарлари кўмаги билан 2003 йилда уни барпо этишга киришади. Бироқ 2004 йилнинг мартада лойиҳа Пекиндаги Хитой коммунистик партияси қарори билан тўхтатилиб, Дай Гуофанг номаълум сабаблар билан ҳибсга олинади. Ҳокимият вакиллари Дай Гуофангнинг ҳисоботларидан қандайдир жиноят аломатларини топишга ишонган бўлса керак. Дарҳақиқат, у кейинги беш йилни турмада ва уй қамоғида ўтказди. 2009 йилда эса арзимаган бир жиноятда айбдор топилди. Аслида унинг айби давлат ҳомийлигидаги компанияларга рақобат қиладиган йирик лойиҳага қўл ургани ва буни коммунистик партиянинг олий раҳбарияти изнисиз амалга оширгани эди. Шубҳасиз, бу бошқаларга ўрناк бўлиши керак бўлган сабоқ эди.

Коммунистик партиянинг Дай Гуофанг сингари тadbиркорларга муносабатидан ҳайратланмаса ҳам бўлади. Дэн Сяопиннинг энг яқин мулозимларидан бири ва дастлабки бозор ислохотлари бош меъмори бўлган Чен Юн партиянинг кўпчилик кадрлари қарашларини умумлаштириб, иқтисодиётни “қафасдаги куш”га қиёслайди: Хитой иқтисоди куш эди, қафас, яъни партия ҳокимияти эса кушнинг соғлом ва ҳаракатчан бўлиши учун катталашини лозим, аммо куш учиб кетмаслиги учун уни очиш ёки олиб ташлаш мумкин эмас эди. 1989 йилда Хитойдаги энг қудратли лавозим – коммунистик партиянинг бош котиби вазифасини эгаллаганидан кўп ўтмай, Цзян Цзэмин бу йўлни давом эттирди ва партиянинг тadbиркорларга нисбатан шубҳаларини акс эттирар экан, уларни *“фириб берадиган, товламачи-*

лик қиладиган, пора берадиган, солиқдан қочадиган, ўз фойдаси учун ишловчи савдогар ва чайқовчилар” дейди. 1990-йилларда хорижий сармоя Хитойга оқиб келган ва давлат корхоналарининг кенгайиши рағбатлантирилганига қарамай, хусусий тадбиркорлик шубҳа-гумонлар билан қаршиланди ва кўплаб тадбиркорлар ё талон-та-рож килинди ёки қамокқа ташланди. Цзян Цземиннинг тадбиркорларга нисбатан қараши, гарчи ҳозирда анча заифлашган бўлса-да, ҳалигача Хитойда кенг тарқалган. Хитойлик иқтисодчининг таъбири билан айтганда, “Йирик давлат тасарруфидаги компаниялар йирик лойиҳаларда иштирок этиши мумкин. Аммо хусусий компаниялар шундай қилса, айниқса, давлат корхоналари билан рақобат қилса, ҳар томондан муаммога дуч келади”.

Бугунги кунда Хитойда кўплаб хусусий компаниялар муваффақиятли фаолият олиб бораётган бир пайтда, иқтисодиётнинг аксарият унсурлари ҳамон партия назорати ва ҳимоясида қолмоқда. Журналист Ричард Макгрегорнинг маълум қилишича, Хитойдаги ҳар бир йирик давлат корхонаси раҳбари столида кизил рангли телефон туради. У орқали партия компанияга нималар қилиш кераклиги, қаерга сармоя киритиши лозимлиги, келгуси режалари қандай бўлиши ҳақида кўрсатма беради. Мазкур йирик компаниялар партиянинг чизган чизигидан чиқмайди, бундан шу англашиладики, партия давлат корхонасининг раҳбар ходимларини ишдан олиш ёки лавозимини ошириш мақсадида алмаштиришга қарор қилса, бунга изоҳ бериб ўтириши ҳам шарт бўлмайди.

Албатта, юкорида тилга олинган фактлар Хитойнинг инклюзив иқтисодий институтлар томон муҳим қадамлар ташлаганини инкор қилмайди, бинобарин, айнан мана шу ўзгаришлар Хитой иқтисодиётининг сўнгги 30 йилда мислсиз кўламда ўсишини таъминлади. Кўп тадбиркорлар муайян ҳимояга эга, ҳеч бўлмаганда, улар коммунистик партиянинг маҳаллий раҳбарлари ва Пекин-

даги мансабдорларнинг кўмагидан умидвор бўлади. Аксарият давлат корхоналари фойда учун ишлайди ва халқаро бозорда рақобатлашади. Ҳозирги Хитой Мао Цзэдун қурган мамлакатдан бутунлай фарқ қилади. Аввалги бобда гувоҳи бўлганимиздек, Дэн Сяопин даврида энг экстрактив иқтисодий институтлардан воз кечилиб, инклюзив иқтисодий институтлар сари амалга оширилган кескин ўзгаришлар сабабли Хитой иқтисодий ўсишга эриша бошлаганди. Хитойнинг иқтисодий институтлари, гарчи секинлик билан бўлса-да, янада инклюзивроқ бўлиш йўлида одимлар экан, мутгасил ўсишда давом этди. Хитой, шунингдек, кўп сонли арзон ишчи кучи ҳамда ташқи бозорлар, хориж сармоясини ва технологиялар имкониятидан катта фойда кўраётган эди.

Бугунги кунда Хитойнинг иқтисодий институтлари 30 йил аввалгидан қиёслаб бўлмайдиган даражада инклюзивлашган бўлса-да, Хитой эришган ютуқлар экстрактив сиёсий институтлар шароитида юз берувчи иқтисодий ўсиш намунасини кўрсатди. Сўнгги пайтларда Хитойда инновациялар ва технологияларга урғу берилётганига карамай, мамлакатдаги иқтисодий ўсиш бунёдкор бузғунчиликка эмас, балки мавжуд технологияларни жорий этиш ва жадал инвестициялашга асосланган. Бунинг муҳим жиҳати шундаки, Хитойда мулк ҳуқуқлари тўлиқ ҳимояланмаган. Ахён-ахёнда айрим тадбиркорлар Дай Гуофанг сингари қурбон қилинади. Меҳнат бозорида ишчиларнинг ҳаракатланиш имконияти қаттиқ назорат қилинади, мулк ҳуқуқининг энг бирламчи шакли – кишиларнинг ўз меҳнатларини ўзлари истаган тарзда сотиш ҳуқуқи тўлиқ таъминланмаган. Иқтисодий институтларнинг том маънодаги инклюзивликдан ҳалиям узоқлигини шунда кўриш мумкинки, маҳаллий партия раҳбарияти ёхуд ундан ҳам муҳими, Пекиндаги элита кўлловисиз жуда кам сонли ишбилармон эркак ва аёллар бирор фаолият билан шуғулланиши мумкин, холос.

Бизнес ва партия ўртасидаги алоқа ҳар иккала тараф учун ҳам гоят фойдали. Партия ёрдамида имтиёзли асосда шартномаларни қўлга киритган компаниялар одамларнинг ерларини тортиб олиш учун уларни ўз уйларидан хайдаб чиқариши, мавжуд қонун ва тартибларни оёқос-ти қилиб, жазосиз қолиши мумкин. Ана шундай бизнес лойиҳалари йўлига ғов бўлганларни эса чумолидай эзиб ташлашлари, ҳатто қамоққа тикишлари ёки ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмас.

Хитойда коммунистик партия ва экстрактив институтларнинг бениҳоя катта таъсирини ҳисобга олиб, гарчи бир қатор сезиларли тафовутлар ҳам кўзга ташланса-да, 1950–1960-йилларда СССРда юз берган ва бугунги кунда Хитойда кузатилаётган иқтисодий ўсиш ўртасида кўплаб ўхшашликлар борлигини кўриш мумкин. Совет Иттифоқи экстрактив иқтисодий ва сиёсий институтларга эга бўлса-да, ҳукумат мавжуд барча ресурсларни марказлашган буйруқбозлик асосида ишлайдиган саноат соҳасига, хусусан, ҳарбий ва оғир саноатга куч билан йўналтириш орқали ўсишга эришганди. Қайсидир даражада бундай иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эди, чунки эришиш лозим бўлган марралар кўп эди. Бунёдкор бузғунчилик зарурат бўлмаганда, экстрактив институтлар билан ўсишга эришиш осонроқ кечади. Шубҳасиз, Хитойнинг иқтисодий институтлари совет институтларига қараганда инклюзивроқ, аммо унинг сиёсий институтлари экстрактивлигича қолган. Хитойда коммунистик партия энг қудратли куч бўлиб, давлат бошқарувини, қуролли кучларни, ОАВни ва иқтисодиётнинг катта қисмини назорат қилади. Хитой халқининг сиёсий эркинликлари чекланган, фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштироки жуда оз.

Хитойдаги иқтисодий ўсиш демократия ва кўпроқ плюрализмни вужудга келтиришига кўпчилик ишонганди. 1989 йилда Тянанмен майдонидаги намоёнлар сиёсий тизимнинг очилишига ва ҳатто коммунистик режим-

нинг кулашига олиб келишига асосли умид бор эди. Аммо намойишчилар устига танклар ташланди ва энди тарих китобларига бу ходиса тинч инқилоб эмас, “Тянанмен майдонидаги қирғин” номи билан кирди. Тянанмен қирғинидан кейин Хитойнинг сиёсий институтлари кўп жиҳатдан экстрактивлашиб борди; майдондаги намойишчи талабаларни қўллаб-қувватлаган компартия бош котиби Чжао Цзиян сингари ислоҳот тарафдорлари ишдан олиниб, партия зўр бериб инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини бўғишга киришди. Чжао Цзиян 15 йилдан ортиқ вақт давомида уй қамогида сақланиб, унинг фаолияти жамоатчилик хотирасидан тамоман ўчирилди ва сиёсий ислоҳот тарафдорлари рамзи сифатидаги номи йўқ қилинди.

Ҳозир партиянинг ОАВ ва интернет устидан назорати ақл бовар қилмас даражага етган. Буларнинг барчасига ўз-ўзини цензура қилиш орқали эришилди: оммавий ахборот воситалари Чжао Цзиянни, демократик ислоҳотлар талабида ҳукуматни танқид қилгани учун ҳамон қамоқда сақланаётган тинчлик бўйича Нобель мукофоти соҳиби Лю Сяобони тилга олмаслик кераклигини яхши биладилар. Ўз-ўзини цензура қилишни суҳбатлар ва сўзлашувларни кузатиш, веб-сайтлар ва газеталарни ёпиб қўйиш, интернетдаги муайян янгиликлар ресурсларига киришга ҳам чеклов қўйишга қодир оруэллча¹ цензура машинаси бошқаради. Бу, айниқса, 2009 йили янгиликларда 2002 йилдан бери партия бош котиби лавозимида ишлаб келаётган Ху Цзинтаонинг ўғлига коррупция билан боглиқ айбловлар янграган пайтда яққол намоён бўлди. Партиянинг цензура машинаси зудлик билан ишга киришди ва нафақат Хитой ОАВда бу мавзу ёритилишининг олдини олди, балки “New York Times” ҳамда “Financial Times”нинг веб-сайтларидаги шу мавзуга оид хабарларни блоклашга муваффақ бўлди.

¹ Инглиз ёзувчиси Жорж Оруэллнинг “1984” асари назарда тутилмоқда.

Партия иқтисодий институтлар устидан ҳукмронлик қилар экан, бунёдкор бузгунчилик кўлами чекланади ва токи сиёсий институтларда кескин ўзгаришлар юз бермас экан, барчаси шу зайлда давом этади. Совет Иттифоқидаги сингари Хитойнинг экстрактив сиёсий институтлар шароитида иқтисодий ўсишни бошдан кечириши эришилиши лозим бўлган марранинг юқорилиги билан характерланади. Хитойдаги аҳоли жон бошига даромад АҚШ ва Ғарбий Европадаги кўрсаткичлардан анча паст. Тўғри, Хитойдаги иқтисодий юксалиш кўлами СССРдагига нисбатан анча кенг қамровли, Хитой иқтисодиёти қурол-яроғ ва оғир саноатга суяниб қолмаган, хитойлик тадбиркорлар эса ўз заковатларини намойиш қилмоқда. Шунга қарамай, токи экстрактив сиёсий институтлар инклюзив институтларга йўл бермас экан, бу ўсиш тўхташи муқаррар. Сиёсий институтлар экстрактивлигича қолар экан, бошқа мамлакатлар мисолида гувоҳ бўлганимиздек, иқтисодий ўсиш миқёси табиий равишда чекланади.

Хитой тажрибаси иқтисодий ўсишнинг келажаги хусусида, аниқроғи, авторитар тузум шароитидаги ўсишнинг мақбуллиги ва муваффақияти борасида бир қатор қизиқарли саволларни ўртага ташлайди. Иқтисодий ўсишнинг бундай тури дунёнинг кўплаб ривожланмаган мамлакатларида иқтисодий ривожланиш учун бозор ва савдони эркинлаштиришнинг муҳимлиги ҳамда муайян институционал ислохотлар зарурлигини таъкидлайдиган “Вашингтон консенсуси”га қарши кенг тарқалган муқобилга айланди. Авторитар тузумдаги иқтисодий ўсишнинг жозибадорлиги, бир томондан, унинг “Вашингтон консенсуси”га қарама-қарши қўйилиши билан боғлиқ бўлса, унинг янада жозибадор жиҳати, экстрактив институтлар устидан ҳукмронлик қилаётганларга маъқул бўлиши сабаби шуки, у ҳукмдорларга мавжуд ҳокимиятни сақлаб қолиш ва ҳатто уни кучайтиришга имкон беради ҳамда уларнинг талончилигини қонунийлаштиради.

Биз илгари сураётган назария шуни таъкидлайдики, ҳокимият муайян даражада марказлашган мамлакатларда экстрактив институтлар шароитида ҳам иқтисодий ўсишга эришиш мумкин ва у Камбоджа, Вьетнам, Бурунди, Эфиопия ва Руанда сингари мамлакатлар учун мос келадиган сценарий бўлиши мумкин. Лекин шуни ёдда тутиш лозимки, экстрактив сиёсий институтларда кузатиладиган иқтисодий ўсишнинг бошқа барча мисолларидаги сингари бу ўсиш барқарор бўлмайди.

Хитой мисолида айтсак, тараққиётда ўзидан олдиндаги мамлакатларга етиб олиш, хорижий технологиялар импорти ва арзон, паст сифатли маҳсулотлар экспортга асосланган ўсиш жараёни маълум муддат давом этишини тахмин қилиш мумкин. Шунга қарамай, Хитойдаги турмуш даражаси ўртача даромадли мамлакатлар даражасига етганда, иқтисодий ўсиш тўхташи эҳтимоли бор. Эҳтимолга энг яқини, кейинги бир неча ўн йилликда Хитой коммунистик партияси ва тобора кучайиб бораётган қудратли иқтисодий элитанинг ғоят қаттиққўл ҳокимияти сақлаб қолиниши мумкин. Шундай бўлган тақдирда, тарих тажрибаси ва бизнинг назариямиз шундан дарак берадики, бунёдкор бузғунчилик ва том маънодаги янгиликлар билан кечадиган ўсиш бўлмайди, Хитойдаги ақл бовар қилмас ўсиш кўрсаткичлари эса аста-секин завоқ топади. Аммо бундай қисмат юз бериши муқаррар, деб бўлмайди. Агар экстрактив институтлар шароитидаги иқтисодий ўсиш муайян чегарага етмасдан бурун Хитой инклюзив сиёсий институтларни жорий қилса, бундай тақдирдан қутулиб қолиш мумкин. Бирок Хитойда инклюзив сиёсий институтларга ўтиш эҳтимоли ҳам, бу жараённинг ўз-ўзидан ва оғриқсиз кечишидан умид ҳам жуда оз.

Ҳаттоки коммунистик партия ичида ҳам айримлар қаршиларида турган хавфни тан олмоқда ва сиёсий ислоҳот, бизнинг таъбиримиз билан айтганда, инклю-

зив сиёсий институтлар бошқарувига ўтиш зарурлиги ғоясини ўртага ташламоқда. Яқинда нуфузли сиёсатчилардан Бош вазир Вэн Цзябао сиёсий ислоҳот амалга оширилмагунча иқтисодий ўсиш қийинлашиши хавфидан огоҳлантириб чиқди. Гарчи баъзи бировлар унинг самимийлигига шубҳа билдирса-да, бизнингча, Вэн Цзябаонинг мулоҳазаси ўринли. Аммо аксарият ғарбликлар Вэн Цзябаонинг фикрига қўшилмайдилар. Уларнинг фикрича, Хитой барқарор иқтисодий ўсиш учун муқобил йўлни, яъни инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар ўрнига авторитар режимда ривожланиш йўлини кашф қилган. Бироқ улар ноҳақ! Биз аллақачон Хитой тараққиётининг энг асосий илдизларини аниқлаб бўлдик: бу иқтисодий институтларнинг қаттиққўл коммунистик шаклдан маҳсулдорликни ошириш ва савдосотиқ билан шуғулланишни рағбатлантирадиган институтларга кескин ўзгартирилиши эди. Бу жиҳатдан караганда, Хитой тажрибасини экстрактив иқтисодий институтлардан инклюзив иқтисодий институтлар томон муҳим қадамларни ташлай олган мамлакатлар билан таққослаганда, гарчи улар худди Хитойда бўлгани сингари экстрактив сиёсий институтлар шароитида юз берган бўлса-да, тубдан фарқ қилмайди. Шундай қилиб, Хитой иқтисодий ўсишга ўзининг экстрактив сиёсий институтлари туфайли эришмади, аксинча, унинг сўнгги ўттиз йилдаги муваффақияти экстрактив иқтисодий институтлардан кескин узоқлашиб, инклюзивроқ иқтисодий институтлар томон сезиларли яқинлашиши туфайли юз берди. Аммо бу жараён осонроқ юз бериш ўрнига, ғоят мустабид, экстрактив сиёсий институтлар дастидан анча қийин кечди.

Авторитар режимда иқтисодий ўсишга эришиш тарафдорларидан яна бир тоифаси унинг номақбул жиҳатларини тан олади, аммо авторитар тузумни шунчаки ўтиш босқичи деб билади. Бу ғоя сиёсий социологиянинг

классик назарияларидан бири – Сеймур Мартин Липсет ишлаб чиққан “модернизация назарияси”га бориб тақалади. Модернизация назариясига кўра, барча мамлакатлар, токи улар иқтисодий жиҳатдан ўсиб борар экан, замонавийроқ, янада тараққий этган ва маданийлашган ҳаёт сари, жумладан, демократия томон илгарилаб боради. Модернизация назариясининг кўпчилик тарафдорлари тағин даъво қиладиларки, инклюзив институтлар ҳам демократия каби иқтисодий ўсиш маҳсули ўлароқ вужудга келади. Қолаверса, гарчи демократия инклюзив сиёсий институтлар билан бир хил тушунча бўлмаса-да, мунтазам сайловлар ва нисбатан эркин сиёсий рақобат инклюзив сиёсий институтларнинг тараққиётига олиб келиши мумкин. Модернизация назариясининг бошқа бир версиясига биноан, яхши таълим кўрган ишчилар синфи табиий равишда демократия ва яхшироқ институтларни олиб келади. Модернизация назариясининг яна бир постмодерн версиясида “New York Times” колумнисти Томас Фридман шундай гоёни илгари сурадики, унга кўра, қачонки мамлакатда етарлича Макдоналдс ресторанлари бўлса, ўшанда демократия ва инклюзив институтлар ҳам пайдо бўлишини кутса бўлади. Буларнинг бари некбин манзарани чизиб беради. Сўнгги 60 йил мобайнида аксарият мамлакатлар, гарчи уларнинг кўпчилиги экстрактив институтларга эга бўлган эса-да, муайян даражада иқтисодий ўсишни бошдан кечирди ва бу мамлакатлардан аксарияти ишчилар синфининг таълим даражасида сезиларли ўсишга эришди ҳам. Шундай экан, аҳолининг даромадлари ва таълим даражаси ошиши билан демократия, инсон ҳуқуқлари, фуқаровий эркинликлар ва мулк ҳуқуқи таъминланиши сингари ижобий ўзгаришлар бўлиши лозим эди.

Модернизация назарияси тарафдорлари илмий доиралар ичида ҳам, ундан ташқарида ҳам кўпчиликни ташкил этади. АҚШнинг яқин тарихдаги Хитойга му-

носабати шу назария таъсирида шаклланиб келган. Президент Катта Жорж Буш АҚШнинг Хитой демократиясига нисбатан сиёсатини “Хитой билан эркин савдо қиламиз, вақт эса бизнинг фойдамизга ишлайди”, дея таърифлаган эди. Бунинг моҳияти шунда эдики, Хитой Ғарб билан эркин савдога киришар экан, иқтисодий ўсишга эришади, бу ривожланиш эса Хитойга демократия ва яхшироқ институтларни олиб келади – модернизация назарияси худди шу қарашни илгари суради. Бирок 1980-йиллардан бери АҚШ-Хитой савдо алоқаларида юз берган жадал ўсиш Хитой демократияси учун айтарли ҳеч нарса олиб келмади, кейинги йилларда юз бериши кутилаётган янада яқинроқ интеграция ҳам демократия учун бундан ортиқ наф келтирмаслиги тайин.

АҚШ бошчилигида уюштирилган босқиндан сўнг Ироқ ва ундаги демократиянинг келажаги борасидаги кўпчиликнинг фикри ҳам модернизация назарияси туфайли худди шундай некбин бўлган эди. Саддам Ҳусайн ҳукумати давридаги ҳалокатли иқтисодий кўрсаткичларга карамай, 2002 йилда Ироқ тропик Африканинг аксарият мамлакатларичалик қашшоқ эмас эди. Мамлакат аҳолиси нисбатан яхши таълим кўрган бўлиб, бу демократия ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси ривожини учун, ҳаттоки бизнинг таъбиримизча, плюрализм учун ҳам айни пойдевор бўлиши кутилганди. Ироқ халқининг бошига бошбошдоқлик ва фуқаролар уруши балоси келгач, бу умидлар ҳам тез орада сўнди.

Таназул топган мамлакатлардаги экстрактив институтларнинг асосий муаммоларини қандай ҳал қилиш хусусида мулоҳаза қилар эканмиз, бу борада модернизация назарияси хато ва фойдасиздир. Модернизация назарияси фойдасига энг кучли далил шундан иборатки, бой мамлакатларда демократик ҳукуматлар ҳукм суради, фуқаролик ва инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинади, бозор муносабатлари амал қилади ва асосан, инклюзив иқтисо-

дий институтлар ишлайди. Лекин буни модернизация назариясини қўллаш мақсадида талқин қилиш орқасида инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларнинг иқтисодий ўсишга катта таъсири эътибордан четда қолдирилади. Мазкур китобда биз илгари суряпмизки, охирги 300 йилда ривожланишга эришган ва бугун нисбатан бадавлат бўлган мамлакатларда инклюзив институтлар ишлайди. Фактларга бироз бошқачароқ назар ташласак, биз бугунги кунда дунёда кўриб турган ҳолатга нисбатан аниқроқ изоҳни топамиз: сўнгги бир неча аср мобайнида инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларни барпо этган мамлакатлар барқарор иқтисодий ўсишга эришгани ҳолда, ўтган 60 ёки 100 йилда уларга нисбатан жадалроқ ривожланишни бошдан кечирган авторитар мамлакатлар, Липсетнинг модернизация назариясига зид ўлароқ, демократлашиб қолмади. Аслида бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Экстрактив институтлар шароитида иқтисодий ўсишга эришиш албатта мумкин, чунки бу ўсиш зарурий тарзда ёхуд ўз-ўзидан ўша институтларга барҳам беришни тақозо қилмайди. Очиги, бундай ривожланиш кўпинча юз беради, негаки экстрактив институтлар жиловини тутиб турганлар иқтисодий ўсишни таҳдид сифатида эмас, ўз ҳокимиятлари таянчи сифатида кўрадилар. Хитой коммунистик партияси 1980-йиллардан бери шу йўлни тутиб келмоқда. Яна шунга ҳам ажабланмаса бўладики, Габон, Россия, Саудия Арабистони ва Венесуэла сингари мамлакатларда мавжуд табиий ресурслар қиймати кўтарилиб кетиши туфайли эришилган иқтисодий ўсиш мазкур авторитар режимлардаги институтларнинг инклюзив институтлар томон фундаментал трансформацияга учрашига сабаб бўлиши эҳтимолдан йироқ.

Тарихий фактлар ҳам модернизация назарияси фойдасига ишламайди. Нисбатан тараққий этган кўпчилик мамлакатлар шафқатсиз диктатуралар ва экстрактив

институтларга ён бериб, уларни қўллаб-қувватлаган. XX асрнинг биринчи ярмида Германия ҳам, Япония ҳам дунёнинг энг бой ва саноатлашган мамлакатларидан, фуқаролари ҳам нисбатан яхшироқ таълим кўрган эди. Аммо булардан ҳеч бири Германияда Национал-социалистик (нацистлар) партиянинг, Японияда эса уруш ёрдамида худудини кенгайтиришни кўзлаган милитаристик режимнинг ҳокимиятга келишига тўсқинлик қила олмади, аксинча, сиёсий ва иқтисодий институтлар тобора экстрактивлашиб борди. Аргентина ҳам XIX асрда Британия даражасида, балки ундан-да бадавлатроқ эди, чунки бу мамлакат дунёда ресурслар учун талаб кескин ортишидан фойда кўрганди. Аргентина аҳолиси Лотин Америкасидаги энг саводли халқ эди. Аммо демократия ва плюрализм тушунчалари Аргентинада муваффақият қозонмади, улар ҳатто Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидан кўра Аргентинада муваффақиятсизроқ бўлиб чиқди. Бир тўнтариш кетидан бошқаси юз бериб, 11-бобда қайд этганимиздек, ҳатто демократик йўл билан сайланган ҳукмдорлар ҳам мамлакатни очқўз диктаторлар сингари идора қилди. Анча яқин тарихда ҳам инклюзив иқтисодий институтлар томон жуда кам силжиш юз берди. 13-бобда гувоҳ бўлдикки, XXI асрда ҳам Аргентина ҳукумати ўз фуқароларининг бойликларини талон-тарож қилиб, жазосиз қолишга муяссар бўлмоқда.

Буларнинг ҳаммаси бир қатор муҳим ғояларни юзага чиқаради. Биринчидан, Хитойдаги мустабид, экстрактив сиёсий институтлар назоратида эришилган иқтисодий ўсиш ҳали давом этиши кутилаётган бўлса-да, том маънодаги инклюзив институтлар ва бунёдкор бузғунчилик олиб келадиган барқарор ўсишга эврила олмайди. Иккинчидан, модернизация назарияси илгари сурган ғояларга зид ўлароқ, биз авторитар режим шароитидаги ривожланиш демократия ва инклюзив сиёсий институтларга олиб боради, деб ҳисобламаслигимиз

керак. Айни пайтда маълум даражада иқтисодий ривожланишни бошдан кечираётган Хитой, Россия ва шу сингари бошқа бир қатор авторитар режимлар, токи сиёсий институтларини инклюзив йўналишга буришга улгурмас экан, экстрактив ўсишнинг тўхташи эҳтимолдан холи эмас. Тўғрироғи, бунинг учун элита орасида бундай ўзгаришлар учун хошиш уйғониши ёки кучлироқ мухолифат уларни шундай қилишга мажбурлаши керак. Учинчидан, авторитар режим шароитида ривожланиш узоқ муддатли давр учун мақбул ёки ишончли танлов эмас. Кўпчилик мамлакатлар айнан шу йўлни тутуди, негаки у баъзида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон элитанинг манфаатлари билан уйғун бўлади. Шунинг учун ҳам бу йўл Латин Америкаси, Осиё ва Тропик Африка мамлакатлари учун намуна ўлароқ халқаро ҳамжаъмият томонидан қўллаб-қувватланмаслиги керак.

ТАРАҚҚИЁТНИ ЯСАБ БЎЛМАЙДИ

Бу китобда биз ишлаб чиққан назариядан фарқли равишда, “билимсизлик назарияси” қашшоқлик муаммосини осонгина ҳал қилиш мумкин, деган ғояни илгари суради: модомики билимсизлик шу аҳволга солган экан, ҳукмдорлар ва сиёсатдонларни ўргатиш ва маслаҳат бериш бизни бу вазиятдан қутқариши керак бўларди. Шу тариқа мақбул иқтисодиёт қандай бўлиши борасидаги тўғри маслаҳатлар бериш ва сиёсатчиларни ўз йўриғига юргизиш орқали маслаҳатгўйлар бутун дунёга тараққиёт олиб келишлари мумкин эди. 2-бобда бу ёндашув борасида мулоҳаза қилар эканмиз, 1970-йиллар бошларида Гана бош вазири Кофи Бусиа билан юз берган вазият мисолида шунини асослаган эдик: бозор механизмларининг муваффақиятсизликка учраш хавфини камайтирувчи ва иқтисодий ўсишга туртки берувчи чораларни қабул қилиш йўлидаги асосий тўсиқ сиёсатчиларнинг жоҳиллиги эмас, балки уларга ўз юртларидаги сиёсий ва иқтисодий институтлардан бўладиган қаршиликлардир. Шунга

карамай, Фарбдаги сиёсий доираларда билимсизлик назарияси ҳамон ҳукмронлик қилиб келмоқда, улар ҳаммасидан ҳам кўра тараққиётни “яшаш” масаласига кўпроқ эътибор қаратишади.

Бундай тараққиётни сунъий яшаш ҳаракатлари икки шаклда намоён бўлади. Биринчиси асосан Халқаро валюта жамғармаси сингари халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Унга кўра, султ ривожланишга нотўғри иқтисодий сиёсат ва институтлар сабаб бўлади. Бунда камбағал мамлакатларга халқаро ташкилотлар ривожланиш бўйича ўз тақлифларини беради (Вашингтон консенсуси ана шундай тақлифлар тўпламидан иборат). Ўзгартириш тавсия қилинган тақлифларда макроиқтисодий барқарорлик, давлат секторини қисқартириш, ўзгарувчан валюта курси, капитал билан боғлиқ операцияларни эркинлаштириш сингари жозибador макроиқтисодий марраларга диққат қаратилади. Уларда, шунингдек, хусусийлаштириш, ижтимоий хизматлар самарадорлигини ошириш каби бошқа макроиқтисодий вазифаларга ҳамда коррупцияга қарши чора-тадбирлар орқали давлатнинг ўз вазифаларини бажариш салоҳиятини яхшилаш бўйича кўрсатмаларга ҳам урғу берилади. Гарчи бу реформаларнинг кўпчилиги ўзича жўяли бўлса-да, Вашингтон, Лондон, Париж ёки бошқа жойлардаги халқаро ташкилотларнинг ёндашуви янглиш бўлиб, бу ёндашув сиёсий институтларнинг ўрни ва сиёсий қарорлар қабул қилишдаги уларнинг таъсирини тан олмайди. Халқаро молиявий тузилмаларнинг қашшоқ мамлакатларни яхшироқ чора-тадбирлар ва институтларни жорий қилишга мажбурлаш орқали иқтисодий ўсишни юзага келтиришга уринишлари бефойда. Чунки бу жараён биринчи навбатда ўша мамлакатда нотўғри сиёсат ва номақбул институтлар нима сабабдан пайдо бўлганини тушунтириш билан бирга кечмайди, қолақ мамлакатларнинг ҳукмдорлари эса жоҳил бўлиб қола-

дилар. Оқибатда эса тавсия этилган чора-тадбирлар қабул қилинмайди ва бажарилмайди ёки уларнинг ижроси номигагина амалга оширилади.

Мисол учун, дунёнинг ана шундай ислохотларни хўжақўрсинга бажарган кўплаб ўлкалари, айниқса, Лотин Америкасидаги мамлакатлар 1980–1990-йилларда турғунликка учради. Амалда бундай чоралар мавжуд сиёсат ўз ҳолича давом этган бир пайтда ўша мамлакатлар зиммасига юкланди. Шу боис реформалар амалга оширилган бўлса-да, ё улардан кўзланган мақсадга путур етган, ёки сиёсатчилар бу реформалар таъсирини камайтириш учун бошқа чораларни қўллаган. Бунинг яққол намунасини халқаро тузилмаларнинг макроиктисодий барқарорлик кўзланган энг муҳим тавсияларидан бири – марказий банк мустақиллигига эришиш бўйича таклиф қандай бажарилганида ҳам кўриш мумкин. Бу тавсия ё қоғоздагина амалга оширилган ёки бошқа сиёсий воқеалар ёрдамида унинг самараси камайтирилган. Бир қарашда, бу анча жўяли кўринади. Дунёдаги кўплаб давлат раҳбарлари йигилаётган солиқ тушумларидан кўра кўпроқ харажат қилардилар ва оқибатда камомадни янги пул босиш орқали ёпишга марказий банкларни мажбур қилишарди. Пировардида инфляция бекарорлик ва мавҳумликни юзага келтирарди. Назарий жиҳатдан, марказий банклар худди Германиядаги Бундесбанк сингари сиёсий босимга қарши туриши ва инфляцияга чек қўйиши керак эди. Халқаро ташкилотларнинг маслаҳатига қулоқ солишга қарор қилган Зимбабве президенти Мугабе 1995 йилда марказий банкни мустақил деб эълон қилади. Бунгача Зимбабведа инфляция 20 фоиз атрофида эди. 2002 йилга келиб, инфляция 140 фоизга, 2003 йилда салкам 600 фоизга, 2007 йилда эса 66 минг фоизга ва 2008 йилда 230 миллион фоизга етади. Дарҳақиқат, президентга лотереяда ютуқ чиқадиган мамлакатда марказий банк мустақиллиги ҳақида қонун қабул қилиш ҳеч

нарсани ўзгартирмаслиги табиий. Зимбабве марказий банки раҳбари Стивенс Сиака Сьерра-Леонедаги ҳамкасби марказий банк биносининг юкори қаватидан ерга қандай кулаганидан хабардор бўлса керак. Мустақилми ёки йўқ, президент талабларига бўйсунуш иқтисодиёт учун тўғри бўлмаса-да, ўз ҳаёти учун оқилона танлов эди. Аммо барча мамлакатлар ҳам Зимбабвега ўхшамайди. Масалан, Аргентина ва Колумбияда ҳам марказий банклар ўтган асрнинг 90-йилларида мустақилликка эришди ва ҳақиқатан ҳам инфляцияни жиловлаш бўйича ўз вазифаларини бажарди. Аммо бу мамлакатларнинг иккаласида ҳам сиёсий тартиб ўзгармай қолгани учун сиёсий элита вакиллари сайловларда овозларни сотиб олиш орқали ўз мавқеларини сақлаб қолиш ҳамда ўзлари ва ҳамтовоқларига наф келтириш учун бошқа усуллардан фойдаланди. Шу мақсадда, энди пул босиб чиқариш имкони йўқ экан, уларнинг бошқача йўл тутишига тўғри келди. Ҳар икки мамлакатда марказий банкнинг мустақил бўлиши билан бир вақтда, асосан, қарзлар ҳисобига молияланган ҳукумат харажатлари кескин кўпайди.

Тараққиётни сунъий юзага келтириш бўйича иккинчи ёндашув ҳозирги пайтда анча кенг тарқалган. Бу ёндашув мамлакатни қашшоқликдан фаровонликка нафақат бир кунда, ҳатто бир неча ўн йилликда ҳам олиб чиқа оладиган осон ечим йўқлигини эътироф этади. Лекин бу нуқтан назар тарафдорларининг даъвосича, тўғри маслаҳатлар ёрдамида ўнглаш мумкин бўлган кўплаб “кичик бозор камчиликлари” мавжуд. Сиёсатдонлар бу имкониятлардан фойдаланса, иқтисод юксалади, яъни иқтисодчилар ва бошқалар кўмағи ҳамда донолиги ёрдамида бунга эришиш мумкин. Бу ёндашувга кўра, қашшоқ мамлакатларда ҳар қадамда кичик бозор камчиликлари учрайди, мисол учун, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимлари, бозорларнинг йўлга қўйилиш тарзи ва ҳоказо. Ҳеч шубҳасиз, булар ҳақиқат. Аммо муаммо

шундаки, мазкур майда камчиликлар фақат айсбергнинг тепаси бўлиб, экстрактив институтлар амал қилаётган мамлакатда чуқур илдиз отган муаммоларнинг белгилари, холос. Қолоқ мамлакатларда нобоп макроиктисодий сиёсат юргизилиши тасодиф бўлмаганидек, уларнинг таълим тизимлари яхши ишламаслиги ҳам тасодиф эмас. Мазкур бозор муаммолари фақат жохиллик туфайли бўлиши мумкин ҳам эмас. Пухта ўйлаб чиқилган маслаҳатларга амал қилиши қутилган сиёсатчилар ва бюрократларнинг ўзлари кўпинча ўша муаммонинг бир қисми бўлиши мумкин. Бундай самарасизликни йўқотиш учун қилинган кўп уринишлар эса, айникса, тескари натижа бериши мумкин. Чунки ҳокимият тизгинини тутиб турганлар биринчи галда қашшоқликнинг институционал сабаблари билан курашмайди.

Бу муаммоларни Ҳиндистоннинг Ражастон штатида соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга уринган “Сева Мандир” нодавлат ташкилоти фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин. Соғлиқни сақлаш тизими Ҳиндистондаги самарасиз фаолият ва абгорликнинг энг ёрқин мисолларидан биридир. Ҳукумат таъминлайдиган тиббиёт тизими, ҳеч курса назарий жиҳатдан, ҳамма учун қулай ва арзон бўлиб, аксар тиббиёт ходимлари малакали ҳисобланади. Бироқ ҳатто энг қашшоқ ҳиндлар ҳам ҳукумат тасарруфидаги тиббиёт муассасаларидан фойдаланмайди, аксинча, анчагина қиммат, тартиб тўғри йўлга қўйилмаган ва баъзан малакасиз хусусий шифокорларни танлайди. Бу аҳолининг калтафаҳмлигидан эмас: одамлар ходимлари иш жойида бўлмайдиган давлат тиббиёт муассасаларида тиббий хизматдан фойдалана олмайди. Бирор ҳинд давлатга қарашли тиббиёт муассасасига борса, у ердан нафақат ҳамшираларни тополмайди, балки ҳатто бинонинг ичига ҳам киролмаслиги мумкин, чунки шифохоналар кўпинча ёпиқ бўлади.

2006 йилда бир гуруҳ иктисодчилар билан “Сева

Мандир” Ражастоннинг Удайпур округидаги ҳамшираларни ишга вақтида боришга ундайдиган янгича тартибни ишлаб чиқади. Гоя оддий эди: “Сева Мандир” ҳамшираларнинг иш жойига келган вақти ва кунини қайд этувчи регистратордан фойдаланишни йўлга қўйди. Ҳамшираларнинг ишга вақтида келиши, иш жойида бўлиши ва ўз вақтида уни тарқ этишини таъминлаш учун ўз карточкаларига кунига уч маҳал вақтни қайд этиши белгиланди. Агар ана шу тартиб иш берганда ҳамда соғлиқни сақлаш хизмати сифати ва хизмат кўрсатиладиган беморлар сони ошганда, тараққиёт йўлидаги асосий муаммоларнинг осон ечимлари бор, деган назария учун кучли далил бўларди.

Пировардида бу ҳаракат бутунлай айрича натижага олиб келди. Янги тартиб жорий қилинганидан кўп ўтмай, ҳамшираларнинг давомати кескин ошди. Аммо бу узокқа бормади. Бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтиб, округнинг тиббиёт бошқармаси “Сева Мандир” томонидан ташкил қилинган тартибни атайин йўққа чиқарди. Давомат яна аввалги ҳолга қайтди, шу билан бирга “ишланмайдиган кунлар” сони кўпайди, булар ҳамширалар шундоқ ҳам ишга чиқмайдиган кунлар эди – аммо бу сафар маҳаллий тиббиёт бошқармаси уни расман тасдиқлаб қўйди. “Техник муаммолар” ҳам кескин ортди, регистраторлар ишдан чиқаётганди. Бироқ соғлиқни сақлаш соҳасининг маҳаллий мансабдорлари ҳамкорлик қилишдан бош тортгани туфайли “Сева Мандир” регистраторларни ал-масштира олмади.

Ҳамшираларни кунига уч марта вақтни қайд этишга мажбурлашни унчалик инновацион гоя деб бўлмайди. Чиндан ҳам, бу амалиётдан sanoatнинг турли жабҳаларида, хусусан, Ҳиндистоннинг sanoat корхоналарида фойдаланилади. Бу гоя тиббиёт соҳаси раҳбарияти хаёлига келган бўлиши керак эди. Шундай оддий тартибдан беҳабарлик туфайли биринчи навбатда уни қўллаш

тўхтатилган бўлиши эҳтимолдан йироқ. Буни дастур ишга туширилган пайтда юз берган ҳодисалар ҳам тасдиқлайди. Соғлиқни сақлаш соҳаси амалдорлари бу лойиҳани барбод қилди, негаки ҳамширалар билан уларнинг тиллари бир эди ва сурункали иш жойида бўлмаслик масаласида уларга шерик эдилар. Улар ҳамшираларни ишга вақтида келишга мажбурлайдиган, акс ҳолда, маошларини қирқадиган тартиб жорий қилинишини истамадилар.

Институтларнинг ўзи муаммо сабаби бўлиб турганда, жиддий ўзгаришларни амалга оширишда дуч келинадиган қийинчиликларнинг кичик кўринишини юқоридаги ҳодиса мисолида яққол кўриш мумкин. Мазкур мисолда “Сева Мандир”нинг ва тараққиёт иқтисодчиларининг рағбатлантирувчи тартибини институционал ислохот душманлари ҳисобланган коррупционер сиёсатчилар ёки қудрагли бизнес эгалари эмас, балки маҳаллий тиббиёт бошқармаси раҳбарлари ва ҳамширалар ишдан бўйин товлади. Бу шунини кўрсатадики, кўплаб кичик бозор муаммоларини осонгина ҳал қилиш мумкинлиги ҳаёлий бир нарса: бозор муаммоларини юзага келтирган институционал тартибот кичик миқёсдаги рағбатларни яхшилашга тўсқинлик қилади. Муаммоларнинг асл сабаблари бўлган экстрактив институтлар ва уларни ушлаб турган сиёсий тартиблар билан юзлашмай туриб, тараққиётни ясашга уриниш самара бериши амри маҳол.

ТАШҚИ ЁРДАМ МУВАФФАҚИЯТСИЗЛИГИ

“Ал-Қоида” уюштирган 2001 йил 11 сентябрдаги ҳужумлардан кўп ўтмай, АҚШ етакчилигидаги кўшинлар Афғонистондаги репрессив Толибон ҳукуматини ағдариб ташлади. Толибон “Ал-Қоида”нинг етакчи аъзоларига бошпана берган ва уларни топширишдан бош тортган эди. АҚШ армияси билан ҳамкорлик қилган афғон мужоҳидларининг собиқ етакчилари ҳамда афғон хал-

қининг нуфузли вакиллари – улар орасида Ҳамид Карзай ҳам бор эди – ўртасида 2001 йил декабрда имзоланган Бонн келишуви Афғонистонда демократик ҳукумат бошқарувини ўрнатиш режасини ҳам ўз ичига олганди. Бу борада биринчи қадам ўлароқ олий кенгаш – Лоя Жирға ташкил қилинди ва унда Ҳамид Карзай муваққат ҳукумат раҳбарлигига сайланди. Бу пайтда Афғонистонда вазият яхшиланаётганди. Кўпчилик афғонистонликлар Толибон даври ўтмишда қолишини интиқлик билан кутардилар. Халқаро ҳамжамият Афғонистон катта миқдордаги ташқи ёрдамга мухтожлигидан воқиф эди. Тез орада пойтахт Кобулда БМТ ва бир қатор нуфузли нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳозир бўлди.

Сўнги 50 йилда камбағал мамлакатлар ва инқирозга учраган давлатларга кўрсатилган хорижий ёрдамнинг самара бермаганини ҳисобга олсак, Афғонистонда кейинги йилларда юз берган ҳодисаларга ажабланмаса ҳам бўлади. Ажабланиш керакми ёки йўқ, барибир анъана такрорланди. Кобулга ўнлаб ёрдам кучлари ва уларнинг ҳаммаслаклари ўз шахсий учоқларида етиб келишди, турли-туман нодавлат ташкилотлари ўз ишларини қилиш учун ёпирилди, ҳукумат ҳамда халқаро ҳамжамият делегациялари ўртасида олий даражадаги музокаралар бошланди. Афғонистонга миллиардлаб долларлик маблағ оқиб кела бошлади. Бироқ улардан фақат озроқ қисмигина инфратузилмага, мактаблар ва инклюзив институтлар таракқиёти учун зарур бўлган бошқа ижтимоий шароитларни таъминлашга ёки ҳуқуқ-тартиботни қайта тиклашга сарфланди, холос. Аксарият инфратузилма объектлари харобалигича қолган бир пайтда, пулнинг катта қисми БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар расмийларини ташиш учун ҳаво транспорти таъминотига сарфланди. Уларга ҳайдовчилар ва тилмочлар ҳам зарур эди. Шунинг учун улар инглиз тилини биладиган айрим давлат мулозимларини ҳамда афғон мактабларидаги

Ўқитувчиларни ўзларига ҳайдовчи ва йўл кўрсатувчи ҳамроҳ сифатида ишга ёллаб, уларга Афғонистондаги маошлардан бир неча баробар юқори ҳақ тўлардилар. Оз сонли малакали давлат хизматчилари халқаро кўмак ташкилотларига ишга ўтиб кетаркан, кириб келаётган ташқи ёрдам Афғонистонда инфратузилмани барпо қилиш ўрнига давлат ҳокимиятини заифлаштиришни бошлади, ваҳоланки, ташқи ёрдамдан мурод Афғонистонда давлат ишларини йўлга қўйиш ва давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш эди.

Афғонистоннинг марказий водийсидаги чекка туманда яшайдиган қишлоқ аҳолиси яшайдиган ҳудуддаги уйларни тиклаш бўйича кўп миллион долларлик янги дастур ҳақида радиода берилган хабардан воқиф бўладилар. Анчадан кейин қишлоққа собиқ ҳарбий кўмондон ва Афғонистон ҳукумати вакили Исмоил Хоннинг юк машиналаридан иборат қарвонда оз-моз ёғоч тўсинлар келтирилди. Бироқ тахталар бу ерда қурилишга ишлатиш учун жуда катта бўлганидан қишлоқ аҳолиси улардан фойдаланишнинг бошқа, ягона мақбул йўлини ўйлаб топди: ёғоч тўсинлар ўтин қилиб ёқилди. Хўш, қишлоқ аҳолисига ваъда қилинган миллионларга нима бўлди? Ваъда қилинган маблағнинг 20 фоизи Женевадаги БМТ Бош қароргоҳи харажатларига олиб қолинди. Қолгани нодавлат ташкилот ихтиёрига ўтказилди. У ҳам Брюсселдаги асосий идораси харажатлари учун яна 20 фоизни чегириб олди, шу тариқа пул яна уч ташкилот орасида қўлдан-қўлга ўтиб, ҳар ким қолган тахминан 20 фоизлик улушни ўзлаштириб олди. Афғонистонга етиб борган озгина маблағ Эроннинг ғарбий ҳудудидан ёғоч харид қилинишига сарфланди ва уларни ташиш харажатларини қоплаш учун Исмоил Хоннинг юк машиналарига ақл бовар қилмас нархларда ҳақ тўланди. Ўша бесўнақай тахталар қишлоққача етиб келганининг ўзи бир мўъжиза эди.

Афғонистоннинг марказий водийсида содир бўлган бу ҳодиса ягона эмас. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ажратилган маблағнинг атиғи 10, кўпи билан 20 фоизи жойига етиб борган. Ёрдам пулларини ўмаргани учун ўнлаб БМТ вакиллари ва маҳаллий амалдорлар товламачиликда айбланиб, сўроқ қилинмоқда. Аммо аксарият ҳолларда товламачиликдан эмас, кўпроқ уқувсизлик туфайли, ундан ҳам ёмони, одатдагидек халқаро ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар учун бу шунчаки бизнес бўлганидан ажратилган ёрдам маблағлари беҳуда совурилган.

Очиғини айтганда, халқаро ёрдамларни ўзлаштириш масаласида Афғонистон бошқа мамлакатлар билан таққослаганда, анча муваффақият қозонгандай туюлади. Сўнгги 50 йил давомида дунёнинг турли мамлакатлари ҳукуматларига юз миллиардлаб доллар маблағ “тараққиёт учун” ёрдам тарикасида ажратилган. Бу пулларнинг асосий қисми худди Афғонистонда бўлгани сингари ташкилотлар харажатларини қошлаш йўлида ва коррупция туфайли кўкка совурилган. Ундан ҳам ёмони, жуда кўп пуллар Жозеф Мобуту сингари сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш илинжида тарафдорларни сотиб олиш ва бойлик орттириш учун ғарблик ҳомийлари кўмагига тобе бўлган диктаторларга кетган. Тропик Африканинг қолган мамлакатларидаги манзара ҳам бундан фарқ қилмас эди. Маблағни тўғри сарфлашда ўшандай муаммолар кузатилган бўлса-да, инкирозли вазиятларда вақтинчалик кўмак учун берилган инсонпарварлик ёрдамлари, масалан, яқинда Ҳаити ва Покистонга берилган кўмак анча фойдали бўлди.

“Тараққиёт учун” ёрдамнинг самарасизлигига қарамай, халқаро ёрдам дунёда қашшоқликка қарши курашдаги энг оммабоп тадбирлардан бири сифатида гарб давлатлари ҳукуматлари, БМТ ва турли-туман нодавлат ташкилотлардан иборат халқаро тузилмалар томонидан илгари сурилмоқда. Ва, албатта, ташқаридан ёрдам кўр-

сатиш амалиёти қайта-қайта муваффақиятсизликка учрамоқда. Тропик Африка, Кариб ҳавзаси, Марказий Америка ва Жанубий Осиёдаги қашшоқликни баргараф қилиш учун бой Ғарб мамлакатлари уларни “тараққиёт учун ёрдам” билан таъминлаши керак, деган янглиш фикр қашшоқлик сабабларини хато тушуниш туфайли юзага келган. Гап шундаки, Афғонистон ва бошқа мамлакатлар қашшоқлиги сабаби улардаги экстрактив институтларда. Бу институтлар мулк ҳуқуқи ҳимоясизлиги, қонун ва тартибга амал қилинмаслиги, суд тизимининг яхши ишламаслиги ва кўпинча маҳаллий элитанинг сиёсий ва иқтисодий ҳаёт бўйлаб исканжадаги ҳукмронлиги устига қурилгандир. Ана шу институционал муаммолар ташқи ёрдамнинг самарасиз бўлишини таъминлайди, чунки ёрдам пуллари ўмарилиб, белгиланган манзилга етиб бориши амри маҳол бўлади. Энг ёмон сценарийда эса бу маблағлар мазкур мамлакатлардаги муаммоларнинг асл илдизлари бўлган режимларни саклаб қолиш учун суянчиқ бўлади. Модомики, барқарор иқтисодий ўсиш инклюзив институтларга боғлиқ экан, экстрактив институтлар тепасида турган ҳукуматларга ёрдам бериш ечим бўллолмайди. Биз бу билан гуманитар ёрдамдан ташқари аввал мактаб мавжуд бўлмаган ҳудудларда мактаблар қуриш ва маошсиз қолиш хавфи бўлган ўқитувчиларга ҳақ тўлаш сингари махсус ёрдам дастурларидан ҳам катта фойда бўлишини инкор қилмоқчи эмасмиз. Аксарият ёрдам ташкилотларининг Кобулга оқиб боришидан оддий афғонлар ҳаётини яхшилаш учун наф кўп бўлмаса-да, мактаблар, айниқса, Толибон ва ҳатто ундан олдинги ҳукумат даврида таълимдан бутунлай маҳрум қилинган қизлар учун таълим муассасалари барпо қилишда сезиларли ютуқларга эришилди.

Ягона ечим – “шартли” асосда ёрдам кўрсатишдир. Кейинги йилларда оммалаша бошлаган бундай ёрдам негизида институтларнинг тараққиётга эришишдаги

ва ҳатто ёрдамни етказиб беришдаги ролини тан олиш ётади. Бунда ташқи ёрдамнинг давом этиши ёрдам олувчи мамлакатнинг муайян шартларни бажаришига – бозорни эркинлаштириш ёки демократлаштириш йўлига ўтиш сингари талабларга боғлиқ бўлади. Бундай шартли ёрдам турига ўтиш учун кичик Жорж Буш ҳукумати энг катта қадамни қўйган ва “Мингйилликнинг талаблари бўйича ҳисоб-китоб” дастурини амалга оширишга қўл урган эди. Лойихага кўра, келгусида ёрдам маблағларини олиш иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг бир неча йўналишларида етарлича ютуққа эришишга боғлиқ эди. Аммо шартли ёрдам самарадорлиги шартсиз ёрдамникидан яхшироқ бўлиб чиқмади. Одатда мазкур талабларни бажармаган мамлакатлар уларни бажарганлар билан бир хил кўмак олади. Сабаби оддий: улар “тараққиёт учун” ёки инсонпарварлик кўринишидаги ёрдамга кўпроқ мухтож бўлади. Аввалдан маълум бўлганидек, шартли ёрдамнинг мамлакатдаги институтларга таъсири айтарли сезилмади. Ҳаммасидан ҳам, Сьерра-Леоне раҳбари Сиака Стивенс ёки Конго диктатори Жозеф Мобуту каби шахслар ташқаридан биров кўпроқ ёрдам олиш учун ўзлари суянган экстрактив институтларни йўқ қилишига ишониш кийин. Ҳатто ташқи ёрдам умумий бюджетининг сезиларли қисмини ташкил қилган Тропик Африка мамлакатларида ҳам қўйилган шартлар кўламини катталаштирган “Мингйиллик талаблари бўйича ҳисоб” дастури жорий қилингандан кейин белгиланган ва диктатор ўз ҳокимиятини заифлаштириш эвазига олиши мумкин бўлган қўшимча маблағ унинг ҳукмронлиги ва ўз ҳаётини хавфга қўйишга арзимайдиган даражада кичик эди.

Аммо буларнинг барчаси инсонпарварлик кўмагидан ташқари барча ташқи ёрдам дастурларига чек қўйиш керак дегани эмас. Ташқи ёрдамни тўхтатиб қўйиш ярамайди, бундай қилиш инсонлар бошига қўшимча кулфат

келтириши мумкин. Бундай қилиш ярамайди, чунки кўпчилик Ғарб мамлакатлари фуқаролари дунёдаги иқтисодий ва гуманитар ҳалокатлар учун ўзини айбли ҳисоблайди ва ташвиш чекади. Халқаро ёрдам кўрсатиш эса уларни муаммоларга қарши курашда нимадир қилинганидан хотиржам қилади. Гарчи бу нимадир унча самарали бўлмаса-да, улардаги шундай қилишга бўлган истак сўнмайди ва халқаро кўмак бериш давом этади. Халқаро тузилмалар ва нодавлат ташкилотларнинг улкан мажмуаси ҳам мавжуд статус-квонинг узлуксизлигини таъминлаш йўлида ресурсларни тўхтовсиз талаб ва сафарбар қилаверади. Қолаверса, муҳтож мамлакатларга бериладиган ёрдамни тўхтатиб қўйиш бағритошлик бўларди. Майли, пулларнинг кўпи беҳуда исроф қилинсин. Лекин ёрдам ўлароқ юборилган ҳар бир доллардан 10 центи дунёдаги энг қашшоқ одамларга етиб борса ҳам, улар бениҳоя қашшоқ аҳволларини енгиллаштириш учун аввалгидан лоақал 10 центга бойроқ бўлади, бу эса барибир ҳеч нарса қилмагандан кўра яхшироқ.

Булардан икки муҳим сабоқ чиқариш мумкин. Аввало, бугунги кунда инкирозга учраган мамлакатларни оёққа турғазилда ташқи ёрдам самарали усул эмас. Асло. Қолқлик занжиридан халос бўлиш учун мамлакатларга инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтлар зарур. Ташқи кўмак, айниқса, ҳозирги ташкилий шакли билан бу борада деярли ҳеч нарса қилолмайди. Дунёдаги тенгсизлик ва қашшоқлик илдизларини тан олиш шунинг учун муҳимки, токи биз умидларимизни ёлғон ваъдаларга ишониб қурбон қилмайлик. Муаммонинг илди-зи институтларда экан, ёрдам олувчи мамлакатлардаги институтлар доирасида ташқи ёрдам билан барқарор ўсишга эришиш кийин масала. Иккинчидан, инклюзив иқтисодий ва сиёсий институтларнинг тараққиёти муҳим бўлгани учун кўрсатилаётган ташқи ёрдамнинг лоақал бир қисмини ана шундай институтлар ривожини

таъминлаш учун йўналтириш кони фойда бўларди. Гувоҳ бўлганимиздек, шарт қўйиш ечим эмас, негаки у ҳукмдорларнинг ён беришини тақозо қилади. Ташқи ёрдамни шундай йўналтириш керакки, ундан фойдаланиш, уни бошқариш орқасидан аввал ҳокимиятга яқинлаштирилмаган гуруҳлар ва шахслар қарорларни қабул қилиш жараёнига кириб келсин ҳамда аҳолининг кенг қатламлари ҳуқуқлари кенгайтирилсин.

ҲАҚНИНГ ОЛИНИШИ

1978 йил 12 майи Бразилиянинг Сан-Паулу штатидаги Сан-Бернарду шаҳрида жойлашган “Scania” юк машиналар заводида одатдаги кунлардан фарқ қилмасди гўё. Лекин ишчилар безовта эди. 1964 йилда ҳарбийлар президент Жуан Гулартнинг демократик ҳукумати-ни ағдариб ташлагандан бери мамлакатда иш ташлашлар тақиқланганди. Бироқ ўша кун и ҳукумат инфляция кўрсаткичини истеъмом нархлари ошишидан пастрок даражада ўрнатмоқчилиги ҳақида хабар тарқалди. Тонгги соат 7 да иш сменаси бошланганда, ишчилар ишларини ташлади. Соат 8 да заводда хизмат қиладиган касаба уюшмаси ташкилотчиси Гилсон Менезес касаба уюшмаси йиғилишини чақирди. Сан-Бернарду металлургия уюшмаси президенти 33 ёшли Луис Игнасиу Лула да Сильва (“Лула”) эди. Туш пайтига келиб, Лула заводга етиб келди. Компания ундан ходимларни иш жойига қайтишга кўндиришни илтимос қилади, аммо у бун и рад этади.

“Scania” заводидаги иш ташлаш бутун Бразилияни камраб олган намоишлар деб очаси эди. Аввалига бу намоишлар маошлар туфайли юз берган бўлса-да, кейинчалик Лула шундай хотирлайди:

Ўйлашимча, иқтисодий ва сиёсий омилларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Курашдан мурод маошлар эди, аммо маош масаласида курашар экан, ишчилар синфи сиёсий галабани қўлга киритди.

Бразилия ишчилар ҳаракатининг уйғониши салкам

15 йиллик ҳарбий ҳукумат бошқарувига қарши кенг кўламли ижтимоий ҳаракатнинг бир қисми эди, холос. Демократия қайта тиклангандан кейин сўлчи зиёли Фернанду Энрики Кардозу Бразилия президенти бўлади. У 1973 йилдаёқ айтганидек, ҳарбий ҳукуматга қарши кўплаб ижтимоий гуруҳлар биргаликда курашганда, Бразилияда демократия қайта тикланиши мумкин эди. Унинг фикрича, энг зарурий омил *“фуқаролик жамиятини, яъни касб-ҳунар эгалари бирлашмалари, касаба уюшмалари, черковлар, талабалар иттифоқлари, тадқиқот гуруҳлари ва дебат клублари сингари ижтимоий ҳаракатларни фаол ҳаракатга келтириш”*дан, бошқача айтганда, демократияни қайта тиклаш ва Бразилия жамиятини ислох қилишни ният қилган кенг коалицияни вужудга келтириш эди.

“Scania” заводи ана шу коалициянинг шаклланишидан дарак берди. 1978 йил охирига келиб, Лула янги сиёсий партия – Ишчилар партиясини ташкил қилиш ғоясини тарғиб қилишга киришди. Лекин бу партия фақат касаба уюшмаси вакиллари партияси бўлмасди. Луланинг фикрича, у ёлланиб ишлайдиган барча меҳнаткашларнинг ва том маънодаги камбағалларнинг партияси бўлиши керак эди. Шундай қилиб, касаба уюшмаси вакиллари-нинг сиёсий платформа ташкил қилиш бўйича ҳаракатлари энди пайдо бўлаётган кўплаб ижтимоий ҳаракатлар билан бирлашди. 1979 йил 18 августда Сан-Паулуда Ишчилар партиясини ташкил қилиш муҳокамасига бағишланган йигилиш бўлиб ўтди. Тадбир баҳонасида собиқ мухолифдаги сиёсатчилар, касаба уюшмалари раҳбарлари, талабалар, олимлар бир жойга тўпланди ва 1970-йилларда бутун Бразилияда мавжуд бўлган юзтача хилма-хил ижтимоий ҳаракатлар вакиллари уюша бошлади. 1979 йилнинг октябрида Сан-Бернардудаги “Сан-Жудас Тадео” ресторанида ташкил этилган Ишчилар партияси ана шу турфа гуруҳларнинг барчасини бирлаштирди.

Тез орада партия ҳарбийлар истар-истамас йўл қўйиб

берган сиёсий очикликдан фойдалана бошлади. 1982 йилги маҳаллий сайловларда Ишчилар партияси биринчи марта номзодлари билан иштирок этди ва иккита мэрлик ўрнини эгаллади. 1980-йиллар давомида Бразилияда демократия аста-секин қайта тикланар экан, Ишчилар партияси тобора кўпроқ маҳаллий бошқарув органларида назоратни қўлга ола бошлади. 1988 йилга келиб, партия 36 та муниципалитетда, жумладан, Сан-Паулу ва Порту Алегре сингари йирик шаҳарларда ҳукмронлик қилаётган эди. 1989 йилда ҳарбий тўнтаришдан кейин биринчи эркин президентлик сайлови ўтказилиб, сайловнинг биринчи босқичида партия номзоди Лула 16 фоиз овозни қўлга киритди. Фернанду Коллорга қарши кечган иккинчи тур баҳсида эса у 44 фоиз овоз олди.

Кураш авж олган 1990-йилларда кўплаб ҳудудлардаги маҳаллий ҳокимиятларни қўлга киритиш жараёнида Ишчилар партияси маҳаллий ижтимоий ҳаракатлар билан яқин алоқа ўрната бошлади. 1988 йилда Порту Алегредда ҳокимиятни қўлга киритган Ишчилар партиясининг биринчи маҳаллий ҳукумати “бюджетда иштирок этиш” тартибини жорий қилди, унга кўра, оддий фуқаролар шаҳар харажатларини белгилашда иштирок этиши мумкин эди. Шу тариқа маҳаллий ҳукуматнинг ҳисобдорлиги ва жавобгарлиги бўйича дунёга намуна бўлган тизим яратилди ҳамда унинг натижасида шаҳарда ижтимоий хизматлар таъминоти ва аҳолининг турмуш даражасида катта ўзгаришлар юз берди. Партиянинг маҳаллий даражадаги муваффақиятли бошқарув тизими давлат миқёсида сиёсий фаоллик ва муваффақиятга эришишга ҳам таъсир қилди. Гарчи Лула 1994 ва 1998 йилги президент сайловларида Фернанду Энрики Кардозуга ютказган бўлса-да, 2002 йилда Бразилия президенти этиб сайланди. Ишчилар партияси эса ўшандан бери ҳокимиятни қўлдан бермай келмоқда.

Бразилияда турли-туман ижтимоий ҳаракатлар ва

меҳнаткашларнинг бирлашиши натижасида кенг коалиция ташкил топиши мамлакат иқтисодиётига катта таъсир қилди. 1990 йилдан бери иқтисодий ўсиш жадал давом этиб, камбағалларнинг аҳоли сонидаги улуши 45 фоиздан 2006 йилда 30 фоизга тушди. Ҳарбийлар бошқаруви даврида катталашиб кетган тенгсизлик даражаси Ишчилар партияси ҳокимиятга келгандан кейин кескин пасайди ва таълим олиш даражаси кенгайиб, аҳолининг ўртача таълим олиш муддати 1995 йилги 6 йилдан 2006 йилда 8 йилга кўтарилди. Ҳозирда Бразилия БРХХ (Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой) давлатларидан бири ҳисобланади ва халқаро дипломатик муносабатларда ўз таъсирига эга бўлган Лотин Америкасидаги биринчи мамлакатга айланди.

Бразилияда 1970-йиллардан бошланган юксалиш халқаро ташкилотларнинг яхшироқ қарорларни қандай ишлаб чиқиш ва бозор инқирозларидан қутулиш бўйича Бразилия сиёсатчиларига берган тавсиялари асосида юз бермади. Унга ташқи кучлар ёрдами билан эришилмади ҳам. У модернизациялашувнинг табиий маҳсули ҳам эмасди. Аксинча, бу юксалиш дадиллик билан инклюзив институтларни қуришга киришган хилма-хил гуруҳлар ҳаракати меваси эди. Охир-оқибат буларнинг барчаси янада инклюзивроқ бўлган институтларга олиб келди. Бразилиядаги трансформация XVII асрда Англияда бўлгани каби инклюзив сиёсий институтлар вужудга келиши билан бошланди. Аммо мамлакат қандай қилиб инклюзив сиёсий институтларни йўлга қўя олади?

Тарих олигархиянинг темир қонуни гирдобига маҳкум бўлган ва бир турдаги экстрактив институтларни ундан ҳам баттарроқлари билан алмаштирган реформа ҳаракатларига тўла. Бизга маълумки, 1688 йилда Англия, 1789 йилда Франция, 1868 йилги Мэйдзи ислохотлари даврида эса Япония инклюзив сиёсий институтларни шакллантиришни сиёсий инқилоб билан бошлаганди.

Аммо бундай сиёсий инқилоблар одатда кўпдан-кўп вайронагарчилик ва кулфатлар келтиради, уларнинг муваффақият қозониши ҳам аниқ эмас. Октябрь инқилобининг мақсади Чор Россиясидаги зўравон иқтисодий тизимни адолатлироқ ва самаралироқ тартиб билан алмаштириш ва шу орқали миллионлаб россияликларга эркинлик ва фаровонлик олиб келишдан иборат эди. Таассуфки, пировардида ҳаммаси аксинча бўлди. Большевиклар ағдариб ташлаган ҳукумат қурган институтларнинг ўрнини улардан анчагина шафқатсизроқ ва экстрактивроқ институтлар эгаллади. Хитой, Куба ва Вьетнамнинг бошига тушган қисмат ҳам шундай бўлди. Кўплаб коммунизмга алоқаси бўлмаган, иерархик реформалар ҳам яхшироқ мева бермади. Жамол Абдул Носир Мисрда замонавий эгалитар жамият куришга ваъда берган эди, аммо бу 13-бобда тилга олганимиз Ҳусни Муборакнинг коррупциялашган режимига олиб келди. Ян Смитнинг ирқчиликка асосланган ва гоят экстрактив Родезия режимини ағдариб ташлаган Роберт Мугабе кўпчиликнинг назарида эркинлик курашчиси сифатида кўрилганди. Бироқ Зимбабведаги институтларнинг экстрактивлигида камайиш кузатилмади, мамлакатнинг иқтисодий натижалари эса мустақилликдан олдинги даражадан ҳам баттарроқ бўлиб қолди.

XIX асрда Шимолий Америка ва Англияда, мустақил бўлгач, Ботсванада янада инклюзивроқ институтлар ва тадрижий институционал ўзгаришлар учун замин ҳозирлаган сиёсий инқилобларнинг барчасидаги муштарак жиҳат шундаки, уларда жамиятнинг етарлича турли табақаларининг ҳуқуқлари таъминланди; шунингдек, инклюзив сиёсий институтларнинг сезиларли мустаҳкамланишига ҳам олиб келди. Инклюзив сиёсий институтларнинг пойдевори бўлмиш плюрализм сиёсий ҳокимиятнинг жамиятда кенг тақсимланишини тақозо қилади. Ҳокимиятни тор элитага бериб қўядиган экстрактив

институтлар шароитида плюрализм вужудга келиши учун эса инсон ҳуқуқлари таъминланиши керак. Айнан ана шу нарса, 7-бобда таъкидлаганимиздек, Шонли инқилобни бир элитани бошқаси ҳокимиятдан ағдарадиган одатий тўнтаришлардан фарқлаб туради. Шонли инқилобга келсак, ундаги плюрализмнинг илдизлари савдогарлар, ишлаб чиқарувчилар, майда дворянлар ва инглиз аристократиясининг тождори билан келишолмаган вакилларидан иборат катта коалиция бошчилигида Жеймс II нинг тахтдан ағдарилишида эди. Шонли инқилобни катта коалиция пайдо бўлиши ва кучайиши таъминлаганди. Энг муҳими, инқилоб ҳам, ўз навбатида, жамиятнинг янада кўпроқ аъзолари ҳуқуқлари аввалгидан кўра ортишига олиб келди. Ҳолбуки, инқилобни амалга оширган қатлам бутун жамият билан солиштирганда анча кичик эди ва Англия яна икки юз йилдан ортиқ вақт мобайнида том маънодаги демократиядан узоқда қолди. Шимолий Америкадаги мустамлакаларда инклюзив институтларнинг пайдо бўлишига олиб келган омиллар ҳам шундай эди, бунга биринчи бобда гувоҳ бўлдик. Бу сафар ҳам Виржиния, Каролина, Мэриленд ва Массачусетсда бошланган, мустақиллик декларацияси қабул қилинишига ҳамда Американинг инклюзив сиёсий институтлари мустаҳкам қарор топишига олиб борган тараққиёт йўли жамиятнинг тобора кўпроқ қатламлари ҳуқуқлари кенгайиши билан боғлиқ эди.

Буюк француз инқилоби ҳам жамиятдаги турли қатламларнинг ҳақ-ҳуқуқлари кенгайиши намунаси бўлиб, айнан улар Франциядаги эскича тузумга қарши чикди ва плюралистик сиёсий тизим учун замин яратди. Аммо француз инқилоби, айниқса, Робеспьернинг репрессив ва конли режимидаги террор даври шуни кўрсатадики, ҳақ-ҳуқуқларни қўлга киритиш қутилмаган муаммоларсиз юз бермайди. Лекин охир-оқибат Робеспьер ва унинг яқобинчи шериклари олиб ташланди. Буюк француз ин-

яқилобининг энг асосий натижаси эса гильотина² эмас, Франция ва Европанинг бошқа жойларида инқилоб туфайли амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар бўлди.

Ҳақ-хуқуқлар кенгайишидан иборат ана шу тарихий жараёнлар ва 1970-йиллардан бошлаб Бразилияда юз берган ҳодисалар ўртасида бир қанча ўхшашлик бор. Гарчи Ишчилар партиясининг таянчларидан бири касаба уюшмалари бўлса-да, партия ташкил қилинган дастлабки кунларданоқ бор куч-ғайратини партиёга бағишлаган Лула ва бошқа кўплаб муҳолиф сиёсатчилардан иборат етакчилар уни кенг қамровли коалицияга айлантиришга тиришдилар. Бу ҳаракатлар мамлакатдаги барча маҳаллий ижтимоий ҳаракатларни бирлаштира бошлади ва партия маҳаллий ҳокимиятни эгаллар экан, фуқароларни сиёсий жараёнларда иштирок этишга руҳлантириб, мамлакатда бошқарув соҳасида ўзига хос инқилоб юз беришига сабаб бўлди. XVII асрдаги Англия ва XVIII аср охиридаги Франциядан фарқли ўлароқ, Бразилияда бир уриниш билан сиёсий институтларни тарансформация қилиш жараёнини аланга олдирадиган кескин инқилоб юз бермади. Аммо Сан-Бернардудаги заводларда бошланган ҳақ-хуқуқ учун кураш қисман самарали бўлди, чунки у мамлакат даражасидаги фундаментал сиёсий ўзгаришга, масалан, ҳарбий бошқарувдан демократияга ўтиш жараёнига айланди. Энг муҳими, Бразилияда қуйи қатламнинг ҳақлари кенгайиши туфайли демократияга ўтиш жараёни инклюзив сиёсий институтларга ўтиш билан уйғун ҳолда кечди, бу эса ижтимоий хизматларни йўлга қўйиш, таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва тенг кураш майдонини йўлга қўйишга хайрихоҳ ҳуқумат пайдо бўлишида муҳим омил бўлди. Биз гувоҳ бўлдикки, демократия плюрализм вужудга келишини кафолатламайди. Бу борада Бразилиядаги плюралистик институтлар тараққиёти ва Венесуэла тажрибаси ўртаси-

² Франциядаги инқилоб пайтида ўлимга ҳукм қилинганларнинг бошини олиш учун ишлатилган қурилма.

даги қарама-қаршилик аҳамиятлидир. Венесуэла ҳам 1958 йилда демократик тузумга ўтгани, ammo бу қуйи қатлам ҳуқуқлари кенгаймасдан содир бўлди ва сиёсий ҳокимият плюралистик тарзда тақсимланмади. Аксинча, Венесуэлада коррупцияга ботган сиёсат, таниш-билишчилик алоқалари ва келишмовчиликлар сақланиб қолди. Бунинг натижасида сайловчилар сайлов участкаларига борар экан, ўз ихтиёрлари билан Уго Чавес сингари бўлажак диктаторларни қўлларди. Бунинг боиси эса катта эҳтимол билан улар ёлғиз диктаторгина Венесуэланинг ҳукмрон элитасига қарши тура олади, деган ишончда бўлганларида эди. Пировардида Венесуэла ҳамон экстрактив институтлардан азиат чекмоқда, Бразилия эса кобикни ёриб чиқа олди.

Ҳақ-ҳуқуқларни кенгайтириш, шу тариқа инклюзив сиёсий институтларни ривожлантириш жараёнини жадал бошлаш ёки унга қўмаклашиш учун нима қилиш мумкин? Очиги, бундай институтларни қуриш учун бирор рецепт йўқ. Тўғри, ҳақ-ҳуқуқларни кенгайтириш жараёни бошланиши эҳтимолини ошириш учун бир қатор омиллар бор. Чунончи, амалдаги ҳукумат билан ижтимоий ҳаракатлар рақобатга киришганда қонунсизлик урчиб кетмаслиги учун марказлашган ҳокимиятнинг маълум даражасига эришилган бўлиши керак. Кенг қамровли коалицияни ташкил қилиш ва сақлаб қолиш учун Ботсванадаги анъанавий сиёсий институтлар каби аввалдан маълум даражада плюрал сиёсий институтлар бўлиши лозим. Муҳолиф ҳаракатларни мавжуд элита йўқ қилмаслиги ёки алалоқибат мавжуд экстрактив институтларни эгаллаш иштиёқидаги бошқа гуруҳ қўлидаги қуролга айланиб қолмаслик учун аҳоли талабларини мувофиқлаштиришга қодир фуқаролик жамияти институтлари мавжуд бўлиши керак. Бироқ тарихий нуқтаи назардан бу омиллардан аксарияти олдиндан аён бўлмади ва ўзгариш жуда секин кечади. Бразилия тажрибаси

шуни кўрсатадики, фуқаролик жамияти институтлари ва уюшган партия ташкилотларини нолдан куриш мумкин, лекин бу жараён секинлик билан рўй беради. Шу билан бирга, унинг турлича шароитларда қанчалик муваффақият қозонишини англаш мушкул.

Яна бир муҳим ижрочи ёки ижрочилар жамоаси ҳақ-ҳуқуқларни кенгайтириш жараёнида ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин: бу – ОАВ. Иқтидордаги шахсларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳокимиятни суниестемол қилиши ҳақида ахборотлар тарқалмаса, жамиятдаги барча табақалар ҳуқуқларини кенгайтириш ва таъминлаш қийин. 11-бобда АҚШ жамоатчилигини мамлакатнинг инклюзив институтларини заифлаштиришга уринган кучлардан хабардор қилиш ва уларга қарши ижтимоий фикрни шакллантиришда матбуотнинг тутган ўрни ҳақида сўзлаган эдик. Шу билан бирга, жамиятнинг кенг қатламлари ҳуқуқлари кенгайтирилиши янада терапрок сиёсий ислохотлар томон йўналтиришда ҳам матбуот муҳим роль ўйнаши мумкинлигига, 11-бобдаги муҳокамада, хусусан, Британиядаги демократлаштириш жараёни мисолида гувоҳ бўлдик.

Англиядаги Шонли инқилоб ва Буюк француз инқилоби даврида ҳамда XIX асрда Британияда демократия сари борилар экан, одамларни воқиф қилиш ва уларни ҳаракатга ундашда памфлетлар ва китоблар муҳим ўрин тутган. Худди шундай, матбуот, айниқса, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасидаги ютуқларга асосланган янги воситалар, жумладан, интернет блоглар, аноним чатлар, “Facebook” ва “Twitter” тармоқлари Эронда 2009 йилги президентлик сайловида Маҳмуд Аҳмадинажот фойдасига овозлар сохталаштирилиши ва ундан кейинги катагонларга қарши муҳолифатни оёққа турғазилда катта роль ўйнади. Мана шу битиклар ёзилаётганда давом этаётган “Араб баҳори” намо-

йишларида ҳам худди ана шу воситалар асосий вазифани бажармоқда.

Авторитар ҳукуматлар одатда эркин матбуотнинг аҳамиятини яхши билади ва унга қарши бор кучи билан курашишади. Бунинг ёркин мисолини Перудаги Альберто Фухимори ҳукмронлигида кўриш мумкин. Аслида демократик йўл билан сайланган бўлса-да, 1992 йилда ўзи ҳокимиятда бўла туриб тўнтариш ўтказган Фухимори Перуда диктатура ўрнатади. Шундан сўнг сайловлар ўтказилишда давом этса ҳам, Фухимори коррупцияга ботган режимни барпо қилди ва мамлакатни қатағонлар ва порахўрлик билан бошқарди. Бу борада у асосан ўзининг ўнг кўли, Перунинг қудратли миллий разведка хизмати раҳбари Владимиро Монтесиносга суянди. Монтесинос жуда пишиқ одам эди, у турли шахсларга садоқатлари учун ҳукумат қанча тўлаганига оид маълумотларни қайд этиб боради ва кўплаб пора бериш жараёнларини видеотасмага муҳрлайди. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Далилларни шунчаки сақлашдан ташқари, у бир нарсани қафолатларди: жиноят иштирокчиларига оид ёзувлар бўлгани учун улар энди Фухимори ва Монтесинос билан бир хил айбли ҳисобланарди. Фухимори ҳукумати қулагандан кейин бу ёзувлар журналистлар ва ҳокимият кўлига тушиб қолади. Топилган далиллардан диктатура учун матбуотнинг қиймати қанча бўлганини билиш мумкин. Олий суд судяларининг “нархи” ойига 5 минг АҚШ долларидан 10 минг долларгача бўлса, турли партияларга мансуб сиёсатчиларга ҳам шунча ҳақ тўланган. Аммо газета ва телеканалларга келганда, тўлов миллионларга айланади. Телеканалларни назорат қилиш учун бир вазиятда Фухимори ва Монтесинос 9 миллион доллар берган бўлса, бошқа ҳолатда 10 миллион доллардан кўпроқ харажат қилинган. Улар бир оммабоп газетага бир миллион доллардан кўпроқ тўлашган, бошқаларига эса ҳар бир мақола учун 3-8 минг доллар атрофида бадал

беришган. Шундай қилиб, Фухимори ва Монтесинос матбуотни назорат қилиш сиёсатчилар ва судяларни бошқаришдан кўра анча муҳимроқ, деб ҳисоблаганлар. Видеотасвирлардан бирида Монтесиноснинг гунаҳгарларидан бири генерал Белло шундай дейди: *“Агар телевидениени назорат қилмасак, у ҳолда ҳеч нарса қилмаётган бўламиз”*.

Хитойдаги ҳозирги экстрактив институтлар ҳам Хитой ҳукуматининг ОАВ устидан назоратига бениҳоя боғланган бўлиб, бу назорат, аввал қайд этилганидек, мукамал йўлга қўйилган. Хитойлик таҳлилчи айтганидек:

“Сиёсий ислоҳот жараёнида партия раҳнамолигини сақлаб қолиш учун уч тамойилга риоя қилмоқ керак. Булар – партия қуролли кучларни назорат қилади, партия кадрларни назорат қилади ва партия ахборотни назорат қилади”.

Бир нарса аёнки, эркин матбуот ва янги коммуникация технологиялари инклюзив институтлар учун қурашаётган кишиларни хабардор қилиш ва уларнинг талабларини хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш орқали қисман ёрдам бериши мумкин. Бу ёрдам том маънодаги ўзгаришга олиб келиши учун жамиятнинг кенг қатламлари сиёсий реформа йўлида ҳаракатга келиши ва уюшиши лозим. Ва албатта, бу ҳаракат диний мансубликка кўра ёки экстрактив институтлар жиловини кўлга олиш учун бўлмасдан, экстрактив институтларни инклюзив институтларга айлантириш мақсадида амалга оширилиши керак. Бу жараён бошланиши, келгусида ҳуқуқларнинг кенгайиши ва охир-оқибат давомли сиёсий ислоҳотлар учун эшиклар очилиши эса турфа хил мисолларда кўрганимиздек, иқтисодий ва сиёсий институтлар бўйича тарихий тажрибага, аҳамият касб этадиган турли-туман майда фарқларга ва тарихнинг қутилмаган шартли бўрилишларига боғлиқ.

**“ASAXIY BOOKS” ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА
ЧОП ҚИЛИНГАН КИТОБЛАР**

Уолтер Айзексон, “СТИВ ЖОБС”, 2019, 624 бет.

Йона Бергер, “ЮҚУМЛИЛИК: МАҲСУЛОТ ВА ҒОЯЛАР
ҚАНДАЙ ОММАЛАШАДИ?”, 2021, 248 бет.

Дэн Браун, “ИБТИДО”, 2021, 664 бет.

Дэн Браун, “РАҚАМЛИ ҚАЛҒА”, 2019, 480 бет.

Лариса Буракова, “ГРУЗИЯ МУВАФФАҚИЯТГА ҚАНДАЙ
ЭРИШДИ?”, 2021, 328 бет.

Малкольм Гладуэлл, “ЗУККОЛАР ВА ЛАНДАВУРЛАР”,
2019, 220 бет.

Жавлон Жовлиев, “ҚЎРҚМА”, 2020, 376 бет.

Дэниел Киз, “ЭЛЖЕРНОНГА АТАЛГАН ГУЛЛАР”, 2020, 320
бет.

Стивен Р. Кови, “МУВАФФАҚИЯТЛИ ИНСОНЛАРНИНГ 7
КЎНИКМАСИ”, 2020, 438 бет.

Пауло Коэльо, “АЛИФ”, 2020, 308 бет.

Жон Г. Миллер, “САВОЛ ОРТИДАГИ САВОЛ”, 2021, 104
бет.

Марк Мэнсон, “БЕПАРВОЛИКНИНГ НОЗИК САНЪАТИ”,
2020, 192 бет.

Рамита Наваи, “ЁЛҒОНЛАР ШАҲРИ”, 2020, 276 бет.

Кэл Ньюпорт, “ДИҚҚАТ: ЧАЛГИТУВЧИ ДУНЁДА
МУВАФФАҚИЯТ СИРЛАРИ”, 2020, 230 бет.

Жорж Оруэлл, “1984”, 2019, 296 бет.

Жорж Оруэлл, “МОЛХОНА”, 2019, 100 бет.

Жером Сэлинджер, “ЖАВДАРЗОРДАГИ ХАЛОСКОР”, 2020,
252 бет.

Брайан Трейси, “САМАРАДОРЛИКНИНГ 21 ЙЎЛИ”, 2020,
92 бет.

Ҳенри Форд, “МЕНИНГ ҲАЁТИМ”, 2020, 300 бет.

Тони Шей, “БАХТ ЕТКАЗИШ: МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК
ИНТЕРНЕТ ДЎКОН ТАРИХИ”, 2020, 298 бет.

Лара Эдриан, “ТУНГИ ТАШРИФ”, 2019, 240 бет.

Дарон Ажемўғли
Жеймс А. Робинсон

МАМЛАКАТЛАР ТАНАЗЗУЛИ САБАБЛАРИ:
қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари

Таржимон

Сиротуллохон Муҳаммадсолиев

Муҳаррир	Х. Йўлдошев
Мусахҳихлар	М. Шарифова
	Д. Ҳайдарова
Дизайнер	М. Ҳошимов
Саҳифаловчилар	Д. Расулов
	Г. Қодирова

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи “Asaxiy books” лойиҳасига тегишли бўлиб, “Asaxiy books” рухсатсиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Тасдиқнома №5295, санаси: 23.01.2021

Босишга 23.02.2021 да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Офсет қоғози. Офсет босма. Calibri гарнитураси. Шартли босма табоғи 36,12. Босма табоғи 21.5 Адади 3000 нусха. Буюртма № Д20.

“Ofset print” МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона ва нашриёт манзили:

Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўнқўрғон кўчаси, 4-уй.